



ИСЛОМ КАРИМОВ

**ВАТАН
САЖДАГОҲ
КАБИ
МУҚАДДАСДИР**

3

ISBN 5-640-02097-0

Тошкент
«Ўзбекистон»
1996

ЎЗБЕКИСТОННИНГ СИЁСИЙ-ИЖТИМОЙ ВА ИҚТИСОДИЙ ИСТИҚБОЛИНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

Ассалому алайкум, муҳтарам халқ ноиблари!

Қадрли дўстлар!

Авваламбор, барчангизни халқимизнинг ишончига мушарраф бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига депутат этиб сайланганингиз билан чин қалбимдан табриклишга ижозат бергайсизлар.

Ўйлайманки, бугунги анжуман барчамизнинг хотирамизда ғоят мухим бир воқеа сифатида сақланиб қолади.

Чунки сизлар Ўзбекистон тарихида илк марта кўппартиявилик ва демократик асосда ўтказилган сайловлар натижасида мамлакат парламентига аъзо этиб сайландингиз.

Биринчилар қаторида бўлиш - жуда шарафли ва, шу билан баробар, жуда масъулиятли ишдир.

Мен бугун бу муҳташам залда Ўзбекистон равнақи учун, халқимизга фаровон турмуш яратиб бериш учун ўз меҳнати, ақлзаковати, истеъоди ва салоҳиятини аямай, хузур-ҳаловатдан кечиб, Ватанимизга сидқидилдан ва садоқат билан хизмат қилишга бел боғлаб, халқимизнинг эзгу ниятларини рўёбга чиқаришга аҳд этган сиздай инсонларни кўришимдан ва сиз азизлар билан сафдош бўлганимдан бениҳоя хурсандман.

Азиз дўстлар!

Сизларнинг сафингизда турмушнинг аччик-чучугини обдан татиган, бой ҳаётий тажрибалари ва оқилона маслаҳату насиҳатлари билан барчамизга ўrnak бўлиб келаётган нуроний оқсоқолларимиз бор.

Сизларнинг сафингизда янгича тафаккур ва фаолиятлари билан элга танилган ташаббускор ва тадбиркор иш одамлари бор.

Сизларнинг сафингизда илму фан, маданият ва маърифат соҳасининг энг атоқли намояндалари борки, биз улар билан бир замонда яшаётганимиз, улар билан ёнма-ён ва ҳамнафас бўлиб меҳнат

қилаётганимиздан ҳақли равишда фахрланамиз.

Сизларнинг сафингизда халқимизнинг орзу-умидларини теран англайдиган, халқимизнинг оғирини енгил этишни мұқадdas бурч деб биладиган билимдон ва қатъиятли раҳбарлар борлиги кўнглимизни тоғдай кўтаради.

Ишончим комилки, сизлар, хурматли депутатлар, азиз диёримизнинг куч-кудрати ва шон-шуҳратини юксалтириш, халқ вакили деган шарафли номни оқлаш учун фидокорона ва ҳалол меҳнат қиласизлар.

Сизларга бу олижаноб йўлда ҳамиша омад ва зафарлар ёр бўлсин.

Муҳтарам юртдошлар!

Бугунги муборак кунда, яъни янги парламент - Олий Мажлис ўз фаолиятини бошлаган кунда, ўтган йилларда иш олиб борган собиқ Олий Кенгаш фаолиятини эслаб ўтишни барчамизнинг ватандошлик бурчимиз деб ҳисоблайман.

Адолат юзасидан айтишимиз керак: Олий Кенгаш яхши ва унумли ишлади. Олий Кенгаш ниҳоятда мураккаб даврда фаолият кўрсатиб, Ўзбекистон истиқтолини эълон қилиб, давлат мустақиллигининг сиёсий-ҳуқуқий асосларини, маънавий негизларини тайёрлади ва амалга ошириди.

Олий Кенгаш ва Президент ҳамда мамлакат ҳукумати ўзаро ахиллик билан фаолият кўрсатди. Жамиятда сиёсий парокандалик, бўлиниш юз бермади. Тинчлик ва тотувлик ҳукм сурди. Халқимиз жипслашди. Давлатимиз пойdevori мустаҳкамланди. Ўзбекистон жаҳон миқёсига чиқди.

Олий Кенгаш ўз фаолиятини бошлаган пайтда собиқ Шўролар тузумининг қонунлари кучда эди.

Истиқтолга эришганимиздан кейин мустақиллик даврига муносиб янги қонунчиликни яратиш вазифаси вужудга келди. Собиқ Олий Кенгашимиз тайёрлаган ва қабул қилган 200 га яқин қонун ва 500 дан зиёд карор ана шу мұқадdas вазифанинг шарафли ижроси эди.

Собиқ Олий Кенгаш мамлакатимиз тарихида биринчи бор Президентни сайлади. Мустақиллик декларациясини эълон қилди. Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги ҳақидаги тарихий қонунларини

ва унинг асосий Қомусини қабул этди.

Булар барчаси - тарихий воқеалар. Бу воқеаларнинг ижодкори ва ижрочиси бўлмиш Олий Кенгаш аъзоларининг фаолиятини бугун биз фахр билан эсласак арзиди.

Улар ўтиш даврининг муҳим ҳақиқати - жамиятда ўзаро тотувликни сақлаш принципини яхши англаган ҳолда фаолият юритдилар. Янги замон талабларини тушуниб, очиқ, демократик жамият қуриш ва эркин бозор муносабатларига ўтишга асос солувчи жуда муҳим қонунларни ишлаб чиқдилар ва қабул қилдилар.

Ота-бобомиздан қолган ўзаро меҳру оқибат тушунчасига садоқатимизни намоён этиб, ўз номимдан, хукуматимиз номидан ва сиз, янги сайланган ҳалқ депутатлари номидан ваколатини топширган Олий Кенгаш аъзоларига, барча собиқ ҳалқ депутатларига самимий миннатдорчилик билдиришга, уларга сиҳат-саломатлик ва узоқ умр тилашга ижозат бергайсизлар.

I. ДЕМОКРАТИЯ - БОШ ЙЎЛИМИЗ

Мухтарам дўстлар!

Эришилган яққол ва муҳим натижаларга қарамасдан, хотиржам бўлишимизга ҳали асос йўқ. Биз XXI асрда яшайдиган янги уйимизнинг пойдеворини қуришни бошладик, холос. "Ўзбекистон янги аср бошида" деган узоқ муддатга мўлжалланган, кенг қамровли ривожланиш дастурини ишлаб чиқиш ва уни ҳаётга татбиқ этиш вақти келди.

Бу дастурда ҳар бир фуқаро, ҳар бир ватандошимизнинг бугунги ва келажак манфаатлари ўз ифодасини топиши лозим.

Мустақилликка эришган кунимиздан буён ўтган йиллар мобайннида Ўзбекистоннинг сиёсий тизимида улкан ва жиддий ўзгаришлар юз берди.

Авваламбор, давлатимизнинг хуқуқий пойдевори яратилди. Энг юксак демократик талабларга жавоб берадиган мустақил Ўзбекистон Республикасининг биринчи Конституцияси қабул қилинди.

Вакиллик ҳокимиятини вужудга келтиришнинг жаҳондаги энг демократик тизимларидан бири ташкил этилди. Ўзбекистон

парламенти - Олий Мажлис илк марта күп партияйиilik асосида сайланды.

Хокимият бўлинининг конституцион тамойиллари асосида қатор қонунлар ишлаб чиқилди ва ҳаётга жорий этилди. Ижро ва суд хокимиияти тармоқлари шаклланди.

Мамлакатимизда сиёсий ўзгаришларга мос равишда ихчам, очик ва тадрижий ривожланишга эга бўлган ижтимоий тизим яратилди. Шу туфайли биз ўтмишни баҳолашда барча фуқароларнинг ҳамфирлилигига, умуммиллий яқдилликка эриша олдик. Сиёсий ислоҳотларнинг ҳар томонлама чукурлашиши учун қулай шароит ҳозирланди.

Барчамизга аёнки, яқин ўтмишда қилган ишларимизни, фаолиятимизни эслар эканмиз, авваламбор, олдимизда турган улкан вазифалар ҳақида гапиришимиз табиийдир.

"Бугун биз қандай давлат қураяпмиз? Унинг сиёсий ва ижтимоий негизи, унинг қиёфаси қандай бўлиши керак? Янги демократик жамият шакланишида унинг таъсири қандай бўлади?" - деган саволларга жавоб топиш, бу хусусда атрофлича фикр юритиш фурсати етди.

Албатта, бу масалалар бизнинг Конституциямизда ўз ифодасини топган. Мақсадимиз аниқ - бозор иқтисоди тамойилларига асосланган, эркин, очик, демократик давлат қуриш. Бироқ ана шу мақсад сари қадам қўяр эканмиз, қураётган давлатимизнинг шаклини, қиёфасини ўзимиз яққол тасаввур қилишимиз керак. Шу мақсадга эришиш учун жамиятимизнинг тараққиёт босқичларини аниқ белгилаб олишимиз зарур.

Булар мураккаб, айни пайтда ғоят муҳим масалалардир. Биз бу саволларга қанчалик тўғри жавоб топа олсақ, адолатли, демократик жамият қуришнинг энг мақбул ва маърифий йўлларини шунчалик тезроқ топамиз. Халқимиз келажаги, Ватанимиз истиқболи ана шунга боғлиқ.

Давлат қурилиши борасида танқидий нуқтаи назарсиз қабул қилинадиган тайёр қолип ва андозалар йўқ. Дунёда бир-бирига айнан ўхшаган иккита инсон булмаганидек, бир-бирига айнан ўхшаган иккита давлат ҳам йўқ. Бундай бўлиши мумкин ҳам эмас.

Ҳар бир давлат - бетакрор ижтимоий ҳодисадир. У ҳар қайси халқ тарихий ва маънавий тараққиётининг ҳосилидир, унинг ўзига хос, ўзига мос маданияти ривожининг натижасидир.

Биз ҳозир ўзгартираётган совет социалистик давлати халқимиз хаётига четдан зўравонлик билан жорий этилган эди. Бу давлатнинг шакли ва моҳияти халқимизнинг ахлоқий, маънавий ва рухий қадриятларига тўғри келмайдиган, мос келмайдиган тизимга асосланган эди.

Хўш, бундай тузум авваламбор кимга суянар эди?

Бу тузум ўз халқининг тарихини, унинг руҳи ва урф-одатларини, ўз авлод-аждодларини билмайдиган манқуртларга таянар эди. Шунинг учун ҳам эски совет тузумининг байроқларида ва шиорларида баён килинган ғоялар амалдаги ишларидан ниҳоятда узоқ эди. Худди шу боис бу давлатнинг ижтимоий тизими билан халқ эҳтиёжлари ўртасида жарлик пайдо бўлди. Яъни инсон, унинг моддий, маънавий, шу жумладан, миллий қадриятлари бу тизимда орқа ўринда тураган эди. Бинобарин, бундай давлатнинг аввал-бошданоқ истиқболи йўқ эди. Собиқ Иттифоқ худудининг гоҳ у, гоҳ бу ерида рўй берабер ўзгаришадиган бугунги кескин ижтимоий, этник можаролар бунинг яққол мисолидир.

Етмиш-саксон йиллик вақт - халқ тарихи учун бир лаҳзага тенг.

Бугун бизнинг олдимизда шундай тарихий имконият пайдо бўлди, биз босиб ўтган йўлимизни танқидий баҳолаб, миллий давлатчилигимиз негизларини аниқлаб, буюк маданиятимиз томирларига, қадимий меросимиз илдизларига қайтиб, ўтмишимиздаги бой анъаналарни янги жамият қурилишига татбиқ этмоғимиз керак.

Биз барпо этаётган давлат энг аввало, умумжаҳон цивилизациясига, давлат қурилиши соҳасида бошқа халқлар эришган тажрибаларга, ижтимоий қадриятларга асосланиши лозим.

Ватанимиз азалдан башарият тафаккур хазинасига унутилмас ҳисса қўшиб келган. Асрлар мобайнода халқимизнинг юксак маънавият, адолатпарварлик, маърифатсеварлик каби эзгу фазилатлари Шарқ фалсафаси ва ислом дини таълимоти билан узвий равишда ривожланди. Ва ўз навбатида бу фалсафий-ахлоқий

таълимотлар ҳам ҳалқимиз даҳосидан баҳра олиб бойиб борди.

Бизнинг келажаги буюк давлатимиз ана шу фалсафага уйғун ҳолда, Ҳожа Аҳмад Яссавий, Ҳожа Баҳоваддин Нақшбанд, Имом Бухорий, Имом Термизий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур Мирзо сингари мутафаккир аждодларимизнинг доно фикрларига уйғун ҳолда шаклланиши лозим.

Мен шу уйғунлик хусусида бир мисол келтириб ўтмоқчиман. Муборак ҳадисларнинг бирида шундай дейилади: "Одамларнинг яхшиси - бу дунёни деб, охиратини ва охират деб, бу дунёни тарк этмайдиган, бошқаларга оғирлиги тушмайдиган кишилардир".

Ўйлайманки, биз бугун барпо этаётган жамиятимизнинг ижтимоий-маънавий асосларини белгилашда мана шундай ғояларга суюнсак, хато қилмаган бўламиз.

Маълумки, демократик жамиятнинг ҳалқаро миқёсда эътироф этилган тамойиллари бор. Инсоннинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириши ҳамда уни амалга ошириши, озчиликнинг кўпчиликка бўйсуниши, барча фуқароларнинг teng ҳуқуқлилиги, давлат ва жамият бошқарувида қонун устуворлиги, давлатнинг асосий органлари сайланиши, уларнинг сайловчилар олдида ҳисоб бериши, тайинлаш йўли билан шаклланадиган давлат органларининг сайловчи ташкилотлар олдидаги жавобгарлиги ва бошқалар шулар жумласига киради.

Бу тамойиллар деярли барча ривожланган мамлакатларнинг конституцияларида ўз ифодасини топган. Улар айни шу жиҳатлари билан ўзларини демократик мамлакат деб баҳолашади. Бироқ уларнинг ҳаммаси ҳам ҳақиқий демократик жамият қура олганми-йўқми? Ана шу давлатларда ҳамма вақт ҳам инсон ва жамият, жамият ва давлат ҳокимияти баҳамжиҳат ва аҳил яшамоқдами?

Шу ўринда биз учун муҳим бир савол туғилади. Хўш, бу тамойиллар бизнинг заминимизда қандай амал қилиши керак? Ҳуқуқий давлат, чин маънодаги эркин фуқаролар жамияти куришимиз учун шуларнинг ўзигина кифоями?

Демократик жараёнлар ўз объектив қонуниятлари асосида ривожланади. Уларни ўрганиб бориш, уларга амал қилиш талаб этилади.

Шарқда демократик жараёнларнинг қадимдан шаклланган ўзига хос ва ўзига мос хусусиятлари бор. Буни асло назардан қочириб бўлмайди. Яъни Шарқда демократик жараёнлар узвий равишда ва аста-секин тараққий топади. Бу соҳада инқилобий ўзгаришлар ясашга уринишлар ғоят ноҳуш, ҳатто фожиали натижаларга олиб келади. Инқилобни ғарб олимлари ҳам "ижтимоий тараққиётнинг ибтидоий ва ёввойи шакли" деб атаганлар. Табиийки, бундай йўл бизга асло тўғри келмайди.

Албатта, ислоҳотлар - янгича тафаккур, янгича изланишлар меваси. Бироқ ҳар қандай ислоҳот ҳам аввало инсон манфаатига унинг ҳаёт синовидан ўтган тажрибаларига ва янги жамиятнинг эҳтиёжларига асосланиши лозим.

Тубдан янгиланиш даврида анъаналарга таяниб иш тутиш, улардан янги ўзгаришларга мос ҳолда оқилона фойдаланиш ислоҳотларнинг изчил ва событқадамлик билан амалга ошишига ҳамда жамият баркарорлигига хизмат қиласди.

Жамиятни демократиялаштиришнинг иккинчи муҳим шарти одамларнинг тафаккури ва ижтимоий савияси билан демократик ўзгаришлар даражаси ва суръатлари бир-бирига қанчалик мутаносиб бўлишига боғлиқдир.

Тарихий тажриба шундан далолат берадики, демократик жараёнларни четдан нусха олиб кўр-кўrona кўчириш асло самара бермайди. Аксинча, бундай йўл чалкаш ва хатарли оқибатларга олиб келиши мумкин.

Инсоният босиб ўтган тараққиёт йўли яна шундан далолат берадики, демократия ўз-ўзидан вужудга келмайди. Демократияга тинимсиз ақлий ва жисмоний меҳнат қилиб, тер тўкиб, ҳаётнинг аччиқ-чучугини обдан тотиб, қийин, айтиш мумкинки, ҳатто фожиали тажрибаларни ҳам бошдан ўтказиб, оғир синов ва курашларга мардона бардош берибгина эришиш мумкин.

Демократик ўзгаришлар ва янги демократик жараёнларни бошқаришни ва ҳаётга татбиқ қилишни ҳамда уларни ҳимоялаш зарурлигини аввалимбор жамиятнинг ўзи англамоғи даркор.

Учинчидан, демократик жараёнлар халқимиз миллий маданиятининг ўзига хос жиҳатларини, унинг табиатини ўзида

мужассам этмоғи керак. Маълумки, Ғарб намунаси кўп ҳолларда индивидуализм фалсафасига таянади ва оммани ҳаддан ташқари сиёсийлаштиришга олиб келади.

Осиё минтақаси ва мусулмон Шарқидаги демократик қадриятлар ва ўзгаришларнинг ривожланиш тажрибаси ўзига хос хусусиятлар, ўзига хос анъаналарга эга. Шарқда демократия тушунчаси ҳамжиҳатлик ғояси, жамоатчилик фикрининг устуворлиги заминида шаклланади. Бизнинг мамлакатимизда демократик жараёнлар ҳалқимизнинг қонунни ҳурмат қилиш, қонунга итоат этиш каби фазилатларига мос равишда ривожланиши зарур. Ахлоқий, маънавий қадриятлар сиёсий муносабатларда ҳам устунлик касб этиши даркор.

Шу муносабат билан мутафаккир бобомиз Аҳмад Яссавийнинг инсон - маънавий камолотга интилиб яшashi лозим, кўнглида эътиқоди йўқ одам эса инсон номига номуносибdir, деган ибратли хикматларини бир бор эслаш жоиз.

Буларнинг барчаси жамиятнинг бошқариш тизимини белгилаш пайтида алоҳида ҳисобга олиниши керак. Биз буни ҳисобга оляяпмиз. Буни маҳаллалар иши мисолида яққол кўришимиз мумкин.

Маълумки, асрлар мобайнида маҳаллаларда кўпдан-кўп ҳаётий муаммолар ўз ечимини топиб келади. Тўй-маъракалар ҳам, ҳайиту ҳашарлар ҳам маҳалла ахлисиз ўтмайди. Маҳаллаларда сиёсий, иқтисодий ва бошқа масалаларга доир жамоатчилик фикри шаклланади. Бу эса ҳалқимизнинг турмуш тарзи, ота-боболаримиздан бизга мерос бўлиб келаётган тафаккур тарзидир. Бинобарин, ҳаётнинг ўзи маҳаллаларни ривожлантириш ва уларни қўллаб-қувватлашни тақозо этмоқда. Мамлакатимизда кўп қиррали ислохотлар амалга ошаётган бир пайтда маҳалла жамият учун ишончли таянч ва таъсирчан куч бўлиб хизмат қилиши лозим.

Биз шунчаки демократик жамият эмас, демократик одил жамият курмоқчимиз. Адолат ва ҳақиқатга интилиш эса ҳалқимиз табиатининг энг муҳим фазилатларидан биридир. Ўтмишда олий адолат ғояси мансабдор шахсларга қўйиладиган талаб ва баҳонинг асоси бўлган. У давлатчилик негизларини белгилаш, исломий қоидалар ва шариат мезонларининг пойdevorини ташкил этган. Биз

тариҳимиздаги ана шу жиҳатларни ҳисобга олмасак, қудратли, эркин, демократик давлат кура олмаймиз.

Адолат ва ҳақиқат ғояси ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларини қамраб олмоғи даркор. Адолат ва ҳақиқат ғояси қонунчилик фаолиятимизнинг замини, бош йўналиши бўлмоғи шарт. Давлатчилик ва фуқаролик муносабатлари, меҳнат ва уй-жой, нафақа ва солиқ, табиатни муҳофаза қилиш ва жиноятчиликка қарши курашиш масалалари, қўйингки, ҳаётимизнинг ҳамма жабҳалари ана шу заминга таяниши зарур.

Бугун жамиятда ижтимоий мулкий жараёнларнинг объектив ўзгариши юз бераётган бир пайтда адолат ғоясини ихчам бир хулоса билан ифодалаш мумкин. Яъни давлат жамиятнинг кескин табақаланишига - ошиб-тошиб кетган бойлару камбағал-қашшоқларга бўлинib кетишига йўл қўймаслиги керак.

Бизнинг асосий вазифамиз - одамлар ўз қобилият ва эҳтиёжларини тўла намоён қилишлари ва амалга оширишлари учун зарур бўлган дастлабки teng имкониятларни, шу жараённи вужудга келтирадиган ҳуқуқий механизмини яратиб беришдан иборат. Шундан кейин инсоннинг жамиятдаги ўрни унинг салоҳиятига, меҳнат қилиш истагига, оқилу уддабуронлигига боғлиқ бўлади.

Шу билан бирга, биз барпо этаётган жамиятнинг яна бир муҳим вазифаси ҳалол меҳнат қилаётган ҳар бир кишига ўз оиласини боқиши, билим олиш, тиббий хизматдан фойдаланиш, ўзининг ва қариндош-уругларининг қадр-кимматини ҳимоя қилиш учун баробар имкониятлар вужудга келтиришдир.

Биз фуқаролик жамиятини қуришга интилмоқдамиз. Бунинг маъноси шуки, давлатчилигимиз ривожлана борган сари бошқарувнинг турли хил вазифаларини бевосита ҳалққа топшириш, яъни ўзини ўзи бошқариш органларини янада ривожлантириш демакдир.

Бугунги кунда нафақат Ўзбекистонда, балки собиқ Иттифоқ худудида вужудга келган барча давлатларда шундай бир ҳолатни кўриш мумкин. Эски, котиб қолган тизим билан янги тизим ўртасидаги кураш кескин тус олган ҳозирги ўтиш даврида ижтимоий-иктисодий ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш учун кучли

ижро ҳокимияти зарур. Буни ҳаётнинг ўзи ҳар қадамда тақозо этмоқда. Жамият тубдан янгиланаётган бир пайтда бизга малакали, ҳар томонлама тажрибага эга бўлган, ўзгаришларни ҳаётга татбиқ этишга қодир бошқарув аппарати керак.

Биз кейинги йилларда республика ва маҳаллий давлат ҳокимияти ҳамда унинг бошқарув идоралари мисолида шундай тизимни шакллантира олдик. Янги тарихий жараёнда ўтмишда синалган анъанавий бошқарув идоралари - ҳокимликлар қайта тикланди. Уларнинг фаолияти ва ислоҳотларни қўллаб-қувватлаётган ижтимоий кучлар мавжудлиги туфайли давлатимизда сиёсий ва иқтисодий барқарорлик сақланиб турибди. Ҳар биримизнинг хонадонимизда тинчлик ва осойишталик ҳукм сурмоқда.

Аммо ҳақиқий миллий равнаққа биз факат давлат ҳокимияти вазифалари қатъий ва мукаммал белгилаб ва шу билан бирга чекланиб кўйилган фуқаролик жамияти шароитидагина эришмоғимиз мумкин. Бундай жамиятда давлатнинг бош вазифаси тараққиёт стратегиясини аниқ белгилаш ва уни ҳаётга жорий этиш учун қаттиқ назорат олиб боришдан иборат бўлади.

Фуқаролик жамиятида давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари умуммиллий манфаатларга дахлдор энг муҳим вазифаларнигина амалга оширади. Мудофаа, давлат хавфсизлиги, ташқи сиёsat, пулмолия ва солик тизимини шакллантириш, қонунчиликни ривожлантириш шулар жумласидандир.

Ана шундай давлат ва жамиятни қуриш, ҳақиқий демократик қадриятларни вужудга келтириш - бизнинг бош концепциямиз ва миллий равнақимиз асосидир.

Бугун тараққиёт йўлимизни, унинг босқичларини аниқ белгилаб олишимиз зарур. Бу ғоят долзарб масала. Шу боис уларнинг энг муҳимларига тўхталиб ўтмоқчиман.

Биринчидан, жамиятда сиёсий миллатлараро, ижтимоий ва моддий тенгликни таъминловчи самарали тизимга асосланган қонунлар қабул қилишимиз керак. Одамлар ўртасида мулкдорлик жиҳатидан тафовутнинг кучайиб бориш тенденцияси жамиятимиз учун ташвишли аломат бўлиб турмоғи керак. Бу тенденциянинг олдини олиш учун тегишли тарзда ҳаракат қиласиган ҳимоя

механизмини шакллантириш даркор.

Давлатимизнинг олий қонунчилик органи - Олий Мажлис фаолиятининг энг муҳим вазифаларидан бири сифатида ана шундай таъсирчан ҳуқуқий механизмни вужудга келтириш деб биламан.

Иккинчидан, барча бўғиндаги давлат идоралари фаолиятининг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қиласиган қонунлар тизимини барпо этиш лозим. Бу тизим, бир томондан, марказий, иккинчи томондан эса вилоят, шаҳар ва туманлар даражасидаги давлат ҳокимияти ҳамда бошқарув идораларининг вазифаларини аниқ белгилаб бериши, уларнинг ишини мувофиқлаштириб туриши керак. Ба ниҳоят, у бошқарув вазифаларининг асосий қисмини марказдан вилоятларга, вилоятлардан шаҳар-туманлардаги давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларига ўтишини таъминлаши даркор. Шу тариқа бу босқич астасекин ўз-ўзини бошқариш жамоатчилик ташкилотларига ҳам етиб боради.

Давлат бошқаруви идораларининг барча бўғинлари фаолиятини юкоридан пастга қадар қатъий тафтиш қилиб чиқиш зарур. Улар қандай ишлайти? Уларнинг умумий ишимизга амалий фойдаси тегяптими-йўқми? Ана шу масалани аниқлаб олиш шарт. Чунки самараасиз бошқарув бўғинлари қанчалик кўп бўлса, фуқаролик жамиятини қуриш шунчалик қийин кечиши ҳеч кимга сир эмас.

Биз давлат қурдатига ҳокимият ва бошқарув идораларининг сони ва миқёсига қараб эмас, аксинча, уларнинг иш тизими қанчалик самара берётганига, улар фаолиятининг қонуний асослари қай даражада шаклланганига қараб баҳо беришимиз лозим.

Учинчидан, иқтисодий, айниқса, сиёсий ислоҳотлар муваффакияти, аввало, бошқарув соҳасидаги кадрларни тайёрлаш даражасига, уларнинг бугунги ўзгаришларни амалга ошириш истаги ва лаёқатига боғлиқ. Худди шу боис ҳам давлат хизматчиларининг мақоми тўғрисида қонун қабул қилиш зарурати сезилмоқда. Бу қонунда ва унинг асосида қабул қилинадиган меъёрий ҳужжатларда давлат хизматчиларини танлаб олиш тизими, уларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, масъулияти, униб-ўсиши, ижтимоий ҳимояси, имтиёzlари белгилаб берилган бўлур эди.

Мазкур муносабатларни қонун йўли билан тартибга солиш

кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишдаги ўзбошимчаликни, шахсий садоқат, қариндош-уругчилик каби иллатларнинг пайини қирқади. Қонун кучли рағбатлантириш механизмини вужудга келтириши керак. Сир эмаски, бугун давлат муассасаларида хизмат қилиш на моддий на маънавий жиҳатдан ҳавас қиласидиган машғулот. Бундай қонун қабул қилингач эса, ўз хизмат вазифасига садоқатли, юксак малакали хизматчилардан иборат давлат аппаратига эга бўламиз, деб ўйлайман.

Шу билан бирга, биз кадрларнинг топширилган вазифа учун жавобгарлигини қаттиқ назорат остига олишимиз керак. Токи ҳар бир раҳбар жамиятимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар учун масъул эканини теран ҳис этсин. У белгиланган вазифаларни амалга ошириш йўлида одамларни бирлаштириш, ижодий муҳит яратса билиш қобилиятига эга бўлиши лозим. Биз ноқобил, лоқайд, манман раҳбар кадрлардан тезроқ қутулишимиз керак. Ўзини билимдон ва уддабурон қилиб кўрсатадиган, амалда эса ҳеч нарсани ҳал қилмайдиган, ўз манфаатларини жамият манфаатларидан устун қўядиган, эл-юрт ичидан обрў қозонолмаган шахсларга раҳбарлар орасида ўрин бўлмаслиги керак.

Тўртинчидан, ҳуқуқ органлари фаолиятининг қонуний негизини мустаҳкамлашимиз зарур. Албатта, уларнинг мураккаб ўтиш даврида қонун, ҳуқуқ-тартиботга бўйсунишни таъминлагани, МДҲдаги айrim давлатларда юз берганидай, жиноятчиликнинг ҳаддан ташқари кучайиб кетишига йўл қўймаганини эътироф этиш керак. Шу билан биргаликда, биз ҳар ким ва ҳар бир нарса қонунга бўйсуниши лозим бўлган ҳуқуқий давлат қурмоқчимиз. Бизнинг жамиятда қонун бошқарувнинг асосий ва кўп қиррали воситасига айланиши зарур. Бундай шароитда ҳуқуқни муҳофаза этиш органлари зиммасига катта масъулият юкланди. Уларнинг касб маҳорати ва ахлоқий сифатларига бўлган талаб кескин ошади. Шундан келиб чиқкан ҳолда, суд, прокуратура, милиция тўғрисидаги қонунларни такомиллаштириб бориш зарурати тобора кўзга ташланмоқда. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари тўғрисида қонун қабул қилишни ҳам ўйлаб кўриш лозим. Қонунда бу органларда кимнинг ишлашга ҳаққи бор, у қандай хусусиятларга эга бўлиши

керак, унинг жавобгарлиги ва мансаб пиллапоясидан кўтарилиш шартлари ўз аксини топиши керак. Мазкур органларга қўли эгри, порахўр, виждансиз кимсалар кириб қолишини бартараф этадиган тизимни қонун йўли билан белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Бешинчидан, яқин келажакда фуқароларнинг сиёсий жараёнларда, давлатни бошқаришда қатнашувини таъминлайдиган хуқуқий асосларни такомиллаштиришга алоҳида эътибор бериш зарур. Бунда мен сиёсий партиялар, бирлашмалар, касаба уюшмалари, ёшлар ташкилотлари, турили хил хайрия ва ижодий жамғармалар ҳамда уюшмалар фаолиятини назарда тутяпман. Ҳозиргача уларнинг фаолияти "Жамоат ташкилотлари тўғрисида"ги қонунда белгилаб қўйилган эди. Ўз вақтида прогрессив бўлган бу қонун сиёсий ҳаётимизни демократиялаш жараёнида муҳим аҳамият касб этди. Бироқ сиёсий жараённинг ниҳоятда тез ривожланиши оқибатида мазкур қонун бугунги кун талабларига жавоб бера олмай қолди. Натижада юзага келган бўшлиқни тўлдириш учун бир қанча фармон ва қарорлар қабул қилишга тўғри келди. Бугунги кунда биттагина қонун эмас, жамоат ташкилотлари, жамғармалар, уюшмалар хуқукини оширадиган, уларнинг жамият сиёсий тизимидағи ўрни ва аҳамиятини белгилаб берадиган, давлат ишларига таъсирини кучайтирадиган бутун бир қонунлар тизимиға эҳтиёж сезилмоқда.

Олтинчидан, бозор муносабатлари шароитида давлатнинг иқтисодиётни бошқаришдаги роли кескин ўзгаради. Иқтисодиётни бошқаришнинг асосий усули давлат органларининг бошқарувчилик фаолияти эмас, аксинча, қонун бўлиб қолмоқда. Давлатнинг бош вазифаси иқтисодий, ишлаб чиқариш, ижтимоий ва савдо-иктисодий муносабатларнинг ўз маромида ишлаши учун зарур шарт-шароитлар яратиб беришдан иборат. Бу ўта муҳим тизим иқтисодий фаолиятимизга қийинчиликлар билан бўлса-да, кириб бормоқда. Эскича фикрлаш, маъмурий-буйруқбозлик, сансалорлик каби иллатлардан кутулиш жуда қийин бўляпти. Шунинг учун ҳам иқтисодий ва хўжалик фаолиятига давлат бевосита аралашадиган соҳаларни камайтириш борасидаги саъй-ҳаракатлар нафақат иқтисодий, балки улкан сиёсий аҳамиятга эгадир.

Қонунчилик соҳасида асосий эътибор бошқарув органлари

фаолиятини аниқ белгилаб қўйиш, зўравонлик ва ўзбошимчаликка барҳам беришга қаратилмоғи зарур. Бу борада ҳам Олий Мажлис адо этиши лозим бўлган ишлар нихоятда қўп.

Еттинчидан, иқтисодий ва сиёсий соҳалардаги барча ислоҳотларимизнинг пировард мақсади юртимиизда яшаётган барча фуқаролар учун муносиб ҳаёт шароитларини ташкил қилиб беришдан иборатдир. Айнан шунинг учун ҳам маънавий жиҳатдан мукаммал ривожланган инсонни тарбиялаш, таълим ва маорифни юксалтириш, миллий уйғониш ғоясини рӯёбга чиқарадиган янги авлодни вояга етказиш давлатимизнинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолади.

Муҳтарам биродарлар!

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: бизнинг ўрта, ўрта-маҳсус ва олий мактабларимиз касб маҳорати ва маънавий-руҳий жиҳатдан ана шундай замонавий соҳаларда ишлайдиган ёшларни тайёрлашга кодирми? Менимча, унчалик тайёр эмас. Халқ таълими янгича шароитларда ўз ишини нихоятда секинлик билан қайта қурмоқда.

Жаҳон бозоридаги интеграция, илмий-техникавий тараққиёт суръатлари халқ таълимининг барча бўғинлари ўртасидаги ўзаро алоқаларни мустаҳкамлашни талаб этмоқда. Бинобарин, бу ҳол тарбия, таълим, сиёсий ва касбий тайёргарлик масалаларини ҳал этишга жамулжам ёндошишни тақозо қилмоқда.

Мактаб - ўрта - олий таълим - илмий-тадқиқот институтлари шаклидаги илмий-маърифий комплексларни вужудга келтириш йўлидан бориш керак, деб ўйлайман. Бунда илмий-техник тараққиётнинг устувор йўналишларига алоҳида эътибор бериш зарур. Ана шундай мустаҳкам алоқалар туфайлигина замонавий юксак технологияларда ишлай оладиган, бозор қонуниятларига мос янгича фикрлай биладиган мутахассисларни тайёрлашимиз мумкин.

Олий Мажлис бу борада ҳам изчил фаолият қўрсатиб, халқ таълимига оид давр талабларига жавоб берадиган, энг қулай, илғор тажрибаларга таянган ва ўзаро узвий боғлиқ бўлган қатор қонунлар қабул қилиши керак.

Жамиятимизнинг маънавий қиёфасини белгилаб берадиган барча ижодий меҳнат соҳалари ҳам қонун ҳимоясида бўлиши зарур.

Ҳозирги дунёда ҳамма нарса уйғунлаштирилган. Жамиятнинг бир ёқлама, технократик ривожи миллат салоҳиятини пасайтириб юбориши, оғир ижтимоий, маънавий ва сиёсий йўқотишларга олиб келиши мумкин ва олиб келмоқда ҳам.

Ижодий меҳнат қадр-кимматини оширишнинг ҳуқукий асосларини яратиш керак. Ижодий бирлашмалар, илмий, илмий-техник жамоалар ва уюшмалар фаолиятини кенгайтириш учун янгидан-янги имкониятларни вужудга келтириш лозим.

Бир сўз билан айтганда, биз жамиятимизда инсоннинг ўз қобилиягини, табиат ато этган иқтидори ва истеъодини тўла намоён этиши учун, адабиёт, санъат ва умуман эркин ижодий фаолият ривожи учун зарур шароитларни яратишимиш лозим. Биз бу борадаги ишларимизни танқидий назар билан таҳлил қилишимиз керак.

Саккизинчидан, иқтисодий ва ижтимоий муаммоларнинг самарали ҳал этилиши пировард натижада инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг моддий кафолатини яратишга олиб келади.

Бугун Ўзбекистонда шахс эркинлиги, инсон ҳуқуқларининг муҳофазаси ва кафолати, эътиқод, меҳнат ва қасбни эркин танлаш ҳуқуки, таълим олиш, ижтимоий муҳофаза ва бошқа имкониятлар қонун билан ҳимоя қилинган. Бугунги қийин ва зиддиятли бир пайтда, мамлакатимиз сарҳадига яқин жойларда урушлар рўй бериб, қон тўкилиб турган бир вазиятда, бегуноҳ одамлар қурбон бўлиб, сарсон-саргардон кишилар кўпайиб бораётган бир шароитда Ўзбекистонда инсон учун энг олий неъмат - яшаш ҳуқуки ва осойишта ҳаёт кечириш ҳуқуки тўла таъмин этилган.

Шу билан бирга инсон ҳуқуклари ғояси Олий Мажлис фаолиятида доимий ўрин эгаллаши керак. Ҳар қандай қонун, харакат соҳасидан қатъи назар, ишлаб чиқилаётган ва муҳокама этилаётган пайтда инсоннинг асосий, бузилмас ҳуқуқларига қанчалик мос келишига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Ана шу тамойилларга оғишмай риоя этган ҳолдагина биз чин маънодаги ҳуқукий, адолатпарвар давлат қуришга эриша оламиз. Яқин кунларда ташкил қилиниши лозим бўлган Конституцион суд ўз фаолиятида ана шу тамойилга амал қилиши керак. Суд, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ва табиийки, давлат аппарати ҳам шу қоидага бўйсуниши

тақозо этилади.

Инсон ва давлат ўртасидаги муносабатларда инсон манфаатлари устувор бўлиши керак. Давлат ва давлат ҳокимиятининг барча тармоқлари ўз фаолиятини инсон хукуқларини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш ишига сафарбар килгандагина ўз вазифасини тўғри адо этган ҳисобланади. Бу қоидани ҳамма тан олиши, бу қоидага ҳамма итоат қилиши шарт.

Хусусан, фуқароларнинг манфаатлари ва хукуқларини суд орқали ҳимоя қилиш соҳасини мумкин қадар кенгайтириш даркор. Ваҳоланки, айrim тармоқ қонунларида хукуқлари поймол этилган фуқароларнинг шикоятларини судлов йўли билан эмас, маъмурий йўл билан кўриб чиқиши тартиби ҳам учрайди.

Албатта, бу ҳол - Инсон хукуқлари умумжаҳон декларациясига ва бизнинг Конституциямиз талабларига зид. Фуқаро, агар унинг қонуний манфаатлари ва ҳақ-хукуқлари поймол этилган тақдирда, ҳар қандай масала бўйича ҳимоя учун судга мурожаат қилиш хукуқига эга бўлмоғи даркор!

Азиз дўстлар!

Парламентимиз - Олий Мажлиснинг инсон хукуқлари ва эркинлигини ҳимоя қилиш, уни амалга ошириш, унга кафолат бериш борасидаги таъсири хусусида сўз юритар эканмиз, қатор демократик мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб, Олий Мажлис таркибида инсон хукуқлари масаласи билан шуғулланувчи вакиллик ташкил этилса, мақсадга мувоғик бўлур эди, деб ўйлайман. Бу олий қонунчилик органимиз мақомига мос келади. Мухими, у жамиятишимизда инсон хукуқлари муаммосини ҳал этишни янги сифат даражасига кўтаришга хизмат қиласди.

Қадрли депутатлар!

Кўриб турганимиздек, биринчи бор сайланган Олий Мажлисимиз олдида фавқулодда масъулиятли ва мураккаб вазифалар турибди. Ана шу вазифаларни у қанчалик оқилона ҳал этолса, республикамизнинг учинчи минг йилликдаги қиёфаси шунчалик баркамол бўлади. Бу баландпарвоз гаплар эмас, айни ҳақиқатдир.

Ана шу улкан масъулиятни ҳисобга олиб дастлабки кунларданоқ ҳар бир депутат ва парламент ишининг усулини, шаклини ва умуман

тизимини аниқ белгилаб олмоқ керак. Олий Мажлиснинг ижро ва суд ҳокимиияти идоралари билан алоқасини мустаҳкамловчи энг самарали тизимни ишлаб чиқиш лозим. Бу тизим Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, идоралар, ҳокимликлар, Олий суд, прокуратура, ижтимоий-сиёсий партиялар ва ҳаракатлар билан узвий ишлашдек муҳим вазифаларни ўз ичига олади.

Бунинг учун, аввало, Олий Мажлиснинг давлатимиз сиёсий тизимидағи ўрнини яққол белгилаб олишимиз керак. Айни пайтда яна шундай ҳақли савол туғилади: Олий Мажлис олдинги Олий Кенгашдан нимаси билан фарқ қиласиди?

Сайловолди кампаниясини кузатиб туриб, олимлар, депутатликка номзодларнинг маърузаларида мазкур масалалар бўйича турли хил фикрларни эшийтдик. Олий Мажлис - биринчи профессионал парламент, депутатлар фақат қонунчилик фаолияти билан шуғулланишлари керак, деган мулоҳазалар ҳам ўртага ташланди. Улар ўзлари сайланган ҳудудлардаги иқтисодий ва ижтимоий аҳвол учун ҳеч қандай жавобгар эмас, деганлар ҳам бўлди.

Мунозараларнинг бир қатор қатнашчилари эса қўппартияйлик шароитида депутат парламентда ўз партияси манфаатларини ҳимоя қилиши кераклигини баён қилдилар. Айримлар эса депутат муайян ҳудуд ёки муайян партия таркибидан сайланган бўлса-да, аммо бутун ҳалқ манфаати йўлида хизмат қилиши кераклигини таъкидлашди.

Қисқаси, бу борада турли-туман фикрлар ўртага ташланди. Бир-бирини инкор этадиган мулоҳазалар билдирилди. Бу хусусда яна нима дейиш мумкин?

Олий Мажлис собиқ Олий Кенгашдан бутун мазмун-моҳияти билан фарқ қиласиди. Унинг шаклланишидан тортиб ўз фаолиятини ташкил этиш тартиблари ва усулларигача буни яққол исботлайди.

Биринчидан, депутатлар сайлови биринчи марта қўппартияйлик асосида ўтказилди. Ҳар бир сайлов округида иккича номзод депутатлик учун қурашди. Сайловчиларга эса ана шу номзодлардан танлаб олишнинг реал ҳукуқи берилди.

Кўппартияйлик тамойили энди Олий Мажлис ишига жорий этилиши лозим. Ана шундан келиб чиқиб, партияйий фракциялар ва гурӯхлар фаолиятини қонунлаштириш керак, деб ўйлайман.

Фракциялар орқали партиялар қонунларни ишлаб чиқишига таъсир кўрсатиши ва шу тариқа давлат бошқарувига муносиб хисса қўшиши мумкин бўлади.

Олий Мажлис фаолиятида сиёсий ҳамжиҳатлик бош йўналиш бўлмоғи даркор. Масалага бундай ёндашув давлат ва ҳуқуқ тушунчаларини янгича асосланган.

Биз яқин ўтмишимизда синфий ҳукмронликнинг қуроли сифатида давлат ҳақидаги маркесча ғояни шиор қилиб олиб, бу назарияни дормага, давлат ва ҳуқуқни эса синфий кураш, синфий рақибларни енгиш воситасига айлантирган эдик. Демократия шароитларида эса давлат ижтимоий қарама-қаршиликларни зўрлик ва бостириш ўйли билан эмас, балки ижтимоий келишув, ҳалқ таъбири билан айтганда, муросай мадора билан бартараф этиш воситасига айланади.

Ҳуқуқнинг ўзига эса ижтимоий ҳамжиҳатлик ва келишувга асосланган ижтимоий тартиб-интизомга эришиш, эркинлик, адолатпарварлик ва тенгликни вужудга келтириш воситаси сифатида ёндашилади.

Иккинчидан, Олий Мажлисга ва шунингдек, маҳаллий ҳокимиётлар вакиллик органларига кейинги сайловларни ташкил қилишнинг дастлабки дамларидаёқ синфий ёндашув нодемократик тамоийл сифатида рад этилган эди.

Маълумки, олдинги пайтларда Олий Кенгашни шакллантириш жараёнида ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, ҳалқ зиёлиларининг ўрни ва сони олдиндан белгилаб қўйилар эди. Масалага бундай ёндашувнинг натижалари ҳақида гапириб ўтирумайман. У ҳаммамизга аён.

Олий Мажлис депутатлари турли партия ва ҳаракатларнинг вакилларидан иборат номзодлар орасидан муқобиллик асосида сайданди. Республикаиз фуқаролари сайловларда қатнашар экан, энг аввало, қўйилган номзодларнинг ижтимоий келиб чиқишига эмас, аксинча, уларнинг ишчанлик ва ахлоқий сифатларига, энг муҳими, дастурларининг мазмун-моҳиятига катта эътибор бердилар.

Учинчидан, менинг назаримда, Олий Мажлисни профессионал парламент сифатида баҳолаш ҳам унчалик тўғри эмас. Бу тушунча,

депутатлар ўз ваколатлари даврида депутатлик фаолиятидан бошқа хеч иш билан шуғулланмайдиган парламентга эга бўлган давлатларда шаклланган. Улар учун депутатлик фаолияти маълум муддатли касб, давлат хизмати сифатида қабул қилинган.

Олий Мажлис фаолияти бироз бошқачароқ негиз асосида тузилиши маъқул деб ўйлайман. Бир қисм депутатларнинг парламент таркибида доимий ишлашга ўтиши кутилмоқда. Халқ ноибларининг маълум бир қисми, бизнингча, олдинги хизмат вазифалари билан бирга депутатлик ваколатларини ҳам қўшган ҳолда иш олиб боришлари ўринлидир.

Хўш, бундай тартибни жорий қилишда биз нималарни назарда тутмокдамиз?

Маълумки, депутатлар орасида атоқли олимлар, ишлаб чиқаришнинг йирик ташкилотчилари, тармоқ ва маҳаллий давлат бошқаруви органларининг тажрибали раҳбарлари бор. Уларнинг ўз тегишли соҳалари ва хукumat идораларини тарк этиши ҳозирги ғоят масъулиятли ўтиш даврида жамият, халқ ва умуман мамлакат манфаатларига таъсир кўрсатиши мумкинлиги инобатга олиниши шарт.

Айни пайтда, бир қисм депутатларнинг халқ хўжалиги муайян тармоқларида ўз фаолиятини изчил давом эттириши иқтисодиётимиз учун муҳим аҳамиятга эга. Бу йўл орқали Олий Мажлиснинг бевосита ҳаёт билан, жамоатчилик талаб-истаклари ва халқ билан алоқаси таъминланади. Бу ўз навбатида кундалик ҳаётимизга, хўжалик юритиш соҳаси учун зарур қонунларни яратишга катта таъсир ўтказади.

Олий Мажлис тузилмалари ва унинг қўмиталарини сайлаш ва шакллантириш жараёнида уларда доимий ишлаш учун қанча депутат кераклиги маълум бўлади. Кейинчалик эса сиёсий нуфузи, профессионал имкониятларига кўра ҳам Олий Мажлис таркибига доимий ишлаш учун ўтиши мумкин бўлган депутатлар таклиф қилинади. Ўйлайманки, масалага ана шундай ёндашув парламентни халқ хўжалигининг муайян соҳаларини, мамлакат маданияти ва маорифини яхши биладиган депутатлар билан тўлдириш имконини беради.

Тўртинчидан, Олий Мажлиснинг кучи депутатларнинг ўз сайловчилари билан қундалик муносабатида, яқин мулоқотидадир. Шуни айтиш керакки, олдинги парламентда бу масалага унчалик эътибор берилмаган эди. Айни пайтда халқ, авваламбор, сайловчилар Олий Мажлисда қандай қонун мухокама қилинаётгани ва қабул этилаётганидан хабардор бўлиб туриши керак. Шу билан бирга депутат ҳаётнинг энг долзарб, қайноқ нуқталарида аҳоли билан бирга бўлиши шарт.

Депутатларнинг ўз сайловчилари олдида ҳисобот беришлари Олий Мажлис фаолиятида мухим ўрин тутиши лозим. Ва ҳатто, маълум бир лойиҳа, конкрет қонун мухокама этилаётган пайтда сайловчилар билан учрашувлар ташкил этиш ҳам мумкин. Бу қонунчилик фаолияти сифатини оширади, қонуннинг таъсирчанлигини таъминлайди, халқнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш имконини беради.

Ҳуқуқий маданият даражаси факатгина қонунларни билиш, ҳуқуқий маълумотлардан хабардор бўлишдангина иборат эмас. У - қонунларга амал қилиш ва уларга бўйсуниш маданияти демакдир. У - одил судни хурмат қилиш, ўз ҳақ-ҳуқукларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат этиш эҳтиёжи демакдир. Ҳуқуқий маданият дегани - турли можароларни ҳал қилишда қонунга хилоф кучлардан фойдаланишни рад этиш демакдир.

Бешинчидан, мустақил ташқи сиёсатимиз туфайли Ўзбекистон парламенти бир қатор нуфузли халқаро ташкилотларга аъзо бўлди.

Жумладан, 1992 йил сентябрь ойида дунёдаги энг катта ва обрўли халқаро ташкилотлардан бири - Парламентларо Иттифоқقا 119-аъзо бўлиб кирдик.

1993 йил январь ойида Ўзбекистон парламенти Европа Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Парламент Ассамблеясига аъзо бўлди. Бу ташкилот энг мухим халқаро муаммоларни ҳамжиҳатликда ҳал қиласиган самарали ва таъсирчан қуролга, Европада, умуман, бутун дунёда ижобий сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар омилига айланди. Шунинг учун ҳам бу ташкилотга аъзо бўлиш Олий Мажлисга Европадаги етакчи давлатларнинг парламентлари билан ҳамкорлик қилиш, қонунчилик борасида

жаҳонда тўпланган бой тажрибаларни ўрганиш ва ўзлаштириш имконини беради.

Ўзбекистон парламенти мана шундай обрўли ташкилотларнинг аъзоси сифатида бу улкан минбарлардан давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсати ҳақида ҳаққоний ахборотларни тарқатиш учун тўла фойдаланиши керак.

Янги Олий Мажлис Ўзбекистон Республикаси жаҳон халқаро сиёсатининг шаклланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилиши учун барча имкониятларни ишга солади, деб умид қиласиз. Умуман, ана шу вазифалардан келиб чиқиб ва жаҳондаги бошқа парламентлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш мақсадида Олий Мажлис қошида маҳсус парламентлараро алоқалар қўмитаси ташкил этилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

II. ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ДЕМОКРАТИЯЛАШ - БОЗОР ИСЛОҲОТЛАРИНИНГ МУҲИМ ШАРТИ

Муҳтарам дўстлар!

Янги босқичдаги иқтисодий ислоҳотлар ҳақида сўзлашдан олдин, босиб ўтилган йўлга бир назар ташласак, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Маълумки, мамлакатимизда ижтимоий йўналишдаги бозор иқтисодиётини барпо қилиш ўта мураккаб ижтимоий-иктисодий, сиёсий вазиятда бошланди.

Ўзбекистон собиқ Иттифоқдан нефть, машина ва ускуналар, дон, чорва, озиқ-овқат маҳсулотлари билан бирга эҳтиёжимизни қондирадиган оддий молларни ҳам четдан келтирилиши билан боғлиқ ўта вайрон ҳолдаги марказлашгандай режали иқтисодиётни, аҳолининг паст турмуш даражасини мерос қилиб олган эди. Хўжалик алоқалари бузилган, банк тизими ишдан чиққан эди.

Ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва демографик вазият аҳолини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни, ташкилий тузилма ислоҳотларини аста-секинлик билан ўтказишга асосланган вазмин, ғоят пухта ўйланган маълум беш тамойилга асосланган иқтисодий

сиёsat юргизишни тақозо қилар эди.

Шунинг учун ҳам, иқтисодий ислоҳотларнинг биринчи босқичида, энг аввало, бозорга хос янгиланишларнинг ҳуқуқий негизи барпо этилди. Ишлаб чиқариш суръатининг, аҳоли турмуш даражасининг кескин тушиб кетишига йўл қўйилмади, тўлов ҳолати яхшиланди, ишлаб чиқариш устувор тармоқларини такомиллаштиришга эътибор берилди.

Бу даврда мулк, корхоналар, ишбилиармонлик, ташқи иқтисодий фаолият, банклар ва банк фаолияти, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, хўжалик жамиятлари ва бирлашмалари тўғрисида қонунлар қабул қилинди. Ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосини шакллантириш жараёнини таъминловчи бир қанча Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорлари чиқди.

Бу даврдаги қонун чиқариш жараёни конституциявий жиҳатдан асосланган икки муҳим принцип: турли шаклдаги (шу жумладан хусусий) мулк эркинлиги ва тенглиги принципи ҳамда иқтисодий фаолият эркинлиги принципи асосида ривожланди.

Эски, маъмурий-буйруқбозлиқ усулига қурилган бошқарув тизими тубдан янгиланди, ортиқча назорат қилувчи ва тафтиш ўтказадиган идоралар сони кескин камайтирилди. Бир қанча вазирликлар тугатилиб, улар ўрнида фаолиятининг моҳиятига кўра бозор муносабатлари талабларига жавоб бера оладиган хиссадорлик компаниялари, уюшмалар ташкил этилди. Айни пайтда биржалар, савдо уйлари сингари бозор инфраструктураси обьектлари барпо этила бошланди.

Давлат корхоналарига молиявий жиҳатдан ёрдам берилди, алоҳида маблағ ажратиш йўли билан маълум муддатга қадар асосий озиқ-овқат маҳсулотлари нархи чеклаб турилди.

Айни пайтда мулк муносабатлари чуқур ислоҳ қилинди. 1994 йилда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини тезлаштириш ва миқёсини кенгайтириш ишлари кенг жорий қилинди. Фонд биржалари, қимматбаҳо қофозларни ҳисобга оладиган ва сақлайдиган миллий депозитарий барпо этилди. Ўрта ва йирик корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, ёпиқ турдаги акционерлик жамиятларини очик

турдаги жамиятларга айлантириш жараёни бошланди.

Ташқи иқтисодий фаолият соҳасида ҳам жиддий янгиланишлар амалга оширилди. "Хорижий сармоялар ва хорижий сармоядорлар фаолиятини кафолатлаш тўғрисида", "Банкротлик тўғрисида", "Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида" қонунлар қабул қилинди. Бу қонунлар ташқи иқтисодий фаолиятни сезиларли даражада кенгайтириш имконини берди, хорижий сармоядорлар учун имтиёзли шароит яратди. Мисол учун, экспорт қилиш маълум даражада чекланган товарлар рўйхати қисқартирила бориб, 1994 йилнинг биринчи ярмида 26 хилни, йил охирига келиб эса, 11 хилни ташкил этди.

Экспорт маҳсулотини ва унинг ҳажмини кўпайтиришга эришган корхоналарга катта имтиёзлар берилгани эътиборга сазовор.

Миллий валютанинг жорий қилиниши ташкилий янгиланишларни амалга оширишда янада муҳим омил бўлди. Республика валюта биржаси ташкил этилиб, бу биржада ўтказилаётган савдо натижасига қараб пулнинг расмий алмашув қиймати белгилана бошланди.

1 августдан бошлаб сўмнинг чекланган конвертация жараёни жорий этилди.

Ҳукумат миллий валютани мустаҳкамлаш мақсадида бюджет ва пул-кредит сиёсатини кескинлаштириш, истеъмол бозорини тўлдириш, экспортни кенгайтириш ва ташқи иқтисодий фаолиятни такомиллаштириш, пул айланишини тезлаштириш ва муомаладаги нақд пулни камайтириш юзасидан тўртта дастур ишлаб чиқиб, қабул қилди.

Давлат бюджетида харажатларни камайтириш ва даромадларни кўпайтириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар туфайли 1994 йилда бюджет камомадини чеклаш, пул қадрсизланиши жараёнини сезиларли даражада секинлаштиришга эришилди. Аҳолига меъёри тарзда ўлчаб бериладиган маҳсулотлар турини ҳам кескин қисқартириш, оқибатда савдо соҳасини бутунлай эркинлаштириш имконини берди.

Иқтисодиётда барқарорлик ва маълум даражадаги иқтисодий ўсиш аломатлари кўрина бошлади. Нефть ва газ конденсати қазиб олиш 1991 йилдагига нисбатан икки баравар кўпайди, олтин, дон,

енгил саноат, озуқа саноати ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш анча ошди. МДҲдаги барча давлатлар билан савдони яхши йўлга кўйишга эришилди.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари билан иқтисодий алоқаларда сифат жиҳатидан янги ривожланишга, яъни ўзаро савдода биринчи марта ижобий сальдога эришдик.

Иқтисодий соҳада эришилган ютуқларнинг кўламини факат қиёслаш орқали аниқ тасаввур қилиш мумкин.

Масалан, Ўзбекистоннинг ялпи ички маҳсулоти 1994 йилда 1991 йилдагига нисбатан 83 фоизни ташкил этди. Ялпи ички маҳсулот 1991 йилдагига нисбатан атиги 17 фоиз камайган. Ваҳоланки, бу кўрсаткич Қозоғистонда 43, Россияда 39, Украинада 40, Беларусда 35 фоизни ташкил этганини яхши биламиз.

Саноат маҳсулотлари ҳажми эса Ўзбекистонда 1991 йилга нисбатан атиги 2 фоиз камайган бўлса, Қозоғистонда 48, Россияда 44, Украинада 38, Беларусда 32 фоизга камайиб кетди. 1994 йилда республикамизда саноат ўсиши суръатлари 1993 йилга қараганда 101 фоиз ўсди. Ялпи ташқи савдо обороти 1993 йилга нисбатан 5,5 фоизга кўпайди ва 3 млрд. 800 млн. АҚШ долларини ташкил қилди. Республика йиғма бюджетининг тақчиллиги ялпи ички маҳсулотнинг 3,5 фоизини ташкил этди.

Инфляция балоси МДҲ мамлакатларининг бирортасини четлаб ўтгани йўқ. Лекин, шунга қарамасдан, кейинги пайтда Ўзбекистонда нарх сакрашини бирмунча жиловладик. Дейлик, 1994 йилнинг октябрида истеъмол нархлари 24 фоизга ўсган бўлса, декабрга келиб тахминан 11 фоизни ташкил этгани бунга ёрқин мисолдир.

Таққослаш учун яна бир рақамни келтираман: 1991 йилга нисбатан нархлар бизда 1129 баробар, Беларусда 3207, Қозоғистонда 5618, Украинада эса 10800 баробар ошди.

Бундай рақамларни чакана товароборот, капитал маблағлар ҳажми, аҳолининг даромадлари каби муҳим кўрсаткичлар бўйича ҳам келтириш мумкин.

1994 йил якунлари тўғрисида гапиран эканмиз, иқтисодиётимизда эришилган натижалардан энг муҳимларини куйидагicha изоҳлаш мумкин:

Бириңчидан, макроиктисодий барқарорлаштириш сиёсатини амалға ошириш сари илк қадам ташлады. Пухта ишлаб чиқилған пул-кредит, бюджет ва аксиэмиссия сиёсатини қўллаб, нарх ўсиш суръатларини пасайтиришга, валютамизни мустаҳкамлаш муаммоларини ечишга дадил киришдик.

Иккинчидан, саноатни, умуман ишлаб чиқаришнинг устувор йўналишларини давлат томонидан доимий равишда қўллаб-кувватланишини таъминлай олдик. Бу эса ўз навбатида ишсизликни чегарарадашга, меҳнат ресурсларининг банд бўлишига, уларнинг даромади ва бюджет даромадини барқарорлаштиришга олиб келди.

Учинчидан, давлатимиз иқтисодий жиҳатдан мустақил бўлишини назарда тутиб, халқимизнинг эҳтиёжини қондирадиган ғалла, дон, гўшт, сут маҳсулотларини четдан олиб келишни кескин камайтиридик. Нефть ва нефть маҳсулотларини қўшни давлатлардан олиб келишни камайтириш сари ҳал қилувчи қадам қўйилди.

Тўртингчидан, хорижий сармояларни мамлакатимизга жалб этиш учун кенг имкониятлар ва муҳим шарт-шароитларни яратдик.

Шу билан бирга ижтимоий-иқтисодий вазият ҳамон анча мураккаб эканини ҳам эътироф этиш лозим. Қишлоқ хўжалиги ва бошқа ҳалқ хўжалик соҳаларида мулкчиликнинг янги шакли қарор топиши чинакамига таъминланмаяпти, бозор инфраструктураси зарур даражада ривожланмаяпти. Ишлаб чиқариш суръатининг пасайиши кўп тармоқларда давом этмоқда, сармояларнинг етарли эмаслиги иқтисодиётни яхшилаб қайта қуришга тўсиқ бўлмоқда. Тўлов, ҳисобкитоб масалалари ҳамон оғир аҳволда. Пулнинг ойлик қадрсизланиш суръатлари нисбатан юқори ҳолда сақланаётгани аҳолининг ҳаёт даражасига салбий таъсир қўлмоқда. Соғлиқни сақлаш, ҳалқ таълими, фан, маданият ва бошқа ижтимоий соҳалар молиявий жиҳатдан қўшимча ёрдамга муҳтоҷ.

Ўзбекистон мана шундай шароитда иқтисодий ислоҳотларнинг иккинчи босқичига кириб бормоқда.

Иқтисодий ислоҳотларнинг бугунги босқичида энг муҳим ва долзарб вазифа - мулкий муносабатларни тубдан ўзгартирумокдир. Унинг туб моҳияти - мулкни ҳақиқий эгалари қўлига беришни тезлаштириш, тадбиркорлик учун кенг йўл очиб бериш ва мулқдорда

янги мулк эгаси ҳиссиётини тарбиялашдан иборат.

Хусусийлаштириш соҳасида мулқдорга дуч келаётган муаммоларни ечиш, унга кенг йўл очиб бериш, кўплаб ҳақиқий мулк эгаларини тарбиялаш мақсадга мувофиқдир. Биринчи навбатда, тадбиркорликнинг қонуний базасини мустахкамлаш ва унинг давлат томонидан қўллаб-қувватланишини таъминлаш керак.

Тадбиркорларга ва бозор муносабатларини жорий этишга интилаётган шахсларга Ўзбекистон давлатининг фақатгина хуқукий кафолатини бериш кифоя эмас. Шу хуқуқлардан ва кафолатлардан тўла фойдаланиш учун шарт-шароит яратиш, ишбилармон фаолиятига тўскىнлик қилувчиларнинг танобини тортиб қўйиш бугунги куннинг бош масаласидир. Хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама ривожлантиришга бугун республикамизнинг иқтисодий тараққиётини таъминловчи омил сифатида қарашимиз ва қонунчилик фаолиятимизда ҳам бу соҳага худди шу нуқтаи назардан ёндашмоғимиз даркор.

Биз учун хусусийлаштиришнинг ўзидан ҳам, унинг ишлаб чиқаришни рағбатлантириши, меҳнат маҳсулоти сифатини яхшилаш ва кўпайтиришдан манфаатдорликни ошириши, аҳоли эҳтиёжини қондиришда рақобат мухитини вужудга келтириши, яккаҳокимликни йўқ қилиши ва шу орқали эркин иқтисод пайдо бўлишига имкон яратиши мухим ва қимматлироқдир.

Ер ва ер ислоҳотини жадаллаштиришга оид қонунларни такомиллаштириш масаласи пишиб етилмоқда. Тўғри, давлат мулқчилигигина қайд этилган "Ер ҳақида"ги қонун бор. Бироқ ер ўз эгасини тополмаётган ҳоллар тез-тез учраб турибди. Ерга эгалик қилишдаги мулк хуқуқини кенгайтириш, суғориладиган ерлардан унумли фойдаланиш, керак бўлса, деҳқонларимизнинг хусусий эгалик хуқуқини кучайтириш шарт, деб ўйлайман.

Ердан фойдаланиш соҳасида ижара муносабатларини тартибга солувчи қонунчиликнинг йўқлиги ҳам ер ислоҳотини тўхтатиб турибди. Ижарани ривожлантириш учун республика парламенти томонидан "Қишлоқ хўжалиги ерларини ижарага олиш" ҳақидаги қонунни кўриб чикиш ва қабул қилишни тезлатиш даркор.

Иқтисодий салоҳиятимизни ва даромадимизни янги босқичга

кўтарадиган яна бир долзарб вазифа, асосий муаммо ва устун йўналиш - бу тайёр маҳсулот ишлаб чиқариши кенгайтириш, унинг сифати ҳамда рақобатга чидашини жаҳон бозори талаблари даражасига етказиши мақсадида иқтисодиётда таркибий-структуравий ўзгаришларни амалга оширишдир.

Ўзини мустақил санаган ҳар бир давлат, жаҳон иқтисодида ўз ўрнини топмоқчи бўлган ҳар бир мамлакат аввало оддий саволларга жавоб беришга уриниб кўриши керак:

- иқтисодиётининг устувор соҳалари ва тармоқлари нималардан иборат? Жаҳон бозорида рақобатга бардош бера оладиган маҳсулотларни қандай қилиб ва нима ҳисобидан ишлаб чиқариш мумкин? Тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришда, бошқаларнинг эътиборини жалб этишнинг, жаҳон ҳамжамиятида ўзига хос ва ўзига мос обрў топишнинг қандай мақбул йўллари бор?

Бу саволларга аниқ жавоб топмаса, ўз иқтисоди, биринчи навбатда ишлаб чиқариш тармоқларини шунга мослаштириб қайта куриб олмаса, янги замонавий технология ва ускуналарни олиб келиб ўрнатмаса, корхоналарда ишлайдиганлар ва уларнинг раҳбарлари савиясини, иш услубларини жаҳон талаблари даражасига кўтармаса, ишлаб чиқарилаётган кундалик маҳсулот ўз харидорини топмаса, бундай давлат ривожланмайди, фаровонликка эришмайди.

Шунинг учун ҳам мустақиллигимизнинг биринчи кунлариданоқ бой имкониятларимиз - захираларимиздан фойдаланиб, юртимизни арzon-гаров хом ашё маконидан дунёдаги етакчи давлатлар билан бўйлашадиган, иқтисоди замонавий талабларга жавоб берадиган мамлакатга айлантириш учун азму қарор қилдик. Ҳар кунги ҳаётимиз бу йўлдан оғишмай бораётганлигимизни кўрсатиб турибди. Тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган кўплаб кичик ва ўрта корхоналар, янги завод ва фабрикалар қурилмоқда, ишлаб чиқариш кучлари тобора ривожланмоқда. Шуларнинг ҳисобидан, яна бир бор таъкидламоқчиман, охирги 3-4 йилда Ўзбекистонга четдан олиб келинаётган нефть ва нефть маҳсулотларини 6-7 карра, гўшт ва сут маҳсулотларини 2-3 баробар, дон ва ун маҳсулотини 2 карра камайтирганимиз бунга яққол мисол бўла олади.

Вилоятларда хорижий инвестициялар билан курилаётган

корхоналар яқин орада албатта ўз натижасини беради. Қурилаётган темирийўл ва автомобил йўлларимиз, уй-жой қурилиши ва ободончилик ишларимиз, энергетика ва бошқа базавий тармоқлар ишга тушгач, шаҳар ва қишлоқларимиз янада обод бўлади. Лекин бу улуғвор ишларимизнинг бошланиши, холос.

Ташкил этилаётган корхоналарга асбоб-ускуналар харид қилиш учун давлат томонидан имтиёзли қарз ва ёрдам бериш, ишлаб чиқариш йўналишидаги маҳсулотларни чет элга сотишдаги чеклашларни бекор қилиш, ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришга маблағ сарфлаш, қарз бериш, солиқ солишининг давлат томонидан мувофиқлаштириш воситаларини кучайтириш, суғуртанинг таъсирчан усувларини яратиш йўлларини мустаҳкам ҳуқуқий асос негизида вужудга келтириш кичик ва ўртacha тадбиркорлар учун хозир жуда муҳим.

Яна бир бор таъкидламоқчиман: бугунги энг муҳим ҳал қилувчи масала - кичик ва ўрта корхоналарни ривожлантириш, уларга кенг имконият ва имтиёзлар ташкил қилиб беришдир.

Қисқа муддат ичидан бозорни тўлдирадиган ва экспорт қилинадиган маҳсулот ишлаб чиқарувчи кичик технологияларни жорий этиш концепцияси ва миллий дастурини ишлаб чиқиш зарур.

Имкони топилган барча йўллар билан (хорижий кредитларни ишга солиш, сармоя жамғармалари, маҳаллий бюджетлар, суғурта компаниялари ва фуқароларнинг шахсий жамғармаларидағи пуллар) кичик технологияларни харид қилишни тезлаштириш зарур.

Кичик технологиялар сотиб олинадиган мамлакат ва фирмаларни аниқлашда асосий эътибор жиҳозлаш ва тайёр маҳсулот сифати, уларнинг жаҳон андозалари талабларига қай даражада жавоб беришига қаратилиши зарур.

Жаҳон тажрибасида бундай ёндашув синовдан ўтган. Японияда 1956-1957 йилларда давлат иқтисодиётнинг бир қанча устувор йўналишларини қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирларни белгилаб берган, яъни "Электрон саноатини ривожлантириш бўйича фавқулодда чора-тадбирлар тўғрисида", "Машинасозлик саноатини ривожлантириш бўйича фавқулодда чора-тадбирлар тўғрисида" қонунлар қабул қилинган эди. 1962 йилда Япония миллий

тараққиётининг биринчи тұлақонли режаси ишлаб чиқилған бўлиб, унинг асоси давлат устувор йўналишлари тизимини кенг жорий қилишдан иборат бўлган эди.

Олий Мажлис давлат мулкни хусусийлаштиришга, кичик корхоналар ташкил этиш ва бу мулкни сотиб олишга Ўзбекистон фуқароларининг шахсий сармояларини жалб этишнинг қонуний асосларини ишлаб чиқиши лозим. Айни замонда у солиқ солиш тартибининг хуқуқий жиҳатдан шаклланишини ҳам таъминлаши керак.

Бунда маблағларни узоқ муддат мобайнида ва манфаатли тарзда ишлатишнинг пишиқ-пухта тизимини яратиш кўзда тутилади.

Шунинг учун ҳам банк, молия, кредит тизимларини такомиллаштириш, уларни жаҳон талабларига кўтариш, тўловларни тартибга солиш борасидаги ислоҳотлар бугунги босқичда муҳим ўринни олиши даркор.

Бюджет сиёсатини, биринчи навбатда иқтисодий ва ижтимоий масалаларга тааллуқли вазифаларни ишлаб чиқиши ҳамда тасдиқлаш соҳасида Олий Мажлиснинг таъсири сезиларли даражада ошиб бормоғи зарур.

Иқтисодиётимизни барқарорлаштиришни, пул қадрсизланиши - инфляцияни камайтиришни, товар ва хизматлар бозорида рақобат ташкил қилишни, ички миллий маҳсулот ҳажмининг ошиб боришини таъминлаш, тўлов балансини мустаҳкамлаш ва бошқаришни қўллаб-кувватлаш, ташкилий янгиланишларни чукурлаштириш - булар, албатта, мураккаб, аммо бажариш мумкин бўлган вазифалардир. Уларни амалга ошириш учун:

аввало, давлат ишлаб чиқариш ташкилотларини бюджет томонидан қўллаб-кувватлашни кескин камайтириш, истеъмолчилик сармоя ёрдамини чеклаш;

иккинчидан, солиқ сиёсатини тўғри йўлга қўйиш. Табиий ресурслардан фойдаланиш борасида солиқнинг рағбатлантирувчи аҳамиятини ошириш, техник қайта жиҳозланишини фаол жорий этаётган корхоналар зиммасидаги солиқ юкини камайтириш, табиий бойлик ва захираларимизга, мулкка солиқ ставкасини ошириш;

учинчидан, ресурсларни тақсимлаш механизми сифатида эркин

бозор нархларини тартибга солиш ва уларнинг аҳамиятини ошириш, барча соҳада, шу жумладан, энергоресурслар, озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотлар нарх-навосини ўз ҳолига қўйиш;

тўртингидан, давлатнинг тақсимотчилик фаолиятини чеклаш, яқин йиллар ичida ишлаб чиқариш-техник хусусиятига эга бўлган маҳсулотлар, шу жумладан, пахта ва ғаллага давлат буюртмасини кескин даражада қисқартириш лозим. Давлат буюртмаси тизими ундан яхшироқ бўлган, яъни давлатнинг зарур эҳтиёжларини қопладиган ва харидор ўртасида келишилган нарх асосида қондиришга қаратилган давлат харид тизими билан алмаштирилиши талаб этилади.

Нафақат иқтисодда, умуман республикада ўтказилаётган барча ислоҳотлар - бу, аввалимбор, институцион ислоҳотлар, яъни эски, мустабид иқтисоднинг қотиб қолган, ғоят марказлаштирилган тизимини янги, эркин бошқарувга кўчириш, рафбатлантириш ва жонлантирувчи тизимга айлантириш пойдевори ҳисобланади. Шу ўзгаришларни нуфузли ҳалқаро ташкилотлар тайёрлаган маҳсус дастурлар асосида ўтказиш, замонавий услугуб ва компьютерлар тизимини жорий қилиш, ёш, истеъоддли мутахассисларимизни жадал суръатлар билан хорижий мамлакатларда ва ўз юртимизда ўқитибтарбиялаш диққат-эътиборимиз марказида турмоғи керак.

Муҳтарам дўстлар!

Мамлакатимизда ўтказилаётган нафақат иқтисодий, балки ижтимоий соҳалардаги ислоҳотлардан ҳам асосий кўзланган мақсад, барча ўзгаришларнинг натижаси ва белгиси миллый валютамиз - сўмимизни мустаҳкамлаш, уни босқичма-босқич жаҳоннинг кучли валюталари билан конвертациялашга, яъни эркин алмашувига эришишдир. Бу соҳада талай ишлар қилинди. Лекин 1995 йил шу масалани узил-кесил ҳал қилиш йили бўлишига ишонаман.

Республикамиз дўконлари ва бозорлари товарлар билан тўлибтошсагина миллый валютамиз куч-қудрат касб этади, обрў-эътибор топади. Яна бир бор таъкидламоқчиман: миллый валютамиз мустаҳкам бўлсагина давлатимиз қудратли, обрўли, ҳаётимиз фаровон бўлади!

Мен "давлат" сўзига алоҳида урғу беряётганим бежиз эмас.

Ислоҳотларни амалга ошириш, иқтисодиётнинг устувор йўналишларини, аниқ мақсадларини белгилаш, шу мақсадларга эришиш учун тегишли шароит, механизмларни яратиш ва амалга ошириш давлат зиммасига тушади. Давлат ислоҳотлар тақдири учун масъул, уни ўз ҳолига ташлаб қўя олмайди!

Ўтиш даврида ҳалқимизнинг муҳтож табақаларини ҳимоялаш, уларга тегишли ёрдам бериш - ислоҳотларнинг иккинчи босқичида ҳам давом этади. Ўзларингиз бир ўйлаб кўринглар: ислоҳотлардан мақсад нима? Янги жамиятимиз биноси авваламбор ким учун қуриляпти? Албатта, ҳалқимиз учун! Фарзандларимиз учун!

Одамларимизнинг аҳвол-руҳиятидан хабардор бўлиб турайлик, бир-биримизга кўмаклашайлик. Мехр-оқибат, мурувват бўлмаган жамият ҳалокатга маҳкумдир.

Ислоҳотлар давомида, мулкчиликнинг қайси шакли ва соҳаларида банд бўлишидан қатъи назар, барча меҳнаткашларни teng ижтимоий кафолатлар билан таъминлаш, айниқса, аҳолининг ночор қатламларига ёрдам бериш, бошқача айтганда, эгаси аниқ ижтимоий кўллаб-қувватлаш тизимиға ўтиш жараёнини фаоллаштириш талаб этилади. Менинг фикримча, биз ўз фаолиятимизда бир қоидага ҳамиша амал қилишимиз зарур: Олий Мажлис кўриб чиқадиган ҳар бир қонун лойиҳасига ижтимоий муҳофазани кўзда тутган тадбирлар илова қилиниши шарт.

Азиз дўстлар!

Биз эгаллашимиз керак бўлган яна бир мураккаб масала бор - бу одамлар руҳиятини ўзгартириш, бозор психологиясини шакллантиришdir. Бу борадаги ўзгаришлар ҳам сезилмоқда, одамларимиз аста-секин боқимандачилик кайфиятидан халос бўлмоқдалар, ташаббускорлик ва тадбиркорлик қарор топмоқда. Бу ҳолни, айниқса, ёшлар орасида кузатиш мумкин. Шу билан бирга, бизнинг кўплаб раҳбарларимиз, фаолларимиз эски тизим асоратларидан жудо бўлолмаяптилар. Кўпчилик ҳал этилмаган муаммолар ҳокимиятнинг ўрта бўғинларида чигаллашади, ташаббускорлик ва ишга ижодий ёндашиш йўқ.

Ҳаммамиз яхши билиб олишимиз керак: хаёт ривожланяпти, вазият, ҳолат ўзгаряпти - демак, янги ёндашувлар, қолипдан ташқари

ечимлар излашимиз шарт. Умуман буйруқни, кўрсатмаларни ва янги йўриқномаларни кутиб ўтирувчан хаётга сезигирлик билан муносабатда бўлиш керак.

Раҳбарларнинг ўз масъулиятини, уларга берилган ваколатларни англаши, изланиш, ташаббускорлик, тадбиркорлик рухи билан яшаш ва курашиш - бугунги куннинг энг долзарб масаласидир.

III. ЮКСАК МАЪНАВИЯТ - КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

Азиз дўстлар!

Биз иқтисодий ислоҳотларнинг янги даврига қадам қўяр эканмиз, маданий-маърифий соҳадаги ишларимиз, маънавиятимизни ривожлантириш вазифаларини ҳам белгилаб олишимиз керак.

Зеро миллий истиқбол мағкурасининг, маънавий-маърифий қадриятларнинг жамият ва халқ хаётида тутган ўрни бекиёс эканини ҳаммамиз яхши биламиш.

Халқимиз азалдан ўз маънавий қадриятлари ва диний эътиқодини юксак қадрлаб келган. Шунинг учун у энг мушкул дамларда ҳам ўзлигини йўқотмади. Мана шу Олий Мажлисга сайланган депутатларнинг катта бир қисми зиёлилар, ижодкорлар эканининг ўзи ҳам халқимизнинг маърифат аҳлига хурмат-эҳтироми натижасидир.

Сир эмас, бир вақтлар Марказнинг буйругини кутиб-бажариб, тепадан кўрсатилган чизиқдан чиқмаслик одатимизга айланган эди.

Гоҳ ошкора, гоҳ зимдан: "Сизлар ўз-ўзларингни мустақил бошқаришга, мустақил давлат қуришга қодир эмассизлар", "Сизлар муте, қарам миллатсизлар", "Сизлар учун биз фикрлаймиз, назария яратамиз, амру фармон берамиз, сизлар эса бажарасиз, холос", деб миямизга қуйиб келишмаганми?

Мустақилликка эришганимиздан сўнг биз сохта мағкуранинг яккаҳокимлигидан қутулдик. Маънавиятни, мағкурани зуғумлардан озод қилиб, эркин фикрга, миллий тафаккурга кенг йўл очдик.

Эндиgi асосий вазифа кишиларимизнинг мустақил фикрлашга ўрганиши, ўзига ишончининг орта боришидир. Чунки тафаккур озод бўлмаса, онг ва шуур тазийқдан, қулликдан қутулмаса, инсон тўла

озод бўлолмайди.

Тараққиёт тақдирини маънавий жиҳатдан етук одамлар ҳал қиласди. Техникавий билим, мураккаб технологияни эгаллаш қобилияти маънавий баркамоллик билан, мустақил тафаккур билан бирга бориши керак. Ақлий заковат ва руҳий-маънавий салоҳият - маърифатли инсоннинг икки қанотидир.

Шунинг учун мустақиллик тафаккурини кенгроқ тушунишимиз лозим.

Бу тушунча аввало:

- Ўзбекистоннинг истиқболи ва истиқтоли ҳақида қайғуриш;

- ўзининг ва ўз халқининг, ватаннинг қадру қиммати, орномусини англаб, уни ҳимоя қилиш;

юксак ғоялар, янги фикрий кашфиётлар, ниятлар оғушида меҳнат қилиб, истеъоди, бор имкониятини, керак бўлса, жонини юрт истиқболи, элига бахшида этишдир.

Шубҳасиз, бир тизимдан иккинчи тизимга ўтаётган одамлар онгига, жамият мағкурасида ўзгаришлар бўлиши табиий. Бироқ, баъзи бирорларнинг хадик олиб, эркин бозор шароитида маънавий-ахлоқий қадриятларнинг қиммати тушиб кетади, маданият иккинчи даражали нарсага айланади, деган фикрлари ўринсиз.

Эркин бозор иқтисоди билан маънавиятни қарама-қарши кўйишдан, тўғрисини айтсак, ўз умрини тугатган эски мағкуранинг ҳиди келади.

Биз иқтисодий ўнгланиш, иқтисодий тикланиш, иқтисодий ривожланишни маънавий ўнглаш, маънавий покланиш, маънавий юксалиш ҳаракатлари билан тамомила уйғун бўлишини истаймиз. Сиёсатимизни шунга қурамиз ва уни тўла татбиқ этамиз. Одамларимиз омилкор, салоҳиятли, оқибатли, ҳалол ва ижтимоий майдонларда сабит турадиган бўлсинлар.

Маънавият ва иқтисод бир-бирини инкор этмайди, балки бир-бирини қувватлаб, ўзаро таъсирланиб ривожланиб боради. Миллий камолот йўли мана шу.

Аммо бу йўлни эсон-омон босиб ўтишимиз керак. Ана шу ўтиш даври катта қийинчиликлар туғдираётгани табиий. Бир нарсани тан олишимиз даркор. Агарки, мағкура, маърифат, одамларимизнинг

дунёқараши, тафаккури юксалишининг аҳамиятини жамиятимиз истиқболи учун яхши англаётган эканмиз, авваламбор, мана шу йўлда ўзини аямаётган, тадбиркор, ижодкор зиёлилар, ўқитувчилар, шифокорлар, олимларимизга етарли даражада шароит туғдириб, ижтимоий жиҳатдан таъминлаб бериш бизнинг вазифамиздир.

Театрлар, кутубхоналар, музейлар, хуллас, маънавий-маданий муассасаларимиз иқтисодий мададга муҳтож. Иқтисодий ислоҳотларнинг янги босқичига ўтаётган эканмиз, демак, ишлаб чиқариш ишга тушиб, кўтарилиш юз бериши муқаррар. Бу эса фан, маданият ва маънавият тараққиётига ижобий таъсир этиши керак.

Қадрли депутатлар!

Маънавий ва маданий-маърифий ишлар билан боғлиқ давлат сиёсати сизларнинг дикқат эътиборингизда бўлиши керак. Бу борадаги энг катта ишлардан бири - таълим, маданият, матбуот ва ноширлик фаолияти соҳаларига оид зарур қонунларни тайёрлаб тезда қабул қилишдир.

Ушбу қонунлар замонавий талаблар даражасида бўлиб, уларда халқаро маданий алоқалар, ижодкорларнинг ҳақ-хуқуқлари, ҳомийлик тартиб-қоидаси, солиқ солиш тартиби, муаллифлик хукуки, гонорар масаласи ва ҳоказолар ўз ечимини топиши керак.

Биз маърифат ва маънавиятга тадбиркорлик ва тижорат соҳалари томонидан қилинаётган ҳомийликни кўллаб-куватлаймиз, бундай ҳомийларга енгиллик бериш лозимлигини ҳам биламиз. Лекин ҳомийлик маблағлари чинакам бадиий асарларга, чинакам ижодий тадбирларга сарфланиши шарт.

Халқимизнинг келажаги учун сувдай, ҳаводай зарур бўлган бундай соҳаларга биринчи ва энг катта ҳомий - давлатнинг ўзи. Маънавият жуда нозик тарбиявий соҳа. Буни ўзибўларчиликка ташлаб кўйиб бўлмайди.

Масъул паллада ўз тақдирини ишончли, билимли ва ғайратли шахсларга топшира олмаган миллат ўз баҳтига зомин, келажакдан маҳрум бўлади. Ва аксинча, келажаги буюк бўлишини истаган миллат ўз тақдирини улуғ мақсадга эга, олижаноб, қатъиятли, маърифатли инсонларга ишонч билдириб топширган ҳолдагина ўз муродига етади.

Ишонч йўқ жойда шижаат, ғайрат бўлмайди. Донишманд

боболаримиздан бири бежиз "Маърифат - бу шижаатдир" демаган. Маърифатдан йироқ амалдор хеч қачон халқ дилидагини англашга қодир бўлолмайди. Қолаверса, у бунга интилмайди ҳам.

Маърифатсиз раҳбар ҳамиша ўз теварагида маърифатсиз раҳбарларни йиғиш билан машғул бўлади. Чунки унинг ягона мақсади ўз амалини мустаҳкамлашдан иборат бўлиб қолади. Шу сабабдан ҳам у ғайратли, фидойи, маърифатли кишиларни ҳокимиятга яқинлаштирмасликка тиришади, уларни бадном қилади, уларнинг ютуғидан азобланади.

Муҳтарам ноиблар!

Мақсадимизга эришишимиз, янги жамият куришимиз, сиёсатда ҳам, иқтисодда ҳам, маънавият соҳасида ҳам барча ислоҳотларнинг тақдири ўсиб келаётган ёш авлодга боғлиқ.

Ёшларга йўл очиш учун, энг аввало, уларнинг ўзида шижаат ва шу билан бирга, ёши катталарга инсоф бўлиши керак.

Мен бир нарсага қаттиқ ишонаман: ёшларда шижаат бор, янгиликка интилиш бор, ихтиро қилишга, кашфиёт яратишга иштиёқ бор. Лекин уларнинг олдида катта бир тўсиқ турибдики, бу тўсиқни баъзан замбарак ўқи билан ҳам отиб қулатиб бўлмайди. Бу тўсиқнинг номи - бюрократия, тамагирлик, маҳаллийчилик, уруғчилик.

Ўсиб келаётган ёшларга қулоқ солиши, мадад бериши лозим бўлган кўп мансабдорларда инсоф, диёнат йўқлиги ҳам шу тўсиқнинг бир кўринишидир. Бундай одамларнинг нияти аниқ - беш-үн йил амаллаб ўтирган мансабини йўқотмаса, мўмай маоши ва хуфия "шапка"сини олиб турса, марра уники - у ёғи пенсия. Мустакил давлатимизнинг бугунги бош шиорларидан бири - юртим деб, элим деб ёниб яшаш ундейларнинг тушига ҳам кирмайди.

Оқибатда янгилик куртаклигига даёқ нобуд бўлади ва уни бошлаган ёш тадбиркорнинг ҳафсаласи пир бўлади, тараққиётга интилиши сўниб қолади.

Муҳтарам ноиблар!

Биз юз берәётган иқтисодий ислоҳотлар давлат томонидан амалга оширилишини, давлат бош ислоҳотчи эканини эътироф этдик. Демак, сиёсий-маънавий ислоҳотларда ҳам, миллний тарбияни юксалтиришда ҳам давлат бош ислоҳотчи бўлишини тан олишимиз

керак ва тегишли қонунлар орқали маънавий йўналишларнинг пойдеворини асослаб беришимиз даркор.

Бугун шуни тан олишимиз керакки, бозор иқтисодиёти энди шакланаётган бир пайтда, кўп салбий оқибатлар юзага чиқмоқда. Эски тизим қонунлари ишдан чиқиб, янги тизим қонунлари етишмаслиги ва ҳаётда ишга кирмаганлиги порахўрлик, ўғирлик, қаллоблик иллатларининг пайдо бўлишига ва кучайишига олиб келмоқда. Лекин бундай ҳолат, қандай тизим ҳукмонлик қилишидан қатъи назар, авваламбор, айрим кишиларнинг қонида бор нопоклиги, фирибгарлиги, ватан ва миллат манфаатларига бефарқ қарashi, бугунги ва келгуси авлодлар тақдири учун масъулиятсизлик, очикроқ айтадиган бўлсак, уларнинг маънавий қашшоқлиги туфайли кўзга ташланмоқда.

Хуллас, давр ҳалқимиз дунёкарашини миллий истиқлол руҳида ислоҳ қилишини қатъий талаб қилмоқда. Маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний ёзганидек, "Тарбия бизлар учун ё ҳаёт - ё мамот, ё нажот - ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласидир". Шундай экан, миллий мағкуруни онгимизга сингдирувчи амалий тарбияни йўлга кўйиш жамиятимизда соғлом муҳитни саклаш билан баробар эканини англашимиз даркор.

Юртига, ватанига муҳаббат, инсонпарварлик туйғулари халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган азалий хусусиятидир. Ана шу ноёб инсоний фазилатларни асраб, авайлаш ва янада такомиллашибириш, фарзандларимизни озод ва демократик Ўзбекистоннинг муносиб ўғил-қизлари этиб тарбиялаш масаласи маънавият соҳасидаги ишларимизнинг асосий йўналишини ташкил этмоғи керак.

Шунга кўра Ватан тарихи ва маданиятини, жуғрофияси ва иқтисодини, қадимий урф-одатларимизни ҳар томонлама ўрганиш долзарб аҳамиятга эга.

Боғчалардан тортиб олий ўқув юртларигача бўлган таълим-тарбия тизимларида мазкур фан ва билимларни ўқитишига муҳим сиёсий вазифа сифатида қаралмоғи лозим. Бу эса, ўз навбатида, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини миллий маънавият нуқтаи назаридан янгитдан қараб чиқиши тақозо этади.

Ҳанузгача жуда кўп дарсликларимиз шароитга "мослаштирилиб", чалакам-чатти таҳрирлар билан нашр этилмоқда. Уларнинг мазмун-мундарижаси эскича, илмий-бадиий савияси саёз.

Санъатнинг бошқа турларини камситмаган ҳолда, бугунги кунда телевидение ва кино санъатининг таъсир кучи бениҳоя юксалиб бораётганини қайд этиш лозим. Шунинг учун, менинг назаримда кичкинтой болаларимиз учун миллий руҳдаги кўплаб мультфильмлар, бадиий ва видеофильмлар яратиш зарур. Токи фарзандларимиз факат Уолт Дисней қаҳрамонларинигина билиб-таниб қолмасдан, ўзбек халқ эртакларини, миллий қаҳрамонларимизни ҳам танисин - билсин, улар билан ифтихор қилишга одатлансанн.

Ноёб тарихий ёдгорликларни сақлаш ва таъмирлаш, ўзбек халқи яратган ва миллий бойлик бўлган санъат асарларини излаб топиш, уларни Ўзбекистонга қайтариш маънавият дастуримизнинг муҳим бўлагини ташкил этади. Бу миллий бойлик бизга ота-боболаримиздан мерос бўлиб қолган. Бинобарин, биз ҳам уни кўз қорачиғидай асрраб-авайлашимиз ва фарзандларимизга мерос қилиб қолдиришимиз керак.

Шу муносабат билан маданият даргоҳларимиз мутасаддилари, фуқароларимизнинг эътиборини бир масалага қаратмоқчи эдим: бутун дунёда бундай ноёб бойликлар биринчи галда давлат музейлари томонидан сотиб олинади ва сақланади. Биз ҳам худди шу йўлдан боришимиз, бунинг учун керакли маблағни асло аямаслигимиз даркор. Тенгсиз миллий бойликларимизнинг шунча талон-торож қилингани етар, энди биз бунга асло йўл кўймаймиз.

Мен жонини халқ баҳт-саодати йўлига тиккан фидойи ижодкорларни руҳлантиришга, чинакам истеъдод эгаларини авайлаб-асраш, рағбатлантиришга даъват этаман. Чунки, сир эмас, охирги йилларда чала ва саёз тадқиқотлар, дидсиз, маънисиз "бадиий" асарларнинг кўпайиши кўзга ташланмоқда. Бу ҳолат ёш авлодни мукаддас ғоялар руҳида тарбиялашга путур етказади.

Маънавият тарбиянинг энг таъсирчан қуроли экан, ундан оқилона фойдаланиш, болаларимизни ватанпарварлик, ростгўйлик, ҳақсеварликка ўргатиш керак бўлади. Аслини олганда, ахлоқ - маънавиятнинг ўзаги. Инсон ахлоқи шунчаки салом-алик, хушмуомаладангина иборат эмас. Ахлоқ - бу аввало инсоф ва адолат

туйғуси, имон, ҳалоллик дегани.

Қадимги аждодларимиз комил инсон ҳақида бутун бир ахлоқий талаблар мажмуасини, замонавий тилда айтсақ, шарқона ахлоқ Кодексини ишлаб чиққанлар. Киши қалбидә харомдан ҳазар, нопоклика, адолатсизликка нисбатан муросасиз исён бўлиши керак.

Шундай одамгина лафзини сақлайди, бирорнинг ҳақига хиёнат қилмайди, садоқатли бўлади. Ватани, ҳалқи учун, жонини фидо этишга ҳам ўзини аямайди. Бунинг акси ўлароқ, ёлғончи, ваъдабоз кишида ватанпарварлик туйғуси бўлмайди. Манфаатпарамтлик йўлида қилинган ҳар бир қинғир иш, у қанчалик баландпарвоз таърифтавсифларга ўралмасин, фатволар тўқиб чиқарилмасин, барибир Ватанга хиёнатдир.

Азиз юртдошлар!

Маънавий тарбияда дин арбобларининг ҳиссаси катта бўлиши керак. Улар ислом қадриятлари ва илмларининг мағзини, эзгулик ва поклика чакирувчи ўғитларни одамлар дилига етказадилар.

Ислом дини - бу ота-боболаримиз дини, у биз учун ҳам имон, ҳам ахлоқ, ҳам диёнат, ҳам маърифат эканлигини унумтмайлик. У куруқ ақидалар йиғиндиси эмас. Ана шу маърифатни кишиларимиз жон-жон деб қабул қиласидилар ва яхши ўғитларга амал қиласидилар. Мехр-оқибатли, номусли, ориятли бўлишга, иззат-эҳтиром тушунчаларига риоя этишга ҳаракат қиласидилар.

Шунинг учун, азиз дўстлар, биз демократик янгиланиш палласига кирап эканмиз, руҳий покланишни ҳам унумтмайлик, тараққиётимизга ғов бўладиган маънавий риёкорликдан тезроқ кутурайлик.

Кўхна тарихимизнинг қайси даврини эсламайлик, дин ҳар доим одамларни ўз-ўзини идора этишга, яхши хислатларини кўпайтириб, ёмонларидан халос бўлишга, чорлаган. Ҳар бир алоҳида инсонга, оила, жамоа, миңтақа, бир сўз билан айтганда, умум ҳалққа раҳнамо бўлган. Уни оғир-оғир синовларга бардош беришга, ёруғ кунларга интилиб яшашга даъват қилган, ишонтирган. Бундай даъват ўз навбатида одамларга куч-қувват бағишилаган, иродасини мустаҳкам қилган, бир-бирига меҳру оқибатини оширган.

Маълумки, инсонпарварлик ғоялари билан озиқланган Хожа

Ахмад Яссавий, Хожа Баҳовуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро каби зотлар асос соган мұқаддаас ғоя ва тариқатларнинг ватани ҳам Туркистон заминидир.

Ҳазрат Баҳовуддин Нақшбанд ўғитларини эслайлик. У ҳар бир инсонни доимо Худони дилга жо қылган ҳолда, уни доим ўзига мададкор деб билиб, касб ўрганишга, ўз ишининг устаси бўлишга, қисқаси, меҳнат қилишга чақирган.

Асрлар давомида дин одамларни энг улуғ мақсадлар йўлида бирлашишга, ҳамжиҳат бўлишга унданган. Халқимиз турмушида, ҳаётида катта ўрин тутган "Отанг боласи бўлма, одам боласи бўл" деган ҳикматнинг яшовчанлигида ҳам айнан диний ақоид ва одобнинг хизмати бор.

Демак, дин халқ маънавиятининг, маърифатининг юксалишига катта ҳисса қўшиб келган экан, бугунги давлатчилигимиз ҳақида сўз юритганда, режалар тузганда динни, энг аввало, ҳам миллий, ҳам умуминсоний қадрият сифатида эътиборда тутишимиз лозим.

Яна таъкидлаб айтаман, ҳамма гап мана шу икки улкан кучда: умуминсоний ва миллий қадриятларда, аникроғи, уларни тобора уйғунлаштириб ҳаётга татбиқ этишда.

Мухтарам уламоларимиз айниқса ҳозирги босқичда ҳар бир йигит-қизимизни илм-маърифатли, диёнатли, юксак ахлоқли бўлишлари билан бирга, замонавий техника ва технологияларни пухта ўзлаштиришга даъват қилишлари лозим. Ёшларимиз исломий қадриятлар билан бир қаторда Коинот сиру асроригача бўлган дунёвий билимларни ҳам теран ўрганишлари зарур.

Яна шуни эслатиш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувоғиқ давлат ишларидан ажратилган ҳолда бизнинг мустақил, хур, қўпмиллатли мамлакатимизда ислом дини билан баробар православие, иудаизм, баптизм, адвентизм, католицизм сингари ўндан ортиқ бошқа конфессиялар мутлақо эркин фаолият кўрсатмоқда. Қайси дин ёки мазҳабга мансублигидан қатъи назар, бу конфессияларнинг вакиллари биз билан елкама-елка туриб, Ўзбекистон халқларининг фаровонлиги ва равнақи учун астойдил меҳнат қилаётганларни бизни мамнун этади.

Албатта, мамлакатимиздаги ҳозирги тузумнинг барқарорлиги, унинг келажак тараққиёти биринчи навбатда амалга оширилаётган реал сиёсий курс, уни ижтимоий кучлар ва тоифалар томонидан кўллаб-қувватланиши билан белгиланади.

Агар биз адолатли давлат, эркин жамият қурмоқчи бўлсақ, бу олижаноб мақсадни амалга ошириш йўллари минг йиллик диний ақидалар билан муштарак эканлигини ёдда тутишимиз лозим. Бу мукаддас мақсад йўлида, керак бўлса, жон фидо қилиш зарур деганимизда, айнан адолатли давлат ва диннинг илдизлари муштарак эканлигини унутмайлик.

Ана шунда, ўйлайманки, Яратганинг ўзи бизнинг барча хайрли ишларимизга мададкор бўлади, сабр-тоқат ва куч-қувват бағишлайди.

Азиз дўстлар!

Матбуот ва ошкораликнинг бугунги ҳаётимиз ва келажагимиз учун аҳамияти ҳақида гапириш ортиқча деб ўйлайман.

Мен бугун журналистларга, матбуот аҳлига мурожаат қилмоқчиман. Нега газеталар бунчалик саёз, "жим-жит", гўё ҳамма ёқда "олам гулистан"дек? Нега матбуотимизда ўткир фельетонлар ёзилмайди? Нега ноқобил ишбилармонлар, порахўр ходимлар фош қилинмайди? Ахир улар адабий асарда, матбуот саҳифасида, телевидениеда ўз қиёшиқ башарасини кўрса, халқнинг нафратига гирифтор бўлса, ибрат бўлмайдими?

Умуман олганда, Ўзбекистон телевидениеси ишини тубдан яхшилаш керак. Қизиқарли дастурлар, баҳс-мунозара, фикр берадиган, тарбиялайдиган кўрсатувлар жуда кам. Даққиёнусдан қолган "совет мафкураси"ни тарғиб этувчи эски киноларни, замонавий "ўлдир-ўлдир", беҳаё фильmlарни кўрсатавериш ҳам яхши оқибатларга олиб келмайди.

Биз соғлом авлодни тарбиялаб, вояга етказишимиз керак. Соғлом киши деганда факат жисмоний соғломликни эмас, балки шарқона ахлоқ-одоб ва умумбашарий ғоялар руҳида камол топган инсонни тушунамиз.

Муҳтарам биродарлар!

Маънавият ва маърифат жамиятимиз, халқимиз камолотининг бош омилларидан экан, биз бу соҳага давлат миқёсида ғамхўрлик

қилишимиз, шароит туғдиришимиз шарт.

Келажакда Ўзбекистон юксак даражада тараққий этган иқтисоди билангина эмас, балки билимдон, маънавий жиҳатдан етук фарзандлари билан ҳам жаҳонни қойил қилиши лозим. Мамлакатимизнинг мард, фидойи кишилар юртига, меҳру шафқат, муҳаббат барқарор бўлган, тафаккур ва ижод қайнаган муқаддас маконга айланишига аминман.

IV. МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ТАМОЙИЛЛАРИ

Хурматли халқ ноиблари!

Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг худудида барқарорликни таъминлаш, мамлакатимизнинг жаҳон хўжалиги тизимида ва жаҳон ҳамжамиятида муносиб жойни эгаллашига эришиш - давримизнинг асосий вазифасидир.

Миллий хавфсизлигимизнинг кенг қамровли концепциясини ишлаб чиқиш, унинг асосини белгиловчи қонунларни яратиш ғоят долзарб аҳамиятга эга.

Албатта, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, қатор қонунлар ҳамда мудофаа муаммоларига бағишлиланган бошқа меъёрий хужжатларда бу масаланинг негизлари мавжуд.

Бироқ миллий хавфсизликни таъминлаш бир ёқадан бош чиқарип комплекс ёндашувни тақозо этади. Миллий хавфсизлик масаласида ягона давлат сиёсати бўлмоғи, барча сиёсий, иқтисодий, ташкилий, ҳарбий, хуқуқий ва бошқа чора-тадбирларнинг ўзаро уйғун ва мукаммал тизими бўлмоғи шарт.

Миллий хавфсизлик ҳақида гапирад эканмиз, авваламбор, хозирги давр хусусида, Ўзбекистоннинг бугунги дунёда тутган ўрни хусусида аниқ тасаввурга эга бўлишимиз зарур.

Илгари икки система - СССР ва АҚШ етакчи бўлган ва бирбирига мафкуравий жиҳатдан зид икки тизим, икки блок мавжуд эди. Дунё хавфсизлик тизими ҳам худди шу икки блокнинг ўзаро мухолифлик мувозанатига асосланган эди.

СССР пароканда бўлгач, янги - ғоят мураккаб ва қалтис бир давр юзага келдики, унинг асосий белгилари қуидагилардан иборат:

Биринчи. Давлатлараро муносабатлар тизимидағи мувозанат бузилди. Жаҳонда сиёсий-иктисодий бўлиниш рўй берди. Кучлар маркази илгари икки жойда бўлса, эндиликда бундай ахвол ва вазият ўзгарди.

Иккинчи. Жаҳонда мулкий тенгсизлик - саноати ривожланган мамлакатлар билан ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги тафовут ва зиддиятлар кучаймоқда.

Бу ҳолат жаҳон ресурсларини тақсимлашда яққол кўринади. Яъни, табиат ресурслари аслида ривожланаётган мамлакатларнинг асосий бойлиги ҳисобланса ҳам, саноати юксак ривожланган мамлакатлар бу бойликларни назорат қилишни ўз қўлларига олишга интилмоқдалар.

Қолаверса, илмий ва техникавий билимлар, шунингдек, илғор технологиялар соҳасида, эркин сармояни тўплаш ва жойлаштириш соҳасида ҳам жуда катта тафовутлар мавжуд.

Учинчи. Дунёда инсоннинг биологик тур сифатида яшашига бевосита хавф-хатар мавжуд. Яъни ялпи ядро уруши хавфи анча камайган бўлса ҳам, экологик танглик хавфи, биогенетик бузилишлар хавфи ҳамон таҳликали ҳолатда сақланиб қолмоқда.

Тўртинчи. Жаҳон миқёсидаги умуний тараққиёт, одамлар дунёқарашининг ўзгариши, коммуникациялар юксалиши, халқаро муносабатларнинг ривожланиши ва унинг одамзод ҳаётига таъсири давлатлар ва халқлар ўртасида ўзаро бирлашишга интилишни кучайтирмоқда. Айни вақтда миллий хусусиятлар ва анъаналарни, сиёсий ва маънавий меросни сақлаб қолиш тамойиллари ҳам яққол сезилмоқда.

Турли давлатлараро ва ҳукуматга дахли бўлмаган халқаро ташкилотларнинг аҳамияти ошмоқда. Ва, айни замонда, дунё янги тизимга ўтиши даврида уларнинг фаолиятини қайта қуриш ва ислоҳ этиш зарурати туғилмоқда.

Хўш, нега шундай қилиш керак, деган савол туғилади.

Бунинг жавоби оддий: кўпчилик халқаро ташкилотлар дунёда икки тизим ва уларнинг рақобати мавжуд даврда тузилган эди. Бу

ташкилотларнинг фаолиятлари кўпроқ уларнинг ўзаро мувозанати ва муросасини таъминлашга қаратилган эди.

Бугунги аҳвол халқаро ташкилотлардан энг йирик муаммоларга аҳамият беришни ва, биринчи навбатда, барчага нисбатан одилона ва холисона муносабатда бўлишини талаб этади.

Халқаро ташкилотлар ҳозирги воқеликни тўғри акс эттириш ва жаҳон ҳамжамияти аъзоларининг эҳтиёжларига самарали хизмат қилиши зарур.

Бешинчи. Бугунги дунёда ҳар қандай мамлакатнинг нуфузи, аввало, унинг энг янги технологияларни қабул қилиш ва фойдаланиш қобилиятига қараб белгиланади.

Агар юқорида саналган хусусиятлардан келиб чиқиб, хулоса қиласидиган бўлсак, Ўзбекистондаги ўтиш даврини тезроқ тугаллаш зарурати аён бўлади. Ўзбекистон жаҳон ҳамкорлиги жараёнига тезроқ кириши керак. Агар халқаро ҳуқуқий меъёрлар асосида ҳал қилинадиган янги умумжаҳон тартиботи ўрнатилса, Ўзбекистон ундан ҳам ўзига муносиб ўринни олиши даркор.

Ҳозирча мен мураккаб ҳолатларни санаб ўтдим. Энди эса, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўринни эгаллаши учун қулай шарт-шароитларга қисқача тўхталиб ўтишга ижозат бергайсиз.

Аввало, жуғрофий-сиёсий омиллар ҳақида гаплашиб олайлик. Маълумки, Ўзбекистон жуғрофий-сиёсий жиҳатдан анча мураккаб ва шу билан бирга қулай аҳволда. Яъни у Марказий Осиё минтақасининг транспорт, кучли автоном энергетика ва сув тизимлари марказида жойлашган.

Иккинчи жиҳат шуки, Ўзбекистон аҳоли сони жиҳатидан, илмий-техникавий ва бошқа имкониятлари жиҳатидан минтақадаги кўшниларидан маълум даражада устун туради.

Учинчи тарафдан, Ўзбекистон қулай табиий-иклим шароитига эга. Бизда қадимий дехқончилик маданияти ва бой минерал-хом ашё ресурслари бор. Республика озиқ-овқат билан ўзини-ўзи таъминлашга, техника экинларининг энг кимматли турларини, пахта толаси етиштириш ва экспорт қилишга, шунингдек, жаҳон бозорига юқори сифатли, экологик жиҳатдан соғ, рақобатга бардошли мева-

сабзавот маҳсулотларини чиқаришга ҳамда уларни қайта ишланган ҳолда етказиб беришга қодир.

Тўртингидан, давлатимиз нафақат ўзини-ўзи таъминлайдиган, балки четга чиқаришга нефть, нефть маҳсулотлари, газ ва умуман, иқтисодиётнинг асоси бўлмиш тармоқларга эга. Ўзбекистонда саноатнинг энг замонавий тармоқлари мавжуд. Дейлик, бизда микрорадиоэлектроника каби мураккаб соҳани ривожлантириш имкони бор.

Бешинчидан, Ўзбекистоннинг инсоният цивилизациясида салмоқли ўрни бор. Юртимиз маънавий мерос билан бой, у нафақат минтақада, балки дунёда ҳам турли маънавий ва сиёсий жараёнларга кучли таъсир ўтказиб келган.

Шу жиҳатларни ҳисобга олсак, Ўзбекистон ўзининг барча кўрсаткичлари бўйича жаҳондаги маданий, илмий, технология ва иқтисодий юксакликка эришиб, бемалол Марказий Осиёда интеграция марказига айланиши мумкин.

Албатта, бу йўлда қатор қийинчиликлар ҳам мавжуд. Агар жуғрофий-стратегик тарафдан олиб қарасак, Марказий Осиёда коммуникациялар номақбул ривож топгани ва унинг тармоқлари анча бузилганини кўрамиз. Бу - бир.

Марказий Осиёда сув ресурслари чекланган ва Орол экология фалокати таъсири сезилади. Бу - икки.

Учинчидан, минтақада хавфсизлик тизими йўлга қўйилмаган. Бу ерда атрофдаги кучли давлатлар ва сиёсий кучлар марказларининг бир-бирига мос келмайдиган таъсир этиш истаклари борлигини ҳам ҳисобга олмасдан бўлмайди.

Тўртингидан, мусулмон дунёсидаги баъзи кучли мамлакатларнинг бир-бирига мос келмайдиган манбаатлари ҳам айни бизнинг минтақамиизда ўзаро дуч келишини назардан соқит этолмаймиз.

Қолаверса, атрофимизда турли этник, иқтисодий ва бошқа қийин муаммолар ичida қолган "учинчи дунё" давлатлари мавжуд. Бекарорлик ва хавф-хатарнинг бугунги кунда икки ўчоғи - Афғонистон билан Тожикистон давлатлари ҳам шу минтақада.

Баён этилган бу муаммоларни кучайтириб ва маълум даражада

кўп ишларни ижобий ҳал қилишга тўсиқ бўлиб турган яна бир масала бор. Совет тизимидан қолган мерос - бу шу минтақада Туркистон аталмиш ягона заминда яшаётган миллат ва элатларни сунъий равишда бўлиб ташлаш ва шу ҳолдан фойдаланиб ўз сиёсатини ўтказиш, уларга хукмронлик қилиш асоратлари ҳали-бери йўқолган эмас.

Хурматли дўстлар!

Халқаро вазиятга бериладиган умумий стратегик баҳо ана шундай. Кўриниб турибдики, биз жуда мураккаб, қарама-каршиликларга тўла дунёда давлатчилигимизни қуришимиз, мустақиллигимизни мустаҳкамлашимиз, жаҳон ҳамжамиятида ўзимизнинг муносаб ўрнимизни эгаллашимиз лозим. Шу муносабат билан минтақада барқарорлик ва миллий хавфсизлик кафолатларининг шарт-шароитларини аниқлаш ва таъминлаш ғоят мухимdir.

Улар, менимча, қуйидагилардан иборат:

Биринчи. Ўзбекистон жаҳон ҳамжамияти ва давлатлараро хавфсизлик тизимида ўз ўрнини топиши лозим. Бунинг учун республиканинг дунё ҳамжамиятига кириш суръатларини тезлаштириш, турли халқаро давлат ва нодавлат ташкилотлари, биринчи галда, БМТ ва Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ишларида фаол иштирок этишини таъминлаш зарур.

Халқаро ташкилотлар иқтисодиётимизни қайта қуришга кўмаклашадиган энг самарали воситадир. Улар кредит олиш, хорижий сармояларни тўғридан-тўғри жалб этиш, республиканинг жаҳон бозорида олға силжишига бебаҳо ёрдам кўрсатиши мумкин.

Асосийси, Ўзбекистоннинг халқаро ташкилотлар фаолиятидаги иштироки миллий хавфсизлигимиз, минтақада тинчлик ва барқарорликни сақлаш гаровидир.

БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси 1993 йил февралида иш бошлаган эди. Албатта, бу унчалик катта муддат эмас. Бироқ 1994 йил январига келиб, ваколатхона БМТнинг Тараққиёт дастури, Қочоқлар иши бўйича ваколатли олий комиссари, Болалар жамғармаси, Саноат тараққиёти дастури, Наркотикларни назорат қилиш бўйича дастур, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Аҳоли

жойлашиши жамғармаси сингари ихтисослашган муассасаларни ўз таркибиға бирлаштиришга муваффақ бўлди. Шундай килиб, БМТ билан ҳамкорлик қилиш режалари амалга ошиб бормоқда. Бу ҳамкорлик иқтисодиёт, ижтимоий соҳа, соғлиқни сақлаш, маданиятни тиклаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва бошқа соҳаларни ҳам қамраб олмоқда.

Биз БМТ бугунги кунда ўз тузилмаларини қайта қуриш арафасида турганини яхши биламиз. Бу залда хорижий меҳмонларимиз ўтирганидан фойдаланиб, Ўзбекистон БМТнинг келажакда ялпи тинчлик ва барқарорликни таъминлайдиган кучли ташкилотга айланиши тарафдори эканини қайд этишни истардим. Республикамиз БМТ раҳбарлик органлари ва ихтисослашган муассасаларини тубдан қайта қуриш ғоясини қўллаб-қувватлади. Бу миллий, минтақавий ва жаҳоншумул муаммоларни хал қилишдаги дунё давлатлари саъй-харакатларини мувофиқлаштириш ва бирлаштиришда уларнинг аҳамиятини кучайтиришига ишончим комил.

Бундан буён ҳам Ўзбекистоннинг Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти тузилмаларидағи иштирокини кенгайтириш зарур. Минтақавий хавфсизликни таъминлашда бу ташкилот имкониятларидан, унинг Шимолий Атлантика ҳамкорлик кенгаши, Европа Иттифоқи, Европа Кенгashi, НАТО ва бошқа ташкилотлар билан алоқаларидан кенг фойдаланиш зарур.

Ўзбекистон БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида Тошкент шаҳрида мазкур ташкилотнинг Марказий Осиёда хавфсизлик, фаровонлик ва ҳамкорлик муаммоларига бағишлиланган доимий семинарини ташкил этиш таклифини ўртага ташлади. Бизнинг фикримизча, республикамиз Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Осиёдаги таянчи бўла олади. У минтақавий хавфсизлик ва ҳамкорликни, эҳтимол тутилаётган можароларнинг олдини олувчи дипломатияни таъминлашда, зиддиятларни бартараф этишда Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ва БМТ ҳамжиҳат иш юритадиган майдонга айланиши мумкин.

Қўшилмаслик ҳаракати, Ислом конференцияси ташкилоти ва бошқа нуфузли ҳалқаро ташкилотлар ишида фаол иштирок этиш

зарур.

Иккинчи. Миллий хавфсизликка әришишда давлатлараро битимлар тизимини барпо этиш мұхим йўналиш ҳисобланади. Ўзбекистон қанчалик кўп мамлакат билан дўстона, амалий мулоқот ва ҳамкорлик муносабатларини ўрнатса, унинг хавфсизлиги шунчалик кўп кафолатланади.

Бугунги кунда Ўзбекистонни жаҳоннинг 125 мамлакати тан олди. 84 мамлакат билан дипломатик муносабатлар ўрнатилди.

Республика раҳбарияти, мустақилликнинг дастлабки ойларида биринчи бўлиб Туркияга расмий ташриф буюрди. Кейинчалик расмий делегацияларимиз Германия, Франция, Австрия, Голландия, Буюк Британия, Хитой, Хиндистон, Саудия Арабистони, Миср, Индонезия, Малайзия, Эрон, Корея, Япония каби Европа ва Осиё қитъасининг бир қанча бошқа мамлакатларига сафар қилди. Иқтисодиёт, илм-фан ва маданият каби соҳаларда ҳамкорлик қилиш бўйича шартнома ва хужжатлар имзоланди. Янги мустақил давлатлар билан икки ва кўп томонлама алоқалар ривожланди.

Мазкур битим ва шартномалар Ўзбекистон атрофида хавфсизлик, ишонч ва яхши қўшничилик мухитини яратишiga ишончим комил.

Учинчи. Имзоланган давлатлараро битимларга сўзсиз амал қилиш - хавфсизлик кафолати ва шартидир.

Биз бу соҳада таъналарга сабаб бўладиган иш қилмаслигимиз, танқидга нишон бўлмаслигимиз лозим. Худди ана шу ҳолдагина биз билан ҳамкорлик қилаётган давлатлардан зиммаларига олган мажбуриятларини ижро этишни талаб қилишимиз мумкин бўлади.

Имзоланган хужжатларга сўзсиз риоя қилиш инсон хукуqlари, кам сонли миллатлар хукуqlари, бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик, тинч-тотув яшаш тамойиллари сингари соҳаларда, айниқса, долзарб аҳамият касб этади.

Бу ҳолат янги мустақил давлатлар ўртасидаги муносабатларда ҳам ўта мұхим роль ўйнайди. Ҳамдўстлик барпо этилганидан буён ўтган уч йилдан ошикроқ вақт ичida турли муаммолар юзасидан бир неча юз битим ва шартномалар қабул қилинди. Таассуфки, уларнинг аксарияти қофозда қолиб кетди. Шу боис гоҳида бир масала юзасидан

бир неча қарор қабул қилинди. Бу мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлашга, дўстона ва ўзаро манфаатли алоқаларни ўрнатишга монелик қилмоқда.

Тўртингчи. Ташқи сиёсатни мафкурадан тўла холи этиш хавфсизликни таъминлашнинг муҳим кафолатидир. Ўзбекистон шу пайтгача дунёнинг барча мамлакатлари, қитъалари ва минтақалари билан ўз муносабатларини, бу мамлакатларнинг устқурмаси қандай бўлишидан қатъи назар, фақат ҳалқаро ҳуқуқнинг барча тан олган қоида ва мезонлари асосида қуриб келди ва бундан кейин ҳам шу йўлдан боради.

Фоявий мухолифлик ўтмишда давлатлараро муносабатларга соя солиб, давлатларнинг бир-бирига қарши икки гурухга бўлинишига сабаб бўлди. Дунёни ҳалокат ёқасига олиб келди. Бундай келишмовчиликлар бугун ҳам давлатлараро ихтилофларни куч ишлатиш йўли билан ҳал қилишга, бегуноҳ одамларнинг қурбон бўлишига, бутун-бутун ҳалқларнинг фожиасига сабаб бўлаётир.

Давлатлараро муносабатлар соҳасида ягона ғоя амал қилиши лозим. Бу ғоянинг маъноси шуки, биргалиқда тинч ҳаёт кечириш, ҳамкорликка интилиш, эгамен давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, турли нуқтаи назар ва фикрларга бардошли бўлиш тамойилларини ўзида акс эттирган қонунлар устуворлик касб этиши даркор.

Бешинчи. Ўзбекистон Кўшилмаслик ҳаракатига аъзо бўлгани сабабли ҳеч қайси блокка қўшилмайди. Биз буни миллий хавфсизликнинг муҳим кафолати деб биламиз. Шу билан биргалиқда, ҳарбий блоклар билан ҳамкорлигимиз тинчлик ишига, мамлакатлар ва ҳалқларнинг хавфсизлиги мақсадларига, демакки, Ўзбекистоннинг миллий хавфсизлиги мустаҳкамланишига хизмат қилса, биз ҳамиша мулоқотга тайёрмиз. Шу ўринда Ўзбекистон 1994 йилнинг июлида НАТОнинг колектив хавфсизликни таъминлашга қаратилган "Тинчлик йўлида ҳамкорлик" лойиҳасини имзолаганини эслаш ўринлидир.

Олтинчи. Ўзбекистоннинг МДҲ таркибида коллектив тизимдаги иштироки минтақада барқарорлик ва тинчликнинг муҳим кафолатидир.

Бизнинг давримизда фақат коллектив хавфсизлик бўлиши мумкин. Хавфсизликни бу тарзда тушуниш нафақат ҳар бир алоҳида давлатнинг имкониятлари чеклангани, қолаверса маънавий-сиёсий тусдаги мулоҳазаларга ҳам боғлиқ. Давлатларнинг имкониятлари ва саъй-ҳаракатларини хавфсизликни таъминлаш йўлида бирлаштириш муҳим аҳамиятга эга. У, биринчидан, коллектив хавфсизлик тизимида иштирок этувчилар ўртасида кескинлик йўқлигидан далолат берса, иккинчидан, уларнинг бирлашишига интилишларини намойиш этади.

Ўзбекистон айни шу сабабли минтақада ва собиқ Иттифоқ худудида коллектив хавфсизлик тизимини барпо этиш ташаббускорларидан бири бўлди. МДХ мамлакатлари ўртасида тузилган коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартномаларнинг дастлабкиларидан бири 1992 йил май ойида айнан Тошкентда имзолангани ҳам тасодиф эмас. Шу ойнинг бошларида Алматида мазкур муҳим муаммога бағишлиланган ҳужжатлар мажмуи имзоланди.

Коллектив хавфсизлик тизимида Россия Федерациясининг алоҳида ўрин тутишини таъкидлаш зарур. Россия иқтисодий жиҳатдан ҳам, ҳарбий-техникавий жиҳатдан ҳам буюк давлатдир. Шунинг учун ҳам коллектив хавфсизлик тизимини барпо этишда ҳам, МДХ доирасида давлатларнинг бир-бирига яқинлашуви масаласида ҳам Ўзбекистон Россия билан яқиндан ҳамжиҳатлик алоқаларини мустаҳкамлашга ва стратегик ҳамкорлик ўрнатишга интилмоқда. Бундай ҳамкорлик нафақат Ўзбекистоннинг, балки Россиянинг ҳам миллий манфаатларига мос эканини айтиб ўтиш керак. Чунки яқин кўшни давлат билан яқиндан ҳамкорлик килиш ва тинч-тотув яшаш ҳар қандай давлатнинг манфаатларига мос тушади.

Қолаверса, мамлакатларимиз иқтисодиёти, уларнинг миллатлараро, маданий, илмий-техникавий муносабатлари бир-бирига боғлиқ эканини ҳам ҳисобга олиш лозим.

Коллектив хавфсизлик тизимини барпо этишда ҳарбий хавф билан бир қаторда бошқа хавфлар ҳам мавжудлигини ҳисобга олишимиз зарур. Орол денгизи қуриб бораётгани, экологик вазият ёмонлашаётгани, уюшган жиноятчилик, наркобизнес, минерал ресурсларнинг чеклангани ва камайиб бораётгани шулар жумласидандир. Мазкур муаммоларни ҳал этиш айrim давлатларнинг

имкониятлари доирасидан четга чиқади ва саъй-ҳаракатларни бирлаштиришни такозо этади.

Шу жиҳатдан республикамиз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ҳамда бошқа нуфузли далатлараро ташкилотлар ҳомийлигига барпо этилаётган колектив хавфсизлик тизимиға фаол қўшилиши зарур.

Еттинчи. Яқин қўшнilarимиз - Марказий Осиё давлатлари билан ҳар томонлама ўзаро ҳамкорлик миллий хавфсизликнинг асосий шартларидан биридир.

Халқларимиз тарихи, маданияти, анъаналари, диний эътиқодининг муштараклиги мамлакатларимиз ўртасидаги амалий ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликнинг асосий пойдевори ҳисобланади.

Афсуски, баъзан Марказий Осиё минтақасида бирлашишга қарши чиқадиган баъзи сиёсий доиралар орамизни бузишга қаратилган ҳар хил бўхтон-уидирмалар тарқатишга уринадилар.

Шуларга қарата айтмоқчиманки, Марказий Осиё халқлари ҳеч нарсани талашмайди. Бизнинг мақсадларимиз бир, тақдиришимиз бир. Бизда миллий муносабатларда кескинликлар йўқ, ҳал қилиб бўлмайдиган вазиятлар ҳам йўқ. Интеграция йўлидан олға томон ҳаракат қилаётганимиз ҳам буни тасдиқлаб турибди.

Саккизинчи. Армиямиз, Куролли Кучларимиз, ҳарбий доктринамиз давлатимиз хавфсизлигининг муҳим кафолатидир.

Биз давлатларнинг тинч-тотув яшаш, халқаро масалаларни ҳал қилишда куч ишлатмаслик, таҳдид қилмаслик тамоилини ташки сиёсатимизга асос қилиб олганмиз. Ўзбекистон 1995 йилда муддати узайтирилиши лозим бўлган ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартномани ядро қуролини йўқ қилиб ташлаш тўғрисидаги шартномага айлантириш тарафдоридир.

Биз худди кимёвий қуроллар бўйича қабул қилинган шартнома каби биологик қуролларни ҳам тақиқлаш тўғрисидаги шартнома қабул қилиниши тарафдоримиз.

Қисқа қилиб айтганда, Ўзбекистон уруш, ҳарбий можароларнинг олдини олишга қаратилган ҳар қандай ташабbusни қўллаб-куватлашга тайёр.

Атрофимиздаги нотинч дунёда дўстларимиз бор, лекин

Ўзбекистонни ўз таъсир доирасига киритишни хоҳлайдиганлар ҳам йўқ эмас. Бунинг учун улар барча найранглардан, қолаверса, ҳарбий кучдан ҳам фойдаланишлари мумкин. Шу сабабли бизнинг яхши тайёрланган ва қуролланган, истиқолимизиз ва чегараларимизни ҳимоя қилишга қодир армиямиз бўлиши керак.

Шу билан бирга Ватанимиз мудофаа қудратининг асоси - республика иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлаш даркор. Сўнгги пайтларда Ўзбекистонда Куролли Кучлар учун энг зарур ва юксак малакали зобитлар тайёрлашга мўлжалланган бир қанча ҳарбий ўкув юртлари ташкил этилди. Армияни техник жиҳатдан жиҳозлашни мустаҳкамлаш чора-тадбирлари кўрилди. Иқтисодий қийинчиликларга қарамай, бундан кейин ҳам ҳарбий салоҳиятни таъминлаш учун зарур маблағ ажратиш давом этаверади. Бизнинг ҳарбий доктриномиз мудофаа ва хавфнинг олдини олиш характеристига эга. Шу боис Ўзбекистон БМТ, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти каби нуфузли халқаро ташкилотларнинг тинчликни сақлаш тадбирларида иштирок этишга тайёр.

Миллий хавфсизлик тизими учун хавф-хатарнинг олдини олиш ва уни бартараф этишда олдиндан чора кўриш услуби кўпроқ қўл келади. Шу билан бирга чуқур ва кенг миқёсли таҳлил қилишга қодир тадқиқот ва ахборот марказларини барпо этиш муҳим аҳамиятга эга.

Хавфсизлик Кенгаши - давлатдаги олий мансабдор шахсларнинг маслаҳат органи ана шундай восита бўлиши мумкин. Хавфсизлик Кенгаши Республика Президенти хузурида тузилиши мақсадга мувофиқдир.

Хавфсизлик кенгаши миллий хавфсизлик муаммолари билан боғлиқ бўлган барча масалаларни чуқур ишлаб чиқиш ва мувофиқлаштиришни таъминлаши, бунинг учун жавобгар бўлиши лозим.

Кенгашнинг вазифалари кўп киррали ва мураккабдир. У ушбу соҳада миллий хавфсизликнинг устувор йўналишларини ва давлат сиёсати асосларини ишлаб чиқишга жавоб бермоғи керак. Шахснинг, жамиятнинг ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича дастурлар мажмуи Хавфсизлик Кенгаши раҳбарлигига режалаштирилади ва амалга оширилади.

Тўққизинчи. Ҳозирги дунёда давлат барқарорлигини таъминлаш жамиятнинг ижтимоий-рухий, маънавий ва ахлоқий, маданий ва тарихий илдизларига таянади. Давлат мустаҳкамлиги ва қудрати унинг жаҳон жамоатчилиги олдидағи маънавий-ахлоқий қиёфаси ва нуфузи билан ҳам аниқланади. Айни шу боис ҳалқимизнинг, миллатимизнинг маънавий жиҳатдан уйғониши мустақиллигимиз, миллий хавфсизлигимиз гаровидир. Ушбу муҳим ишда биз Шарқнинг буюк маънавий таълимотидан, ҳалқларни тинч ҳаёт кечиришга, дўстлик ва ҳамкорликка, ўзаро жипслик ва сабр-тоқатга чақирувчи ислом фалсафасидан кенг ва оқилона фойдаланишимиз лозим.

Биз Шарқ фарзандларимиз. Шарқ мамлакатларининг қаерига борманг, одамлар бир-бирлари билан учрашганда, авваламбор, "Ассалому алайкум" дейишади. Ушбу калом арабчадан олинган бўлиб, "Сизга тинчлик ёр бўлсин" деган маънони англатишини яхши биласизлар. "Салом", яъни "тинчлик" сўзи Куръони каримда 40 марта учрар экан. Бу муқаддас китобнинг оялларидан бирида шундай дейилади: "Мехрибон Парвардигор томонидан одамларга олқиш маъносида "тинчлик" сўзи айтилур".

Кўриниб турибдики, тинчлик, тотувлик, ҳамкорлик ғояси Аллоҳга ҳам, бандаларга ҳам хуш келадиган эзгу ғоядир.

Давлатимиз хавфсизлигини таъмин этишнинг асоси - мамлакатимиз ёшлари. Ёшлар - бизнинг таянчимиз, эртанги кундан умидимиз, савоб ишларимизнинг давомчилари. Ҳаммамиз ҳам бу дунёда фарзандларимизни деб, уларнинг баҳт-саодати, иқболи деб яшаймиз ва меҳнат қиласиз. Нафақат хавфсизлигимиз, шу билан бирга миллий уйғониши ғоясининг амалга ошиши, давлатимизнинг келажакда барқарор бўлиши ҳам ёшларимиз қандай шаклланишига бевосита боғлиқ.

Фарзандларимиз биздан афзалроқ, биздан ўткирроқ, биздан покроқ, савоб ишларни биздан ҳам кўпроқ қиласиган бўлишлари лозим. Улар жаҳон умумбашарий ютуқларини эгаллаши, тарихимизни, маданиятимизни, буюк аждодларимиз қолдирган меросни чукур билмоғи керак. Бизнинг асосий куч-қудратимиз ва келажагимиз ана шунда. Бугун зўр умидлар билан қураётган янги жамиятимизнинг мазмун-моҳияти ҳам аслида ана шундадир.

Азиз дўйстлар!

Халқимиз тарихида янги давр бошланди. Ватанимизнинг тараққиёт йўли аниқ белгилаб олинган. Бу йўлни истиқлол учун, мустақил Ўзбекистон учун, бозор муносабатлари ва умуман туб ислоҳотлар ўтказиш учун овоз берган, уни қўллаб-қувватлаган халқнинг ўзи тан олди. Халқ яқдиллиги ва ҳамфирлиги - ҳаммамизнинг буюк ғалабамиз. Халқ ўзи сайлаган депутатларга, ислоҳотлар бошида турган хукуматига катта ишонч ва умид билан қарамоқда.

Келинг, азиз биродарлар, халқнинг ана шу улуғ ишончига муносиб бўлайлик.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги маъруза, 1995 йил 23 февраль

МИНТАҚАВИЙ МУАММОЛАРДАН ЖАҲОНШУМУЛ МУАММОЛАРГА

Мұхтарам Раис!

Хонимлар ва жаноблар!

Ушбу конференциянинг ноёблиги, бизнингча, аввало шундан иборатки, унда сиёсий, ижтимоий-иктисодий ва маданий тараққиёти тури даражадаги давлатларнинг вакиллари иштирок этмоқда ва улар ижтимоий тараққиёт, ижтимоий адолат қоидаларини қарор топтириш муаммолари юзасидан ўз фикр ва мулоҳазаларини айтишлари мумкин.

Бу муаммоларни ҳал этиш йўлларини излаш ҳозирги пайтда тоталитар, маъмурий-буйруқбозлик тизимидан эркин бозор иктисодиёти тизимиға ўтиш даврининг қийин вазифаларини ҳал этаётган собиқ Иттифоқ худудидаги давлатлар ва халқлар учун алоҳида аҳамият касб этади.

Ҳозирги кунда ижтимоий ва фуқаролараро тотувликни, ижтимоий тинчлик ва барқарорликни таъминлаш биз учун миллий давлатчиликнинг вужудга келиши ва мустаҳкамланишида, адолатли ижтимоий тузумни қарор топтиришда чиндан ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлмоқда.

Шу билан бир вақтда мамлакатдаги мустаҳкам ижтимоий барқарорликни сақлаб туриш ислоҳотлар дастурини изчилилк билан амалга оширишнинг, демократик институтлар ва демократик қадриятларни мустаҳкамлашнинг, жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш жараёнларини тезлаштиришнинг муҳим шартидир.

Марказий Осиёning қоқ ўртасида жойлашган, юздан ортиқ миллат ва элат вакилларидан иборат 23 миллион аҳолиси бўлган ёш мустақил давлат - Ўзбекистонда ҳозир ижтимоий сиёsat айни шу нуқтаи назардан шаклланмоқда.

Қисқа даврда - мустақил тараққиётнинг уч ярим йилида биз жамиятимизни янгилаш ва равнақ топтиришга асос қилиб олинган энг

муҳим тамойилларнинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилдик.

Бу тамойилларнинг энг муҳимлари қуйидагилардир:

- иқтисодий ва ижтимоий муносабатларни мафкурадан тўла-тўқис холи қилиш, иқтисодиётнинг сиёсатдан устуворлиги;

- мамлакатда ислоҳотлар аста-секин ва босқичма-босқич амалга оширилаётгани, "Шол қилиб даволаш" деб аталган усульнинг биз учун мақбул эмаслиги. Бошқача қилиб айтганда, биз ижтимоий ларзаларни истисно этадиган тадрижий тараққиёт йўлини танладик.

- миллий ва нуфус хусусиятларини ҳисобга олганда, бизнинг шароитимизда шуниси, айниқса муҳимки, жамиятнинг ҳаддан ташқари табақаланишига йўл қўймайдиган, аҳолининг энг эҳтиёжманд қатламлари манфаатларини, оналик ва болалик манфаатларини ҳимоя қиласидиган кучли ижтимоий сиёсат юритилмоқда.

Бу сиёсат ҳақида гапирганда Ўзбекистонда соғлом авлод учун ҳаракати астойдил қўллаб-кувватлангани ва ривожлантирилганини алоҳида таъкидламоқчиман. Тобора таъсирчан кучга эга бўлиб бораётган ҳукуматга дахлсиз "Соғлом авлод учун" ҳалқаро ижтимоий жамғармаси тузилди, худди шу номдаги орден - олижаноб ишда, соғлом ва ҳар томонлама уйғун ривожланган авлодни тарбиялашда алоҳида намуна кўрсатгандарга давлатнинг Олий мукофоти таъсис этилди.

Она соғлом бўлса, бола ҳам соғлом бўлади - республикада ўтказилаётган нуфус сиёсатига асос қилиб олинган ва ҳар бир кишининг қалбига етиб борадиган қадрият, тушунча ана шундан иборат.

Ўзбекистон аҳолисининг катта қисмини ташкил этадиган хотин-қизларнинг аҳволи тўғрисида алоҳида гапириш керак. Афсуски, Фарbdаги кўп мамлакатларда Шарқдаги урф-одатлар ҳақидаги анъянавий ва баъзан хато тасаввурлар асосида жамиятимиздаги хотин-қизларнинг аҳволи тўғрисида мутлақо нотўғри тасаввур вужудга келган.

Муболағасиз айтишим мумкинки, бизда она, меҳнаткаш ходима, жамоат ва давлат арбоби бўлган аёлга ҳурмат давлат сиёсати даражасига кўтарилиган. Мамлакатимиз парламенти, ҳукумати,

маҳаллий ҳокимиият органлари, соғлиқни сақлаш, маданият ва маориф соҳалари раҳбарлари орасида хотин-қизлар муносиб ўрин эгаллаб тургани ҳозир ҳеч кимни ажаблантирумайди.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий тараққиёт муаммоларини ҳал қилишнинг ўз андозаси:

Биз учун шу мураккаб ўтиш даврида қашшоқликка; оммавий ишсизликка; аҳолининг кўчиб кетиш жараёнлари авж олишига йўл қўймасликнинг муҳим шарти бўлди. Биз ўтмишга баҳо беришда ва бундан буёнги тараққиётимиз истиқболларини белгилаб олишда умуммиллий тотувликка эришдик.

Равшанки, бу соҳадаги ютуқларга биз Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига жадал қўшилиши туфайли, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг катта ёрдами туфайли эришдик. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг муассасалари ва ваколатхоналари Ўзбекистонда ўз фаолиятини кенг авж олдирмоқда.

Уларнинг иш тажрибаси, жаҳондаги ва кенг минтақамиздаги вазиятни таҳлил этиш ижтимоий тараққиётга ҳалқаро ёрдамни ташкил этиш тизими айрим ўзгартишлар киритишни талаб қилаётгани ҳақида гапиришимизга асос бўла олади.

Бизнингча, бугун муҳокама қилинаётган масалаларни ҳал этиш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси, Европа қайта тиклаш ва тараққиёт банки, Осиё банки ва бошқа шу каби йирик ҳалқаро молиявий тузилмаларнинг имкониятларига ва обрўсига кўпроқ таяниши лозим.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тинчликпарварлик фаолияти аҳамиятини камситмаган ҳолда унинг фаолиятида дунёда кучайиб бораётган бекарорлик ва ижтимоий парокандаликнинг туб сабабларини тадқиқ этиш ва уларнинг олдини олиш юзасидан тегишли чораларни кўриш, дунёнинг турли минтақаларида ривожланишининг барқарорлигини ошириш масалалари кўпроқ ўрин олишини истар эдик.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти эътиборига лойиқ яна бир масала бор. Ҳозирги пайтда муҳтоҷларга, ночор ахволга тушиб қолган аҳолига инсонпарварлик ёрдами кўрсатишни турли сиёсий ва баъзан субъектив мулоҳазаларга боғлиқ қилиб қўйиш ҳоллари

учрамоқдаки, бундай ҳолларни бутунлай истисно қилиш керак. БМТ фаолиятида жаҳондаги ижтимоий-иқтисодий, миллий-маданий, диний, маънавий хилма-хиллик кўпроқ ҳисобга олиниши лозим.

Улкан ижтимоий муаммоларни самарали минтақа механизмларини яратиш йўли билан ҳал этиш зарур. Минтақа муаммоларини ҳал этиш орқали жаҳоншумул муаммоларни ҳал этишга ўтиш керак. - Бу фикрни ана шундай баён қилиш мумкин.

Мен биринчи навбатда Орол денгизи фожиасини ана шундай жаҳоншумул муаммолар қаторига қўяман. У экологик, ижтимоий-иқтисодий оқибатлари жиҳатидан XX асрдаги энг катта фалокатлардан биридир.

Сўнгги бир неча йил ичida денгизнинг ҳажми уч баравардан кўпроқ қисқарди, сувдаги минераллар миқдори тўрт бараваргача кўпайди, ҳозирнинг ўзидаёқ 2 миллион гектар экинзорлар нобуд бўлди, чанг бўрони таъсири 500 километр ва ундан ҳам олисга етмоқда.

Орол фожиаси натижасида вужудга келган санитария вазияти нафакат Марказий Осиёда яшайдиган 60 миллион кишининг саломатлигига ва зурриётигагина таъсир қилиб колаётгани йўқ. Бу вазият атроф-муҳит мувозанатини, бутун Евроосиёдаги эпидемиология вазияти ва ижтимоий вазиятни бузмоқда.

Бу муаммонинг умумбашарий тусда эканини ҳисобга олиб, Ўзбекистон БМТнинг Орол бўйича маҳсус комиссиясини тузиш, шу муаммо бўйича БМТ раҳбарлигида ҳалқаро конференция ўтказиш ташаббускори бўлди.

Биз эътиборингизни жалб қилмоқчи бўлган масаланинг иккинчи туркуми ҳалқаро жамиятнинг ҳозир дунёда тобора кучайиб бораётган элатлараро ва минтақалар қарама-қаршилиги ва урушлар хавфидан огоҳ этишга қаратилган, можароларнинг олдини олиш сиёсатини шакллантириш зарурлиги билан боғлиқ. Шу нұктай назардан мен ҳалқаро ҳамжамиятнинг эътиборини Тожикистон ва Афғонистондаги ахволга яна бир бор қаратмоқчиман.

Бу ердаги ҳарбий-сиёсий қарама-қаршилик минтақа тусида бўлиб, Европа, Ғарб мамлакатлари манфаатларига дахл қилмайди, деб ҳисоблаётган кишиларнинг фикрига биз қўшила олмаймиз. Бу нұктай

назар халқаро муаммоларни янгича тушунишга қарама-қаршиидир. Ижтимоий тараққиёт манфаатлари ана шундай янгича тушунишнинг негизидир.

Бу мамлакатларда ўнлаб миллион одамлар очлик, қашшоқлик, вайронгарчилик шароитида яшамоқда. Бундай шароит ижтимоий портлаш омили бўлиб, у фақат Марказий Осиё минтақасида эмас, балки бутун дунёда барқарорлик ва хавфсизликни ларзага солишга қодирдир.

Бу муаммонинг яна бир муҳим жиҳатини ҳисобга олиш зарур. Аввало, бу ерда яшаётган кишиларнинг noctor аҳволи бу минтақа ҳозирги пайтда Европага ва жаҳоннинг бошқа мамлакатларига гиёҳванд моддалар келтириладиган асосий йўлгина эмас, шу билан бирга жиноятчи халқаро бангфурушлик ва ажал қуроли савдосининг муҳим бўғинига айланиб бораётганини эътироф этиш керак.

Хурматли хонимлар ва жаноблар!

Биз бу учрашувнинг аҳамиятини жуда қадрлаймиз, муҳокама натижалари ва бу ерда қабул қилинган ҳужжатлар жаҳон халқлари тараққиётига ва ижтимоий жиҳатдан юксалишига қўмаклашади, бунга шубҳа йўқ.

Эътиборингиз учун ташаккур.

*Дания пойтахти Копенгагенда ўтган халқаро конференцияда
сўзланган нутқ, 1995 йил 12 марта*

ЎЗБЕКИСТОН ЙЎЛИ - ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИГА ҚЎШИЛИШ ЙЎЛИДИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 1995 йил 29 март куни Тошкентда Ўзбекистондаги дипломатия корпуси ва халқаро ташкилотлар вакиллари, республика ва хорижий оммавий ахборот воситалари ходимлари билан учрашиди.

- Учрашувларимиз муңтазам тус олганидан хурсандман, деди Президент тўпланганларга мурожаат қилас экан. Бугун сизларни ўтган йил охирида бўлган учрашувимиздан кейин ўтган вақт ичиде республикамиз ҳаётида юз берган муҳим воқеалардан хабардор қилмоқчиман.

Бу давр Ўзбекистоннинг БМТ, ЕХХТ ва бошқа халқаро ташкилотлар раҳбарлигида ўтказилган йирик халқаро анжуман ва тадбирларда фаол иштирок этгани билан алоҳида ўрин тутади. Биз бу тадбирларда иштирок этишга республикамизнинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилишидаги муҳим восита, бизнинг сиёсий ва иқтисодий ҳаётимизда юз бераётган янгиланишларга халқаро тузилмаларнинг эътиборини жалб этиш ва бу ишда уларнинг кўмагидан фойдаланиш, республикада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг янада ривожланиши, милллий хавфсизликни, минтақамиизда тинчлик ва барқарорликни сақлаб туришнинг муҳим гарови, деб қараймиз.

Биз ЕХХТнинг Будапештда ўтказилган йиғилишида Ўзбекистон делегациясининг иштирок этиши муҳим аҳамиятга эга, деб биламиз. Бу конгрессда Ўзбекистон минтақамиизда барқарорлик ва тинчликни сақлаб туриш, ЕХХТнинг бу жараёнда, экология муаммоларини, хусусан бугунги кунда миллийлик доирасидан чиқиб, умуминсоний муаммога айланган Орол муаммосини ҳал этишда янада муайянроқ иштироки билан боғлиқ бир қанча ташаббусни кўтариб чиқди.

Ўзбекистон мустақилликка эришган кундан бошлабоқ

Бирлашған Миллатлар Ташкилоти билан амалий алоқаларни мустаҳкамлашға катта аҳамият беріб келади. Шу йил 20 январда БМТ ваколатхонаси билан ҳамкорликда, жаноб Холид Малик ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси тараққиётининг стратегик муаммолари ва Бирлашған Миллатлар Ташкилоти билан ўзаро ҳамкорликни янада чуқурлаштиришга бағишилаб ўтказилған семинар-кенгаш мухим воеа бўлди. Анжуманд бозор иқтисодиётига ўтиш жараённан БМТ билан уч йиллик ҳамкорлик натижалари таҳлил этилди ва бу ҳамкорликни янада такомиллаштириш йўллари белгилаб олинди.

Ўзбекистон делегацияси иштирок этган яна бир катта тадбир - Копенгагендаги давлат ва ҳукумат бошлиқларининг халқаро учрашувиdir. БМТ ҳомийлигида чакирилған ва ижтимоий тараққиёт муаммоларига бағишиланған олий даражадаги бу учрашув ғоят мухим воеа бўлди. Бу ерда Ўзбекистон республикада амалга оширилаётган ижтимоий тараққиёт муаммоларини ҳал этишнинг ўзи танлаган йўлини тақдим этди. Бу йўл мураккаб ўтиш даврида жамиятда қашшоқлик, оммавий ишсизлик ва аҳолининг кўчиб кетиши жараёнларига йўл қўймасликнинг мухим шарти бўлиб қолди.

Биз ўтмишга баҳо беришда ва бундан бўёнги тараққиётимиз истиқболини белгилашда умуммиллий тотувликка эришдик. Жаҳоншумул ижтимоий муаммоларни самарали минтақавий механизmlарни барпо этиш йўли билан ҳал этиш зарурлигига бизнинг ишончимиз комил. Бу ғояни жаҳоншумул муаммоларни минтақа муаммоларини очиш орқали ҳал этиш ғояси, деб ифодалаш мумкин.

Президент Бирлашған Миллатлар Ташкилоти ташкил этилганининг 50 йиллигига тайёргарлик доирасида республикада миллий комиссия тузилганини қайд этди. БМТ ваколатхонаси билан биргаликда юбилей тадбирлари режаси ишлаб чиқилған. Ҳозир бу режа муваффакиятли амалга оширилмоқда.

Ҳозирги пайтда Германия, Франция, Буюк Британия, Австрия, Голландия каби тараққий этган Европа давлатлари билан ўзаро муносабатларимиз фаол алоқа қилишга юксак интилиш мавжудлиги билан аҳамиятладири.

Бу муносабатлар анчадан бери мустаҳкам ҳуқуқий негиз асосида

ривожланмоқда. Тузилган бир қанча шартнома ва битимлар ана шундай негиз бўлиб, уларнинг кўпи амалда муваффакиятли рўёбга чиқмоқда ва бундан ҳаммамиз мамнунмиз, деб таъкидлади давлатимиз бошлиғи.

Олдинги учрашувимизда айтилганидек, яна бир қанча мамлакатларда дипломатия ваколатхоналаримизни очиш ниятимиз амалга оши - Лондон ва Брюсселда Ўзбекистон элчихоналари ишлай бошлади.

Хозир Ўзбекистон СССР парчаланиб кетганидан сўнг Шаркий Европа давлатлари билан узилиб қолган анъанавий ва азалий алоқаларни жадаллик билан қайта тикламоқда. 1995 йил биз учун Польша Республикасига давлат ташрифи билан бошланди. У ерда Президент Лех Валенса билан батафсил сухбат ва дўстона учрашувлар бўлиб ўтди. Ўtkазилган музокаралар натижасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома, сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисидаги битим, икки ёқлама солиқ олмаслик тўғрисидаги битим ва бошқа бир қанча муҳим хужжатлар имзоланди.

Март ойининг бошларида Чехия ташқи ишлар вазири Йосеф Желенец Ўзбекистонга расмий ташриф буюрди. Икки томонлама муносабатларни ривожлантиришнинг шартномавий-хуқукий негизини яратиш тўғрисида эришилган аҳднома бу учрашувнинг асосий якуни бўлди.

Ўзбекистон январ-феврал ойларида Словения ва Хорватия билан дипломатия муносабатлари ўрнатди. Копенгагенда бўлиб ўтган олий даражадаги учрашув ҷоғида Болгария Президенти Желю Желев билан олий даражада ўзаро ташриф тўғрисида аҳдномага эришилди. Ўзбекистоннинг Болтиқбўйи мамлакатлари билан муносабатлари тараққиётнинг янги босқичига кўтарилимоқда. 30 март куни Ўзбекистон давлат делегациясининг Молдовага ташрифи бошланади.

Бу учрашувлар, уларнинг натижалари бундан кейинги ҳамкорлик учун жуда яхши асос ва ҳамжихатликни мустаҳкамлашда катта аҳамиятга эга бўлади, деб ўйлайман.

Америка Кўшма Штатлари билан муносабатларимизнинг

ривожига алоҳида тўхтамоқчиман. Биз АҚШни жаҳон ва минтақа барқарорлигини сақлаб туришда улкан имкониятга эга бўлган мамлакат, халқаро сиёсатнинг муҳим субъекти деб биламиз.

Икки томонлама муносабатлар соҳасида мамлакатимиз ўртасидаги сиёсий мулоқот суръатлари ошиб бораётганини таъкидлаб ўтмоқчиман. Бу - ўз навбатида бошқа муҳим соҳаларда, шу жумладан ҳарбий-техника соҳасида амалий ҳамкорлик қилиш учун имкониятлар яратади. Иккала мамлакат ўртасидаги иқтисодий алоқалар шартномавий-хуқуқий негизни кенгайтириш йўли билан мустаҳкамланмоқда.

Ўтган йил охирида Вашингтонда сармояларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисидаги шартнома имзоланди. Ҳозирги пайтда эксперталар яна бир муҳим хужжат - иккиёклама солик олмаслик ҳақидаги шартномани тайёрлашмоқда. Биз Кўшма Штатлар билан иккала давлат фуқароларининг эркин келиб-кетиши тўғрисидаги меморандумни имзолашга тайёрмиз. Бу хужжат тадбиркор кишилар ва саёҳатчилар учун қулай шарт-шароит яратади. Биз Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда, экология, иқтисодиёт ва таълим соҳасидаги бир қанча дастурларни рўёбга чиқаришда АҚШнинг мадади ва ёрдамини юқори баҳолаймиз.

Президент яқин кунларда Ўзбекистон пойтахти билан Нью-Йорк ўртасида бевосита ҳаво йўлининг очилиши мамлакатларимизни бирбирига тагин ҳам яқинлаштиради, деб ишонч билдириди.

Ўзбекистон расмий делегациясининг Корея Республикасиiga ташрифи халқаро ҳаётда катта воқеа бўлди. Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари Сеулда бўлиб ўтган музокараларнинг асосий мавзусидир. Ислом Каримов таъкидлаганидек, Президент Ким Ен Сам билан муҳим ва самарали сұхбат бўлиб ўтди. Сұхбат чоғида асосий халқаро муаммолар бўйича Ўзбекистон билан Корея Республикасининг нуқтаи назари ва тутган йўли ўхшаш эканлиги қайд этилди.

Табиийки, савдо-иқтисодий муносабатларни кенгайтириш масалалари Сеул учрашувларининг дикқат марказида бўлди.

Ташриф дастурининг муҳим бандлари орасида Кореяning ДЭУ, Самсунг ва бошқа бир қанча йирик компаниялари вакиллари билан

учрашув бор эди. Кореяниг савдо-саноат доиралари Ўзбекистонда иқтисодий ислохотлар қандай амалга оширилаётгани билан таниширилди, сармоя соҳасидаги ҳамкорликнинг аниқ йўналишлари тўғрисида самарали фикрлашиб олинди.

Ўзбекистоннинг жуғрофий-сиёсий мавқеи республиканинг Шарқ мамлакатлари билан ташқи сиёсий алоқаларини ривожлантиришнинг алоҳида аҳамиятини белгилаб беради. Бизнингча, минтақада хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш - Осиёнинг шу қисмидаги мамлакатлар бунёдкорлик йўлидан ривожланишининг асосий шартидир, деди Президент. Ҳиндистон, Покистон ва Эрон каби мамлакатлар билан муносабатимизнинг ривожланишига айни шу нуқтаи назардан баҳо берамиз. Ўзбекистон раҳбари саволлардан бирига жавоб қайтарар экан, мамлакатимизнинг Афғонистондаги урушни тезроқ тўхтатиш ва у ерда барқарор вазиятни қарор тоғтиришдан манфаатдорлигини алоҳида таъкидлади. Кўпгина кенг кўламли режалар, шу жумладан Афғонистон орқали Қарачига автомобил йўли қуриш режаси бу мамлакатда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш билан бевосита боғлиқ.

Ўзбекистоннинг Араб мамлакатлари билан муносабатлари тобора ривожланиб бормоқда. Миср пойтахти Қоҳирада республикамиз элчихонаси фаолият кўрсата бошлади, тез орада Саудия Арабистонида элчихона очиш режалаштирилмоқда.

Президент МДҲ доирасидаги муносабатларни ривожлантиришнинг муҳимлигини таъкидлаб, ўзининг Ҳамдўстликка асос бўлган хужжатлардаги қоидаларга оғишмай амал қилиш ниятини таъкидлади. МДҲ имкониятларидан ҳали тўла-тўкис фойдаланилгани, бу имкониятлар тегишли даражада ишга солингани йўқ. МДҲга муқобил турадиган турли сиёсий тузилмалар тўғрисидаги ғоялар хозирги пайтда бутунлай асоссизdir.

МДҲ давлат ва хукумат бошликларининг 10 февралда Алматида бўлиб ўтган олий даражадаги учрашувида Ўзбекистон Мустакил Давлатлар Ҳамдўстлиги хавфсизлигини таъминлаш бўйича ҳамкорлик қилиш ва бу соҳадаги биргаликда қилинадиган сайд-харакатларни мувофиқлаштиришнинг қатъий тарафдори эканини баён қилди. Шу билан бирга, Ўзбекистон Алматида таклиф этилган МДҲ

иштирокчилари бўлган мамлакатлар чегараларини қўриқлашда ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги концепция ва шартноманинг, парламентлараро ассамблеяда иштирок этиш ҳақидаги таклифнинг характеристири ва мазмунини мақбул эмас, деб ҳисоблади. Биз иқтисодий жиҳатдан жипслалиши тарафдоримиз, ягона божхона макони тарафдоримиз, деди Ислом Каримов, лекин МДҲнинг асосий қоидалари доирасидан четга чиқадиган, миллий тизимлардан устун турадиган тузилмалар, айниқса ҳарбий тусдаги тузилмаларни барпо этишга қатъиян қаршимиз.

Ҳамдўстлик доирасида ҳозиргача барпо этилган умумий хукуқий маконга таяниб, биз ҳозир МДҲ мамлакатлари билан яқиндан икки томонлама ҳамкорлик қилишни ривожлантиришга катта аҳамият бермоқдамиз.

Шу жиҳатдан қараганда, Беларус Президенти А. Лукашенконинг Ўзбекистонга ташрифи муҳим воқеа бўлди. Ташриф чоғида ўзаро фойдали ҳамкорликнинг турли йўналишлари бўйича имзоланган ўн саккизта ҳужжат ҳозирнинг ўзидаёқ Ўзбекистон ва Беларус иқтисодиёти ва халқлари манфаатларига хизмат қилмоқда.

Россия биз учун давлатлараро муносабатларда энг муҳим бўлиб келди ва шундай бўлиб қолаверади, деб таъкидлади Ислом Каримов. Биз Россия билан ҳам хукуматлараро асосда, ҳам бевосита хўжалик алоқалари асосида ҳар томонлама алоқаларимизни янада ривожлантириш ниятидамиз. Россия хукумат делегациясининг яқиндаги Ўзбекистонга ташрифи натижасида иккала давлат учун муҳим бўлган хукуматлараро ҳужжатлар - 1995 йилда савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги ва молия-саноат гурӯхларини барпо этишнинг асосий тамоиллари ҳақидаги битимлар имзоланди.

Ўзбекистон МДҲ доирасида ягона божхона маконини барпо этиш жараёнига - Россия-Беларус-Қозоғистон шартномасига қўшилиш истагини расмий равишда изҳор қилди.

Ўзбекистон бир минтақадаги давлатларнинг бир-бирига яқинлашувини янада ривожлантиришнинг қатъий тарафдоридир. Марказий Осиёдаги беш давлат бошликларининг Туркманистондаги Тошховуз шаҳрида ўтган учрашувида Марказий Осиё мамлакатлари ҳамкорлигини чуқурлаштириш масалалари кўриб чиқилди. Олий

даражадаги учрашув иштирокчилари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1995 йил сентябрь ойида Нукус шаҳрида Орол денгизи муаммолари бўйича ҳалқаро конференция ўтказиш тўғрисидаги таклифини маъқулладилар ва қўллаб-кувватладилар, бу оламшумул муаммони ҳал этишда жаҳон ҳамжамиятининг манфаатдорлик билан иштирок этишидан мамнун эканликларини изхор этдилар.

Иқтисодиётда юз бераётган ўзгаришлар республикада сармоя солиш учун қулай шароит яратиш билан боғлиқ, деди Президент. Бу ҳақда хусусан савдо ва саноат бўйича Ўзбекистон - Британия кенгашининг яқинда - март ойида бўлиб ўтган мажлисида гапирилди, унда Ўзбекистондаги вазият сармоялар киритиш учун жуда қулайлиги таъкидланди.

Ҳалқаро валюта жамғармаси ва Жаҳон банки билан ўзаро муносабатларимиз ҳам мустаҳкамланиб бормоқда. Биз бунга катта аҳамият берамиз. Февраль ойининг охирида Парижда Ўзбекистон Республикасининг ҳукумат делегацияси Жаҳон банки фаолияти доирасида Ўзбекистон Республикаси бўйича маслаҳат гурухининг биринчи мажлисида иштирок этди. Ҳукуматнинг ислоҳотлар дастури, шунингдек, Ўзбекистоннинг сармоявий ва техник ёрдамга эҳтиёжи ва бу ёрдамнинг устувор йўналишлари 18 ҳукумат ва ҳалқаро ташкилотлар вакиллари билан муҳокама қилинади. Дастлабки ҳисобкитобларга қараганда, сармоядорларнинг ислоҳотларга кўмаклашиб учун Ўзбекистонга киритиш мажбуриятини олган сармоя миқдори қарийб 1 миллиард долларни ташкил этади.

Бош шиори бутун инсоният манфаатлари йўлида хизмат қилиш бўлган Давосдаги ҳар йилги учрашувлар жаҳондаги ижобий жараёнлар ва воқеаларга сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Ўзбекистон бу анжуманларнинг доимий иштирокчисидир.

Швейцариянинг Альтендорф шаҳрида Ўзбекистон Савдо уйининг очилиши муҳим воқеа бўлди. Бу маскан бугунги кунда Савдо уйигина бўлиб қолмай, Ўзбекистоннинг Европа ва жаҳонда ҳақли равишда бизнес ва савдо маркази ҳисобланадиган мамлакатдаги ваколатхонасига ҳам айланиб қолди.

Жамиятимизнинг очиқлиги, сиёсий ва иқтисодий

ислоҳотларнинг тобора чуқурлашаётгани янги давлат қурилишининг стратегик йўналиши ҳисобланади, деди Президент. Олдинги учрашувимиздан кейин ўтган даврда хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини кучайтириш бўйича дастурлар қабул қилинди. Бу жараён 2-3 йил ичидаги ниҳоясига етади. Шундан кейин хусусий сектор иқтисодиётимизда асосий ўринни эгаллади.

Мамлакатимиз барқарорлик устуворлиги хусусий мулкчилик негизида қурилган бозор муносабатларини чуқурлаштириш устуворлиги билан ўрин алмашган янгиланишларнинг навбатдаги босқичига қадам қўйди. Тегишли фармонлар, қарорлар ва хуқукий хужжатлар, жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг "Республикада савдони эркинлаштиришни таъминлаш ҳақида" ва "Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида"ги қарорлари қабул қилинди.

Бу ва қабул қилинган бошқа хужжатлар савдо инфраструктураси тараққиёти ва хусусий тузилмаларга хорижий капиталнинг оқиб келишига кўмаклашади.

1994 йилнинг бошидан буён республикада 50 мингдан ортиқ корхона мулкчилик шаклини ўзгартириди. Саноатда хусусийлаштиришни амалга ошириш дастуримиз кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган.

Ўзбекистон иқтисодиётида аграр соҳага катта ўрин берилган. Бу соҳада давлатга қарашли бўлмаган хўжаликларнинг салмоғи тобора кўпайиб бормоқда. Шуни айтиш кифояки, ҳозир мамлакатда гўштнинг 70 фоизини, сутнинг 80 фоизини, картошканинг 60 фоизини давлатга қарашли бўлмаган хўжаликлар етиштироқда.

Дон мустақиллигига эришиш ва чорвачилик маҳсулотларини кўпайтиришга қаратилган чора-тадбирлар ана шу янги имкониятларни ҳисобга олиб белгиланган. 1994 йилда 2 миллион 170 минг тонна ғалла, маккажўҳори ва шоли етиштирилди. Четдан дон келтириш икки баравар камайди. Бу йил 3 миллион 300 минг тонна дон етиштириш режалаштирилмоқда.

Яна бир муҳим йўналиш - республика энергетика мустақиллигини таъминлашдир. Нефт ва газ конденсати қазиб

чиқариш 1991 йилдагига нисбатан икки баравар кўпайди. Илгари республикага 4,5 миллион тонна нефт келтирилган бўлса, бу йил биз харид қиласидиган нефт 750 минг тоннадан ошмайди.

Бошқа қайси мамлакат четдан ёрдам олмасдан туриб ўз валютасига ўтди?- деди Президент. Ўзбекистондан ташқари бирорта мамлакат ҳам халқаро молия ташкилотларининг ёрдамисиз ўз валютасини жорий эта олмади. Кисқа муддатда миллий валютамизни барқарорлаштиришга эришдик. Ўзларингиз мамлакатимизда яшаб, кўриб турибсизлар пулнинг қадрсизланиши суръати икки баравар камайди. Бу жараённи мустаҳкамлаш учун, деди давлат бошлиғи, биз ҳозир банклараро валюта биржаси оборотини 1,2-1,5 миллиард доллар атрофида таъминлаш чораларини кўряпмиз. Барча МДҲ мамлакатлари билан молиявий хисоб-китобларда ижобий қолдиққа эгамиз. Шунинг ўзи ҳам кўп нарсадан далолат беради.

Ислом Каримов мамлакатдаги сиёсий вазиятга баҳо бериб, Олий Мажлисга сайлов республика ҳаётидаги туб ўзгаришларнинг янги босқичи бошланган даврга тўғри келганини таъкидлади. Сайлов жамиятимиз сиёсий маданияти янги даражага кўтаришганини, сайловчиларнинг юксак фаоллиги ва фуқаролик бурчини англашдаги етуклигини намойиш этди.

Бу гап демократия қоидаларига мувофиқ равишда депутат мандати учун курашган сиёсий партияларнинг вакилларига ҳам, сайлов компаниясининг барча босқичларида конституцияда белгиланган тартибга риоя қилинишини таъминлаган сайлов ташкилотчиларига ҳам тегишилдир.

Ўйлайманки, мен берган баҳо бугунги учрашувда иштирок этётган кишиларнинг, уларнинг кўплари сайлов натижаларини жаҳон ҳамжамиятига етгазган 85 кузатувчи сафида бор эди, фикрлари билан ҳамоҳангдир.

Шу ўринда республикамизда ишлаётган айrim журналистларга бироз таъна қилмоқчиман, деди Ислом Каримов. Улар салбий ходисалар ҳақида иштиёқ билан хабар қилишади-ю, нима учундир, ижобий ўзгаришларни сира кўргилари келмайди. Ахир бизда бундай ўзгаришлар кам эмас. Яхши жараёнларни рағбатлантириш, ана шу яхшилик куртакларининг ўсиб-улғайишига ёрдам бериш керак-ку

ахир!

Бўлиб ўтган умумхалқ Референдуми тўғрисидаги фикрим хаммангизни қизиқтирса керак, деди сўнгра Президент. Унинг аҳамияти ва моҳияти нимада эди?

Энг аввало, Референдум ўtkазиш ташабbusи халқ томонидан сайланган ва ўз қарорида Конституцияга асосланган парламентдан чиқди. Шу сабабли, мазкур тадбирнинг қонунийлиги заррача ҳам шубҳа туғдирмайди.

Ўз миллий давлатчилигини қураётган, ҳокимиятнинг сифат жиҳатидан янги сиёсий тузилмаларни барпо этаётган Ўзбекистон учун Президент билан парламент ваколатлари муддатидаги номутаносибликни бартараф этиш, ижроия ҳокимияти, қонун чиқарувчи ҳокимият ва бутун халқ ҳаракатлари бирлигини тъминлаш ғоят муҳимдир. Ўтказилган Референдумнинг моҳиятига айни шу жиҳатдан қарамоқ керак.

Бир қанча шарҳчилар Референдум якунларини менинг шахсий ютуғим деб баҳолашди.

Мазкур ҳолда гап Президент шахси тўғрисида эмас, балки, аввало, халқимизнинг республика сиёсий ва иқтисодий ҳаётида юз берәётган катта ўзгаришларга муносабати, одамларнинг республика Президенти ва ҳукумати ўтказаётган сиёсатга муносабати ҳақида бўлиши керак.

Яширмаймиз: ҳозир биз бошимиздан қийинчиликлар кечираётганимиз тўғри. Лекин халқимизнинг ўзгаришлар зарурлигини ҳис этиши, бу ўзгаришларни янада давом эттиришга тайёрлиги ҳам ҳақиқат. Референдум буни ишонарли равишда тасдиқлаб, бизга халқ ишончи мандатини топширди ва танлаб олган йўлимизнинг тўғрилигига ишончимизни мустаҳкамлади, деди пировардида Ислом Каримов.

Президент журналистларнинг жуда кўп саволларига жавоб қайтарди.

БИЗ ЖАМИЯТНИ ЯНГИЛАШ ЙЎЛИДАН БОРМОҚДАМИЗ

Мұхтарам Федерал Президент жаноблари!

Хонимлар ва жаноблар!

Сизларни бугун бу ерда, Ўзбекистон диёрида қутлаш менга катта мамнуният бахш этади.

Германия Федератив Республикаси биринчилар қаторида бизнинг мустақиллигимизни тан олгани ва давлатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганига уч йилдан сал ортикроқ вақт ўтди.

Бирок, шуни алоҳида таъкидлар эдимки, ўзаро муносабатларимиз бошланган мана шу қисқа муддат мобайнида давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича ўнлаб ийлларда юз бериши мумкин бўлган воқеалар содир бўлди.

Сизнинг, жаноб Федерал Президент, Германиянинг ана шундай улкан делегацияси раҳбари сифатидаги мазкур ташрифингиз ҳам алоқаларимизнинг тобора ривожланиб бораётганини, иккала томон ҳам бу алоқаларни янада кенгайтириш ва чуқурлаштиришдан манфаатдор эканини тасдиқлади.

Давосдаги яқинда бўлган учрашувимизда Ўзбекистонда юз берадиган жараёнларга катта ва самимий қизиқиш изхор қилганингиз менинг хотирамда ўрнашиб қолди, жаноб Президент.

Умид қиласманки, ҳали Сиз жаноби олийларининг Ўзбекистондаги демократик янгиланишлар жараёни тобора жадал суръатлар билан ривожланиб бораётганига амин бўлишингизга имконият туғилади. Биз жамиятимизни янгилаш ҳамда бозор муносабатларини қарор топтириш йўлидан дадил бормоқдамиз.

Мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий алоқалар анъаналари чукур илдизларга эга эканини эслатиб ўтишни истар эдим. Асримиз бошидаёқ "Сименс" фирмаси Тошкентдаги биринчи телефон станциясини барпо қилишда иштирок этган эди. Афсуски, ўшандা

бошланган алоқалар кейинчалик ривожланмай қолди.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши янги уфқлар очиб беради. Бугунги кунда мамлакатимизда "Сименс" билан бир қаторда "Даймлер Бенц", "Алкатель", "Тиссен", "Люфтганза" ва бошқа кўплаб Германия концерн ва компаниялари муваффакиятли ишламоқда. "Дойче банк", "Берлинер банк" ва Германиянинг бошқа банк муассасаларининг Ўзбекистондаги яхши фаолияти туфайли бизнинг молиявий ҳамкорлигимиз ҳам кенгайиб бормоқда.

Ўзбекистон билан Германия ўртасида тобора ривожланиб бораётган савдо-сотиқ ҳамкорлигимизнинг юксак самара бераётганини намойиш этиб турибди. Шуни мамнуният билан қайд этмоқчиманки, мамлакатларимиз ўртасидаги савдо обороти 3 йил ичида 5 марта ўсида ва бу йил 1 миллиард Германия маркасидан ошиб кетади.

Федерал Президент жаноблари!

Жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига тенг хуқуқли шерик сифатида кириш илғор мамлакатлар тажрибасини ижодий равишда идрок этишни тақозо қиласди. Шунинг учун ҳам бизнинг Германияга бўлган қизиқишимиз ўз-ўзидан тушунарлидир. Немис халқининг уруш вайрон қилган иқтисодиётни қайта тиклаш, демократик давлат қуриш йўлидаги муваффакиятлари илҳомбахш ибрат бўлиб, бизнинг бошлаган ислоҳотларимизнинг муваффакиятига ишончимизни мустаҳкамлади.

Сизларнинг Бирлашган Германиянинг шарқий ўлкаларини қайта ислоҳ қилиш хусусидаги тажрибангиз Сизга бизнинг сиёсий ва иқтисодий янгиланишлар юзасидан амалга оширилаётган ишларимиз миқёси ва мураккаблигини яхши тасаввур этиш имконини беради.

Биз бошқа мамлакатлар тажрибасини ўрганар эканмиз, адолатли жамият қуришда халқимизнинг анъаналари ва руҳиятига мос келадиган ўз йўлимизни изламоқдамиз.

Биз демократияга асосланган, ўзбек халқининг маънавий негизлари ва қадриятларига ҳамоҳанг бўлган давлат қурмоқдамиз.

Яқинда Ўзбекистон тарихида биринчи марта бизнинг парламентимиз - Олий Мажлисга кўпартиявийлик асосида демократик сайлов бўлиб ўтди. Шу билан янги давлат ҳокимияти

тизимини шакллантиришнинг муҳим босқичига якун ясалди.

Бугунги кунда иқтисодиётнинг самарали ривожланишини, жамиятда адолатли ижтимоий тенгликни, давлат бошқарувида фуқароларнинг иштирокини кенгайтиришни таъминлайдиган хуқукий механизмларни яхшилаб ишлаб чиқиш масаласи олдинги ўринга чиқмоқда.

Ўзбекистонда янги жамият қуриш стратегияси мамлакат ичкарисидаги ижтимоий-сиёсий барқарорликнигина англатиб қолмайди. Бунёдкорона меҳнат учун зарур шарт-шароит қўшниларимизда ҳам тинчлик ва осойишталик барқарор бўлганидагина вужудга келади.

Биз ягона, ўзаро чамбарчас оламда яшаймиз. Бинобарин, бу оламда хавфсизлик ё барча учун бўлади, ёки умуман бўлмайди.

Мана шунинг учун ҳам, минтақамизнинг жанубида вужудга келган вазиятдан ташвишланар эканмиз, биз халқаро ҳамжамиятни уруш чиқиши мумкин бўлган зиддиятларни бартараф этиш юзасидан самарали чора-тадбирлар қўллашга чақирамиз.

Мана шунинг учун ҳам биз бу минтақадан қурол-яроғ, наркотик моддаларнинг тарқатилишига тўсиқ қўйиш, диний экстремизм ва терроризмнинг дунёнинг бошқа минтақаларига тарқалишига йўл қўймасликка даъват этамиз.

Мана шунинг учун ҳам биз Марказий Осиё мамлакатларининг бир-биридан узоклашувининг олдини олишга ҳаракат қиласиз, мустақил давлатларнинг жуда яқин ҳамкорлик қилиши тарафдоримиз.

Федерал Президент жаноблари!

Мамлакатларимиз тарихларида нохуш оқибатларга олиб келган вайронгарчилик урушлари ва зиддиятлар даврлари бўлган йирик минтақалар марказида туради. Ўтмиш ёди бизга тиним билмай умумий тинчлик ва барқарорликни сақлаш, давлатлараро хавфсизлик тизимини такомиллаштириш тўғрисида ўйлаш масъулиятини юклайди.

Айнан мана шунинг учун ҳам биз Германиянинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа йирик халқаро тузилмалар доирасида янада фаолроқ иштирок этишга бўлган интилишини қўллаб-куvvatлаймиз.

Халқаро ва минтақавий ташкилотларда ҳаракатларимизни мувофиқлаштириш миллий масалаларнигина эмас, оламшумуш муаммоларни муваффақиятли ҳал этиш имконини яратишига ишончим комил.

Биз ўзаро ҳурмат асосига қурилган икки томонлама муносабатларимиз ривожидаги ижобий йўналишларни юксак қадрлаймиз. Биз мамлакатларимиз ўртасидаги турлича алоқаларни мустаҳкамлашни янада давом эттиришни қатъий ният қилиб кўйғанмиз ҳамда келажакка ишонч билан қараймиз.

Шуни ишонч билан айтаманки, Ўзбекистонда Германия ва Ўзбекистон ўртасидаги қўп томонлама ҳамкорлик очиб берадиган улкан имкониятларга катта умид билан қаралмоқда.

Жаноби олийлари!

Федерал Президент вазифасини бажаришга киришар экансиз, Сиз Германиянинг шарқида жойлашган мамлакатлар халқлари немисларни тинч, ўзгаларга ёрдам кўрсатишга тайёр, беғараз кишилар деб билиши учун қўлингиздан келадиган барча ишни қилиш мажбуриятини баён этган эдингиз. Биз юртимизга келаётган мамлакатингиз фуқароларининг худди шундай кишилар эканига амин бўлдик. Айнан мана шу кишилар туфайли халқимиз назарида мамлакатингиз нуфузи тобора ортиб бормоқда, халқингизга бўлган ҳурмат тобора кучаймоқда.

* * *

Ўзбекистон Президенти ўз нутқи якунида мамлакатимиз ва Германия Федератив Республикаси ўртасидаги ҳамкорликнинг янада равнақ топиши учун эзгу тилаклар билдириди.

*ГФР Федерал Президенти Роман Герцог шарафига
уюширилган қабул маросимида сўзланган нутқ 1995 йил 11 апрель*

ВАТАН САЖДАГОҲ КАБИ МУҚАДДАСДИР

Ассалому алайкум, муҳтарам депутатлар!

Қадрли дўстлар!

Бугун, баҳор фасли ҳаммага янги куч-қувват, ғайрат бағишилаб турган бир пайтда сизлар билан учрашаётганимдан ғоят мамнунман. Одамларимизнинг, халқимизнинг кайфияти хуш бўлса, шу жумладан, халқ вакиллари - депутатларимизнинг ҳам чехраси очик бўлса, бу ҳол олдимиздаги улкан ва мураккаб муаммоларни ечишда, вазифаларни адо этишда бизга мадад берувчи куч бўлиши шубҳасиз.

Мен бугун сизларнинг диққат-эътиборингизни асосан иккита масалага қаратмоқчиман:

Биринчи масала. Мамлакатимизда ўтказилган умумхалқ Референдуми муносабати билан баъзи бир фикр-мулоҳазаларимни сиз, муҳтарам халқ вакиллари билан ўртоқлашмоқчиман.

Иккинчи масала. Ушбу сессиянинг тарихий сана - фашизм устидан қозонилган Буюк Ғалабанинг 50 йиллиги арафасида ўтказилаётганини назарда тутиб, бу борадаги фикрларимни билдиримоқчиман.

Ҳаммангизга маълум, март ойининг охирида ўтказилган умумхалқ Референдуми давлатимиз ҳаётида тарихий воқеа бўлди.

Референдумнинг якунлари сизларга яхши маълум.

Бу тўғрида Марказий сайлов комиссиясининг раиси Қудратилла Аҳмедов ҳам батафсил ахборот бериб ўтди.

Лекин, бугунги фурсатдан фойдаланиб, Референдум ҳақида гапирап эканмиз, баъзи бир муҳим масалаларга тўхталиб уларни яна бир бор аниклаб олишимиз зарур деб ўйлайман.

Авваламбор:

Референдумнинг асосий вазифаси нимадан иборат эди? Уни ўтказишдан кўзда тутилган мақсад нима эди?

Референдумнинг якун-натижалари нимани кўрсатди? Ва биз бу якунлардан қандай хулоса чиқаришимиз даркор?

Биринчидан: Референдум ҳаётимизнинг асосий қонуни бўлмиш Конституциямиз асосида, содда қилиб айтганда, умумхалқ маслаҳати тарзида ўтказилган тадбир бўлиб, умумдавлат аҳамиятига молик саволга халқимизнинг, сайловчиларимизнинг жавобини аниқлаш мақсадида ўтказилди.

Бошқача айтганда, Референдум воситасида Президент ва парламентнинг ваколат муддатларини мувофиқлаштириш, қонунчилик ва ижроия ҳокимиюти тармоқларининг, керак бўлса, бутун халқнинг фаолият бирлигини таъминлаш масаласида сайловчиларимизнинг муносабатини, фикрини билиш мақсад қилиб кўйилган эди.

Яна бир бор шуни такрорлаб айтиш керакки, бугунги кунда Ўзбекистонда сиёсий тизим тикланаётган, ҳокимият турли тармоқларининг фаолияти шакланаётган масъулиятли бир пайтда уларнинг ҳаракатларини бир-бирига уйғунлаштириш, улар ўртасидаги номутаносибликни бартараф этиш, келгусида низодаватларга олиб келиши мумкин бўлган ҳолатларга чек қўйиш - буларнинг ҳаммаси бугунги ва эртанги ҳаётимизнинг ҳал қилувчи масалалари эканини аксарият жамоатчилигимиз, халқимиз тўғри тушунади, яхши англайди.

Агар биз ҳокимият турли тармоқлари ўртасидаги номутаносибликка бепарво қарасак, мана шундай иллатларнинг томир отиб кетишига йўл қўйиб берган бўламиз. Бу эса охир-оқибатда сиёсий ҳаётимизнинг соғлом мухитига, унинг демократик пойдеворига салбий таъсир кўрсатиши муқаррар. Буни ҳаммамиз бошқа давлатларнинг мисолида яққол кўриб турибмиз.

Узоққа бормасдан ўзимизнинг қўшни, ўзини демократик ҳисоблаётган давлатлар мисолида бундай қарама-қаршилик нимага олиб келганини, баъзи давлатлар эса замбарак остида, ўққа тутиб, қонуний парламентларини тарқатиб юборгандарида кўриш мумкин.

Бугун Референдумнинг якунлари ҳақида фикр юритар эканмиз, кўпдан-кўп одамлар, дипломатик корпус вакиллари, дўсту биродарларимиз, рақибу муҳолифларимиз унинг натижаларини турлича тахмин қилганликларини айтиб ўтиш лозим. Лекин Референдумнинг натижалари ҳар қандай фараз ва тахминлардан ҳам

зиёда бўлди.

Бир қанча шарҳловчилар Референдум натижаларини менинг шахсий муваффақиятим сифатида талқин қилдилар. Аммо бу ўринда барчамизга аён бўлиши керакки, сайловчилар Президентнинг шахсига эмас, аввало, мамлакатимизнинг сиёсий ва иқтисодий ҳаётида содир бўлаётган ўзгаришларга, Президент ва хукумат ўтказаётган сиёсатга ўз муносабатларини билдиридилар.

Ҳурматли депутатлар!

Энди Референдум якуни, унинг натижалари ҳақида икки оғиз айтиб ўтмоқчиман.

Биринчи бор тарихимизда ўтказилган умумхалқ овоз бериши, Умумхалқ маслаҳати нимани кўрсатди?

Референдум, аввалимбор, халқимизнинг томир-томири, қонқонида бўлган бағрикенглик, олижаноблик каби эзгу фазилатларни, халқимизнинг эътиқоди баландлигини, онги юксаклигини яна бир бор тасдиқлаб берди.

Одамларимизнинг асли томир-ўзаги бақувват бўлиб, уларнинг руҳий-маънавий яқинлиги, аҳиллиги, меҳр-оқибатлилиги яна бир карра намоён бўлди.

Шу билан бирга Референдум олиб борилаётган сиёсатга, танлаган йўлимизга фуқаролар ишончининг нақадар мустаҳкамлигини намойиш этди. У бошидан катта-катта қийинчиликлар, етишмовчиликлар, азоб-уқубатларни кечириб турган халқимизнинг машаққатларга мардона бардош бериб, келажакка умид ва ишонч билан яшаётганини ифода қилди.

Тўқсон тўққиз фоиздан зиёд сайловчиларнинг Референдумда иштирок этгани ва қўйилган саволга ижобий муносабат билдирганини бошқа сабаблар билан изоҳлаб бўлмайди. Бунинг илдизи бизнинг ўзлигимизда, халқимизга муносиб улуғ фазилатларда, унинг олижаноблигига деб биламан.

Яна қайтариб айтмоқчиман. Гап менинг шахсимда эмас.

Ишончим комилки, агар менинг ўрнимда бошқа одам етакчи раҳбар бўлиб, бугун юртимизда олиб борилаётган сиёсатни бошқарса, одамларга мана шундай муносабатда бўлса, қалбини, ҳаётини одамларга бағишиласа, у ҳам худди шундай ишонч ва хурматга сазовор

бўлур эди.

Референдумнинг натижасини мен халқимга қилган озми-кўпми хизматларимнинг жавоби деб биламан. Чукур мамнуният билан айтмоқчиман: агар бу дунёда чексиз ишонч ва юксак ҳурмат-эътиборга сазовор бирор одам бўлса, мен - ўша, кечаю кундуз халқимнинг баҳтини, иқболини тилаб худога минг шукроналар айтиб юрган инсонман.

Қадрли дўйстлар, биродарлар!

Яхши биламанки, бундай юксак ишонч мен учун хайр-эҳсон эмас, авваламбор улкан масъулият, оғир мажбурият, шарафли ваколатдир.

Референдумнинг якуни - парламентга, Президентга, барча ҳокимиёт органларига, халқ ишончининг сиёсий белгиси, нишонидир.

Референдумнинг якуни танлаган йўлимизнинг тўғрилиги, демократик жамият кураётган давлатнинг туб ислоҳотларни чуқурлаштириш ва охирига етказиш юзасидан сиёсий мандатидир, белгисидир.

Албатта, Референдум натижаларини баҳолашда бошқача кўз билан қараётганлар ҳам йўқ эмас. Ҳеч қачон бундай кунларга, натижаларга етолмайдиган айrim сиёсий гуруҳ ва доиралар унинг ҳам сиёсий, ҳам маънавий аҳамиятини пасайтиришга уринмоқдалар.

Бизни кўролмайдиган, истиқболимизга ҳасад кўзи билан қарайдиганлар турли найранг ва усувлар билан Референдум натижаларини камситиш ва шубҳа остига олишга интилмоқдалар.

Шу борада яна бир фикрни билдириш ўринли деб ўйлайман. Гап шундаки, Референдум натижасида ўзини доҳий санаб юрган, мансабпаст, амалпаст айrim кимсаларнинг ҳам умидлари чиппакка чиқиб, ҳафсаласи пир бўлганлиги муқаррар.

Азиз дўйстлар!

Биз Референдумдан чиқариладиган хулосалар ҳақида тўхталар эканмиз, биринчи ва энг асосий хулоса шуки, юртимизда тинч-тотув, осойишта меҳнат учун вужудга келган шароитни чиндан ҳам қадрлаш ва англашимиз ҳақида гапиришимиз лозим.

Референдум натижаларига суюниб, олиб бораётган сиёсатимизни

яна бир бор танқидий таҳлил қилиб, олдимизда турган мақсадларга тезроқ етказадиган, авваламбор, халқимизнинг аҳволини енгиллаштирадиган дастурларни кўриб чиқишимиз керак, деб ўйлайман.

Мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида янги давр бошланмоқда. Кўп partiya вийлик асосида сайланган парламент фаолият кўрсатмоқда. Жамиятнинг турли табақалари манфаатларини ифода этувчи партиялар аста-секин ўзлигини англамоқда ва кучга кирмоқда. Улар ўз дастурини халққа етказишга, сафларини мустаҳкамлаб, сиёсий тажриба ортиришга интилмоқда. Бу ҳам ҳаётимизнинг янги кирралари, янги саҳифаларирид.

Мана шундай шароитда юртимиз тақдири, келажагимиз учун ишонч ва қатъият билан курашадиган барча кучларни бирлаштирувчи, кимнинг қайси сиёсий куч ёки партия тарафдори бўлишидан қатъи назар - уларнинг интилишини яқинлаштирувчи нуқталарни топа билиш муҳим аҳамиятга эга. Бу - бугунги куннинг долзарб ва муҳим вазифаларидан биридир.

Халқимизни бирлаштирадиган, кўтарадиган, улуғ мақсадларга чорлайдиган ғояларни аслида оддий сўзлар билан ифодалаш мумкин.

Улар нималардан иборат?

Авваламбор, сохта обрӯ топишга уриниш, уруғчилик, гурӯҳчилик, маҳаллийчилик, ошна-оғайнигарчилик, нафс балосидан халос бўлиб, барча куч-куватимизни, саъй-ҳаракатимизни, худо ато этган ақл-заковатимизни юртимизда тинчлик, осойишталик, барқарорликни сақлашга жалб қиласайлик.

Мустақиллигимизни, давлатчилигимизни мустаҳкамлаш учун, иқтисодиётимизнинг истикболи, эркин бозор йўлини изчил давом эттириш учун курашайлик.

Инсон ҳукуқлари ва эркинликларини, унинг фаровон ҳаётини, ҳар бир оиланинг тўкин-сочин дастурхонини таъминлашга шароит яратайлик.

Келажагимизни, давлатимиз, юртимиз тинчлигини, унинг хавфсизлигини мустаҳкамлаш, ёмон кўзлардан асраш ишига ўзимизни бахшида этайлик.

Қани айтинглар, қадрли дўстлар, юртдошлар, диёримизда

яшаётган ҳар бир инсон, ким бўлишидан қатъи назар, шу заминда вояга етган, унинг сувини ичган, нонини еган, тузини тотган ватанпарвар, ҳар қандай сиёсий куч - шундай муқаддас мақсадлардан ортиқ яна нимани исташи мумкин?

Хурматли дўстлар!

Дунёning кўпдан-кўп давлатлари, халқаро иқтисодий-молиявий ташкилотлар мамлакатимизга амалий ёрдам бермоқдалар, юртимиизда бўлаётган ижобий ўзгаришларга - ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий ислоҳотларга катта қизиқиши ва ишонч билан қарамоқдалар.

Бўлиб ўтган Референдум узоқ-яқин қўшниларимиз орасида, умумжаҳон миқёсида давлатимизнинг обрўйига обрў, халқимиз хурматига ҳурмат қўшди.

Давлатимизга, жамиятимизга билдирилаётган мана шундай ҳурмат-эҳтиромни янада мустаҳкамлаш учун тағин бир жиддий масала борки, уни ижобий ечишда сизлардан, мухтарам депутатлар, ёрдам сўрамоқчиман.

Яъни бўлиб ўтган Референдум натижасини, барча одамларимиз кўллаб-қувватлаган Президент ваколатлари муддатини 1997 йилдан 2000 йилгача узайтириш масаласини иккинчи президентлик муддати деб ҳисоблаб тасдиқлашингизни сўрайман.

Бу таклиф ҳақида, албатта, хабарингиз бор, деб ўйлайман. Шу масалани ижобий ечиб, ҳал қилиб олсак - буни ҳаммамиз тўғри англаб олишимиз керак - бундай қарор Ўзбекистонимизнинг демократик йўлдан дадил қадам қўяётганининг ва демократик нормаларни ҳурмат қилиб иш тутаётганининг яққол тасдиғи бўлур эди. Бундай қарор, албатта, Ўзбекистон обрў-эътиборини, салоҳиятини янада оширишга хизмат қилар эди.

Яна бир бор сиз ҳалқ ноибларининг эътиборини шу масалага жалб қилиб, менинг таклифимни қўллаб-қувватлашингизни илтимос қиласман.

Қадрли депутатлар!

Шу кунларда тараққийпарвар жаҳон жамоатчилиги улкан тарихий сана арафасида турибди. Икки-уч кундан сўнг фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 50 йиллиги халқаро миқёсда нишонланади.

Шу муносабат билан, аввало, юртимиздаги барча уруш катнашчиларини, инсониятни фашизм балосидан асраб қолишга катта хисса қўшган отахон ва онахонларимизни шу улуғ айём билан чин дилдан қутлайман, уларга сиҳат-саломатлик, бардамлик, хуш кайфият тилайман!

Бугун биз Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидан мунособи ўрин эгаллаётгани ҳакида сўзлар эканмиз, юртимиз фарзандларининг фашизмга қарши урушда кўрсатган мардлик ва қаҳрамонликларини алоҳида таъкидлаб ўтишимиз зарур.

Бу хусусда, назаримда, ушбу рақамлар энг ёрқин далил бўла олади.

Иккинчи жаҳон урушига юртимиздан 1 миллион 433 230 киши сафарбар бўлган. Бир қараганда, бугун, мамлакатимиз аҳолиси 23 миллионга етган пайтда бу рақам унча катта туюлмаслиги мумкин.

Аммо биродарлар, аввало, урушга битта одам кетса ҳам катта мусибатдир. Қолаверса, 1941 йилда Ўзбекистон аҳолиси бор-йўғи 6,5 миллион киши эканини эсласак, республика халқи бошига тушган синовнинг накадар катта экани яққол кўринади. Агар аҳолининг ярмини болалар ва кексалар ташкил этишини ҳисобга олсак, яроқли одамларимизнинг 50-60 фоизи урушга кетгани аён бўлади.

Улардан 263 005 киши ҳалок бўлган. 132 670 киши бедарак йўқолган, 604 52 киши ўз ўлкасига ногирон бўлиб қайтган.

Бу машъум уруш туфайли энг камида тўрт юз минг оила бевосита айрилиқ азобига дучор бўлган. Қариндош-уругларни ҳисобласак, бутун мамлакат аҳолиси мотам либосини кийган.

То ҳаёт эканмиз, уларнинг жасорати, ўчмас хотираси олдида, оиласлари, фарзандлари олдида таъзим қиласиз, бош эгамиз.

Азиз биродарлар, Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган барча юртдошларимиз хотираси учун, ўрнингиздан туриб бир дақиқа сукут сақлашингизни сўрайман.

Муҳтарам юртдошлар!

Мамлакат ичкарисида уруш йилларида меҳнат қилган юз минглаб ватандошларимиз чеккан заҳматларни, кексаю ёш оналаримиз, опа-сингилларимиз қиши қаҳратонида дийдираб, саратон оловида ёниб, ўзи емасдан, ўзи киймасдан топган насибасини фронтга

жүннатганини, азоб-уқубатлар чекиб, фидойилик күрсатганини эсдан чиқариб бўладими?!

Ўша оғир йилларда, бир бурда нон танқис бўлган йилларда, Ўзбекистон уруш туфайли уй-жойсиз қолган минглаб оиласарга бошпана берди, нон берди, қанчадан-қанча етим-есирларнинг бошини силади. Халқимизнинг инсонпарварлик ва олижаноблик фазилатлари тилларда достон бўлди.

Азиз дўстлар!

Охирги йиллар тарихи, бошимиздан кечган не-не сиёсий ўйинлар, номусини, виждонини йўқотган ҳар хил янги чиқсан "доҳий"ларнинг ватан уруши ҳақидаги васвасалари, бўхтонлари ва чиқишлари аҳолимизнинг, ўзбек халқининг ҳаққонийликка, ҳақиқатга ишончини ҳеч қачон сўндира олган эмас.

Такрорлаб айтаман: Иккинчи жаҳон урушига қандай қаралмасин, бу уруш қайси ғоя остида ва кимнинг изми билан олиб борилган бўлмасин, ўз ватани, эл-юртигининг ёруғ келажаги, беғубор осмони учун жанг майдонларида ҳалок бўлганларни, ўз умрларини бевақт ҳазон қилган инсонларни доимо ёдда сақлаймиз.

Бу аччиқ, лекин олий ҳақиқатни унутишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ ва бунга йўл ҳам бермаймиз.

Уруш йиллари - Ўзбекистон тарихининг узвий бир қисми. Биз тарихимиздан бирор саҳифани ҳам олиб ташламаймиз. Бу тарих - бизники, уни унутишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Ўша қийин кезларда ҳалқимиз бошқа ҳалқлар билан бир қаторда туриб, фашизм балосини даф этишга муносиб ва салмоқли хисса кўшганини ҳар доим катта фаҳр ва ғурур билан айтамиз, намоён қиласмиз.

Бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Уруш даври воқеаларини, жангчиларимизнинг жасоратини таҳлил этишда ва таърифлашда ҳам мағкурабозликни, баландпарвоз гапларни, дабдабали шиорларни камайтириб, умри эрта ҳазон бўлган оталаримиз, акаларимиз хотираси олдида изтироб билан бош эгиб, уларнинг жасоратини фаҳр билан эслаб, авваламбор, ҳалок бўлганларнинг оиласарига ғамхўрлик қилиш, бугун ҳаёт бўлган собиқ жангчиларга фақат тасаннолар айтиш билан чекланиб қолмасдан,

уларга амалий ёрдам бериш биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Ҳаммангиз яхши биласиз: мамлакат раҳбарияти уруш қатнашчиларининг иззат-икромига етиш, ҳозирги мураккаб ўтиш даврида уларни ёлғизлатиб, кўнглини чўқтириб қўймаслик учун катта ишларни амалга ошироқда.

Мен бу борадаги қилинган ишларни такрорлаб ўтироқчи эмасман. Лекин бошқа айрим давлатларнинг раҳбарларига ўхшаб, фахрийларимиз, ветеранларимиз учун қилган ишларимизни такрор ва такрор кўз-кўз қилмасдан, бошқалар билан солиштирмасдан, бугун биз Ўзбекистон раҳбарияти, ҳукумати улар олдида доимо қарздор эканини изхор этмоқчиман.

Бугун биз бу мўътабар инсонлар сиймосида ва асрлар давомида юртимизнинг чинакам озодлиги орзусида курсон бўлганлар мисолида - илоҳим, уларнинг арвоҳлари шод бўлсин!- Ватанни ардоқлаш, уни ёмон кўзлардан ва ҳаракатлардан асраб-авайлаш, химоялаш, керак бўлса, она юртимиз учун жонимизни ҳам фидо қилишдек буюк инсоний фазилатни ўрганмоғимиз лозим.

Миллий истиқлолимизнинг оташин курашчиларидан бири Абдурауф Фитрат бир шеърида "Ватан - саждагоҳимдир" деган фикрни баён қиласди.

Чиндан ҳам, ватан туйғуси, ватан тушунчаси биз учун саждагоҳдай муқаддас, саждагоҳдай пок ва улуғ бўлмоғи керак.

Биз она Ўзбекистон истиқлолини, унинг шаъну шавкатини қандай ҳимоя этишни ота-боболаримиздан мерос қилиб олишимиз ва унинг ҳимоясига ҳамиша тайёр турмоғимиз даркор.

Улуғ аждодларимиздан муқаддас мерос бўлиб келаётган ватанга муҳаббат туйғуси, фарзандларимиз, бугунги ва келажак авлодларимиз учун чинакам эътиқодга, чинакам ақидага айлансан.

Шундан кейин сизу биз бу дунёдан армонсиз ўтишга ҳаққимиз бўлади, деб ўйлайман. Миллий ғурур, миллий ифтихори баланд миллатни енгиб бўлмайди.

Хурматли дўстлар!

Собиқ СССР ўрнидаги ва яқин атрофимиздаги юзага келган ўта мураккаб вазият бугунги кунда биздан дунё миқёсида пухта ўйланган ташқи ва ички сиёsat олиб боришни тақозо этади.

Биринчи галда, ўз юртимизда ва минтақамизда ҳар томонлама барқарорликни таъминлашни, тинчлигимизни бузишга қаратилган ёвуз ҳаракатларнинг олдини олишни талаб қиласди.

Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида Ўзбекистон Республикасининг миллый хавфсизлик, минтақавий хавфсизлик борасидаги асосий тамойиллар ва шу принциплар юзасидан дунё ҳамжамияти олдида олға сурган ташаббусларимизнинг мазмун-моҳияти кенг баён қилинган эди.

Бугун олдинги сессияда баён этилган фикрларни чуқурлаштирган ҳолда, сиз муҳтарам ноибларнинг дикқатингизни Марказий Осиё минтақасидаги давлатларнинг - Тожикистон, Туркманистон, Қирғизистон, Козогистон ва Ўзбекистоннинг ўзаро алоқалари ва ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантириш масаласига жалб этмоқчиман.

Биз - бешта қудратли шохи бирлашиб кетган улкан чинорни минтақамиз белгиси, рамзи қилиб танлаганимизда катта маъно бор.

Бизнинг - Тожик, Туркман, Қирғиз, Қозоқ ва Ўзбекларнинг - тарихий бирлигимиз, маънавий бирлигимиз, маданий бирлигимиз, диний бирлигимиз, бир сўз билан айтганда, чинакам инсоний бирлигимиз ҳақида кўп гапиришнинг ҳожати йўқ.

Фалакнинг гардиши билан бугун қайси шахс минтақадаги қайси давлат жиловини қўлда тутиб турган бўлишидан қатъи назар, ҳалқларимизнинг азалий бирлиги ва бир-бирига интилиши ҳар бир уйда, ҳар бир ойлада, ҳар бир қишлоқда ва ҳар бир шаҳарда яққол сезилади. Минтақа бирлиги туйғуси нафақат маҳаллий ҳалқ вакилларининг, балки бу гўзал заминни она ватан деб қабул этган рус, украин, белорус, татар, корейс, яхудий ва бошқаларнинг қалбидан ҳам муносиб ўрин олгандир.

Менинг бунга ишончим комил.

Кўпчилик одамлар, жамоатчилигимиз бир нарсага эътибор берган бўлса керак.

Биз, Марказий Осиё давлатларининг раҳбарлари ва сиёсатчилари, ҳалқларимизнинг тарихий бирлиги ҳақида жуда кўп баёнот берамиз, лекин - гапнинг очиғи,- кўпинча ишимиз қуруқ баёнотлардан нарига, минг афсуски, ўтмаяпти.

Азиз юртдошлар!

Тасаввур қилингки, ота юртимиз Туркистон - катта бир уй, буюк бир рўзғор, буюк бир оила. Бу оила фарзандлари қанчалик яқин ва ахил бўлса, рўзғор ҳам шунчалик обод ва тўкин бўлади.

Бундан чиқадиган хулоса: Марказий Осиё минтақасида ҳам иқтисодий, ҳам маънавий, ҳам сиёсий жихатдан ягона мухит ташкил қилиш - бугунги куннинг энг долзарб масаласидир.

Бугун кенг жамоатчилик вакиллари, биринчи навбатда ижодкор зиёлилар - ёзувчилар, тарихчилар ва бошқаларнинг бундай мухим, ҳаётимизни, тақдиримизни ҳал қилувчи масалага эътиборини, ташаббусини жалб этиш вақти келди, деб ўйлайман.

Марказий Осиёда фаол меҳнат қилаётган жамоатчилик бизга ота-боболаримиздан муқаддас мерос бўлиб қолган тарихий бирлик туйғусини, муқаддас Туркистон туйғусини қайтадан тиклаши, ҳалқларимиз қалбига пайванд этиши мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Ўйлайманки, ягона Туркистон шиорини барча ҳалқларимиз қўллаб-қувватлашига заррача ҳам шубҳа йўқ. Буни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда ва бу барчамизга аён бўлиши керак.

Буни Марказий Осиё минтақасининг тинчлиги, барқарорлиги ва келажак равнақини қадрлайдиган минг-минглаб инсонлар очик қалб ва очик ҷеҳра билан кутиб олмоғи муқаррар.

Умид қиласанки, минтақа мамлакатларининг интеграцияси, бирлашуви учун хизмат қиласидан жамоатчилик ҳаракати тузилса ва бу ҳаракатда ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, қардош ҳалқларимизнинг бирлиги учун курашга қодир инсонлар - ҳам Қозоғистон, ҳам Қирғизистон, ҳам Туркманистон, ҳам Тожикистон, ҳам Ўзбекистон вакиллари қатнашса, нур устига нур бўлиши аниқ.

Мазкур жамоатчилик ҳаракати "Туркистон - умумий уйимиз" деб номланса - айни муддао.

Бу ҳаракат мамлакатларнинг ўзаро бирлигини янада мустаҳкамлашга, қадим Туркистон заминида яшовчи барча ҳалқлар, миллатлар ва элатларни яқинлаштириш мақсадида юрган соғлом кучларни ўз сафларига олишига шак-шубҳа йўқ.

Бундай ҳаракат ўз фаолиятини, биринчи навбатда, минтақа давлатлари орасида бугун пайдо бўлган кўпгина сунъий тўсиқларга

барҳам беришга, одамлар бир пайтлар бўлганидек, бепоён Туркистон худудлари бўйлаб ўзаро борди-келдиларини, маданий-маънавий муносабатларини, савдо-иқтисодий алоқаларини эмин-эркин давом эттириши учун замин ҳозирлашга қаратса, айни муддао бўлур эди.

Бунинг учун эса бугун тамал тоши қўйилаётган Марказий Осиё халқларининг янгича дўстона муносабатларини бекарор таъсирларга берилмасдан изчиллик билан давом эттириш зарур.

Муҳтарам Олий Мажлис аъзолари!

Мана, 1995 йилнинг бешинчи ойи ҳам бошланди. Маълумки, бу йилдан халқимизнинг умиди катта. Мавжуд ҳисоб-китобларга кўра, бу йил иқтисодни барқарорлаштириш йили бўлиши кутилмоқда. Аммо ҳар қандай умидбахш тахмин ва орзулар ҳам фақат қаттиқ меҳнат билан, изланиш ва машаққат билан рўёбга чиқишини ҳаммамиз яхши биламиз.

Бу йилги об-ҳаво ҳам, халқимизнинг интилиш ва ҳаракатлари ҳам яхши ҳосиллардан дарак бермоқда. Азиз юртдошларимизнинг бизга билдирган ишонч ва умидларини оқлаш шу залда ўтирган ҳар бириимизнинг ҳам ижтимоий, ҳам инсоний бурчимиздир.

Ишончим комилки, сизларнинг ҳар бирингиз уддабуррон, ишнинг кўзини биладиган, астойдил киришса тоғни талқон қилишга қодир ғайратли кишиларсиз. Савобли ишларга одамларни бошлиш, етакчилик қилиш ҳар бирингизнинг қўлингиздан келади. Бундан менинг кўнглим тўқ.

Мен сизлардан фақат бир нарсани илтимос қилмоқчиман: кўпроқ одамлар орасида бўлинглар, халқнинг турмушидан, ҳол-ахволидан хабар олиб туинглар. Айниқса, муҳтоҷларнинг, етимесир, бева-бечораларнинг, эҳтиёжманд оиласаларнинг муаммолари Наврўз ёки Ҳайит кунларидағина эмас, доимий эътиборингизда бўлсин.

Сизларга сиҳат-саломатлик, куч-куvvват тилайман.

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи
сессиясида сўзланган нутқ, 1995 йил 5 май*

ДИЁРИМИЗ ТИНЧ, ОСМОНИМИЗ ДОИМО МУСАФФО БЎЛСИН

1995 йил 8 май куни Тошкентдаги "Туркистан" саройида Ғалабанинг 50 йиллигига бағишиланган тантанали йиғилиш бўлди. Шу куни муҳташам саройга урушнинг оловли йилларида жанггоҳларда ҳамда фронт ортида жасорат ва фидокорлик намуналарини кўрсатган авлод вакиллари, республика Қуролли Кучлари зобитлари, аскар ва курсантлар, пойтахт жамоатчилиги намояндалари, хорижий мамлакатлар элчихоналари вакиллари ташриф буюрди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов табрик нутқи сўзлади.

Аввало, барчангизни улуғ айём - иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 50 йиллиги билан чин қалбимдан муборакбод этаман. Ҳар қайси байрамнинг ўзига хос руҳи, ўзига хос таъсири бўлади. Аммо Ғалаба байрами бизнинг ҳаётимизда алоҳида ўрин тутади. Бу байрам бизга, бизнинг ҳалқимизга катта қувонч ва мамнуният бахш этиш билан бирга, қалбларимизни изтиробга солади.

Бу байрамни нишонлар эканмиз, ер юзини фашизм балосидан озод қилган, ўзларининг фидойилиги билан бугунги ҳаётимизни, бегубор осмонимизни сақлаган оталаримиз, акаларимизнинг жасоратини фаҳр билан эслаймиз, уларга тасаннолар айтамиз.

Бу байрамни нишонлар эканмиз, ватанимизнинг тўрт юз минг фарзанди, жанг майдонларидан қайтмаганларни, шаҳид бўлганларни, умри ҳазон бўлганларни чукур изтироб билан эслаймиз, уларнинг ҳалқимиз юрагидаги ўчмас хотираси олдида бош эгамиз.

Бу байрамни нишонлар эканмиз, кечани-кеча, қундузни-қундуз демай, фронт орқасида меҳнат қилган фидойи юртдошларимизни, "қорахат" юрагини доғлаган ота-оналарни, гулдай умри ҳазон бўлган келинчакларни, ота меҳрига тўймаган етим-есирларни эсламасдан иложимиз йўқ.

Бу байрамни нишонлар эканмиз, ҳар биримизнинг дилимиздаги яралар янгиланади. Чунки, юртимида урушдан жафо чекмаган бирорта хонадон, оила йўқ.

Жанг майдонларида ҳалок бўлган қаҳрамонларнинг руҳи покларини доимо хотирамизда сақлаш, сағимизда хаёт юрган мўътабар фахрийларимизни ҳар томонлама эъзозлаш - барчамизнинг инсоний бурчимиз, қиёмат қарзимиз бўлмоғи керак,- дея таъкидлади Ислом Каримов.

Албатта, ҳаммамиз тушунамиз: бугун давлатимиз, ҳалқимиз қийин ва оғир ўтиш - тикланиш даврини бошидан кечирмоқда. Лекин қандай бўлмасин, ўзининг ҳаётини ватан ҳимоясига сафарбар қилганларнинг бошини силаб, уларнинг кўнглини чўқтирасдан, норози қилмасдан, керак бўлган барча шароит-имтиёзларни яратишга бугун ҳамма имкониятимиз бор. 23 миллионли ҳалқимиз бор, етарли салоҳиятимиз, куч-кувватимиз бор. Нима, урушда қатнашган 100 минг инсонга ва фронтга ёрдам берган 200 минг кишига шароит тугдиришга қурбимиз етмайдими?

Биз яхши биламизки, ватанимизнинг мустақиллигини мустахкамлашда, ёшларимизни миллий ғуур, миллий ифтихор руҳида тарбиялашда, ҳар кунлик ташвишларимизда фахрийларимиз биз учун энг ишончли таянч ва суюнчdir.

Бугунги кунларга етиш учун сиз, азиз қарияларимиз қанча жабру жафо чеккансиз, жасорат ва матонат кўрсатгансиз, шунинг учун ҳам, бугунги куннинг қадрига етадиганлар ҳам сиз - кўпни кўрган кексаларсиз.

Яна бир фикрни қатъий таъкидлаш лозим, деди Президент.- Уруш майдонларида қурбон бўлганларни, ҳаётдан кўз юмганларни - илоҳим, уларнинг арвоҳлари шод бўлсин - ҳаёт тургунча эслаймиз, уларнинг мўътабар хотираси олдида бош эгамиз.

Бугун осмонимиз мусаффо ва беғубор, ҳалқимиз, юртдошларимиз тинчлик, осойишталик вазиятида яшамоқда, хизмат қилмоқда.

Бундай ҳаётга етиш учун сиз, азизларнинг ҳам хиссангиз чексиз. Буни ҳеч ким, ҳеч қаҷон эсидан чиқармаслиги керак.

Тилагим шуки, илоҳим умрингиз узоқ бўлсин, бизнинг

бахтимизга, юртимиз баҳтига бошингиз омон бўлсин, тану жонингиз соғ бўлсин. Диёrimiz тинч, осмонимиз мусафро бўлсин,- деди пировардида Ислом Каримов.

ДАВР ТАҚОЗОСИ

1995 йил 16 май куни Тошкентда республика Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлди. Уни Президент Ислом Каримов бошқарди. Мажлисда вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари, вазирликлар, идоралар, давлат қўмиталари, уюшималар, бирлашмалар, банклар ва йирик корхоналар раҳбарлари иштирок этди. Мажлисда Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Йилнинг биринчи чораги натижаларига баҳо берар эканмиз, ишлаб чиқаришда ривож ҳам, камчилик ва нуқсонлар ҳам борлигини кўрамиз, деди Президент. Шу билан бирга, янги пайдо бўлган масалалар ҳам бор. Буларнинг ҳаммаси табиий, албатта. Олдимизда тўсиқ-гов бўлиб турган ана шу муаммоларни ечиш, иқтисодий, молиявий, тармоқлараро барқарорлик ва мувозанатга эришиш иқтисодий ислоҳотларнинг иккинчи босқичи бошланган бугунги кундаги энг долзарб вазифадир. Шу маънода, бугунги муҳокаманинг асосий моҳияти - олдимизда турган стратегик мақсад ва устувор йўналишларга асосланиб, биринчи ярим йилликнинг энг муҳим вазифаларини тўғри белгилаш ва уларни ҳал этиш тамойил-йўлларини аниқлашдир.

Иқтисоднинг ривожланиб бораётганини, унинг йўналишларини баҳолаш, таҳлил қилиш учун унга қандай кўрсаткичлар, қандай усул ва услублар орқали баҳо беришимиз керак? Биз бозор иқтисодиёти томон кетаётган эканмиз, ўша баҳо берадиган восита - кўрсаткичлар ҳам бозор шароитига мос бўлиши керак, яъни эски услуг ва мезонлар билан бугунги ривожланиш даражасини баҳолаш мутлақо мумкин эмас. Бу борадаги олдинги қон-қонимизга сингиб кетган усул ва услубларни эслайлик. Улар ҳаммангизга яхши маълум. Асосий, мақтовга муносиб кўрсаткич - бу ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари бўлиб, унга қандай йўл билан эришилади, қандай маҳсулот, унинг сифати, истеъмолчиларга керакми, йўқми - бундан

қатъи назар, ишлаб чиқаришда ўсиш суръатларини таъминлаб бердингизми, бўлди - олам гулистон эди. Саноат, қурилиш, савдо, хизмат қўрсатиш - хуллас, барча соҳаларда шундай ёндашиш одат эди.

Бугун бундай ёндашув ва услублар тўғри келмайди. Шу ўринда бир мисол келтирайлик. "Ўзданмаҳсулот" давлат-акционерлик корпорацияси саноат ишлаб чиқариш ҳажмини ўтган йилга нисбатан 52,5 фоиз камайтириб юборганлигини олиб кўрайлик. Буни қандай натижа деб тушуниш керак - салбийми ёки ижобийми?

Эскича йўл тутиладиган бўлса, биз корпорация раҳбарларини жавобгарликка чақиришимиз керак бўлур эди. Бугунги қун нуқтаи назаридан қаралганда эса, бу ҳол ахолининг истеъмол таркибини такомиллаштиришдан, бевосита нонни тежашдан, унинг бошқа мақсадларда фойдаланилиши кескин қисқартирилишидан далолат беради. Масалан, бизда 1991 йили жон бошига 170 килограмм нон истеъмол қилинган бўлса, ҳозир бу қўрсаткич 118 килограммга тушди. Бу ҳалқимиз дастурхонида нондан ташқари гўшт, сут, тухум каби озиқ-овқат маҳсулотлари тури ва миқдори кўпайиши натижасидир.

Бундан ташқари, ҳозирдаёқ ўзининг паст сифатлари ва нархининг юқорилиги туфайли харидоргир бўлмаган, бозори касодга учраётган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни янада кўпайтираверишнинг мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисида чукур ўйлаб кўриш керак.

Мисол учун кранларни олиб кўрайлик. Тўрт ой ичida уларни ишлаб чиқариш ўтган йилга нисбатан 20 фоизни ташкил қилибди, ёки пардозловчи керамик кошинлар 46,8 процент, линолуем 34,5 процент, пойабзал 26,1 процент, электр дазмоллар 21,6 ва бошқа жуда кўп ишлаб чиқариш ҳамда истеъмол моллари шулар жумласидандир. Хўш, бу яхшими, ёмонми? Бундай камайиш хисобига талабга мос маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, буни ижобий ўзгариш деб билиш керак.

Ҳозир чет элдан келтирилган юқори сифатли ва бирмунча арzonроқ ғоят хилма-хил ҳалқ истеъмол моллари савдода пайдо бўлиб қолди. Маҳсулот ишлаб чиқарувчиларимизнинг кўпчилиги, ҳатто

ички бозорда ҳам рақобатта ноқобил бўлиб қолғанликлари тасодифий эмас.

"Ўзбекенгилсаноат" уюшмасида 1 апрелга қадар маҳсулотнинг меъёридан ортиқча захиралари 683 миллион сўмликни ташкил қилди ёки 1-чорақда ишлаб чиқарилган жами саноат маҳсулотининг 14 фоизидан ошиб кетди. "Маҳаллий саноат" корпорацияси бўйича 327 миллион сўмлик бўлди ва уч ойнинг ўзидағина 105 миллион сўмлик ошиди.

Ушбу тармоқларнинг кўп корхоналари хусусийлаштирилиб бўлинган. Шу сабабли энди миқдорий ҳажм кўрсаткичлари эмас, балки улар аҳволининг молиявий натижалари шу корхоналар фаолиятининг мезони бўлиб қолмоғи лозим.

Иқтисодий ислоҳотларнинг боришига, айниқса, мулкни хусусийлаштириш ва иқтисодиётнинг нодавлат тармоқларини ривожлантиришга баҳо беришда ҳам мутлақо бошқача мезонлар қўлланилиши керак. Биз режа - план тушунчасидан аллақачон халос бўлганмиз. Эндиликда ҳукумат ҳеч кимга план топшириқларини ёки шунга ўхшашиб миқдорий чегараларни белгилаб қўяётгани йўқ.

Шу билан бирга биз амалда одамни ҳайратга соладиган холга дуч келаяпмиз - фалонча обьектни хусусийлаштириш, фалонча кичик ва хусусий корхонани барпо этиш режалаштирилган, амалда эса кўп карра ортиғи билан бажарилган эмиш.

Нодавлат тармоғининг қарор топиши, иқтисодиётнинг кўп тармоқлилиги мулкчиликнинг нодавлат шаклидаги қанча корхона ва обьект расман мавжудлиги билан эмас, балки улар қанчалик муваффақиятли ишлаши, иқтисодиётни ривожлантиришга қандай ҳисса қўшиши, давлат корхоналарига нисбатан самарадорлиги қандайлиги, ана шу корхоналар мулк эгасининг ўзига ва уларда ишлаётган ходимларга ҳақиқатда нима бериши билан белгиланади.

Биз бугун жуда катта харажатлар қилиб маҳсулот ишлаб чиқаряпмиз. У керакми, керак бўлса қанча миқдор-да керак, унинг сифати қандай бўлиши даркор, харидори борми, йўқми - ана шу талабларни ўрганмай туриб маҳсулот ишлаб чиқаришимиз кўр-кўрона иш тутиш билан баробардир.

Бугунги фаолиятимизга, ишимизга шу нуқтаи назардан баҳо

берадиган бўлсак, бундай талабларга жавоб бермайдиган ҳолни кўриш мумкин. Ҳолбуки, корхоналар, концернлар, ассоциациялар, тармоқлар, қолаверса, бутун регионларнинг истиқболли ривожланиши маркетинг - талабни ўрганишга боғлиқ. Лекин, очишини айтганда, республикада бу борада етарли даражада иш олиб борилмаяпти.

Табиий савол туғилади: бугун республиканинг қайси ассоциацияси, концерни, бирлашмаси келажакни олдиндан кўра билиб, талабни харид имкониятларини чуқур ўрганиб маҳсулот ишлаб чиқаряпти? Афсуски, бу саволга ижобий жавоб йўқ.

Ўзбекистонни иқтисодий ривожлантириш стратегияси ҳақида гап борганда, бу стратегия биринчи навбатда давлатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, ҳалқнинг турмуш шароитини яхшилаш манфаатларидан келиб чиқиши керак, дея таъкидлади Ислом Каримов. Шу жиҳатдан, иқтисодий стратегик мақсадларга эришишнинг асоси, аввало, тармоқ ва регионларнинг муҳим ишлаб чиқаришлар бўйича ривожланиши билан боғлиқдир.

Шуни алоҳида қайд этишни истардимки, йилнинг биринчи чораги якунлари замирида ғоят чуқур мазмун бор. Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида таъкидланганидек, демократик қайта ўзгартиришлар ва иқтисодий ислоҳотларнинг биринчи босқичи тугалланди ва биз ўз тараққиётимизнинг, янгиланиш ва ривожланиш йўлидаги ҳаракатимизнинг сифат жиҳатидан янги босқичига дадил қадам кўйдик. Бошқача айтганда, моҳияти жиҳатидан янги марраларни белгилаб олдик.

Олдимиизга республикамиз учун, Ўзбекистон ҳалқи учун янада мураккаброқ ва истиқболимизни ҳал қилувчи мақсад ва вазифаларни кўйдик. Уларни муваффакиятли ҳал этиш Ўзбекистоннинг чинакам сиёсий ва иқтисодий мустақиллигига эришишга, республикани XXI аср бошидаёқ иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатлар қаторига чиқаришга қаратилгандир.

Бунинг учун бизда барча зарур шарт-шароитлар мавжуд. Ўтган йилларда яхши замин яратилди. Эндиликда биз олға томон дадил одимлашимиз зарур. Мулкчиликка нисбатан муносабатни ўзгартириш, янги бозор муносабатларини шакллантириш борасидаги,

шунингдек, иқтисодий салоҳиятни мустаҳкамлаш, иқтисодиётни барқарор ва изчил ривожлантириш борасидаги кечиктириб бўлмайдиган муаммоларни ҳал этишга астойдил киришишимиз керак.

Ташаббускорлик ва тадбиркорликни кўпроқ намоён қилиш зарур. Масъулиятдан қўрқмаслик керак. Бошқарувнинг барча босқичларида зарур қарорларни мустақил равишда, тезкорлик билан қабул қилиш лозим. Кўпроқ иқтисодий эркинлик, кўпроқ мустақиллик, кўпроқ тадбиркорлик - мана шулар барча ишларимизнинг асоси бўлиши зарур.

Лекин бу борадаги биринчи ва асосий камчилик иқтисодий ислоҳотларнинг етарли даражада амалга оширилмаётгани, энг муҳими, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусий мулкчиликка, тадбиркорликка кенг йўл очиб беришда сусткашлик, лоқайдлик, оқсоқликка йўл кўйилаётгани аён бўлади.

Барча бўғиндаги раҳбарлар, айниқса, корхона раҳбарлари, бу масалага жиддий қарашлари лозим. Бу соҳадаги ечилмаган муаммоларнинг асосий қисми ҳокимликлар, тижорат банклари ва бир неча вазирликлар ва уларнинг ўрта бўғинларида чигаллашмоқда.

Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнининг Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида айтилган муҳим жиҳатига яна бир бор эътиборингизни жалб қилмоқчиман. Хусусийлаштириш, мулкдорлар сонини иложи борича кўпайтириш - мамлакатимизнинг, давлатимизнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш, ҳар бир фуқаро даромадини, ҳаёт даражасини ошириш билан боғлиқ жуда муҳим омилдир. Қолаверса, мулк ҳақиқий эгасини топсагина, турли талон-торожларга, пулини олмай туриб маҳсулот жўнатиш каби салбий ҳолларга чек кўйилади.

Қимматли қоғозлар бозорини шакллантириш ҳам етарли даражада эмас. Молия вазирлиги, Давлат мулк қўмитаси - бу иш мутасаддилари ўз фаолиятларини жадаллаштиришлари лозим.

Ўзингиз ўйланг, республикада ташкил этилган З мингдан зиёд акционерлик жамиятидан факат 15 фоизи акция чиқарган бўлса, йилнинг биринчи чорагида Қорақалпоғистон Республикасида акционерлик жамиятиянинг бирорта ҳам акцияси сотилмаган бўлса, Хоразм, Жиззах Навоий, Сирдарё ва Фарғона вилоятларида атиги

битта-иккита акционерлик жамиятининг акцияси сотилган бўлса, унда, қандай қимматли қофозлар бозори тўғрисида сўз юритиш мумкин?!

Аҳолининг ерга бўлган доимий қизиқишига қарамай, ҳокимликлар ер бозорини ривожлантиришга етарли эътибор бермаяпти. Бу умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи билан сотиладиган ер майдонларига ҳам, ер майдонлари билан биргаликда сотиладиган савдо ҳамда хизмат кўрсатиш обьектларига ҳам тегишлидир.

Масалан, жорий йилнинг биринчи чорагида мамлакат бўйича ҳаммаси бўлиб 684 гектар ер майдони, шу жумладан, савдо ва хизмат кўрсатиш обьектлари жойлашган 152 гектар ер майдони сотилган. Хоразм, Самарқанд, Тошкент вилоятларида ва Тошкент шаҳрида бундай майдонлар ҳаммаси бўлиб битта ёки иккитани, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида эса атиги биттани ташкил этади.

"Ўзултуржисавдо" деган ташкилотимиз бор. У ўзининг биринчи галдаги вазифаси - тадбиркорлар ўз маҳсулотларини сотишлари, зарур материалларни харид қилишлари мумкин бўлган ярмаркаларни ташкил этишга ва ўтказишга етарли эътибор бермаяпти.

Шу йилнинг биринчи чорагида Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Сирдарё ва Хоразм вилоятларида бирорта ҳам ярмарка ўтказилгани йўқ. Буни қандай баҳолаш керак?

Жойларда майда улгуржи савдо дўконлари расмият учунгина ташкил қилинганини, улар товар, маҳсулот ишлаб чиқарувчилардан анча узоқда жойлашганини, тегишли техника, асбоб-ускуналар билан жиҳозланмаганини кўриш мумкин.

Бугун иқтисод, ишлаб чиқаришга энг катта тўсиқ бўлиб турган яна бир масала ишлаб чиқарувчи ва истеъмол қилувчи корхоналар ўртасидаги ҳисоб-китобларнинг вақтида амалга ошмаётганидир, деди Президент. Шундай раҳбарлар борки, ўз истеъмолчиларининг молиявий ахволини суриштирмай, уларга ишлаб чиқарилган маҳсулотларини етказиб туришибди. Ваҳоланки, мижозларининг "чўнтағида" бир тийин ҳам йўқ. Оқибатда бундай корхона раҳбарлари истеъмолчиларидан тегишли пулни ундира олмай, меҳнат ҳақини тўлашимиз керак, деб ҳукуматга пул сўраб мурожаат қиласди.

Шунинг учун ҳам "Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида

ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида" Президент Фармони чиқди. Унда истеъмолчиларнинг молиявий аҳволини инобатга олмай, пухта ҳисоб-китоб қилмай туриб, уларга маҳсулот етказиши давом эттираётган корхона раҳбарларига нисбатан қаттиқ жавобгарлик чораларини қўллаш кўзда тутилган. Бу борада республика Прокуратураси, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банк, тижорат банклари ҳамда корхона раҳбарлари тегишли хуросаларни чиқаришлари керак.

Шу билан бирга, баъзи бир тижорат банкларидағи қўли эгри кимсалар ўз ҳамёнларини ўйлаб, корхоналарнинг маблағларини бошқа мақсадларга ишлатиб юрибди. Оқибатда бу корхоналар "айбсиз айбдор" бўлиб қолмоқда. Бундай ҳолатлар билан ҳам шафқатсиз курашмоғимиз лозим. Марказий банк бу масалага юзаки қараб келяпти. Бу масалада назоратни кучайтириш зарур. Керак бўлса, бундай тижорат банкларини ва уларнинг бўлимларини ёпиш, раҳбарларини эса жавобгарликка тортиш лозим.

Яна бир муҳим масала шундан иборатки, нақд пул ва кредитлар қўшимча эмиссиясига кескин чек қўйиш керак. Ҳозир Марказий банк бу масалада қатъий йўл тутмоқда. Биз буни қўллаб-қувватлаймиз.

Ҳар бир вилоят, шаҳар ва туман раҳбарлари ўз ишларини шундай ташкил қилишлари керакки, токи нақд пул ҳисобида берилаётган иш ҳақи, нафака ва бошқа даромадлар аҳолининг харид қилиш қувватини ошириш, хилма-хил хизмат кўрсатиш ташкилотларини кўпайтириш орқали банкларга қайтиб келиши лозим. Бунинг учун эса вилоят, шаҳар ва туманларда катта ишларни амалга ошириш керак. Аввало, аҳоли олаётган даромадларнинг ички бозор товар ресурслари билан мувозанатини таъминлаш, қўшимча мол-мулк келишига кенг йўл очиш керак. Хуллас, юқоридан қўшимча пул ёки товар беришади, деган кайфиятдан воз кечиш лозим.

Пул қадрсизланмаслиги учун бир қоида доимо эсимизда бўлиши керак. Яъни ҳар қандай маош, нафака кўпайшидан олдин, бозоримиздаги мол ҳам шу даражада, балким ундан ҳам тезроқ кўпайиши шарт. Бу қоидага ҳаммамиз риоя қилишимиз зарур. Бу - умумиқтисодиёт қонуни. Мутахассислар ҳисоб-китобига қараганда,

агар қўшимча маҳсулот бозорга етказилмасдан нақд пул миқдори 1 фоизга кўпайса - нархлар миқдори 1,2-1,4 фоизгача ошиб кетади.

Агар бу йўлни танласақ, Ўзбекистонда нафақат инфляцияга, яъни нарх ошишига, балки гиперинфляцияга, бошқача тил билан айтганда, оқибатда ҳеч қандай жиловланмайдиган оғатга, нарх ошиб кетишига олиб келади. Бу эса, гирдобга ўхшаган даҳшатли нарса - тушгандан кейин чиқиб кетишнинг иложи йўқ, десак ҳам бўлади. Унинг оқибати, яна такрорлайман, табиий оғатга тенгдир.

Ички бозоримизни маҳсулотлар билан тўлдириш ва экспорт имкониятларимизни кўпайтириш - устувор йўналишлардан биридир. Лекин, кимки фан-техника ютуқларини қўлламай, ортиқча харажатларни камайтиrmай, фақат маҳсулотлари нархини ошириш йўли билан яхши натижага эришаман деса - жуда катта хато қилган бўлади.

Хозирнинг ўзидаёқ айрим саноат маҳсулотларининг нархи дунё бозори нархидан ошиб кетди. Шу сабабли, бу маҳсулотлар на ички бозорда, на ташқи бозорда сотилмай қолиб кетяпти. Демак, бозор муносабати қонунлари амалда ўз таъсирини кўрсата бошлади. Бу гап, авваламбор, енгил ва маҳаллий саноат корхоналари раҳбарларига тегишли. Эртага бундай ҳолат, бундай вазият бошқа корхона ва тармоқларга ҳам етиб боришини кутишимиз мумкин.

Ишлаб чиқариш учун кетаётган харажатлар, шу жумладан, хом ашё ва ёқилғи нархи кўпайиб кетди, деймиз. Тўғри. Лекин бир мисол келтиримоқчиман. Масалан, муайян маҳсулотни ишлаб чиқаришга АҚШ саноатида кетган харажатларни солиштиrsақ, ёқилғи ва электр энергияси Россияда 3 баробар, Ўзбекистонда эса 3,5 баробар кўп сарф қилинишини кўрамиз. Бунга изоҳнинг ҳожати бўлмаса керак.

Бу борада ҳамма корхона ва идора раҳбарларини огоҳлантиримоқчиман. Ҳаммага маълумки, биз ёқилғи-энергия манбалари нархини уч йилдан бери жиловлаб келяпмиз. Бунга бюджетдан катта маблағ сарф бўляпти. Лекин корхона раҳбарлари билиб қўйиши керак, бунинг ҳам чеки бор. Эртага ёқилғи энергия манбаларининг нархи эркинлашса, кейин нимани баҳона қиласиз?

Ортиқча харажатларни ва шунинг ҳисобига ишлаб чиқариш таннархини камайтириш борасида чора-тадбирлар кўриш ўрнига,

айрим раҳбарлар ҳанузгача солиқдан озод қилиш ҳақидағи илтимослар билан тинимсиз мурожаат қилиб юришибди. Айтиб кўйишимиз керак: бу - бефойда ҳаракатдир.

Албатта, ҳаражатларни кескин камайтириш, тежамкорлик асосида маҳсулот сифати ва сонини яхшилаш учун корхоналарни янги техника ва технологиялар билан жиҳозлаш керак. Бунга маблағ топиш керак. Лекин, энг муҳими, хўжалик ва корхона раҳбарлари бу муаммо устида эртага эмас, бугун бош қотиришлари лозим.

Барчамизга маълумки, бугунги кунда Ўзбекистоннинг ислоҳотлар соҳасида олиб бораётган сиёсатини дунёнинг нуфузли молия ташкилотлари, жумладан, Халқаро валюта фонди кенг қўллаб-кувватламоқда. Бундай имкониятлардан оқилона фойдаланмасак, катта хато қилган бўламиз.

Бу ерда гап фақат ишлаб чиқариш эмас, балки ҳамма соҳалар хусусида боряпти. Бизда, мисол учун халқаро туризмни ривожлантириш учун бекиёс имкониятлар бор. Халқаро ташкилотлар бунга жуда катта қизиқиши билдирамоқда.Faқат биз бу имкониятларни тўла ишлатишимиз керак, акс ҳолда, имкониятлар самарасиз қолаверади.

Шунинг учун барча бўғин раҳбарлари олдида катта масала турибди. Ватанимизнинг, халқимизнинг манфаатини кўзлаб, чет эллик шериклар билан оқилона ва teng иш олиб бориш керак. Бу масалада ҳали кўп нарсаларни ўрганишимиз лозим. Яна таъкидлайман, қайси ташкилот, корхона хорижий шериклар билан алоқа тузмаса, ишни самарали ташкил қилмаса, бундай корхонанинг келажаги йўқ.

Ўзбекистон иқтисодининг асосий омили ва манбаи - қишлоқ хўжалигимизнинг ривожи ва самарасидир, деди Ислом Каримов.

Бугунги кунда энг муҳим, энг долзарб масала - бошоқли дон ҳосилини нобуд қилмасдан йиғишириб олиш, Ўзбекистонимизнинг дон-нон таъминотида мустақилликка эришишдир. Шундай уюшқоқлик билан меҳнат қилсақ, мен бугун шу нарсани комил ишонч ва мамнунлик билан айта оламанки, насиб этса, 1996 йилда мамлакатимиз ғалла бўйича ўзини тўлиқ таъминлай олади. Бу нима дегани? Бу - ана шу маҳсулотларни сотиб олиш учун сарфланаётган

пахта, олтин әвазига келаётган маблағларни янги технология, жихозлар сотиб олишга, бошқа устувор мақсадларга сарфлаш мүмкін бўлади, деганидир. Ҳозир четдан келтирилаётган бир тонна ғалла, йўл харажатлари билан қўшиб ҳисоблагандага 190 долларга тушмоқда. Бу йил 1 миллион 400 минг тоннадан зиёдроқ бошоқли дон етиширишимиз керак. Бу мақсадимизга эришсак, ўзимизнинг арzon ва беминнат нонимиз бўлади. Мамлакатда чорва ривожи учун қулай имконият туғилади, ўз навбатида сут ва гўшт ҳам қўпаяди. Шу маънода, 1995 йилнинг биринчи ярмини муваффақиятли якунлаш мухим аҳамиятга эга. Чунки ана шу ярим йиллик, унинг ижобий натижалари келгуси 2-3 йил учун мустаҳкам замин бўлиб хизмат қиласди.

Барча режаларимизни тўла амалга оширсак, омадимизни берса, 1996 йилда нефть маҳсулотларини четдан олиб келишга ҳам чек қўямиз. Негаки, нефть ва нефть маҳсулотлари ишлаб чиқариш 3,5 баробар қўпайганини эслаб ўтсак ва бундан фахрлансан арзиди. Демак, бу - аниқ режа, бугунги иш суръати шу нарсани яққол исботлаб турибди.

1996 йилда яна икки кўрсаткич - сут ва гўшт маҳсулотларини давлат йўли билан ва давлат маблағи ҳисобига олиб келишга зарурат бўлмайди. Бу ҳам - иқтисодий мустақилликнинг яна бир белгиси.

Умид қиласманки, бундай ютуқлар қўпайиб бораверади ва биз албатта ўз муродимизга - ҳалқимиз учун муносиб турмуш яратишга эришамиз, деди Президент пировардида. Бу йўлда биздан талаб этиладиган нарса - сидқидилдан, яхши ният билан, ҳалол меҳнат қилишдир.

ДҮСТЛИГИМИЗ ҚУЁШИ МИНГ ЙИЛЛИКЛАР ҚАЪРИДАН НУР СОЧАДИ

Ассалому алайкум, қадрли қозоқ туғишилар!

Азиз дўстлар!

Муҳтарам дўстим Нурсултон Абишевич!

Бугун биз, Ўзбекистон вакиллари, Сиз қозоқ биродарларимизнинг очик чеҳраларингизни қўришдан, Сизларга ўзбек халқининг самимий саломларини етказишдан ғоят мамнуун эканимизни изҳор этишга ижозат бергайсизлар.

Биз, Ўзбекистондан келган дўстларингиз ўзимизни қўноқ сифатида эмас, балки ўзимизга энг яқин ва энг қадрдон, кўнглимиз ҳам, ўйимиз ҳам, нияту мақсадларимиз ҳам бир оиласда, деб ҳис этмоқдамиз.

Азиз қозоқ қардошлар!

Азиз Нурсултон Абишевич!

Энг аввало бу ажойиб ва ўхшаши йўқ диёр - биз, барча ўзбеклар учун яқин бўлган Қозоғистонга ташриф буюриш имконини яратганингиз, Сизнинг Ўзбекистон шаънига, унинг халқи шаънига айтган самимий дил сўзларингиз учун миннатдорчилик билдиришни истар эдим.

Дўстим Нурсултон Абишевич ва бутун қозоқ халқини яқинда ўтказилган умумхалқ Референдуми натижалари билан, халқнинг юксак ишончи, Президент ваколатлари муддатининг 2000 йилга қадар узайтирилгани билан муборакбод қилиш менга улкан мамнунийт баҳш этади.

Биз Референдум натижаларини кўп миллионли халқингизнинг Қозоғистоннинг ички ва ташқи сиёсати, изчиллик билан ўтказилаётган янгиланишлар ва ислоҳотлар сиёсати, кўп миллатли халқ ва унинг келажаги манфаати йўлида ўтказилаётган сиёсатга юксак ишончининг намоён бўлиши, деб биламиз.

Хурматли дўстлар!

Бизга Аллоҳнинг ўзи қўшни бўлиб яшащдек улкан неъматни хадя этган. Бизнинг халқимизда "ховли олма, қўшни ол" деган мақол бор.

Биз азалдан буюк Турон - Туркистон деган ерда яшаймиз, бизга битта Қуёш нур сочади, бир булоқ ва бир дарёдан сув ичамиз. Оғир пайтда қўшни қўшнига ёрдам берган, ундан ҳол сўраган, бир-биридан нонини, ширин сўзини аямаган.

Бизнинг илдизларимиз муштаракдир. Буюк боболаримиз Ал-Беруний ва Ал-Форобий, Ибн Сино ва Улуғбек, Баҳовуддин Нақшбанд ва Навоий, Бобур ва Абай, Абдулла Қодирий ва Мухтор Аvezovнинг, бутун инсоният фаҳрланиб тилга оладиган кўплаб бошка аждодларимизнинг юлдузлари асрлар оша бизга нур сочиб келди ва ҳозир ҳам нур сочмоқда.

Ҳар биримиз Хожа Аҳмад Яссавий номини тилга олар эканмиз, алоҳида ғурурни ҳис этамиз. Унинг фаолияти донолик ва адолат мезони бўлиб, Туркистондаги барча халқларни бирлаштириб, жипслаштириб турибди.

Дастлабки учрашувлардан бирини ана шу муқаддас жой - Хожа Аҳмад Яссавий мақбараси ёнида ўтказишга қарор қилганимиз ва шу ерда дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани ўз имзоимиз билан тасдиқлаганимиз тасодиф эмас. Буни Сиз ҳам, Нурсултон Абишевич, ҳакли равища таъкидлаб ўтдингиз.

Ҳанузгача ёдимда: қадимги Яssi, ҳозирги Туркистон шахри ҳамда унинг яқин атрофидаги овуллар ва қишлоқлар аҳолиси, қозоқлар ва ўзбеклар мақбара олдидаги майдонга тўпланишиди.

Халқнинг ўзи бизнинг шартномамизни, халқларимизнинг қардошлиқ алоқаларини мустаҳкамлаш тўғрисида Нурсултон Назарбоев билан қабул қилган қасамёдимизни маъқуллади. Ўшанда менинг назаримда биз имзолаган шартномани факат халқ эмас, буюк аждодимиз Хожа Аҳмад Яссавий ҳам маъкуллагандек эди.

Азиз дўстлар!

Биз, қозоқлар, кирғизлар, туркманлар, тоҷиклар ва ўзбеклар, шу гўзал диёrimизда яшаётган барча кўп сонли миллатлар ва элатлар, тақдир тақозоси билан аҳил бўлиб яшашга, дўст бўлиб яшашга, хонадонимизни, фарзандларимизни урушлардан, келишмовчиликлар

ва бир-бирига қарама-қарши туришдан асраш учун, миннатдор авлодлар бизнинг шаънимизга, хозирги қийин шароитда муштарак истиқболимиз биносининг пойдеворини барпо этаётган кишилар шаънига яхши сўзлар айтиши учун ўзимизга боғлиқ ҳамма ишни қилишга маҳкум этилганмиз.

Марказий Осиё ҳалқларини буюк мақсадлар йўлида, келажак йўлида бирлаштиришни бошлаб беришда дўстим Нурсултон Назарбоев билан муносабатларимиз яхши пойдевор, метиндеқ мустаҳкамлайдиган бўғин эканини чин дилдан эътироф этаман. Чунки, шу минтақадаги давлатлар ва ҳалқларни бирлаштириш тўғрисидаги кўп ғоялар Нурсултон Назарбоевдан чиққан.

Азиз қозок дўстлар!

Ўзбекистонда шу кунларда Абай Қунанбоевнинг 150 йиллик юбилейига катта тайёргарлик кетмоқда.

Буюк Абай ўзбек биродарлари тўғрисида бундай деган эди: "Ўзбеклар етиштирмайдиган ва мўл ҳосил олмайдиган экиннинг ўзи йўқ, ер юзида ўзбек савдогарларининг оёғи етмаган жой йўқ, ўзбеклар уддалай олмайдиган ишнинг ўзи йўқ<193> Ўткир зеҳн, маҳорат, абжирлик ва тадбиркорлик - буларнинг ҳаммаси ўзбекларга хос хусусиятдир. Вазминлик ва хушмуомалалик ҳам шуларда<193>"

Айтинг-чи, азиз дўстлар, биз ўзбеклар шундай сўзларни айтган буюк Абайни севмаслигимиз мумкинми, ахир!

Ўзбек ҳалқи орасида Абайнинг катта шухрат қозонгани ҳам шундан. Бу шухратнинг яна бир сабаби - қозоқ ҳалқининг бошқа бир фарзанди Мухтор Авезовнинг асари, унинг "Абай" романидир. Бу асарни ҳар қандай маърифатли кишининг уйидан топиш мумкин.

Мухтор Авезовнинг ўзи далолат берилича, у буюк Абдулла Қодирийни устоз деб билган. Бу эса, кўп нарсанинг, аввало ҳалқларимиз маънавий мероси узвий ва муштарак эканининг далилидир.

Бу - ажойиб ўзбек шоири Faфур Fулом, дўстлигимиз қуёши минг йиллар оша нур сочмоқда, деганида нақадар ҳақ бўлганини кўрсатади.

Бизнинг биродарлигимиз тарих синовидан ўтган, аждодларимиз умумий душман хужумини биргаликда даф этишганида, уларнинг

қони билан йўғрилган.

Ўзбекларнинг ўғлонлари хам ҳозирги Қозоғистон диёрини босқинчилардан ҳимоя қилиб, қозоқлар билан ёнма-ён урушганини биламиш.

Мана шу имкониятдан фойдаланиб, факат ўзимнинг эмас, бутун ҳалқимизнинг фикрини айтмоқчиман: Ҳозирги кунда Қозоғистоннинг мустақиллиги ва барқарорлиги - Ўзбекистоннинг ҳам мустақиллиги ва барқарорлигидир. Ўзбекистон мустақиллиги ва барқарорлиги Қозоғистон учун ҳам шундай эканига ишонаман.

Қозоқ ҳалқининг ўша йиллардаги тарихи саҳифалари жуда ғамгин саҳифалардир. Бутун-бутун қабилалар ўз жойини ташлаб кетган. Уларнинг кўплари биродарлари - ўзбеклар ютидан бошпана топган. Уларнинг авлодлари - бир миллиондан ортиқ киши ҳозир ҳам биз билан яшамоқда ва меҳнат қилмоқда.

Қозоқ уруғлари ўша оғир йиллардан ўзлари учун тарқалиб кетмаслик, бирлашиш, бир бутун ҳалқ бўлиш керак, деган буюк сабоқ чиқарганлар, бу сабоқни биз ўзбеклар ҳам бутун узоқ ва қийин тарихимизда бошдан кечирганмиз.

Хорижий босқинчиларга қарши курашда қозоқ ҳалқини бирлаштиришга муваффақ бўлган уч буюк бий - Тўлабий, Қозоқбекбий, Ойтекебийнинг номлари чиндан ҳам мардлик ва жасорат, ўз ҳалқига, ўз диёрига чексиз садоқат рамзи бўлиб қолган.

Сиз қозоқ биродарлар Қарлиғашбий ҳам деб атайдиган Тўлабий, чиндан ҳам узоқни кўра била оладиган инсон, ўзбек диёрига кўчиб ўтган қозоқларни ўзбеклар билан тинчлик ва дўстликда яшашга, ўзбекларнинг қонунларига риоя қилишга даъват этган эди.

Тўлабийнинг сўнгги хоҳишига қаранг: у ўзини Тошкентдаги муқаддас Шайхонтоҳур мозорига дафн этишни васият қилган, шу тариқа бизнинг пойтахтимизни ўзбеклар учун ҳам, қозоқ биродарларимиз учун ҳам зиёратгоҳга айлантирган.

Хурматли дўстлар!

Азиз Нурсултон Абишевич!

Ҳалқларимиз мустақилликка эришиб, демократик жамият қуриш йўлидан дадил қадам ташлаётган пайтда қозоқ ҳалқининг яна бир ажойиб фарзандининг номини эслаш бизнинг муқаддас бурчимиздир.

Мен Туарар Рисқулов ва унинг сафдошлари тўғрисида гапирияпман.

У Туркистон ўлкасидағи барча республикаларнинг халқлари бирлашиши ва биродарлигининг қизғин тарафдори ва жарчиси эди. Туарар Рисқулов ўша даврдаги ҳукмрон мағкурага қарамай, ҳозир биз ёқлаётган ғоя учун мардана курашди, бутун вужуди билан курашди. Ўз ҳаётини шу ғоя учун қурбон қилди.

Ажойиб аждодларимизнинг барча халқларнинг бирлик ва биродарлиги учун зўр бериб курашгани, фидокорлиги ва қадимги ўлқадаги бутун халқ қўллаб-қувватлашига интилиши ҳозирги кунда муштарак мулкимизга айланди ва аниқ ишларимизда рўёбга чиқмоқда.

Олис ва яқин тарихимизда эслашга арзийдиган воқеалар жуда кўп. Бу тарихда фақат бир нарса - душманлик йўқ, чунки, биз икки абадий тушунча, қозоқлар айтгандек, "ўзбек - ўз оғам" бўлса, ўзбеклар айтгандек, "қозоқ йўлдошинг бўлса, йўлдан адашмайсан" деган тушунчага мукаддас қонун каби амал қилиб келганмиз.

Тошкент кўчаларида даҳшатли зилзила пайтида ёрдамга келган қозоқ бинокорлари қурган уйлар қад кўтариб турибди.

Ҳозирги кунда мамлакатларимиз, халқларимиз ўртасидаги ўзаро муносабатлар сифат жиҳатидан янги босқичга қўтарилимоқда. Улкан бойликларга эга бўлган икки мустақил давлат сиёсий, иқтисодий, маънавий ва инсоний салоҳиятларини тағин ҳам жипсрөқ бирлаштириш йўлидан бормоқда.

Бунга бизни фақат жўғрофий яқинликкина эмас, тарихий, этник, тил, маданият, диний муштаракликкина эмас, шу билан бирга фақат биргалашиб, мустаҳкам ҳамкорликда ҳал қилиш мумкин бўлган умумий иқтисодий, ижтимоий-экологик муаммоларнинг қўплиги ҳам унданмоқда.

1993 йилнинг июль ойида Қозогистон билан Ўзбекистон ўртасида 1994-2000 йилларда иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги битим имзоланди. 1994 йилнинг январида ягона иқтисодий худудни барпо этиш тўғрисидаги шартнома имзоланди (апрель ойида мазкур шартномага Қирғизистон Республикаси қўшилди).

Ижроия қўмита тузилди, Марказий Осиё Ҳамкорлик ва тараққиёт банки таъсис этилди. Ана шу органларнинг иши натижасида Бишкекда Республикалар Бош вазирлари кенгаши қарори имзоланди. Унда томонлар 2000 йилга қадар республикаларни иқтисодий жихатдан бир-бирига яқинлаштиришнинг йўналишларини, шартномада иштирок этувчи давлатлар халқ хўжалиги мажмуаларини ривожлантиришнинг устуворлигини ҳисобга олиб, биринчи навбатда амалга ошириладиган сармоя сарфлаш ва объектларни барпо этиш лойиҳаларини аниқладилар.

Илм-фан соҳасидаги ҳамкорлик ҳам кенгайиб бормоқда. Хусусан, ҳозирги пайтда илм-фан ва технологияларнинг 16 та устувор йўналиши бўйича 107 лойиҳадан иборат қўшма илмий-техника дастури тайёрланган ва кўриб чиқилмоқда. Бу лойиҳаларнинг айримлари бўйича биргаликда иш бошлаб юборилди.

Ўтган йили Ўзбекистон Республикасида Қозоғистон Республикаси кунларини ўтказиш чоғида янги технологиялар бўйича Ўзбекистон - Қозоғистон марказини барпо этиш тўғрисида аҳдлашувга эришилган эди. Шу кунларда биз марказнинг таъсис хужжатларини имзолашни режалаштиряпмиз.

Тенглик асосида ахборот ва таҳририят материаллари алмаштирилди, базалар ва маълумот банкларини айрибош қилиш тўғрисидаги таклифлар тайёрланди. 1995-1996 йилларга мўлжалланган битим лойиҳаси ҳам тайёр. Бу битим чинакам ягона илмий-техникавий ахборот худудини вужудга келтиришга имкон беради.

Патентга доир маълумотларни айирбош қилиш тўғрисида Қозоғистон Республикаси Миллий патент маҳкамаси билан Ўзбекистон Республикаси Давлат патент маҳкамаси ўртасида икки томонлама битим тузилди.

Халқ хўжалигининг барча соҳаларида ҳамкорлик қилиш бўйича бошқа лойиҳалар ҳам бор. Биз интеграция йўналишини белгилаб олдик. Бу халқларимиз фаровонлиги, республикаларимиз иқтисодий салоҳиятининг юксалишига кучли туртқи бўлишига, ҳар бир давлатда ва бутун бир минтақада иқтисодий вазиятнинг соғломлашишига қўмак беришига ишончим комил.

Республикаларимиз ўртасидаги маданий алоқалар ҳам анъянавийдир. Чўқон Валихонов, Абай, Жамбул, Мухтор Авезов, Собит Муқонов, Анвар Олимжонов, Ўлжас Сулаймонов - уларнинг ўзбек ва қорақалпоқ тилларига таржима қилинган асарлари кутубхоналаримизда ўзбек ёзувчилари асарлари билан доимо ёнма-ён туради.

Биз Ойбек,Faфур Ғулом, Миртемирнинг қозоқ қардошларимиз орасида қай даражада машҳур эканини ҳам биламиз.

Ҳозирги пайтда, илгари айтганимдек, Ўзбекистонда 1 миллиондан ортиқ қозоқ, Қозоғистонда эса - ярим миллиондан ошиқ ўзбек истиқомат қиласди.

Бизда 605 қозоқ мактаби бор. Уларда 15 минг бола ўқийди. Ҳозир миллий маданиятларнинг қайта туғилаётгани ҳақида кўп гапириш расм бўлган, бироқ мен Тошкентдаги қозоқ маданияти маркази фаолияти ҳақида гапирав эканман, қозоқ маданиятининг қайта туғилиши ҳақида эмас, унинг ривожланаётгани хусусида гапиришни истар эдим.

Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Нукус ва Навоий педагогика институтларида таҳсил қозоқ тилида олиб бориладиган бўлимлар бор. Кўплаб олий ўқув юртлари ва техникумларда кириш имтиҳонлари қозоқ ёшларидан уларнинг она тилида олинниши йўлга қўйилган.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузурида қозоқ адабиёти кенгаши муваффақиятли ишлаб турибди.

Жиззах вилоят театрида "Коктем" қозоқ театр-студияси ташкил этилган. Мана, тўрт йилдирки, қозоқ тилида "Нурли жол" республика газетаси нашр этилмоқда.

Хурматли дўстлар!

Муносабатларимиз янада ривожланиши ва турмушнинг янги янги қирраларини қамраб олаверишига шак-шубҳа йўқ. Ҳозир Қозоғистонда ўтётган Ўзбекистон Республикаси кунлари ҳам Ўзбекистонда ўтган сизларнинг республикангиз кунлари сингари - ҳамкорлигимизни янада чукурлаштириш сари ташланган янги қадамдир.

Халқларимиз бундан факат ютади ва агар биз яхши қўшни ва дўст, тенг шерик сифатида савдо, сармоялар, айрибошлишлар,

хукумат даражасида ва бошқа даражаларда алоқаларни кенгайтиришга ўзаро яхши шароит яратиб бериш тамойилини амалга оширишга эришсак, улар ҳозирги ислоҳотларни амалга ошириш натижасида тўғри маънода бой бўлишади.

Мен Ўзбекистонда Қозоғистон кўпроқ бўлиши, Қозоғистонда эса Ўзбекистон кўпроқ бўлишининг астойдил тарафдориман. Нурсултон Абишевич бу маънода мени қўллаб-қувватлайди, деб ўйлайман. Биз шундай қылсак, юксак тараққий этган мамлакатлар тажрибасидан тезроқ баҳраманд бўламиз, охир-оқибатда юксак тараққиётга эришамиз.

Бир мамлакатда иккинчи мамлакат фирмаларининг филиаллари, машхур корхоналар, компанияларнинг магазинлари кўпроқ очилаверсин. Турон ҳалқлари ҳаётининг тарихий қон-томири, ҳар доим карвонлар бир-бирининг истиқболига қараб юрган Буюк ипак йўли қайтадан тикланиши керак.

Айрим мансабдор ва раҳбарларнинг сусткашлиги, узокни кўра билмаслиги, чекланганлиги туфайли пайдо бўлган бюрократик ғовларда ифода бўлаётган барча сунъий тўсиқларни олиб ташлаш керак.

Бу йўлни поклик, соғлом фикр, дўстлик ва ишончга асосланган Буюк ипак йўли деган юксак номга муносиб қилиш бизнинг кўлимииздан келади.

Биз ҳаммамиз - ўзбеклар ҳам, қозоқлар ҳам, мамлакатларимизни ватан қилган бошқа ҳалқлар ва миллатларнинг вакиллари ҳам масалага мана шундай ёндашув, бу тамойилларнинг ҳаётилизда муайян равишда амалга ошиши тарафдоримиз.

Хурматли дўстлар, бовурларим!

Икки давлатнинг ақл-зиёҳ аҳли, миллий санъат юлдузлари, таниқли олимлар, адабиёт арбоблари, журналистлар, иқтисодчилар, тадбиркорлар, ишлаб чиқариш ходимлари бир дастурхон теварагида дўстона учрашадиган ҳозирдагидек тадбирлар, байрамона кўнгил очарлар, дунёвий сухбатлардан иборат бўлиб қолмаслиги керак.

Биз, ҳалқимиз бошидан кечираётган даврнинг - ҳозирги кунда қадимги Турон - Туркистон диёрида юз бераётган воқеаларнинг мухимлиги ва масъулиятини биргалиқда англаб етмоғимиз лозим.

Шубҳасизки, турмушнинг барча соҳаларидаги ҳаётбахш ўзгаришлар маънавий ва ахлокий қадриятларни тиклашдан бошланади. Қадрли дўстлар, айни шу соҳада сизларнинг эътиборли кишилар эканингиз, жамиятдаги, халқ орасидаги обрўйингиз катта аҳамият касб этади.

Сизлар ижодингиз, ижтимоий фаоллигининг билан ривожланган ва гуллаб-яшнаган давлатлар сафи томон ҳаракатимизни тезлаштиришда ёрдам беришингиз мумкин. Энг муҳими, ниҳоят ўзимизнинг бир бутун, яхлит қадимий Туркистон фарзандлари эканимизни ҳис этишимизга ва айни пайтда ўзлигимизни, ўз мустақиллигимиз ва ўзимизга хос фазилатларимизни саклаб қолишга ёрдам беришингиз мумкин.

Қийинчиликларни бошимиздан биргаликда кечиришимиз осонроқ бўлади, бунёдкорлик билан шуғулланишимиз, ҳар қандай сиёсий ва иқтисодий тазиёкларга бардош бериб, олдимизга қўйган мақсадга эришишимиз осонроқ бўлади.

Шу жиҳатдан қараганда, биргаликда ҳал қиласиган муаммоларимиз кўп, биргаликда мулоҳаза юритадиган, фикрлашадиган, кўнглимизда тўпланиб қолган ва айтадиган гапларимиз кўп.

XX аср ниҳоясида икки мустақил демократик давлатимиз янги тарихида яна бир беш йилликни ўтказишимиз керак.

Бу йилларнинг қандай бўлиши, улар бизга қандай яхшиликлар келтириши, авлодлар бизни қандай эслаши ўзимизга боғлиқ.

Азиз дўстлар!

Биз Қозогистонга қозоқ халқи учун унutilmas йил - буюк шоир ва мутафаккир Абай туғилган куннинг 150 йиллиги нишонланаётган йилда ташриф буюрдик. Абай бундай деган эди:

Бўлсин десанг умр чароғон,
Тақдирингни оқлагил, инсон.
Садоқатли дўstsиз жаҳонда
Бойлик, шуҳрат - бариси ёлғон.

Бу ҳаққоний сўзлар фақат бугунги тантананинг эмас, умуман

ўзбек - қозоқ муносабатларининг шиори бўлиши керак деб ўйлайман.

Хурматли қозоқ биродарларим!

Мен, бир ўзбек фарзанди, дилимдаги бир рост гапни айтмоқчиман:

Қозоқ элинин, қозоқ ерини, қозоқ биродарларимни яхши кўраман.

Бу фикр фақат менинггина эмас, барча ўзбекларнинг қонига, жон-танига сингиб кетган фикрдир.

- Ерда хаёт бор экан, қозоқ халқи абадий омон бўлсин, яшасин!

- Қозоқ биродарларим ҳеч қачон жафо чекмасин!

- Биз - ўзбеклар ва қозоқлар бир-биримиздан сира ажралмайлик!

*Қозогистонда Ўзбекистон кунларининг тантанали очилиши
маросимида сўзланган нутқ, 1995 йил 20 май*

ЎЗБЕКИСТОН КЕЛАЖАККА ИШОНЧ БИЛАН ҚАРАМОҚДА

Хурматли дўстлар, биродарлар!

Авваламбор, ҳаммангизни Ўзбекистон ҳаётидаги бугунги тарихий воқеа - мана шу завод ишга туширилиши билан чин кўнглимдан табриклайман. Сизларга сиҳат-саломатлик, куч-кувват, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Учинчи завод биринчи навбатининг ишга туширилиши - жамоангиз ҳаёти, бутун Навоий саноатидагина эмас, балки республикамиз ҳаётида муҳим воқеадир.

Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, бу кун мустақиллигимизни оёққа турғизиш тарихида муносиб ўрин эгаллайди, давлатимизнинг иқтисодий салоҳиятини, унинг жаҳон бозоридаги ўрнини мустаҳкамлайди.

Бу кун Ўзбекистон ва МДҲдагина эмас, улардан ташқарида ҳам машҳур, айтишим мумкинки, бутун дунёда катта қизиқиши уйғотаётган ҳақиқий олтин корхонангиз тараққиёти тарихига олтин сахифа бўлиб киради.

Сизларнинг комбинатингиз бундан 30 йилдан ошикроқ вақт муқаддам саҳро шароитида бир эртак, афсонавий Хумо қуши сингари пайдо бўлган эди. Сизларнинг ноёб жамоангиз салоҳияти, жипслиги, юксак малакаси, меҳнатдаги ва ҳаётдаги чиниқиши, эришган меҳнат ютуқлари билан жаҳоннинг энг йирик, энг тараққий этган давлатлари ҳам орзу қиласиган ҳақиқий бойлиkdir.

Комбинатингизнинг кўпмиллатли жамоаси ўзининг оёққа туриш тарихида, айниқса, собиқ СССР тарқаб кетиб, хўжалик алоқалари узилганидан кейин кўп муаммолар, кўп қийинчиликларга дуч келди. Ўшанда бу ноёб корхонани вайрон бўлиб, тугаб кетиши хусусида башорат қилган кўпгина калтабинлар ҳам пайдо бўлган эди.

Ҳақиқатан ҳам, агар кейинги йилларни эслайдиган бўлсак, корхона жамоаси бошидан кечирган улкан қийинчиликлар - эҳтимол,

комбинатнинг кўп йиллик тарихидаги энг оғир давр бўлгандир.

Энг яхши ва энг замонавий технологияга эга бўлган, олтин ва стратегик материаллар қазиб олиш бўйича фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқларини ўзлаштирган корхона материал етказиб берадиган ўнлаб ва юзлаб корхоналар билан алоқалар узилганидан кейин мана шундай шароитда илгариги суръатни сақлаб қолиб, ишлаб чиқаришни зарур даражада таъминлай олишини тасаввур қилиш қийин эди.

Бироқ жамоа барчасига чидади. Энг оғир шароитларда ҳам ишлади. Бугун мен катта мамнуният, барчангизга, хурматли дўстлар, чуқур миннатдорлик билан комбинатнинг ўзининг илгариги қувватини сақлабгина қолмай, уни тобора ўстириб боргани, барчага ўзининг нимага қодир эканини намойиш қила олганини эътироф этишдан мамнунман.

Қайта-қайта айтаманки, бу - сизнинг хизматингиз, тиним билмай, турли синовларга парво қилмай меҳнат қилган ишчилар, мухандис-техник ходимлар, раҳбарлар, хизматчиларнинг улкан хизматидир. Бу ҳақиқатан ҳам қаҳрамонона меҳнат эди.

Мен бугун имконият туғилганидан фойдаланиб, сизларга, азиз дўстлар: биз сизлар билан фаҳранамиз, жамоангизга ишонамиз, деб баралла айтишни истар эдим.

Бугунги кунда мана шу мураккаб шароитда ишлаб чиқариш суръатини таъминлабгина қолмай, янги ноёб қувватларни ҳам ошираётган жамоангиз эришган ютуқлар барчамизни қувонтиради.

Заводнинг иккинчи навбати ҳам жуда қисқа муддатда ишга тушишига ишончим комил. Ҳукумат сиздан барча зарур ёрдам ва кўмагини аямайди. Мен мана шу юксак минбардан туриб, барча курувчилар, монтажчилар жамоаларига, янги заводни қуришда иштирок этган барча кишиларга, мана шу мураккаб шароитда бу ноёб иншоотни тиклаган Навоий вилоятининг барча кўпмиллатли ахолисига миннатдорлик сўзларини айтаман.

Зарафшон қурилиш бошқармаси, "Жанубсаноатмонтаж" трести, Навоий монтаж-қурилиш акционерлик корхонаси жамоалари ҳам ва "Қизилкумнодирметаллолтиң"нинг бошқа бўлинмалари ҳам жуда катта ҳажмдаги ишни бажаришди.

"Ўзмонтажмахсусқурилиш",

"Ўзагроқурилиш",

"Ўзсувхўжаликқурилиш", "Ўзжамоахўжаликқурилиш" бўлинмалари, республиканинг бир қатор саноат корхоналари завод қурилишига муносиб ҳисса қўшди. Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, бу заводни бутун Ўзбекистон курди!

Янги заводни қуришда алоҳида ўрнак кўрсатган ходимларни мукофотлаш тўғрисидаги сизга маълум Фармонга имзо чекиш менга катта мамнуният бахш этди. Бироқ, мен сиз амалга оширган ишлар, бу иншоотга сарф қилинган улкан меҳнатни ҳеч қандай мукофотлар ва фахрий унвонлар билан ўлчаб бўлмаслигини ҳам биламан.

Хурматли дўстлар!

Хурматли меҳмонлар!

Мамлакатдаги ишларнинг ахволини, иқтисодий, сиёсий, маънавий ҳаётимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни танқидий кўз билан таҳлил қиласар эканмиз, биз бутун ишонч билан: ха, Ўзбекистон бўхрондан чиқиб боряпти ва янгиланиш суръатини дадиллик билан эгаллаб, ўзининг келажагига ишонч билан қарамоқда, дея оламиз.

Бизнинг бу ишончимиз нимага асосланган?

Биринчидан. Дунё харитасида бизнинг заминимизчалик бойликка, минерал-хом ашё, қишлоқ хўжалиги ва бошқа ноёб ресурсларга эга бўлган давлат кам топилади. Ҳозирча бу бойликларнинг каттагина қисмидан фойдаланилаётгани йўқ, шунинг учун ҳам бу бойликлар ўзаро фойда кўриш асосида биз билан ҳамкорлик қилмоқчи бўлган жаҳондаги машхур компания ва банкларнинг эътиборини жалб этмоқда.

Америкалик экспертларнинг ҳисоб-китобига қараганда, Ўзбекистоннинг минерал-хом ашё ресурсларининг ўзигина уч триллион доллар миқдорида баҳоланаар экан. Бу рақамнинг ўзи ҳамма гапни айтиб турибди.

Иккинчидан. Бизнинг энг катта бойлигимиз - бизнинг кўпмиллатли меҳнатсевар халқимиздир. Бизнинг тарихимиз - буюк тарих. Бизнинг улуғ анъаналаримиз бор. Уялмасдан қўрқмасдан, дадил туриб: ха, Ўзбекистон ўз тарихи, ўзининг эзгу анъаналари билан фахрланади, дейиш лозим. Бизнинг томирларимизда жаҳон маърифатига салмоқли ҳисса қўшган буюк аждодларимиз қони

оқмоқда. Бу заминда эзгулик ва инсонпарварлик, тинчлик ва ахиллик, яхшилиқ, адолатнинг буюк қадриятларидан таълим берган буюк мутафаккирлар яшаб ўтган.

Бизнинг ишончимизга асос бўлган учинчи омил - СССР тарқалиб кетганидан кейин биз танлаб олган ислоҳотлар йўли, мустақиллигимиз ва истиқтолимизни мустаҳкамлаш йўлининг тўғрилигидир.

Бу - ислоҳотларимизнинг аста-секин, босқичма-босқич амалга оширилишидир. Бу - уларни амалга оширишдаги изчилликдир.

Бу - бозорнинг Ўзбекистон модели бош тамойилларидан бирига айланган қучли ижтимоий сиёсатимиздир. Бизнинг бош шиоримиз - инсон ислоҳот учун эмас, ислоҳот инсон учун шиоридир. Бугунги кунда бу шиорни барча эътироф этмоқда, у ислоҳотларимизга кўмаклашмоқда ва муваффақиятимизни таъминламоқда.

Тўртинчи омил. Айтингларчи, собиқ Совет Иттифоқи худудида яна қаерда мана шунча иншоотлар, айниқса, базавий тармокларда иншоотлар қурилмоқда?

Улардан атиги бир нечтасини санаб ўтаман. Бу - янаги йил ёзи бошида ишга тушириш мўлжалланаётган Асакадаги автомобиль заводидир. Бу - Хоразм вилоятидаги "Мерседес" юк машиналари заводидир.

<%4>Бу - вилояtingиз ҳудудида ишга тушган "Зарафшон - Ньюмонт" қўшма корхонасидир. Бу - Дауғизтов конини ўзлаштириш бўйича "Лонро" фирмаси билан тузилган, ҳозир амалга оширишга тайёр бўлган йирик лойиҳадир.

Бу - мамлакатнинг ишга туширилаётган ёнилғи-энергетика мажмуи - Кўкдумалоқ ва Мингбулоқ конларидаги янги қувватлардир. Бу - Бухорода қурилаётган нефтни қайта ишлаш заводидир. Бу - Ўзбекистоннинг энергетика тизимидаги янги қувватлар, янги коммуникациялар, автомобиль ва темир йўллардир. Бу - енгил саноатдаги, аграр сектордаги кўплаб қайта ишлаш корхоналаридир.

Бу - бутун Ўзбекистоннинг фахрига айланган сизларнинг янги заводингиздир.

Буларни бир кунда қуриб бўлмаслиги барчага аён бўлиши керак. Буларнинг барчасига жуда-жуда кўп жамоаларнинг тинимсиз,

фидокорона меҳнати туфайли эришилади.

Буларнинг барчаси охир-оқибатда республикамизнинг иқтисодий салоҳиятини барпо этади ва эртаги кунда, ишончим комилки, жаҳон бозорида Ўзбекистоннинг муносиб ўрин эгаллашини таъминлайди.

Биз бугунги кунда кейинги йилларда эришган ютуқларимиз билан фахрланишга ҳақлимиз. Бу - бизнинг ташқаридан нефть ва нефть маҳсулотлари сотиб олишдан холи бўлган амалий мустақиллигимиздир. Бу - бизнинг ташқаридан ғалла сотиб олишдан холи бўлган мустақиллигимиздир. Ҳа, биз ўзимизни гўшт-сут маҳсулотлари билан таъминлаш учун ҳам зарур база барпо қила олдик. Эсларингизда бўлса, яқин-яқинларда ҳам бизнинг кўпдан-кўп хом ашё бойлигимиз, энг аввало, пахта толаси мана шу ҳаёт учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олишга сарфланар эди. Уч ярим йил ичида биз бу ресурсларимизни ана шу мақсадда фойдаланишдан ажратиб олдик, энди улар мана шу жаннатмакон заминда истиқомат қилаётган кишиларнинг фаровон турмушига хизмат қиласди.

Бешинчи, ва айтиш лозимки, моддий ўлчовлар билан ўлчаб бўлмайдиган энг муҳим омил, бу - тинчлик, барқарорлик, ҳамжиҳатликдир.

Бу - биз Ўзбекистон деб аталмиш уйимизда ўrnата олган фуқаролар тинчлиги ва миллатлараро тотувликдир. Бу - кишиларни жипслаштириб турган, ҳар бир инсон, ҳар бир оила ўзининг бугунги кундаги ҳаёти, фарзандларининг келажаги, қариндош-уруг ва яқинларининг тинчлиги учун хотиржамлигидир.

Бу - ҳар қандай бунёдкорлик иши, ҳар қандай қурилиш, ҳар қандай меҳнат учун зарур бўлган соғлом муҳитдир.

Буни сизларнинг кўпмиллатли жамоангиз мисолида яққол кўриш мумкин. Айнан мана шу муҳим омил, мана шу яқинлик, мана шу ўзаро хурмат ва турли миллат, турли эътиқод, турли авлодлар вакилларининг бир-бирига дўстона муносабати ишларимизнинг энг зарур ва муҳим асоси, амалга ошган режаларимизнинг пойдевори бўлди.

Ҳар доим ва ҳар жойда, айрим кишилар ва бутун-бутун

жамоалар билан учрашар эканман, мен мана шу гапни такрорлаб келдим ва яна такрорлайман: факат тинчлик-хотиржамлик, факат барқарорлик, факат ўзаро ахиллик бизга муносиб ҳаёт бахш этади, ўзимизни ва фарзандларимизни барча мусибатлардан асрайди.

Бугунги мана шу нодир имкониятдан фойдаланиб, жамоангизда, бинобарин, барчамизнинг умумий уйимизда ҳам, барқарорлик ва тинчликни сақлаб турганингиз учун барчангизга чукур таъзим қилмоқчиман.

Азиз дўстлар!

Кишиларимизни, фарзандларимизни баҳтиёр, баркамол, муносиб инсон сифатида кўриш барчамиз учун, шу жумладан, халқ ўз тақдири ва келажагини ишониб топшириб қўйган Президент сифатида мен учун ҳам энг катта мукофотдир. Буларнинг барчаси учун битта шарт бор. Бу шарт - бизнинг меҳнатимиздир. Биргаликда қилинадиган фидокорона меҳнатдир. Халқимизнинг бугун ва келажакда фаровон ҳаёт кечириши йўлида қилинадиган меҳнатдир.

Сизларни муҳим воқеа - ҳақиқий олтин иншоотнинг, ҳар доим саноатимиз, бутун иқтисодиётимизнинг фахрига айланиб қоладиган иншоотнинг ишга тушиши билан яна бир бор чин қалбимдан табриклишга ижозат бергайсизлар.

Навоий кон-металлургия комбинати 3-гидрометаллургия заводининг биринчи навбати очилишига багишланган тантанада сўзланган нутқ, 1995 йил 14 июнь

ҚИШЛОҚ ИСТИҚБОЛИ - ЙОРТ ИСТИҚБОЛИ

1995 ыйл 4 июль куни *Ислом Каримов* раислигіда бўлиб ўтган республика Президенти ҳузуридаги Иқтисодий ислоҳотлар, тадбиркорлик ва чет эл сармоялари бўйича идоралараро кенгаши мажлисида қишлоқ жойларда кичик ва хусусий корхоналарни ривожлантиришининг аҳволи ва уни жадаллаштиришига доир чора-тадбирлар тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

Мажлисда ўз фаолиятини қишлоқда ташкил этадиган кичик ва хусусий корхоналарни қўллаб-кувватлаш ва ривожлантириш давлат сиёсати даражасидаги устувор йўналиш экани қайд этилди. Зоро, ҳозирги вактда республика аҳолисининг 61 фоизи ёки 13,8 миллион киши қишлоқ жойларida яшайди. Аҳоли ўсиш жараёни суръатлари сақланиб қолгани ҳолда 2000 ыйлга бориб бу кўрсаткич 16,1 миллион кишига етади.

Бу вазият ҳозирнинг ўзидаёқ рўй бериши мумкин бўлган ижтимоий танглиknинг олдини олувчи ҳамда қишлоқ жойларда яқин келажакдаёқ аҳолининг турмуш даражасини анча оширишга имкон берувчи янги тармоқлар ва ишлаб чиқаришларни ривожлантириш борасида зарур чора-тадбирлар кўришни тақозо этмоқда.

Гарчи мустақилликнинг дастлабки йилларида шўро давридаги 70 йилдагига нисбатан қишлоқларни газлаштириш ва ичимлик сув билан таъминлаш 3-4 баравар кўпайган бўлсада, қишлоқларимиз қиёфаси секин ўзгармоқда, уни эса тадбиркорликни ривожлантириш орқали амалга ошириш мумкин.

Мамлакатимизда ўтказилаётган ислоҳотнинг иккинчи босқичида қишлоқда тадбиркорликни ривожлантириш, ортиқча ишчи кучини жалб этиш мақсадида кичик корхоналар барпо этиш ҳамон долзарб масала бўлиб турибди, деди Ислом Каримов мажлисда. Бошқача айтганда, 3,6 миллион қишлоқ хўжалигида банд бўлган меҳнатга яроқли одамларнинг деярли 2,2 миллион нафарини бемалол саноат ва

хизмат кўрсатиш соҳаларига ўтказиш мумкин.

Жаҳон тажрибасига кўра, қишлоқ жойларида кичик бизнесни ривожлантириш ва хизматлар кўрсатиш соҳасини кенгайтириш ушбу муаммони ҳал этишнинг энг самарали йўли ҳисобланади. Хом ашё ва қишлоқ хўжалиги ресурсларини қайта ишлаш, замонавий ўрашжойлаш материалларидан фойдаланиш хорижий мамлакатлар бозорларида Ўзбекистондаги кичик қишлоқ корхоналари маҳсулотларининг юқори даражада рақобатбардошлигини таъминлай олади.

Шу мақсадда республикада кичик ва хусусий бизнесни шакллантириш ва ривожлантиришни таъминловчи зарур ҳуқуқий асос яратилган. Амалдаги қонунчилик ҳужжатларида, республика Президентининг фармонларида, ҳукumat қарорларида кичик ва хусусий бизнесдан солиқ олиш, унга молиявий ёрдам кўрсатиш борасида имтиёзлар бериш, имтиёзли кредитлар ажратиш, бизнесни ташкил этишда, уни моддий-техника ва хом ашё ресурслари билан таъминлаш борасида кўмаклашиш назарда тутилган.

Ана шу саъй-ҳаракатларнинг натижаси ўлароқ, ҳозирги вактда ҳалқ хўжалигига 30770 кичик корхона ва кооператив, 20115 хусусий корхона ишлаб турибди, 15,6 минг фермер хўжалиги ташкил этилган, уларга 200 минг гектарга яқин ер биркитилган бўлиб, 67,5 минг киши меҳнат қилмоқда.

Фермер хўжаликларининг тасарруфида 190 минг бошга яқин корамол, бошқа ҳайвонлар мавжуд. 1995 йилнинг фақат биринчи чорагидагина фермер хўжаликлари томонидан ўтган йилнинг тегишли давридагига нисбатан икки баравар кўп гўшт ва сут тайёрланди.

"Маҳаллий саноат" корпорацияси аниқ мақсадга йўналтирилган ишларни амалга ошироқмокда. 1993-1995 йиллар мобайнида корпорация қишлоқ жойларида 200 дан зиёд кичик ва хусусий корхона ташкил этди. Уларда қарийб 11 минг киши меҳнат қилмоқда.

Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга кўмаклашувчи жамғарма томонидан республиканинг 187 туман ва шаҳарида бўлимлар очилди. Қишлоқ жойларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва хизматлар кўрсатиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш учун ушбу жамғарма томонидан 62

миллион сўмдан ортиқ кредит ажратилди.

Ўтган бир ярим йил мобайнида кичик ва ижара корхоналарига, шунингдек кооперативларга, дехқон хўжаликларига ва тадбиркорларга жами 1222,3 миллион сўм миқдорида кредит берилди.

"Ўзкишлоқхўжаликтаъминоттузатиш" тизимида қишлоқ тадбиркорликларига сервис хизмати кўрсатиш бўйича 160 дан кўпроқ марказ ишлаб турибди, бу ўтган йили фермер хўжаликларига 57 миллион сўмлик механизмлар ва асбоб-ускуналар етказиб бериш имконини яратди. 174 та майда улгуржи дўконлар орқали қишлоқ хўжалиги техникаси, эҳтиёт қисмлар, узеллар, бутловчи деталлар сотилди, 24,2 миллион сўмлик турли хизматлар кўрсатилди.

Шунга қарамай, қишлоқ жойларда кичик ва хусусий бизнесни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган муаммолар ҳам кўп. Бу, аввало, қишлоқ жойларда иқтисодий ислоҳотларнинг бориши орқада қолаётганида, хусусан, кичик бизнес корхоналари шохобчаларини шакллантириш ғоят суст ва кам самара билан амалга оширилаётганида кўринади.

Худудий ва идоравий бошқарув тузилмалари раҳбарларининг ташаббусизлиги ва ушбу муҳим давлат вазифасига юзаки ёндашуви қишлоқда кичик ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган асосий сабаблардир.

Яширишнинг ҳожати йўқ, бир қатор раҳбарларнинг ушбу жараён йўлидаги тўсқинликлари кўп жиҳатдан уларнинг эркин, хусусий тадбиркорларнинг янги ижтимоий қатлами шаклланиши билан рақобат муҳити юзага келишидан қўрқиши, янгича шароитларда ўзларининг лаёқатсизлиги ва эгаллаб турган лавозимига номувофиқлиги аён бўлиб қолишидан чўчиши билан изоҳланади.

Вилоятлар ва туманларда янги тадбиркорлик тузилмаларини ривожлантириш йўлидаги бюрократик тўсиқлар кўп ҳолларда куйидагиларда намоён бўлмоқда: маҳаллий хокимият органлари, шунингдек назорат қилувчи ташкилотлар ходимлари томонидан қишлоқ тадбиркорларининг хўжалик фаолиятига асоссиз аралашуви ва улар хукуқларининг камситилиши, кичик ва хусусий корхоналарни рўйхатдан ўtkазиши соддалаштириш тўғрисидаги хукумат карорларининг бажарилишига расмиятчилик билан ёндашиши,

кўчмас мулк объектларини, айниқса, қурилиши тугалланмаган иншоотларни кимошди ва танлов асосида сотиш тажрибасининг ёйилишига тўсқинлик қилиш, қишлоқ тадбиркорлари ўқувини ташкил этиш даражасининг пастлиги, тадбиркорларга юридик, молиявий ва маслаҳат хизматлари кўрсатиш бўйича маҳсус фирмаларнинг йўқлиги.

Шу туфайли қишлоқ жойларда хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантириш бўйича белгиланган ишларнинг аҳволи қониқарсизлигини алоҳида қайд этиш лозим.

Меҳнат ресурсларини тақсимлашнинг ривожланган мамлакатларда қарор топган мақбул тармоқ тузилмасини ҳисобга олиб, меҳнатга лаёқатли қишлоқ аҳолисининг камида 50 фоизини хизматлар кўрсатиш соҳасига жалб этишга эришиш зарур.

Бунинг учун нима қилиш керак? Аввало, барчамиз қишлоқ жойларидағи ҳақиқий аҳволни билишимиз, шунга қараб муайян чора-тадбирлар белгилашимиз лозим, деди Президент. Бир мисол келтирай. Кўп жойларда 50 гектар ерга эга бўлган бригадада 100 дан зиёд одам ишлайди. Ҳолбуки, сўраб-суриштирсангиз, ана шу ерга ишлов бериш, ундан ҳосил олиш учун 10-12 ишчи кучи кифоя қиласди. Буни ана шу бригада бошлиғи, жамоа хўжалиги раиси биладими? Билади! Лекин, иложи йўқ, одамларни қаерга олсин? Ҳаммаси шу қишлоқда яшаса, қарамоғида 5-6 тадан жон бўлса.

Албатта, бундай аҳволда юқори даромад олиб бўлмайди. Ўша бригадир ёки раисдан бу вазиятдан қандай чиқасиз деб сўрасангиз, ҳосилдорликни оширамиз, дейди. Ҳосилдорликни қанча ошириш мумкин? Бунда мўъжиза кутиб бўлмайди! Қолаверса, катта сарф-харажат, таннарх кўтарилиши эвазига оширилган ҳосилдорликдан наф йўқ. Чунки у даромад келтирмайди.

Демак, вазият қишлоқда хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни, кўплаб кичик-кичик корхоналар қуришни, сервис-хизмат кўрсатиш соҳаларини йўлга қўйишни тақозо этмоқда, дея таъкидлади Президент.

Аммо бу вазифани ҳал этиш борасида Навоий, Самарқанд, Сирдарё, Фарғона, Жиззах, Наманган, Хоразм вилоятларида ташкилий ишлар етарли даражада амалга оширилмаяпти. Қишлоқ

мехнаткашларининг бино ва майдонларга эгалик қилиш, уларни касбга қайтадан ўргатиш ва қишлоқ ахли учун зарур майший хизмат турларини ривожлантириш масалалари ҳал этилмаяпти.

Қишлоқ жойларидағи бизнесни ривожлантиришнинг муҳимлигини англамаслик, мазкур муаммони ҳал этишдаги лоқайдлик кичик ва хусусий бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича давлат сиёсатини амалга ошириш учун жавобгар бўлган айrim вазирлик ва идоралар раҳбарларига ҳам хосдир. Хусусан, давлат мулки қўмитаси ва "Ўзистикболстат" давлат қўмитаси ҳанузгача қишлоқ жойларда кичик ва хусусий бизнесни ривожлантиришни тартибга солувчи яхлит концепцияни ишлаб чиқмаган. Қишлоқ тадбиркорларига турли вазирлик ва идоралар, мамлакатдаги ва хорижий ташкилотлар томонидан кўрсатиладиган ёрдамни мувофиқлаштиришни амалга ошириш принципларини аниқламаган.

Ҳокимликлар, вазирликлар, катта-катта ишлаб чиқариш корхоналари раҳбарлари шуни тушуниб этиши керакки, одамларни қишлоқдан завод ва фабрикаларга эмас, балки саноатни одамлар хузурига - қишлоққа олиб бориш керак! Бунда 20, 60 миллион доллар турдаги гигант фабрикалар эмас, балки ихчам, керак бўлганда ишлаб чиқарадиган маҳсулоти турини тез ўзгартира оладиган корхоналар куришга аҳамият бериш лозим.

Қишлоқ бизнесини молиявий қўллаб-қувватлашни ташкил этиш шакллари ва банк хизмати кўрсатиш тажрибаси бу тузилмаларда жиддий норозиликлар келтириб чиқармоқда.

Қишлоқ тадбиркорларининг кўплаб асосли лойиҳалари ва истиқболли ташабbusлари зарур молиявий ресурслар ва амалий қўллаб-қувватлаш тизимининг йўқлигига дахлдор бошқа сабаблар туфайли амалга оширилмай қолиб кетмоқда.

Бу қишлоқларда кичик ва ўрта бизнесни сармоя билан таъминловчи давлатга қарашли бўлмаган кучли жамғарма ташкил этишини тақозо қилмоқда.

1994-1995 йилларда республикада 1715 та хусусий корхона, шу йилнинг биринчи чорагида эса Навоий, Жиззах, Наманган, Сирдарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида 287 фермер хўжалиги ўз фаолиятини тўхтатган. Рўйхатга олинган кўпгина

корхоналар ишламаяпти. "Ўзтадбиркорбанк" бўлимларида 1995 йил мобайнида рўйхатга олинган 6,3 минг кичик ва хусусий корхона ҳисоб-китоб счётида ҳеч қандай операция амалга оширилмаган.

Солик сиёсатини амалга оширишда кичик ва хусусий корхоналар хуқукларини камситишга йўл қўйилмоқда. Бунинг устига солик тизими жуда мураккабдир. Тадбиркорлар солик тўлаш масалаларини яхши фарқлай олмайдилар, шу сабабли уларнинг кўплари ўзларига берилган солик соҳасидаги ва бошқа имтиёзлардан фойдалана олмаяптилар.

Кўп ҳолларда моддий-техника ресурсларини олишда тадбиркорлар билан давлат корхоналари ўртасидаги тенг хуқуқликка риоя қилинмаяпти.

Вазирликлар, идоралар ва ҳокимликларнинг раҳбарлари йирик корхоналарнинг маҳаллалар билан узвий алоқасини таъминлайдиган янги ташкилий шаклларни яратиш, қишлоқ жойларда бу корхоналарнинг бўлимлари ва цехларини ташкил этиш бўйича самарали чора-тадбирларни қўрмаяптилар.

Шаҳарларда жойлашган хусусий корхоналар маблағларини қишлоқ жойлардаги кичик ва хусусий бизнесни ривожлантиришга жалб қилиш учун яратилган механизм деярли ишламаяпти.

Муаммоларни ҳал этиш чора-тадбирлари нималардан иборат? Аввало вилоят ва туман ҳокимликлари, вазирликлар ва идоралар раҳбарлари республика хукумати томонидан қишлоқ жойларидаги кичик ва хусусий бизнесни қўллаб-куватлаш, хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш бўйича қабул қилинган барча хужжатларнинг сўзсиз бажарилиши учун масъулиятни кучайтиришлари ва талабчанликни оширишлари керак.

Бунда буйруқбозлиқ, сансалорлик ва порахўрлик ҳолатларига барҳам беришга, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга ҳамда кичик ва хусусий бизнесни қўллаб-куватлаш мақсадида ички имкониятларни қидириб топишга, тадбиркорларга юридик, ахборот ва бошқа хизмат турларини қўрсатувчи маслаҳат фирмаларини ташкил этишга алоҳида эътибор берилиши лозим.

Бу камчилик ва нуқсонларни тугатиш, тадбиркорлар йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш доимо бизнинг дикқат марказимизда

турибди ва бунга қатъият билан эришамиз, деди Ислом Каримов. Лекин масаланинг яна бир муҳим жиҳати борки, бу ҳақда алоҳида тўхтамоқ зарур. Гап одамларни, айниқса, қишлоқ аҳлини, ёшларни боқимандалик кайфиятидан халос этиш, уларда тадбиркорлик, ишбилармонлик иштиёқини уйғотиш, бошқача айтганда, уларга ана шу "касаллик"ни "юқтириш" хусусида кетяпти. Балки, бу борада тиббий тил билан айтганда, "эмлаш" чораларини кўриш лозим бўлар. Хуллас, бозор муносабатлари соҳасидаги саводсизликка барҳам бериш, ҳамма бозор илмини эгаллаши лозим. Демоқчиманки, токи ҳар бир одам кўнглида катта-катта ишлар қилиш менинг ҳам кўллимдан келади, деган ишонч зухур бўлмас экан, ҳар бир одам яратувчанлик, ҳалол даромад топиш, бойиш ишқи билан ёнмас экан - қишлоқда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш қийин бўлади. Қишлоқ хўжалигига, ерда банд бўлган ишловчиларнинг 90 фоизини шу йўл билан бошқа соҳаларга ўтказмас эканмиз, қишлоқда ислоҳот кўнгилдагидек натижани бермайди, дея таъкидлади Президент.

Бунинг учун эса Япониядагидек тадбиркорларни қўллаб-кувватловчи, рафбатлантирувчи тизим барпо этиш зарур. Бундан ташқари, қишлоқлардаги хеч кимга кераксиз тракторчилар тайёрлайдиган юзлаб билим юртларини ёшларни бозор муносабатлари шароитида ишлаш ва яшашга ўргатадиган билим масканларига айлантиrmоқ даркор. Республика Мехнат вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги бу борада амалий ишга ўтиши керак. Айниқса, сервис хизматини йўлга қўйишига алоҳида аҳамият бериш, аҳоли қўлида қолиб кетаётган пул маблағларини шу йўл билан олиш, уларни оборотга киритиш - муҳим масаладир. Республикада "Ер банки" ташкил этиш фурсати ҳам етди, деб ўйлайман. Ана шу тадбирларни амалга оширасак, қишлоқ аҳлини, ёшларни бу янги ишларга жалб эта олсак, уларни қўллаб-кувватлаб турсак, иншооллоҳ, қишлоқ хўжалигига ўтказилаётган ислоҳотлар ҳам ўз самарасини беради, деди Президент. Фақат дадил ҳаракат қилиш керак. Бундан 2-3 йил илгари нефть, ғалла мустақиллигига эришамиз деганимизда, яширишнинг хожати йўқ, кўпчиликка бу тоғдай улкан, оғир вазифа бўлиб туюлган эди. Лекин дадил ҳаракат қилиб уддасидан чиқдик-ку! Ҳозир қишлоқда тадбиркорликни ривожлантириш ҳам биздан шундай

саъй-ҳаракат қилишни тақозо этмоқда.

Кичик ва хусусий корхоналарни ривожлантиришни қўллаб-куватлашнинг ягона, комплекс сиёсатини юргизиш, вазирликлар, идоралар, ҳокимликлар, турли фонdlар ва бошқа ташкилотлар фаолиятларини мақсадга йўлланган тарзда мувофиқлаштириш учун Давлат мулки қўмитаси марказий аппарати ва худудий бошқармалари таркибида мустакил бўлинмалар ташкил этилиб, кичик ва хусусий корхоналарни ривожлантириш масалаларини ҳал этиш улар зиммасига юклатилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Қишлоқ жойларда рақобат қила оладиган корхоналарни ташкил этишнинг барча мураккабликларини ва республика қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш масаласини ҳал қилишда қишлоқда кичик тадбиркорликни ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантиришнинг ўта муҳимлигини назарда тутиб, бу тоифадаги корхоналар учун уларнинг жадал шаклланишлари ва ривожланишларини рағбатлантирувчи бир қатор қўшимча имтиёзларни назарда тутмок қерак.

Қишлоқ жойлардаги тадбиркорларга юридик, техник, молия ва бошқа масалаларни ҳал этишларида ёрдам бериш мақсадида консалтинг (маслаҳат) фирмалари тармоғини ташкил этиш, Давлат мулки қўмитаси ва Давлат солик қўмитаси худудий бўлинмалари зиммасига уларга ахборот ёрдами беришни юклаш лозим.

Ҳозирги кунда 70 дан ортиқ вазирлик, идора, ташкилот ва муассаса аҳолига ҳар хил турдаги хизматларни кўрсатмоқда. Уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва бу йўналишдаги сиёсатни муваффақиятли юргизиш мақсадида қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш концепциясини республикада иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг янги талабларини назарда тутган ҳолда ишлаб чиқиш лозим.

Бу концепцияда коммунал, майший, тузатиш-қурилиш, сервис хизматлари ва хизмат кўрсатишнинг бошқа турларини комплекс ривожлантириш, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг ташкилий, молиявий ва моддий-техник шароитларини яратиш, шунингдек, қишлоқ аҳолисини хизмат кўрсатишнинг бу соҳадаги ишга касбий қайта йўллаш учун зарур шарт-шароитларни вужудга

келтириш масалалари қамраб олиниши керак.

Кичик ва хусусий бизнесни ривожлантиришни кучайтириш мақсадида йирик корхоналарнинг улар атрофидаги маҳаллалар билан ҳамкорликларини йўлга кўйиш лозим. Бу мақсадда дастлабки босқичларда тажриба тариқасида "Корхона - маҳалла" тузидағи маҳсус иқтисодий зоналарни ташкил этиш ўринлидир. Шунингдек, қишлоқ жойларда йирик корхоналар бўлимлари тармоғини ташкил этиш тажрибаси ҳам кенг жорий қилиниши керак.

Кичик ва ўрта бизнесга мўлжалланган кредит маблағларни ташки иқтисодий фаолият миллий банки жуда суст суръатларда ажратмоқда. Бу кредит ресурсларидан фойдаланишини кўриб чиқадиган кенгаш ташкил этиш зарур.

Нега Европа Тикланиш ва тараққиёт банки ажратган 60 миллион АҚШ доллари миқдоридаги кредитдан фойдаланиш чўзилиб кетмоқда? Сабаб шуки, бизда ана шу кредитни олувчилик аниқланмаган. Ташки иқтисодий фаолият Миллий банки қошида шундай кенгаш тузилса, бу ишлар анча тезлашган бўлур эди.

Мажлисда сўзга чиққанлардан айримлари тадбиркорлар фаолиятини давлат бошқарса, деган истак билдиришди. Йўқ, деди Ислом Каримов, биз амалга ошираётган ислоҳотнинг асосий моҳияти мулкни, иқтисодиётни давлат тасарруфидан чиқариш, сиёsatдан халос этиш эмасми? Бу йўлдан ортга қайтиб бўлмайди. Бизда ишлаб чиқилган бозор муносабатларига ўтишнинг беш тамойилидан бири - давлатнинг мазкур даврда бош ислоҳотчи бўлишидир. Лекин бу иқтисодиётни, ишлаб чиқаришни, тадбиркорлик фаолиятини давлат бошқаради, дегани эмас. Давлат уларнинг самарали ишлаши учун шароит яратиб беради. Қонунлар, солиқлар орқали уларни аниқ мақсадларга йўналтириб туради, керак бўлганда манфаатларини химоя қиласи, дея таъкидлади Президент.

Шу маънода, республикада кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича маҳсус қонун ишлаб чиқиш зарурати бор, деб ўйлайман. Шунингдек, тадбиркорлар оладиган кредитлар учун имтиёзли кафолатлар берадиган суғурта компанияси, ана шу кредитларни йўналтириш бўйича лойиҳалар тайёрлайдиган "Ўзбексармоялойиҳа" компанияси ташкил этиш керак.

Бизнинг барча ҳаракатларимиз моҳиятан Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллигига эришишга қаратилган, деди Президент пировардида. Қишлоқни юксалтирумасдан, халқ хўжалигининг бу соҳасини ўзгартирумасдан, ана шу улуғ мақсадга восил бўла олмаймиз. Ҳар биримиз бу ҳақиқатни дилга жо этиб яшамоғимиз, меҳнат қилмоғимиз, курашмоғимиз даркор.

ФАОЛИЯТИМИЗ ВАТАН МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛСИН

Хеч бир мамлакат хорижий эллар билан иқтисодий муносабаттаға киришмасдан, савдо-сотиқни йўлга қўймасдан, ташқи оламдан узилган ҳолда ривожлана олмайди. Зотан, мамлакат иқтисодий салоҳиятининг юксалишида, унинг дунё миқёсида ўз обрў-эътиборига эга бўлишида ташқи иқтисодий фаолиятнинг аҳамияти бекиёсdir.

1995 йил 4 июль куни Ислом Каримов раислигида ўтган республика Президенти ҳузуридаги Иқтисодий ислоҳотлар, тадбиркорлик ва хорижий сармоялар бўйича идоралараро кенгаш мажлисида ана шу борадаги фаолиятни кенгайтиши хусусида гап борди.

Ўзбекистон истиқлолга эришгач, ўнлаб давлатлар билан мустақил иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўя бошлади. Бу соҳа республика тараққиётининг устувор йўналишларидан бири, давлат сиёсатининг муҳим жиҳати деб белгиланди. Зеро, ташқи иқтисодий алоқалар улкан табиий ва илм-фан салоҳиятига, қудратли экспорт имкониятларига эга бўлган Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги салмоғи ва обрў-эътиборини мустаҳкамлашга хизмат қиласди.

Ташқи иқтисодий фаолиятнинг ҳозирги аҳволи қандай? Аввало, шуни таъкидлаш керакки, республикада хорижий инвестиция учун энг қулай шарт-шароитлар яратилган, уларни ҳимоялаш қонун билан кафолатлаб қўйилган.

Бунинг натижаларини эса ҳозирданоқ кўриб турибмиз. Бу ўринда бизда фаолият бошлаган ДЭУ, Бат, Мицуи, Сименс, Алкатель, Марубени, Мерседес-Бенц, Тиссен ва бошқа кўплаб машхур компанияларни тилга олмоқ кифоя.

Яқинда Американинг ўз тармоғида етакчи бўлган "Ньюмонт майнинг" фирмаси иштирокида Зарафшонда қурилган олтин қазиб

олиш мажмуи ишга туширилди. Хоразмдаги Германиянинг "Мерседес-Бенц" фирмаси билан ҳамкорликда қурилган заводда дастлабки юқ машиналари йигилди. 1996 йилнинг бошларида Кореянинг ДЭУ компанияси билан ҳамкорликда барпо этилаётган завод конвейеридан биринчи Ўзбекистон автомобили чиқади.

Бундан ташқари, автомобилсозлик, электроника, коммуникация ва бошқа соҳаларда республикада илғор технологиялар бозорини шакллантириш, экспортга маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва импортнинг ўрнини босувчи корхоналарни ривожлантариш имконини берадиган бир қанча йирик инвестиция лойиҳалари ҳам амалга оширилмоқда.

Бу эса, табиийки, республикага чет эл сармоясини жалб этишни тақозо қиласди. Шу мақсадда ҳалқаро ва минтақавий молия ташкилотлари ва муассасалари билан ҳамкорлик кенгайтирилмоқда. Ҳусусан, Жаҳон банки, Европа тикланиш ва ривожланиш банки, Япония иқтисодий ҳамкорлик фонди, Германия банклар консорциуми, Германия кредит идораси, Европа иттифоқи комиссияси каби ҳалқаро ташкилотлар билан кредит битимлари имзоланди.

Ўзбекистондаги устувор лойиҳаларни амалга ошириш учун ётқизилган чет эл сармоялари миқдори бугунги кунда 3 миллиард 500 минг долларни ташкил этади.

Шунингдек, Ўзбекистонга узоқ муддатли ва имтиёзли кредитлар ҳам ажратилмоқда. Кредит миқдори 600 миллион АҚШ долларидан ошди. Бироқ инвестиция лойиҳаларини факат хорижий кредитлар ҳисобига маблағ билан таъминлаш мақбул эмас. Миллий иқтисодиёт қарз ҳисобига яшай олмайди. Ўзбекистон шу кунга қадар ҳеч кимдан қарздор эмас ва келажакда ҳам бундай бўлишига йўл қўйилмайди. Бунинг учун эса ўзимизнинг салоҳиятимиз ва ресурсларимизга таяниб дунё бозорида рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш, уни сотиш эвазига маблағ топиш керак бўлади.

Шундай катта имкониятларга эга бўлатуриб нега Ўзбекистонда экспортга товар чиқариш кўнгилдагидек эмас? Бу йўлда эҳтиёткорлик баҳонасида сансоларликка, оворагарчиликка йўл қўйилмаяптими? Экспорт ва импорт операцияларини амалга ошириш тартиби ўта мураккаб эмасми? Жаҳон бозорига дадил кириб бориш, унда

Ўзбекистон мустаҳкам ўрин эгаллаши учун нима қилиш керак?

Бунинг учун четга маҳсулот чиқариш тартибини соддалаштириш, пахта, кора ва рангли металлар, нефть ва газ конденсати каби стратегик аҳамиятга молик бўлган маҳсулотлардан ташқари товарларни четга чиқаришни эркинлаштириш чоратадбирларини кўрмоқ, яъни савдони давлат томонидан бошқариш тадбирлари билан ички бозорни ва ўз ишлаб чиқарувчиларимизни ҳимоя қилишни таъминловчи ўзгарувчан механизмни шакллантириш зарур, деди Президент мажлисда.

Шуни таъкидлаш керакки, республикада бу борадаги ишлар анча олдин бошланган, экспорти давлат назоратида амалга ошириладиган квота ва лицензия бериладиган товарлар рўйхатини босқичма-босқич қисқартириш мақсадида Вазирлар Махкамасининг 1994 йил 17 ноябрдаги 558-қарори билан мазкур рўйхат 26 тадан 11 та товар гурӯхига туширилган эди. Бугун бу рўйхатни 4 та позициягача қисқартириш тўғрисидаги таклифлар кўриб чиқилмоқда.

Мана шу мақсадда республикада тарифсиз бошқаришнинг каттиқ чора-тадбирларидан халқаро қабул қилинган тарифли бошқаришга босқичма-босқич ўтишни таъминлайдиган норматив-хуқуқий негиз ва ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш механизми яратилди. Унга кўра, четга чиқарилаётган товарларнинг аҳамиятига қараб бож тарифлари белгиланади. Шу ўринда Президент бир мисол келтирид: масалан, табиий асалга 10 фоиз бож тўлови белгиланади. Шу тўғрими? Бизда асал тўлиб-тошиб ётибдими?! Ёки уруғлик чигитни олинг. Уни бирор биздан зарурат юзасидан сотиб олади. Ана шундай маҳсулотларга юқори тариф ставкалари белгилаш керакки, уларни олиб чиқиб кетиш ҳажми камайсин. Олиб чиқиб кетилса, бизга фойда келтирсан. Айрим маҳсулотларга эса пастроқ бож тўлови белгилаш мумкин. Ортиқча, харидор топилмай тўпланиб қолган маҳсулотларни эса ҳеч қандай бож тўловсиз ҳам сотиб юбориш керак. Ўзимиздаги шаклланган нархини тўлаб, олиб кетаверишсан. Қисқача айтганда, тарифли бошқариш чоратадбирлари тизимини ривожлантириш сифатли товарлар импортини рағбатлантириш, мамлакатимиз товарлари ва хизматлари экспортини кенгайтириш, ички ишлаб чиқарувчиларнинг манфаатларини ҳимоя

қилиш, шунингдек, ички ва жаҳон нархлари ўртасидаги мавжуд номутаносибликларни бартараф этиш имконини бериши керак.

Хулоса шуки, ташқи иқтисодий фаолиятдаги ҳар бир қадам Ватан ва ҳалқ манфаатини кўзда тутган ҳолда қўйилиши, ана шу манфаат йўлида хизмат қилиши даркор.

Бунёд этилаётган улкан иншоотларни сармоя билан таъминлашда, қолаверса, миллий валютамиз - сўмнинг харид қобилиятини мустаҳкамлашда, унинг хорижий валюталар билан том маънодаги эркин алмашувига эришишда ташқи иқтисодий фаолиятнинг, хусусан, четга товарлар экспорт қилишнинг аҳамияти каттадир, деди Президент. Зоро, хорижга қанча кўп маҳсулот сотсак, республикага шунча чет эл валютаси кириб келади ва у сўмимиз кудратини таъминлашга хизмат қиласди.

Шуни унутмайликки, сўмнинг конвертациясига эришиш - бу йилги фаолиятимизнинг энг муҳим вазифасидир. Чунки, кучли миллий валюта - мамлакатнинг нуфузи, иқтисодий қудратининг белгиси, унинг келажагидир.

Бизнинг пул эмиссиясини қисқартирганимиз, асоссиз кредитлар ажратишни тўхтатганимиз - бошқача айтганда, қаттиқ пул-молия сиёсатини ўтказаётганимизнинг моҳияти ҳам айнан ана шу мақсадга каратилгандир. Бу осон кечмайди, албатта.

Маошни оширишни, керакли-кераксиз кредитлар беришни тарғиб этаётган айrim соҳта обрў тарафдорларининг гапига учмай, ана шу сиёсатни амалга оширсак, бу харакатларнинг натижасини кўрамиз. Бозорларимизда нархнинг барқарорлашиб қолгани, айrim ҳолларда эса унинг туша бошлагани шундан далолат бериб турибди.

Мамлакат иқтисодиётига чет эл сармоясини жалб этиш - ташқи иқтисодий фаолиятнинг асосий жиҳатларидан биридир. Бунинг учун эса жойларда қулай шароит - инфраструктура яратмоқ лозим бўлади.

Асака, Қоровулбозордаги улкан курилишларга чет эллик сармоядорларнинг қизиққани, ўз маблағини иккиланмай сарф этганига сабаб шуки, бу заводларнинг корпуслари асосан тикланган, газ, сув, йўл ўтказилган эди. Бундан шундай хулоса чиқадики, хеч бир хорижий ишбилармон, фирма ёки компания қуруқ ерга сармоя киритмайди. У сарфланган маблағининг фойда келтиришига ишонч

хосил қылғандагина ишга қўл уради. Демак, кимки ўз фаолиятида чет эл сармоясидан фойдаланишни истаса, шунга яраша инфраструктура яратиш хусусида ўйламоғи керак.

Чет эл сармоясими икътисодиётга жалб этишнинг яна бир йўли - ишлаб турган завод ва фабрикалар негизида қўшма корхоналар ташкил этишдир.

Илгари пахта териш машиналари фақат АҚШ билан Совет Иттифоқи - Ўзбекистонда ишлаб чиқарилар эди. Хўжалик алоқаларининг узилиши бизга салбий таъсир этди. Бундай машиналарни ишлаб чиқариш 10 мингдан 2,5 минг донага тушиб қолди. Бу вазиятдан қандай чиқса бўлади?

Ҳозир Американинг "Кейс" компанияси билан тенг шерикчилик асосида қўшма корхона ташкил этиш борасида иш олиб борилаётир. Бу бизга нима беради? Аввало, саноатга илғор технология жорий этилади, маҳсулот ҳажми ва сифати ортади, уни нафақат ён қўшниларимизга, балки хорижий давлатларга ҳам сотиш имкони вужудга келади. Биз ана шундай устувор йўналишларни аниқлаб, капитал маблағларни ўша соҳаларга сарф этиб, кутилган натижаларга эришмоғимиз мумкин.

Мажлисда Президент қатъий талаб қўйди: экспорт қилишга курбли бўлган ҳар бир соҳа, ҳар бир маҳсулот бўйича аниқ дастур ишлаб чиқиш керак. Унда мазкур маҳсулот қандай хом ашё асосида, кимнинг иштирокида қанча тайёрланади, таннархи қанчага тушади, кимга қандай нархда сотилади, қанча фойда бўлади - буларнинг барчаси ҳисоб-китоб қилиниши лозим. Шундагина маҳсулот омборларда тўпланмайди, тўловлар ўз вақтида амалга ошади - ҳеч ким доғда қолмайди.

Ҳозир тайёрланаётган, хукуқий экспертизадан ўтган "Ташқи икътисодий фаолиятни янада эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент Фармони ва уни амалга ошириш бўйича хукumat қарори лойиҳаларида юкорида зикр этилган масалалар ўз ечимини топади. Бу хужжатларнинг қабул қилиниши ташқи савдо-сотикини янада эркинлаштиришга, бозорларимизни бундан-да тўкин-сочин қилишга, тадбиркорларга кенг йўл очиб беришга хизмат қиласиди.

Бугун Ўзбекистонни бутун дунё танийди, деди Ислом Каримов. Улкан иқтисодий ва илм-зиё салоҳияти, ишлаб чиқариш имкониятлари, меҳнатсевар ҳалқи унга жаҳон миқёсида обрў келтирди. Мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ биз нефть ишлаб чиқаришни 1 миллион тоннадан 6-7 миллион тоннага, газни 8 миллиард кубометрдан 48-50 миллиард кубометрга етказдик. Фалла мустақиллигига эришаётганимиздан, гўшт ва сут маҳсулотлари билан ўзимизни таъминлашга ўтаётганимиздан барча боҳабар. Демоқчиманки, Ўзбекистон ҳар қандай хорижий давлатга қурдатли, ишончли ҳамкор бўла олади. Фақат ташқи иқтисодий фаолиятдаги устувор йўналишларни аниқ белгилаб, бу йўлдаги ортиқча тўсиқ ва ғовларни бартараф этиб иш олиб борсак, мутараққий мамлакатлар сафидан муносиб ўрин олиш, ҳалқимизга фаровон турмуш шароити яратиб бериш, том маънодаги буюк давлат барпо этишдек олий мақсадимизга тезроқ эришамиз.

ИСЛОХОТИМИЗ ТАМОЙИЛЛАРИ

"Российская газета" муҳбирининг саволларига жавоблар

Ўзбекистон тараққиётининг кейинги уч йиллик якунлари танланган иқтисодий моделнинг тўғрилигидан далолат беради. Ўзбекистон собиқ СССРдаги кўпгина республикалар ўтиш даврида дуч келаётган жуда кўп муаммоларни четлаб ўтди. Ички ялпи маҳсулот бу даврда йилига 4 фоиздан ортиқ камаймади. Саноат ишлаб чиқаришининг пасайиши 1993 йилда 11 фоизни, 1994 йилда 4 фоизни, 1995 йилнинг биринчи чорагида 3 фоизни ташкил этди. Ўзбекистоннинг бугунги кундаги иқтисодий кўрсаткичлари МДҲ бўйича энг яхши кўрсаткичлардир. Амалга оширилаётган модел жамиятда барқарорликни сақлаб қолиб, 1996-1997 йилларда иқтисодий ривожланиш учун аниқ истиқболлар яратиш имконини берди.

- Ислом Абдуғаниевич, назаримда, ҳозир Ўзбекистонда ва собиқ СССР республикалари бўлган бошқа давлатларда 1991-1993 йилларда бошланган ўзгаришларга илк бор якун ясаса бўлади. Ўзбекистон ўз кўрсаткичлари билан Ҳамдўстликда етакчилик қилаётгани барчага маълум. Республикангизда юз бераётган ўзгаришлар МДҲ мамлакатларида ҳам, хорижда ҳам сиёсатчилар, иқтисодчилар, сиёсатшунослар эътиборини тобора кўпроқ жалб этмоқда. Кўпчилик мутахассисларнинг фикрига қараганда, ислоҳотларнинг Ўзбекистон модели барчанинг эътиборини қозонди. Ўзбекистон танлаб олган тараққиёт йўлининг ўзига хос хусусиятлари нимадан иборат?

- Биз ўзимиз танлаб олган тараққиёт йўли ҳақида гапирганда, энг аввало, бундан уч йил бурун шаклланиб, моделимизга асос бўлган беш тамойилни назарда тутамиз. Улар қуйидагилардан иборат: иқтисодиётнинг сиёсатдан устуворлиги; давлатнинг бош ислоҳотчи экани; ҳаётнинг барча соҳасида қонун устун туриши; кучли ижтимоий

сиёsat; бозорга тадрижий равишда ўтиш. Ўз тараққиёт йўлимиз билан боғлиқ бўлган барча нарсани ана шу тамойиллар акс эттиради.

Биз буйруқбозлиқ тизимидан воз кечишга қарор қилганимизда нимага эга эдик? Илгариги тизимнинг номақбуллиги Ўзбекистонда барчага аён бўлиб қолган эди. У тизим капиталистик тизим билан мусобакада енгилгани учунгина бу фикр пайдо бўлгани йўқ, албатта. Ўзбекистондаги ахвол республикамиз хомашё базаси бўлиб қолгани туфайли янада мураккаблашган эди. Ягона иттифоқ мажмуида Ўзбекистон ўзига олдиндан ажратилган ўрин - пахта етказиб берувчи республика вазифасини ўтар эди.

Маълумки, Совет Иттифоқининг қўпгина республикаларидағи турмуш даражаси Россиядагидан ҳам кўра баланд эди. Бироқ Ўзбекистон бу қатордан ўрин олмаган эди. Республика улкан табиий, минерал хомашё салоҳиятига эга эди. Халқ пахта далаларида тер тўкиб меҳнат қилар, заҳарли моддалардан нафас олар, соғлиғига зарар етказар эдию, бироқ ўзи камбағаллигича қолаверарди. Унинг хаётида оғир меҳнатдан бошқа нарса йўқ эди. Миллионлаб кишиларнинг тақдири ана шундай эди.

Биз бундай яшаш мумкин эмаслигини англаб етдик ва шу ўринда: бундан буён қайси йўлдан бориш керак, деган савол туғилди. Ўша пайтда қўпчилик тараққиётнинг Фарб моделини олиб, ўзимизнинг шароитга жорий қилиш ғояси билан яшарди. Бозор муносабатларига ўтайлик, ҳамма нарса жойида бўлади, деган сархуш кайфият эсингиздадир.

Ўшандаёқ бу унчалик осон иш эмаслиги аниқ эди. Бу масаланинг концепция ва стратегиясини, мақсадларини, дастурини, босқичларини ва энг муҳими, қандай салбий оқибатлар юзага келиши эҳтимоли борлигини яхшилаб ўйлаб кўриш зарур эди. Мен ҳар доим, ўзимизнинг барча амалий ишларимда мана шу тамойилларга амал қиласман. Бирон бир қарорга келишдан олдин, энг аввало, ижобий натижани эмас, салбий оқибатларни ўйлайман.

Ўша пайтда қўпгина сиёsatчилар тизимнинг кескин ўзгариши туфайли келиб чиқадиган салбий оқибатларни чуқур тахлил қилишмади. Мулоҳазали кишилар бундай қилиш мумкин эмас, бу ёмон оқибатларга, ижтимоий ларзаларга олиб келиши мумкин,

деганида уларга қараб: "Күйсангларчи, ҳамма иш жойида бўлади!" деб жавоб қилишиди.

Ўзбекистонда биз маълум турмуш тарзига ўрганган кишилар ундан осонлик билан қутулолмаслигини билардик. Бундай шароитдан ягона хulosса келиб чиқарди, яъни шунчаки дастурни ишлаб чиқиб, унинг ичига одамларни киритиб бўлмас эди. Улар бозор иқтисодиёти етаклаб келаётган машаққатларни кўтара оладими, йўқми - ана шуни ўйлаш зарур эди. Бошқа давлатлар тажрибаси билан танишув бозор иқтисодиёти - елкасида жуда салмоқли сарф-харажат кўтариб келаётган тизим эканини кўрсатади. Шунинг учун ҳам биз ислоҳотлар дастуримизни Ўзбекистоннинг аниқ шароитига мослаштиридик. Биз кишиларимизнинг табиати, тафаккур тарзи, анъаналари, ҳаётий қадриятларга, хусусан миллий маданиятга муносабатини иложи борича кўпроқ ҳисобга олишга ҳаракат қилдик. Орадан уч ярим йил ўтган бугунги кунда бу - тўғри эканига амин бўлиб турибмиз.

Тўрт йил бурун Ўзбекистонда қишлоқ аҳолиси ҳар бир оиласга 25 сотихдан ер олди. Ҳаммаси бўлиб 750 минг гектарга яқин ер тақсимлаб берилди. Бу республикадаги ҳосилдор ернинг қарийб 20 фоизини ташкил этади. Бу иш одатда 5-7 тадан фарзанди бўлган қишлоқ оиласларига озиқ-овқат ва моддий муаммоларни ечишда сезиларли даражада ёрдам берди.

Ўз вақтида Ўзбекистон учун Россиядан олинадиган нефт ва ғалла учун қарамлик жиiddий муаммо эди. 1994 йилда Ўзбекистон Россиядан паҳтага айирбош қилиб, 3,5 миллион тонна нефт олди. 1995 йилда 750 минг тонна нефт олиш мўлжалланган эди, бироқ йилнинг биринчи чорагида 150 минг тонна нефт олиб келинди, холос. 1996-1997 йилларда давлатни нефт билан мустақил таъминлаш даражасига чиқиш мўлжалланмоқда.

1994 йилда Ўзбекистон 1 миллион 300 минг тонна ғалла йиғиб олди. Бу йил 3 миллион 300 минг тонна ғалла йиғиш режалаштирилган. Шуни айтиш ўринлики, илгариги шўролар замонида бу майдонларда ғалла етиштирилмас - барча майдонни паҳта эгаллаб олган эди.

- Собиқ СССРнинг кўпгина республикаларида ислоҳотлар қийин кечмоқда. Айрим давлатларда улар умуман муваффақиятсизликка

учради. У жойларда содир бўлаётган ишларни давлат ҳаётининг турли томонлари таназзулга юз бураётганидан бошқа нарса деб баҳолаб бўлмайди. Одамлар кутишдан чарчаган, қачонлардир яхши ҳаёт бошланишидан умидини узган. Мамлакатингизда одамлар ўтиш даврини қандай кечиришмоқда?

- Ҳақиқатан ҳам, бозор иқтисодиёти ғоялари минбарлардан туриб эълон қилинганида кишилар буни осойишталик билан кутиб олган эди. Бироқ, иш бевосита уларнинг манфаатига бориб тақалганда, ишсизлик пайдо бўлганида, одамлар кўп нарсадан айрила бошлаганида улар бозор муносабатлари ширингина ҳолва эмаслиги, кўзни бир очиб юмганда Австрия, ёки айтайлик Швеция шароити барпо бўлиб қолмаслигини ҳис этишди. Айрим давлатларда шундай жараёнлар кўзга ташландик, мен уларни ислоҳотлар ғоясини обрўсизлантириш, деб атаган бўлардим. Бу ҳол эртага иқтисодий янгилинишлар йўлида жиддий ғов бўлиши мумкин.

Мен учун ўтган уч ярим йил натижалари ичida ўсиш ва олға босишимиздаги нисбатан маълум ижобий ютуқлардан кўра, кишиларимизнинг ислоҳотларни қўллаб-қувватлаётгани кўпроқ маълум. Одамларга қийин, албатта. Лекин биз қийинчиликларни енгиллатишга ҳаракат қиляпмиз. Биз бу қийинчиликларга тайёр эдик. Мен юқорида айтган беш тамойилдан бири кучли ижтимоий сиёsat ўтказиш экани ҳам бежиз эмас.

Бизда ислоҳотларни обрўсизлантириш юз бергани йўқ. Ҳатто одамларимиз ислоҳотларнинг муваффақият билан якунланишига ишонади. Бу жараён тобора қатъийлашиб бормокда. Мен ҳар доим таъкидлаганим-таъкидлаган: бизда орқага қайтиш бўлмайди. Биз, эҳтимол, олға қараб унча тез силжиганимиз йўқдир. Биз, мисол учун, Қозоғистон ёки Қирғизистонда бўлганидек, ислоҳотлар жараёнига унчалик шошилмадик. Бунинг ўрнига, ислоҳотларга яхшилаб тайёргарлик кўрдик. Мана бугун, айрим якунлар чиқариш пайти келганида: ҳа, бизда ислоҳотларни обрўсизлантириш юз бермади, деб аниқ айта оламиз.

- Сиз "ислоҳотларни тайёрлаш" деганда нималарни назарда тутаяпсиз?

- Биз, энг аввало, хукуқий асосни тайёрладик. Жамиятимизнинг

асосий ақидалари, унинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий йўналишлари белгилаб берилган конституциямиз ҳам ана шу асосга қурилган. Биз қонунчилик базасини барпо этиб, бутун давлат тузилмасини ўзгартиридик. У ҳозир бозор максадларига жавоб беради. Машхур маъмурий тизим қонунларига мос бўлган тузилмани тугатдик. Мен давлат План қўмитаси, давлат таъминоти ва бошқа тузилмаларни назарда тутяпман.

Ҳар бир қурилишда пойдевор нимадан - лойданми ёки цементдан иборат экани муҳимдир. Бино қанча баланд бўлса, унинг пойдевори шунча чукур бўлиши керак. Айниқса, зилзила кўп бўладиган жойларда бунга риоя қилиниши лозим. Агар пойдевор бақувват бўлмаса, бино ҳар қандай, энг заиф силкинишдан ҳам қулаб тушади. Биз бу жараёнда ҳам шошилмадик. Бинонинг мустаҳкам бўлишини ўйладик.

Собиқ СССР республикалари бўлган кўпгина давлатларда Конституция доимий равишда ўзгариб туриши, ҳокимият тармоқлари ўртасидаги зиддият тугамаётгани, бошқарув тизими йўлга қуйилмагани каби ҳолларни кузатамиз. Буларнинг барчаси жамиятда барқарорликни таъминлаши, иқтисодиётнинг табиий ривожланиши учун шарт-шароит яратилиши ва ўз фуқароларини ҳимоя қилиши лозим бўлган давлатнинг ўзи бекарор вазият манбаига айланиб қолишига олиб келади. Мисолларни узоқдан қидириб юриш шарт эмас. Уларни ўзингиз кўриб турибсиз.

Бизда бунга ўхшаш нарсалар йўқ. Демак, биз анчагина мустаҳкам пойдевор қўйғанмиз, дейишга ҳаққим бор. Шуни ҳам айтиш ортиқчалик қилмайдики, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, БМТ ва бошқа ҳалқаро ташкилотларнинг энг яхши мутахассислари конституциямиз, ҳуқуқий меъёрларимиз, бошқарув тузилмамизни жуда чукур ва синчковлик билан ўрганиб, улар давр талабига мос эканини эътироф этишди.

- Бундан бир-икки йил муқаддам Ўзбекистон шаънига инсон ҳуқуқларининг бузилиши ва матбуот эркинлиги йўқлиги хусусида, айниқса, кўп таъналар айтилар эди...

Танқидчиларимизга одатда биз бу масалани икки қисмга ажратишни таклиф қиласиз: биринчиси - қонуний негиз; иккинчи

қисми - унинг амалга оширилиши. Биз улардан: айтингчи, инсон хуқуклари, вијдон эркинлиги, диний эътиқод эркинлиги ва бошка масалалар бўйича қонунларимиздаги қоидаларга бирор эътиrozингиз борми, деб сўраймиз. Улар эса, йўқ!- деб жавоб беришади.

Масаланинг иккинчи қисми бу қоидаларни амалга оширишдан иборат. Бу ўринда мен ана шу меъёрларнинг бизнинг амалий турмушимизга мослиги ёки мос эмаслиги нуқтаи назаридан саволлар бўлиши мумкинлигини эътироф этаман. Матбуот эркинлиги нуқтаи назаридан қараганда, инсон хуқувлари билан боғлиқ масалаларда биз ҳали ўзимиз интилаётган демократик меъёрларга етишмаганимизни ҳам эътироф этаман.

Тўғри, бизда давлатга тааллуқли бўлмаган, демократик, ижтимоий тузилмалар фаолияти, уларнинг давлат тузилмалари билан ўзаро алоказлари билан боғлиқ масалаларда ҳал этилмаган жиҳатлар кўп. Биз ҳали нималар ижтимоий тузилма эканини, уларнинг қандай хуқуки борлигини, давлат тузилмаларининг, айниқса куч ишлатиш билан боғлиқ тузилмаларининг хуқувлари қандайлигини, демократик давлат доирасида уларнинг ўзаро муносабатлари қандай бўлиши лозимлигини зарур даражада тушуниб етганимизча йўқ. Ҳа, биз ҳали бу даражага етганимиз йўқ. Хўш, бу даражага қаерда тўла-тўқис эришилган?

Афсуски, фармонлар чиқариш йўли билан бунга эришиб бўлмайди. Агар мен битта фармон чиқариб, жамиятга демократик ва бозор иқтисодиётини жорий эта олганимда эди, дархол шундай қилган бўлардим. Одамларнинг онггини ўзгартириш, қонунларни хурмат қиласиган эркин фуқароларнинг уйғун ривожланган жамиятини барпо этиш учун қанчалар йил керак бўлади. Германия, Буюк Британия 1789 йилги инқилобдан бошлаб Франция мана шундай жамият қургунига қанча вақт кетган?

Ўзбекистонда барча демократик меъёрларга мос келадиган матбуот эркинлиги йўқ, деб гапиришса, мен уларга: тўғри, ҳақиқатан ҳам шундай, мен бу фикрга қўшиламан,- деб жавоб қиласман. Бироқ, биз бунга интиляпмиз, бундай демократик меъёрларга эришиш бизнинг мақсадимиздир. Бу масалаларда мен бошбошдоқликни тан олмайман ва бунга йўл қўймайман ҳам. Бошбошдоқлик қон

тўкилишига, вайронагарчиликка олиб келади. Буни тушуниб етиш учун атрофга назар солиш кифоя. Айнан шу сабабли биз иқтисодиётнинг сиёсатдан устун туришини эълон қилди. Айнан шу боис ўзгаришлар жараёнини давлат назорат қилиб ва бошқарib турибди. Мен матбуот ва оммавий ахборот воситалари соҳасида муайян сиёсат мавжудлигини рад қилмайман. Бошқача бўлганида эди, сиз билан биз ҳозир ўзгача якунлар тўғрисида гаплашаётган бўлардик.

Ўзбекистон раҳбарияти вакилларининг шу йил март ойида сармоядор мамлакатлар вакиллари билан Париждаги маслаҳат учрашуvida Ўзбекистондаги ислоҳотларнинг якунлари ижобий баҳоланди. Халқаро молия ташкилотлари - Халқаро валюта жамғармаси, Европа қайта тиклаш ва тараққиёт банки, Жаҳон банки мутахассислари пул билан таъминлаш учун Ўзбекистон тақлиф этган лойиҳаларнинг кўп қисмини маъқулладилар.

Хусусан Ўзбекистон Республикаси шу йилнинг октябрига қадар 650 миллион доллар микдорида тикланиш заёми олади. Бу пул миллий валюта - сўмни мустаҳкамлаш учун ҳамда бевосита муайян лойиҳаларни амалга оширишга сарфланади. Пахта лойиҳасини амалга оширишга (чигитли пахтани сертификациялаш ва шу кабиларга) 60 миллион доллар олинди. Кўқдумалоқ нефт конини ривожлантиришга 170 миллион доллар, Мингбулоқ нефт конини ривожлантиришга 40 миллион доллар, Муборак нефт-газ конларини ривожлантиришга 60 миллион доллар, Шўртан-газ мажмуига 120 миллион доллар, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи курилишига 160 миллион доллар олинади. Сармояларнинг умумий ҳажми деярли 1 миллиард долларга етади.

Айни пайтда булар давлат сармояси эмас, балки компанияларнинг бевосита сармояси эканини алоҳида таъкидлаш керак. Ўзбекистон - барча МДҲ аъзолари орасида ташки қарзи бўлмаган ягона давлатдир.

- Беш йил олдинги воқеаларга - иттифоқнинг парчаланиши ва МДҲ тузилишига назар соладиган бўлсак, бу давлатлараро тузилма бажараётган ишларга сиз қандай беҳо берасиз, сизнингча МДҲнинг истиқболлари қандай?

- Шуни айтиб қўяйки, Ўзбекистон Совет Иттифоқини парчалаб ташлаган давлатлар қаторига кирмайди. Россия матбуотида мустақиллик паради тўғрисида гапирилганида нима учундир кўпинча Ўрта Осиё давлатлари тилга олинади. Аслида эса, мустақиллик парадини биз бошлаган эмасмиз.

Беложевская Пушча воқеасидан сўнг жаноб Горбачёв СССРни сақлаб қолиш учун курашдан ихтиёрий равишда воз кечди. У ҳатто ҳаммамизни тўплаб, биздан: сизлар бунга тайёрмисизлар ёки тайёр эмасмисизлар, деб сўрашга ҳам уринмади. Унинг мавқеида шундай қилиш табиий бўлур эди. Башарти, мен унинг ўрнида бўлганимда эди, ҳаммага телефон қилиб: келинглар, сўнгги марта тўпланийлик, балки бу сўнгги тўпланишимиз бўлар, сизлар қўйган қадам оқибатларини муҳокама қиласайлик, деган бўлардим.

Масалани шу тарзда қўйиш мумкинми? Мен учрашувга боришдан бош тортармидим? Бош тортишга менинг ҳаққим йўқ эди. Нима учун? Чунки, ҳали мавжуд давлат Президенти бизни тўпланишга таклиф қиласпти. Бу ҳақда у газета сахифаси ва телевидение орқали ҳам айтиши мумкин эди. Хўш, ким бош тортар эди? Ҳеч ким. Президент шундай қилдими? Йўқ! Биз тўпланиб, вужудга келган аҳволни муҳокама қилишимизни ҳаётнинг ўзи талаб қиласа ҳам, жаноб Горбачёв бундай қилмади. Гапим холисона бўлиши учун Янги Огареводаги кенгаш иштирокчиларидан айримларимиз Михайл Горбачёвга СССРнинг бўлажак тузилиши варианти сифатида конфедерация тузишни бир эмас, бир неча бор таклиф қилганимизни таъкидлаш ортиқча бўлмайди. Бироқ, ақл-идрок эмас, балки нафсоният устун чиқди.

СССР парчаланиб кетганидан сўнг давлатлараро тузилманинг шакли сифатида МДХ зарур эди. Ҳеч бўлмаганда, биз Югославия йўлидан бормаслигимиз учун зарур эди. Башарти, ҳамма ўз хонадонига тарқалиб кетиб, ҳеч қандай давлатлараро тузилма бўлмаганида эди, бошбошдоқлик бошланган бўлур эди. МДХ ўзаро фикрлашишга, айрим карорларни қабул қилишга имкон берди. Бу карорларнинг кўпи бажарилмаган бўлса ҳам, улар эҳтимол бажарилар, деган тасаввурни пайдо қилди. МДХ давлатлараро тузилма сифатида маълум даражада бошқарувни сақлаб қолишга,

тартибсизликка йўл қўйилмасликка имконият яратди. Ҳолбуки, воқеаларнинг салбий тарзда ривожланиши эҳтимоли жуда юқори даражада эди. Ҳозир биз нимага эришдик? Бугунги кунгача МДҲ доирасида 500 га яқин ҳужжат қабул қилинди. Бу ҳужжатларнинг катта қисми амал қиласиги. Ҳозирги пайтда МДҲда мавжуд бўлган шакл бундан буён ҳам сақланиб қоладиган бўлса, МДҲнинг истиқболи бўлмайди. МДҲ аввало иқтисодий соҳада жиддий такомиллаштиришга муҳтождир.

Биз интеграция - бирлашиш тўғрисида кўп гапирамиз. Бироқ, амалда интеграция стратегиясининг ўзи йўқ. Масалан, мен аввало интеграция концепциясини ишлаб чиқиши масаласини ўртага қўйган бўлур эдим. Ҳамма учун бир хилда мақбул бўладиган интеграция стратегияси асос қилиб олиниши керак эди. Бунинг зарурлигини ҳозир ҳеч ким инкор этмайди. Ҳозирги пайтда давлатлар бир-бирини иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватламаса, сармоя, товарлар, пул тўловлари эркин ҳаракат қиласа, бирорта давлат яшай олмаслигини ҳамма (кўпчилик эса дўппи тор келиб қолганидан сўнг) англаб етди. Биз бир-биrimiz билан ўзаро боғлиқмиз. Ҳозирги кунда МДҲдаги бирорта давлат иқтисодиёти ҳам бошқалардан ажralган ҳолда мавжуд бўла олмайди. Ҳар қандай масалада алоҳида мавқеда туришга интилаётган Туркманистон иқтисодиёти ҳам ўзаро алоқаларсиз яшай олмайди.

Назаримда, иқтисодий интеграциялашнинг стратегик йўлига ўтиш, божхоналарни тугатиш, нарх-навога эркин тус бериш ва умуман нарх сиёсатини яқинлаштириш, тўловларнинг ўтиши, давлатлараро, молиявий ҳамда молия-саноат корпорациялари фаолият кўрсатиши масалаларини, мажбуриятлар ва қабул қилинган қарорларнинг ўзаро бажарилишини назорат қилиб бориш масалаларини ҳал этиш мақсаддага мувофиқ бўлур эди.

Бу - биз ҳаракат қилишимиз лозим бўлган йўналишдир. Биз эндиғина тўловларнинг ўтиши ҳамда валюталарни алмаштириш масалаларини ҳал этиши лозим бўлган валюта қўмитасини тузяпмиз. Бу масала билан анча олдин шуғулланиш лозим эди. Иқтисодий интеграция жараёни жуда узоқ вақт давом этади. Ғарбдаги иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатлар шу йўлдан 15 йилдан буён аста-

секин бормоқда ва ҳамон муаммоларга дуч келмоқда. Аммо уларда пайдо бўлаётган муаммоларни ва можароларни ҳал этишга имкон берадиган механизм пухта ишлаб чиқилган.

- МДҲга аъзо бўлган давлатлар бошлиқларининг олий даражадаги учрашувлари хусусан иқтисодиёт соҳасида сезиларли самара беряпти, дейиш мумкинми?

- Афсуски, ҳозирги пайтда иқтисодий интеграция муаммоси иккинчи қаторга суриб қўйилди. Биринчи навбатда ягона ҳарбий худудни барпо этиш, чегараларни қўриқлашнинг янги тизимини ташкил этиш стратегияси таклиф этилмоқда. Мен бу масалалар муҳимлигини инкор қилмайман. Уларни ҳал этиш керак. Аммо, биринчи навбатда етилган иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш лозим. Ҳамма нарсанинг ўз вақти-соати бор. Энг муҳими - барча давлатнинг тенг хукуқлилигига риоя қилишдир.

Айтишим мумкинки, баъзи давлатлардаги айрим сиёsatчилар ва ҳарбийлар биз учун мақбул бўлмаган режалар тарафдоридир. Бу ўринда мен қабул қилган қарорлари барча учун мажбурий бўладиган қандайдир ягона парламент ёки ассамблея тузиш режаларини, ягона куролли кучлар ва чегара қўшинларини тузиш режаларини кўзда тутяпман. Бу орқага қайтиш, отнинг бошини аравага қаратиб қўшиш эмасми?

Яна бир бор тақрорлайман: умуман интеграция эмас, балки иқтисодий интеграциянинг аниқ вазифалари ўртага қўйилганида эди, ишончим комилки, СССРдаги собиқ республикаларнинг ҳаммаси бу масалага ижобий муносабатда бўлур эди.

Назаримда, МДҲ келажаги, энг аввало, Россияга боғлиқ. Россия - МДҲни мустаҳкамлаб турадиган цементнинг ўзидир. Россия бу тузилманинг энг муҳим бўғинидир. Россия бўлмаса, МДҲ тарқалиб кетади. Буни ҳозирги пайтда Давлат Думасида, Россия Федерацияси ҳукуматида мажлис ўтказиб, қарорлар қабул қилаётганлар англаб олиши керак.

Шу йил май ойида Ўзбекистонда олтин қазиб чиқарадиган "Зарафшон - Ньюмонт" Ўзбекистон - Америка қўшма корхонаси ишга туширилди. Америкалик шериклар томонидан сарфланган сармоя ҳажми бўйича бу корхона МДҲдаги энг йирик корхоналар қаторига

киради.

Хоразмда "Мерседес" фирмаси автомобиллари ишлаб чиқариладиган автомобил йиғиши заводи қурилиши тугалланмоқда. Бу корхонада дастлабки юк автомобиллари ва автобуслари ўтган йилнинг февралида йиғилган эди. Келажакда енгил автомобил ишлаб чиқариш кўзда тутилган.

Андижонда Жанубий Кореянинг "ДЭУ" корпорацияси трактор прицеплари ишлаб чиқарадиган завод негизида кичик литражли автомобиллар, фургонлар ва юк машиналари йиғиладиган заводни жадал суръат билан курмоқда.

- Тожикистон ҳокимияти ва муҳолифат ўртасида мулоқотни йўлга қўйиш юзасидан Ўзбекистон бошлаган ташабbus Россиядаги кўп кишилар учун кутилмаган воқеа бўлди. Сизнингча, Тожикистон можаросини бартараф этиш истиқболлари қандай ва Ўзбекистон бу муаммони ҳал этишда Россиянинг тутган ўрнини қандай баҳолайди?

- Тожикистондаги ахвол бизни ташвишга солмай қолмайди. Биз бу давлатдаги можаро бартараф этилиб, минтақада барқарорлик таъминланишидан жуда манфаатдормиз. Қўшни мамлакатдаги вазиятнинг барқарорлашуви бизнинг манфаатларимизга мос келади. Бу аввало, тожикларнинг ўзлари учун зарур. Ўзгаришларни осойишта вазиятда амалга оширишимиз учун бизга ҳам, Тожикистонда яшаётган ватандошларимиз - ўзбекларга ҳам зарур.

Тожикистондаги ҳозирги ҳокимият назаре кучига мангу таяна олмайди. Тожикистон ҳокимияти муҳолифат билан муроса йўлини топиши зарур ва биз бу ишда кўмаклашишга ҳаракат қиляпмиз.

Россия ҳарбийларининг Тожикистонда туришига келганда эса, бу ҳол можарони тийиб туришга имкон бермоқда албатта, бироқ бу - масалани ҳал қилиш йўли эмас. Масалани фақат сиёсий йўл билан ҳал этиш натижасидагина Тожикистонда барқарорлик бошланиши мумкин.

Ҳар қандай ҳаракат қарши ҳаракатни келтириб чиқаради. Муҳолифат Россия ва Тожикистон ҳукумат қўшинларига қарши ҳаракатларни кучайтиришга қодир. Афғонистонлик жангариilar муҳолифат байроғи остида тўпланиши мумкин. Чунки у ерда кўпчилик тинч меҳнат билан шуғулланишни унутиб қўйган ва доллар

эвазига узлуксиз жанг қилишга тайёр. Тожикистонга бошқа мамлакатлардан ҳам "омад кетидан қувган аскарлар" келиши мумкин. Биздаги маълумотларга қараганда, уларнинг кўплари ҳозир у ерда жанг қилмоқда.

Россия Тожикистонда 20 мингга яқин кишини сақлаб турибди. Мухолифат шунча ва ундан ҳам кўпроқ одамни тўплашга қодир. Урушнинг давом этиши Тожикистонни парчалаб ташлаши мумкин. Унинг кўшнилари - шу жумладан биз бунинг азобини тортишимизга тўғри келади. Шу сабабли, томонлар ўртасида муроса зарур, деб ҳисоблаймиз.

- Сиз нутқларингизда Марказий Осиё давлатлари бирлиги тўғрисида ва хусусан "Ягона Туркистон" ғояси ҳақида бир неча бор гапирдингиз. Бу ғоя моҳиятини қисқача баён қилиб бера олмайсизми?

- "Ягона Туркистон" концепцияси минтақадаги давлатларнинг иқтисодий ва маданий жиҳатдан бирлашувини кўзда тутади. Бизнинг илдизларимиз бир, муаммоларимиз ўхшаш, тақдиримиз ҳам бир хил. Бинобарин, бу вазиятдан бир томондан бир-биримизнинг ўтиш давридаги қийинчиликларимизни енгиллатиш учун, иккинчи томондан эса, можаролар эҳтимолининг олдини олиш учун Марказий Осиёдаги ҳар бир давлат манфаатини кўзлаб фойдаланиш оқилона иш бўлур эди.

Бу йўналишда жиддий ишлар қилинди. Ўтган йили Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон ягона иқтисодий худудни вужудга келтириш тўғрисидаги шартномани имзолади.

Биз давлатларимиз чегараларидаги божхоналаримизни бекор қилдик. Эндиликда кўп сонли ғовларни, шу жумладан мустақилликнинг дастлабки йилларида шошма-шошарлик билан ўртага қўйилган тўрачилик ғовларини олиб ташлаш йўли билан бир-биримиздаги анъанавий маҳсулот сотиш бозорини сақлаб қолиш учун тегишли чора-тадбирларни кўряпмиз. Ягона иқтисодий худуд доирасида ўзаро келишиб қилинаётган ҳаракатлар мамлакатларимизга фойда келтиришига ишонаман.

Тожикистон иқтисодиёти барбод бўлгани ва сиёсий барқарорлик туфайли ҳозирча бизга қўшила олмайди. Туркманистон эса, эҳтимол ўтиш даври қийинчиликларини мустақил равишда бартараф этишга

умид қилиб, қўшилишни хоҳламаяпти.

Бироқ, менимча, ўзаро фойдали иқтисодий интеграция ҳозирги кунда фақат Марказий Осиёдагина эмас, ҳали айтганимдек, МДҲ доирасида ҳам зарур. Бундай иқтисодий интеграциянинг истиқболи порлоқ.

*Вахтанг ШЕЛИЯ сұхбатлашиди. ("Российская газета", 1995 йил
7 июль).*

КЕЛАЖАККА ҚАТЪЙИ ИШОНЧ БИЛАН БОҚАМИЗ

Мұхтарам дўстлар!

Бугунги мажлис қун тартибига қўйилган масалалар ҳақида гапирап эканмиз, 1995 йил биринчи ярми якунларини бозор муносабатларига ўтишнинг иккинчи босқичи, яъни ислоҳотларни тезлаштириш ва чукурлаштириш жараёни билан чамбарчас боғлиқ ҳолда таҳлил қилишимиз лозим. Бунда аввало, қандай вазифа ва мақсадлар олдимизда турибди, уларни амалга ошириш учун нималар қилиш кераклигини белгилаб олиш мұхимдир.

Шу маънода, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва уни ҳақиқий эгалари қўлига етказиш мақсадида қилган ишларимизнинг самараси ва суръатларига баҳо беришимиз даркор.

Шуни таъкидлашимиз керакки, бу жараён 1995 йилнинг биринчи ярмида анча тезлаштирилди ва муайян натижаларга эришилди. Хусусан, ярим йил мобайнида 4300 корхона давлат тасарруфидан чиқарилди. Июль ойининг ўзида акционерлик жамиятлари сони уч минг олти юздан ошди, улар томонидан 2 миллиард сўмлик акциялар чиқарилди, шунинг асосида қимматли қофозлар бозори ривожланди. Фонд биржаси, кўчмас мулк биржаси, миллий депозитарий каби ташкилотлар ҳам ўз фаолиятида ижобий натижаларга эришди.

Хусусийлаштиришнинг энг асосий натижаларидан бири - мамлакатда мулқдорлар табақаси пайдо бўлди, жамиятда янги психология, мулкка бўлган янгича муносабат қарор топди.

Шунга қарамасдан, бозор тизимларини ривожлантиришда камчиликлар ҳали ҳам кўп: айниқса, йирик корхоналарни хусусийлаштириш ҳаддан ташқари суст боряпти. Айрим йирик корхона раҳбарлари оғир молиявий ахволни рўкач қилиб, бу масалани пайсалга соляпти. Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, "Ўзбошқурилишёғочсаноат", "Ўзбектранс" курилиш,

"Тошкентуйжойинвестқурилиш" раҳбарлари хусусийлаштириш вазифаларини бажара олмади.

Хоразм, Наманган, Қашқадарё ва Навоий вилоятларида ҳам хусусий ва кичик корхоналар ташкил этиш борасида ярим йиллик дастурлар бажарилмади.

Айрим тармоқларда хусусийлаштириш барча қуи поғоналарга етиб бормаяпти, уларни қамраб олмаяпти. Масалан, қурилиш тармоғида хусусийлаштириш трестлар ва бирлашмалар даражасида амалга оширилмоқда, холос.

Пудрат ташкилотларини хусусийлаштириш ҳам жуда суст бормоқда, натижада буюртмачилар маблагини юқоридан тақсимлаш усули сақланиб келмоқда. Шу сабабли ҳам республикада ҳанузгача пудрат ишлари бозори шаклланган эмас.

Хусусий корхоналар ишининг етарли самара бермаётганлиги бизни ташвишга солмоқда. Бу, айниқса, қишлоқдаги хусусий ва фермер хўжаликлари фаолиятига тегишилдири. Ташкил бўлган кўп корхоналар тадбиркорлик тажрибаси йўқлиги, билимлари даврияси пастлиги, ҳокимликлар ва марказий идоралар уларга етарлича ёрдам бермаслиги туфайли ўз ишини ривожлантира олмаяпти ёки тўхтаб қоляпти.

Шунинг учун бу соҳада ҳали кўп иш қилиниши керак. Яъни мулкдорлар ва тадбиркорларни қўллаб-кувватлаш, айниқса, муҳим аҳамиятга эга. Чунки тадбиркорлар эҳтиёжни ҳисобга олиб бозорни тўлдиради, ўзи ҳам манфаат кўради, бошқаларга ҳам нафи тегади. Уларни юртпарварлар деб аташ мумкин. Ҳокимликлар, вазирликлар бу масалага жиддий эътибор беришлари керак.

Хусусийлаштиришнинг ҳозирги босқичида иккита вазифа турибди.

Биринчиси - тадбиркорларнинг ишчанлик қобилиятини кескин кўтариш. Шу билан бирга, ўзларини тиклаб олишлари учун уларга амалий ёрдам бериш, кенг имкониятлар очиш.

Бу вазифаларни бажаришда куни кеча ташкил қилинган кичик бизнесни ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-кувватловчи маҳсус Бизнес фонд ва шу фонд билан чамбарчас боғланган Суғурта агентлигига катта ишонч ва умид билан қараймиз.

Иккинчи вазифа хусусийлаштириш жараёнига аҳолининг барча катламларини жалб қилиш билан боғлиқдир. Бу эса кўчмас мулк ва қимматли қоғозлар бозорларини тезлик билан ташкил этиш ва ривожлантиришни талаб этади.

Хозирги боскичнинг муҳим вазифаларидан бири - бу молиявий барқарорликка эришишдир. Ўтган ярим йил ичида бу соҳада бирмунча ижобий натижалар қўлга киритилди. Хусусан, инфляция даражасининг кескин пасайиши бу борадаги сиёсатимизнинг муҳим натижаларидан биридир. Уни йил бошидаги 16-17 фоиздан июнь ойида 1,9 фоизга туширишга эришдик. Ёки, 1995 йилнинг биринчи чорак якунлари бўйича бюджет камомади ялпи ички маҳсулотга нисбатан 1,2 фоизни ташкил этган бўлса, бу ҳолат ярим йиллик давомида ҳам шу даражада сақлаб қолинди.

Молиявий барқарорликка эришишнинг ҳозирги кундаги энг асосий муаммоси миллий валютамизнинг қувватини оширишдир.

Халқимизнинг фаровонлиги, ҳаётнинг кўркамлашиб бориши кўп жиҳатдан шу масаланинг ҳал этилишига боғлиқ. Шу сабабли ҳам бу масалага энг устувор йўналишлардан бири деб қарамоқ лозим.

Бу борадаги асосий муаммо - сўмимизнинг ички конвертациясига, унинг бошқа мустаҳкам валюталар билан эркин алмашувига эришиш. Бу эса ҳозирги кунда нақд пул эмиссиясини зудлик билан тартибга солишни талаб этади.

Биринчи ярим йилликда бу борада сезиларли натижаларга эришилди. Агар жорий йилнинг биринчи чорагида эмиссия даражаси 17,6 фоизни ташкил этган бўлса, иккинчи чоракда 8,2 фоизгача камайди.

Айни вақтда айрим вилоятларда эмиссия муаммосига етарли эътибор берилмаяпти. Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Навоий, Қашқадарё, Бухоро, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятларида эмиссия даражаси республикадаги ўртacha кўрсаткичдан анча юкори ҳолда қолмоқда. Бунинг сабаби шундаки, бу жойларда аҳолига зарур товар, хизматлар таклиф этилмаяпти. Содда қилиб айтганда, халқимизнинг эҳтиёjlари қондирилмасдан қолиб, уларнинг кўлида бўлган нақд пул хазинага қайтиб тушмасдан, эмиссия даражаси ортиб кетмоқда. Бу ерларда Самарқанд, Наманган, Андижон, Кўқондагидек

одамнинг "жони" дан бошқа ҳамма нарса топиладиган дўконлар жуда кам.

Аҳвол шундай бўлгач, ўша вилоят-туманларда маوش тўлашда қийинчилик пайдо бўлганда кимни айблаш керак?

Кўп марта айтилган фикрни яна бир карра тақорлашга мажбурман. Агар валютамиз етарли даражада товарлар билан қопланмаса, унинг қувватли ва обрўга эга бўлиши амримаҳол. Буни ҳаммамиз англаб олишимиз лозим. Шу нуқтаи назардан қараганда, биринчи ярим йилликда, Тошкент шаҳрини мустасно қилганда, барча вилоятлар чакана товар айланмасини 1994 йилнинг биринчи ярмига нисбатан кескин камайтириб юборганини қандай баҳолаш мумкин?

Қорақалпоғистон Республикаси, Сирдарё, Тошкент вилоятларида аҳолига пуллик хизмат кўрсатишга етарли эътибор берилмади. Навоий, Самарқанд, Сурхондарё, Тошкент ва Фарғона вилоятларида халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқаришнинг ўтган йилдагига нисбатан камайишига йўл қўйилди.

Албатта, сўнгги пайтларда биз товар бозорини анча тўлдиришга эришдик. Аммо бу кўпроқ импорт хисобига амалга оширилди. Импортни рағбатлантириш билан бирга ўзимизда ишлаб чиқаришни ривожлантиришни ҳам унутмаслигимиз лозим.

Минг афсуски, бугунги кунда кўпгина корхоналаримизда ишлаб чиқарилган маҳсулот ўз харидорларини тополмаслиги хеч чида бўймайдиган ва миллий шаънимизга мос келмайдиган ҳолдир.

Тасаввур этинг: бир томондан, кўплаб корхоналарнинг омборларида тайёр маҳсулот тўлиб-тошиб ётиди, шу маҳсулотни ишлаб чиқариш учун оддий ишчининг меҳнати сингган. Иккинчи томондан эса, корхоналар айланма маблағларининг ҳаракатсизлиги оқибатида шу молни, шу товарни ишлаб чиқарувчиларга иш ҳақи бериш имкони йўқ. Одамларга ишлаб топган ҳақини вақтида бермаслик эса - адолатсизликдир. Бундай ҳолни ўзгартириш учун, аввалимбор, раҳбарларнинг масъулиятини ва керак бўлса, жавобгарлигини қатъий кучайтириш зарур.

Шунинг учун маوش - ойлик ўз вақтида берилмаётганига ким сабабчи, шуларни аниқлаб, ҳақиқий ҳолатни одамларимизга етказиши даркор. Токи, улар хукуматдан, банкдан беҳуда ранжиб юрмасин.

Яна бир муаммо шундан иборатки, кўплаб корхона раҳбарлари ханузгача экспорт имкониятларини ошириш, маҳсулот сифатини дунё даражасига тенглаштириш ҳамда ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш борасида етарли жонбозлик кўрсата олмаяптилар.

Бу масалалар ривожланган мамлакатлар фирмалари учун энг муҳим ҳисобланади. Улар таркибида фирма фаолиятининг юқори самарадорлигини таъминловчи маркетинг, яъни оддий тил билан айтганда, чиқараётган молнинг бозорини олдиндан ўрганиш, стратегик тадқиқотлар каби узокни кўзлайдиган бўлимлар муваффакиятли иш олиб боради. Аслида, маркетинг биз учун янгилик эмас. Ота-боболаримиз, қадимги савдогарлар шу усулда ишлаган.

Очиғини айтсақ, бугунги аксарият вилоят раҳбарлари ва фаолларимиз бундай муаммолар ҳақида ҳали-бери бош қотирадиган ҳам эмас. Шунинг учун ҳам чет элдан мол келтиришни ташкил этиш ўрнига Тошкентга - пойтахтга нақд пул келтириб, товар ташиб кетмоқдалар.

Ҳозирги вазият тўлов интизомини мустаҳкамлаш бўйича жиддий ишларни амалга оширишни тақозо этади. Зеро, молиянинг барқарорлиги пул айланишининг ва умуман, иқтисодимизнинг ҳолати шу масаланинг тўғри ҳал қилинишига боғлиқ.

Биринчи ярим йилликда корхоналараро қарзларни камайтириш бўйича сезиларли ишлар қилинди. Республика бўйича йил бошидаги дебитор карздорлик 68,5 миллиард сўмдан 46 миллиард сўмга камайтирилди.

Шунга қарамасдан, бу борадаги ахвол ўта жиддий. Кўплаб корхона ва ташкилот раҳбарлари бу масалани ҳал қилиш учун етарли даражада жавобгарликни ҳис этмаяпти.

Бир қанча уюшма ва вазирликлар тизимларида кўрилаётган чора-тадбирларга қарамай, миллиард сўмлаб дебитор қарзлар мавжуд.

Нега бундай бўляпти?

Ҳаммамизга маълумки, эски тузумда истеъмолчилар ишлаб чиқарувчиларга "бириктириб" кўйилар ва улар маҳсулотни, сифати ва қандайлигидан қатъи назар, сотиб олишга мажбур эдилар.

Шунга кўра ҳисоб-китоблар банклар орқали марказлашган ҳолда амалга ошириларди, ҳар йилги идоралараро дебитор ва кредиторлик

хисоб-китоблари давлат кредитлари ҳисобидан қопланар эди.

Шундай услугда ишлаб суюги қотган айрим раҳбарлар ҳозир ҳам эски тузумнинг тартибига асосланиб иш олиб бормоқда. Шу сабабли улар жўнатган маҳсулоти учун қарзларни талаб қилиб олишда катъият кўрсатмаяпти.

Кўпгина раҳбарларда боқимандалик кайфияти устун, давлат бизни оғир аҳволга ташлаб қўймайди, деган илинж сақланиб қолмоқда. Улар бошчилик қилаётган корхоналар ҳеч қандай ғамташвишсиз, маҳсулотни бемалол омбор учун ишлаб чиқарибгина қолмай, балки қарзлар ҳам орттирадилар, сўнгра эса, ўз қарзларини давлат зиммасига юклаб, уларни қоплаш учун кредит, қўшимча айланма маблағлар сўрайдилар.

Бундай усулда ишлаётган раҳбарлар ва корхоналар бир нарсани катъий англаб олишлари лозим: давлат уларнинг масъулиятсизлигига ортиқ тоқат қилолмайди.

Бундай ҳолнинг олдини олиш мақсадида хукумат қарори билан кенг ҳукуқларга эга бўлган маҳсус комиссия тузилди ва унинг зиммасига мана шундай ночор ва бекарор аҳволда ишлаётган корхоналар тақдирини ҳал қилиш вазифаси юкланди. Агар қай бир ташкилот ва корхона ишини ва самарасини ошириш имкони топилмаса, банкротлик қонуни асосида бундай инқирозга дуч келган корхона ва хўжаликлар тарқатиб юборилади, уларнинг раҳбарлари масъулияти кўриб чиқилади, лозим бўлса жавобгарликка тортилади.

Тўлов интизомининг ҳозирги ҳолатини ҳисобга олиб, яқин вақтларда амалга оширишимиз лозим бўлган вазифаларга тўхталиб ўтмоқчиман.

"Ўзистикболстат"нинг умумий раҳбарлигига республикада тўлақонли маркетинг, яъни харид бозорини ўрганиш сиёсати ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши лозим.

Ҳокимликлар, "Ўзбексавдо", "Ўзбекбирлашув", Марказий банк ва тижорат банклари ҳукуқини ҳимоя қилиш органлари билан биргаликда савдо қилувчи ташкилотлар томонидан тушумларнинг тўлиқ топширилиши, товарларни майда улгуржи сотиш тартибига ва касса интизомига риоя қилишлари устидан қаттиқ назорат ўрнатишлари зарур. Қоидаларни бузишларга йўл қўйилганда

айбдорларни қаттиқ жавобгарлыққа тортиш керак.

Вазирликлар, идоралар, корхоналар ва уюшмалар банклар иштирокида ўзларининг ўзаро қарздорликларини таққослашлари ва уни тұлашта қаратылған зарур ҳисоб-китобларни амалға оширишлари керак.

Айланма маблағларнинг ҳаракатсиз қолишига барҳам беріш даркор. Савдо ташкилотлари күп ойлар мобайнида сотилмай келаётган товарлар нархини қайта күриб чиқишига, уларни сақлаш муддатларига, мавсумийлигини назарда тутган ҳолда, атрофлича ёндашишлари керак.

Қабул қилингандың ҳукуматлараро битимларни амалға оширишда корпорациялар ва корхоналарнинг раҳбарлари республикаға товарлар ўз вақтида келтирилишини қаттиқ назорат қилишлари ва "Ўзулгуржибиржасавдо" уюшмаси билан ҳисоб-китобларни вақтида амалға ошириш учун маблағлар захирасини яратышлари керак.

Банклар мижозлар билан биргалиқда векселларни жорий қилиш амалиётини кенгайтишилари зарур.

Яна бир бор таъкидламоқчиман: миллий валютамиз - сўмни мустаҳкамлаш мамлакатимизнинг иқтисодий мустақиллигига эришишнинг энг зарур шарти ҳисобланади.

Хозирги куннинг энг долзарб вазифаларидан бири ишлаб чиқариш, умуман, иқтисодиётнинг таркибий ўзгаришларини изчил давом эттиришdir. Бу ўзгаришлар нимадан иборат?

Аввало, иқтисодиётимизнинг устувор тармоқларини, Ўзбекистоннинг жаҳон бозорида ўзига мос ўрнини эгаллашига қаратылған салмоқли тармоқларни тез суръатлар билан ривожлантиришни таъминлаш даркор. Шулар билан бирга, халқ хўжалигининг устувор тармоқларида тўлов ва ҳисоб-китобларни тартибга келтириш учун маҳсус чора-тадбирлар кўриш керак.

Айтайлик, пахтачилик мисолида бу муаммони яхшилаб тушуниб олишимиз ва тегишли хulosалар чиқаришимиз зарур. Ҳисоб-китобларга кўра, республикамиз халқ хўжалигининг 70 фоизидан кўпроғи технологик жиҳатдан пахтачилик билан боғлик. Бир хил корхоналар пахтачилик учун техника, ўғит ва бошқа маҳсулотлар берса, бошқалари унинг маҳсулотларини қайта ишлаш билан машғул.

Шу сабабли ҳам, мана шу боғлиқликда ўзаро тўловларнинг бир жойда бузилиши бутун технологик жараёндаги тўловлар тизимиға салбий таъсир этади. Аммо бундай тўловлар бузилишидан пахтачилик соҳасидаги хўжаликлар кўпроқ жабр кўрятти.

Кўз олдимизга келтирайлик: пахтакор оғир меҳнати эвазига етиштирган ҳосилини октябрь-ноябрь ойида йиғиб-териб топширгач, дам ҳам олмай, янги ҳосил учун тайёргарлик ишларини бошлаб юборади.

Ҳосилни терди, заводга топшириди. Кейин нима бўлади? Завод қачон тола ишлаб чиқаради, уни кимга ва қайси нархда сотади, қачон дехқонга пахтанинг пулинини тўлайди? Бу билан мен нима демоқчиман? Агар шу технологик жараённи дехқон ери шудгорлашдан тортиб, то пахтани сотиб пулинини олгунга қадар ҳисоблаб кўрсақ, 18 ой ўтар экан. Демак, дехқоннинг машаққатли меҳнати эвазига оладиган даромади 18 ойга чўзилар экан. Бунга қандай баҳо бериш керак? Боз устига, хўжалик счётида пул йўқ, унга тўланмади, бунга тўланмади, деб баъзи бир воситачи корхона раҳбарлари дехқонни айбдор ҳам қилишади. Бу муҳим масаланинг қандай ечими бор? Жаҳон тажрибасига эътибор берилса, харидор дехқонга бўлажак ҳосил учун баҳордаёқ аванс, яъни олдиндан пул беради. Бу унга ҳосилини бемалол етиштириш имконини туғдиради, ишончни мустаҳкамлайди.

Нега биз шу усулни қўллашимиз мумкин эмас? Шу мақсадда янги "Пахтабанк" ташкил этилди. "Ўздавпахтасаноатсотиши" уюшмасининг айланма маблағлари ҳажми кўпайтирилди. Мана шу ташкилотлар бундан буён пахтакорга тегишли аванс бериб туради. Шулар эвазига энди у ўз даромадини 18 ой кутмайдиган бўлади.

Бундан ташқари, экспортни кенгайтириш ва импортни камайтириш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқаришни жадалроқ ривожлантириш зарур. Бу йўналиш республикага нефть ва дон мустақиллигига тўла эришиш имконини беради.

Иқтисодиётимизда чет эл инвестициялари борган сари муҳим роль ўйнамоқда. Агар 1994 йилда уларнинг улуши капитал маблағлари умумий ҳажмида бир фоиздан камроқни ташкил қилган бўлса, иккинчи чоракда эса 20 фоиздан зиёд бўлди.

Бугунги энг долзарб масалалар тўғрисида гапирап эканмиз, қишлоқ ахолиси учун янги иш жойларини ташкил этиш, уларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал этиш ислоҳотлар иккинчи босқичининг энг муҳим вазифаларидан бири деб қарабмоғи керак.

Қишлоқда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш меҳнат қилиш имконияти доирасини кенгайтириш билан узвий боғлиқдир.

Халқимизнинг ўзи туғилган, киндик қони тўкилган жойга ниҳоятда меҳрли бўлиб, боғланиб қолганини, яъни "дайди" бўлиб кўчиб юриш одати йўқлигини назарда тутадиган бўлсак, қишлоқда одамларни иш билан таъминловчи кичик ва хусусий корхоналарнинг тез ривожланиши қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни тезлаштириш имконини беради.

Кейинги пайтларда қишлоқ жойларда қайта ишлаш ва ёрдамчи ишлаб чиқариш тармоқларини ташкил қилишга эътибор анча кучайди.

Буни катта мамнуният билан таъкидлаймиз. Лекин бу борада қилинадиган ишлар ҳам ҳали қўп. Уларнинг суръатлари ва салмоғи етарли эмас. Бу ҳолатга якинда бўлиб ўтган идоралараро кенгаш мажлисида атрофлича баҳо берилди. Унинг қарорига кўра яқин вақт ичida Республика Идоралари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ҳокимликлари билан ҳамкорликда қишлоқ жойларда ишлаб чиқариш инфраструктурасини ривожлантириш дастурини тайёрлашлари керак.

Ислоҳотларимизнинг муҳим манбаларидан бири - Ўзбекистоннинг халқаро ташкилотлар билан кучайиб бораётган ҳамкорлигининг давом эттирилиши ва кенгайтирилишидир. Бунда ташки алоқаларни ривожлантиришга ва эркинлаштиришга алоҳида эътибор берилади.

Узоқ хорижий мамлакатлар билан экспорт ва импорт қилишнинг умумий ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан тегишли равишда 50,5 фоиз ва 38,5 фоиз кўпайди. Экспорт-импорт умумий ҳажмининг сальдоси бизнинг фойдамизга бўлиб, 201,2 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Бу билан ҳар қанча фахрлансак арзиди, албаттта.

Эришилган ютуқларнинг энг муҳимларидан бири - одамлар бозор шароитларига мослашиб бормоқда, меҳнат қилиш турлари ва

соҳалари кенгаймоқда, даромад олишнинг қўшимча имкониятлари пайдо бўлмоқда. Энг муҳими, ҳалқимиз руҳида бу жараёнларни теран тушуниш туйғуси, яқдиллик бор!

Аҳоли пул даромадларининг деярли учдан бир қисми шахсий ёрдамчи хўжаликлар, тадбиркорлик, хусусий мулк улушкига тўғри келмоқда.

Оқсил моддаларга бой ва ёғли озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмол қилиш кўпайди. Нон маҳсулотлари истеъмолининг сезиларли камайиши билан бир қаторда, гўшт маҳсулотлари истеъмоли - 25 фоиз, ўсимлик ёғи истеъмоли - 17 фоиз, мевалар - 23 фоиз, сабзавот ва полиз экинлари маҳсулотлари -13 фоиз, қанд-шакар истеъмоли 2 фоиз ўсади.

Кам таъминланган оиласарга моддий ёрдам кўрсатишнинг янги механизми жорий этилди. Ярим йил ичida бу мақсадлар учун давлат бюджетидан 750 миллион сўм ажратилди.

Ижтимоий муҳофаза ҳақида гап кетганда, бу борадаги сиёsat ҳалқимизнинг туб манфаатларини ҳимоя қилиш билан бирга одамларнинг меҳнат фаоллигини оширишга, уларда тадбиркорлик руҳининг ривожланишига ёрдам бериши лозимлигига ҳам алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман.

Яъни бу сиёsatимиз оқибатида одамлар боқимандалик кайфиятидан батамом ҳалос бўлиши бизнинг пировард мақсадимиздир.

Бу йил далаларимизда мўл пахта ҳосили етиштирилди. Уни неснобуд қилмай йигишириб олиш ҳар биримизнинг ватанпарварлик бурчимиздир. Дехқонларни кўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш мақсадида бу йил пахта харид нархи етти-саккиз баравар оширилди. Бу хўжаликларимизнинг молиявий аҳволини яхшилашга имкон беради. Хулоса қилиб айтсан, Ўзбекистон ўз истиқболининг устувор йўналишларини белгилаб олиб, ислоҳотлар йўлидан аниқ мақсадни кўзлаб ҳаракат қилмоқда.

Ислоҳотларимизнинг иккинчи босқичини таҳлил қилар эканмиз, жаҳон ҳамжамиятининг танланган йўлини тўғрисидаги баҳосини назарда тутиб, биз уни сиёсий барқарорликка, пухта ўйланган, босқичма-босқич дастурга асосланган йўл дейишимиз мумкин. Буни

бутун дунё тан олмоқда.

Биз танлаган йўл республикага танг ахволдан чиқиш, иқтисодиётни кўтариш, жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрни ва қиёфасига эга бўлган мустақил давлат сифатида жаҳон хўжалик тизимиға бирлашиш имконини беради. Келажагимизга биз ишонч ва умид билан боқамиз.

Ярим йиллик якунлари ҳақида гапирав эканмиз, ғаллакорларимиз эришган ютуқларни яна бир карра таъкидлаш жоиз. Зоро, уларнинг меҳнат ғалабаси барчани қувонтиради, ғайратимизга ғайрат, кучимизга куч кўшади.

Бугун мана шу юксак минбардан фойдаланиб, ҳақиқий фидойилик, ҳақиқий юртпарварлик намунасини кўрсатган муҳтарам ғаллакорларимизга халқимиз, хукуматимиз ва шахсан ўз номимдан миннатдорлик билдираман.

Ўтиш даври мураккабликлариға сабот ва чидам билан дош бериб, ёруғ келажакка ишонч билан яшаётган, меҳнат қилаётган халқимизга баҳт-саодат, куч-қувват, руҳий бардамлик, хонадонларига тинчлик-тотувлик ва барака тилайман.

*1995 йил 29 июлда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамасининг 1995 йил биринчи ярим йиллик якунлариға
багишланган мажлисидаги сўзланган нутқ*

БҮЮК КЕЛАЖАҚ САРИ ДАДИЛ ОДИМЛАР

1995 йил 25 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Тошкентдеги Халқлар дүстлиги саройида хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилоттарнинг республикамиздаги ваколатхоналари раҳбарлари, чет эллик ва маҳаллий журналистлар учун брифинг ўтказди.

Ўзбекистон раҳбари анъанавий тус олаётган бу галги учрашув Ўзбекистон мустақиллигининг тўрт ишлиги арафасида ўтаётгани билан аҳамиятли эканини таъкидлади.

Ўзбекистон тараққиётининг сўнгги ойлардаги асосий кўрсаткичи ўсувланларидир,- деди Ислом Каримов. Дарҳақиқат, ижтимоий вазифаларнинг устуворлиги асосида иқтисодий эврилишларни тезлаштириш йўли ўзини оқламоқда. Жорий йилнинг ўтган биринчи ярми мобайнида пул қадрсизланишининг суръати 8 баробарга қисқарди. Йил бошида бу кўрсаткич 16 - 17 фоизни ташкил этган бўлса, июль, август ойларида пул қадрсизланиши атиги 2 фоиз бўлди, холос. Давлат бюджети камомади ҳам Халқаро валюта жамғармаси билан келишилган мезондан анча паст бўлиб, атиги 3 фоизни ташкил этди. Мамлакатимиз энергетика мустақиллиги арафасида турибди. Бу йил буғдой ва бошқа бошоқли экинлардан яхши ҳосил олинди. Ҳисоб-китобларга қараганда, Ўзбекистон 1996 йилда хориждан дон сотиб олмайди. Бу йил паҳтадан ҳам мўл ҳосил олиш режалаштирилмоқда.

Мамлакатимизда хусусийлаштириш жараёни айни пайтда қишлоқларни ҳам кенг қамраб ола бошлади. Юртимизда қўшма корхоналар ва ҳиссадорлик жамиятларининг сони кун сайин ортиб бормоқда. Уларнинг сони 3600 тадан ошди.

Президент Ислом Каримов мамлакатимизда хорижий сармоядорлар билан ҳамкорликда амалга оширилаётган ишларга тўхталар экан, Навоий вилоятидаги З-гидрометаллургия заводи,

Ўзбекистон - Америка "Зарафшон - Ньюмонт" корхонаси, Андижон ва Хоразм вилоятида қурилаётган автомобиль заводлари республикамиз иқтисодий ҳаётида муҳим воқеа бўлганини қайд этди.

Мамлакатимизга ўзаро ҳамкорлик қилиш учун келаётган дунёдаги йирик фирма ва компаниялар вакиллари сони тобора ортиб боряпти. Шу йил апрел ойидан буён 20 дан зиёд мамлакатдан ишбилармонлар юртимизга ташриф буюрди. Польша, Словакия, Туркия ва Индонезия ишбилармонлари билан ташқи иқтисодий алоқаларни боғлаш юзасидан давра сухбатлари ўтказилди. Ўзбекистон - Хитой хукуматлараро комиссиясининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Шу ўринда республикамизда Бизнес жамғармаси, Кичик тадбиркорликни ва хусусий ишбилармонликни сармоя билан қўллаб-кувватлаш бўйича суғурта компанияси тизимининг, шунингдек, Ўзбекистон Тижорат банклари ассоциациясининг тузилиши ҳам мамлакатимиз ҳаётида муҳим воқеа бўлганини таъкидлаш жоиз.

Юртбошимиз республикамизда ўтказилаётган ижтимоий ислоҳотлар яратилган ҳукуқий пойdevор асосида амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлар экан, ислоҳотнинг хеч бир босқичига меъёрий асос яратилмай туриб киришилмаганини қайд этди. Шу ўринда Президент ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш, кимматбаҳо қофозлар бозорини такомиллаштириш, хорижий сармоялар бўйича агентлик барпо этиш ҳақидаги апрель, август ойларида қабул қилинган муҳим меъёрий ҳужжатларни мисол қилиб келтирди. Бу жараён мамлакатимизда хурфикрлик тараққий этиш билан баробар кечмоқда. Хусусан, шу йилнинг августида "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳамда "Халқ бирлиги" ҳаракати рўйхатга олинди.

Социал-ижтимоий соҳада амалга оширилган ишлар ҳам ибратлидир. Республикаизда Тошкент авиация институти, Навоий тоф институти, Давлат ва жамият қурилиши академияси, Марказий Осиё тадқиқотлари халқаро институти ташкил этилиши шулар жумласидандир.

Ислом Каримов республика ҳукумати фуқаролар саломатлигини сақлашни инсоннинг энг асосий ҳукуқларидан бирини ҳимоя қилиш

деб қарашини таъкидлар экан, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти бош директори Накажима Хироши бундай ёндашувга юксак баҳо берганлигини айтди. Сўнгра Ўзбекистон раҳбари сўнгги ойларда мамлакатимизга расмий ташриф буюрган Украина Президенти Л. Кучма, Индонезия Президенти Сухарто, Германия Федерал Президенти Р. Херцог, Покистон Бош вазири Б. Бхутто, Туркия Бош вазири Т. Чиллер, Россия Федерацияси Ҳукумати Раиси В. Черномирдин, Словакия Бош вазири ўринбосари Козликнинг сафари якунлари, шунингдек, Ўзбекистон раҳбариятининг Молдова, Латвия ва Литва Республикаларига давлат ташрифи натижалари хусусида маълумот берди.

Ислом Каримов Ўзбекистон билан Америка Штатлари ўртасидаги муносабатлар муттасил ривожланиб бораётганидан мамнуният изҳор этди. У АҚШ армияси ўқув-машқ марказида тинчликни таъминлаш мақсадида ўтган "Кооператив наггет-95" биргаликдаги машқларида Ўзбекистон вакиллари иштирокини совуқ уруш тугаганидан сўнг ҳақиқий кескин ўзгаришлар содир бўлаётганининг тимсоли деб баҳолади.

Ўзбекистоннинг турли ҳалқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиги ҳам тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Шу йилнинг июль ойидан бошлаб, мамлакатимиз пойтахтида ЕХХТнинг минтақавий бюроси фаолият бошлади. Шу кунларда мамлакатимизда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 50 йиллигига қизғин тайёргарлик бормоқда. Ислом Каримов ҳалқаро ташкилотлар билан Ўзбекистон ўртасидаги алоқалар бундан буён ҳам тараққий эта боришига ишонч билдириб, мамлакатимиз келгусида ҳам бу ташкилотлар ишида фаол иштирок этишини таъкидлади. Жорий йилнинг сентябрь ойида Тошкентда Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик масалаларига бағишлиб ўтказиладиган семинар муҳим аҳамиятга эгадир. Президент бу семинар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти томонидан қўллаб-куvvатланётганини, айни пайтда БМТ Хавфсизлик кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар ҳам бу семинарда иштирок этиш истагини билдираётганини маълум қилди.

- Семинарни ўтказишдан асосий мақсад айримларга мажбурият

юқловчи ҳужжатлар қабул қилиш эмас, балки минтақадаги ва Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорлик ҳукм суришидан манфаатдор бўлган бошқа мамлакатлар вакилларининг бу ззгу мақсадга қандай эришиш борасидаги қимматли фикр-мулоҳазаларини билишдан иборат, деди юртбошимиз.

Ўзбекистон раҳбари МДҲга аъзо мамлакатлар ўртасидаги алоқаларга ҳам тўхталиб ўтди. Бу ўринда Президент Ҳамдўстлик давлатларида икки томонлама интеграциялашувнинг кучайиши ва воситаларнинг минтақалашуви жараёни кузатилаётганини қайд этди. Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон ўртасида Марказий Осиё иқтисодий иттифоқининг тузилиши ушбу мамлакатларнинг савдо соҳасидаги алоқаларининг мустаҳкамланишига, сармоялар, ишчи кучларининг эркин кўчишига қулай имкониятлар яратди.

Сўнгги пайтларда Тожикистондаги мухолиф кучлар ўзаро музокаралар столига ўтиридилар. Тожикистон ҳукумати билан мухолиф кучлар ўртасида мамлакатда тинчлик ва ўзаро тотув яшаш борасида мулоқотлар бўлиб ўтаётгани қўллаб-кувватлашга лойиқдир. Президент бу музокараларда Ўзбекистон томонидан мухолиф кучлар раҳбарияти билан учрашув чоғида шу йил 3 апрелда таклиф қилинган Тожикистон халқлари конгрессини чақариш ҳақидаги таклиф қабул қилинганидан мамнуният изҳор этди. Бу анжуманнинг тинчлик ва барқарорликка эришиш борасида барча сиёсий партиялар, жамиятдаги соғлом кучлар учун муҳим минбар бўлишига ишонч билдириди.

Маълумки, Афғонистон ҳануз ер юзининг алангали нуқталаридан бири бўлиб турибди. Ислом Каримов Ўзбекистоннинг бу мамлакатда тезроқ тинчлик ва барқарорлик ўрнатилишидан ва унинг худудий бутунлиги сақланишидан манфаатдор эканини алоҳида қайд этар экан, республикамиз БМТ Хавфсизлик Кенгашининг Афғонистонга курол-яроғ сотишни тақиқлаш ҳақида қарор қабул қилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблашини яна бир карра таъкидлади.

Байрам арафасида мамлакатимиз улкан курилиш майдонига, турфа йирик халқаро тадбирлар ўтказиладиган масканга айланган. Жумладан, Нукус ва Урганчда БМТ ва EXXT уюштираётган Орол ва

экология муаммоларига бағишиланган семинарлар ғоят мухимдир. Ўзбекистон Президенти август ойи охири - сентябрь бошларидан мамлакатимизда ўтказиладиган тадбирлар орасида биринчи Марказий Осиё ўйинлари ҳам мухим ўрин тутишини айтди. Шуниси аҳамиятлики, Ўзбекистон Республикаси ва Халқаро олимпия қўмитаси ушбу йирик спорт анжуманининг ташаббускорлари бўлишди.

Мамлакатимиз раҳбари мустақилликнинг 4 йиллиги арафасида республикамиз олдида турган мухим вазифаларга эътиборни қаратди. Юртимизда тинчликни ва фуқароларнинг тотувлигини таъминлаш, ўлкамизда хусусий мулкдорлар синфини пайдо қилиш, аҳоли орасида собиқ тузум сарқити сифатида сақланиб келаётган боқимандаликни бартараф этиш ва ниҳоят, истиқлолнинг ҳақиқий моҳиятини англашга эришиш ана шундай мухим вазифалардандир.

Маълумки, собиқ Иттифоқда раҳбарликнинг қуи бўғинидан энг юкори бўғинигача тўрачилик ва бюрократия авж олган эди. Айни пайтда жиноятчилик, жумладан, ўз мансабини суиистеъмол қилиш каби иллатлар авж олганини биламиз. Истиқлолга эришган мамлакатларда кескин ислоҳотлар ўтказилаётганига қарамай, улардан ҳамон тўла фориғ бўлингани йўқ. Ўзбекистон раҳбари журналистларнинг шу мавзудаги саволига жавоб бера туриб, у ёки бу мамлакатда давлат монополияси сақланиб қолар экан, бу иллатлардан кутулиш мушкуллигини айтди. Хусусий мулкчиликни кенгайтириш, қонун асосларини мустаҳкамлаб, назоратни кучайтириш, янгича фикрлайдиган авлодни тарбиялаб вояга етказиш натижасидагина юкорида келтирилган иллатлардан тугал ҳолос бўлиш мумкин. Бизда бу борада жуда катта ишлар амалга ошириляпти. Унинг натижаларини республикамиз аҳолисигина эмас, хорижда ҳам эътироф этишмоқда.

Ўзбекистон Президенти брифинг якунида журналистларнинг бошқа кўплаб саволларига ҳам жавоб қайтарди.

МАҢНАВИЙ БИРЛИК САРИ МУҲИМ ҚАДАМ

Мұхтарам Президентлар, жаноби олийлари!

Мұхтарам хонимлар ва жаноблар, дүстлар!

Аввало, мен қирғиз дүстларимизга меҳмондүстлик, шодхуррамлик ва олий даражада навбатдаги учрашувни яхши ташкил қылғанларлардың учун Ўзбекистон делегацияси номидан самимий ташаккур изхор этмоқчиман.

Истанбул учрашувидан кейин ўтган давр ичиде содир бўлган воқеаларни таҳлил эта туриб, мен, аввало, диққат-эътиборни одамларимизнинг психологияси ва руҳиятидаги чуқур ҳамда мұкаррар ўзгаришларга, мустақилликнинг кисқа даври мобайнида уларнинг маънавий ва сиёсий ўзлигини англаши тарихан янгиша шаклланганлигига қаратишни истардим. Бугун биз бу ерда, қирғизлар диёрида халқларимизнинг маънавий қайта тикланиши таг-заминли ва мұкаррар тусда эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қиляпмиз.

Яқиндагина амалда барча туркӣзабон давлатлар жаҳон маданияти ривожига ғоят катта ҳисса қўшган қозоқ халқининг буюк фарзанди Абай таваллудини нишонладилар.

Қирғиз халқи маънавий маданиятининг ноёб ёдгорлиги - "Манас"нинг минг йиллигини шу кунларда бутун туркӣзабон дунё тантана билан нишонламоқда. Бу буюк достон қирғизларнинг эркесварлик руҳи, уларнинг яшаш учун кўп асрлар мобайнида олиб борган мاشаққатли кураши, чет эллик золимларга қарши курашда халқнинг бирлашуви тимсолидир. У узоқ ўтмиш манзараларини акс эттирибина қолмай, қирғиз халқи ҳамда Марказий Осиёда яшовчи барча халқларнинг тинчлик, ҳамкорлик ва иноқлик тўғрисидаги эзгу орзу-умидларини ҳам ифодалайди.

Истанбул учрашувидан кейин ўтган ойлар нихоятда жўшқин ва воқеаларга бой бўлди. Бугунги учрашувимизда халқларимиз билан давлатларимизни бир хилда тўлқинлантираётган ва бизнинг

келажагимиз уларнинг ҳал этилишига боғлиқ бўлган, ҳаётимиздаги энг муҳим муаммолар юзасидан фикрлашиб олиш зарур деб ўйлайман.

Давлатларимиз олдида кенг имкониятлар очиляпти, айни вақтда эса бизнинг олдимизда ҳақиқий хавф-хатарлар турибди.

Миллий мустақилликни мустаҳкамлаш, янги мустақил туркийзабон давлатларда тизимли ўзгартиришларни амалга оширишдан иборат жуда мушкул ва ғоят мураккаб жараён дунёда эзгулик билан ёвузлиқ, инсонпарварлик билан зўравонлик бир-бирига қаттиқ қарама-карши турган шароитда, баъзан худудларимиздан анча олисда туриб бошқарилаётган, мамлакатлар ва сиёсий кучлар таъсир кўрсатаётган шароитда ўтяпти. Шу боисдан ҳам бизнинг учрашувларимиз очиқ тусда бўлиши лозим ва бунга менинг ишончим комил.

Мен яна бир бор шуни таъкидламоқчиманки, ҳалқларимизнинг тарихий, этник-маданий, маънавий яқинлигидан иборат қатъий фактни қайд этиш мана шу чуқур тарихий-маданий омилга сиёсий ёки айниқса ҳарбий-сиёсий тус бериш йўлидаги уринишларга айланиб кетмаслиги керак. Бизнинг маънавий бирликка эришиш йўлидаги тарихий жараён асло бошқа давлатларнинг манфаатларига қарши қаратилган эмас.

Туркийзабон давлатлар бошлиқларининг мунтазам учрашувларидан кузатилган асосий мақсадни биз қандай тасаввур қиласми?

Бизнинг тасаввуримиз ҳам кўп томонлама, ҳам икки томонлама инсонпарварлик, маънавий-маданий алоқаларни ривожлантиришга бутун чоралар билан кўмаклашишдан, савдо ва иқтисодий муносабатларни жадаллаштиришдан, кескин экология муаммоларини, биз Копенгагенда ўtkазилган жаҳон ижтимоий анжуманида дунё миқёсида ҳам, минтақавий миқёсда ҳам кўтариб чиқкан инсон омили масалаларини ҳал этиш учун куч-ғайратларни жипслаштиришдан иборатдир.

Маданиятларнинг бирлиги асос қилиб олинган учрашувларимизни мана шу нуқтаи назардан авайлаб-асраш ва уларнинг нодирлигини таъкидлаш лозим.

Этник-маданий анъаналарни қўллаб-қувватлаш - олий даражадаги анжуманимиз максадидир. Учрашувларнинг асосий сабаби сифатида шу принципни сақлаб қолиш керак.

Бишкек декларациясига айни шундай ёндашув асос қилиб олиниши лозим деб ўйлайман.

Бу ерда, менинг назаримда, халқаро ташкилот сифатида ЭКОни қандай тасаввур этишимизни кўрсатиб ўтиш ҳам ўринли бўлар эди. Бу ерда ҳозир бўлган барча туркийзабон давлатлар шу ташкилот фаолиятида амалий иштирок этмоқдалар. Биз ЭКО нафақат савдо-иқтисодий ташкилот деб биламиз. Бизнинг назаримизда, бу халқаро тузилмага сиёсий тус бериш йўлидаги уринишлар унинг мақомига ҳам, мақсадларига ҳам, ҳақиқий аҳамиятига ҳам мос келмайди.

ЭКОга аъзо бўлган мамлакатларга шундай кичик минтақавий тузилма кўпроқ тўғри келадики, бундай тузилмалар бўлган жойларда кўп томонлама қоидалар амал қиласди, шунда ҳарбий-сиёсий бирликлар тузишга эҳтиёж қолмайди.

Ўз-ўзидан равшанки, вужудга келаётган вазиятда тинчлик ва барқарорликка, шу жумладан, Марказий Осиё минтақасидаги тинчлик ва барқарорликка ҳам минтақамиз чегараларида мавжуд бўлган қарама-қаршиликлар, бир-бирига қарши курашлар ва ҳатто урушлар давом этаётганлиги билан хавф-хатар туғилаётганлиги ҳақида гапирмасдан ўта олмаймиз.

Тожикистон ва Афғонистондаги аҳвол бизни ташвишлантирмай қола олмайди. Мамлакатларимиз раҳбарлари ана шу давлатлардаги можаро сўндирилишидан ва минтақада барқарорлик таъминланишидан доимо манфаатдор бўлишлари керак.

Кўшниларимизда вазият барқарорлашувидан биз манфаатдормиз.

Бундай барқарорлашув энг аввало Афғонистон ва Тожикистон халқларининг ўzlари учун зарур. Ўзимизнинг ислоҳот ва ўзгартиришларимизни осойишта вазиятда ўтказишимиз учун бу нарса бизга ҳам зарур.

Навбатдаги масала. Наркотик моддалар ва наркобизнес мустакил давлатларимизнинг миллий хавфсизлигига жиддий таҳдид солаётганини эътиборга олиб, бу иллатта қарши курашда куч-

ғайратларимизни бирлаштириш лозим деб ўйлайман. Наркотик моддалар ишлаб чиқариш, тарқатиш ва истеъмол қилишга қарши курашнинг кучайтирилишини кўзда тутувчи давлатлараро қўшма дастурни ишлаб чиқиш зарур.

Ер куррасининг қўпгина минтақалари каби Марказий Осиё ҳам тоят катта миқёслардаги экологик оғатларга дуч келяпти. Аввало, бу Орол денгизи фожиасига тааллуқлидир. Орол атрофидаги экологик вазият ўз кўламлари ва эҳтимол тутилган оқибатларига қўра минтақавий эмас, балки кўпроқ жаҳоншумул муаммодир. Шу муносабат билан биз БМТнинг Орол бўйича конференциясига катта умид боғлаяпмиз. Конференция шу йил сентябрь ойи охирларида Нукусда бўлиб ўтади ва ҳаммани унинг ишида фаол қатнашишга таклиф этамиз.

Мамлакатларимиз ва халқларимизнинг энг аввало савдо-иктисодий соҳадаги баҳамжиҳат бирлашиб ҳаракат қилиш муаммолари - учрашув катнашчиларининг дикқат-эътиборини қаратмоқчи бўлганим яна бир масаладир. Олий даражадаги анжуманимиз ҳеч кимнинг олдига алоҳида сиёсий талаблар қўймайди.

Баҳамжиҳат ҳаракатимиз руҳи мустақилликни, суверенитетни, худудий яхлитликни ҳурмат қилиш, teng ҳуқуқлилик, бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик каби энг муҳим принциплар асосига қуриляпти.

Муҳтарам жаноб Президентлар!

Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий йўлида кенг миқёсдаги икки томонлама ва кўп томонлама алоқалар ўрнатишга интилиш ўз ифодасини топган. Бунда биз ёндашувнинг асосий мезони - Ўзбекистон Республикасининг давлат манфаатлари эканлигини яширмаймиз. Аҳдлашувчи икки томоннинг миллий манфаатларини бир-бири билан боғлаш ҳамиша ниҳоятда қийин иш бўлган. Давлатлараро даражада эса шундай қилиш яна ҳам мураккабдир. Шу боисдан биз бу ишдаги қийинчилкларга ҳамда вақти-вақти билан етарлича кескин намоён бўлиб турадиган ҳалқаро муаммоларга сабртоқат билан ва тушуниб муносабатда бўляпмиз. Ана шу муаммоларнинг кўпи Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришмасдан анча аввал юзага келган.

Биз шунга асосланамизки, ҳар қандай можароли вазият ўзаро ёнбосишлар асосида тинч сиёсий мулоқот олиб бориш йўли билан бартараф этилиши лозим. Тутилган йўлларнинг муросасизлиги, уларни янада кучайтириш зўравонлик ва террор оддий кураш усулларига айланиб қолган, наркобизнес авж олаётган, конунга хилоф равишда курол-яроғ билан савдо қилинаётган шароитда айниқса хатарлидир.

Тинчлик, барқарорлик, ҳамкорлик - Ўзбекистон давлати таяниб курилаётган ва қад кўтариб турадиган учта устундир.

Шу билан бирга биз бир-бири билан боғлиқ ҳозирги дунёning бутун мураккаблиги ва бир хил эмаслигини тан оламиз ҳамда кўпчилик бўлиб куч-ғайрат сарфлаш мумкинлигини инкор этмаймиз. Шу муносабат билан мен мамлакатларимизнинг ташқи сиёсий фаолиятини мувофиқлаштириш, бу соҳадаги мавжуд хилма-хилликни бартараф этиш ниҳоятда зарурлигини, "Ташаббуслар танлови" ва чексиз "Ташкилий плюрализм"нинг номатлублигини таъкидлашни истардим.

Бирлашиш "омили" Марказий Осиё давлатлари учун айниқса долзарбdir. Уни тан олиш Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон иштирокидаги минтақавий ҳамжамиятни ташкил этишга олиб келди. Бу давлатлар биргаликдаги куч-ғайратлари билан ўзларининг маърифатли истиқболини шакллантиришга, тараққиёт ва фаровонлик йўлида ривожланиб боришга қарор қилдилар. Марказий Осиё давлатлари ҳамдўстлигининг ташкил этилиши уларнинг бошқа қўшни давлатлардан алоҳида ажralиб чиқишини билдиrmай, балки у бозор сари ўтиш шароитида уларнинг хатти-харакатларини жипслаштиришга қаратилгандир.

Бирлашиш жараёнини авж олдирмай туриб, Марказий Осиёда тараққиётни ва халқларнинг муносаб турмушини таъминлаш мумкин эмаслигини англаб этиш ниҳоятда мухимдир. Бирлашиш факат иқтисодиёт ва ишлаб чиқариш соҳасинигина эмас, шу билан бирга маънавий, маданий, илмий соҳаларни ҳам қамраб олиши керак.

Мұхтарам жаноб давлат бошлиқлари!

"Манас" достонининг минг йиллиги байрам қилинаётган кунларда қирғиз диёрида ўтказилаётган учрашувимиз амалдаги

самараларини беришига, давлатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги бирлашиш жараёнларини янада авж олдиришга хизмат қилажагига астойдил ишонаман.

Қардош халқларимиз ўртасидаги муносабатларда Бишкек учрашувининг қардошлиқ, хайриҳоҳлик руҳи ҳамиша ҳамроҳ бўлишига ва уларнинг тобора яқинлашувига ҳамда тинчлик, баҳтсаодат ва равнақ йўлида тараққий этишига кўмаклашишига ишончим комил.

Пировардида шу учрашувнинг ташкилотчилигига, хусусан, Қирғизистон Президенти жаноб Аскар Акаевга Ўзбекистон делегацияси номидан яна бир карра миннатдорлик изҳор этишимга ижозат бергайсиз.

Эътиборларингиз учун ташаккур.

*Бишкекда туркий тилли давлатлар бошлиқларининг учрашувида
сўзланган нутқ, 1995 йил 28 август*

"МАНАС" - ҚИРГИЗНИНГ АЗАЛИЙ ВА АБАДИЙ ҚОМУСИДИР

Мұхтарам Асқар Ақаевич!

Хурматли меҳмонлар, азиз қирғиз оға-иниларим!

Аввало, барчангизни қардош қирғиз диёридаги улкан шодиёна - буюк "Манас" эпосининг 1000 йиллик түйи муносабати билан Ўзбекистон халқи номидан қызғын табриклайман!

Азиз дўстлар!

Дунёдаги жуда кўп халқлар ўзларининг буюк-буюк ўғлонларини, мутафаккирларини улуғлашлари одат бўлиб қолган. Буни кўпчилик яхши билади.

Лекин бугунги 1000 йиллик тўйда қатнашишимиз, иштирок этишимиз қирғиз халқининг қадим-қадимий илдизлари ниҳоятда чуқурлигидан нишона, деб биламан. Шу билан бирга, бугунги тантана бутун Туркистонда шундай мұқаддас заминда яшаётган халқларнинг илдизлари, томирлари ҳам муштараклиги ва улуғлигининг яна бир бор тасдиғидир.

Бундан ҳар қанча фахрлансак, ғуурлансак арзиди. Бундай имкон ҳаммага ҳам насиб қиласкермайди. Бу тўй нафақат қирғиз халқи учун, балки қадимий ва мұқаддас Туркистон заминида асрлар бўйи оға-ини бўлиб яшаб келаётган барча халқлар учун катта тантана, зўр шоду хурамлиkdir.

Биз, ўзбеклар, бугун "Манас" эпосининг тўйида қатнашар эканмиз, бир нарсадан чинакам ифтихор қилишга ҳаққимиз бор.

Қани айтинглар! Қирғиз халқининг улуғ ўғлони Манаснинг суюкли умр йўлдоши, елкадоши, тоғу таянчи ким бўлган?

Унинг маслакдоши, достонда айтилганидек, энг қийин кунларида, умрининг охиригача садоқатли сафдоши ким бўлган?

Биз, ўзбеклар, катта ғуур билан, фахр билан айтамизки, бу аёл Бухоро хонининг суюкли қизи Хоникей бўлган.

Шундан кейин, азизларим, ўзбек ва қирғизнинг қардошлигига

яна қандай далил керак? Яна қандай исбот керак?

Азиз дүстлар!

Тўйнинг ажойиб хусусиятларидан бири шундаки, у узокларни яқин қилади, яқинларни эса тағин ҳам жипслаштириб қадрдан қилади.

Биз бугун жаҳон маданияти хазинасига "Манаас"дек асар билан муносиб ҳисса қўшган қирғиз халқининг даҳоси ва бадиий тафаккури билан ҳақли равишда ифтихор қиласиз. Чунки қирғиз халқининг тарихи ва тақдири барча туркий халқларнинг, жумладан, ўзбек халқининг ҳам тарихи ва тақдири билан муштарак боғлиқдир.

Бизнинг ота-боболаримиз: "Бозоримиз ҳам, мозоримиз ҳам бир" деб ўтганлар. Яхши-ёмон кунларда қисмат синовларини биргаликда бошдан кечирганлар, босқинчи ёвларга қарши бирга курашганлар, дўстлик бурчига ҳамиша содиқ қолганлар.

Туркистон халқларининг мумтоз миллий қаҳрамонлари - Гўрўғли, Алпомиш, Манаас, Ойсулов, Авазхон сингари сиймоларга хос хусусиятлардан бири шуки, бу одамлар доим ўз атрофларига элу халқни йиғадилар, юртни обод, ҳаётни фаровон этадилар.

Қирғиз халқининг миллий қаҳрамони, донишманд Манаас тарқоқ қирғиз қабилаларни, барча туркий элларни бирлаштиришга интилади, одамзодга доимо ватанпарварлик ва мардликдан сабоқ беради.

Кудратли ва салоҳиятли давлат барпо қилиш, уни тараққий эттириш - Манаас ботир ҳаётининг бош мақсади ва мазмуни эди.

Бу олижаноб ғоя - ҳар доим бирга бўлиш, дўст бўлиш, ҳамдард, ҳамнафас бўлиш - биз учун, яқинда мустақилликка эришган Марказий Осиё халқлари учун бугунги кунда энг муҳим ва долзарб вазифадир.

Азиз бовурлар!

"Манаас" қирғизнинг азалий ва абадий қомусидир, деб айтсак асло муболаға бўлмайди.

Юз йиллар оша ўз ота-боболарининг қутлуг меросини кўз корачиғидай асраб-авайлаб келаётган, қардош-жондош қирғиз дўстларимизнинг бу борадаги ишлари ҳар қанча таҳсинга сазовор.

Шунинг учун ҳам бу достонни яратган ва унга асрлар давомида сайқал бериб келган қирғиз халқининг бадиий заковатига, ноёб истеъодли манасчи оқинларга ўз эҳтиромимизни, хурматимизни изҳор этиш бизнинг бурчимиздир.

Яқинда Тошкентда бу салобатли достоннинг ўзбек тилидаги янги таржимаси босилиб чиқди. Биз бугун "Манас" гўзалликларидан халқимизни баҳраманд қилиш ишига катта ҳисса қўшган атоқли шоир - таржимонларимиз Миртемир, Султон Акбарий ва Турсунбой Адашбоевларнинг номларини ҳам хурмат билан эслашимиз жоиз.

"Манас"нинг 1000 йиллиги муносабати билан бугун Ўзбекистонда жуда кўп анжуманлар, тантаналар бўлиб ўтди.

Қадрли дўстлар!

Мен сўзимнинг бошида халқларимизнинг яқин қариндошлиги тўғрисида гапирдим.

Ўша гўзал аёл Хоникейнинг синглиси Арука Манаснинг тутинган иниси Алмамбетнинг хотини экан. Бухоро хонининг яна бир қизи эса Сари Аркадаги қозоқ хони Кўкча ботирнинг аёли бўлган.

Бундай қариндошлиқ ўша замонларда Бухоро, Талас ва Сари Арка хонликлари орасида тинчлик, осойишталикка хизмат қилган экан.

Мен нима демоқчиман?

Мен шуни айтмоқчиманки, Яратганинг ўзи Сиз билан бизга, юртимизга насл-насабимизни асрайдиган, давом эттирадиган гўзал аёлларни - ажойиб мўъжизани ҳам ато этган!

Шунинг учун, биродарлар, Аллоҳ таоло бизни, қирғизни, қозоқни, туркманни, тоҷикни, ўзбекни ва бошқа қардошларимизни ҳеч қачон қиз олиб, қиз беришдан, борди-келди қилишдан айрмасин.

Қадрдонларим!

Ўзбек билан қирғиз - бир туққан, бир туғишган. Бугунги кунда Ўзбекистон ҳам, Қирғизистон ҳам қийинчиликларни мардонавор енгиб, ўз мустақиллигини мустаҳкамламоқда, жаҳон ичра ўзига муносиб мавқени эгалламоқда.

Айниқса, Марказий Осиё давлатлари тепасида чараклаб турган күёшдан баравар нур эмиб, қўкка қараб бўй чўзаётган азим чинордек бўлиб, бир-бири билан кенгашиб, бир-бирини қўллаб-қувватлаб иш тутаётгандар, "Туркистон - умумий уйимиз" ҳаракатининг кундан-кунга кенгайиб бораётгани айни муддао бўлмоқда.

Эзгу мақсадларимизнинг амалга ошиши йўлида Манас каби улуг миllib қаҳрамонларимизнинг руҳи бизга бекиёс маънавий мадад

бўлиши, шубҳасиздир!

Муҳтарам қирғиз бовурларим, азизлар!

Манас ва Алпомиш - қиёматли дўст. Ўзбек ва қирғиз - қиёматли дўст. Шундай экан, ижозатларингиз билан мен ўзбек халқи номидан, Алпомиш номидан Сиз азизларнинг ҳаммангизни, қадрдан дўстим Асқар Акаевни чин дилдан кутламоқчиман!

Манаснинг тўйи - бутун Туркистоннинг тўйи. Манаснинг тўйида қадим диёrimизнинг забардаст мутафаккирлари Рўдакий, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Махтумқули, Абай, Тўхтағул, Бердақ ва бошқа улуғ зотларнинг руҳлари шод бўлаётгани рост бўлсин!

Манасдай суянчи бўлган Қирғизистон гуллаб-яшнасин, равнақ топсин!

*Бишкекда "Манас" эпосининг 1000 йиллик тантаналарида
сўзланган нутқ, 1995 йил 28 август*

ЎЗБЕКИСТОН ТЕННИС МАМЛАКАТИ БЎЛАДИ

Теннис бўйича Иккинчи халқаро турнирнинг хурматли қатнашчилари, меҳмонлари ва ташкилотчилари!

Хонимлар ва жаноблар!

Сизларни Ўзбекистон пойтахти Тошкент шахрида қизғин кутлашга ижозат бергайсизлар!

Теннис бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги учун бу галги мусобақалар давлатимиз мустақиллигининг 4 йиллиги арафасида ўтмоқда.

Сизларга, халқаро турнир иштирокчилари ва меҳмонларига мамлакатимизда ҳаётнинг барча соҳаларида: сиёсатда, иқтисодиётда, илм-фанда, маданиятда, шу жумладан жисмоний тарбия ва спорт соҳасида ҳам туб ўзгаришлар содир бўлаётганини айтиб ўтиш менга катта мамнуният бағишилайди.

Жаҳон бизни кашф қиласи, биз ҳам ўз навбатида жаҳонни англаб етамиз.

Бир неча кундан кейин Тошкентда Халқаро Олимпия қўмитаси раҳнамолигида биринчи Марказий Осиё ўйинлари бошланади, теннис бўйича Ўзбекистон терма командаси Девис кубоги Осиё зонаси финалида қатнашади, октябрь ойида бокс бўйича Осиё чемпионати ўтказилади. Бундай йирик спорт тадбирларининг ўтказилиши бутун жаҳонга янги, мустақиллик йўлидан дадил бораётган Ўзбекистонни таниширади, миллат саломатлиги мустаҳкамланаётганини, спортчиларимиз маҳорати ортиб бораётганини, жаҳон майдонида уларнинг нуфузи ошаётганини намойиш этади.

Бироқ, биз учун булардан ҳам муҳими янги-янги дўстлар, спорт муҳлисларини орттиришдир. Киши ўзининг қандай эканини кўрсатишнинг спорт майдонида маҳоратини намойиш этишдан яхшироқ усули йўқ.

Бугунги кунда жаҳонга куролланиш ва вайронагарчилик соҳасидаги беллашувлар керак эмас. Инсониятга барқарорлик ва

тинчлик керак. Спорт эса, тинчликнинг элчиси ҳисобланади.

Энг истеъодди, энг қобилиятли, энг ёркин иқтидор эгалари жаҳонни спортдаги ютуқлари билан забт этаверсин. Улар фақат спорт майдонларида - ақли, маҳорати, ғайриоддий қобилиятлари, истеъоди ва жасорати, ғалабага бўлган интилиши билан беллашаверсинлар.

Улар инсон имкониятларининг чексизлигини, унинг жисман ва руҳан мукаммаллигини исбот қилсинлар, инсон заковатининг бутун гўзаллиги ва бетакрорлигини кўрсатсинлар.

Муҳтарам мусобақа иштирокчилари ва меҳмонлари!

Мен Ўзбекистон спорт жамоатчилиги ва бутун ҳалқи номидан бугун Ўзбекистон Президенти кубоги учун Иккинчи теннис мусобақасига келган барча спортчилар ва уларнинг мураббийларига самимий миннатдорчилик туйғуларини изҳор этишни истар эдим.

Мен бу мусобақани ёритиш учун келган барча оммавий ахборот воситалари вакилларига миннатдорлик билдиришни истар эдим.

Ишончим комилки, бу мусобақа унинг иштирокчилари учунгина эмас, кўп сонли мухлислари учун ҳам ҳақиқий байрамга айланади. Мен улкан теннис яқин орада Ўзбекистонда жадал равища ривожланиб, спортнинг бошқа турлари қаторидан ўзининг муносиб ўрнини эгаллашига аминман. Бунда мазкур мусобақа иштирокчиларининг хизмати катта эканига ҳеч шубҳа йўқ.

Дўстлар!

Бир неча дақиқадан сўнг мусобақамиз бошланади. Кучли ва бирбирига муносиб кишиларнинг қийин кураши бошланади.

Биз барчангизга муваффақиятлар тилаймиз. Биз мусобақаларимиз ғолибининг оғир курашини муносиб баҳолаймиз.

Мен бу ажойиб спорт байрамининг барча иштирокчиларини муносиб тарзда баҳолашимизни ҳам айтиб ўтишни истар эдим.

Мен Сиз, азиз меҳмонлар мусобақа ўтадиган кунларда ҳамроҳингиз бўладиган ҳақиқий ўзбек меҳмондўстлиги, ҳалқимизнинг қалб ҳарорати, инсоний ғамхўрликни ҳис килишингизни жуда-жуда истар эдим.

Мусобақанинг барча ташкилотчиларига, энг аввало, жаноб Сассон Какшурига, уларнинг меҳнати, ўйинларнинг муваффақиятли ўтиши йўлида қилган барча иши учун катта раҳмат.

Жаҳоннинг барча томонидан келиб, қуёшли Ўзбекистон пойтахтида тўпланган барча мусобақа иштирокчилари, катта ракетка усталарини яна бир бор табриклишга ижозат бергайсизлар.

Мусобақанинг барча иштирокчиларига сиҳат-саломатлик, баҳтсаодат ва муваффақиятлар ёр бўлсин!

Яшасин спорт!

Яшасин тинчлик ва дўстлик!

*Тошкентда "Президент қубоги" учун II ҳалқаро турнир очилиши
маросимида сўзланган нутқ, 1995 йил 29 август*

* * *

Хурматли ҳалқаро теннис мусобақаси иштирокчилари ва меҳмонлари!

Хонимлар ва жаноблар!

Ўзбекистон пойтахтида ўтказилган навбатдаги теннис турнири ниҳоясига етди.

Тошкент кортларида жаҳоннинг теннис ривожланган кўплаб мамлакатларидан келган кучли теннисчилар бир неча кун давомида мусобақанинг бош соврини учун кураш олиб бордилар.

Мусобақанинг барча иштирокчилари спорт муҳлислари ва ҳаваскорларига, ўзларининг фидокорона, мардана ва ўзига хос маҳорат билан олиб борган ўйинларини кузатган барча томошабинларга унтуилмас дақиқалар ҳадя этдилар.

Очиқ, ҳалол, мардонавор курашда маҳорат, қатъият, инсоний хусусиятлар ва ўйин даражаси ғалаба қозонганига бизда ҳеч қандай шубҳа йўқ.

Азиз дўстлар! Мусобақа ғолибларини чин қалбимдан табриклишга ижозат бергайсизлар. Умид қиласманки, уларнинг маҳоратини тақдирлаб берилган совринлар спорт оламида улар эгаллаб турган ўринга тўла мос келади. Бизнинг спортчиларимиз Олег Огородов, Дима Томашевич, Темур Хонхўжаев, Темур Фаниев ва бошқа теннис ракеткаси бўйича усталаримиз бу гал ғолиблар сафидан жой ололмаганидан унчалик ўксимасин. Ишончим комилки,

Сизларни олдинда катта ғалабалар кутади. Энг муҳими шундаки, Сизларнинг ўйинларингизни томоша қилган, Сизларга ғалаба тилаган ҳар бир киши Сизларнинг ўзингизга хос матонатингиз, мардлигингиз ва қатъиятингизни эътироф этмоқда.

Хурматли дўстлар!

Ўйлайманки, Сизлар бу турнирда ғолиблар бору мағлублар йўқ, деган фикрга қўшиласизлар.

Чунки нафақат мана шу минбарларда туриб, ҳатто телевизор экранлари орқали ҳар бир иштирокчи учун жон куйдирган биз, томошабинлар, мусобақа иштирокчиларининг барчаси бу ердан мағлубият аламини тотиб эмас, балки қониқиш ҳосил қилиб кетишини истаган эдик.

Биз барчамиз Сизлар - турнир иштирокчилари, мураббийлар ва ҳакамлар қалбимизнинг бир парчасини, ўзбек меҳмондўстлиги ҳароратини олиб кетишиларингизни истаймиз.

Сизлар, Сизларнинг мураббийларингиз, оммавий ахборот воситалари, журналистлар амалга оширган энг муҳим иш шундан иборатки, Сизлар ниҳоятда қисқа вақт мобайнода ўзларингизнинг гўзал ўйинларингиз билан мамлакатимизнинг минглаб йигит-қизларини катта теннисга ошно қилдинглар. Назаримда, Сизлар бу ўйинга ёшларнигина эмас, ўрта ва кекса ёшдаги кишиларни ҳам ошно қилдинглар. Ишончим комилки, катта теннис - спортнинг барча ёшдаги кишиларни жалб эта олувчи гўзал туридир.

Йиллар ўтиб, бўлажак мусобақалар иштирокчилари орасидан ҳозир шу кортларда эндиғина қўлига ракетка олиб машқ қилаётган болалар ҳам муносиб ўрин олишига аминман.

Хонимлар ва жаноблар!

Муҳтарам дўстлар!

Бугун якунланаётган мусобақа Ўзбекистондаги барча спорт муҳлислари учун ҳақиқий байрам бўлди.

Мана шу кортларда намойиш этилган гўзал ўйинларингиз, муросасиз курашларингиз учун Сизларга миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсизлар.

Иккинчи Тошкент халқаро турнири ташкилотчиларига, айниқса, жаноб Сассон Какшурига катта раҳмат айтишни истар эдим.

Турнирга ниҳоятда яхши ҳакамлик қилганликлари учун жаноб Дани Гали бошлиқ ҳакамлар хайъатига катта раҳмат.

Ўз ахборот ва репортажларида мусобақага, мусобақагагина эмас, бу ерда - Ўзбекистонда, давлатимиз пойтахти Тошкентда кўрган барча нарсага катта эътибор берган оммавий ахборот воситалари вакилларига миннатдорлик билдираман.

Сизларга сиҳат-саломатлик, баҳт-саодат, жаҳон кортларида муваффақиятлар тилайман, азиз дўйстлар!

Биз Сизларга: "Хайр" демаймиз.

Тинчлик, дўйстлик ва биродарлик шахри сифатида шухрат қозонган Тошкентда яна тезда дийдор кўришайлик!

Тошкентда "Президент кубоги" учун II ҳалқаро турнир ёпилишида сўзланган нутқ, 1995 йил 2 сентябрь

ЎЗБЕКИСТОН ИҚТисодий ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ЙӮЛИДА

МУҚАДДИМА

Ўзбекистон жаҳон сиёсий харитасида, Осиё қитъасининг марказида янги мустақил давлат сифатида тобора кўпроқ тилга тушмоқда. Ўзбекистонда юз бераётган прогрессив ўзгаришлар, унинг жуда катта табиий бойликлари, ишлаб чиқариш, илмий-техникавий ва интеллектуал имкониятлари, ноёб миллий-маданий мероси халқимиз тарихи ва ҳозирги ҳаёти билан қизиқаётган дунёning барча минтақаларидағи сиёсатчилар, бизнесчилар, оддий одамларни ўлкамизга тобора кўпроқ жалб этмоқда.

Ўзарид бораётган жўғрофий-сиёсий структурада Ўзбекистоннинг роли ортиб бормоқда. Ҳамдўстлик мамлакатларидаги шерикларимиз ҳам, шунингдек, биз тўла ҳуқуқли аъзоси бўлган обрўли халқаро ташкилотлар ҳам ҳозирги вақтда Ўзбекистоннинг фикри билан, унинг нуқтаи назари билан ҳисоблашмоқдалар. Ўзбекистоннинг тинчлик ўрнатишга қаратилган изчил сиёсати натижасида унинг Марказий Осиё минтақасидаги осойишталик ва барқарорликнинг кафили сифатидаги мавқеи мустаҳкамланиб бормоқда.

Турли миллат ва динга мансуб миллионлаб кишилар ўз тақдирларини ва келажакларини Ўзбекистон билан боғлаб, бу қадимий сахий заминда тинч-тотув яшамоқдалар. Мустақилликка эришган, тоталитар тузум кишанларидан холос бўлган Ўзбекистон халқи ижодий меҳнати билан ўзининг кўп асрлик тарихига янги-янги саҳифалар битмоқда.

Мустақиллик йиллари - ўз ўтмишимизни, ўз маданиятимизни холисона билиб олиш давридир. Бу - жаҳон ҳамжамияти, тарих олдидағи вазифамизни англаш олиш давридир. Бу давр бой

имкониятларга эга бўлган республикани танг аҳволга солиб қўйган сабабларни мафкуравий ақидалардан холи тарзда жиддий таҳлил қилиш, тангликини тезроқ бартараф этиш йўлларини излаш йиллариdir.

Мустақиллик йиллари - ёш демократик давлатни фаол қуриш, унинг сиёсатини ишлаб чиқиш давридир. Бу давр маънавий уйғониш ва миллий ўзлигини англашнинг ўсиши давридир. Бу - озодлик рухи билан, ўз кучларига, мамлакатнинг, халқнинг ёрқин келажагига ишонч билан тўлиб-тошган даврdir.

Энг муҳими шуки, мустақилликнинг дастлабки йиллари - республиканинг ўз тараққиёт йўлини фаол излаш, Ватанимизни эркин, кучли ва равнақ топаётган диёрга айлантиришга интилиш даври бўлди.

Давлат мустақиллигини қўлга киритиш натижасида Ўзбекистон учун иқтисодий ва ижтимоий тараққиётнинг, маданий ва маънавий янгиланишнинг кенг истиқболлари очилди.

Вазият тақозоси билан Ўзбекистон дастлабки кунларданоқ бир ёқлама ривожлантирилган мажрух иқтисодиётдан мерос бўлиб қолган, табиий ва минерал-хом ашё захираларидан нотўғри фойдаланиш, ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш ва жойлаштиришдаги, нарх белгилашдаги, ахолининг истеъмол таркибидаги бузилишлар туфайли вужудга келган ғоят кескин муаммоларни якка ўзи ҳал қилишга мажбур бўлди. Маъмурий йўл билан режалаштиришга асосланган иқтисодий муносабатлардан бозор муносабатларига ўтишнинг тартиби ва усулларини ўзи белгилашига тўғри келди. Жаҳон хўжалик алоқалари тизимиға кириш, давлатлараро иқтисодий муносабатларни йўлга қўйишнинг энг мақбул йўллари изланди.

Буларнинг барчаси жамиятни янгилашда, ижтимоий-иктисодий тараққиётда ўз йўлимизни излашни талаб қилди. Биз танлаб олган йўл ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришга каратилгандир. Бу йўл жаҳон тажрибасини, шунингдек, халқимизнинг турмуш шароитини, анъаналарини, урф-одатларини, турмуш тарзини ҳар томонлама ҳисобга олишга асослангандир.

Биз танлаб олган тараққиёт йўли конституцион асосга эга. Бу

йўл Ўзбекистондаги барча аҳоли манфаатларига ҳар жиҳатдан мос тушади.

Айнан шундай йўл ўзбекистонликларнинг муносиб турмуш кечириши учун кафолат бўла олади, миллий анъаналар ва маданиятнинг ривожланишини, маънавий-ахлоқий қадриятларнинг қайта тикланишини таъминлайди.

Пировард мақсадимиз ижтимоий йўналтирилган барқарор бозор иқтисодиётiga, очиқ ташқи сиёсатга эга бўлган кучли демократик хуқуқий давлатни ва фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси давлат қурилишининг бош йўналиши маشاққат билан қад ростлаган мамлакатларнинг мураккаб тажрибасини, шу билан бирга республиканинг ўз хусусиятларини ва халқимизнинг ақл-заковатини ҳисобга олиб ишлаб чиқилган ўз йўлимиздан аниқ мақсад сари қатъият билан илгарила боришдан иборатдир.

Мана шу ғоят муҳим қоидалар икки манба сифатида бир-бири билан узвий қўшилиб, қудратли оқимни ташкил этмоқда. Кун сайин куч-кудрат ва тажриба орттириб бораётган бу оқим жамиятимизни ва давлатимизни янгилашга ҳамда тараққий эттиришга хизмат қилади.

Ушбу йўлни амалга оширишга, иқтисодиётни тубдан ислоҳ қилишга бешта муҳим ва машхур тамойил асос килиб олинган бўлиб, ўтиш даврининг сиёсати ана шу тамойилларга таянади.

Ишлаб чиқилган тамойиллар ҳаёт синовидан ўтди. Амалий иш жараёнида уларнинг тўғрилиги ва таъсирчанлиги тасдиқланди. Бу тамойиллар жаҳон жамоатчилиги томонидан маъқулланди, энг муҳими, халқимизнинг ўзи уларни қабул қилди ва қўллаб-кувватлади. Ҳозирги вақтда мазкур тамойилларни амалга ошириб, республикада ижтимоий-сиёсий барқарорлик, энг муҳими - бозор муносабатларини жорий этиш сари босқичма-босқич илгарила боришимиз таъминланмоқда. Шу боис биз бундан буён ҳам ушбу тамойилларга амал қиласкерамиз.

Биз бу тамойилларни етарли даражада кенг ва тўла баён қилиб бергандик. Уларнинг асосий мазмуни қуйидагилардан иборат.

Биринчидан, иқтисодиётни мафкурадан батамом холи қилиш.

Иқтисодиёт сиёсатдан устун турмоғи, унинг ички мазмунини ташкил қылмоғи лозим. Айнан иқтисодиёт, уни янада ривожлантириш муаммолари ҳозирги сиёсатимизнинг асосий мазмунидир.

Иккинчидан, мураккаб ўтиш даврида давлатнинг ўзи бош ислоҳотчи бўлиши зарур. Давлат бутун ҳалқнинг манфаатларини кўзлаб, ислоҳотлар жараёнининг ташаббускори бўлиши, иқтисодий тараққиётнинг етакчи йўналишларини белгилаши, иқтисодиётда, ижтимоий соҳада ва суверен давлатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида туб ўзгаришларни амалга ошириш сиёсатини ишлаб чиқиши ва изчил рўёбга чиқариши керак.

Учинчидан, бутун янгиланиш ва тараққиёт жараёни қонунларга асосланмоғи зарур. Иқтисодий ўзгаришлар синалган, амалий кучга эга бўлган қонунларга таянгандагина бу ўзгаришлар сезиларли натижалар бериши, муқаррар бўлиши мумкин.

Тўртинчидан, демография соҳасидаги реал аҳволни, аҳолининг мавжуд турмуш даражасини хисобга олган ҳолда бозор муносабатларига ўтиш билан бир қаторда одамларни ижтимоий ҳимоялаш соҳасида кучли чора-тадбирларни олдиндан амалга ошириш керак. Ижтимоий ҳимоялаш ва кафолатларнинг кучли, таъсирчан механизми мавжуд бўлгандагина ижтимоий-сиёсий барқарорликни сақлаган ҳолда бозор иқтисодиёти сари тинимсиз ривожланиб боришини таъминлаш мумкин.

Нихоят, бешинчидан, янги иқтисодий, бозор муносабатларини пухта ўйлаб, босқичма-босқич қарор топтириш лозим.

Беш тамойилнинг ҳаммаси ҳам демократик ва иқтисодий ўзгаришларни муваффақиятли ислоҳ қилиб боришда бирдай муҳим аҳамиятга эгадир. Шу билан бирга бозорга босқичма-босқич ўтиш тамойили алоҳида эътиборга лойиқ. Бу етакчи тамойиллардан биридир. У иқтисодий ислоҳотларнинг бутун ички мантиқини, ривожланиб бориши ва характеристерини белгилаб беради.

Биз олдимизга қўйған мақсад сари қадам-бақадам илгарилаб боришимиз зарурлигини қайта-қайта таъкидладик. Тегишли ҳуқуқий негизни, бозор инфраструктурасини яратиш, янги шароитларда ишлай оладиган кадрларни тайёрлаш учун вақт керак бўлади.

Одамларнинг қотиб қолган фикрлаш тарзини ўзгартириш, эскича

фикрлаш усулидан холи қилиш ғоят муҳимдир. Одамларнинг ўзида жамиятни янгилаш ва ўзгартериш зарурлигига ишонч туғдирмасдан туриб, ҳаракатлантирувчи кучларни ва қадриятларга муносабатни, далилий сабабларни ўзгартирмасдан туриб, ислоҳ қилиш йўлидан амалда олға бориш, айниқса, янги жамият барпо этиш, тамомила янги муносабатларни жорий этиш мумкин эмас.

Биз бозор иқтисодиётига катта сакрашлар, тубдан вайрон қилиш йўли билан эмас, балки бир босқичдан иккинчи босқичга кетма-кет ўтиш, яъни эволюцион тарзда илгарилаб боришни ўзимиз учун қатъяян танлаб олдик. Ҳар бир босқич амалга оширилаётган ислоҳотлар стратегиясининг бир ҳалқасидир. Ҳар бир босқич доимо стратегик жиҳатдан устун йўналишлар билан солиштириб турилиши лозим. Бу йўналишлар босқичма-босқич амалга оширилаётганини акс эттириши, танлаб олинган йўлнинг тўғрилигини аниқлаб берадиган барометр вазифасини ўташи ва унга ўз вақтида зарур тузатишлар киритиши керак. Стратегик йўл босқичларни ажратиш, уларнинг мақсадлари, вазифалари ва афзал жиҳатларини белгилаш учун асосий мўлжалдир.

Бозор сари тегишли тайёргарликсиз қилинган ҳар қандай жадал ҳаракат амалда муваффақиятсизликка, танглик ҳолатларининг кучайиб боришига, таркиб топган барча структуралар, хўжалик алоқалари тезда емирилишига ва, оқибатда, иқтисодиётда, ижтимоий соҳада ўпирилишга, бозор ғояларининг обрўсизланишига олиб келади. Бошқача айтганда, бу бошдан-оёқ вайроналикка олиб борадиган, шу йўлни танлаб олган мамлакатни жар ёқасига, кучли ижтимоий ларзаларга олиб борадиган йўлдир.

Бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш тамойилини амалга ошириш, бир томондан, бизга мерос бўлиб қолган барча прогрессив жиҳатларга авайлаб муносабатда бўлишни тақозо этади. Иккинчи томондан, ислоҳ қилишнинг асосий босқичларини аниқ ажратиш, бу босқичларнинг ҳар бири учун конкрет мақсадларни, уларга эришиш воситаларини белгилаб олишни талаб қилади.

Доно ҳалқимиз янги уй қурмай туриб, эскисини бузмасликни ўргатади. Бозор иқтисодиётига ўтиш чоғида иқтисодиётни ислоҳ этиш манфаатларига хизмат қилиши, бу жараён мумкин қадар самарали ва

машаққатсиз ўтишига ёрдам бериши мумкин бўлган воситалардан воз кечиши кечириб бўлмайдиган хато бўлур эди.

Бу гаплар энг аввало иқтисодий муносабатлар тизимида давлатнинг ўрни ва ролини аниқлашга тегишилидир. Ўзини ўзи бошқариш вужудга келмаган, эркин ракобат бўлмаган, ташки алоқалар чекланган бир шароитда талаб ва таклиф таъсирида давлатнинг иқтисодиётни бошқаришдан воз кечиши тангликнинг чукурлашишига, нарх-наво ўсишига ва пулнинг қадрсизланиши кучайишига туртки бўлади.

Ислоҳотни амалга оширишда унинг босқичлари изчил бўлиши муваффақият гаровидир. Эркин бозор иқтисодиётiga эга бўлган демократик жамият барпо этишдан иборат пировард мақсад унга борувчи ҳар бир босқичда ўз ифодасини топмоғи керак. Ҳар бир босқични шакллантириш мақсадлар уйғунлигини ва уларга изчиллик билан эришишни таъминлаши зарур. Ҳар бир босқич учун қўйилган аниқ вазифалар, бу вазифаларни ҳал қилишнинг пухта ишлаб чиқилган механизмигина танлаб олинган мақсад сари босқичмабосқич ишонч билан олға боришини таъминлайди. Бу ҳол куч ва ресурсларни олдимизга қўйилган вазифаларни бажаришга йўналтириш, энг муҳим устуворликларни аниқлаш, иқтисодий ислоҳот жараёнини ана шу мақсадларга эришишга бутунлай бўйсундириш имконини беради.

Бир босқични тамомлагандан кейингина, зарур шартшароитларни яратиб, янги босқичга ўтиш мумкин. Иқтисодий ислоҳотлар бозор муносабатларининг реал механизмларини астасекин, қадам-бақадам шакллантириб бориши зарур. Бу механизмлар дарров ишга тушиб кета олмайди, улар аста-секин созланади, йўлга қўйилади.

Ҳар бир босқичда тафаккуримизни ўстириб, эришилган реал натижалар билан одамларни янги тузумнинг афзаллигига ишонтирибгина ислоҳотларни охиригача амалга ошира оламиз. Иқтисодий структураси ривожланган, самарали ижтимоий муносабатларга эга бўлган жамиятни кура оламиз.

Ҳозир биз керакли ёндашувларни, зарур иш маромини топдик, муайян фойдали тажриба орттиридик. Дастлабки якунларни чиқариш,

навбатдаги босқичнинг вазифалари ва устувор йўналишларини белгилаш зарур бўлиб қолди.

Аслини олганда, жуда катта, кўп қиррали тайёргарлик иши тугалланди. Бу ишнинг моҳияти халқ хўжалигини ва одамларнинг руҳиятини янги шароитларга мослаштиришдан иборатdir.

Ислоҳотлар жараёнини республикада яшаётган барча кишилар кенг кўламда қўллаб-кувватлаётганлиги сиёсатимизнинг асосий ютуғидир. Бу ҳол ислоҳотлар муваффакият қозонишига ишонч түғдирмоқда.

Айни вақтда ислоҳотларнинг боришини секинлаштираётган сабабларни очиб ташламасак, улар йўлидаги тўсиқларни бартараф этмасак, ислоҳотлар жараёни узоққа чўзилиши, суст кечиши хавфи пайдо бўлади. Бу ҳол ислоҳотлар мазмуни қадрсизланиши хавфини түгдиради. Бу ҳол ислоҳотларнинг асосий афзалликларидан - янги кучларни рўёбга чиқариш имкониятидан, рағбатлантириш омилларидан, ўзгаришларга сабаб бўлувчи кучли далиллардан маҳрум қиласди. Бунга эса йўл қўйиб бўлмайди.

Хозир бизнинг биринчи навбатдаги вазифамиз амалга оширилган ишларни таҳлил қилиб, сифат жиҳатидан янги босқичда ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг янги стратегиясини қабул қилишдан, унинг асосий вазифалари ва мақсадларини белгилаб олишдан иборатdir.

1-қисм

ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР БИРИНЧИ БОСҚИЧИННИНГ ЯКУНЛАРИ ВА САБОҚЛАРИ

Ўзбекистонда ўз миллий валютамиз муомалага киритилиши билан иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда сифат жиҳатидан янги босқич бошланди. Бугун шуни ишонч билан айтиш мумкинки, биз энг қийин, бошлангич босқични ўтиб бўлдик. Бу босқич иқтисодий ислоҳ қилишнинг бутун жараёнига асос солди. У давр синовидан ўтди ва ўз вазифасини, ўз ишини муваффакиятли бажарди,

деб айтиш учун тўла асос бор.

Ўтиш даврининг биринчи босқичи ислоҳ қилиш жараёнининг қийинчиликларини, айни вақтда табиий иқтисодий муносабатларни тиклашга ёндашишлар бир хил андазада ва одатий эмаслигини кўрсатди.

Биринчи босқич бутунлай янги иқтисодий тизимнинг хукукий негизларини яратишга, давлатчиликни шакллантириш ва мустаҳкамлашга, эскича фикрлаш тарзларини онгимиздан чиқариб ташлашга қаратилган эди. Бу босқичда янги тузум учун ишончли пойдевор яратиш вазифаси қўйилди ва ҳал қилинди.

Биринчи босқичнинг асосий якунлари нималардан иборат, белгиланган ишлардан қайси бирларини амалга оширишга муваффақ бўлинди, босиб ўтилган йўлни таҳлил қилишдан қандай хulosалар чиқариш керак? Мана шу саволларга тўла ва холисона берилган жавоб қилинган ишларнинг тарихий аҳамиятини чукурроқ англашга, бозор иқтисодиётини шакллантириш йўлидан қанчалик илгарилаб кетганлигимизни тўғри баҳолашга имкон беради. Бу эса жамиятимизни ислоҳ қилиш ва янгилашнинг навбатдаги босқичларида танлаб олган йўлимиздан оғишга йўл қўймаслик учун зарур сабоқлар чиқариш имконини беради.

1.1. ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР СТРАТЕГИЯСИ ВА ЙЎЛИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМИ

Биз ислоҳотлар стратегияси ва улар йўлини шакллантиришга қаратилган ўз моделимизни ишлаб чиқишига ва амалга оширишга муваффақ бўлдик. Бу - амалга оширилаётган туб ўзгаришлар бошланғич босқичининг асосий натижасидир.

Бутун ислоҳ қилиш жараёнининг бошланғич нуқтаси стратегияни танлаб олишдан иборатdir. Бу - ғоят масъулиятли ва мураккаб жиҳат. Умумий стратегияга эга бўлмай, пиравард мақсадни кўрмай туриб, иқтисодий ислоҳ қилишнинг таъсирчан чоратадбирларини белгилаб бўлмайди.

Ижтимоий-иктисодий ўзгаришларнинг пиравард мақсадини белгилаб олиш ҳозирги ислоҳ қилиш стратегиясининг бошланғич

нуқтаси бўлиб хизмат қиласди. Бунда биз марказлаштирилган, маъмурий-буйруқбозликка асосланган иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтиш - эски хўжалик юритиш механизмини шунчаки янгилаш ёки такомиллаштириш эмас, балки бир сифат ҳолатидан иккинчи сифат ҳолатига ўтиш эканлигини қайта-қайта таъкидладик. Бу бир иқтисодий муносабатлар ва ташкилий-бошқарув тузилмаларининг бошқа иқтисодий муносабатлар ва ташкилий-бошқарув тузилмалари билан алмашинувидир.

Ўзбекистоннинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигига эришиш, миллий давлатчилигимизни барпо этиш, бунинг учун мустаҳкам моддий негиз яратиш манфаатларини кўзлаб қуидагилар иқтисодиётни ислоҳ қилиш соҳасида стратегик мақсадлар қилиб белгиланди.

1. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини босқичмабосқич шакллантириш, қудратли ва тинимсиз ривожланиб борадиган, миллий бойликнинг ортишини, кишилар ҳаёти ва фаолияти учун зарур шарт-шароитларни таъминлайдиган иқтисодий тизимни барпо этиш.

2. Кўп укладли иқтисодиётни яратиш, инсоннинг мулқдан маҳрум бўлишига барҳам бериш, ташаббускорлик ва уддабуронликни бутун чоралар билан ривожлантириш негизи бўлган хусусий мулкнинг давлат томонидан ҳимоя қилинишини таъминлаш.

3. Корхоналар ва фуқароларга кенг иқтисодий эркинликлар бериш, уларнинг хўжалик фаолиятига давлатнинг бевосита аралашувидан воз кечиш, иқтисодиётни бошқаришнинг маъмурий-буйруқбозлик усусларини бартараф этиш, иқтисодий омиллар ва рағбатлантириш воситаларидан кенг фойдаланиш.

4. Иқтисодиётда моддий, табиий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишини таъминлайдиган чукур структуравий ўзгаришлар қилиш, рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш, жаҳон иқтисодий тизимига қўшилиб бориш.

5. Кишиларда янгича иқтисодий фикрлашни шакллантириш, уларнинг дунёкарашини ўзгаририш, ҳар бир кишига ўз меҳнатини сарфлаш соҳаси ва шаклларини мустақил белгилаш имконини бериш.

Бунда ислоҳотлар инсон манфаатларига мос келган, унинг талаб

ва эҳтиёжларини қондиришга ёрдам берган, турмуш даражасини оширишга қаратилган тақдирдагина аҳамиятли бўлишини ҳамиша ёдда тутмоғимиз лозим.

Стратегик мақсадларга изчиллик билан эришиб бориш ислоҳ қилишнинг биринчи босқичидаги асосий устувор йўналишларни аниқ ажратиб олиш заруратини келтириб чиқарди. Бунда ғоят кескин муаммоларни яқин фурсатларда ҳал этишга ёрдам берадиган асосий бўғинларни топиш муҳим эди.

Бизнинг бозор ислоҳотларини амалга ошириш дастуrimiz устувор вазифаларни босқичма-босқич ҳал қилишга асосланади.

Биринчи босқич - тоталитар ўтмишдан ҳозирги, замонавий бозор муносабатларига ўтишга қаратилган чора-тадбирлар занжиридаги бошланғич бўғиндир. Мазкур даврнинг хусусияти ҳам, мураккаблиги ҳам ана шунда.

Биринчи босқичда иккита ҳал қилувчи вазифани бирданига ҳал қилишга тўғри келди. Бу вазифалар:

- маъмурий-буйруқбозлик тизимининг оғир оқибатларини енгиш, тангликка барҳам бериш, иқтисодиётни барқарорлаштириш;
- республиканинг ўзига хос шароитлари ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бозор муносабатларининг негизларини шакллантиришдан иборат.

Ушбу вазифаларни ҳал қилиш учун биринчи босқичда иқтисодиётни дастлабки ислоҳ қилишнинг ғоят муҳим йўналишларини белгилаб берган асосий устувор йўналишлар сифатида қўйидагиларни алоҳида ажратиб кўрсатиш талаб қилинди.

Биринчидан, ўтиш жараёнининг ҳуқуқий асосларини шакллантириш, ислоҳотларнинг қонуний-ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш. Давлат мустақиллигининг ва ҳозирги иқтисодий муносабатларнинг ҳуқуқий пойdevori бўлган Асосий Қонун - Ўзбекистон Республикасининг янги Конституциясини қабул қилиш бош вазифа қилиб қўйилди.

Иккинчидан, қишлоқ хўжалигида мулкчиликнинг янги шаклларини вужудга келтириш, маҳаллий саноат, савдо, майший хизмат корхоналарини, уй-жой фондини хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш, шунингдек, енгил саноат, қурилиш ва

транспорт соҳасидаги айрим корхоналарни акциядорлик асосида қайта қуриш ҳисобига кўп укладли иқтисодиёт негизларини яратиш.

Хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шартшароит яратиш, хусусий мулкни ҳимоя қилишнинг конституциявий хуқуклари ва кафолатларини таъминлаш. Давлат хўжаликларини жамоа хўжаликларига ёки мулкчиликнинг давлатга қарашли бўлмаган бошқача шаклларига айлантириш, фермер (дехқон) хўжаликларини, унча катта бўлмаган кооперативларни, пурратчи ва ижарабчи оиласидан жамоаларни ривожлантириш ҳисобига қишлоқда ишлаб чиқаришнинг чинакам ширкатчилик шаклларини қайта тиклаш.

Учинчидан, ишлаб чиқаришнинг пасайиб боришига барҳам бериш, молиявий аҳволнинг барқарорлашувини таъминлаш иқтисодий ислоҳотларни рўёбга чиқаришнинг ғоят муҳим шарти бўлмоғи керак эди.

Иқтисодиёт барқарор амал қилиб турган тақдирдагина бозор муносабатларига муваффақиятли ўтиш мумкин. Биринчи босқичда вужудга келаётган вазият тангликтини бартараф этиш учун жадал, қаттиқ, баъзан унча одат бўлмаган чоралар қўришни, аҳолининг турмуш даражаси кескин ёмонлашиб кетишига йўл кўймасликни талаоб қилди.

Биринчи босқичда ғоят муҳим ва биринчи даражали чора-тадбирлар ҳамда устувор йўналишлар сифатида куйидагилар илгари сурилди.

Молия ва солиқ сиёсати соҳасида:

- қаттиқ молиявий сиёсатни амалга ошириш, давлат бюджети дефицитини иложи борича камайтириш, бюджетдан бериладиган дотациялар ва субсидияларнинг барча турларини босқичма-босқич қисқартириб бориш;

- бюджет маблағлари даромад тушганидан кейингина тақсимлаштирадиган йўлдан оғишмай бориш, биринчи даражали, энг зарур умумдавлат эҳтиёжлари учунгина бюджетдан маблағ ажратиш;

- халқ хўжалиги тармокларини, айрим корхоналарни ривожлантириш учун бюджетдан пул билан қайтармайдиган қилиб таъминлаш амалиётидан воз кечиш. Ана шу мақсадлар учун инвестиция кредитларидан кенг фойдаланиш;

- солиқ тизимини такомиллаштириш, бюджет даромадлари барқарор суратда тўлдириб турилишини таъминлайдиган, кичик ва хусусий корхоналарнинг, чет эл капитали иштирокидаги, қишлоқ хўжалик маҳсулотини қайта ишлайдиган ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарадиган қўшма корхоналарнинг ривожланишини рағбатлантирадиган пишиқ-пухта солиқ сиёсатини олиб бориш.

Кредит-пул сиёсати соҳасида:

- Марказий банк бошчилигига ҳамда кенг тармоқли мустақил тижорат ва хусусий банклар икки босқичли банк тизимини вужудга келтириш, республика худудида йирик чет эл банкларининг бўйимлари ва ваколатхоналарини очиш учун қулай шароит яратиш;
- барқарор пул муомаласини таъминлаш, кредит ва нақд пул эмиссиясини, жами пул массасининг асоссиз ўсишини кескин чеклаш;
- Ўзбекистон Республикасининг миллий пулини муомалага киритиш учун зарур иқтисодий ва ташкилий шарт-шароитлар ҳамда имкониятларни яратиш.

Нарх-наво бўйича ва пулнинг қадрсизланишига қарши сиёсат соҳасида:

- нарх белгилаш тизимини янада тартибга солиш, бозорни тартибга солиб турувчи восита сифатида нархнинг ролини мустаҳкамлаш;
- нарх-навони эркин қўйиб юборишнинг "эсанкиратадиган" механизми Ўзбекистон учун номақбул эканлигини қатъяян эътироф этган ҳолда, улгуржи ва чакана нархларни босқичма-босқич эркинлаштириш, эркин (келишилган) нархларда сотиладиган товарлар доирасини кенгайтириш йўлини изчил амалга ошириш;

- жуда тор доирадаги ҳаётий муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари, энг аввало, ун ва ноннинг нархини давлат томонидан бошқариб турish тартибини вақтинча сақлаб қолиш;

- қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг харид нархларини изчил суратда ошира бориб, уларни жаҳон нархлари даражасига етказиш;

- монополияларга қарши чора-тадбирларни амалга ошириш, юксак даражада монополлашган тузилмаларни ажратиш ҳисобига

нарх-навонинг сунъий равишда ошириб юборилишига йўл қўймаслик чораларини кўриш, рақобатчиликни вужудга келтириш учун шароит яратиш.

Бутун ислоҳ қилиш жараёнида амалга оширилган ғоят муҳим стратегик устувор йўналиш структуравий ўзгаришларни амалга оширишдан иборат бўлди. Стратегик маънода ўсишга эришиш учун ишлаб чиқариш структурасини ўзгартириш зарур. Шу сабабли ҳар бир босқичда ресурслар мавжудлигига қараб, энг аввало, иқтисодиётнинг устун йўналишларида структуравий ўзгаришларни амалга ошириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоғи даркор.

Биринчи босқичда асосий эътибор қуидагиларга қаратилди:

- ёқилғи-энергетика комплексининг илдам суръатлар билан ривожланишини таъминлаш, нефть ва табиий газ қазиб чиқариш ҳамда уларни қайта ишлаш ҳажмларини ошириб бориш, шунинг хисобига республиканинг энергетика мустақиллигига эришиш;

- товарларни четдан келтириш ўрнига уларни ўзимизда ишлаб чиқарувчи корхоналарни ривожлантириш асосида, бошқа минтақалардан келтириладиган халқ хўжалигини ва аҳоли турмушини таъминлайдиган ғоят муҳим маҳсулот турларига республиканинг қарамлигини камайтириш чораларини кўриш;

- қишлоқ хўжалик хом ашёсининг энг муҳим турларини (пахта, ипак, мева-сабзавот ва бошқа маҳсулотларни) янада тўла қайта ишлаш, енгил ва маҳаллий саноатнинг туташ ишлаб чиқаришларини - тўқимачилиқ, ип йигириш, тикувчилик ва бошқа корхоналарни ривожлантириш;

- энг муҳим истеъмол молларини ишлаб чиқарадиган тармоқларни жадал ривожлантириш, тайёрланаётган маҳсулот хилини кўпайтириш, ош тузи, спирт, гугурт ва бошқа ўта камёб товарларни ишлаб чиқарувчи янги корхоналарни бунёд этиш.

Қишлоқ хўжалигидаги ислоҳот иқтисодий ўзгаришларнинг энг муҳим бўғини деб белгиланди.

Дехқончилик секторини ривожлантириш муаммолари Ўзбекистоннинг бозорга ўтиши стратегиясида ҳал қилувчи муаммолардандир. Шу сабабли қишлоқ хўжалиги доимо амалга

ошириладиган иқтисодий ислоҳотлар марказида туради. Зеро бу бутун иқтисодиётимизнинг асосидир. Барча иқтисодий ўзгаришларнинг оқибати туб ўзгаришлар жараёни дехқончилик секторига қанчалик чукур таъсир этишига, қишлоқда ислоҳотлар қанчалик узоққа боришига кўп жиҳатдан боғлиқ эканлигини қайта-қайта кўрсатиб ўтган эдик.

Биринчи босқичда қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш соҳасидаги асосий вазифалар:

- қишлоқда хўжалик юритишнинг янги шакларини кенг кўламда ривожлантириш, дехқонлар ўзларини ишланаётган ернинг, этиштирилаётган маҳсулотнинг тўла ҳуқуқли хўжайинлари деб аниқ хис қилишларига имкон берадиган иқтисодий муносабатларни шакллантириш;

- пахтадан ва бошқа экинлардан бўшатиб олинаётган ер майдонларини фермер (дехқон) хўжаликлари ташкил этишга бериш, шахсий томорқа ерларини кенгайтириш, қишлоқ меҳнаткашларига ер майдонларини мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан умрбод фойдаланишга бериб кўйиш йўлини изчил олиб бориш;

- агросаноат комплексида экин майдонларининг оқилона структурасини яратишга, пахта экиладиган майдонлар салмоғини камайтиришга, озиқ-овқат экинлари, энг аввало, дон этиштиришни кўпайтириб боришига қаратилган чукур ижобий силжишларни амалга ошириш;

- қайта ишловчи корхоналарни қишлоқ хўжалик хом ашёси этиштириладиган жойга мумкин қадар яқинроқ қуриш, қишлоқда ихчам саноат корхоналари ва цехлар бунёд этиш, меҳнатнинг касаначилик шаклларини, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига хизмат кўрсатадиган фирмалар тармоғини кенг ривожлантириш;

- қишлоқда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфраструктураси тармоқларини фаол шакллантириш, қишлоқ аҳоли пунктларини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлашдан иборат бўлди.

Аҳолини озиқ-овқат билан узлуксиз таъминлаш иқтисодиётни барқарорлаштиришнинг муҳим бўғинига айланиб бормоқда. Бу республика қишлоқ хўжалигига олиб борилаётган сиёсатнинг умумий устувор йўналишларидан биридир. Чинакам иқтисодий

мустақилликка эришиш республикада озиқ-овқат муаммосини тубдан хал қилишни талаф этади. Ҳозирги вақтда республикага ташқаридан олиб келинаётган дон, картошкага, чорвачилик маҳсулоти, шунингдек, шакар ва бошқа маҳсулотлар билан ўзини ўзи таъминлаш даражасини ошириш жуда муҳим вазифадир.

Республикамизнинг экспорт қувватини бутун чоралар билан ривожлантириш ва ундан самарали фойдаланиш иқтисодиётни мустаҳкамлашнинг ғоят муҳим шартига айланиб бормокда. Узоқ йиллар мобайнида республика амалда ташқи дунёдан ажратиб қўйилган эди. Биринчи босқичнинг асосий вазифаси жаҳон ҳамжамиятида қатъий ўринга эга бўлишдан, ишончли шерик эканлигимизни кўрсатишдан, ғоят кенг ташқи иқтисодий алоқаларни ўрнатишдан иборат бўлди. Бунинг учун эса:

- ташқи сиёсий ва иқтисодий фаолиятни амалга оширадиган ихтисослашган ташкилий структураларни вужудга келтириш, тегишли кадрларни тайёрлашни йўлга қўйиш;
- ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш бўйича аниқ мақсадни кўзловчи сиёсатни ўтказиш, чет эллик шериклар билан тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатишида корхоналар ва фуқароларга кўпроқ эркинлик бериш;
- товарларни экспорт ва импорт қилишнинг имтиёзли тартибини жорий этиш, квота белгилаш ва лицензия олиниши керак бўлган товарлар рўйхатини босқичма-босқич қисқартириб бориш;
- экспорт ва импорт таркибини такомиллаштириш. Анъанавий маҳсулот турлари (пахта ва ундан олинган маҳсулот, рангли металлар, минерал ўғитлар ва бошқалар)ни экспорт қилиш билан бир қаторда чет элга техникавий жиҳатдан мураккаб тайёр товарлар ва буюмларни етказиб беришни кенгайтириш, турли хизматлар - транспорт, сайджлик, валюта-кредит хизматлари кўрсатиш;
- имтиёзлар тизимини вужудга келтириш, қўшма корхоналар ташкил этиш, чет эллик инвесторлар ҳукуқлари ва манфаатларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш воситасида корхоналарнинг экспортга мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқариш соҳасидаги инвестиция фаолиятини рағбатлантириш;
- чет элдан олинаётган кредитларни, биринчи навбатда, аҳолини

озик-овқат маҳсулотларининг энг муҳим турлари, дори-дармон билан таъминлашга сарфлаш, чет эл инвестицияларини ҳалқ хўжалигининг асосий тармоқларига - кончилик, ёқилғи-энергетика саноатига, қишлоқ хўжалик хом ашёсини саноат усулида қайта ишлашга, шунингдек, иқтисодиётнинг давлатга қарашли бўлмаган секторини ривожлантиришга жалб қилиш;

- ташки иқтисодий фаолият инфраструктурасини - ташки алоқаларимизни ривожлантириш манфаатлари ва шартларига мос келадиган ихтисослаштирилган ташки савдо, лизинг, консалтинг ва суғурта фирмалари, транспорт, алоқа ҳамда коммуникация тизимларини барпо этиш, чет элда ўз ваколатхоналаримизни очиш талаб этилди.

Бутун иқтисодий ислоҳотларимиз дастурининг юқорида кўрсатиб ўтилган асосий устувор йўналишлари билан бир қаторда, ислоҳотни амалга оширишнинг ҳамма босқичларида долзарб аҳамиятга эга бўлган бир қанча умумий устуворликларни ҳам аниқ кўрсатиб ўтиш керак. Улар жамиятни янгилаш жараёнининг беистисно ҳамма йўналишларини қамраб олади.

Умумий устуворликлар ислоҳот босқичларининг изчиллигини, унинг узлуксиз кечишини таъминлайди. Кўзланган ўзгаришлар муқаррар бўлиши учун шарт-шароит яратади.

Ислоҳотлар стратегиясини рўёбга чиқаришда биз учун умумий устуворлик, энг аввало, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш соҳасида кучли чора-тадбирларни амалга оширишдан иборатdir.

Ана шу чора-тадбирлар орасида қуйидагилар алоҳида аҳамиятга эга:

- республикада ижтимоий-сиёсий барқарорликнинг, фуқаролар орасида тинчлик ва миллатлараро тотувликнинг ишончли кафолатларини таъминлаш;

- ижтимоий адолат қоидаларини янада мустаҳкамлаш, аҳолининг энг муҳтоҷ бўлган қатламлари - кексалар, ногиронлар, етимлар, қўп болали оиласлар ва ўқувчи ёшларни ижтимоий ҳимоялашнинг кучли воситасини яратиш;

- ижтимоий ёрдамни унга муҳтоҷ бўлган шахсларга бериш, бундай ёрдамнинг аниқ мақсадга йўналтирилганлигини кучайтириш,

нафақалар ва бошқа тўловлар тизимини ахолининг реал даромадлари билан боғлаган ҳолда уйғунлаштириш ҳисобига ижтимоий ёрдамнинг таъсирчанлигини ошириш;

- ахолининг энг муҳтоҷ қатламларини ижтимоий ҳимоялаш муаммоларини ҳал қилишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳалла қўмиталари ролини ошириш, кам таъминланган аҳоли қатламларини ижтимоий қўллаб-кувватлашга хизмат қилувчи маҳсус жамғармалар фаолиятини кучайтириш учун шароит яратиш;

- меҳнат бозорини тартибга солиш ҳамда иш билан таъминлаш соҳасида фаол сиёsat юритиши, республиканинг иш кучи ортиқча бўлган туманларида кичик ва ўрта корхоналарни устун даражада ривожлантириш ҳисобидан янги иш жойларини яратишни рағбатлантириш.

Яна бошқа умумий устуворликлар таълим ва маданиятни ривожлантириш ҳамда ислоҳ қилиш, ақлий ва маънавий салоҳиятни мустаҳкамлашдан иборатдир.

Халқимиз ўзини чинакам эркин ҳис қилганидагина, аждодларимиз маънавияти ва урф-одатлари, анъаналари қайта тикланган тақдирдагина иқтисодий ислоҳотлар муваффақиятли ривожланиши мумкин.

Юксак маълумотли, бақувват, соғлом, матонатли кишиларгина янгиланиш ва тараққиёт йўлини босиб ўта олади. Халқимизнинг буюк аждодлари ўй-фикрлари ва интилишлари сарчашмаларига бориб тақаладиган маънавияти иқтисодий ўзгаришларнинг кудратли пойдевори бўлиб хизмат қиласди.

1.2. ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР ҲУҚУҚИЙ НЕГИЗИННИНГ БАРПО ЭТИЛИШИ

Иқтисодий ислоҳотни амалга оширишнинг асосий нұкталаридан бири бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий негизини яратишдан иборатдир. Аввал бошданоқ биз ўзимиз учун муҳим сабоқ чиқариб олдик - зарур ҳуқуқий омилни шакллантирмасдан туриб, тегишли қонунлар ва меъёрий хужжатларни қабул қиласдан туриб, ислоҳотларни амалга оширишнинг ишончли кафолатини, ислоҳотлар ортга

чекинмаслигининг кафолатини амалда яратиб бўлмайди.

Мустаҳкам ҳуқукий негиз бўлгандагина ўзини оқламаган эски тизимни тўла ишонч билан қайта қуриш, маданий бозор иқтисодиётига эга бўлган янги жамият қуриш мумкин. Ҳозирги мутлақо янги сиёсий-иктисодий ва ҳуқукий муносабатларни акс эттирувчи янги қонунлар мажмуигина биз барпо этаётган ёш ижтимоий бинога барқарорлик, демократик характер баҳш этувчи омил бўлиб хизмат қиласди. Республиканиң барча аҳолиси манфаатларини таъминлашга, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар мавжуд бўлгандагина туб ўзгаришларнинг кучли ижтимоий асослари яратилади. Ўзбекистоннинг ёрқин келажагига ишонч уйғотилади.

Шу сабабли биринчи босқичда биз ислоҳотларнинг ўз ҳуқукий негизини яратишга асосий эътиборни қаратиб келдик.

Янги қонунлар туркумини ишлаб чиқиши ва қабул қилиш бир қанча сабаблар туфайли зарур бўлиб қолди.

Биринчидан, илгари амал қилиб келган қонунлар аввалги тоталитар тузумни ҳимоя қилиш манфаатларига хизмат қиласди. Бошқариш ва хўжалик юритишнинг маъмурий-буйруқбозлиқ усулларини ёқладиган, ишлаб чиқариш воситаларининг умумдавлат мулки бўлишини тан оладиган, хусусий мулк ҳуқуқини, эркин рақобатни батамом истисно этадиган, бозор иқтисодиёти қонунларининг амал қилишини чеклаб кўядиган қоидалар расман мустаҳкамлаб қўйилган эди.

Таркиб топган сохта социалистик тамойиллар ҳаётда ёлғондакам ижтимоий адолат меъёрларини қарор топтиради. Бу меъёрлар боқимандаликни, ижтимоий ва меҳнат соҳаларида лоқайдликни, иқтисодий масъулиятсизликни туғдирадиган асоссиз тенглаштиришни англатар эди.

Амалда бўлиб келган иқтисодга оид қонун ҳужжатларининг ҳаммаси халқ хўжалигини ташкил этишнинг марказлаштирилган режали тизими руҳи билан суғорилганди. Уларда корхоналарнинг иқтисодий эркинлигига ҳам, хўжалик соҳасидаги ташаббусга ҳам, тадбиркорликка ҳам ўрин йўқ эди.

Иқтисодиёт ва унинг ҳуқуқий негизи бир неча ўн йиллар мобайнида ҳаддан ташқари мағкуралаштирилган, ҳалқаро меъёрлар ва қоидаларнинг талабларини инкор этар эди. Ҳатто ҳуқуқий жиҳатдан биз социалистик лагер доирасига ўралашиб қолгандик ва амалда жаҳон ҳамжамиятига эркин чиқа олмас, ҳалқаро ҳуқуқнинг ҳамма қатори тенг субъекти бўла олмас эдик.

Қисқа қилиб айтганда, бутун қонунчилик негизи янги иқтисодий муносабатларни шакллантириш йўлида асосий тўсиқ бўлиб хизмат қилди. Ислоҳотлар бошланиши биланоқ бизнинг ҳар қандай харакатларимиз амал қилиб турган қонунлар ва меъёрий ҳужжатларга батамом зид келиб қолди. Шу сабабли, ислоҳотларни олға суриш учун биз, энг аввало, бутун қонунчилик тизимимизни янги шароитларга ва қўйилган вазифаларга мувофиқлаштиришимиз керак эди.

Иккинчидан, илгари Ўзбекистонда қабул қилинган қонун ҳужжатларининг ҳаммаси умумиттифоқ талабларига батамом мослаштирилган бўлиб, республикамизнинг ўзига хос минтақавий хусусиятларини ҳисобга олмас эди.

Қонун чиқариш ташаббуси Москва Кремлининг қўлида эди. Республика қонун чиқарувчи органлари иттифоқда қабул қилинган қонунларни, партия ёки ҳукумат қарорларини гўёки республикага мослаб қўчириб олардилар, холос. Қабул қилинадиган кўпгина қарорлар, аслини олганда, эклектик рухида бўлиб, ҳақиқий шартшароитдан узилиб қолган, баъзан эса республиканинг миллий хусусиятларига ва анъаналарига, манфаатларига зид бўлар, унинг мустақиллигини камситар эди. Натижада иқтисодиётда ҳам, ижтимоий-маънавий соҳада ҳам жиддий номутаносибликлар, бузилишлар юз бердики, буни тезроқ бартараф этиш талаб қилинди.

Мустақилликни қўлга киритгандан кейин Ўзбекистон ёш давлат сифатида ўз ҳалқининг манфаатларига, жамиятда ҳам, иқтисодий муносабатларда ҳам демократик ўзгаришларни амалга ошириш вазифаларига мос келадиган янги қонунчилик асосларини ишлаб чиқиши ва қабул қилиши зарур бўлиб қолди.

Нихоят, учинчидан, биз янгиланиш ва тараққиётда ўз ўйлимизни, иқтисодиётни ислоҳ қилишда ўз моделимизни танлаб

олдик. Шу сабабли бошқа мамлакатларнинг қонун меъёрлари ва хужжатларидан фойдаланиш, ҳатто улар айнан бозор муносабатларига жавоб берса ҳам, биз учун номақбул эди. Биз жаҳондаги демократик меъёрлар ва бозор иқтисодиёти тамойиллари аллақачон таркиб топиб бўлган кўпгина мамлакатларнинг қонун чиқариш соҳасидаги тажрибасини кенг ўргандик. Бу иш бизга хатоларни такрорламаган ҳолда, янгиланган жамият қуриш хусусиятларини ҳисобга олиб, фоят қисқа муддат ичида пухта замонавий қонунчилик негизини шакллантириш, ислоҳотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш бўйича ўз механизмимизни ишлаб чиқиш имконини берди. Қабул қилинаётган кўпгина қонунлар дастлаб таниқли ҳалқаро юридик ташкилотларда ва мутахассислар томонидан экспертизадан ўтказилди. Уларнинг ҳуқуқий жиҳатдан етуклиги, умум қабул қилинган талаблар ҳамда қоидаларга мослиги юксак баҳоланди.

Ислоҳ қилишнинг биринчи босқичида биз ҳуқуқий асосларни яратишда ўзимизга хос ёндашувларни, қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш бўйича ўз механизмимизни вужудга келтирдик.

Биз ўзимиз учун жамиятни қонунлар ёрдамида бошқаришни ўрганиб олишимиз кераклиги тўғрисида мухим холоса чиқариб олдик. Қонун ижтимоий ҳаётни, ижтимоий муносабатларни тартибга солишининг асосий воситаси бўлиб қолиши керак. Бунинг учун биз чуқур ўйлаб ишланган, ҳар томонлама асосланган, узок муддат амал қиласиган қонунларга эга бўлишимиз керак.

Ҳозирги вақтда ислоҳотлар жараёнини давлат-ҳуқуқий жиҳатдан бошқаришнинг яхлит тизими таркиб топди. Бу тизим ҳокимиятнинг ҳамма тармоқларини: президентлик бошқаруви шаклини, қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиятларини ўзида узвий қовуштиради. Бундан ташқари, у ошкоралик, қабул қилинаётган қарорларни очиқ ва кенг кўламда муҳокама қилиш қоидаларига қаттиқ асосланади.

Давлат қурилиши ва иқтисодиётни ислоҳ қилиш соҳасидаги асосий, фоят мухим стратегик қоидалар Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан ишлаб чиқилади ва унинг фармонлари билан тасдиқланади. Айни шу фармонлар ислоҳотларнинг асосий

мағкурасини ва уларни амалга оширишнинг муҳим босқичларини ўзида акс эттиради. Қабул қилинаётган муҳим қарорлар қандай мақсадга қаратилганилиги, уларни амалга ошириш механизми фармонларда очиб берилади.

Фундаментал, барқарор ва узок амал қиласиган меъёрлар ва қоидалар Қонунларда ўз аксини топади. Қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган талаблар мулкчилик шаклидан қатъи назар барча хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тўғридан-тўғри ва мажбурий суратда бажарилиши шарт. Ислоҳотлар жараёни ривожланиб ва чуқурлашиб борган сари, уларнинг хуқуқий негизи сайғалланиб ва такомиллаштириб борилади, қабул қилинган қонун хужжатларига ўз вақтида зарур ўзгартиришлар киритилади. Бу ҳол қонунларнинг таъсирчанлигини ошириш, уларнинг амалда таркиб топаётган ижтимоий-иктисодий шароитлар билан бевосита алоқасини кучайтириш имконини беради.

Фармонларда қабул қилинадиган ечимлар хукумат қарорларида хуқуқий асосда батафсил ёритиб берилади ва аниқ чора-тадбирлар билан мустаҳкамланади. Хукумат қарорларини қабул қилиш йўли билан иқтисодий ислоҳотларнинг боришини давлат-хуқукий жиҳатдан жадал суратда тартибга солиш, иқтисодиётнинг ғоят муҳим бўғинлари ва соҳаларини ўзгартириш жараёни амалга оширилади.

Хукумат даражасида қабул қилинадиган чора-тадбирлар ғоят муҳим халқ хўжалик муаммоларини ҳал қилишга бўйсундирилади, ислоҳот жараёнининг ҳамма қатнашчиларини бу жараённинг ғоят муҳим томонларига йўналтирилади. Кўпгина қарорлар муаммоларнинг баён этилиши ва мазмуни жиҳатидан белгиловчи характерга эга бўлиб, иқтисодиётнинг айрим бўғинларида ислоҳотларни авж олдиришнинг бошланғич нуқтаси бўлиб хизмат қиласиди. 1994 йилнинг ўзидағина бир қанча муҳим қарорлар қабул қилинди, улар миллий валютани мустаҳкамлаш, пул эмиссиясини қисқартириш, республиканинг истеъмол бозорини товарлар билан бойитиш, валютани тартибга солиш, қишлоқ хўжалигига иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ҳамда фермер (дехкон) хўжалигини ривожлантириш, саноатни бошқариш структурасини такомиллаштириш ва бошқа муаммоларни ҳал қилишда мутлақо

янгича ёндашувларни очиб берди.

Қонунлар, фармонлар ва қарорларни умумий ва ўзаро алоқадорликда олган ҳолда, бизда амалга оширилаётган ислоҳотларни давлат-хуқукий жиҳатдан таъминлашнинг яхлит, прогрессив тизими таркиб топди, деб ишонч билан айтиш мумкин.

Кейинги йилларда қонун чиқариш тизимининг ўзигина эмас, балки қонун ва меъёрий хужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилиш механизми ҳам вужудга келди. Қабул қилиниши мўлжалланаётган ғоят муҳим хужжатларнинг лойиҳаларини ошкора ва кенг муҳокамага қўйиш амалиётда мустаҳкам қарор топди. Қабул қилинаётган барча қонунлар, меъёрий хужжатлар матбуотда босилиб чиқмоқда, телевидение орқали ва бошқа оммавий ахборот воситаларида ёритилмоқда, аҳолининг ғоят кенг қатламларига етказилмоқда. Жуда муҳим масалалар бўйича, уларни омма онгига етказиши учун фаол тушунтириш иши олиб борилмоқда, бу ишда хукумат аъзолари, депутатлар, олимлар ва мутахассислар қатнашмоқдалар.

Ислоҳотлар йўлини бундан буён ҳам жадал амалга оширишда ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлган йирик муаммолар юзасидан қарорларни биргаликда муҳокама этиш ва қабул қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти хузурида маҳсус Иқтисодий ислоҳот, тадбиркорлик ва чет эл инвестициялари бўйича Идоралараро кенгаш тузилган. Кенгаш фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг ягона стратегиясини ҳамда бу стратегияни рӯёбга чиқаришнинг амалий чора-тадбирларини ишлаб чиқади. Иқтисодий ислоҳотларнинг хуқукий негизини такомиллаштириш юзасидан тавсиялар тайёрлайди. Республикада иқтисодий ўзгаришларнинг аниқ моделлари ва дастурларини ишлаб чиқади. Тадбиркорликни ривожлантиришнинг ахволини таҳлил қиласи, чет эл инвестицияларини фаол жалб этиш чоралари тизимини белгилайди.

Кенгаш ўз фаолияти давомида давлат мулкини хусусийлаштиришни янада чуқурлаштириш, қимматли коғозлар бозорини шакллантириш ва фонд биржаси фаолиятини ташкил этишининг асосий йўналишлари, қоидалари ва механизми, миллий

валютанинг барқарорлигини таъминлаш чоралари, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, хусусий мулкчиликни ривожлантиришни рағбатлантириш каби муаммоларни батафсил муҳокама этди ва улар юзасидан тавсиялар қабул қилди. Бу тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларига асос бўлди. Кенгаш қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга қаратилган ҳукумат қарорларининг бажарилишини атрофлича таҳлил қилди ва бу жараёнга баҳо берди. Кенгашда кўриб чиқиш учун киритилаётган барча масалалар ошкора, қатъий ва амалий муҳокама қилинмоқда. Бу эса қарор қабул қилиш чоғида мутахассисларнинг турли хил фикрлари ва тавсияларини мумкин қадар тўлароқ ҳисобга олиш имконини бермоқда.

Бозор иқтисодиётини қарор топтириш йўлида ҳуқуқий жиҳатдан кўп ишлар қилинди. Республикада ҳуқуқий муассасалар ҳам изчиллик билан шакллантириб борилмоқда. Бозор муносабатларини цивилизациялашган шаклда жорий этишга имкон берадиган қонунлар мажмуи яратилмоқда. Ҳозирги вақтда иқтисодиёт соҳасига тегишли бўлган, иқтисодий муносабатларни шакллантиришнинг ҳуқуқий негизини барпо этадиган 100 га яқин асосий қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Ислоҳотларнинг ҳуқуқий негизини яратиш бир қанча муҳим йўналишлар бўйича амалга оширилди.

Биринчи йўналиш - Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги, иқтисодий мустақиллигининг ҳуқуқий негизларини яратиш, давлатни бошқариш қоидаларини тартибга солувчи қонунларни қабул қилиш. Ана шу йўналиш доирасида "Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида"ги Қонун, "Ер ости бойликлари тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида"ги, "Жойларда давлат ҳокимияти тўғрисида"ги, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги ва бошқа тарихий аҳамиятга эга бўлган қонунлар қабул қилинди.

Қонунлар қабул қилиниши натижасида ер, ер ости бойликлари, табиий ва минерал ресурслар, яратилган ишлаб чиқариш қуввати Ўзбекистон халқининг ажралмас, мутлақ мулки эканлиги тан олинди.

Республика ва маҳаллий даражада бошқарув структураларининг вазифалари аниқ чегаралаб қўйилди. Миллий шароитларга ҳаммадан

күра күпроқ жавоб берадиган, жойларда ваколатли ҳокимиятнинг бирдан-бир тұла хуқуқли органи бўлган ҳокимлик институти яратилди. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши соҳасида ноёб механизм тузилдики, унинг илдизлари халқ анъаналарига ва тарихан таркиб топған жамоа муносабатлари - маҳаллага бориб тақалади. Шаҳарчалар, қишлоқлар, маҳаллалар фуқароларининг йиғини фуқароларга давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш хуқуқини амалга оширишга ёрдам беради. Улар ўз худудларидаги ижтимоий ва хўжалик вазифаларини ҳал қилиш учун уюштирадиган орган сифатида тан олинди.

Иккинчи йўналиш - тизимдаги ўзгаришларга, сифат жиҳатидан янги иқтисодий муносабатларга ва, энг аввало, мулкчилик муносабатларига асос соладиган қонунлар мажмуини яратиш. Республика Олий Кенгаши томонидан қабул қилинган ана шундай базавий, асосларни белгилаб берувчи қонунлар жумласига мулкчилик тўғрисидаги, ер тўғрисидаги, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисидаги, изжара тўғрисидаги, давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш тўғрисидаги ва бошқа қонунларни киритиш мумкин.

Иқтисодий ўзгаришларнинг асоси мулкчилик хуқуқидир. Республикада мулкдорнинг хуқуқи тан олинади ва қонун йўли билан химоя қилинади. Ўзбекистон биринчилардан бўлиб хусусий мулкчилик хуқуқини эътироф қилди, мулкчиликнинг ҳамма шакллари учун teng шароитлар яратди. Юридик ва ташкилий шарт-шароитлар яратилди, давлат мулкини хусусийлаштириш, давлат корхоналарини мулкчиликнинг бошқа шаклларига ўтказишнинг самарали механизми ишлаб чиқилди ва амалиётда синовдан ўтказилди.

Ерга мулкчилик тўғрисидаги масалага муносабат қонуний тарзда қатъян белгилаб қўйилди. Суғориладиган дехқончиликнинг хусусиятларини, ердан ва сувдан фойдаланишининг тарихий хусусиятларини ҳисобга олган холда Ўзбекистонда ер эгаларига берилиши ва ундан фойдаланиш хуқуқи мерос қилиб олиниши мумкинлиги белгилаб қўйилди.

Аслини олганда, ҳозирги вақтда бозор муносабатларининг зарур шарти ва негизи бўлган кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш

учун имкониятлар очиб берадиган барча ҳуқуқий меъёрлар яратилди.

Қонунчиликнинг учинчи ва ғоят фаол ривожланиб бораётган йўналиши - хўжалик юритишнинг ва институционал ўзгаришларнинг бозор шароитларига мос келадиган янги механизмини яратиш. Бу йўналиш корхоналар ва ташкилотлар янги бозор инфраструктураси вужудга келишини таъминлайдиган хўжалик фаолиятининг ҳамма томонларини тартибга солувчи қонунлар ва меъёрий хужжатларнинг улкан мажмuidан иборатdir.

Энг аввало, иқтисодиётнинг турли соҳаларида хўжалик юритаётган субъектларнинг ҳуқуқ ва иқтисодий эркинлик борасидаги мақомини белгилаб берадиган қонунлар қабул қилинди. Корхоналар тўғрисидаги қонун, кооперация тўғрисидаги, дехқон хўжалиги тўғрисидаги, хўжалик жамиятлари ва ширкатлари тўғрисидаги қонунлар шулар жумласидандир. Ушбу қонунларда республика янги хўжалик механизмининг асосий қоидалари илк бор баён қилиб берилди. Бу қоидалар иқтисодий манфаатдорликка, фойдага ва ўз фаолиятининг натижалари учун моддий жавобгарликка таянади.

Ана шу қонунлар амалга киритилгач, корхоналарнинг ташкилий-хуқуқий шакллари ғоятда хилма-хил (жамоа, акциядорлик, масъулияти чекланган жамиятлар, кооперативлар, ширкатлар, қўшма корхоналар ва бошқалар) бўлиб қолди. Улар корхоналар фаолиятининг турларига ҳам, уларни бошқаришни ташкил этиш тизимига ҳам муайян даражада мос келади.

Бозор инфраструктурасини яратиш ва унинг фаолиятига хос жараёнларни тартибга солишини таъминлайдиган қонун меъёрлари фаол шакллантириб борилди. Уларнинг асосий қоидалари банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги, пул тизими тўғрисидаги, тадбиркорлик тўғрисидаги, суғурта тўғрисидаги, биржалар ва биржа фаолияти тўғрисидаги, аудиторлик фаолияти тўғрисидаги, қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисидаги ва бошқа қонунларда ўз аксини топди. Ушбу қонунлар қабул қилиниши билан республикада бозор механизmlарини ривожлантириш учун мустаҳкам пойдевор яратилди.

Бозор муносабатларининг қарор топишини давлат томонидан тартибга солиш тизимида иқтисодий жиҳатдан эркин бўлган корхоналар ва фуқароларнинг давлат билан ўзаро муносабатлари

механизмини солиқлар тизими орқали белгилаб берадиган қонун хужжатлари қабул қилинди. Монополистик фаолият чеклаб қўйилди. Гаров ҳукуқи жорий қилинди. Корхоналарнинг банкрот бўлиши қонун йўли билан эътироф этилди. Бу ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлди. Туғилажак барча баҳсли масалалар бундан буён маданий йўл билан, суд тартибида ҳал қилинмоғи лозим. Бунинг учун Ўзбекистон Республикасининг хўжалик процессуал кодекси ишлаб чиқилди ва хўжалик суди тузилди.

Кўпдан-кўп қонун хужжатлари қабул қилинган бўлса-да, янги хўжалик ҳукуқини шакллантириш жараёни ҳамон ниҳоясига етказилгани йўқ. Қонун ижодкорлигининг бу йўналиши ислоҳ қилишнинг навбатдаги босқичларида ҳам энг жўшқин ривожланиб берадиган соҳалардан бири бўлиб колади. Яқин орада Фуқаролик кодекси қабул қилинади. Бу кодексда мулкчиликнинг ҳамма шаклларидағи хўжалик фаолиятини тартибга солувчи барча асосий қоидалар конуний тарзда баён этилади.

Тўртинчи йўналиш - Ўзбекистонни ҳалқаро муносабатларнинг тенгхуқуқли субъекти сифатида таърифловчи ҳукуқий нормаларни яратишдан иборат. Ташки иқтисодий фаолият тўғрисида, Ўзбекистон Республикасининг етакчи ҳалқаро ташкилотларга аъзолиги тўғрисида, валютани тартибга солиш тўғрисида қабул қилинган қонунлар, асосий ҳалқаро пактлар ва битимларнинг Ўзбекистон томонидан имзоланиши мамлакатимизнинг ташки алоқаларининг ривожланиши тарихида сифат жиҳатидан янги саҳифа очди.

Иқтисодиётимизга чет эл инвестицияларини кенг жалб этиш, чет эллик инвесторларнинг ҳукуқлари ва манфаатлари ишончли ҳимояланишининг кафолатлари таъминланиши бўйича қонун асослари қабул қилинди. Бу Ўзбекистоннинг келажаги учун алоҳида аҳамиятга эга. Чет эл инвестициялари ташки дунё билан жонли алоқа бўлибгина қолмай, балки чукур таркибий ва муайян тизимдаги ўзгаришларнинг қудратли манбай ҳамдир. Буларсиз янгилangan жамиятни қуриш асло мумкин эмас.

Бешинчи, энг муҳим йўналиш - инсоннинг ишончли конституцион ва юридик ҳукуқларини, ижтимоий кафолатларни ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашни таъминлайдиган қонунларни

ишлаб чиқишдан иборат. Инсон, жамоат ташкилотларининг хуқуклари ва эркинликларини, виждан ва дин эркинлигини тартибга соловчи асосий қонунларнинг тайёрланиши, муҳокама этилиши ва қабул қилиниши қонун чиқариш фаолиятида мутлақо янгилик бўлди.

Иш билан бандлик тўғрисида, ногиронларни ижтимоий химоялаш тўғрисида, фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти асослари тўғрисида, таълим тўғрисида, ёшларга доир давлат сиёсатининг асослари тўғрисида, виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида қонунлар қабул қилинди. Бу қонунлар бозорга ўтишнинг мураккаб шароитларида аҳолининг энг муҳтоҷ табақалари манфаатларини қонун кучи билан химоя қилишгагина эмас, балки одамларнинг маънавий, ижодий имкониятларини намоён қилишга, ислоҳотлар учун мустаҳкам ижтимоий замин яратишга ҳам имкон берди.

Мустақил Ўзбекистоннинг ilk Конституцияси - давлат ва жамият ҳаётининг Асосий Қонуни қабул қилинганлиги биринчи босқичдаги қонун чиқариш фаолиятининг гултоҗиси бўлди. Конституция ёш давлатимиз чинакам мустақиллигининг, янги ижтимоий ва иқтисодий муносабатлар дунёга келишининг мустаҳкам пойдевори бўлиб хизмат қилмоқда.

Давлатни ва иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг фармонларда ва Ўзбекистон Республикасининг қонунларида баён этилган асосий қоидалари ўтиш даврининг, ўз умрини яшаб бўлган иқтисодий муносабатларни ва сиёсий тузумни юридик йўл билан алмаштириш, чинакам демократик нормалар ва ижтимоий кафолатларни қарор тоғтириш жараёнининг мустаҳкам ҳуқуқий негизини яратади.

Биринчи босқичдаги вазифа ҳозирги шароитларга мос келадиган қонунларни ишлаб чиқиши ва қабул қилишдангина эмас, балки уларга оғишимай амал қилинишини таъминлашдан ҳам иборат бўлди. Қонунга риоя этиш ҳамма учун мажбурий бўлган, уни бузишга эса асло йўл қўйиб бўлмайдиган ҳуқуқий ҳаёт тартибини, ҳуқуқий маданият даражасини ишлаб чиқиши зарур эди.

Қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни муваффақият билан ҳаётга татбиқ этиш кўп жиҳатдан янгича ҳуқуқий онгни, ҳуқуқий маданиятни шакллантириш билан боғлиқ. Ҳуқуқий маданият

даражаси қабул қилинган қонунлар сони билан әмас, балки уларнинг бажарилиши билан белгиланиши яхши маълум. Бозор иқтисодиёти сари бораётган йўлимиз биз учун ҳуқуқий тарбия мактаби бўлмоғи даркор. Бинобарин, бундан келиб чиқадиган муҳим сабоқ шуки, қонунга амал қилган холда яшаш ва меҳнат қилишни ўрганишимиз, ўз ҳуқуқ ва эркинликларимизни қонун орқали ҳимоялашни, ўз мажбуриятларимизни оғишмай бажаришни ўрганиб олишимиз керак. Бошқа одамларнинг ҳукуқлари, эркинликлари ва манфаатларига хурмат билан муносабатда бўлишни ўрганиб олиш лозим. Қонун устуворлиги тантана қилишига, унга оғишмай риоя этиш эса ҳар бир кишининг мұқаддаас бурчи бўлиб қолишига эришишимиз керак.

1.3. ДАВЛАТ МУЛКИНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ВА КЎП УКЛАДЛИ ИҚТИСОДИЁТ АСОСЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Бозор муносабатларига ўтишнинг асосий шарти кўп укладли иқтисодиётни ва рақобатлашиш муҳитини шакллантиришнинг ҳуқуқий, ташкилий шарт-шароитларини вужудга келтиришдан иборат.

Мулкчилик масаласини ҳал қилиш бозорни вужудга келтиришга қаратилган бутун тадбирлар тизимининг тамал тоши бўлиб хизмат қиласи. Бу масала социалистик тузумдан кейин бозор муносабатлари йўлини танлаган мамлакатларда катта аҳамиятга эга бўлган долзарб масаладир. Худди шу масалани ҳал қилиш билан янги жамият, янги иқтисодий муносабатлар пойдеворига биринчи Қишт қўйилади. Режалаштиришга асосланган марказлаштирилган иқтисодиётни бозор иқтисодиётига айлантиришнинг янги мустақил давлатлар танлаб олган турлича ёндашувлари ва моделлари кўп жиҳатдан айнан мулкчилик масаласини ҳал этиш хусусиятлари билан фарқланади. Ушбу масаланинг давр талабларига мувофиқ муваффакиятли ҳал этилиши республикамиз иқтисодиётини жаҳондаги ривожланган мамлакатлар билан бир қаторга қўядиган асосий омилдир.

Ўзбекистонда ислоҳ қилининг биринчи босқичида мулкчиликнинг ҳамма шакллари тенг ҳуқуқли эканлиги конституцион тарзда эътироф этилди. Бу шакллар қарор топиши учун тенг ҳуқуқий

нормалар ва амал қилиш механизмлари яратилди. Бундан ташқари, янги ташкил этилаётган ёки хусусийлаштирилаётган, хусусий мулкчиликка ёки чет эл капиталининг иштирок этишига асосланган корхоналар учун солиқ соҳасида уларнинг фаол ривожланишини рағбатлантирадиган имтиёзлар ва преференцияларнинг бутун бошли тизими мавжуд. Шундай қилиб, илгари давлатга қарашли бўлмаган, хусусий секторни, тадбиркорликнинг ривожланишини сунъий равишда чеклаб келган юридик ва ташкилий тўсиқларнинг ҳаммаси ҳозирги вақтда амалда олиб ташланди.

Давлатга қарашли бўлмаган секторни вужудга келтириш кўпроқ давлат мулкини унинг тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш хисобига амалга оширилмоқда. Бу Ўзбекистон ҳам мансуб бўлган, бозор иқтисодиётининг қарор топиш жараёни эволюцион йўл билан кечган мамлакатлардан тамомила фарқланиб турадиган социалистик тузумдан кейинги мамлакатларда кўп укладли иқтисодиётни шакллантиришнинг ғоят муҳим хусусиятидир.

Давлат мулкини хусусийлаштириш иқтисодий жиҳатдан ривожланган ва ривожланаётган Буюк Британия, Франция, Япония, Филиппин сингари мамлакатларда ҳам амалга оширилмоқда. Бу ҳол, айниқса, иқтисодиётда давлат секторининг салмоғи анча юқори бўлган мамлакатларда бозор муносабатларини ривожлантиришга хос табиий жараёндир. Давлат иқтисодиётнинг кўпинча иқтисодий жиҳатдан самараисиз бўлган, бироқ бутун мамлакатнинг иқтисодий тараққиётида муҳим роль ўйнайдиган айрим секторларини, айрим корхоналарни қўллаб-қувватлаши ҳамда уларни сақлаб туриш ва маблағ билан таъминлаш вазифаларини ўз зиммасига олиши керак. Улар иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамланиб, баркарор ишлай бошлагач, хусусий мулк қилиб сотилади.

Иқтисодий ислоҳотларни амалга ошираётган собиқ социалистик мамлакатларда аҳвол бошқача. Улар мустақилликни қўлга киритгунга қадар ишлаб чиқариш воситаларининг хусусий мулклиги умуман инкор этилар эди. Хусусий мулкчилик капиталистик ишлаб чиқариш усулини социалистик усулдан фарқловчи биринчи белгиси эди. Шу сабабли хусусий мулкчилик ҳам юридик жиҳатдан, ҳам айниқса амалиётда батамом истисно этилар эди. Хусусий мулкчиликнинг

шакли ўзгартирилган, ишлаб чиқариш воситаси бўлмаган ва даромад келтирмайдиган фуқароларнинг шахсий мулки сифатидаги кўринишигина мавжуд бўлиши мумкин эди. Аҳолининг ўз мулкидан фойдаланиш туфайли оладиган даромадларининг ҳамма турлари қонунга зид ҳисобланарди.

Бир неча ўн йиллар мобайнида иқтисодда умумхалқ мулки деб аталган, аслида эса давлат бюрократик тизимининг ихтиёрида бўлган давлат сектори тўлиқ ҳукмонлик қилиб келди. Мулкчиликнинг хилма-хил шакллари фақат икки турдан: давлат мулки ва колхоз-кооператив мулкидан иборат қилиб қўйилди. Бунинг устига колхоз-кооператив мулки ҳам амалда бутунлай давлат ихтиёрида эди.

Шундай қилиб, барча ишлаб чиқариш воситалари давлатнинг танҳо мулки эди. Бу ҳол реал ишлаб чиқариш қатнашчиларининг ишлаб чиқариш воситаларидан маҳрум бўлишига, эгалик ҳиссининг йўқола боришига, иқтисодий манфаатдорлик ва меҳнатдан рағбатланишнинг пасайишига олиб келди. Иқтисодий жиҳатдан эркин бўлган фуқаро, ҳақиқий мулкдоргина ўз мол-мулкини самарали тасарруф этишдан, ўз бойлигини кўпайтиришдан манфаатдор бўлибгина қолмай, балки бутун мамлакатни бойитишга ҳам қодир бўлади.

Шу сабабли иқтисодий ислоҳотлар биринчи босқичининг ғоят муҳим вазифаси давлат мулки монополизмини тугатиш ва бу мулкни хусусийлаштириш ҳисобига кўп укладли иқтисодиётни реал шакллантиришдан иборат эди.

Хусусийлаштириш жараёнларини амалга ошираётган кўпгина мамлакатлар мулкчилик шаклларини ўзгартириш бўйича тажриба орттиридилар, ўзига хос ёндашувларни ишлаб чиқдилар. Бу ёндашувлар хусусийлаштиришдан кўзланаётган мақсадга, бу жараённи амалга ошириш динамикаси ва механизмига, хусусийлаштириш жараёнларига аҳоли қанчалик кенг қатнашишига кўра бир-биридан тубдан фарқ қиласди.

Масалан, Россиядаги оммавий хусусийлаштиришдан кўзланган мақсад жуда қисқа муддатларда барча давлат корхоналарини батамом акциядорлик корхоналарига айлантириш ҳамда чеклар бозорини жорий этиш ҳисобига мулкдорларнинг ғоят кенг қатламини вужудга

келтиришдан иборат эди. Бунда хусусийлаштиришга иқтисодий ва молиявий барқарорликни таъминловчи омил сифатида қаралмади. Натижада бозор сари жадал илгарилаб бориш жараёни бўлиб кўринган кенг кўламдаги хусусийлаштириш туфайли реал, иқтисодий жихатдан кучли мулкдорлар таркиб топмади. Аксинча, бу жараён туфайли ишлаб чиқариш пасайиб кетди, молиявий номутаносиблик кучайди, мулкчилик шаклини ўзгартирган кўплаб корхоналар синиш хавфи остида қолди ва арzon-гаров сотиб юборилди. Мулкдорлар кенг қатлами ҳисобланмиш ваучерларнинг эгалари ўрнига молиявий ва холдинг компаниялари, чек фондларининг катта тармоғи вужудга келиб, улар кўпчилик одамларнинг саводсизлигидан фойдаланиб, капитал жамғариб олдилар. Бу ҳол жамиятда ижтимоий табақаланишни янада кучайтириб юборди.

Биз бозор муносабатларига ўтишнинг ўзимиз ишлаб чиққан модели хусусиятларини ҳисобга олиб, хусусийлаштиришни амалга ошириш ва Ўзбекистоннинг кўп укладли иқтисодиётини шакллантиришга принципиал ёндашувларни ишлаб чиқдик ва улар амалиётда ўз тасдифини топди. Бу ёндашувлар нималардан иборат?

Энг аввало, чет эллик эксперталар зўр бериб қабул қилдиришга уринган чек воситасида хусусийлаштириш ғоясидан воз кечдик. Ижтимоий адолат принципи таъминланишига урқу бериб, бу ғояни жозибадор қилиб кўрсатиш йўлидаги барча интилишларга қарамай, у биз учун бир қанча сабабларга кўра мақбул бўлмади.

Биринчидан, бир неча авлодлар меҳнати билан яратилган ишлаб чиқариш салоҳиятига республикада яшайдиган ҳар бир кишининг кўшган ҳақиқий улушини холисона баҳолаб бўлмайди. Мол-мulkнинг қийматини баҳолаб, унинг миқдорида чеклар, ваучерлар ва бошқа шунга ўхшаш қимматли қофозлар чиқариш ҳамда бу қофозларни бутун аҳоли ўртасида тенг тақсимлаш - ижтимоий адолат тамойилига риоя қилиш эмас, балки социалистик сунъий равишда тенглаштиришнинг бузилган бир шакли, холос.

Иккинчидан, чекларни бепул тақсимлаш ва шундан кейин уларга корхоналарнинг акцияларини сотиб олиш мулкдорлар гурухини вужудга келтирмайди, балки, аксинча, бойлигимизни кадрсизлантиради. Аслида бепул қўлга кирган мол-мulk ёки унинг

бир қисми чинакамига асраб-авайланмайди, ундан самарали фойдаланишда худди ишлаб топилган пулга сотиб олинган мулкдан бўлгани каби ҳақиқий манфаатдорлик бўлмайди. Текин нарсанинг кадри ҳам бўлмайди. Бу аччиқ ҳақиқатни ўтган йиллар мобайнида биз яхши ўзлаштириб олганмиз. Шу сабабли кўпчилик "янги руслар" ўзлари чек олиб акциядорлари бўлган корхоналарнинг барбод бўлаётганини, ҳар турли чек ва инвестиция фондлари совун кўпиги мисол шовқин-сурон ва жанжал билан "ёрилаётганини" лоқайдлик билан кузатиб турибдилар.

Биз шундай қатъий хulosага келдик - давлат мол-мулки фақат янги мулкдорга сотиш йўли билангина мулкчиликнинг бошқа шаклига айлантирилиши мумкин. Бундан фақат ижтимоий инфраструктура ва экологик ҳимоя воситаларигина истиснодир. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга бундай ёндашишнинг мазмуни жуда оддий - "ваучерлашган" қиёfasиз мулкдордан қочиш ва ўзига топширилган мол-мулкни тўғри тасарруф эта оладиган, фаолиятининг дастлабки босқичидаёқ ундан катта самара билан фойдаланишни таъминлайдиган шахсларга мулк беришдан иборат. Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, масалага бундай ёндашиш ўзини тамомила оқлади. Биздаги хусусийлаштирилган корхоналарнинг кўпчилиги, бир қатор мамлакатларда рўй берган ишлаб чиқаришнинг пасайиши ва синишидан фарқли ўлароқ, янада серунум ишлай бошлади ва ўтиш даврининг барча қийинчиликларига чидам билан бардош бермоқда.

Хусусийлаштиришдан олинадиган маблағлар, биринчи навбатда, хусусийлаштириш давридан кейин корхоналарнинг ўзини қўллаб-кувватлашга, янги, ракобатлашувчи корхоналар барпо этишга сарфланаётганилиги ҳам муҳимдир. Бу ҳол бюджетнинг юкини анча камайтиради ва эркин инвестиция ресурсларини ислоҳотнинг устувор йўналишларига жамлаш имконини беради.

Учинчидан, чек бозори самарали ишлаб туриши учун қимматли қоғозлар билан муомала қилишда юксак маданиятга эга бўлиш, тегишлича тузилмалар, кафолат тизимлари мавжуд бўлиши лозим. Ахолининг кўпчилик қисми қимматли қоғозлар билан муомала қилиш кўниумасига эга эмас. Уларни қайси соҳаларга, қандай корхоналарга

кўйиш фойда келтиришини аниқ тасаввур қила олмайди. Шунингдек, ахолининг катта қисми қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ. Шу туфайли чек воситасида хусусийлаштиришни жорий этиш ижтимоий вазиятнинг кескинлашувига мукаррар суратда олиб келган бўлур эди. Бу эса биз танлаб олган ислоҳ қилиш тамойилларига батамом зиддир.

Иккинчи муҳим хусусият - хусусийлаштиришга дастурий ёндашувни таъминлаш ва уни босқичма-босқич амалга оширишдан иборат. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисидаги Қонунда мулкчилик шаклларини ўзгартириш соҳасидаги ишлар республика ҳамда худудий миқёсда босқичма-босқич ишлаб чиқиладиган ва тасдиқланадиган маҳсус дастурлар асосида амалга оширилиши қатъий белгилаб қўйилган.

Масалага бундай ёндашиш бизга ҳар бир босқич учун хусусийлаштириш соҳасидаги асосий устуворликларни аниқлаш имконини берди. Дастребки босқичда хусусийлаштириш жараёни умумий уй-жой фондини, савдо, маҳаллий саноат, хизмат кўрсатиш корхоналарини ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш тизимини, хуллас, "кичик хусусийлаштириш"ни қамраб олди. Енгил, маҳаллий саноатга, транспорт ва қурилишга, бошқа тармоқларга қарашли айрим ўрта ва йирик корхоналар кейинчалик сотиб олиниш хуқуқи билан кўпроқ ижара корхоналарига, жамоа корхоналарига, ёпиқ типдаги акциядорлик жамиятларига айлантирилди. Пайлар (акциялар)нинг назорат пакети давлат ихтиёрида сақлаб қолинди. Мазкур босқичда хусусийлаштириш жараёнининг ўзидаёқ мулкни давлат тасарруфидан чиқариш механизми ишлаб чиқилди ва созланди. Мулкни давлат тасарруфидан чиқаришга муносабат ва психология ўзгариб борди.

Тажриба ортгани сари хусусийлаштириш жараёни чуқурлашаверди. 1994 йил 21 январда қабул қилинган иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ва 1994 йил 16 марта қабул қилинган мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисидаги фармонлар хусусийлаштириш жараёнига сифат жиҳатидан янги туртки берди. Қабул қилинган қарорларга мувофиқ бу босқичда корхоналарни очиқ турдаги жамиятларга

айлантириш, ушбу жараёнга аҳолини ва чет эллик инвесторларни кенгроқ жалб этиш йўли билан уларни акциядорлик корхоналарига айлантириш жараёнини авж олдириш вазифаси қўйилди. Иштирокчилар таркибини кенгайтириш ҳисобига давлат ихтиёридаги акциялар улушкини кескин қисқартириш назарда тутилди. Қимматли қоғозлар ва қўчмас мулк бозорини ташкил этиш учун асос яратилди, давлат мулкини сотиш бўйича ким ошди савдолари ва танловлар мунтазам ўтказила бошлади.

Хусусийлаштириш борасидаги барча ишлар изчил, мунтазам олиб борилмоқда. Иқтисодиётнинг турли соҳаларида ва республика худудларида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш бўйича 20 дан ортиқ давлат дастури қабул қилиниб, амалга оширилмоқда.

Хусусийлаштириш масаласида биз танлаб олган ёндашувнинг навбатдаги муҳим хусусияти шундан иборатки, биз мулкни давлат тасарруфидан чиқариш чоғида аҳоли учун кучли социал кафолатларини яратдик ва таъминламоқдамиз. Бунда фуқароларнинг мулқдан улуш олишда тенг ҳуқуққа эгалиги қоидасига, шунингдек, хусусийлаштирилаётган корхона меҳнат жамоаси аъзоларининг ижтимоий ҳимояланиши қоидасига қатъий амал қилинмоқда.

Ижтимоий кафолатлар, энг аввало шундан иборатки, хусусийлаштириш чоғида бир бутун имтиёзлар тизими яратилган. Масалан, хусусийлаштирилаётган корхона меҳнат жамоасининг ходимлари акцияларни имтиёзли шартлар билан сотиб олишлари мумкин. Янги мулқдорга эскирган асосий фондлар ҳамда ижтимоий инфраструктура объектлари бепул топширилади. Давлат ҳўжаликларининг мол-мулки, фермалар, боғлар ва узумзорлар имтиёзли шартлар асосида хусусийлаштирилмоқда. Агар хусусийлаштирилаётган корхона асосий фондларни ишлаб чиқаришни ривожлантириш фондидаги ўз маблағлари ҳисобига сотиб олган бўлса, мол-мулкни сотиб олиш қийматидан чегирмалар ҳам назарда тутилади. Кўпчилик савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари янги эгаларига ер участкалари билан биргаликда сотиласи. Корхоналар хусусийлаштирилгач, уларни қўллаб-куватлаш мақсадида солиқ тўлашда ҳам айrim имтиёзлар

белгиланмоқда.

Шундай қилиб, ижтимоий кафолатлар тизими хусусийлаштириш жараёнини амалга ошириш учун ҳам, улар хусусийлаштирилганидан кейин фаолиятини муваффакиятли бошлаши учун ҳам мумкин қадар кулай шарт-шароит туғдириб бериши даркор.

Бизда хусусийлаштириш борасида ишлаб чиқилған механизмнинг мухим жиҳати мулкчилик шаклини ўзгартириш билан бир қаторда таркиб топган ишлаб чиқариш ва бошқарув тизимларини ихчамлаштириш ва яккаҳокимликни бартараф қилишдан ҳам иборатдир. Бу енгил ва маҳаллий саноат корхоналарида, агросаноат комплексида айниқса сезиларли намоён бўлди. Фақат янги мулкдорлар пайдо бўлиб қолмасдан, балки рақобатчилик мухити ҳам аниқ шаклланиб бормоқда.

Иқтисодий ислоҳотларнинг биринчи босқичида хусусийлаштириш ва тадбиркорликни ривожлантириш соҳасида қандай аниқ натижаларни қўлга кирита олдик?

Энг аввало, кичик хусусийлаштириш амалда тугалланди, давлат мулкини бошқариш ва уни мулкчиликнинг бошқа шаклларига айлантирилиши учун керак бўлган муассасалар тизими, маҳсус органлар тузилди. Бу эса энг асосий якунdir.

Биринчи босқичда хусусийлаштиришнинг ушбу жараёни асосан савдо, ахолига майший хизмат кўрсатиш, маҳаллий саноат корхоналарини хусусий ва жамоа (ширкат) мулки қилиб бериш негизида амалга оширилган кичик хусусийлаштириш соҳасида айниқса фаол ўтди. Кичик хусусийлаштириш 1994 йилдаёт тугалланди ва ҳозирги вактда (1995 йил бошларида) савдо-сотиқ ҳажми ва умумий овқатланиш ялпи маҳсулотининг 82 фоизидан ортиқроғи давлатга қарашли бўлмаган секторга тўғри келмоқда. Тармоқлар бўйича қабул қилинган хусусийлаштириш дастурларига мувофиқ, "Маҳаллий саноат" корпорацияси тизимидағи корхоналарнинг кўпчилиги, "Ўзбексавдо", "Ўзбекбирлашув" ва "Ўзмаишийуюшма" ассоциациялари қайта ташкил қилинди. Хусусийлаширилган савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси обьектларининг иш тажрибаси бу обьектлар ҳақиқий хўжайинга эга бўлганидан кейин хизмат кўрсатиш маданияти кескин ошганлигидан,

товарлар ва хизматлар тури кенгайганлигидан, ҳамма жойда капитал ва жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилганлигидан далолат бермоқда.

Уй-жойларни хусусийлаштириш ҳам дастлабки қадам бўлди. Хусусийлаштириш жараёнида илгари давлат ихтиёрида бўлган бир миллиондан ортиқ квартира ёки давлат уй-жой фондининг 95 фоизидан ортиқроғи фуқароларнинг хусусий мулки бўлиб қолди. Бунда ҳар 3 квартиранинг биттаси эгаларига имтиёзли шартлар билан ёки бепул берилди. Уруш фахрийлари, ўқитувчилар, тиббиёт ходимлари ва илмий ходимлар, ижодий зиёлилар квартираларнинг бепул эгалари бўлишди.

Кам даромадли, меҳнатга лаёқатсиз ва ёлғиз кекса шахслар, биринчи марта қурилган ёш оиласлар ҳамда фуқароларнинг ижтимоий ҳимояланмаган, кам таъминланган бошқа тоифалари, уй-жойга муҳтожлар учун аниқ мақсадли маҳсус коммунал уй-жой захиралари ташкил этилди. Бу захиралар жойлардаги бошқарув органлари хузуридадир. Бу уй-жойлар хусусийлаштирилмайди. Улардан яшаш шартномаси асосида фойдаланилади.

Корхоналар ва ташкилотларга ўз ходимлари ва нафақадорларининг уй-жой қуриш ёки квартираларни хусусийлаштириш учун олган ссудалари ё бўлмаса кредитларини батамом ёхуд қисман тўлаб юбориш хуқуки берилган.

Уй-жой фонди хусусийлаштирилиши муносабати билан коммунал хизмат кўрсатиш тизимида ҳам туб ўзгаришлар бўлди. Бу тизим бутунлай маҳаллий бошқарув органлари ихтиёрига ўтди. Минтақаларнинг аҳолига коммунал хизмат кўрсатишдаги мустақиллиги ва масъулияти ортди. Бу тармоқ маҳаллий органлар ихтиёрига номигагина эмас, балки амалда - молия билан таъминлаб топширилди.

Кичик хусусийлаштиришнинг амалга оширилиши ҳамда бошқарув ва хўжалик тузилмаларида тегишли тажриба орттирилиши 1994 йил ўрталаридан бошлаб оммавий хусусийлаштириш босқичини бошлашга имкон берди. Бу босқичда очик турдаги акциядорлик жамиятларини яратиш, корхоналарнинг акцияларини муомалага чиқариш ҳамда кенг кўламдаги кўчмас мулк ва қимматли қоғозлар

бозорларининг яратилиши кўзда тутилган. Саноат, қурилиш ва транспорт соҳасидаги, агро-саноат комплексининг гўшт-сут, озиқ-овқат ва пахта тозалаш тармоқларидағи ўрта ҳамда йирик корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни бошланди. Тошкент, Бухоро, Самарқанд ва Хивадаги сайёхлик комплекслари хусусийлаштирилишига катта эътибор берилмоқда.

Биринчи босқичда хусусийлаштириш механизмининг ўзи ҳам такомиллашиб борди. Ўрта ва йирик давлат корхоналари негизида очиқ турдаги акциядорлик жамиятларини шакллантириш схемаси ишлаб чиқилди. Энг аввало, меҳнат жамоаси, ишлаб чиқаришни техника билан қайта қуроллантириш учун маблағ сарфлашга тайёр бўлган чет эллик инвесторлар давлат акциядорлик жамиятларининг муассислари бўлиши мумкин. Бунда давлат ихтиёридаги акцияларнинг улуши кескин камайиб бориши кераклиги қатъий белгилаб кўйилди. Ҳозирги вақтда бу улуш 26 фоиздан ошиши мумкин эмас. Жами акцияларнинг ярмидан кўпроғи эркин сотилиши керак.

Қишлоқда ислоҳотларни жадаллаштириш мақсадида Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида давлат тасарруфидан чиқариш ва кўп укладли иқтисодиётни ривожлантириш дастури ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда. Тошкент тумани негизида туманни иқтисодий ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилди. Бу концепция иқтисодий ислоҳотларни туманлар даражасида чуқурлаштириш йўналишларини тайёрлаш чоғида асос қилиб олинади.

Хусусийлаштириш чора-тадбирлари тизимида давлат мулкини танлов асосида ҳамда ким ошди савдоларида сотиш орқали мулкни давлат тасарруфидан чиқаришнинг янги шаклларидан янада кенгроқ фойдаланиладиган бўлиб қолди. Дастрлабки ким ошди савдосининг тажрибаси шуни кўрсатдики, бу шакл жуда истиқболли бўлиб, унда янги мулқдорларнинг тобора кўпроқ қисми қатнашмоқда. Ҳозирги вақтда қоида тариқасида ким ошди савдоси орқали савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси обьектлари - дўконлар, ресторонлар, меҳмонхоналар ва бошқалар сотилмоқда. Шуни айтиш керакки, амалдаги сотиш нархлари уларнинг бошлангич қийматидан анча юқори бўлмоқда. Бу

ҳол хусусийлаштирилаётган мол-мулкнинг қийматини анча реал баҳолашгагина имкон бериб қолмай, миллий валютамизнинг қадрини оширишга ҳам ёрдам бермоқда.

Кейинги вақтларда ким ошди савдолари ўтказишнинг янги шакли ҳам ривож топди - ким ошди савдосига мол-мулккина эмас, балки хусусийлаштирилаётган савдо ва майший хизмат қўрсатиш обьектлари жойлашган ер участкалари, янги қурилиш қилиш учун ер участкаларидан фойдаланиш хукуқи, шу жумладан чет эллик инвесторлар учун ҳам қўйиладиган бўлди. Қишлоқ хўжалик ерларини мерос қилиб олиш хукуқи билан муддатсиз фойдаланишга бериш бўйича ким ошди савдолари ва танловлар ташкил этилмоқда.

Кўчмас мулк ва қимматли қофозлар бозорларининг янги муассасаларини барпо этишга асос солинди. Республика фонд биржаси ва кўчмас мулк биржаси, Миллий депозитарий, инвестиция фондлари ташкил этилди, ахборот, телекоммуникация тизимларини барпо этиш дастури ишлаб чиқилди.

Аҳолини хусусийлаштириш жараёнига оммавий жалб этиш ҳамда қимматли қофозлар бозорини жадал шакллантириш мақсадида вилоятларда брокерлик идораларига эга бўлган республика фонд биржасида ҳам ким ошди савдолари мунтазам ўтказиладиган бўлди.

Кўчмас мулк бозори ҳам шаклланиб бормоқда. Сотилган обьектлар орасида уй-жой квартиралари, савдо, майший хизмат қўрсатиш, тугалланмаган қурилиш обьектлари кўпчиликни ташкил этади. Булар ишнинг бошланиши, холос.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни борган сари авж олмоқда. Давлат мулкини хусусийлаштириш бошланган даврдан бери 1994 йил охиригача 54 мингга яқин корхона ва обьект давлат тасарруфидан чиқарилди. Шуларнинг 18,4 мингтаси хусусий мулкка ўтди, 26,1 мингтаси акциядорлик, 8,7 мингтаси жамоа, 661 таси ижара корхоналарига айланди. Хусусийлаштирилган корхоналар негизида чет эл капиталини жалб қилиш йўли билан қўшма корхоналар тузилмоқда. Ҳозирги пайтда ҳар уч корхонанинг иккитаси мулкчиликнинг давлатга қарашли бўлмаган шаклига эга. 1994 йилда ялпи ижтимоий маҳсулотнинг деярли ярми иқтисодиётнинг давлатга қарашли бўлмаган секторида ишлаб

чиқарилди.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан олинган маблағлар ҳисобига, ишлаб чиқаришни техника билан қайта куроллантириш ҳамда ишлаб чиқариш таркибини ўзгартириш бўйича конкрет лойиҳаларни рўёбга чиқариш мақсадида, хусусийлаштириш бошланганидан кейинги даврда корхоналарга кредитлар берилаётir. Бу эса хусусий тадбиркорларни, асосан фермерларни кредитлар билан кўллаб-кувватлаш имконини бермоқда.

Кичик бизнес ҳам ривож топди. Кейинги йилларда кичик корхоналар сони деярли икки баравар кўпайди. Давлатга қарашли бўлмаган секторни кўллаб-кувватлаш учун республикада Тадбиркорликни ривожлантириш фонди, Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга кўмаклашиш фонди ташкил этилди.

Хусусий секторни ривожлантиришга ёрдам бериш юзасидан кўрилаётган чоралар хусусий корхоналар сонини 1995 йил бошларида деярли 20 мингтага етказиш имконини берди. 250 мингдан ортиқ одам якка тартиbdаги меҳнат фаолияти билан шуғулланмоқда. Ҳаммаси бўлиб эса давлатга қарашли бўлмаган секторда 4 миллионга яқин одам ишламоқда. Бу ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этилган барча ходимларнинг деярли ярмидир. Бу ҳол бозор иқтисодиёти сари амалда илгарилаб борилаётганининг яққол далилидир.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларида кўплаб ҳалқаро ташкилотлар, чунончи ЮНИДО фаол қатнашмоқда. Унинг ёрдамида учта бизнес-инкубатор ташкил этилди. Европа Ҳамжамияти Комиссияси Амалий алоқалар марказини ташкил этди. Немис техникавий кўмаклашув жамияти (ГТЦ) томонидан Кичик ва ўрта бизнесни кўллаб-кувватлаш маркази очилди. Марказий Осиёдаги Америка тадбиркорлик фондига ва Марказий Осиё инвестиция фондига (Буюк Британия) фаол иш олиб бормоқда. Улар кенг кўламда маслаҳат хизматини кўрсатмоқда ва кадрлар тайёрлашни ташкил этмоқда.

Хусусийлаштиришдан келадиган самара икки ёқлама характерга эга - бир томондан, у ахолининг бўш турган маблағларини ўзига жалб қилиб, уларнинг бозорга тазиқини пасайтироқда, айни вақтда янги маблағларни ишлаб чиқаришга жалб этиш ва товар ишлаб

чиқарувчилар ўртасида рақобатни юзага келтириш учун шароит яратмоқда. Айни чоғда бу жараён аҳолининг даромадларини хусусийлаштирилган корхоналарнинг самарали фаолияти ҳисобига кўпайтирмоқда.

Хозирги замон кўп укладли иқтисодиётини шакллантириш соҳасида сезиларли ютуқларга эришилган бўлса-да, қатъий хулоса сифатида айтиш мумкинки, хусусийлаштириш жараёни кенг кўламда эндиGINA авж ола бошлади. Унинг янада чуқурлашуви иқтисодий ислоҳ қилишнинг навбатдаги босқичларида ғоят муҳим йўналиш бўлиб хизмат қилиши керак.

1.4. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ, АГРАР МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЯНГИ ТУРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг биринчи босқичида қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишга устунлик берилди. Бунга қишлоқ хўжалиги ҳамда қишлоқ хўжалик хом ашёсини қайта ишлаш билан боғлиқ тармоқларнинг республикамиз ҳозирги иқтисодиётида ўйнаётган роли сабаб бўлди.

Аграр сектор ҳиссасига 1995 йил 1 январида ялпи ички маҳсулотнинг 24 фойиздан кўпроғи тўғри келди. Халқ хўжалигига банд бўлганларнинг 37 фойзга яқини ва барча аҳолининг ярмидан кўпроғи қишлоқда яшайди. Уларнинг моддий аҳволи республика ҳаётининг мана шу етакчи соҳасидаги аҳвол билан тўғридан-тўғри боғлиқдир.

Республика саноатининг кўпгина тармоқларини, жумладан, пахта тозалаш, тўқимачилик, енгил саноатни, озиқ-овқат, кимё саноатини, қишлоқ хўжалик машинасозлигини ва бошқаларни (булар бутун саноат потенциалининг ярмига яқинини ташкил этади) ривожлантириш истиқболлари, уларнинг мураккаб ўтиш давридаги иқтисодий молиявий аҳволи бевосита қишлоқ хўжалигига боғлиқдир. Қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш туфайли кейинги йилларда саноат потенциалини сақлаб қолиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотини қайта ишлаш билан боғлиқ тармоқларда эса ишлаб

чиқариш кўламини ҳатто кенгайтириш мумкин бўлди. Айнан аграр сектор Ўзбекистонда иқтисодий барқарорликнинг қудратли омили бўлди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти, айниқса пахта, ҳозирги вақтда асосий валюта ресурси, республика учун ҳаётий муҳим бўлган озиқовқат маҳсулотлари, дори-дармонлар, нефть ва нефть маҳсулотлари, техника ва технология ускуналарини импорт бўйича сотиб олишни таъминлаётган асосий манбадир.

Шу сабабли аграр секторни тубдан ислоҳ қилиш ва жадал ривожлантириш муаммолари ислоҳотларнинг дастлабки босқичида ҳамда Ўзбекистоннинг бозорга ўтиш стратегиясида ҳал қилувчи аҳамият касб этди.

Биз қишлоқнинг устун даражада ривожланишини таъминлашни, қишлоқ хўжалигини сифат жиҳатидан янги асосларда қайта тиклашни ўз олдимизга вазифа қилиб қўйдик. Қишлоқни ислоҳ қилиш жараёни ихтиёrimиздаги энг катта бойлик бўлган ернинг чинакам эгасини тиклаш, дехқонда умид туғдириш, унинг турмушини янада тўкинроқ қилиш вазифасидан келиб чиқди.

Биз давлат қишлоққа бутун чоралар билан ёрдам кўрсатиши шарт, деган қоидага қатъий амал қилиб келдик. Ана шу қоидага изчиллик билан амал қилган ҳолда республикада аграр муносабатларни ислоҳ қилиш учун, қишлоқ хўжалик корхоналарини қайтадан ташкил этиш, қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиширишни янада кўпайтириб бориш, айрим маҳсулот турларини четдан келтиришдаги қарамликни камайтириш учун зарур шароитлар яратиб келинди.

Иқтисодиётнинг аграр секторида янгиланиш жараёнини жадаллаштиришда илгари қабул қилинган қонунлар билан бир қаторда қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш соҳасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳамда чорвачиликда ислоҳотларни такомиллаштириш ва дехқон (фермер) хўжаликлари ҳамда хусусийлаштирилган фермаларнинг манфаатларини ҳимоялаш тўғрисида 1994 йил февралда қабул қилинган ҳукумат қарорлари ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди.

Кўрилган чора-тадбирлар натижасида қишлоқда аграр ислоҳот

жараёнида бозор иқтисодиёти талабларига анча мос келадиган янги хўжалик структураси шаклланди. Қишлоқда давлатга қарашли бўлмаган сектор кенг ривожланди, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг структураси жиддий ўзгарди. Бошқариш тизими ва хўжалик юритиш усулларида жиддий ўзгаришлар юз берди.

Бутун аграр сиёсатнинг муҳим масаласи - негизи - ерга мулкчилик масаласидир. Ер - ўлкамизнинг энг асосий бойлиги. У едиради, ичиради, яшаш учун асосий шарт-шароитларни яратиб беради. Шу сабабли республиканинг келажаги, Ўзбекистон халқининг келажаги кўп жиҳатдан ердан фойдаланиш муносабатлари қандай ташкил этилишига боғлиқ бўлади.

Иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг дастлабки босқичида асосий бойлигимиз бўлган ерга муносабатни ўзгаририш етакчи йўналиш бўлди. Қишлоққа доир қабул қилинган фармонлар, "Ер тўғрисида"ги Қонун қишлоқ хўжалигида муносабатларни қандай ташкил этиш, ерга қандай муносабатда бўлиш зарурлигини кўрсатиб берди. Конституцияда ер хусусий мулк қилиб сотилиши мумкин эмаслиги, балки уни узоқ муддатли ижара шартлари билан топшириш мумкинлиги ёзиб кўйилди.

Қишлоқда бозор муносабатларининг ривожланишига, дехқоннинг хўжайинлик ҳиссини қайта тиклашга ерни мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан умрбод фойдаланиш учун бериб қўйиш орқали эришилади. Энг муҳими, қишлоқда хўжалик юритишнинг ҳар бир дехқонга манфаатдорлик билан эркин меҳнат қилиш, ўз меҳнатининг натижаларини мустақил тасарруф этиш имконини берадиган воситани яратишдан иборат эди. Дехқон ўз меҳнатининг мевалари, ердан олинган самара ўзига қарашли эканлигини, этиштирилган маҳсулотнинг чинакам хўжайини эканлигини кўрганидагина ўзини ернинг ҳақиқий эгаси деб чинакамига ҳис қиласи, деган қатъий хulosага келдик.

Бизда дехқончиликнинг бошқалардан фарқ қиласидиган хусусияти шундаки, у суғориладиган ерларда олиб борилади, бу ерларга кудратли ирригация тармоғи хизмат қиласи. Барча ҳайдов майдонларининг тўртдан уч қисмидан кўпроғи суғориладиган ерлардир. Шу сабабли қишлоқ хўжалигини ривожлантириш

истиқболлари суғориладиган дехқончиликни ривожлантириш, ирригация ва мелиорация тармоқларини қуриш ва ишлаб турғанларини қайта қуриш, бу тармоқлар кимнинг мулки бўлади, деган масалани ҳал қилиш билан бевосита боғлиқдир. Ернинг мелиоратив ҳолатига эътиборни ҳеч қачон сусайтирмаслик керак. Агар биз шундай қилмасак, истиқболдан маҳрум бўламиз.

Ўзбекистонда 4,2 млн гектар суғориладиган ер бўлиб, шуларнинг 50 фоизидан сал кўпроғи яхши мелиоратив ҳолатда, қолган ерлар эса яхшилашни ва мелиорация ишлари олиб боришни талаб қиласди. Бунинг учун 1995 йилда 25 минг гектар янги ерни ўзлаштириш, 50 минг гектар ерда қайта ўзлаштириш ишларини олиб бориш ҳамда 26 минг гектар ерда коллектор-дренаж тармоғини қуриш мўлжалланган.

Агар 1990 йилда бир гектар суғориладиган янги ерни ўзлаштириш учун 6,5 минг рубль ва илгаридан суғориб келинган бир гектар ерни қайта ўзлаштириш учун 5,0 минг рубль талаб қилинган бўлса, ҳозирги вақтда харажатлар тахминан 14-15 баравар ошиб кетди. Равшанки, ҳозир бирорта ҳам фермер ирригация ва мелиорация ишларини мустакил амалга ошира олмайди. Фақат давлатгина мелиорация тармоғини лойиҳалашга, қуришга, ерлар шўр босиши, ботқоқланишининг олдини олиш масалаларини ҳал қилишга қодир. Бундан тегишли хulosса чиқарилди ва ҳозирги вақтда давлат мелиорация, ирригация, ерларнинг унумдорлигини ошириш дастурларининг ҳаммасини бажаришни ўз зиммасига олди ва шу тариқа давлатга қарашли бўлмаган хўжаликларга жуда катта мадад ва ёрдам кўрсатди.

Қишлоқда иқтисодий муносабатларнинг ҳамда бошқаришни ташкил этиш тизимининг ривожланишини чукур таҳлил қилиш уларни тубдан қайта кўриб чиқиши зарурлигини кўрсатди. Ислоҳотларнинг дастлабки босқичида жамоа хўжаликлари ва давлат хўжаликларининг фаолияти танқидий таҳлил қилинди.

Биз барча давлат қишлоқ хўжалик корхоналари - давлат хўжаликларини, биринчи навбатда, зарар кўриб ишлаётган хўжаликларни жамоа хўжаликларига ва мулкчиликнинг бошқа шаклларига айлантириш зарур, деган хulosага келдик. Қишлоқ

хўжалигини мустаҳкам иқтисодий изга солиш учун шундай қилиш керак эди. Аслини олганда, бу кейинги даврларда қишлоқ хўжалигида тармоқни бошқаришни ташкил этиш масалаларида йўл қўйилган хатоларни тузатиш эди. Олдинги даврда тайёрга айёрик қайфиятига берилиб, давлатнинг бокишига умид қилиб, жамоа хўжаликлари сунъий равиша давлат хўжаликларига айлантирилган эди.

Қишлоқда бошқарув тузилмаларини қайта ташкил этиш жараёнида бирламчи қишлоқ хўжалик бўғини қандай бўлиши кераклиги аниқ маълум бўлди. Бу - фермер хўжаликларини бирлаштирадиган ва уларга хизмат қиласидиган, йўл-йўриқ кўрсатадиган ва моддий-техникавий таъминот, техника, агрокимё хизмати кўрсатиш масалаларида ёрдам берадиган кооператив бўлиши лозим.

Фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг асоси сифатида фаолият кўрсатиши лозим. Улар самарали ишлаши учун эса кенг томир ёйган, яхши хизмат кўрсатувчи инфраструктура - агрофирмалар, машина-трактор парклари, таъмирлаш устахоналари, тайёрлов пунктлари, қишлоқ хўжалик маҳсулотини қайта ишловчи кичик корхоналар ва шу кабилар мавжуд бўлиши кераклиги энг муҳим қоида бўлди.

Ишлаб чиқилган тамойиллар ва ёндашувларга асосланиб, биринчи босқичда давлат хўжаликларини жамоа, кооператив, акциядорлик хўжаликларига ва ҳар хил хусусий қишлоқ хўжалик корхоналарига айлантириш жараёни амалга оширилди. 1992 йилдан бошлаб ўтган давр мобайнида мавжуд 1137 давлат хўжалигидан 1066 таси мулкчиликнинг акциядорлик, жамоа ва изарарадаги корхона шаклларига айлантирилди. Улар негизида 530 жамоа хўжалиги, 350 га яқин кооператив, юздан ортиқ изжара корхонаси, шунингдек, мулкчиликнинг бошқа шаклларига мансуб корхоналар ташкил этилди. Бундан ташқари, 1516 қорамолчилик фермаси меҳнат жамоаларининг мулки қилиб берилди. Ҳозирги вақтда чорвачилик маҳсулоти етиштиришга ихтисослашмаган хўжаликларнинг фермалари хусусийлаштирилмоқда ва хусусий мулк қилиб сотилмоқда.

Натижада қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг таркиби

мулкчилик шакллари бўйича анча ўзгарди. Қишлоқда давлатга қарашли бўлмаган сектор сезиларли даражада мустаҳкамланди. Агар 1991 йилда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши бутун ҳажмининг 37 фоизи давлат сектори ҳиссасига, шунга мувофиқ ҳолда 63 фоизи давлатга қарашли бўлмаган сектор ҳиссасига тўғри келган бўлса, 1994 йилда давлатга қарашли бўлмаган сектор бутун маҳсулотнинг деярли 95 фоизини ишлаб чиқарди.

Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг дастлабки босқичида қўлга киритилган энг муҳим натижага шахсий томорқаларни кенгайтириш, янги сугориладиган ерларни шахсий хўжаликлар ва боғ-дала ҳовли участкаларига ажратиб бериш йўли билан аҳолини амалда ер билан таъминлашдан иборат бўлди.

Одамларга ер берилиши ислоҳ қилишнинг дастлабки энг қийин йилларида зарур, ниҳоятда кескин муаммоларни ҳал қилишда жуда муҳим роль ўйнади. Шахсий ёрдамчи хўжаликларни мустаҳкамлаш борасида туб чора-тадбирлар кўриш хисобига:

биринчидан, меҳнатга яроқли аҳолининг иш билан банд бўлмаган ортиқча қисмини, асосан қишлоқда яшаётган хотин-қизлар ва ёшларни ижтимоий-фойдали меҳнатга жалб қилишга ва шу тариқа ишсизликнинг кучайиб бориш хавфини барҳам топтиришга эришилди;

иккинчидан, аҳолининг реал даромадларини оширишга, шунингдек, шартномалар асосида қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштириш билан шуғулланиб келганларга меҳнат дафтарчалари бериш ҳамда уларга қариганида нафақа олиш хуқуқини бериш билан кўпгина қишлоқ аҳолиси учун ижтимоий кафолатларни мустаҳкамлашга эришилди;

учинчидан, аҳолини ҳаётий муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашдаги кескинликка барҳам беришга муваффақ бўлинди. Ер участкалари олган оилалар картошка, сабзавот, мева, чорвачилик маҳсулотига бўлган ўз эҳтиёжларини қондирибгина қолмай, балки уларни шаҳарлардаги дехқон бозорларида сотишни анча кўпайтириб, озиқ-овқат муаммосини ҳал қилишга улуш кўшди;

тўртинчидан, якка тартибда уй-жой қурилиши қўламини анча кенгайтиришга муваффақ бўлиндики, бу ҳол аҳолини уй-жой билан

таъминлаш, республика аҳолисининг коммунал-маиший ва уй-жой шароитларини яхшилаш соҳасидаги анчагина муаммоларни ҳал қилишга ёрдам берди;

ниҳоят, бешинчидан, фақат ижтимоий низоларнинг сабаби ва манбаларини бартараф этиш ҳисобигагина эмас, балки кишиларнинг шахсий томорқа ерларини ва боғ-дала ҳовли ерларини ободонлаштиришда фаол қатнашиши, ўзи ва оиласининг манфаатларини кўзлаб фойдали меҳнат билан шуғулланиши натижасида одамлар митингбозлик ва сиёсий экстремизмдан қайтарилиди. Бу ҳам республикада ижтимоий-сиёсий вазиятнинг барқарорлигини таъминлашга ҳисса бўлиб қўшилди.

Одамларга ер берилиши чинакам инқилобий аҳамият касб этди - бу билан ҳар бир индивиднинг давлатга қарамлиги тугатилди. Ер олган одам даромад ола бошлади, ўзини хўжайин деб, эркин ва мустақил ҳис қилди.

Иқтисодий ўзгаришлар амалга оширилган йилларда аҳоли фойдаланиши учун қўшимча суратда 550 минг гектар суғориладиган ер ажратилди. Бу - қарорлар қабул қилингунча аҳоли эга бўлган ер майдонидан анча кўп. Шахсий томорқа учун берилган ернинг умумий майдони деярли 700 минг гектарга етди. 9 миллиондан ортиқ одам ана шу ер ҳосилидан фойдаланмоқда. Томорқа ерларнинг ўртача ҳажми 0,2 гектардан ортиқ бўлиб, бу ер ресурслари чекланган бир шароитда жуда катта бойлиkdir.

Шахсий хонадонларда жами қорамолларнинг 70 фоизи, кўй ва эчкиларнинг ярми боқилмоқда. Кейинги уч йил мобайнида бу хўжаликларнинг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши умумий ҳажмидаги улуши 30 фоиздан 44 фоизга етди. Уларда (1994 йил якунларига кўра) жами сутнинг 76 фоизи, гўштнинг 70 фоизи, картошканинг 56 фоизи, сабзавотнинг 63 фоизи ва меванинг 60 фоизи етиштирилмоқда.

Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишга қаратилган чора-тадбирлар тизимида қишлоқда биринчи босқичда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг янги шаклларини ривожлантиришга катта эътибор берилди. Бунда, ер чинакам хўжайинига тегиши керак, деган қоидага амал қилинди. Қишлоқда фермер, дехқон сектори

амалда шакллана бошлади. Фермер (дехқон) хўжаликларини ривожлантиришни рағбатлантириш учун ҳам ҳуқуқий, ҳам ташкилий шарт-шароитлар яратилди. Фермерларга ажратилган ерларни мерос қилиб қолдириш шарти билан узок муддатга ижарага олиш ҳуқуки мустахкамлаб қўйилди. Республика бюджетидан фермерларни кўллаб-қувватлаш учун кўплаб маблағлар ажратилди.

Пахта Ўзбекистон учун республиканинг мустақиллигини кафолатлайдиган сиёсий ва иқтисодий куч-кудрат манбаи бўлишига қарамай, экологияга ва одамлар саломатлигига ҳалокатли таъсир этиб келган пахта яккаҳокимлигига барҳам бериш ва пахтадан ҳамда унча самара бермаётган бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан бўшатиб олинган ерларни фермер (дехқон) хўжаликларини ривожлантириш учун бериш йўли оғишмай амалга ошириб келинди.

Шу билан бирга бу хўжаликлар учун ерларнинг унумдорлигини сақлаш ва оширишда давлат томонидан кафолатлар яратиш йўли билан уларни химоялаш тизими вужудга келтирилди. Дехқонларга техника, ўғитлар, уруғликлар ва кўчатлар билан маҳсус хизмат кўрсатиш тизими фаол шаклланиб бормоқда. Ветеринария ва селекция хизмати янги қоидалар асосида қайта курилмоқда. Туманларда аҳолига қишлоқ хўжалик экинларининг уруғларини ва сабзавот кўчатларини сотадиган савдо дўконлари очилмоқда.

Натижада 1994 йилнинг ўзидағина дехқон (фермер) хўжаликлири сони 1,9 баравар кўпайди ва йил охирида 25 мингдан зиёдни ташкил этди. Шулардан 10 мингдан ортиқ хўжалик чорвачилик маҳсулоти етиштиришга ихтисослашган.

Фермер хўжаликлари экинзорларининг умумий майдони 1994 йилда 1993 йилдагига қараганда 2,7 баравар ортди. Бу ерда дон етиштириш 3 баравар, картошка ва сабзавот-полиз маҳсулотлари етиштириш 3,3 баравар, гўшт етиштириш 3 баравар, сут етиштириш 2,1 баравар, тухум етиштириш 1,3 баравар кўпайди. Булар фермер (дехқон) хўжаликларини ривожлантиришнинг дастлабки босқичида кўлга киритилган амалий натижалардир.

Иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг биринчи босқичида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг структурасини такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилди. Маъмуриятчиликдан,

хўжаликларга қанча майдонга қандай экин экишни зўрлаб қабул қилдиришдан иборат ярамас тартибга батамом чек қўйилди. Хўжаликларга экин майдонларининг структурасини ва ишлаб чиқариш ҳажмини мустақил белгилаш хуқуки берилди.

Айни вактда иқтисодий усуллар, харид нархларини ошириш йўли билан рағбатлантириш ҳисобига пахта етиштиришни барқарорлаштириш, унинг ҳосилдорлигини ошириш ҳамда пахта толаси олишни кўпайтириш сиёсати, бўшатиб олинаётган майдонларга донли экинлар ва картошка экиш сиёсати изчиллик билан амалга ошириб келинди.

Республикада дон мустақиллигига эришиш, шакар ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлашни тиклаш йўли изчил амалга оширилди. Бу йўлни ҳам биринчи босқичда муваффақиятли амалга оширишга эришилди. Бу жуда муҳим якундир.

Республикада ўтказилаётган аграр ислоҳот муносабати билан экин майдонларининг таркибида катта-катта ўзгаришлар юз бериб, донли экинлар майдони анча кенгайди ва пахта экиладиган майдонлар тегишли суратда қисқарди.

1994 йилда 2,7 миллион тонна ёки 1991 йилдагига қараганда 44 фоиз кўп дон етиштирилди. 1995 йилда барча турдаги хўжаликларда 4,4 миллион тоннадан ортиқ дон, шу жумладан 3,5 миллион тоннадан ортиқ бошоқли дон етиштириш мўлжалланмоқда. Буни таъминлаш учун экин майдонлари таркибини такомиллаштириш, Кўзадан ҳамда ем-ҳашак экинларидан бўшатиб олинаётган ерлардан фойдаланиш ҳисобига дон сепиладиган майдонларни 1472 минг гектарга, шу жумладан сугориладиган майдонларни 972 минг гектарга етказиш кўзда тутилмоқда.

Хозир биз ўзимиз етиштираётган донни кўпайтирибгина қолмадик, балки уни четдан келтиришни кескин қисқартириш, тежаб қолинган валюта ресурсларини республика учун жуда зарур бўлган бошқа вазифаларни ҳал қилиш мақсадида қайта тақсимлаш ҳам мумкин бўлиб қолди.

Картошка экиладиган майдонларни 57 минг гектаргача кенгайтириш ва уни етиштиришни 800 минг тоннага етказиш мўлжалланмоқда. Бунинг учун яхши навли голланд уруғлигидан

фойдаланиш ва Голландия технологиясини қўллаш мўлжалланмоқда.

Қишлоқда мулкчилик муносабатларини ислоҳ қилишдан ташқари, дастлабки босқичда хўжалик юритиш механизмини такомиллаштиришга ҳам катта аҳамият берилди. Бу соҳадаги барча ишлар уч йўналишга қаратилди.

Биринчидан, умумдавлат эҳтиёjlари учун етказиб берилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотига оқилона харид нархлари белгилаш қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда муҳим рағбатлантирувчи омил бўлди. Ишлаб чиқариш шарт-шароитлари ўзгарган сари, қишлоқ хўжалиги ходимларининг моддий турмушини яхшилаш мақсадида деярли ҳамма турдаги дехқончилик ва чорвачилик маҳсулотларининг харид нархи муттасил ошириб борилди.

Сўнгги йилларда пахта, доннинг харид нархлари анча ошди. Масалан, дастлабки пайтларда бир тонна пахта толасининг нархи 22 минг рублни ташкил этган бўлса, 1994 йил ҳосилининг нархи 3750 сўмни ташкил этди ёки 170,5 баравар юкори бўлди. 1995 йилдан бошлаб ҳосилнинг харид нархларини эса жаҳон нархлари даражасига босқичма-босқич етказиш назарда тутилмоқда.

Картошка, мева-сабзавот маҳсулотлари, чорва ҳамда парранда, сут ва тухум, қоракўл тери ва жуннинг харид нархлари анча оширилди ва ҳозирги вақтда маҳсулотнинг ана шу ва бошқа турларига эркин (келишилган) нархлар жорий қилинмоқда.

Давлат харид нархларини ошириб, кейинчалик уларни эркин нархларга ўтказар экан, қишлоқ хўжалигига амалий ёрдам кўrsatiбgина қолмай, айни чоғда саноат маҳсулоти билан қишлоқ хўжалик маҳсулоти нархлари ўртасида мутаносиблик бўлишини таъминлашга ҳам ҳаракат қилди.

Иккинчидан, харид нархларини ошириш билан бир қаторда давлат эҳтиёjlари учун қишлоқ хўжалик маҳсулотини албатта етказиб бериш учун давлат буюртмасини белгилаш соҳасидаги сиёsat ҳам доимо қайта кўриб борилди. Бу йўналишда ҳам катта натижаларга эришилди. Энг аввало, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг кўпчилик турларига давлат буюртмаси аста-секин бекор қилинди. Ҳозирги вақтда хўжаликлар ўзи етиштирган чорвачилик, сабзавотчилик, боғдорчилик ва узумчилик маҳсулотидан

ўз ҳоҳишича фойдаланмоқда.

Давлат буюртмаси фақат пахта ва донгагина сақланиб қолган бўлиб, унинг миқдорлари 1995 йилда пахта бўйича тегишли суратда 60 фоизгача ва дон бўйича 50 фоизгача қисқартирилди. Яқин 2-3 йил ичидаги буларга ҳам давлат буюртмасини бекор қилиш вазифаси кўйилмоқда.

Товар ишлаб чиқарувчилар ўз товарларини ихтиёрий равишда эркин сотиши учун уларга бевосита қолдириладиган маҳсулот ҳажмининг кўпайтирилиши хўжаликларни иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлашга ва қишлоқ меҳнаткашларининг турмуш даражасини оширишгагина хизмат қилиб қолмай, балки маҳсулот этиштиришни кенгайтириш, хўжаликларда уларни қайта ишловчи корхоналарни ривожлантириш учун ҳам муҳим омил бўлиб хизмат қиласди. Ҳозирнинг ўзидаёқ кўпгина хўжаликларда консервалар, вино, ун, ўсимлик мойи ишлаб чиқарадиган, пахтани дастлабки қайта ишлайдиган ва бошқа кичик корхона ва цехлар мавжуд.

Учинчидан, давлат қишлоқ хўжалик корхоналарини саралаб олган ҳолда қўллаб-кувватлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқди ва амалга ошириди. Ҳозирги вактда республиканинг ҳамма хўжаликлари даромад солигидан, қўшилган қиймат солигидан, бошқа солиқлардан озод қилинган. Фермер (дехқон) хўжаликлари ташкил этилган пайтдан бошлаб икки йилгача улардан солиқ олинмайди.

Хўжаликларни молиявий жиҳатдан соғломлаштириш учун кредиторлик ва дебиторлик қарзлари бўйича бир неча бор ўзаро қарз суришиш тадбири амалга оширилди. Илгари берилган кредитларни узиш муддати уч йилга кечикирилди.

Шундай қилиб, биринчи босқичда хўжаликларнинг давлат билан ўзаро муносабатлари катта ўзгаришларга дуч келди, бу ҳол дехқонларнинг ўз меҳнатлари натижаларидан манфаатдорлигини оширишга имкон берди.

Аграр сиёсатнинг биринчи босқичда амалга оширилаётган ва ислоҳ қилишининг навбатдаги босқичларида тубдан ҳал этишни талаб қилаётган ғоят муҳим йўналиши ҳозирги вактда қишлоқ хўжалигига банд бўлган ортиқча ишчи кучини бўшатиб олиш ва уларни иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига - саноат, хизмат кўрсатиши

соҳаларига жалб этишдан иборатdir.

Ҳисоб-китоблар қишлоқда 6,5 миллион меҳнатга лаёқатли аҳоли борлигини кўрсатмоқда. Қишлоқ хўжалигининг ўзи бунча миқдордаги ишчи кучини иш билан таъминлай олмайди. Шу туфайли қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг юқори самарали индустрисал усуллари, агрокимёнинг илғор усуллари ғоят секин жорий этилмоқда ва бунинг натижаси ўлароқ, маҳсулдорлик ва меҳнат унумдорлиги паст бўлмоқда.

Шу сабабли қишлоқ жойларда замонавий технологияга эга иш шаклини тез ўзгарира олувчи кичик корхоналарни очиш ҳисобига янги иш жойлари яратиш устувор вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Булар фақат қишлоқ хўжалик хом ашёсини қайта ишловчи корхоналаргина эмас, балки касаначиликка асосланган сермеҳнат ишлаб чиқаришлар, халқ ҳунармандчилиги корхоналари ҳам бўлмоғи керак.

Биз хўжаликларда унча катта бўлмаган, лекин замонавий технология ва техника асосида хом ашёни қайта ишлайдиган корхоналар қуришимиз ва уларни меҳнат ресурслари ортиқча бўлган ерларда жойлаштиришимиз керак, деган хуносага келдик.

Қишлоқни янгилаш ва қайта қуриш чора-тадбирлари тизимида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфраструктурани жадал ривожлантириш жуда катта аҳамиятга эга. Бу ҳозирги агарар сиёсатнинг ғоят муҳим устувор йўналишларидан биридир. Коммунал ва муҳандислик тизимларининг кенг тармоғини яратсан, қишлоқда яшовчиларнинг ижтимоий ҳаётини тубдан яхшиласаккина бутун қишлоқ хўжалигини сифат жиҳатдан янги даражага кўтариш, унга индустрисал тус бериш мумкин бўлади.

Шу билан бир вақтда, ортиқча меҳнат ресурсларини бевосита қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши соҳасидан индустрисал соҳаларга, сервис ва хизмат кўрсатиш соҳасига жалб қилиш қишлоқнинг энг муҳим муаммоларидан биридир.

Мустақилликка эришилган дастлабки кунларданоқ Ўзбекистонда қишлоқ аҳолисини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлашга қаратилган аниқ мақсадли дастур изчил амалга ошириб келинди. Қисқа вақт ичида минглаб километр сув қувурлари ва газ

тармоғи ўтказилди. Ичимлик суви, табиий газ күплаб олис посёлка ва қишлоқларга етиб борди.

Айни вақтда ҳозир кенг тармоқ ёйған замонавий ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфраструктурани барпо этиш, сервис ва майший хизмат тармоғини шакллантириш муаммоси ҳали ҳам охиригача ҳал қилинмаётір.

Бундан ташқари, ҳар бир посёлкада, ҳар бир қишлоқда майда улгуржи дүйкөнлар, таъмирлаш устахоналари, дәхқонларни қишлоқ хўжалик техникаси, кўчатлар, минерал ўғитлар ва бошқалар билан таъминловчи пунктларнинг кенг тармоғини вужудга келтириш муҳим вазифа бўлиб қолмоқда.

Шуни эътироф этиш керакки, республикада аграр ислоҳот етарли даражада жадал олиб борилмаётір, у кўпдан-кўп ижтимоий-иктисодий тўсиқларга учрамоқда. Бу тўсиқлар, энг аввало, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида тайёрга айёргик кайфиятини кишилар онгидан суриб чиқариш ва уни бозор асосига ўтказиш жараёни бораётгани туфайли келиб чиқмоқда. Ислоҳотларнинг ташаббускорлари бўлиши ва уларни фаол амалга ошириши керак бўлган раҳбарларнинг ҳаммаси ҳам бозор иктисодиётига хос янги вазифаларни ҳали тўла-тўқис англаб етгандарни йўқ. Жойларда хўжалик юритишнинг янги қоидалари тушуниб етилмаётганлиги сезилмоқда. Бошқарувнинг ҳамма бўғинларида ташаббускорлик ва тадбиркорлик етишмаётір.

Амалга оширилган ташкилий ўзгаришлар, яратиб берилган иктисодий имтиёзлар ва рағбатлантириш чораларига қарамай, хўжаликларнинг ички ишлаб чиқариш муносабатлари секин ўзгармоқда. Қабул қилинган қонунлар ва фармонларга эътибор бермаслик, маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг ҳуқуқларини камситиш ҳоллари мавжуд. Қишлоқ хўжалигининг самарали ишлашини таъминлаши керак бўлган ўзаро олди-берди қилувчи тармоқларнинг ўзаро ҳамкорлик қилиши механизми яхши ишлаб чиқилмаган.

Шу сабабли аграр ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг янги босқичидаги асосий вазифа ислоҳотларнинг боришини секинлаштираётган сабабларни тезроқ бартараф этишдан, қишлоқда

агар муносабатларни, энг аввало, мулкчилик муносабатларини янгилашни тугаллашдан иборат бўлмоғи керак. Агрофирмалар, бозор ва ижтимоий ишлаб чиқариш инфраструктураси тармоғини яратиш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг оқилона структурасини вужудга келтириш, дехконлар меҳнатига техникани жорий этишни кучайтириш, уларни ишончли ҳуқуқий ҳимоялаш ҳам шундай вазифалардандир.

Ушбу вазифалар занжиридаги энг муҳим нарса - қишлоқ хўжалик маҳсулотини ишлаб чиқарувчиларнинг ўзларида ўз мулкининг хўжайини ҳиссини мустаҳкамлаш учун зарур ишларнинг барчасини амалга оширишдан иборатdir.

1.5. ИНСТИТУЦИОНАЛ ЎЗГАРИШЛАР ВА БОШҚАРУВНИНГ МАЪМУРИЙ БҮЙРУҚБОЗЛИК ТИЗИМИНИ ТУГАТИШ

Бозор иқтисодиётига ўтиш, иқтисодий муносабатларни янгилаш институционал (муассасалар соҳасидаги) ўзгаришларни амалга оширишни, бошқаришнинг тегишли структурасини яратишни талаб қилмоқда. Шу сабабли иқтисодий ислоҳотларнинг биринчи босқичида биз бошқарув тизимини ислоҳ қилишга алоҳида эътибор бердик.

Хозир бошқарувни ислоҳ қилиш умуман ва етарли даражада муваффақиятли амалга оширилди, деб айтиш учун асос бор. Бу ислоҳотнинг натижаларини ҳали жиддий таҳлил қилиш ва ўйлаб кўриш керак бўлади. Бироқ айрим хуносаларни ҳозирнинг ўзидаёқ чиқариш мумкин.

Биринчи босқичда тоталитар тузумдан демократик тузумга, марказлаштирилган тартибда қайта тақсимлаш механизмидан бозор механизмига, қаттиқ маҳкамачилик ва маъмурий-буйруқбозлиқдан иқтисодий омиллар ва рағбатлантириш чоралари асосида ўзини ўзи бошқаришга ва ўзини ўзи идора этишга ўтиш қийин, баъзан машаққатли бўлди. Бу босқичда бошқаришнинг аслида янги тизими вужудга келтирилди.

Бизда бу соҳада тегишли тажриба йўқ эди ва ҳатто бирон-бир ўхшаш ишлар ҳам бўлган эмас. Бозор муносабатлари таркиб топиб

бўлган ва бу йўналишда эндиғина дастлабки қадамларни ташлаётган мамлакатлардаги бошқарувни ташкил этишнинг турли тизимларини ўргандик. Шу асосда бутун ҳалқ хўжалигини, тармоқлар ва худудларни бошқаришнинг энг мақбул ва ҳозирги шароитларга мос бўлган ўз тузилмаларимизни ишлаб чиқдик.

Биз танлаган ёндашувлар кўп жиҳатдан тажриба, изланиш тарзидаги ёндашувлар эди. Лекин биз бу тажрибаларни дадил амалга оширидик. Уларни ўзини обрўсизлантириб кўйган маъмурий-буйруқбозлик тизими тузоғидан қатъиян ҳалос бўлишнинг, жадал ўзгариб бораётган иқтисодий шароитларга мос бўлган янги муассасалар тизимини тезлик билан жорий этишнинг бирдан-бир йўли деб билдик.

Муассасалар соҳасидаги (институционал) ўзгаришлар жараёнидаёқ бошқарув механизмлари такомиллаштириб борилди, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини бошқариш борасида уларнинг хусусиятларига анча мос келадиган, хўжалик юритувчи субъектларга иқтисодий эркинлик беришга ёрдамлашадиган, ташаббускорлик ва тадбиркорликнинг ривожланишини рағбатлантирадиган ташкилий-хукукий шакллар вужудга келди.

Ишлаб чиқаришни марказлаштирилган тартибда режалаштириш ва ташкил этишдан, молияни, моддий-ащёвий бойликларни давлат томонидан бошқариш тизимидан воз кечиш зарур эди. Бунинг учун иқтисодиётни бошқаришни ташкил этиш тизимига мутлақо янгича ёндашувлар талаб қилинди.

Ишлаб чиқаришни бошқаришни такомиллаштириш чоратадбирлари тизимида бошқаришни изчил, босқичма-босқич ташкил этиш модели қабул қилинди. Бошқарув тизимини ислоҳ қилиш жараёни бир қанча босқичлардан ўтиб тараққий қилди ва ҳозир ҳам такомиллаштирилмоқда.

Бошқарув соҳасидаги ўзгаришлар натижасида кўплаб бошқарув бўғинларининг вазифаси ўзгарди, янги органлар тузилди. Маъмурий-буйруқбозлик тизимининг қолдиқлари, назорат қилувчи тизим ва унинг ижроия органлари тутатилди. Олдинги тақсимот ишлари ҳамда уларни амалга оширувчи механизмларга барҳам берилди.

Марказий иқтисодий органлар ва вазирликларнинг фаолияти

тубдан қайта қурилмоқда. Уларнинг ишлари ва зиммасига юкландиган вазифалар тубдан ўзгарилимоқда.

Маъмурий-буйруқбозлиқ, тўрачилик тизимининг ўзагини ташкил этган, марказдан туриб режалаштириш тизими мустаҳкамлиги ва бузилмаслигининг ифодаси бўлган Давлат режа қўмитаси, Давлат таъминот қўмитаси, Давлат нархлар қўмитаси, Давлат агро-саноат қўмитаси ва шуларга ўхшаш бошқа Давлат қўмиталари ва вазирликлари ҳамда жуда катта маъмурий аппаратлар тутатилди.

Уларнинг ўрнига янги бошқариш бўғинлари тузилди. Булар бозорга асосланган янги иқтисодий муносабатларнинг ташаббускорлари ва уларни рўёбга чиқарувчилар бўлмоғи керак. Масалан, ўзини оқламаган Давлат режа қўмитаси ўрнига Давлат истиқболни белгилаш ва статистика қўмитаси тузилди. Бу қўмита зиммасига иқтисодиётни ислоҳ қилиш қоидалари ва устуворликлар, уларни амалга ошириш механизмлари асосида иқтисодий ислоҳотларнинг боришига баҳо бериш ҳамда уларни янада чуқурлаштиришга қаратилган таклифлар тайёрлаш; баланс хисобкитоблари асосида макроиктисодий нисбатларни, тармоқлар ва худудлардаги таркибий ўзгаришлар тамойилларини таҳлил қилиш; республикани, иқтисодиёт тармоқлари ва секторларини, шунингдек, минтақаларни Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш зарурлигидан келиб чиқкан ҳолда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг кўп вариантли истиқболларини белгилаш вазифалари юклатилди.

Яккаҳоким бўлиб олган тақсимот идораси - Давлат таъминот қўмитаси ва унинг вориси бўлган Ўзшартномасавдо ўрнига янги бозор структураси - Республика улгуржи ва биржа савдоси акциядорлик уюшмаси тузилди. Бу уюшма товар ишлаб чиқарувчилар, истеъмолчилар ва тадбиркорлар товар ресурслари бозорида эркин ҳамда тенг ҳукуқли иштирок этиши учун зарур инфраструктурани (бозор хизмати соҳасини) яратиши керак. Унинг таркибига республика акциядорлик товар-хом ашё биржаси, акциядорлик биржа банки, худудий акциядорлик тижоратчи-воситачи компаниялар киритилди. Булар мулкчилик шаклларидан қатъи назар корхоналар, ташкилотлар ва жисмоний шахсларга контракт-шартнома

асосида тижорат-воситачилик, савдо, маркетинг ва бошқа хизматлар кўрсатиши, уларга биржা савдосида қатнашиш учун teng шароитлар яратиб бериши керак.

Нархларни эркинлаштириш шароитида Давлат нарх қўмитаси батамом тугатилди. Молия вазирлиги таркибида эса нарх-навони белгилашда яккаҳокимликни тугатиш ва яккаҳокимлик билан ўрнатилган юқори нархларни назорат қилиш бўйича маҳсус бошқарма тузилди. Унинг асосий вазифаси яккаҳоким тузилмалар вужудга келишига йўл қўймаслиқдан, республикада рақобатчилик муҳити шакланишига ёрдам беришдан иборатдир.

Бозорга ўтиш шароитида молия ва банк тизимининг роли тубдан ўзгармоқда. Бозор муносабатларини бошқариш соҳасида давлат томонидан олиб бориладиган барча ишларнинг оғирлик маркази худди ана шу асосий тизимларга кўчди. Айнан ана шу структуралар фискалъ ва монетар сиёsatни ишлаб чиқиши ҳамда амалга ошириши керак. Иқтисодиётнинг умумий ҳолати ана шу сиёsatни амалга оширишга боғлиқ бўлади.

Шу туфайли кейинги йилларда республика Молия вазирлиги ва Марказий банкининг вазифалари ҳамда таркибий тузулиши анча ўзгартирилди. Молия вазирлиги зиммасига республика бюджетини вужудга келтириш билан бир қаторда, ҳозирги вактда давлат солик сиёsatининг асосий йўналишлари ва қоидаларини ишлаб чиқиш, мувофиқлаштирилган молиявий сиёsat олиб бориш ва валюта ишларини бошқариш вазифаси юклатилди.

Банк тизимини такомиллаштириш, банкларнинг мустақиллигини ва пул муомаласидаги ахвол учун жавобгарлигини ошириш, пул-кредит муносабатларини тартибга солиш мақсадида банк тизимини мустаҳкамлашга қаратилган бир қанча қарорлар қабул қилинди. "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги Конуннинг қабул қилиниши мустақил ва эрkin банк тизимининг қарор топишига ёрдам берди.

Республикада икки босқичдаги банк тизими амалда шаклана бошлади. СССР Давлат банкининг таркибий бўлинмаси ҳисобланган, айни вактда кредит ва ҳисоб-китоб операция муассасаси вазифасини бажариб келган собиқ республика Давлат банки тугатилди. Марказий банк зиммасига федерал резерв тизимига хос бўлган вазифалар

юқлатилди. Давлат шу билан бир қаторда тижорат банкларининг ривожланишига ҳам ёрдам берди. Банк тизими ning қуий бўғинлари мустақил иш олиб бориши учун янги тузилмалар ташкил этилди. Собиқ, тармоқ доирасида иш юритувчи давлат банклари тугатилди. Агросаноат банки ва Саноат-қурилиш банки ихтисослаштирилган акциядорлик-тижорат банкларига айлантирилди. Ташки иқтисодий фаолият Миллий банки тузилди.

Ўзжамғармабанкка кредит-молия муассасаси мақоми ҳамда кредит ресурсларидан жисмоний ва юридик шахсларга қарз бериш учун фойдаланиш, шунингдек, кредит ресурсларини банклараро пул бозорида ким ошди савдоси орқали сотиш хуқуқи берилди. Банкнинг кичик корхоналар барпо этиш ва уларни ривожлантиришга, фуқароларнинг давлат мулкини хусусийлаштириб олишига, уй-жой бинолари қуриш, уларни таъмирлашга ва аҳолининг бошқа эҳтиёжларини қондиришга қарз бериш имконияти анча кенгайди.

Айни маҳалда янги тижорат ва хусусий банклар тармоғи вужудга келди. Улар мулкчилик шаклларидан қатъи назар, хўжалик юритувчи субъектларга хизмат кўрсатиши, давлатга қарашли бўлмаган янги корхоналар ҳамда фермер хўжаликларга молиявий ёрдам бериши керак.

Ихтисослаштирилган акциядорлик-тижорат банклари - "Фаллабанк", "Мевасабзавотбанк", "Тадбиркорбанк", "Савдогар" ва бошқа банклар тузилди. Бу банклар тадбиркорлик ишларига хизмат қиласди, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, истеъмол бозорини энг зарур товарлар билан бойитиш манфаатларини кўзлаб инвестициялар учун маблаг беради.

Иқтисодий ислоҳотларнинг биринчи босқичида янги бозор муносабатларини фаол шакллантириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини амалга ошириш, ташки савдони эркинлаштириш ҳамда ташки иқтисодий алоқаларни ривожлантириш объектив суратда муассасаларнинг янги бўғинлари ташкил этишни, ортиқча назорат органлари ва маъмурний чеклашларни тугатишни такозо этди.

Назорат органлари фаолиятини тартибга солиш, давлатнинг ягона солиқ ва божхона сиёсатини ўтказиш, Ўзбекистоннинг

иктисодий манфаатлари химоя қилинишини таъминлаш мақсадида Давлат солиқ қўмитаси тузилди.

Давлат божхона қўмитаси қайта тузилиб, Божхона бош бошқармасига айлантирилди ва Давлат солиқ қўмитасига бўйсундирилди. Ички ишлар вазирлиги тизимидағи Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга қарши кураш бошқармаси тугатилди.

Давлат назорати тизимини янада такомиллаштириш, уни бозор муносабатлари талабларига мувофиқлаш, назорат органлари ишида бир-бирини тақрорлашга барҳам бериш мақсадида Президент хузуридаги Давлат назорати қўмитаси ва унинг жойлардаги органлари тугатилди, Президент девонида назорат инспекцияси ҳамда ҳокимиятлар девони таркибида тегишли назорат инспекциялари тузилди.

Иқтисодий ислоҳот ўтказишни жадаллаштириш ишларини мувофиқлаб туриш учун, юқорида кўрсатиб ўтилганидек, Президент хузурида Иқтисодий ислоҳот, тадбиркорлик ва чет эл инвестициялари бўйича Идоралараро Кенгаш тузилди.

Юқорида айтиб ўтилганидек, биринчи босқичда етакчи устувор вазифа кўп укладли иқтисодиётни амалда шакллантириш, иқтисодиётнинг хусусий, давлатга қарашли бўлмаган секторини янгидан яратишдан иборат эди. Бу вазифани бажариш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси тузилди. Унинг зиммасига кўп укладли иқтисодиётни шакллантиришда ягона сиёsatни амалга ошириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, мулкни давлат тасарруфидан чиқаришнинг устувор йўналишларини аниқлаш ҳамда хусусийлаштириш дастурларини ишлаб чиқиши, шунингдек, хусусий бизнеснинг ривожланишига ёрдам кўрсатиш вазифалари юклатилди. Давлат қўмитаси хузурида маҳсус жамғарма ташкил этилиб, унда давлат мулки объектларини мулкчиликнинг бошқа шаклларига айлантиришдан тушадиган маблағлар тўпланади. Сўнгра бу маблағлар иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни амалга оширишга ҳамда хусусийлаштиришдан кейинги даврда корхоналарни қўллаб-қувватлашга йўналтирилади. Давлат мулкини бошқариш қўмитаси инвестиция фондлари, консалтинг ва аудиторлик

хизматлари, холдинглар, фонд биржалари ва кўчмас мулк биржалари хамда бошқа бозор структураларини тузишга ёрдам бермоқда ва бу ишда бевосита қатнашмоқда.

Биринчи босқичда институционал ўзгаришларнинг энг муҳим йўналиши ташқи алоқаларнинг ривожланиши ва мустаҳкамланишини таъминлайдиган бошқарув тузулмалари вужудга келтирилишидан иборат бўлди. Шу муносабат билан республика тарихида биринчи марта ўлароқ, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги тузилди. Бу вазирлик зиммасига товарлар ва хизматлар халқаро бозорларини таҳлил қилиш, ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги стратегияни ишлаб чиқиш, экспорт-импорт бўйича марказлашган тартибда маҳсулот етказиб бериш, республиканинг барча ташқи иқтисодий ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш вазифаси юкланди.

Республиканинг барча вазирликлари ва идоралари, корхоналарида ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи маҳсус бўлимлар, ташкилотлар ва фирмалар тузилди. Республикада ташқи алоқаларни таъминлайдиган яхлит тизим таркиб топди.

Энг чуқур таркибий ўзгаришлар республика иқтисодиётининг тармоқлари ва айрим соҳаларини бошқариш тизимида юз берди.

Иттифоқ парчаланиб кетгач, умумиттифоқ вазирликлари тутатилгач, Ўзбекистон худудида жойлашган иттифоқ ва иттифоқ-республика бўйсунувидаги корхоналар миллийлаштирилгач, уларни бошқаришни ташкил этиш муаммоси кўндаланг бўлди. Бу корхоналар ўз фаолият соҳаларига қараб ихтиёрий равишда давлат тармоқ концернларига бирлаштирилди. Бу нафақат ишлаб чиқариш кувватларини сақлаб қолди, балки унинг ривожланишига янги туртки бериш учун ҳам имконият туғдириди.

Корхоналарнинг иқтисодий мустақиллиги кенгайиб борган сари давлат концернлари тармоқ уюшмаларига айлантирилди, уларнинг бошқарув аппаратлари эса ўз таркибидаги бирлашмалар ва корхоналарнинг ихтиёрий равишда берган пули ҳисобидан таъминланмоқда.

Ислоҳотларнинг биринчи босқичи мобайнида тармоқ вазирликлари уюшмаларга, концернларга, корпорациялар, иттифоқлар ва бошқа хўжалик бирлашмаларига айлантириш йўли

билин батамом тугатилди. Автомобиль транспортида, курилишда, қишлоқ хўжалигида бошқарув тизими қайта тузилди.

Корхона ва ташкилотлар, қайси идорага бўйсунишидан ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, ўз иқтисодий манфаатларининг муштарақлиги асосида концернлар, уюшмалар ва корпорациялар таркибига ихтиёрий равишда кирган. Улар ўз фаолиятларини пай ва кириш бадаллари асосида, иштирокчиларнинг акциялар тўпламини (пакетини) сотиб олиши асосида йўлга қўяди.

Умуммиллий аҳамиятга эга бўлган тармоқлар ва фаолият соҳаларида, айтайлик, саёҳатчилик, транспорт, маданият, кинолаштириш тизими ва бошқаларда миллий компаниялар тузилди. Компанияларнинг бошқалардан ажратиб турувчи хусусияти шундан иборатки, улар иқтисодий жиҳатдан батамом мустақилдир. Улар ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш асосида иш олиб бормоқда, ишлаб чиқариш-хўжалик ва молиявий фаолиятига оид масалаларини мустақил ҳал қилмоқда.

Ўтиш даврида уюшмалар, концернлар, корпорациялар ва бошқа бирлашмаларнинг асосий вазифаси республика ҳалқ хўжалигини ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг аниқ турлари билан таъминлаш, ягона илмий-техникавий ва инвестиция сиёсатини ўтказиш, ички ва ташки бозорлар конъюнктурасини ўрганиш, тармоқда бозор муносабатларини ривожлантиришдир. Шунингдек, уларнинг вазифаси давлат корхоналари ҳамда ташкилотларини нодавлат мулкига айлантириш ишларини ташкил этиш, тадбиркорликнинг ривожланишини бутун чоралар билан қўллаб-қувватлашдан иборатдир. Булардан ташқари, хўжалик бирлашмалари ўз муассисларини ҳукуқий ҳимоя қилишни таъминлайди, давлат ва маҳаллий ҳокимият ҳамда бошқарув органларида уларнинг қонуний манфаатларини ифодалайди, тармоқни ривожлантириш стратегиясини белгилайди.

1994 йилда уларни холдинг компанияларига ва бошқа корпоратив бошқарув ташкилотларига айлантириш иши бошланди. Бунда улар таркибига киравчи ҳар бир корхона бирлашиш шакллари ва усусларини ўзи белгилаши керак бўлади.

Биз қуйи бўғин ташкилотлари ва корхоналарига иқтисодий

эркинлик бериш, уларни давлат тазиғидан озод қилиш билан янгича иш услугига ўтдик. Корхоналар ишлаб чиқаришни мустакил ташкил этиш, ўз маҳсулотларини сотиш ҳуқуқини олди. Шу билан бирга мулкчиликнинг турли шаклларига мансуб корхоналарнинг хўжалик юритиш шарт-шароитлари тенг бўлиши фақат ҳуқуқий жиҳатдан эмас, балки амалда ҳам таъминланди.

Кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш, давлат мулкини хусусийлаштириш, ишлаб чиқарувчи кучларни жадал ривожлантириш ва аҳолининг турмуш фаровонлигини юксалтириш муаммоларини ҳал қилиш соҳасидаги барча ишлар жойларда амалга оширила бошлангани бозор муносабатлари қарор топишининг муҳим жиҳатидир. Бозор ўзгаришларининг ҳудудий жиҳатлари кучайиб бормоқда. Бундай шароитда маҳаллий бошқарув органларининг ўз олдиларида турган вазифаларни бажаришдаги роли ва масъулияти ошиб бормоқда. Уларнинг ички тузилиши тамомила ўзгартирилди.

"Ўзбекистон Республикаси маҳаллий ҳокимият идораларини қайта ташкил этиш тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ 1992 йил январидан бошлаб вилоят, туман ва шаҳарларда жойлардаги вакиллик ҳамда ижроия-бошқарув ҳокимиятига раҳбарлик қилувчи ҳокимлик жорий этилди. Ҳокимлар маҳаллий аҳамиятга молик ҳамма масалаларни умумдавлат нуқтай назаридан ва ҳокимият ҳудудида яшаётган фуқароларнинг манфаатларига асосланган ҳолда ҳал қилишлари лозим.

Кўйилган вазифаларни бажариш учун ҳокимлар ҳузурида ижроия аппарати тузилди. Бу аппарат илгари ҳалқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва ижроия қўмиталари бажариб келган вазифаларни ўз зиммасига олди.

Бозор муносабатларига ўтишнинг бошланғич даврида институционал ўзгаришларни амалга ошириш ва бошқарув тизимини ислоҳ қилиш тажрибаси қўйидаги хulosаларни чиқаришга имкон беради.

Биринчидан, дастлабки босқичда бошқарув тизимида жиддий бузилишларга йўл қўймаслик, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига кирувчи бир қанча мамлакатларда бўлганидек, иқтисодиётни бошқаришнинг реал дастакларини кўлдан чиқариб юбормаслик жуда

муҳим эди. Чунки янги тузилаётган органлар на тажрибага, на бозор шароитларида ўзини ўзи бошқариш механизмига эга эди.

Иккинчидан, ўтиш даврида, етук бозор муносабатлари ва механизmlари ҳали узил-кесил шаклланмаган бир пайтда муайян маъмурий воситаларсиз ёлғиз иқтисодий усулларнинг ўзигина иш берадолмайди. Шубҳасиз, устуворлик ҳуқуқий нормалар ва иқтисодий усулларга берилиши керак, лекин баъзан иш манфаатларини кўзлаб, айниқса, ижро ва молия интизоми соҳасида оқилона маъмурий таъсир кўрсатиш ҳам талаб қилинади.

Учинчидан, бошқарув органларини қайта тузиш ва улар зиммасига янги вазифалар юклаш бошқарувни ислоҳ қилиш тугалланганлигини англатмайди. Уларнинг иш услуби тубдан ўзгариши, бошқарув структуралари ҳозирги шароитларга ҳамда иқтисодий ўсишни ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш қоидаларига тўла-тўқис жавоб бериши зарур.

Тўртинчидан, вертикал ва горизонтал ташкилий ҳамда хўжалик алоқалари собиқ Иттифоқ парчаланиб кетишидан ҳам кўра кўпроқ, иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг жадаллашиб бораётган жараёнлари туфайли бузилиб кетиши бошқарув структуралари фаолиятининг маҳкамачилик-бюрократик характеристини ўз-ўзича ўзгартира олмас эди. Шу сабабли ҳозирги кунда асосий вазифалардан бири кўпгина бошқарув органларида ҳозиргача сақланиб қолаётган расмиятчиликка, ўтакетган қофозбозликка, қолоқликка қарши қатъиян кураш олиб боришдан иборатдир.

Бешинчидан, янги бошқарув структурасини вужудга келтириш уларда ишлайдиган кадрларга, уларнинг касбий тайёргарлигига янада юқори талаблар қўяди. Ҳозирги замон бошқарув кадрлари, менежерлари юқори касбий маҳоратига эга бўлибгина қолмай, балки ҳар жихатдан маълумотли, ўз соҳаларининг билимдони, ташаббускор, топширилган иш учун жон қўйдирадиган, муаммоларни ҳал қилишга ижодий ёндашадиган кишилар бўлишлари, энг муҳими эса, Ватанимизнинг чинакам фидойилари бўлишлари лозим.

1.6. НАРХЛАРНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ВА БОЗОР

ИНФРАСТРУКТУРАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Марказдан туриб режалаштиришга асосланган, маъмурий-буйруқбозлиқ усулидаги тақсимлаш тизимидан иқтисодий тараққиётнинг бозор механизмига ўтиш даврида нархларни эркин қўйиб юбориш, уларни ишлаб чиқариш харажатлари ҳамда хом ашё ва маҳсулотга бўлган ҳақиқий талабга мувофиқлаштириш муаммоларини ҳал этишга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Чинакам талаб ва таклиф асосида вужудга келадиган эркин бозор нархларининг амал қилиши бозор иқтисодиётининг ғоят муҳим бўғини бўлиб, бу бўғин маҳсулот ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчиларнинг ўзаро жисп таъсирини таъминлайди. Цивилизациялашган бозор шароитларини вужудга келтиришда эркин нарх белгилаш механизми маҳсулотни ишлаб чиқариш, айрбошлаш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш жараёнида айрим товар ишлаб чиқарувчилар, истеъмолчилар ва бутун жамиятнинг манфаатларини энг мақбул даражада уйғунлаштириш имконини беради.

Нархларни эркинлаштириш - иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг энг асосий муаммоларидан бўлиб, ислоҳ қилиш жараёнлари қайси йўлдан бориши, қандай ижтимоий-иқтисодий оқибатларга олиб келиши ушбу муаммони ҳал этишга тамоман боғлиқ. Режалаштиришга асосланган иқтисодиётни бозор иқтисодиётига айлантиришнинг бизга маълум моделлари кўп жиҳатдан нархларни эркинлаштириш, ички нархларни жаҳон нархларига мувофиқлаштириш билан ажralиб туради. Шунингдек у хом ашё ва маҳсулот айрим турларининг нархлари, нарх-наво билан аҳоли ва корхоналарнинг даромадлари ўртасида тенгликка эришиш жараёнига қандай ёндашилиши билан фарқланади. Бундай ёндашуввлар доираси анча кенг. Булар - нархларни бирданига, "эсанкиратадиган" тарзда қўйиб юбориш, уларни сунъий равишда тўхтатиб қўйиш, нарх-навони давлат бошқариши ва назорат қилишини сақлаб қолишга интилишдир.

Ўзбекистонда ушбу вазифани бажариш йўлларини танлаш жараёнида турли ечимлар усули қўриб чиқилди. Бунда, энг аввало, нархларни эркин қўйиб юбориш бизнинг шароитда қандай салбий

оқибатларга олиб келиши мумкинлигини ҳисобга олиш ғоят муҳим аҳамиятга эга. Биз учун ҳар қандай кескин чоралар номақбул эди. Улар реал шарт-шароитга ҳам, аҳоли асосий қисмининг моддий аҳволига ҳам, биз танлаб олган ислоҳ қилиш йўлига ҳам жавоб бермас эди. Биз бутун нарх тизимини ўзгартиришга жуда пухта тайёрландик, унга одамларнинг ва республика иқтисодиётининг тақдири учун жавобгарликни батамом ҳис қилган ҳолда ёндашдик.

Айтиш мумкинки, иқтисодиётни ислоҳ қилиш тамойилларидан бири - республикада ислоҳотларни аста-секин ва босқичма-босқич ўtkазиш тамойили бўлиб, у ҳеч қайси соҳада нархларни эркинлаштиришга ёндашишни, унинг тактикаси ва стратегиясини танлаб олишдагидек аниқ намоён бўлган эмас.

1990 йилга келиб нарх-навонинг номутаносиб тизими таркиб топди. У айрим минтақалар ва республикалар ўртасида адолатли муқобил айирбошлишни таъминлай олмас эди. Хом ашё тармоқлари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг нархи, одатда, пасайтириб юборилган, ишлов берувчи ва қайта ишловчи тармоқлар товарларининг нархлари эса сунъий равишда ошириб юборилган эди. Одатда, республикадан арzon нархларда хом ашё ва қишлоқ хўжалик маҳсулоти олиб чиқиб кетилган, тайёр маҳсулот ва истеъмол моллари эса ташқаридан олиб келинган бир шароитда, собиқ Иттифоқ таркибидаги мамлакатлар билан вужудга келган ташқи савдо балансида Ўзбекистон жуда катта зарар кўтара ва у сунъий равишда дотация олувчи республикага айлантириб қўйилган эди. Бу эса иқтисодий зарар келтирибгина қолмасдан, айни вақтда жуда бой мамлакат ва унинг халқига нисбатан ноинсофлик ҳам эди.

Нарх белгилаш бузилиб кетганлиги туфайли халқ хўжалигининг бутун-бутун тармоқлари ва минтақалар ниҳоятда оғир аҳволга тушиб қолди. Айниқса, қишлоқ хўжалиги мушкул аҳволга тушиб қолганди. Ялпи индустрялаш давриданоқ собиқ СССРда саноат маҳсулоти билан қишлоқ хўжалик маҳсулоти ўртасида "нархлар қайчиси" деб атамиши фарқ сакланиб қолган эди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотининг нархи реал меҳнат сарфи ва талабга мос келмайдиган даражада пасайтирилганлиги натижасида кўплаб хўжаликларнинг зарар кўриб ишлаши режалаштирилганди. Улар ўз жорий харажатларини йиллар

давомида қоплай олмас, дехқоннинг оғир меҳнатига яраша ҳақ тўлай олмас, барча зарур нарсалар - техника, уруғлик, моддий ресурслар, ижтимоий соҳани ривожлантириш учун маблағ билан ўзларини таъминлай олмас эди. Ўзбекистон аҳолисининг қарийб 65 фоизини ташкил этган қишлоқ ахли камбағал ва қашшоқ турмуш кечиришга маҳкум этилган эди.

Бундай аҳволда меҳнат қилишга, ерга, техникага, пахта, буғдой ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларига авайлаб муносабатда бўлишни таъминлайдиган таъсирчан моддий рағбатлантириш усуллари иш бермай қўйди.

Истеъмол моллари, хом ашё ресурслари айрим турларининг, айниқса, нефть, электр энергия ва бошқа энергия ресурсларининг нархлари, транспорт ва коммунал хизматлар тарифлари сунъий равишда пасайтирилганлиги уларнинг ҳаддан ташқари ортиқча сарфланишига олиб келди. Улардан келган даромад эса ишлаб чиқаришга амалда қилинган харажатларни қопламас эди. Ўтмишда маҳсулот ва хизматларнинг нархлари, тарифлари ва таннархи ўртасидаги фарқ бюджетдан бериладиган дотациялар ёки истеъмолчиларнинг бир тоифаси иккинчисига кўрсатадиган "ўзаро молиявий ёрдам" хисобидан қопланар эди.

Бундай шароитда хўжалик юритувчи субъектларнинг анчагина қисми катта зарап кўтар, бу эса уларнинг фаолиятини қўллаб-куватлаб туриш учун давлат харажатларини оширишни талаб қилас эди. Шу муносабат билан ишлаб чиқарувчилар дон, буғдой, ун ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришга қилган харажатларнинг бир қисми республика бюджетидан тўланар эди. Шунингдек турли ижтимоий имтиёзлар беришдан кўрилган зарап ҳам давлат маблағлари хисобидан қопланар эди. Бундан ташқари, болаларга аталган баъзи товарлар, дори-дармонлар ҳамда аҳолига кўрсатиладиган кўпдан-кўп хизматларга ҳам дотация берилар эди. 1991 йилнинг ўзидахина нархлар ўртасидаги фарқни қоплаш ва зарап кўриб ишлайдиган корхоналарга молиявий ёрдам беришга қарийб 4 миллиард рубль ёки 1991 йилги республика бюджети жами харажатларининг 12 фоизидан ортиқроғи тўланди.

Бунинг устига бир турдаги маҳсулотнинг нархлари ички бозор

билин жаҳон бозорида бир-биридан катта фарқ қилиши ўзаро манфаатли ташқи иқтисодий муносабатларни йўлга қўйишга, ташқи савдо балансининг прогрессив структурасини шакллантиришга жиддий тўсиқ бўлиб келди. Бошқа жиҳатдан, жаҳон иқтисодий тизимиға тезроқ қўшилишга интилиш янги мустақил давлатлар олдига кўплаб турдаги хом ашё ва материаллар нархини, транспорт хизматининг тарифларини эркинлаштириш заруратини қўйдик, бу, ўз навбатида, бу ерда пулнинг қадрсизланиш жараёнларини кучайтирувчи қудратли ва муқаррар омил бўлиб хизмат қилди.

Буларнинг барчаси нархлар ислоҳотини амалга оширишга, бутун нарх белгилаш тизимини ўзгартиришга пухта ўйлаб, синалган йўл билан ёндашишни ҳамда гиперинфляциянинг ҳалокатли ўпқонига тушиб қолишга йўл қўймасликни талаб қиласар эди.

Социалистик лагерь мамлакатлари негизида вужудга келган бир қанча янги мустақил давлатлар ўзлари учун "эсанкиратувчи" йўлни танлаб олди ва хом ашё ресурслари, истеъмол моллари ҳамда хизматлар ҳамма турларининг нархини бир йўла эркин қўйиб юборди. Натижада истеъмол нархлари Польшада 9 баравар, собиқ Югославияда 13 баравар, Россияда эса 26 баравар ошди.

Корхоналардаги технология ва техника амалда рақобатга дош берга олмайдиган даражада бўлган бир вактда хом ашё ресурслари нархлари бир йўла кескин ошириб юборилди. Натижада, ҳатто тайёр маҳсулот нархлари эркинлаштириб юборилган ҳолда ҳам, корхоналарнинг ахволи ғоят оғирлашиб, кўпчилиги паст рентабелли ва зарар кўриб ишлайдиган корхоналар қаторига тушиб қолди.

Бу хол, ўз навбатида, кенг аҳоли қатламлари бирданига қашшоқлашувига, ижтимоий ахвол кескинлашувига олиб келди. Нархларнинг жадал эркинлаштирилиши ҳамда қўпгина корхона ва хўжаликларнинг рақобатга бардош бера олмаслиги ишлаб чиқариш кескин пасайиб кетишига, чет элдан импорт сифатида келтирилаётган маҳсулотлар бу корхона ва хўжаликлар маҳсулотини бозордан сурисиб чиқаришига, миллий саноат ва қишлоқ хўжалиги издан чиқишига сабаб бўлди.

Ўзбекистон иқтисодиёти Россия ҳамда собиқ Иттифоқнинг бошқа республикалари билан қаттиқ ўзаро боғланганлигини ҳамда

республикамиз ягона рубль минтақасида эканлигини ҳисобга олиб, биз ҳам нархларни эркинлаштиришни бошлашга мажбур бўлдик. Бироқ бу муаммони ҳал қилишга ўзимиз ишлаб чиқсан ислоҳ қилиш тамойилларига таяниб, реал вазиятни ва аҳолининг мавжуд турмуш даражасини ҳисобга олган ҳолда ёндашдик.

Биз "эсанкиратадиган" усуллардан қатъян воз кечдик ва ташкаридан бўлган тазиққа қарамай, нархларни аста-секин, олдиндан ишлаб чиқилган тартиб асосида эркинлаштиришга қарор қилдик. Бундай ёндашув корхоналар ва аҳолининг бозор муносабатлари ҳамда эркин нарх белгилаш шароитларига ларзага тушмасдан мослашиб олиш имконини берди.

1991-1994 йилларда республикамизда нархларни эркинлаштиришда жиддий ўзгаришлар юз берди. Бу давр мобайнида амалда ҳамма турдаги хом ашё ва тайёр маҳсулотнинг олдиндан белгилаб қўйилган нархларидан эркин нархларга ўтилди, ҳамма истеъмол молларининг нархлари устидан тўғридан-тўғри давлат назорати бутунлай бекор қилинди.

Айни вактда нархлар 1992 йил январидан бошлаб босқичмабосқич, оҳисталик билан, аҳолини ижтимоий ҳимоялашга қаратилган кучли чораларни олдиндан қўриб қўйган ҳолда эркинлаштирила бошланди.

Хукуматнинг "Нархларни эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ 1992 йил 10 январдан бошлаб Ўзбекистонда кенг доирадаги ишлаб чиқариш-техника воситаси бўлган маҳсулотлари, айrim турдаги ҳалқ истеъмоли моллари, бажарилган ишлар ва хизматларнинг асосан келишилган (эркин) нархлари ва тарифларига ўтилди.

Республика хукумати аҳолини ҳимоялаш мақсадида чекланган доирадаги озиқ-овқат ва саноат товарлари нархларининг чегарасини белгилаб қўйди. Шунингдек, аҳолига кўрсатилаётган айrim турдаги хизматларнинг энг юқори тарифлари жорий этилди. Шу муносабат билан дон, буғдой етиштириш учун, ун, бошқа озиқ-овқат молларини ишлаб чиқаришга қилинадиган харажатларнинг бир қисми республика бюджетидан тўланди. Мактаб ўқувчилари ва талабаларга бепул нонушта ва имтиёзли овқат беришдан кўрилган зарар ҳам

давлат маблағлари ҳисобидан қопланди. Булардан ташқари, болаларга мўлжалланган айрим турдаги товарларни, дори-дармонларни ишлаб чиқаришга ҳам дотация берилди.

1993 йилда қатъий белгиланган ва тартибга солиб туриладиган нархларда сотиладиган товарлар ва кўрсатиладиган хизматларнинг рўйхати анча қискарди. 1993 йилда нархларни эркинлаштиришнинг хусусияти шундан иборат бўлди, бу босқичда келишилган улгуржи нархларни давлат томонидан тартибга солиш батамом тўхтатилди. 1992 йилда амал қилиб турган, фақат ёнилғи-энергетика комплекси маҳсулотининг асосий турларинигина қамраб олган энг юқори рентабеллилик даражаси нормативлари бекор қилинди.

1994 йилнинг октябрь - ноябрь ойлари нархларни эркинлаштириш жараёнида муҳим босқич бўлди. Бу даврда халқ истеъмоли моллари асосий турларининг нархлари эркин кўйиб юборилди, транспорт ва коммунал хизматларнинг тарифлари оширилди. Нон ва уннинг нархлари, уй-жой-коммунал хўжалиги ҳамда шаҳар умумий транспорти хизматларининг тарифларигагина қисман дотация бериладиган бўлди. Шундай қилиб, иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг биринчи босқичи нархларни тўла эркинлаштириш билан тугади, бу иш ижтимоий ларзаларсиз ўтди. Давлат турли компенсация жамғармалари тузди, болалар учун нафақалар жорий этди, энг кам иш хақи, нафақалар ва стипендияларни мунтазам суратда ошириб борди. Муҳтоjlарга маҳалла қўмиталари орқали моддий ёрдам берди, имтиёзли солиқ ставкаларини жорий этди. Шу туфайли корхона компенсация учун қиласидаган сарфнинг 50 фоизи бюджетга ажратмалар улушини камайтириш ҳисобига қопланиб, аҳоли манфаатларининг ишончли тарзда ҳимояланиши таъминланди.

Бозорга ўтиш муаммосига фақат иқтисодиётда эркин нархлар амал қиласидаган соҳаларнинг кенгайиши нуқтаи назаридангина қараладиган бўлса, Ўзбекистон ҳозирнинг ўзидаёқ бозор шароитида яшамоқда деб хulosा чиқариш мумкин.

Биз нархларни босқичма-босқич эркинлаштириш даврида иқтисодиётда рақобатчилик муҳитини вужудга келтириш сиёсатини аниқ мақсад билан олиб бордик. Ана шу мақсадда 1992 йил август ойида Ўзбекистон Республикасининг "Монопол фаолиятни чеклаш

тўғрисида"ги Қонуни кучга киритилди ҳамда унинг асосида рақобатчиликни ривожлантиришга қаратилган бир туркум норматив хужжатлар ишлаб чиқилди ва амалга оширилди.

Антимонополь (монополияга қарши) фаол чораларни амалга ошириш учун Молия вазирлиги тизимида Антимонополь ва нарх-наво сиёсатини ўtkазиш Бош бошқармаси тузилиб, унга Республика рўйхатига ва маҳаллий рўйхатларга киритилган монополия мавқеидаги корхоналар маҳсулоти бўйича нархларни ва рентабеллийликни тартибга солиб туриш хуқуқи берилди. Ҳозирги вақтда 1625 гурӯҳдаги товарлар хили бўйича 658 корхона монополиячилар рўйхатига киритилган. Айни вақтда антимонополь тарзда тартибга солиш ва реал рақобатчилик муҳитини шакллантириш муаммолари иқтисодий ислоҳотнинг янги босқичидаги асосий вазифалардандир.

Бозор муносабатларини шакллантиришни тегишли муҳитсиз - товар, пул бозорларида ва меҳнат ресурслари бозорида хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида ўзаро алоқани таъминлаши керак бўлган бозор инфраструктурасисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Илгари мавжуд бўлиб турган марказлаштирилган бошқарув тизими барча камчиликларига қарамай, ўзича яхлит эди. Ўзбекистонда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг жадаллашиб бораётган жараёнлари туфайли мавжуд ташкилий ва хўжалик алоқалари бузилиб кетди. Бу собиқ Иттифоқ парчаланиб кетишидан ҳам кўра кўпроқ алоқаларга таъсир этди. Бу жараён маҳсулот, моддий ва молиявий ресурсларни тақсимлашнинг бир қанча ўн йиллар мобайнида таркиб топган маҳкамачилик характеристерини ўз-ўзича ўзгартира олмас эди.

Молиявий, хом ашё, товар, меҳнат ресурсларини марказлаштирилган тарзда режа билан тақсимлаш тизимидан бозор тизимига ўтиш қандай қилиб, қанча муддатда, қандай усувлар билан ва қайси шаклларда амалга оширилиши ғоят муҳим эди. Бошқача айтганда, товарлар ва хизматлар, хом ашё ресурслари, капитал, ишчи кучининг ёнма-ён турган бозорларини яратиш вазифаси турар эди.

Бозорга ўтишдан олдин бозор инфраструктурасини яратиш зарур. Молия, банк-кредит тизимлари билан боғлиқ масалаларни ҳал

қилиш, суғурта, аудиторлик, юридик ва консалтинг фирмалари ҳамда компанияларини, биржа тизимини яратиш зарур.

Инфраструктурани бирданига яратиб бўлмайди. Бу - анча узок давом этадиган ва мураккаб жараён бўлиб, бошқа талаблар билан бир қаторда юксак касбий маҳоратга эга кадрлар бўлишини, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектлар ҳам, ахоли ҳам хўжалик фаолиятининг янги шароитларига руҳан мослашишини талаб қиласди.

Бозор инфраструктурасини шакллантириш сари ташланган биринчи қадам маҳсулот етказиб беришга мажбурий давлат буюртмаси тизимининг, уни ишлаб чиқаришни фондлаштирилган ресурслар билан марказлашган тартибда таъминлашнинг тугатилишидан иборат бўлди. Ислоҳотларнинг биринчи босқичи мобайнида давлат буюртмаси давлат эҳтиёжларини, шу жумладан Республика хавфсизлигини мустаҳкамлаш, ижтимоий эҳтиёжларни таъминлаш, хукуматлар ўртасида тузилган шартномалар ва мажбуриятлар бўйича экспорт учун зарур бўлган маҳсулотни эркин (келишилган) нархларда харид қилиш билан аста-секин алмаштирилди.

Давлат буюртмаси тугатилгач, товар ресурсларини марказлашган тартибда тақсимлашга жавобгар бўлган собиқ ташкилотлар ҳам тугатилди. Улар ўрнига товарлар бозорини шакллантириши зарур бўлган муассасалар тизими яратилди. Юқорида айтиб ўтилганидек, Республика товар-хом ашё биржаси ташкил этилиб, у 1994 йилнинг ўзидаёқ умумий суммаси 1,3 миллиард сўмдан ортиқроқ бўлган мингдан зиёд олди-сотди битимини расмийлаштириди.

Республикада товар-хом ашё биржаси тизими гуркураб ривожланди. Агар у ташкил этилган 1991 йил ўрталарида республикада биринчи "Тошкент" товар-фонд биржасида дастлабки ким ошди савдоси ўтказилган бўлса, орадан бир йил ўтгач, Биржа иттифоқига бирлашган ўттиздан ортиқ биржа иш олиб борди.

Товар ресурсларини тақсимлашнинг биржа тизимини вужудга келтириш кўплаб тадбиркорлик бўғинлари - брокерлик ва дилерлик идоралари, савдо уйлари, воситачи фирмалар пайдо бўлишига олиб келди. Иқтисодиётдаги илгари батамом давлат тақсимот органлари

томонидан эгаллаб келинган жойлар янги туғилаётган бозор мухитининг вакиллари билан тўла бошлади. Бу товар ресурсларини тақсимлайдиган собиқ воситаларни янги механизм билан алмаштириш сари ташланган қатъий қадам эди.

"Кичик хусусийлаштириш" дастури бажарила бошлаши билан бутун савдо ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналари тармоғи амалда давлат тасарруфидан чиқарилди. Товарлар оқимининг мутлақо янги манбаларини яратишга қодир бўлган жуда кўп воситачи фирма ва идоралар пайдо бўлди.

Бозор инфраструктурасини шакллантиришнинг яна бир йўналиши капитал бозорининг ишлашини таъминлаши керак бўлган тузилмаларни вужудга келтиришдан иборат бўлди. Молияни ва пул-кредитни тартибга солувчи мутлақо янги тизим яратилди.

1994 йилдан бошлаб кредит ресурслари бозори анча фаол ишлай бошлади. Фоиз ставкаси (даражаси) молиявий ресурсларни республика халқ хўжалиги тармоклари ва корхоналари ўртасида қайта тақсимлаш жараёнинг тобора фаол таъсир эта бошлади. Кредит ресурслари бозорининг яратилиши ҳамда кредитларнинг танлов асосида тақсимланиши молия бозорини вужудга келтиришда асосий тамал тоши бўлди.

Кейинги вақтда ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи ташкилотларнинг банклараро валюта биржасида ҳар ҳафтада ўтказилаётган валюта ким ошди савдосида қатнашиш тартиби анча осонлашди. Савдога кўйилаётган валютанинг ҳажми анча кенгайди. Валюта бозори - ким ошди савдоларини ҳафтасига икки ва ундан кўпроқ марта ўтказиш учун реал шароит вужудга келди.

Молия бозорида турли суғурта компаниялари борган сари фаол иш олиб бормоқда. Республиkaning собиқ Давлат суғурта бошқармаси қайта тузилди, унинг вазифалари анча ўзгартирилди. Акциядорлик жамиятлари сифатида иш олиб борувчи қирқдан ортиқ давлатга қарашли бўлмаган суғурта компанияси тузилди. Таваккалига килинадиган ишларни сиёсий ва тижорат жиҳатдан суғурталаш, банк ва биржа операцияларини суғурталаш жараёни бошланди.

Жаҳон тажрибасидан кўриниб турганидек, бозорга ўтиш шароитида меҳнат ресурсларини иш билан таъминлаш муаммоси,

ишсизликнинг ўсиши кучайди. Ишсизлик муаммоси макроиктисодий тартибга солиш чоралари тизимида ҳамда иқтисодий тараққий этган бозор структураси шаклланган мамлакатларнинг бутун иқтисодий сиёсатида энг асосий муаммолардан биридир. Иқтисодий ишлаб чиқариш суст кечётган, иқтисодий тизимларни ўзгартиришнинг дастлабки босқичларига хос кенг ва оммавий хусусийлаштириш амалга оширилаётган шароитда, малакасиз кишиларгина эмас, балки оммавий ва ноёб ихтисосга эга ходимларга ҳам талаб вақтинча чекланиши туфайли улар ишсизлар тоифасига ўтиб қолиши хавфи таҳдид солған бир пайтда бу муаммонинг аҳамияти айниқса ортади.

Бундай шароитда мукаммал меҳнат бозорини шакллантириш, ишга жойлашишга муҳтоҷ бўлган шахсларни ва мавжуд бўш иш жойларини тўла ҳисобга олиш ғоят мухим аҳамият касб этади. Республика қишлоқларида аҳолининг йиллик ўсиши 2 фоиздан кўпроқни ташкил этмоқда. Кичик шаҳарлар ва шаҳар типидаги посёлкаларда иқтисодиётнинг ишчи кучи ортиқча бўлган айrim тармоқларида яширин ишсизлик амалда мавжуд. Демографияда вужудга келган шундай бир вазиятда иш билан таъминлаш ва кадрлар тайёрлаш хизматларини ташкил этиш тизимига катта эътибор бермоқдамиз. Иқтисодий ислоҳотларнинг биринчи босқичида ишсизлар сонининг кўпайишига йўл қўймаслик асосий вазифалардан бири эди. Буни биз бажаришга муваффақ бўлдик.

Бунинг учун республикада 240 дан ортиқ меҳнат биржасини ўз ичига олувчи катта тармоқ тузилди. Республиkaning ҳар бир тумани ана шундай биржага эга. Ишсизларни рўйхатга олиш, уларнинг касбини ўзгартириш механизми яратилди, ишсизлик бўйича нафақа тўлаш тизими йўлга қўйилди. Натижада расман рўйхатга олинган ишсизлар ҳозирги вақтда меҳнат ресурсларининг бир фоизидан камроғини ташкил этмоқда. Республикамиз шароитида бу ислоҳотлар биринчи босқичининг ғоят улкан натижасидир.

Шундай қилиб, ислоҳотларнинг биринчи босқичи натижасида зарур бозор инфраструктурасининг асосий қирралари шакллантирилди. Бу инфраструктура республикада вужудга келаётган умуммиллий ва минтақавий бозорларнинг ишлашини, қолаверса, давлатлараро иқтисодий муносабатларнинг тартибга солинишини

таъминлайди.

1.7. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ВА ЖАҲОН ИҚТИСОДИЙ ҲАМЖАМИЯТИГА ҚҰШИЛИШ

Ўзбекистон иқтисодиётининг, бир неча ўн йиллар давомида бўлгани каби ташқи дунёдан ажralиб қолиши ҳолларига барҳам берилганлиги, мустақил ташқи иқтисодий йўл шакллантирилиб, амалга оширилганлиги иқтисодий ислоҳотлар биринчи босқичининг энг муҳим натижаси бўлди.

Мустақиллик йиллари очиқ иқтисодиёт пойdevорини вужудга келтириш учун зарур сиёсий, ҳукукий ва ташкилий негизларни яратиш йиллари бўлди. Тоталитар тузум тугатилиши билан Иттифоқнинг ташқи савдодаги давлат яккаҳокимлиги ва шу билан бирга ташқи алоқаларни тартибга солувчи ҳукукий нормалар, экспорт <M%> ва импортни бир марказдан шакллантирувчи <D%> умумиттифоқ тизими, валюта ресурсларининг умумиттифоқ даражасида қайта тақсимланиши тартиби барҳам топди.

Умумиттифоқ ташқи савдо ва ташқи иқтисодий тузилмалари парчаланиб кетганлиги сабабли республикада бундай тузилмалар амалда мавжуд эмас эди. Жаҳон бозоридаги аҳвол ва унинг талаб-эҳтиёжлари соҳасидаги билимларимиз ҳам заиф эди, ташқи савдо маҳоратини эгаллаб олган малакали мутахассислар мутлақо етишмасди. Шулар сабабли дастлабки пайтларда ташқи сиёsatни ўtkазишда бир қанча қийинчиликларга дуч келинди. Маҳсулотни экспорт қилиш ҳажми камайди, валюта тушумлари қисқарди, ўзбекистонлик экспортчилар анъанавий бозорлардан сурib чиқарилди. Собиқ Иттифоқ республикалари ўз маҳсулотини жаҳон бозорига тартибсиз равишда кўплаб чиқара бошлаганлиги оқибатида 1992 йилда пахта толаси, олтин, рангли металлар, нефть ва бошқа хом ашё ресурсларининг жаҳон нархлари жуда пасайиб кетди.

Вужудга келган вазият ташқи иқтисодий комплексни бошқаришнинг ўзига хос тизимини зудлик билан шакллантиришни, ташқи алоқаларни йўлга қўйиш борасида ўз қоидаларимизни ишлаб

чиқиши, Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодий тизимиға қўшилиш йўлларини мустақил равишда белгилашни тақозо этди. Бу эса маъмурий чеклашларни кескин қисқартириди ва уларни умум қабул қилинган халқаро меъёрлар ва қоидалар, ташқи савдони бошқаришнинг бозор воситалари билан алмаштириб, ташқи иқтисодий фаолиятни аста-секин эркинлаштиришни долзарб вазифа қилиб қўйди.

Мустақиллик йилларида ташқи сиёсатимизни йўлга қўйишининг асосий тамойиллари ишлаб чиқилди ва изчил амалга оширилди. Бу тамойиллар, аввало, Ўзбекистоннинг ўз ташқи сиёсатини тенг хукуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик, бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик негизида куришга интилаётганлигидан келиб чиқади. Биз бирон-бир давлатнинг таъсир доирасига кирмаймиз, деган қоидага қатъий амал қилиб келмоқдамиз ва бундан буён ҳам ўз миллий-давлат манфаатларимизга асосланиб, мафкуравий қарашлардан қатъи назар, дунёning барча мамлакатлари билан ўзаро муносабатларни мустақил белгилайверишига аҳд қилганмиз. Биз ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама шартнома муносабатларида ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатиш, халқаро иқтисодий иттифоқлар доирасидаги ҳамкорликни чуқурлаштириш қоидасига изчиллик билан амал қилиб келмоқдамиз. Мустақиллик даврида Ўзбекистон мана шу иттифоқларга кириб, уларнинг ишларида фаол қатнаша бошлади.

Ўзбекистон суверен давлат сифатида очик иқтисодиётни вужудга келтириш соҳасида фаол иш олиб бормоқда. Мамлакатнинг жаҳон хўжалик алоқаларида, халқаро меҳнат тақсимотида кенг миқёсда иштирок этиши очик турдаги иқтисодиётни барпо этишнинг асосидир. Биз иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш тадбирларини изчиллик билан амалга оширмоқдамиз. Бунда бозор иқтисодиёти - эркин иқтисодиёт эканлиги, у очик тусда бўлиб, яккаланиш ва биқиқлик унга ёт эканлигидан иборат ҳақиқатга асосланиб иш тутмоқдамиз. Шу боис, иқтисодиётимизнинг келажаги унинг жаҳон хўжалигига қўшилишига боғлиқдир.

Ўзбекистон Конституциясида мамлакатимиз халқаро муносабатларнинг мустақил субъекти тарзида ташқи сиёсатни ўз

манфаатларини қўзлаб белгилаши, халқаро ташкилотларга, ялпи хавфсизлик тизимларига, давлатлараро тузилмаларга кириш ҳукуқига эга эканлиги мустаҳкамлаб қўйилган. Бу республикамиз ҳақиқий суверенитетини ҳукукий жиҳатдан таъминлаш йўлидаги муҳим қадамлардан бири бўлғанлиги тасодифий ҳол эмас.

Буларнинг бари, ўз навбатида, эришилган ютуқларни амалий тарзда мустаҳкамлаб келди. Ҳозир Ўзбекистонни дунёдаги 150 тадан ортиқ давлат тан олди. Улардан 74 таси билан дипломатия муносабатлари ўрнатилди. Ўзбекистон пойтахтида 30 дан ортиқ мамлакатнинг, шу жумладан буюклиги эътироф этилган АҚШ, Япония, Германия, Буюк Британия, Франция ва Хитой каби давлатларнинг элчихоналари ишлаб турибди. Ҳозир дунёнинг 20 дан ортиқ давлатида (АҚШ, Германия, Франция, Туркия, Ҳиндистон, Россия ва бошқаларда) республикамизнинг дипломатия элчихоналари иш бошлади.

Ўзбекистон Республикаси кўп томонлама халқаро иқтисодий ҳамкорлик ташкилотлари фаолиятида қатнашмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг иқтисодий муассасалари, Жаҳон банки, Халқаро Валюта Фонди, Халқаро молия корпорацияси, Иқтисодий тараққиётга кўмаклашувчи ташкилот, Халқаро меҳнат ташкилоти, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти каби ва бошқа обрў-эътиборли халқаро молиявий-иктисодий ташкилотларга аъзо бўлиб кирди ҳамда уларда фаол сиёsat ўтказа бошлади.

Кўпгина халқаро ташкилотлар - БМТ, ХВФ, Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Европа Иттифоқи Комиссияси ва бошқа ташкилотлар республикада ўзларининг минтақавий ваколатхоналарини очди ва ўзбекистонлик шериклар билан фаол ҳамкорлик қилмоқда.

Халқаро Валюта Фонди мутахассислари иштирокида Ўзбекистон иқтисодиётини чуқур ислоҳ қилиш мақсадида мунтазам ўзгартишлар дастури ишлаб чиқилди ва мазкур дастурни амалга ошириш учун 74 миллион АҚШ доллари миқдорида дастлабки маблағ ажратилди. Ҳозирги вақтда республикага яна шунча миқдорда маблағ ажратилишига эришиш учун иш олиб борилмоқда. Тез орада Ўзбекистон учун мўлжалланган "Стенд-бай" дастурини ишлаб чиқиши

ва амалга ошириш имкониятларини чамалаб кўришга киришилади.

Жаҳон банки билан биргаликда Ўзбекистонга миллий валютамизни мустаҳкамлаш, ташқи иқтисодий фаолиятни кенгайтириш ва тўлов балансини қўллаб-кувватлаш, иқтисодиётнинг таркибини ўзгартириш ва корхоналар даражасида ислоҳотларни амалга ошириш, давлат тасарруфидан чиқарилган корхоналарни ва янги вужудга келаётган давлатга қарашли бўлмаган тузилмаларни хусусийлаштиришдан кейинги даврда қўллаб-кувватлаш ҳамда уларга кўмаклашиш учун 160 миллион АҚШ доллари микдорида тикланиш карзи бериш тўғрисидаги масала пухта ишлаб чиқилди ва битим имзоланди.

Халқаро Валюта Фонди, Жаҳон банки, Халқаро молия корпорацияси иштирокида ишлаб чиқилган ҳамда, жумладан, республикада кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга кўмаклашувчи бир қанча лойиҳалар, шунингдек иқтисодиётнинг энг манфаатли соҳаларидаги лойиҳаларни молиявий жиҳатдан таъминлаш дастури амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари билан биргаликда Туркия, Эрон ва Покистон томонидан тузилган Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлиб кирди. Мазкур ташкилот доирасида республика халқаро транспорт йўлларини биргаликда қуриш лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда фаол қатнашмоқда. Бу йўллар Ўзбекистонга денгиз портларига, мамлакатлараро транспорт тармоқларига, жаҳон товар ва капитал бозорларига чиқиш имконини беради.

1994 йилнинг июнь ойида Ўзбекистон Тарифлар ва савдо Бош Битими (ГАТТ)да кузатувчи мақомини олди. Бу ташкилот жаҳон савдосининг ҳозирги тизимини бошқаришда марказий ўринни эгаллаб турибди. Ҳозирги вақтда Ўзбекистоннинг ГАТТ га тўла хуқуқли аъзо бўлиб қўшилиши тўғрисидаги масала ўрганиб чиқилмоқда. Агар бу масала ижобий ҳал этилса, республикамиз мазкур Битимнинг тўла хуқуқли иштирокчилари бўлмиш 111 та мамлакат билан савдо-сотик қилиш учун мустаҳкам хуқуқий асосларга ва имтиёzlарга эга бўлади.

Мамлакатимиздаги иқтисодий ислоҳотлар дастурини қўллаб-кувватлаш ва амалга ошириш учун халқаро ташкилотлар ва карз

берувчи 21 та мамлакат томонидан Ўзбекистонга кенг миқёсда техникавий ёрдам кўрсатилмоқда. Бу ёрдам 1993-1994 йилларнинг ўзида салкам 75 миллион АҚШ долларига тенг бўлди. Мазкур техникавий ёрдам мутахассислар тайёрлашга, иқтисодиётни бошқариш ва бозорга ўтишни давлат йўли билан тартибга солиш тизимини такомиллаштиришга, иш кучини ривожлантиришга, энергетика ва транспорт тизимини такомиллаштиришга, соғлиқни сақлаш, дори-дармон билан таъминлаш ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги техникавий ҳамда инсонпарварлик ёрдамига, молия, солик ва банк тизимларини мустаҳкамлашга, иқтисодиётнинг турли соҳаларини компьютерлаштиришга йўналтирилди.

Бундан ташқари, техникавий ёрдам тарзида ажратилаётган маблағлардан хусусий секторга, ишлаб чиқаришни хусусийлаштириш ва қайта куришга, бухгалтерия ҳисоб-китоби тизимини қайта ташкил этишга, ахолини ижтимоий ҳимоялашни такомиллаштиришга доир қонун лойиҳаларини тайёрлашга кўмаклашиш ҳамда республикамиз ва ҳалқимиз учун бениҳоя муҳим аҳамиятга молик бўлган бошқа вазифаларни амалга ошириш йўлида фойдаланиш кўзда тутилмоқда.

Шуни айтиш керакки, Ўзбекистоннинг ҳалқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиги ҳам узоқ муддатли, ҳам қисқа муддатли аҳамиятга эга бўлган энг муҳим вазифаларни бирга кўшиш мақсадларидан келиб чиқиб амалга оширилди ва келгусида ҳам шундай бўлиб қолади.

Биринчидан, жаҳон иқтисодиётига кўшилишдан иборат бўлган стратегик интеграцион вазифа - Ўзбекистондаги барча хўжалик субъектларининг ташқи дунё билан ўзаро алоқалари учун тенг ҳуқуқли ва миллий манфаатларга мос келадиган шарт-шароитлар яратиш асосида ҳалқаро валюта-молия ва савдо механизmlарига бевосита кўшилиш назарда тутилади.

Иккинчидан, республиканинг жорий муаммоларини ҳал этишга бевосита кўмаклашиш, мавжуд ҳалқаро тажриба асосида, юқорида санаб ўтилган муассасалардан молиявий, техникавий ёрдам ва маслаҳат олиш йўли билан ўтказилаётган ислоҳотларни қўллаб-куvvatlash кўзда тутилмоқда.

Ислоҳотларни амалга оширишнинг биринчи босқичида республиканинг замонавий ташқи иқтисодий комплексини мутлақо

янгидан шакллантиришга, ташқи иқтисодий фаолиятни бошқаришнинг моҳият эътибори билан янги механизмини вужудга келтиришга тўғри келди. Мустақилликнинг уч йилида Ўзбекистонда ташқи иқтисодий алоқаларни ислоҳ қилиш, аввало, ташкилий-хуқуқий жиҳатдан сезиларли равишда илгари силжиди.

Республикада ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланиши зарур бўлган барча муассасалар амалда янгидан барпо этилди. Ташқи иқтисодий алоқа вазирлиги, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, божхоналар хизмати ташкил этилди. Вазирлар Маҳкамасида, вазирликлар ва идораларда, корпорациялар, концернлар, уюшмаларда ва маҳаллий бошқарув идораларида тегишли ташқи иқтисодий бўлинмалар тузилди ва иш олиб бормоқда. Хорижий ҳамкорлар иштирокида республикада ҳалқаро савдо-сотиқ маркази тузилмоқда. Биз дунёning бир қанча мамлакатларида савдо уйлари очдик. Ўзбекистон билан АҚШ, Буюк Британия, Германия ўртасида ҳамда республикамиз билан фаол ҳамкорлик қилишдан манфаатдор бўлган бошқа мамлакатлар ўртасида баҳамжиҳатлик асосида савдо-саноат палаталари барпо этилди.

Ислоҳот амалга оширила бошланган пайтдан буён ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчиларининг таркиби ва тузилиши ўзгарди. Республиkaning икки мингтадан кўпроқ хўжалик субъекти, шу жумладан уюшмалар, концернлар, кичик ва хусусий корхоналар ташқи бозорга чиқиш хуқуқини олди.

Ташқи савдо билан бир қаторда ташқи иқтисодий ҳамкорликнинг бошқа шакллари ҳам сезиларли даражада кучайиб бормоқда. Республикада хорижий сармоялар иштирокида фаолият юритаётган корхоналар тобора кўпаймоқда. Ҳозирги вақтда республика ҳудудида рўйхатдан ўтказилган хорижий сармоя иштирокидаги корхоналар 1450 тадан ошди, нуқул хорижий сармоя билан ишловчи корхоналар 110 тага етди. 1995 йилнинг бошида Ўзбекистонда дунёning 25 мамлакатига қарашли хорижий фирма, банк ва компанияларнинг 166 та ваколатхонаси ишлаб турди. Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки дунёning 80 та йирик банкида вакиллик ҳисобини очган.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида ташқи алоқаларни

кенгайтириш, республиканинг экспорт имкониятларини ривожлантиришни рағбатлантириш мақсадида бутун ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш учун ҳуқуқий негизларни яратиб берган асосий қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорлари чиқди. Булар, аввало, "Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида", "Чет эл инвестициялари ва хорижий сармоядорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунлар ҳамда бошқа қонуний ва меъёрий ҳужжатлар бўлиб, улар ташқи иқтисодий алоқаларни амалга ошириш, ташқи иқтисодий фаолият соҳасида халқаро шартномалар тузиш ва уларни бажариш учун асосий шарт-шароитни яратишга имкон берди. Республиканинг иқтисодий манфаатларини, Ўзбекистоннинг хориждаги юридик шахслар ва фуқароларини ҳимоя қилишни таъминлашга, республика худудида ажнабий сармоядорлар фаолияти учун ҳуқуқий кафолатларни белгилаб беришга имконият яратди.

Ташқи савдо алоқаларини кенгайтиришни рағбатлантириш мақсадида бир талай имтиёзлар жорий этилди. Аввало, товарларни импорт қилиш учун божхона тўловлари бекор қилинди. Ўз маҳсулотини экспорт қилиш учун божхона тўловлари анча камайтирилди, қўшма корхоналар маҳсулотини экспорт қилиш учун эса божхона тўловлари олинмайдиган бўлди. Валюта тушумидан солиқ олиш ўрнига унинг 30 фоиздан иборат қисмини республика Марказий банкига мажбурий сотиш жорий этилди. Корхоналарнинг экспортдан олинган валюта тушумларини моддий базани ва экспорт имкониятини кенгайтиришга сарфлашдан манфаатдорлигини ошириш учун кўпгина корхоналар валюта тушумининг бир қисмини мажбурий сотилишдан озод этилди.

Хорижий сармоя иштирокида корхоналар барпо этиш, ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларини рўйхатдан ўтказиш ва четга чиқариладиган маҳсулот учун рухсатнома (лицензия) бериш тартиби анчагина соддалаштирилди. Рухсатнома асосида четга чиқариладиган маҳсулотлар турларининг сони 1994 йилнинг ўзида 74 тадан 11 тагача камайтирилди. Буларнинг барчаси ташқи иқтисодий фаолиятни кучайтиришга, экспорт ва импорт таркибини яхшилашга ижобий таъсир қилди.

Ислоҳотларнинг биринчи босқичида ташқи савдо икки йўналиш бўйлаб: МДҲ мамлакатлари билан хукуматлараро битимлар асосида ва хорижий мамлакатлар билан эркин муомаладаги валютада ҳисобкитоб қилиш асосида амалга оширилди. Бундан ташқари, бевосита ташқи иқтисодий кооперация алоқалари ўрнатилиши рағбатлантирилди.

Жами ташқи савдо обороти 1993 йилги даражага нисбатан 1994 йилда бирмунча ошибб, 5053,3 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Шу жумладан МДҲ мамлакатлари билан савдо 2919,7 миллион доллар ва хорижий мамлакатлар билан савдо 2133,6 миллион долларни ташкил қилди. Жами ташқи савдо оборотида хорижий мамлакатлар билан савдо-сотиқнинг улуши анчагина кўпайди.

Агар 1992 йилда хорижий мамлакатларга 870 миллион АҚШ доллари миқдорида маҳсулот экспорт қилинган бўлса, 1993 йилда бу кўрсаткич 920 миллион АҚШ доллари, 1994 йилда эса 1 миллиардан зиёд АҚШ доллари миқдорига етди.

Ҳозир анъанавий шериклар - МДҲ мамлакатларидан ташқари экспортнинг анчагина қисми Туркия, Бельгия, Буюк Британия, Франция, Голландия, Польша, Корея Республикаси, Индонезия, Малайзия каби мамлакатларга тўғри келади.

Биз Марказий Осиё давлатларининг кўп томонлама алоқалари ва яқин ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга биринчи даражали аҳамият беряпмиз. Дарҳақиқат, Марказий Осиёдаги қардош халқлар муштарак тарихи, маданий анъаналари бирлиги, турмуш уклади, руҳиёти ва бошқа кўп жиҳатлари бир-бирига ўхшашлиги билан туғишганлардек бўлиб кетганлар. Марказий Осиё давлатларидағи ҳозирги кунги сиёсий, иқтисодий, маданий, экологик муаммолар ҳам кўп жиҳатдан бир хилдир. Мазкур республикаларнинг иқтисодиёти бир-бири билан туташиб кетган ва улар бир-бирига таъсир ўтказиб турибди.

Вужудга келган шароитга асосланиб, Қозогистон Президенти Н. Назарбоев билан 1994 йил 10 январь куни Тошкентда бўлган учрашувда Ўзбекистон ва Қозогистон ўртасида ягона иқтисодий маконни вужудга келтириш тўғрисида шартнома имзоланди. Фан, маориф, маданият, соғлиқни сақлаш, саёҳатчилик ва спорт соҳасидаги

ҳамкорликни кучайтириш тўғрисидаги ҳукуматлараро битимлар ҳам имзоланди. Юқорида қайд этилган шартнома Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасида товарлар, хизматлар, капиталлар, иш кучининг эркин ҳаракатланишини, баҳамжиҳат кредит-хисоб-китоб, бюджет, солик, нарх, божхона ва валюта сиёсатини ўтказишни қўзда тутади. Бишкеқдаги учрашувда Қирғизистон ҳам бу шартномага қўшилганлиги Марказий Осиё минтақасидаги ўзаро яқинлашув жараёнлари чуқурлашувида янада катта истиқболлар очди.

Уч давлат ўртасида ягона иқтисодий макон тўғрисида тузилган шартнома самара бера бошлади. Алмати шахрида битимда қатнашувчи мамлакатларнинг вакилларидан иборат Давлатлараро ижроия қўмитаси тузилди. Тошкентда минтақа банк маркази иш бошлади. Саноатни интеграциялаштирадиган дастур ишлаб чиқилди. Ҳозир шу дастур асосида бутун Марказий Осиё минтақаси муҳтож бўлган маҳсулотни ишлаб чиқарадиган, биргаликда сармоя сарфланадиган аниқ обьектлар белгилаб олинмоқда.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига кирган мамлакатлар билан бевосита ва кўп томонлама муносабатларни ривожлантириш ташки сиёсатимизнинг устувор йўналишларидан биридир. Ўзбекистон Ҳамдўстлик ғоясини қўллаб-қувватлади, унинг муассислари қаторига кирди, яқинлашув ва кооперация алоқаларини мустаҳкамлаш соҳасидаги ишларни жонбозлик билан амалга оширмоқда. Ўзбекистон Иқтисодий Ҳамдўстлик муассасалари - Давлатлараро иқтисодий қўмита, Давлатлараро банк ва бошқа муассасаларни шакллантиришда жуда фаол иштирок этмоқда. Ҳамдўстлик доирасида Россия, Украина, Беларусь, Молдова ва МДҲдаги бошқа мамлакатлар билан икки томонлама ташки сиёсий, савдо-иқтисодий ва бошқа шартномалар ҳамда битимлар имзоланди, бу хужжатлар чамбарчас ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг мустаҳкам негизини вужудга келтиради.

МДҲ мамлакатлари билан иқтисодий муносабатларнинг таркиби ва шакли тубдан ўзгариб бормоқда. Ўзбекистоннинг мавқеи тобора мустаҳкамланмоқда. МДҲдаги кўпгина мамлакатлар билан савдо-тўлов соҳасида Ўзбекистон ижобий сальдога эгадир.

1994 йилда ҳукуматлараро битимларга биноан Ўзбекистоннинг

МДҲ мамлакатлари билан товар обороти 1,8 миллиард долларни ёки МДҲ мамлакатлари билан умумий товар оборотининг 63,0 фоизини ташкил этди. Бир неча юз миллион долларга жуда муҳим маҳсулотлар, жумладан, нефть, авиация керосини, металл прокати, ёҚоч-тахта, спирт, озиқ-овқат ва бошқа товарлар келтирилди. Ўз навбатида, Ўзбекистон салкам бир миллиард долларлик маҳсулот етказиб берди. МДҲ мамлакатлари билан маҳсулот келтиришчиқариш сальдоси Ўзбекистон фойдасига 142 миллион доллардан кўпроқ маблағни ташкил этди.

Нефть чиқариш икки баробардан зиёд ошганлиги, нефтни қайта ишилаш маҳсулотлари кўпайганлиги, экин майдони кенгайтирилиб, дон етиштириш кўпайганлиги туфайли республиканинг шу маҳсулотлар бўйича МДҲ мамлакатларига ва хорижий давлатларга қарамлиги анча қисқарди. Республиканинг ташки омилларга боғлиқ бўлмаслиги кучаймоқда. Бу эса иқтисодиётни барқарорлаштириш ва бозор муносабатларига ўтиш соҳасидаги ички сиёsatни янада самаралироқ юритиш имконини бермоқда.

Айни вақтда Ўзбекистоннинг МДҲдаги бошқа давлатлар, аввало Россия билан муносабатлари у ўзаро манфаатли сиёsat юргизаётганлигини яққол намойиш этмоқда, республиканинг МДҲ мамлакатлари билан самарали ҳамкорликка, халқларимиз ўртасида вужудга келган кўп томонлама иқтисодий, маданий, илмий ва инсоний алоқаларни янгича асосда мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга тайёрлигини тасдиқламоқда.

Биз ташки иқтисодий фаолиятни ривожлантиришда иқтисодиётимизга хорижий сармояларни кенг жалб этиш учун қулай шароит яратишга жуда катта аҳамият бермоқдамиз.

Хорижий сармояларни жалб этиш тадбирларини амалга оширишда куйидаги тамойилларга асосландик:

биринчидан, ташки иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш соҳасида аниқ мақсадни кўзлаб сиёsat юритиш;

иккинчидан, республика иқтисодиётига бевосита капитал маблағни кенг жалб этишни таъминлайдиган ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шарт-шароитларни тобора такомиллаштириш;

учинчидан, республикага жаҳон даражасидаги технологияни

етказиб бераётган, халқ хўжалигининг замонавий таркибини вужудга келтиришга кўмаклашаётган хорижий сармоядорларга нисбатан эшикларни очиб қўйиш сиёсатини изчилик билан ўтказиш;

тўртингидан, маблағларни республика мустақиллигини тъминлайдиган ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган энг муҳим устувор йўналишларда жамлаш.

Янги муассасаларни барпо этиш борасида хорижий сармояларни жалб этиш учун зарур бўлган ташкилот ва муассасалар тузиш бўйича бир қанча тадбирлар амалга оширилди. Таваккалчилик ишлари йўлида сиёсий ва тижорат хатарлари келтирадиган зарарни қопладиган "Ўзбекинвест" миллий суғурта компанияси тузилди. "Ўзбекинвест", Ташки иқтисодий фаолият миллий банки ва Америка "ALG,inc" молия гурухи томонидан Лондонда туриб ишлайдиган ва таваккалчиликда сиёсий шароит туфайли кўриладиган зарар қопланишини кафолатлайдиган ҳамда Тошкентда туриб ишлайдиган ва тижорат таваккалчилигини кафолатлайдиган қўшма суғурта компаниялари ташкил қилинди. Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан биргаликда республикада лойихалар тайёрловчи гурух ишлай бошлади. Бу гурух шу банк йўли билан ажратилган 60 миллион доллар инвестиция кредитини жадал ўзлаштириш мақсадида инвестиция лойихалари учун техникавий-иқтисодий асосларни тайёрлашга кўмаклашади.

Вазирлар Маҳкамаси хузурида БМТ (ЮНИДО) билан биргаликдаги техникавий ёрдам лойихаси доирасида Инвестицияларга кўмаклашиш хизмати ташкил этилди. Бу муассаса хорижий сармоядорларга инвестиция таклифлари тайёрлашда ёрдам беради.

Давлат мулк қўмитаси хузурида Кўчмас мулк ва хорижий инвестициялар агентлиги ташкил этилди, у хусусийлаштириш жараёнига хорижий сармоядорларни жалб этишга кўмаклашмоғи лозим.

Халқаро молия корпорацияси ва Голландиянинг "ABN-AMRO банки" билан биргаликда қўшма банк тузилмоқда. Ташки иқтисодий фаолият миллий банки Халқаро молия корпорацияси, Европа тикланиш ва тараққиёт банки ва Мейбанк (Малайзия) билан

биргаликда қўшма лизинг компаниясини барпо этмоқда.

Республикада хорижий инвестицияларни жалб этиш учун имтиёзларнинг кенг тизими вужудга келтирилган, хорижий сармоядорлар учун имтиёзли солик жорий этилган. "Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини химоя қилишни таъминлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида"ги Фармонга биноан ҳалқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган қўшма корхоналарни рўйхатга олинган пайтдан бошлаб беш йил муддатга хорижий валютадаги тушумдан солик тўлашдан ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига валютани мажбурий сотишдан озод қилиш қўзда тутилган.

Амалдаги имтиёзлар ва рағбатлантириш омиллари тизимида:

- ишлаб чиқариши ҳажмида товарлар (ишлар, хизматлар) экспорти камида 30 фоизни ташкил этадиган корхоналарга, мулкчилик шаклларидан қатъи назар, фойда солигини амалдаги ставкалардан икки баравар камроқ тўлаш хуқукини бериш;

- Республика давлат инвестиция дастурига киритилган лойиҳалар бўйича солиқлар тўлашдан беш йил муддатга озод этиш;

- хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар даромадининг ишлаб чиқаришни кенгайтиришга ва технологияни янгилашга сарфланадиган қисмидан солик олмаслик;

- ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни рухсатномасиз бемалол четга олиб кетиш;

- Ўзбекистон худудида қўшма корхоналарнинг ва факат хорижий сармоя билан ишлайдиган корхоналарнинг устав фондига ҳисса қўшиш учун мол-мулкни четдан бож тўловларисиз олиб кириш;

- жисмоний ва юридик шахсларнинг, жумладан, ажнабийларнинг давлат мулкини хусусийлаштириш жараёнида, шу жумладан кўчмас мулкнинг кенг микёсда сотилишида бемалол иштирок этишларини таъминлаш;

- инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ер участкаларидан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш хуқукини танлов асосида сотиб олиш қўзда тутилган.

Хорижий инвестициялар тўғрисидаги қонунга мувофиқ ажнабий ҳамкорлар учун уларнинг мол-мулкларини давлат ихтиёрига олиш ва

мусодара қилишдан халос этиш учун кафолатлар белгилаб қўйилган. Уларнинг ўз фаолияти натижасида олган фойдасини ва бошка пулларни чет элларга ўтказишларига, олинган фойдани республика худудида қайта инвестиция тарзида ишлатиш, республика банкларида счётга ва унда ҳар қандай валютада чекланмаган микдорда маблағга эга бўлиш имконияти кафолатланади.

Хорижий сармоядорларга нисбатан инвестициялар амалга оширилган пайтда амалда бўлган конун нормалари 10 йил мобайнида кўлланилиши кўзда тутилган конун хужжатлари ўзгартирилмаслигига ишончли кафолатлар мавжуд.

Шундай қилиб, вужудга келтирилган ҳукуқий меъёрлар хорижий ҳамкорларнинг кенг инвестиция фаолияти учун қулай шароитларни яратиб, уларнинг ҳукуқларини ва сарфлаган сармоясини ҳимоя қиласди.

Ўзбекистон инвестицияларни ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисида Германия, Туркия, Миср, Индонезия, Малайзия, Покистон, Финляндия, Корея, АҚШ, Франция билан битимлар имзолади, бошка бир қанча мамлакатлар билан ҳам мана шундай битимлар тузишга ҳозирлик кўрилмоқда.

Ўзбекистон ҳукумати Канада, Хитой Халқ Республикаси, Туркия, Голландия, Германия, Швейцариянинг банклари ва фирмалари билан 1,5 миллиард АҚШ долларига яқин суммада ҳукуматлараро 32 та йирик кредит битими тузди ва ҳозир бу битимлар амал қилмоқда.

1994 йил мобайнида республикага 640 миллион АҚШ доллари микдорида инвестиция кредитлари бериш тўғрисида халқаро молия муассасалари ва хорижий сармоядорлар билан тузилган битимлар амал қила бошлади, шундан салкам 300 миллион доллари аниқ обьектларни кредитлаш тарзида расмийлаштирилди. Чунончи, Тошкентда Халқаро савдо-кўргазма комплекси, Хоразм вилоятида қанд-шакар заводи қурила бошлади, Американинг "Ньюмонт-Майнинг" компанияси билан биргаликда қурилаётган олтин қазиб оладиган қўшма корхона иншоотлари битай деб қолди.

Хорижий ҳамкорлар иштироки билан республикада "Ўздэуавто" ва "Ўздэуэлектроникс" (Корея Республикаси), "Ўзиталмотор"

(Италия), "ЎзБАТ" (Буюк Британия) ҳиссадорлик бирлашмалари, Хоразм Ҳиссадорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси (Германиянинг "Мерседес-Бенц" фирмаси билан биргалиқда), тўқимачилик корхоналари сингари ва бошқа қўшма ишлаб чиқаришларни барпо этишга оид лойихалар амалга оширила бошлади. Германия ва Корея Республикасининг фирмалари иштирокида республиканинг телефон тармоғини замонавий усулда янгилашга киришилди.

Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин олишга интилмоқда. Эшикларимиз дунё учун очиқ ва дунё эшиклари ҳам биз учун очиқ бўлишига ҳаракат қиляпмиз.

1.8. ИШОНЧЛИ ИЖТИМОЙ КАФОЛАТЛАРНИНГ ТАЪМИНЛАНИШИ

Биз туб иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга киришар эканмиз, бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётни барпо этиш қуруқ мақсад эмас, деган аниқ-равшан холосага келганмиз. Барча ислоҳотларнинг - иқтисодий, демократик, сиёсий ислоҳотларнинг асл мақсади инсонга муносиб турмуш ва фаолият шароитларини вужудга келтиришдан иборат.

Аҳолининг энг ҳимоясиз ва муҳтож табакаларини ўз вақтида кўллаб-қувватлаш эса, ўз навбатида, ислоҳотларни муваффақиятли ўтказишнинг гаровидир, бошланган ўзгариш ва покланиш жараёни орқага қайтишига йўл бермайдиган ижтимоий таянчdir.

Бозор муносабатларига қийинчиликларсиз ва ижтимоий зиддиятларсиз, силлиқина ўтиб бўлмаслигини бошқа мамлакатларнинг тажрибаси кўрсатиб турибди. Шу сабабли бозор механизмини жорий этишдан аввал одамларни ижтимоий ҳимоялаш бўйича кучли эҳтиёт чора-тадбирлари олдиндан кўриб қўйилиши объектив заруратdir.

Бозор муносабатларига ўтишнинг илк даврида биз бутун аҳолини олдиндан ижтимоий ҳимоялаш йўлидан бордик. Шу қоидага амал қилиб, хукуматимиз вазиятни назорат қилиш ва ижтимоий соҳани мустаҳкамлаш юзасидан зарур чора-тадбирларни кўриб қўйди. Бу чора-тадбирлар одамларнинг турмуш даражаси кескин пасайиб

кетишининг олдини олишда муҳим роль ўйнади, республикада осойишталиқ ва барқарорликни саклаш омили бўлди.

Иқтисодий ислоҳотларнинг биринчи босқичида ишлаб чиқилган ва ўтказилган ижтимоий сиёсат кўзланган мақсадни тўла-тўқис рўёбга чиқарди, деб ишонч билан айтиш мумкин.

Биз бозор муносабатларига яқинлашган сайн ижтимоий сиёсатнинг устувор йўналишлари, аҳолини ижтимоий қўллаб-кувватлаш ва ҳимоя қилиш чоралари ҳамда воситалари ўзгариб бориши керак, деган муҳим сабоқ чиқариб олдик. Ислоҳотлар бошланғич босқичининг ҳар бир аниқ даврига мослаб ижтимоий ҳимоялашга оид чора-тадбирларнинг тегишли тизими ҳам яратилди. Бошқача айтганда, ижтимоий кўнишиш чора-тадбирларини ўзгариб бораётган иқтисодий шароитларга мослаштиришнинг ўзига хос воситаси яратиб қўйилди.

Бу мақсадга эришмоқ учун давлат йўли билан бошқаришнинг кўпдан-кўп усуллари ва услубларидан фойдаланилди. Жумладан, микдори мунтазам ўзгартириб турилган иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар, турли нафакалар, компенсация тўловлари тарзидаги бевосита пул тўловлари ҳам, имтиёзлар ва турли дотациялар тарзидаги бавосита тўловлар ҳам кенг қўлланилди. Масалан, энг кам иш ҳақи ва пенсиялардан солиқ олинмайдиган бўлди. Корхоналарнинг ўз ходимларига ижтимоий ёрдам кўрсатиш соҳасидаги харажатларидан бир қисми бюджет маблағлари ҳисобидан қопланиб турди. Кенг истеъмол моллари ва хизматларнинг кўпгина турлари нархларидаги тафовутларнинг ўрни қопланди. Айни вақтда кўшимча ижтимоий имтиёзларнинг бутун бир мажмуи: бошланғич син麸ар ўқувчилари ва ёлғиз пенсионерлар учун бепул нонушталар, 2 ёшгача бўлган болалар учун бепул овқат, барча мактаб ўқувчилари ва студентлар учун овқатнинг арzonлаштирилиши каби имтиёзлар амал қилиб турди. Кўпгина тоифадаги фуқароларга турар-жойи шахсий мулк қилиб бепул берилди, баъзи турдаги коммунал хизматлар ҳақини тўлашда енгилликлар жорий этилди ва ҳоказо.

Иқтисодий ахвол мураккаб бўлишига қарамай, моддий ва молиявий имкониятлар чекланган шароитда ҳам доимо ижтимоий аҳамиятга лойиқ бўлган энг муҳим вазифаларни ҳал этиш учун зарур

воситалар қидириб топилди. Ислоҳотларнинг бутун биринчи босқичи давомида ижтимоий ҳимоялаш харажатлари республика бюджетининг салкам учдан бир қисмини ташкил этди. Шундай килиб, қайта тақсимлаш воситаси кенг кўламда ишга солинди, шу туфайли ижтимоий чора-тадбирларни амалга ошириш учун зарур воситаларни сафарбар этиш имконияти вужудга келди.

Ислоҳотларнинг биринчи босқичида ортирилган тажриба асосида инсон ва оила ҳаётининг барча соҳаларини таъминлашга қаратилган ва бир-бирини тўлдирувчи чора-тадбирларнинг бутун бир тизими шаклланди. Бозор муносабатларини қарор топтиришнинг мураккаб даврларида кенг кўлланилган чора-тадбирлар ўз зиммасига юклangan вазифага ва пировард самарага кўра шартли равишда алоҳида йирик йўналишларни ташкил қиласди. Зотан, мазкур йўналишлар доирасида ижтимоий қўллаб-куватлаш шакллари ва воситаларини такомиллаштириш жараёни тинимсиз давом этди.

Нархлар эркинлаштирилиши ва пулнинг қадрсизланиш даражаси ортиб бориши муносабати билан даромадларнинг энг кам ва ўртacha даражасини мунтазам ошириш ижтимоий ҳимоялаш чора-тадбирлари тизимидағи энг устун йўналишлардан бири бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Бу йўналиш аҳолининг истисносиз барча табақаларини қамраб олди ва ислоҳотларнинг биринчи босқичи давомида кенг миқёсда қўлланилди. Бунда биз даромадлар нисбатини ўзгартиришга ўзимизга хос ёндашувни ишлаб чиқдик. Бошқа мамлакатлардан фарқли ўлароқ, Ўзбекистонда даромадлар нисбатини ўзгартириш иш ҳақи, пенсиялар, стипендияларнинг, жамғарма банкларидағи аҳоли омонатлари ставкаларининг энг оз миқдорларини бир вақтнинг ўзида марказлаштирилган тарзда қайта кўриб чиқиш йўли билан амалга оширилди.

1992-1994 йиллар мобайнида иш ҳақи ва пенсияларнинг энг кам миқдори бир неча бор оширилди, уларнинг миқдорлари бу даврда тегишли равишида 428 баравар ва 1230 баравар кўпайтирилди. Биз пенсионерларнинг ижтимоий аҳволини эътиборга олиб, энг кам пенсиянинг мутлақ миқдори иш ҳақининг энг кам миқдоридан ошиқроқ бўлиши йўлини муттасил ўтказиб келдик, зоро бу йўл ижтимоий адолат тамойилларига мос келар эди. Масалан, ҳозирги

вактда иш ҳақининг энг оз миқдори 150 сўм бўлгани ҳолда, қарилек пенсиясининг энг кам миқдори 430 сўмни ташкил этади, ногиронлик пенсияси эса бундан ҳам ортиқдир.

Энг кам иш ҳақи ва бошқа тўловлар одатда, олдиндан кўпайтириб келинди, нарх-наво ўзгариши билан боғлаб олиб борилди, бу эса аҳолининг тўлов қобилияти сақланиб қолишини таъминлади ва турмуш даражаси кескин пасайиб кетишига йўл қўймади.

Даромадлар нисбатини ўзгартириш орқали аҳолини ижтимоий ҳимоялаш чора-тадбирлари тизимида 1993 йилда жорий этилган янги Ягона тариф сеткаси катта аҳамиятга эга бўлди. Бу чора барча тоифадаги ходимларнинг меҳнат ҳақи миқдорларини тариф коэффициентлари орқали, энг кам иш ҳақи воситаси билан бевосита ўзаро боғлаш имконини берди. Шу тариқа биз энг кам иш ҳақини ошириш йўли билан аҳолининг ўртacha иш ҳақини, пул даромадларини ҳам ўз-ўзидан кўтара бордик. Бу тизим турли тоифадаги ходимлар меҳнат ҳақи даражаси ўртасидаги энг мақбул нисбатларни таъминлади, иш ҳақини бевосита сарфланган меҳнатнинг миқдори ва сифатига боғлиқ қилиб қўйди, аҳолининг даромадлари даражаларида асоссиз катта тафовут бўлишига ва аҳолининг ижтимоий жиҳатдан табақаланишига йўл бермади.

Республиканинг ички истеъмол бозорини ҳимоя қилиш ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари ва ноозиқ-овқат моллари асосий турлари истеъмолини муайян даражада сақлаб туриш чора-тадбирлари кўрилганлиги аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоялашнинг иккинчи энг муҳим йўналиши бўлди.

Биз нарх-навони эркинлаштириш соҳасида қўшниларимизга нисбатан бирмунча мўътадил сиёsat ўтказганлигимиз истеъмол бозорини ҳимоя қилиш заруратини келтириб чиқарди. Ўзбекистон рубль минтақасида турган бир пайтда бунинг аҳамияти айниқса кучли бўлди. Аксарияти республика эҳтиёжлари учун валютага харид қилинган ун, ўсимлик мойи, қанд-шакар ва бошқа тақчил маҳсулотлар республика ташқарисига олиб чиқиб кетилиши ҳолларига дуч келдик.

Истеъмол бозори барбод бўлишига йўл қўймаслик учун биз ишлаб чиққан яхлит тизимда ҳаётий муҳим маҳсулотлар экспортини божхоналар орқали қатъий назорат қилиш ва юқори бож тўловлари

жорий этиш билан бирга дастлабки босқичда истеъмол молларини сотиб олиш учун бир марта, сўнгра эса кўп марта ишлатиладиган купонларни муомалага киритиш, кундалик зарур товарларнинг чекланган турларини меъёrlанган тарзда сотишни ташкил этиш кўзда тутилган эди. Бу тизим ўзини тўла-тўкис оклади. У бозорни пишиқ-пухта ҳимоя қилибгина қолмай, савдо тармоғига барча зарур озиқ-овқат маҳсулотларини ва кундалик харид молларини мунтазам равишда чиқариб туришни таъминлаш, уларни истеъмол қилиш ҳажмларини камайтирмаслик имконини берди.

Ўтиш даври қанчалик мураккаб бўлмасин, бу тизим республиканинг барча аҳолисига ҳаётий муҳим маҳсулотларни истеъмол қилиш ва хизматлардан баҳраманд бўлиш соҳасида ишончли ижтимоий кафолатларни таъминлаб берди.

Бу тадбирлардан ташқари, 1992-1994 йилларда нон ва нон маҳсулотлари, гўшт ва гўшт маҳсулотлари, сут, қанд-шакар, ўсимлик майи, кир совун, болаларга керакли айрим моллар, коммунал ва транспорт хизматлари учун дотациялар қисман сақлаб қолинди, шу туфайли даромад даражаси турлича бўлган оиласалар бу маҳсулотлар ва хизматлардан бемалол баҳраманд бўлди. Ислоҳотларнинг дастлабки босқичида собиқ Иттифоқнинг кўпгина мамлакатларида аҳолининг асосий оммаси ёппасига қашшоқлашган бир пайтда биз кўрган тадбирлар зўр ижтимоий аҳамиятга эга бўлди ва одамларнинг ислоҳотларни амалга ошириш зарурлигига ишончини кучайтирган кудратли омил бўлиб хизмат қилди.

Айни вақтда республикадаги истеъмолчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилишнинг мутлақо янги тизимига ўтишга тайёргарлик ишлари олиб борилди. Янги тизимнинг моҳияти ички нархларни жаҳон нархлари даражасига тез тенглаштириб олиш ва аҳолининг даромадларини шунга мувоғик равишида ошириш йўли билан ҳимоя чора-тадбирларини таъминлашдан иборат. Бу масалани ҳал этишда миллий валютани муомалага киритиш ва унинг ички алмашувини таъминлаш соҳасида амалга оширилган ташкилий ҳамда иқтисодий чора-тадбирларнинг аҳамияти айниқса катта эди.

Биз ички бозорни, ҳалқимиз манфаатларини факат бақувват миллий валютагина ҳимоя қилиши мумкин, деган қатъий хуносага

келдик. Бунинг учун миллий валютамиз асосан ўзимизда ишлаб чиқарылған зарур миқдордаги товар билан, кенг экспорт фаолияти хисобига салмоқли валюта захиралари билан мустаҳкамланган бўлиши керак эди.

Миллий валюта жорий этилгач, ислоҳотлар биринчи босқичининг охирларига бориб озиқ-овқат маҳсулотларини меъёrlанган тарзда сотишдан бутунлай воз кечиш ва эркин нархларга ўтиш имконияти туғилди. Меъёrlаш тизимиға барҳам бериш тадбирлари аҳоли таъминотини ёмонлаштирасдан, унчалик қийинчиликларга йўл қўймасдан ўtkазилди. Эркин нархларга эса "эсанкирашларсиз" ўтишга муваффақ бўлинди. Буни Ўзбекистондаги иқтисодий ислоҳотлар биринчи босқичининг муҳим натижаси деса бўлади.

Илк босқичда аҳолининг кам таъминланган табақаларини ижтимоий ҳимоялаш ва қўллаб-қувватлаш борасида кучли чора-тадбирлар ўtkazilganligi фаол ижтимоий сиёsatни амалга оширишнинг учинчи жуда муҳим йўналиши бўлди. Биз аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ночор табақалари - пенсионерлар, ногиронлар, кўп болали ва кам даромадли оиласлар, ишсизлар, ўқувчи ёшлар, шунингдек қайд этилган миқдорда даромад олувчи кишиларни ҳимоя қилиш давлатнинг мұқаддағы бурчидир, деган қоидага асосланиб иш тутдик.

Иш ҳақини ошириш билан бирга, барча тоифадаги мактабларнинг муаллимлари, болалар уйлари, мактабгача ва мактабдан ташқари муассасалар тарбиячилари, олий ва ўрта маҳсус ўкув юртларининг профессор-муаллимлари ва илмий ходимлари, ижодий ва тиббий ходимларни ижтимоий ҳимоялаш ва уларнинг меҳнатини рағбатлантириш мақсадида уларга қўшимча моддий неъматлар - квартира ҳақи ва коммунал тўловлар соҳасида имтиёзлар берилди, якка тартибда уй-жой қуриб олиш учун ер участкалари биринчи навбатда ажратиладиган бўлди ва ҳоказо.

Бозор муносабатларига ўтилгач, ўзгаларнинг қаровига муҳтоj бўлған ёлғиз пенсионерлар айникса оғир ахволда қолди. Улар дуч келган қийинчиликларни хисобга олиб, шу тоифадаги пенсионерларни турар-жой ва коммунал хизматлар учун ҳақ

тўлашдан озод этиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Улар доридармонлар ва энг зарур молларни белгиланган меъёрда бепул олиш ва жамоат транспортида текин юриш ҳуқуқидан фойдаланадиган бўлдилар. Уларга мадад бериш учун республикада маҳсус ижтимоий ёрдам бўйлимлари тузилди. Бу бўйлимлар ёлғиз пенсионерлар ва ногиронларнинг уйида ижтимоий-маиший хизмат кўрсатишни уюштирумокда.

Ўқувчи ёшларни ижтимоий ҳимоялашга, уларга ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиб, билим олиш учун зарур моддий шароит яратишга доимо эътибор берилмоқда. Олий ўқув юртлари талабаларининг, техникумлар ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг, аспирантларнинг стипендиялари бир неча марта оширилди.

Ёшларни ижтимоий ҳимоялашнинг бошқа шакллари - овқат нархининг бир қисмини қопладиган қўшимча тўловлар, мактаб ошхоналари ва тамадди хоналари қўшимча харажатларининг бир қисмини бюджет маблағлари ҳисобидан қоплаш, хусусий хонадонларда яшаётганлар учун қўшимча тўловлар, жамоат транспортида арzon ҳақ тўлаб юриш ва бошқа енгилликлар жорий этилди. Миллий анъаналарни назарда тутиб, биринчи бор никоҳдан ўтаётган келин-күёвлар учун мебель ва гилам маҳсулотлари сотиб олишнинг имтиёзли тартиби белгиланди.

Кўрилган чора-тадбирлар туфайли иқтисодий ислоҳотларнинг биринчи босқичида аҳолининг энг муҳтож, ижтимоий жиҳатдан ночор табақалари манфаатларини пишиқ-пухта ҳимоя қилиш мумкин бўлди, бу эса аҳолининг муайян бир қисми қашшоқлашувининг олдини олиш, фуқаролар тинчлиги ва аҳиллигини таъминлаш имконини берди.

Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларнинг биринчи босқичи аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг бутун тизимини аста-секин кучайтириб, уни оқилона йўлга қўйиш нияти билан ўтди, аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг кам самарали шакллари тугатилиб, турлари ўзгартириб борилди, ижтимоий ҳимоя мақсадларида килинадиган харажатлар бюджет имкониятларига боғлик равишда ўтказилди.

Шу билан бирга ижтимоий ҳимоялашнинг мавжуд тизими чукур

таҳлил этилганда унинг камчиликлари, исрофгарчиликка йўл қўйилаётганлиги ва ижтимоий самараси етарли эмаслиги аён бўлиб қолди.

Бундан ташқари, дотациялар, нафақалар ва имтиёзларнинг мавжуд тизими маблағларни ижтимоий ёрдамга чиндан ҳам муҳтоҷ бўлган аҳоли гуруҳларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун жамлашни, муҳтоҷлик омилини кўзда тутмас, балки бутун аҳолига мўлжалланган эди. Бошқача айтганда, кам даромадли оилалар ҳам, ўзига тўқ фуқаролар ҳам баб-баравар миқдорда ёрдам олар эди. Бунинг устига кундалик зарур молларнинг асосий турларига белгиланган дотациялар миқдори ҳамда аҳоли турли тоифаларининг шу моллар ва хизматлардан фойдаланишидаги ҳақиқий ҳолатни ҳисобга олганда, ижтимоий ёрдамга камроқ муҳтоҷ бўлган фуқаролар ундан анча кўп фойдаланаётганлиги маълум бўлиб қолди.

Бутун аҳолини қамраб олишга уринадиган, ҳақиқий ижтимоий самараси паст, текисчилик усулидаги тақсимлаш воситасига эга бўлган жуда бесўнақай тизим вужудга келган эди. Ижтимоий ёрдамнинг бу шакли аниқ ижтимоий таянчга эга эмас ва аҳолининг муайян қатламларини назарда тутмас эди.

Фақат республика бюджети йўли билангина 30 та турли соҳа ва ўйналишлар бўйлаб ижтимоий ҳимоя амалга ошириб келинганини, бу эса маблағлар сочилиб кетишига олиб келганини ва ёрдамга кўпроқ муҳтоҷ бўлган, айни кам даромадли фуқароларни моддий қўллаб-қувватлаш имконини бермаганлигини кўрсатиб ўтиш зарур.

Аҳолининг кўпчилик қисми онгига сингиб кетган боқимандалик кайфиятини бутунлай ўзгартириш лозим эди, у иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга жуда халақит берар эди.

Ижтимоий сиёsatни амалга оширишда, ижтимоий ҳимоя воситасини кучайтиришда сифат жиҳатдан янги босқич зарурлиги объектив эҳтиёж бўлиб қолди. Шу муносабат билан ялпи ижтимоий ҳимоялаш тизимидан ишончли ижтимоий кафолатлар ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимига изчиллик билан ўтиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Адолат тамойилларига изчиллик билан риоя этиш қоидаси янгилangan ижтимоий сиёsat қурилишига асос қилиб олинди. Бу

қоиданинг моҳияти шундан иборатки, давлат томонидан қўллаб-қувватланишга ҳақиқатан муҳтоҷ бўлган аҳоли табақалари тоифасини белгилашда амал қилиниши лозим бўлган мезонлар ҳам, бу мададни уларга етказиш воситаси бўлган омиллар ҳам аҳолига равshan, жуда содда ва аҳоли наздида адолатли бўлиши лозим. Ижтимоий кафолатлар ва қўллаб-қувватланишга муҳтоҷ бўлган шахсларни аниқлашда, уларга бериладиган ёрдамнинг аниқ тури ва миқдорини белгилашда субъектив нуқтаи назардан иш қилиш имкониятлари истисно этилиши керак. Бутун тизим тенгчилик ва боқимандалик кайфиятини тугатишга қаратилган бўлиши лозим.

Мана шуларнинг ҳаммаси ижтимоий кўмаклашишнинг мавжуд усуулларини, уларни пул билан таъминлаш манбаларини тубдан ўзгартиришни талаб қиласди.

Ижтимоий ҳимоя аниқ мақсадли ва аҳолининг аниқ табақаларини қамраб оладиган бўлиши керак. Ижтимоий ҳимоя тизимининг энг муҳим хусусияти аҳолининг турли қатламларига қатъий табақалаштирилган тарзда ёндашувдан иборат бўлмоғи лозим. Бу иш ҳақиқатан ҳам давлатнинг моддий ёрдамига муҳтоҷ бўлган жамият аъзоларига йўналтирилган бўлиши, аниқ мақсадни кўзлаб амалга оширилиши керак.

Аҳолининг аниқ табақаларини қамраб олган ёрдам тизимини фақат кам таъминланган ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга нисбатангина қўлланиш зарур. Бу эса болаларга бериладиган нафақалар ва тўловларнинг мавжуд турлари ҳамда шаклларини бир хил ҳолга келтиришни талаб этади.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, кишиларнинг моддий аҳволини яхшилаш вазифаларини ҳал этиш соҳасида давлат манбалари билан бир қаторда меҳнат жамоалари, жамоат ва хайрия ташкилотлари ҳамда жамғармаларининг маблағларидан ҳам фаоллик билан фойдаланилиши лозим.

Аҳолига ижтимоий ёрдамни амалга оширишда маҳаллий ҳокимиёт ва бошқарув органларининг хукуқлари анча кенгайтирилиши ҳамда масъулияти оширилиши керак. Ҳокимлар, маҳалла қўмиталари аҳолининг ночор қатламларига умумдавлат кафолатларининг амалга оширилишини таъмин этиш билан бирга,

минтақаларнинг имкониятларини ҳисобга олган ҳолда уларни ижтимоий қўллаб-кувватлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирларни жорий этишга ҳақлидирлар.

Давлат томонидан берилаётган ижтимоий ёрдамни шунга муҳтож бўлган аниқ инсонга етказиш имконини берадиган манбалар, воситаларни аниқ-равshan белгилаб олиш мураккаб ва масъулиятли вазифалардан эди.

Биз ижтимоий ҳимоялашнинг асоссиз тенглаштириш тизимидан қатъян воз кечиб, Шарқда неча минг йиллар давомида қарор топган маънавий-ахлоқий қадриятларга, турмуш тарзи ва дунёқараш хусусиятларига мувофиқ келадиган ўз йўлимизни танлаб олдик.

Шунга биноан 1994 йилда Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизими тубдан ўзгартирилди. Ижтимоий кўмак беришнинг мутлақо янги илгор тизими шакллантирилди. Бу эса ижтимоий ислоҳотлар соҳасидаги иқтисодий ўзгартиришлар биринчи босқичининг энг муҳим якуни бўлди.

Янги тизим тайинли истеъмолчиларга аниқ равища йўналтирилган ва анча мувофиқлаштирилган тизим бўлиб қолди. Ҳозирги тизимнинг моҳияти шундан иборатки, мамлакатимизнинг келажаги ҳисобланмиш болалар ва кам даромадли оиласалар бу ёрдамдан баҳраманд бўлувчи асосий кишилар бўлиб қолди. Энди ҳамма нафақалар ва моддий ёрдам фақат оила орқали етказиб берилмоқда. Шу тариқа ижтимоий кўмак беришнинг ҳозирги тизимида оила асосий мавқега эга бўлиб қолди. Бундай ёндашув умуминсоний қоидаларга, миллий анъаналарга ва руҳиётга мос келади, фуқаролар жамиятининг ижтимоий ташкилоти тизимида оила эгаллайдиган ўринга мувофиқ келади.

Ижтимоий кўмаклашувнинг янги тизимида фарзанд туғилганида бир йўла бериладиган тўловлар сақлаб қолиниши билан бирга нафақалар ва имтиёзларнинг қуидаги турлари ҳам мавжуд.

Биринчидан, бола бокувчи оналарга нафақа тўланади. Бунда тўлананаётган нафақанинг миқдори қўпайтирилишидан ташқари, унинг муддати ҳам узайтирилади. Мазкур нафақа илгари бир ярим йилгача тўланган бўлса, энди бу муддат икки йилгача узайтирилди. Ишловчи оналар ҳам, ишламайдиган оналар ҳам бу нафақадан баҳраманд

бўлмоқдалар. Оналарга нисбатан ижтимоий адолат тикланди ва бу нарса қўпгина оилалар учун муҳим мадад бўлди.

Иккинчидан, ўн олти ёшгача болалари бўлган оилаларга ягона нафака жорий этилиб, болаларга илгари бериб келинган ҳамма нафака ва имтиёзлар бекор қилинди. Болаларга бериладиган тўловлар тизими такомиллаштирилди. Болаларга бериладиган йигирмадан зиёд турли нафақалар ўрнига 1994 йилнинг сентябридан бошлаб барча болали оилалар учун ягона нафака жорий этилди, унинг миқдори нафака олувчи оиланинг таркиби билан бевосита боғлиқ қилиб қўйилди. Айни вақтда болалар нафақасининг миқдорлари бугунги ҳақиқий ахволга мувофиқлаштирилди ва энг кам иш ҳақининг ўзгаришига чамбарчас боғлиқ қилиб қўйилди.

Шуни таъкидлаш зарурки, 16 ёшгача болалари бўлган оилалар учун нафақалар ота-онасининг ва умуман оиланинг даромадлари миқдоридан қатъи назар, барча оилаларга тўлана бошлади. Бошқача айтганда, 16 ёшгача бўлган болалар, турли дастлабки омиллар ва сабаблардан қатъи назар, тўғридан-тўғри давлат ёрдами бериладиган обьектга айланиб бормоқда.

Давлат болаларни боқиши ва тарбиялашга қилинадиган сарф-харажатларнинг бир қисмини оилаларга компенсация тарзида бериб туриди, айни вақтда ота-оналарнинг масъулияти кучайтирилди. Бешта ва ундан кўпроқ болали оила учун нафақанинг энг кўп миқдори аввалига энг кам иш ҳақининг ярми миқдорида, ҳозир эса энг кам иш ҳақининг тўла ставкаси даражасида белгилаб қўйилди.

Учинчидан, 1994 йилнинг октябридан давлат кам даромадли оилаларга фаол ёрдам бера бошлади - фармонга биноан айни мана шундай оилаларга моддий ёрдам жорий этилди. Республикада кам даромадли оилаларга нафака жорий этилиши аслида мисли кўрилмаган иш бўлди.

Ўзбекистонда таркиби ҳар хил оилалар улушининг катталиги бу худуддаги оилалар таркибининг ўзига хос хусусиятидир. Бу ерда битта туаржой майдонида яқин қариндош бўлган бир неча оила яшайди, уларнинг рўзКори ва оилавий бюджети хам битта бўлади.

Мана шундай шароитда оилаларни кам даромадли оилалар тоифасига ўтказиш мезони ва уни чамалаш воситасини танлаб олиш

жуда мураккаб бўлди. Даромадларни эълон қилиш каби маълум усуллар Ўзбекистон учун унчалик мақбул бўлиб чиқмади. Оилаларга маълумотномалар асосида маҳсус идоралар томонидан нафака берилишидан иборат юзаки йўлдан бориш бундан ҳам хатарлироқ бўлтурди. Чунки бунда холисоналикка йўл бермаслик ва адолат мезонларидан чекиниш ҳолатлари муқаррар рўй бериши мумкин эди. Бунинг бир қанча сабаблари бор:

биринчидан, ахолининг кўпчилиги қишлоқ жойларда яшайди, томорқа хўжалигидан даромад олади, бироқ бу даромадни холисона ҳисобга олиш қийин;

иккинчидан, бу усул одамларни қўшимча даромадларни яширишга ундейди ва боқимандаликни рағбатлантиради. Бизда ҳали уй-рўзкор хўжаликларини ўрганишнинг барча даромад манбаларини ҳисобга оладиган механизми ишлаб чиқилмаган.

Биз бу муаммоларни ҳал этиш калитини ўз тарихимиздан, узок ўтмишда шу диёрда мавжуд бўлган, гуллаб-яшнаган қурдатли давлатнинг жамиятни ижтимоий ташкил этиш манбаларига мурожаат этиб топдик. Бунда Ўзбекистоннинг туб ахолиси ҳаётида расм бўлиб келган ўзаро муносабатларнинг азалий анъаналари ҳамда муҳтожларга ёрдам бериш одатлари эътиборга олинди.

Ўрта Осиёда ва, аввало, Ўзбекистонда маҳалла каби ўзини ўзи бошқарувчи ижтимоий ташкилотнинг ноёб шакли азалдан мавжуд бўлган ва шу кунгача ҳам сақланиб қолган. Ўзбеклар учун маҳалла жамоа тушунчасидан кўра кўпроқ маънони билдиради. Маҳалла туфайли туб ахоли ижтимоий ва иқтисодий хатти-ҳаракати таркиб топиши, ижтимоий қадриятлар ҳурмат қилиниши, ўзаро муносабат одоби тамойилларининг алоҳида қоидалари сақланиб қолди. Бу эса жамият олдидаги мажбурият ва зиммадаги масъулият сўзсиз бажарилишининг кафолатидир. Маҳалла руҳи республикамизда яшовчи ҳар бир киши дилига сингиб кетган.

Айни мана шу руҳнинг мавжудлиги, фуқароларнинг маҳалла шаклидаги ўзини-ўзи бошқариш воситаси орқали одамлар, оилалар ўртасидаги алоқалар пишиқ ва пухта йўлга қўйилганлиги энг муҳтож кишиларга ёрдам беришнинг ижтимоий жиҳатдан адолатли тизимини қайта тиклаш сирларини очиш имконини берди.

Ижтимоий қўмаклашувнинг таъсирчан тизимини ташкил этиш йўлларини излаш натижасида биз Ўзбекистонда маҳалла орқали муҳтоҷларга ёрдам бериш ижтимоий қўмаклашишнинг энг содда, аммо самарали ва очиқ воситасидир, деган фикрга келдик. Маҳаллада турмуш тажрибасидан ақли тўлишган, ҳар бир ишни ўрнига қўя оладиган кишилар яшайди. Халқнинг ўзи сайлайдиган, Қонун асосида ўзини-ўзи бошқариш органи мақомини олган маҳалла оқсоқоллари, уларнинг маслаҳатчилари ва фаоллари маҳаллада яшовчи ҳар бир кишининг моддий ва мулкий аҳволини, ҳар бир оиланинг даромад манбаларини ипидан игнасиғача биладилар.

Ижтимоий қўмаклашувнинг янги тизими доирасида кам даромадли оиласарга бериладиган моддий ёрдам одамларга энг яқин турувчи маҳалла аҳолиси йиғинида тайинланадиган бўлди. Ёрдамга муҳтоҷ оиласарни аниқлаш, ҳисобга олиш ва қайд этиш воситасида ёндашув янгилигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқ керак. Бу ёндашувга, бир томондан, халқнинг қўшнига ёрдам бериш, унинг аҳволига астойдил ҳамдард бўлишдек асрий анъаналари асос қилиб олинган бўлса, иккинчи томондан, дангасалар ва текинхўрларга нисбатан нафрат ва муросасизлик одати ҳам ўз аксини топган. Натижада давлат хизматчиларининг кўп сонли тўраларча аппаратини вужудга келтиргмаган ҳолда биз ялпи ички маҳсулотнинг бир қисмини аҳолининг ўз қарори асосида ҳақиқатан ҳам муҳтоҷ кишилар фойдасига қайта тақсимлаб беряпмиз.

Энг муҳими, моддий ёрдам кўрсатишнинг бу усули шундай оила аъзоларининг қадр-қимматини камситишга йўл қўймаслик имконини берди.

Муҳтоҷ оиласарни иқтисодий қўллаб-қувватлаш учун ўзини ўзи бошқариш органларига тайинли ресурслар ажратиб бериш мақсадида маҳаллаларда республика ва маҳаллий бюджет маблағлари, шунингдек корхона ва ташкилотларнинг, тадбиркорлик тузилмалари ва айрим фуқароларнинг ихтиёрий равишда ўтказган маблағлари ҳисобидан маҳсус жамғармалар ҳосил қилинди. 1994 йилнинг тўртинчи чорагидагина шу мақсадлар учун давлат бюджетидан 360 миллион сўм ажратилди.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда халқ анъаналари, ўзимиз ишлаб

чиққан илк тамойилларга таяниб, 1994 йилдан эътиборан аҳолининг аниқ тоифаларини ижтимоий ҳимоялашнинг ноёб тизими амалга оширила бошлади. Бу иқтисодий ислоҳотлар биринчи босқичининг муҳим яқунларидан биридир.

Собик маъмурий-буйруқбозлиқ тизими шароитида ходимлар мулқдан, ишлаб чиқариш воситалари ва ўз меҳнати натижаларидан маҳрум бўлган бир пайтда одамларнинг кўпчилиги ўз Қайрат-шижоати ва ижодий имкониятларини тўла-тўқис рўёбга чиқариб, самарали меҳнат қилишдан манфаатдор бўладиган ва унумли ишлашга қизиқадиган тизим яратишга эришилмаган эди.

Ҳозир республикамизда рўй берәётган иқтисодий ва ижтимоий жараёнлар инсоннинг турмушга, меҳнат фаолиятига бўлган рағбатини тубдан ўзгартирмоқда. Ҳозирги вақтда аҳолининг энг фаол табақалари шаклланмоқда, уларнинг иқтисодий манфаатлари молмулк эгалари ёки шериклари бўлишга интилиш, фойдадан улуш олиш, ишлаб чиқаришни бошқаришда шахсан қатнашиш, ўзи жамғарган сармоядан ўз хоҳишига кўра фойдаланиш имконияти билан бевосита боғлиқдир. Инсон ўзини хўжайин деб ҳис этиши уни меҳнатга рағбатлантирадиган асосий омил бўлиб қолди.

Ҳозирги вактда меҳнат фаолиятига қизиқишининг ижобий шакллари ривожланиб, аҳолининг Қайрат-шижоати ва иқтисодий фаоллиги ошиб бораётганлиги иқтисодий ислоҳотларнинг муваффақиятига умид туғдирмоқда. Меҳнат қилишга рағбатлантирадиган омилларнинг янги тизими шаклланиб, бу нарса одамларнинг иқтисодий майлида ўз ифодасини топмоқда. Моддий манфаатлари давлатга қарашли бўлмаган корхоналарда меҳнат қилиш ёки ўз корхонасини очиш истаги билан боғлиқ бўлган фуқаролар сони кўпайиб бормоқда.

Мулкчилик шакллари ўзгартирилиб, кўп укладли иқтисодиёт шаклланиб бориши билан бирга омма онгининг ҳолатида, меҳнат соҳасидаги қадриятлар ва йўналишларда аста-секин ўзгаришлар рўй бермоқда. Меҳнатга рағбатлантирадиган омиллар ва воситаларнинг янги тузилмаси пайдо бўлмоқда.

Одамларнинг онгида кескин бурилиш рўй бериб, аҳолининг тобора кўпроқ табақалари иқтисодий ислоҳотларни ўтказиш, бозор

мұносабатларига ўтиш - иқтисодий танглиқдан қутулишнинг, құдратли, мұстакил давлат қуришнинг бирдан-бир тұғри йўли эканлигини тушуна бошлади.

Бозор мұносабатлари вужудга келаётган даврда маориф, соғлиқни сақлаш ҳамда мәданият ва санъат соҳалари алоҳида қўллаб-қувватлашга муҳтождир, чунки жамиятдаги маънавий, ахлоқий мұхит, одамларнинг рухий ва жисмоний ҳолати шу соҳаларнинг нақадар ривожланғанлигига боғлик бўлади.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш соҳасида биринчи босқичда қўрилган чора-тадбирлар иқтисодий мұносабатларнинг янги андозасига ўтиш йўлидаги қийинчиликларни бирмунча юмшатди, жадал ўзгариб бораётган иқтисодий вазиятга, янги турмуш шароитлари ва андозаларига тезроқ кўниши заруратидан келиб чиқкан рухий изтиробни тарқатиб юборишга кўмаклашди.

Иқтисодий ислоҳотларнинг янги босқичига ўтишда аввалги босқичдан чиқарған сабоқлар ва бой хаёт тажрибаси эътиборга олиниши лозим. Асосий сабоқ шундан иборатки, ижтимоий ҳимоя мезонлари ва воситаларини танлашда ижтимоий адолат тамоиллари, ижтимоий кўмаклашувда аҳолининг аниқ табақаларини мўлжаллаб иш тутиш, шу мададнинг имкони борича қўпроқ самараали бўлишига эришиш чоралари тўла-тўқис ҳисобга олиниши лозим. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масалалари миллий анъаналар ва урф-одатларга таянган ҳолда бошқа ижтимоий ва иқтисодий соҳаларга доир муаммолар билан узвий равишда боғлаб ҳал этилиши керак.

Давлат аҳолининг муҳтож табақаларини қўллаб-қувватлаш ҳамда ўз кучи ва мулкини гаровга қўйиб, оиласининг фаровонлигини таъминлашга интилевчи ва шунга қодир бўлган бошқа барча кишилар учун teng шароит ҳамда қулай мұхит яратиш йўли билан ижтимоий барқарорлик ва жамиятдаги иноқликнинг кафили бўлмоғи лозим.

1.9. ХАЛҚНИНГ МАЪНАВИЙ-РУҲИЙ ТИКЛАНИШИ - ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ НЕГИЗИДИР

Маънавий соҳада ўз ифодасини топган аниқ-равшан ютуқларни,

шубҳасиз, жамиятни янгилаш ва иқтисодиётни ислоҳ қилиш жараёни илк босқичининг жуда катта муваффақияти деб ҳисобламоқ керак. Халқнинг маънавияти ва маданияти, унинг ҳақиқий тарихи ва ўзига хослиги қайта тикланаётганлиги жамиятимизни янгилаш ва тарақкий эттириш йўлидан муваффақиятли равишда олға силжитишида ҳал қилувчи, таъбир жоиз бўлса, белгиловчи аҳамиятга эгадир.

Халқимиз сарчашмаларининг кўзлари қайтадан очилганлиги, жаҳон маданияти ютуқларига зўр ҳисса қўшган буюк аждодларимизнинг маданий ва маънавий мероси теранлиги ва чуқурлиги англаб олинганлиги, ҳар бир авлоднинг ўз ўтмишига, олижаноб миллий ва диний анъаналарига хурмат билан қараш, уларни асрраб-авайлаш руҳида тарбияланаётганлиги, айни чоғда ҳозирги замон жаҳон цивилизацияси ва маънавияти қадриятларини ўзлаштириш ва уларга ошно бўлиш зарурлиги равshan англаб етилганлиги - мана шуларнинг ҳаммаси ҳаётбахш бир заминдирки, бизнинг янгиланиш ва халқимизнинг миллий ўзлигини англашини ошириш, аҳолининг сиёсий етуклиги ва фаоллигини кучайтириш борасидаги сиёсатимиз мана шу заминга таянади.

Ҳозир биз демократик адолатпарвар жамият, қудратли иқтисодий салоҳиятга эга бўлган давлат қуриш учун яшаётган ва меҳнат қилаётган бир даврда бозор муносабатларига қандай маънавий-рухий асосда ўтаётганлигимизга бефарқ қарай олмаймиз. Собиқ социалистик мамлакатлар учун бу нарса айниқса муҳимдир. Уларда бир неча ўн ийлликлар даврида сохта ижтимоий тенглик, жамоа руҳияти ва тафаккури қоидалари мафкуравий воситалар билан сингдириб келинган эди. Бозор муносабатларининг қонунлари ва меъёрлари эса анча қатъий ва талаబчандир. Кўпчиликнинг фаровонлиги аввало уларнинг ўзига, уларнинг янги шароит ва янги муносабатларга қанчалик тайёрлигига боғлиқ. Ҳар бир кишининг тақдирини кўп жиҳатдан унинг касб маҳорати, маънавий эътиқоди, жўшқин ўзгариб бораётган янги муҳитга мослаша билиш қобилияти билан белгиланади.

Бозор муносабатларига ўтиш - ҳаётий етуклик ва сабрматонатни синовдан ўтказувчи ўзига хос имтиҳондир. Бунда маънавий бўшлиққа ёки кўнглига келган ишни қиласаверишга

берилишга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Шу сабабли биз маънавий-рухий тикланиш ва покланиш муаммоларига алоҳида аҳамият беряпмиз. Чинакам цивилизациялашган бозор муносабатлари, бозор воситалари фақат юксак маънавият негизида, юксак ахлоқлилик ва ватанпарварлик негизларида барпо этилиши мумкин. Акс ҳолда бошбошдоқлик ва тартибсизлик ҳукм суради. Афсуски, собиқ Иттифоқнинг бир қанча минтақаларида мана шундай ҳолат рўй берди. Уларда жиноятлар, порахўрлик ва одамларнинг маънавий таназзулга юз тутиши, рухий инқироз билан қоришиб кетган сохта бозор вужудга келмоқда. Бундай ҳолатга асло йўл қўйиб бўлмайди. Бу масалада "капиталнинг дастлабки жамғарилиши" деб аталган классик назария талаблари шуни тақозо этади, деган важларни рўкач қилиш мутлақо мумкин эмас.

Биз бу иллатларни деб мустақиллик ва суверенитетга интилган эмасмиз. Мана шуларни деб туб ислоҳотлар йўлига кирган эмасмиз.

Хўш, ислоҳотларнинг биринчи босқичида бошдан кечирилган ва қилинган ишлардан қандай муҳим ва зарур маънавий сабоқлар олдик?

Биринчидан, биз танлаб олган ўз янгиланиш ва тараққиёт йўлимиз хамда андозамиз тўғрилигини ҳаётнинг ўзи яққол тасдиқлади, ислоҳотларни амалга ошириш соҳасидаги чоратадбирларимиз одамларнинг манфаатларига мос бўлиб тушаётганлигини исботлади.

Иккинчидан, давлат мустақиллиги ва унинг иқтисодиёти Қойибдан келмай, унга эришиш учун халқнинг тинчлиги, осойишталиги ва бирдамлиги зарур, бир ёқадан бош чиқариб, ташаббус билан меҳнат қилиши зарур. Тинчлик, барқарорлик, миллий ахиллик, қайси миллатга мансублигидан, насл-насаби ва динидан қатъи назар, барча кишилар қалбини диёrimиз билан фахрланиш туйғуларига тўлдирмоқда.

Учинчидан, ижтимоий бозор иқтисодиёти шарқона, исломий турмуш фалсафасининг юксак ғояларига, халқимизнинг тарихий тажрибаси ва ақл-заковатига мос бўлиб тушмоқда.

Тўртинчидан, халқимиз ўз тақдирининг ҳақиқий соҳибидир, унинг донолиги ва ахиллиги - барқарорлик ва яхшиликка элтувчи ўзгаришларнинг кафолатидир.

Бешинчидан, биз учун энг муҳими шуки, одамларнинг дунёқарашида сифат ўзгаришлари рўй бермоқда, бу ўзгаришлар ҳозирги замон воқелиги талабларига монанд келади, қадриятларга муносабат, ҳаётий мақсадлар ўзгармоқда. Мана шуларнинг ҳаммаси ислоҳотлар биринчи босқичининг алоҳида ажралиб турадиган белгисидир.

Олтинчидан, жамиятимизни ислоҳ қилиш ва янгилаш бошланганлиги туфайли халқимизнинг, миллатимизнинг маънавияти, ахлоқи ва маданияти соҳаларида кенг имкониятлар юзага келмоқда, халқ руҳиятининг бениҳоя мустаҳкамлиги исботланмоқда.

Ўзбекистон халқларининг бой маънавий маданиятига, унинг ноёб тарихий ўтмишига, бебаҳо фалсафий ва маънавий меросига таяниб, турли маданиятларнинг баҳамжиҳатлиги, алоқаси ва бирбиридан ўзаро баҳраманд бўлиши имкониятларини очдик.

Бағри кенглик ва анъаналар - цивилизациялашган бозор муносабатларини бунёд этиш, илм-фан ва технологияларни ривожлантириш, умуман фан-техника тараққиётини равнақ топтириш жараёнини энг мақбул йўлга сола оладиган омилларнинг таркибий қисмлариdir. Ўз истиқлол ва тараққиёт йўлимизнинг моҳияти ва хусусиятлари ана шулардан иборат.

Биз ислоҳотларга киришганимизда асос қилиб олган қоиданинг тўғрилиги ҳозир ғоят ишонарли тарзда тасдиқланди. Бозор муносабатларига ўтиш пайтида объектив шароитни - халқнинг турмуш тарзи, ахвол-руҳияси, анъаналари, маданиятини эътиборга олмасдан бўлмайди.

Халқимизнинг руҳияти - иқтисодиёт, давлат ва жамиятни бозор муносабатлари асосида қайта қуришнинг энг муҳим таянчидир. Маънавий мустақиллик ва ўзига беклик, эзгулик, қалб сахийлиги ва бағри кенглик халқимизга хос хусусиятдир. Бу гўзал фазилатлар янги иқтисодий ва турмуш шароитларида синовдан ўтди. Халқимизнинг энг яхши хислатлари, ўз ерига, юритига меҳр-муҳаббати, ватанпарварлиги маънавий бирликни мустаҳкамлайди.

Она заминимиз - бойлигимизнинг, мустақиллигимизнинг ва гўзал келажакка ишончимизнинг асосий манбаидир. Буюк аждодларимизнинг руҳи нурафшон қилиб турган, бизга илҳом

бераётган ва эгнимизни бут, қорнимизни түқ қилаётган шу мұқаддаас заминга муҳаббат бамисоли битмас-туганмас чашмадек қайнаб турибди. Инсон бутун вужуди билан шу юрга таъзим қиласы. Шодиёна дамларда, мусибатли онларда ҳам биз ундан мадад оламиз, у бизга янгидан куч беради, янги умидлар бағишилайди. Улкан маданий мерос маскани бўлган заминимизда кўпдан-кўп мустақил цивилизациялар ўз қадриятларини авлоддан авлодга ўтказиб, замонларнинг чамбарчас алоқасини, маънавий ва маданий қадриятлар давомийлигини вужудга келтиради.

Хатто ишлаб чиқарувчи кучлар ривожининг ҳозирги замон имконияти даражасида ҳам бу диёр ҳаммани, ҳозиргидан кўра иккича ҳисса кўпроқ кишини боқа олади. Буни турли миллат ва эътиқодга мансуб барча кишилар тушуниб олдилар. Бунинг учун тинчлик ва барқарорлик керак.

Биз, озод Ўзбекистон фуқаролари учун мустақилликнинг мұқаддаас рамзлари - Давлат Герби, Давлат Байроби, Давлат Мадхияси азиздир. Улар маънавиятнинг энг мухим тимсоллари ҳамдир. Улар она-Ватан - Ўзбекистон Республикасига ифтихор ва чексиз хурмат туйғусини тарбиялайди. Бизнинг байробимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотида қатнашувчи бошқа мамлакатларнинг байроқлари каторида мағрур хилпираб, ташқи муносабатларда тенг хуқуқлилик ва очиқликнинг рамзи бўлиб турибди.

Давлат мукофотлари, орденлар ва медаллар, фахрий унвонлар таъсис этилганлиги жуда катта ахлоқий, тарбиявий аҳамиятга эгадир. Мустақиллик кашшофлари, Ватан йўлида жасорат кўрсатган фуқаролар шу мукофотларга сазовор бўлишди. Ўзбекистонда одамлар жипслиги, мустаҳкам тинчлик, барқарорлик ва миллатлараро тотувликнинг асосий сабаби ватанпарварликдадир.

Шу юксак туйғуни эҳтиёт қилиб асраш ва янада ривожлантириш, фарзандларимизни эркин ва демократик Ўзбекистонга муносиб кишилар қилиб тарбиялаш маънавият соҳасидаги ишимизнинг асосий йўналиши бўлиб қолмоғи лозим.

Халқ жамиятдаги барқарорликнинг оила ва маҳалла каби ишончли анъанавий воситалари соҳибидир. Айни оила ва маҳалла руҳиётимиз мустаҳкамлигининг таянчидир. Оила ва маҳалла ҳозирги

ўтиш давридаги қўпгина муаммоларни ҳал этишда, азалий яхши одатлар билан фойдали янгиликларни бирга қўшишда аҳолига ёрдам бермоқда.

Пок ва софдил шахсни тарбиялашда, она тилини қайта тиклашда ҳеч ким ва ҳеч нарса оила билан тенгглаша олмайди. Биз ҳалқнинг, айниқса ёшларнинг маънавий-руҳий жиҳатдан қайта қад ростлашининг жўшқин ўчоги бўлган энг олижаноб маънодаги маҳалла, қўни-қўшничилик, ўзаро ёрдамлашувнинг аҳамиятини кўпроқ қадрлай бошладик. Республика "Маҳалла" жамғармасининг яхши ва гўзал ҳалқ байрамларини, анъаналар ва урф-одатларни, маданиятни қайта тиклаш, энг муҳтоҷ оиласаларга амалий ёрдам бериш, ёшларни инсонпарварлик ва саховат руҳида тарбиялаш соҳасидаги фаолияти Ўзбекистон аҳолиси ва жамоатчилиги томонидан жуда кенг миқёсда қўллаб-қувватланмоқда.

Аҳоли кенг табақаларининг саховати, дилдан чиқариб қилинадиган хайр-эҳсони ёлғиз ва ночор қарияларга, ҳакиқатан ҳам муҳтоҷ бўлган кўп болали оиласаларга, ногиронларга, ўқувчилар ва талабаларга ёрдам бўлди ва бундан буён ҳам ёрдам бўлаверади. Гўзаллик байрами -"Наврӯз" Ўзбекистоннинг бутун аҳолисига шодлик ва қувонч улашмоқда. Биз Иккинчи жаҳон урушида фашизмга ва нацизмга қарши курашганларнинг муқаддас хотирасини ардоқлаб келяпмиз. ўалаба байрамига зўр эътиқод билан қарайпмиз. Ватан баҳт-саодати йўлидаги жангларда фидокорлик кўрсатган ва меҳнат қилган фахрийларга хурмату эҳтиром кўрсатяпмиз. Отоналар, кексаларга чуқур эҳтиром билан таъзим бажо этамиз.

Умумбашарий ва миллатлараро дўстлик кун сайин мустаҳкамланмоқда. Биз давлат миқёсида ўтказаётган тадбирлар, буюк олимлар, саркардалар, шоир ва ёзувчиларнинг хотира кунлари байрами умумхалқ шодиёнасига айланиб кетмоқда, одамларнинг кайфиятини кўтармоқда, улар манфаатларини давлат манфаатларига яқинлаштируммоқда. Бизнинг мақсадимиз битта - Ўзбекистон Республикасида истиқомат қилувчи барча миллатлар ва динларга мансуб кишиларнинг тинчлиги ва равнақини таъминлашдир.

Ҳукуматга қарашли бўлмаган жамоат фонdlарининг ёш авлод, болалар ва оналар соғлиғини мустаҳкамлаш, кенг маънодаги она-

табиат ва экологияни мусаффо сақлаш соҳасидаги фойдали ва йирик ташаббуслари юксак маънавиятнинг ёрқин нишоналари бўлди.

Ёш авлоднинг инсоният даҳолари бўлган буюк аждодларимизга муносиб бўлиш йўлида тобора кучайиб бораётган интилишини ҳам янгиланишнинг салмоқли якуни сифатида алоҳида таъкидлаб ўтмоқ керак. Давлат ва жамиятнинг ёш авлод жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом бўлишига эътибори ошганлиги ислоҳотларнинг шарофатидир.

Ўзбекистон аҳолиси ўзининг ислоҳотчи давлатига зўр ишонч билан қарамоқда. Бизда ислоҳотларнинг ҳар бир янги қадами, ҳар бир янги қонун лойиҳаси ва ҳукумат қарори инсонийлик, одамларга фойдалилик нуқтаи назаридан идрок этилмоқда. Тараққиёт учун одатий бўлмаса ҳам зарурий бўлган нарсаларга республикамиз аҳолиси ишонч билан, онгли равишда ёндашмоқда.

Мамлакат ҳаётининг барча соҳаларини ислоҳ қилиш билан халқнинг маънавияти ва рухиятини янгилашнинг бирлиги қоидаси ўзининг ҳаётийлигини тўла-тўқис исботлади. Биз Шарқ цивилизацияси ва маданиятига мансублигимиз билан фахрланамиз. Шарқ цивилизацияси ва маданияти эса доимо халқни бўлғуси ўзгаришларга маънавий ва руҳий жиҳатдан тайёрлашга интилиб келган.

Фақат маънавий соғлом, кучли жамиятгина ислоҳотларга тайёр бўлиши мумкин. Халқимиз ўтиш даврининг қийинчиликларини муносиб равишида уддаламоқда. Ўзбекистон аҳолиси, барча фуқароларининг битмас-туганмас маънавий ва ахлокий улуғворлигини бутун дунё кўриб турибди. Шунинг учун ҳам хорижликлар бизга тенглик назари билан қараб ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилишга тайёр эканликларини билдируммоқдалар.

Бозор иқтисодиёти эзгу маънавий мақсадларни кўзлайдими? Ҳозир мана шу муҳим масалага тўла асос билан ижобий жавоб берса бўлади. Тобора кўпроқ кишиларимиз фойдали тадбиркорлик соҳасида ташаббус, омилкорлик, маҳорат кўрсатмоқдалар. Тобора кўпроқ ёшлар мусобака ва ракобатга асосланган эркин меҳнатда муваффақиятга эришиш учун зарур бўлган иқтисодий билимларни ва ишлаб чиқариш маҳоратини эгаллаб олишга интилмоқдалар.

Мамлакатимиз тадбиркорлари фойда олишга интилибгина қолмай, айни вақтда халқаро иқтисодий алоқаларда Ўзбекистоннинг обрў-эътиборини янада баланд кўтаришга ҳам ҳаракат қилмоқдалар.

Мулқдорлик ҳуқуки ва тадбиркорлик туйғуси мамлакат аҳолиси орасида тобора кенг ва чуқур ёйилмоқда, одамлар руҳияти ва феълатворида катта ўзгаришларга сабаб бўлмоқда. Тайёрга айёрлик ва ялқовлик майллари дарров бўлмаса-да, баъзан қийинчилик билан бўлса-да, барҳам топмоқда. Ўқимишлилик тушунчаси янги маъно касб этмоқда.

Иқтисодий жиҳатдан эркин меҳнатни тиклаш турмушимиизда аста-секин қайтадан қарор топаётган ахлоқий ҳолатдир. Аввало, ишбилармонлар, ўз истеъдоди билан тобора қадр-қиммати ошиб бораётган кишилар бу ҳолатни қайта тикламоқдалар. Бозор иқтисодиётига ўтиш босқичида ўғирлик, порахўрлик, муттаҳамлик ва бошқа Қайриахлоқий кирдикорлар билан боғлиқ бўлган турли муаммолар келиб чиқиши мумкинлиги равшан. Аммо бу иллатлар айrim кишиларнинг маънавий қашшоқлиги, жамият тақдирига бефарқлиги оқибатидир.

Биз ўзбек тилининг халқ ва давлат турмушидаги асосий аҳамияти ва ўрнини қайта тикладик, аммо Ўзбекистонда истиқомат қилувчи барча миллатларнинг тилларига ҳам хурмат билан қараймиз. Шу тариқа миллатнинг қадр-қиммати, мустақил давлатимизнинг қадр-қиммати қайта тикланди ва мустаҳкамланди. Ахборот технологиялари аспи бўлиб қоладиган XXI асрга мамлакатимиз фан, техника, иқтисодиёт соҳаларида ҳам, маориф, маданият, очик инсоний ўзаро алоқалар соҳасида ҳам ҳар томонлама мулоқотларни жуда фаол ривожлантириш учун яхши негизларга эга бўлган ҳолда киради.

Ўзбек халқининг бутун маданий дунёда маълум ва машхур бўлган Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Захириддин Мухаммад Бобур, Имом ал-Бухорий, ат-Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳмад Яссавий каби буюк аждодлари ижодий мероси ва ҳаёти жасоратини хурмат билан эсга олиш жамият турмушидаги одат ва миллий шоншараф манбаи бўлиб қолди. Уларнинг шарафига маҳобатли ҳайкаллар кўйилди, саройлар, мадрасалар ва мақбаралар қайта тикланди,

кўпгина шаҳарлар ва манзилгоҳлардаги майдонлар ҳамда кўчаларга уларнинг номлари берилди. Қадимий шаҳарларимиз яна жаҳон маданияти марказлари сифатида аҳамиятга эга бўлиб қолди, бу жойларда Шарқ ва ўарбнинг атоқли олимлари иштироқида йирик илмий анжуманлар ва машваратлар ўтказилмоқда.

Биз тарихимиз, маданиятимизни ўзимиз учун ва бутун дунё учун ҳам қайта тикляяпмиз. Бу якунни буюк ютуқ деб дадил айтиш мумкин.

Мамлакатимиз давлат мустақиллиги билан тараққиёт ва демократияга содиқлигини мустаҳкам уйғулаштириши туфайли дунё маданиятида катта обрў қозонмоқда. ЮНЕСКОнинг қарорига биноан Парижда буюк фалакиёт олими ва давлат арбоби Муҳаммад Тарагай Улуғбекнинг 600 йиллик юбилейи байрам қилинганлиги халқимизнинг инсоният цивилизациясига кўшган ҳиссасининг эътироф этилиши бўлди.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон олдида турган вазифаларни ҳамда уни ривожлантириш истиқболларини ҳисобга олиб, "Маънавият ва маърифат" жамоат Марказини тузиш тӯғрисида қарор қабул қилинганлиги эътиборга лойик. Ҳамма жойда унинг бўлимлари иш бошлаб юборди; тобора кўпроқ маҳаллалар, меҳнат жамоалари, ўқув юртлари, шаҳар ва қишлоқларнинг аҳолисини маънавий-маърифий ишга жалб этилмоқда. Китоб нашр қилиш ва оммавий ахборот воситалари саклаб қолинди ҳамда давлат томонидан қўллаб-қувватлаб турилибди. "Тафаккур" ойномасининг дастлабки, қизиқарли сонлари ўкувчилар қўлига етиб борди.

Илғор зиёлилар, олимлар, ёзувчилар, санъат ва маданият арбоблари, руҳонийлар ислоҳ қилиш сиёсатини астойдил ёқлаб чиқмоқдалар. Шу боисдан ҳам бизнинг маънавий ҳамда ақлий имкониятларимиз бекиёс мустаҳкамланди. Мамлакатда умуммиллий ақлий ва маданий макон вужудга келтирилмоқда. У қудратли жозиба кучига эга бўлиб, юртимизда яшаётган, янги уйимизни барпо этаётган барча кишиларни ирқи, миллати, диний эътиқоди ва сиёсий қарашларидан қатъи назар, инсонпарварлиги ва улуғворлиги, некбинлиги ва ишонч-эътиқоди билан ўзига мафтун қилмоқда.

Ўзбек халқининг миллий тутувлиги 130 дан ортиқ миллатни ўз

қадрдонлариdek бағрига олган юртимизда миллатлараро тутувликнинг энг муҳим шартидир. Мамлакатимиздаги мустақиллик, тинчлик ва барқарорлик фақат ўзбек халқи учунгина эмас, балки шу билан бир қаторда ўлкамизда яшовчи бошқа барча миллатларнинг вакиллари учун ҳам бебаҳо бойлик ҳисобланади. Тобора кўплаб кишилар ўз она тилида маълумот олиш, фарзандларини миллий руҳда тарбиялаш имкониятига эга бўлмоқдалар. Миллий маданият марказлари ҳам маданий ва маънавий уйғониш борасида фойдали иш қилмоқдалар. Айни маҳалда улар Ўзбекистонга нисбатан умумхалқ ватанпарварлик муносабатида бўлишнинг мустаҳкамланишига кўмаклашмоқдалар.

Хуқуқ ва иқтисодиёт барча учун тенг имкониятлар яратмоқда. Инсонийлик, яхшилик, меҳр-шафқатли ва ўзаро муносабатларда сабртоқатли бўлиш, азалдан ҳаммага маълум "ўзбекчилик"- ўзбекларнинг бир-бирларига ҳурматда бўлиши ва ҳамдардлиги эса инсонийлик ҳамда ишонч муҳитини вужудга келтирмоқда.

Умумбашарий қадриятларга интилиш билан бир қаторда, ҳаётимизда шарқ фалсафаси муносаби ўрин эгалламоқда. Биз мусулмончиликнинг улуғ маданий қадриятлари ҳукукини қайта тикладик. Бинобарин, қалбимиз бу бебаҳо хазинани чуқурроқ идрок қила боргани сайин, халқнинг ҳаёти маънавий жиҳатдан бойроқ ва ахлоқий жиҳатдан покизароқ бўла боради.

Ота-боболаримиз эътиқод қилиб келган ислом динининг инсон ва унинг оиласи ҳаётидаги, адаб-ахлоқ ва хайр-саховат ишидаги аҳамиятини юкори кўтариш давлатимизнинг дунёвий йўлдан ривожланиши ҳамда виждан эркинлиги билан уйғун тарзда қўшилиб кетмоқда.

Ўзбекистонда бутун жамият давлат мустақиллиги ва иқтисодий равнаққа эришишнинг олий мақсадлари теварагида маҳкам жипслашди. Бизда инсон манфаатларига хизмат қилувчи тинчлик ва тутувлик, барқарорлик ва яратувчилик хукм сурмоқда. Аҳолининг маънавий ва маданий талаблари, билим олишга, иқтисодиёт асосларини тушуниб етишга бўлган эҳтиёжи бениҳоя ошди. Халқ ўзининг маънавий эркинлигини, эътиқоди ва Қурурини химоя қила олди, порлоқ келажак йўлида янада улкан ишлар қилишга қодир

бўлиб қолди.

Яратувчиликнинг биринчи босқичи давомида бир қанча истиқболли шарт-шароитлар вужудга келтирилдики, улар ислоҳотларнинг янги босқичида мазмун жихатдан ўзини янада кўпроқ намоён қилмоғи лозим бўлади. Ҳозир таркиб топаётган умумхалқ миллий мустақиллик мафкурасини шундай кенг кўламли ҳодисалар жумласига киритмоқ лозим. Ўеч қандай мафкура давлат мафкураси даражасига кўтарилимаслиги керак - биз ўзимиз учун шундай хулоса чиқариб олдик.

Халқимизнинг асрлар оша яшаб келган анъаналари, урф одатлари, тили ва руҳи негизига қурилган миллий мустақиллик мафкураси умуминсоний қадриятлар билан маҳкам уйғунлашган ҳолда келажакка ишонч туйғусини одамлар қалби ва онгига етказиши, уларни Ватанга муҳаббат, инсонпарварлик руҳида тарбиялаши, ҳалолликни, мардлик ва сабр-бардошлиликни, адолат туйғусини, билим ва маърифатга интилишни тарбиялаш йўлида хизмат қилмоғи лозим. У давлат фуқароларининг буюк мақсад йўлида маънавий яқинлашувига кўмаклашмоғи керак.

Янги мафкуранинг асл маъноси эскича ақидалардан холи бўлган, мустақил ва янгича фикрловчи кишиларни тарбиялашдан иборатdir.

Жамият ислоҳотларнинг биринчи босқичидан цивилизациялашган, инсон сари йўналтирилган бозор иқтисодиётини маънавият, ахлоқийлик ва маданиятнинг мустаҳкам пойdevорига қуриш зарур деган хулоса чиқарди. Булар - Ўзбекистонда тинчлик, барқарорлик ва миллатлараро тотувликнинг ҳаётбахш манбаларидир. Улар энг катта бойлигимиз ҳисобланади. Биз уларни асраб-авайлаш, кўпайтириш, ана шу маънавий ҳазинадан мумкин қадар кўпроқ одамларни баҳраманд этиш нечоғли муҳим эканлигини яхши англаб етдик.

Файласуфлардан бири, маънавият - инсонийликка олиб борадиган йўлдир, деган экан. Бинобарин, мустақил Ўзбекистон бугунги кунда ўз келажагига худди шу йўлдан, эзгулик ва инсонийлик йўлидан одим ташламоқда.

1.10. ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ

БАРҚАРОЛИКНИНГ ТАЪМИЛANIШI - ИСЛОХОТЛАР БИРИНЧИ БОСҚИЧИННИНГ ЭНГ АСОСИЙ ЯКУНИ

Ислоҳотлар йўлининг изчилик билан амалга оширилиши иқтисодиётни қайта қуриш, уни эркинлаштириш ва жаҳон ҳамжамияти учун очиш соҳасида сезиларли натижалар берди. Хўжалик юритишнинг бозор механизмига ўтиш учун чинакам шартшароит яратилди.

Ислоҳотлар йўлидан аниқ мақсадни кўзлаб ва босқичма-босқич илгарилаб бориш кўп укладли иқтисодиёт негизларини, бозор инфраструктураси ҳамда валюта бозорини, шунингдек ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг бошқа энг муҳим жиҳатларини таркиб топтириш имконини берди. Бу эса, шакшубҳасиз, ислоҳотлар биринчи босқичининг энг муҳим якунидир. Бироқ бугина эмас.

Ислоҳ қилишнинг биринчи босқичи мақсадларини белгилаш чоғида иқтисодий танглилка барҳам бериш, иқтисодий ва молиявий барқарорликка эришиш вазифалари устувор йўналишлар жумласига киритилган эди. Биз бугунги кунда бу вазифа умуман муваффақиятли ҳал этилди, деб айтишга ҳақлимиз. Иқтисодиётдаги кучайиб бораётган пасайишни, етакчи, таркибий жиҳатдан ҳал қилувчи тармоқларда ишлаб чиқариш ҳажмининг камайишини тўхтатиб қолишига эришилди. Бюджетни ва пул муомаласини барқарорлаштиришга, пулнинг қадрсизланиши даражасини анча қисқартириш, аҳоли турмуш даражаси кескин пасайишининг олдини олишга муваффақ бўлинди.

Шуни рўй-рост айтиш керак - мустақилликни қўлга киритган Ўзбекистоннинг, республика аҳолисининг зиммасига 1991 йил охирлари ва 1992 йилда оғир ва жиддий синовлар тушди. Биз сиёсий ва давлат етуклиги, ўз тақдиримизни ўзимиз мустақил равишда ҳал қилиш қобилиятига эгалигимиз, ўз мустақиллигимизни, ўз озодлигимизни химоя қила олиш лаёқатига эгалигимиз бўйича имтиҳондан ўтдик.

СССР парчаланиб кетиши, анъанавий хўжалик алоқаларининг бузилиши билан республика молиявий ва стратегик жиҳатдан муҳим

хом ашё ресурсларининг ниҳоятда тақчиллиги исканжасида қолди. Бошқа минтақалар ва мамлакатлардан маҳсулот етказиб берилишига боғланиб қолган йирик корхоналаримиз тўхтаб қолиш арафасида турарди. Аҳолининг моддий аҳволи энг паст даражадалиги, озиқовқат маҳсулотлари, дори-дармонларнинг энг муҳим турларини четдан олиб келишга ортиқ даражада боғлиқ бўлиб қолинганлиги, структуравий ва нарх белгилаш соҳаларида чукур номутаносибликларнинг мавжудлиги аҳволни яна ҳам мушкуллаштирганди.

Биз иқтисодий ислоҳотлар ўтказиш соҳасида ўз стратегиямизни ишлаб чиқиб, уни амалга оширишга киришар эканмиз, Ўзбекистон дастлабки босқичда ҳам, Россия, Украина, Белорусса нисбатан ғоятда нокулай шароитда эканлигини холисона баҳолай олдик. Болтиқ бўйи мамлакатлари ҳақида эса гапирмаса ҳам бўларди. Аммо бундай аҳвол бизнинг иқтисодий ислоҳотларни муваффақиятли амалга оширишга бўлган ишончимизни сўндира олмади. Аксинча, бутун куч-Қайратимизни ва ички резервларимизни сафарбар қилишимизни талаб этди, ўткир ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни ҳал этишининг энг қулай йўлларини излашга мажбур қилди.

Эндиликда ҳар бир мамлакат ўзи ишлаб чиқсан ислоҳотлар стратегиясининг, уни амалга ошириш тамойилларининг тўғрилигини, ислоҳотларни амалга ошириш қандай бораётганини баҳолашига имкон берадиган етарлича вақт ўтди.

Бир карашда бунда кескин тафовутлар бўлиши мумкин эмасдек туюлади. МДҲ га кирган барча мамлакатлар бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик тамойилларига эга марказлаштирилган режа тизимидан бозор иқтисодиётига олиб борадиган йўлни босиб ўтишлари керак. Барча мамлакатларда бозор муносабатларини шакллантиришга қаратилган қонунлар қабул қилинди, тегишли суратда ташкилий тузилмалар вужудга келтирилди, иқтисодий бошқарувнинг бозор муассасалари ташкил қилинди, давлат мулкини хусусийлаштириш жараёни амалга оширилди. Бироқ ислоҳотнинг биринчи босқичи натижалари турлича бўлди.

Бунинг сабаби нимада?

Авваламбор ислоҳ қилиш йўлларини, тамойилларини танлашда.

МДҲ га кирган қўпгина мамлакатлар халқаро иқтисодий ва молиявий ташкилотларнинг берган тавсияларига амал қилиб, бозор йўлига ўтиш соҳасидаги ўз иқтисодий сиёсатининг марказига нархларни ва ташқи савдони тезроқ эркинлаштириш масалаларини қўйдилар.

Пулнинг қадрсизланишидан иборат тобора кучайиб бораётган муаммони ҳал қилишни эса амалда анчайин қаттиқўл пул-молия сиёсатини ўтказиш билан боғлиқ деб билдилар. Яъни макроиқтисодий бошқарувнинг соф монетар усувларини ўзларига асосий дастак қилиб олдилар. Бу усувлар яхши маълум - банклараро валюта савдо-сотифида Марказий банкларнинг валюта ташлашини кучайтириш эвазига бюджетдаги етишмовчиликни камайтириш, кредитга пул чиқаришни қисқартириб, миллий валютанинг амал қилишини барқарорлаштиришдан иборат. Бюджетдаги етишмовчиликни ўзига мақбул даражада сақлаб туриш учун давлат харажатларини тушаётган даромадларга мувофиқ ҳолга келтириш мақсадида уларни давлат фойдасига жиловлаб туриш сиёсати мунтазам равища олиб борилади.

Бунда ривожланган мамлакатларда яхши синалган монетар сиёsat усувлари МДҲ мамлакатлари иқтисодиётида ҳам улардаги каби натижага умид боғладилар. Бу ўринда ривожланган мамлакатларда монетар сиёсатни етарли даражада самарали қиласиган бозор иқтисодиёти тартиблари хали ўзларида амалда ўйқлиги эътиборга олинмади.

Шундан келиб чиқсан ҳолда пулнинг қадрсизланиши даражасини 1-3 фоизга қадар пасайтириш, бюджетдаги етишмовчиликни кескин қисқартиришни кўзда тутувчи макроиқтисодиётни барқарорлаштиришдан иборат баландпарвоз дастурлар ишлаб чиқилди. Чунончи, Россияда 1994 йил охирига келиб пулнинг қадрсизланиши кескин кучайди ва ойига 16 фоиздан ошди, бюджетдаги етишмовчилик ялпи ички маҳсулотга нисбатан 13 фоизни ташкил қилди, рублнинг қиймати тез тушиб бормоқда. Қирқизистонда саноат, қишлоқ хўжалиги, кишиларнинг моддий фаровонлиги ўз валютасини барқарорлаштириш йўлида курсон қилинди. Айтилганларнинг ҳаммаси қўйилган мақсадларга эришилмаганлигидан яққол далолат бериб турибди.

МДҲ га кирган қатор мамлакатларнинг тажрибаси ислоҳ қилишнинг илк босқичида қаттиққўллик билан ўтказилган пул-кредит сиёсати ўз ҳолиға фақат биргина самарага олиб келиши - ишлаб чиқариш кескин пасайиб кетиши мумкинлигини кўрсатди.

Ишлаб чиқариш ҳажмларининг камайишини, айниқса, саноатнинг асосий тармоқларида бу катта миқдорни ташкил қилишини МДҲ мамлакатлари халқ хўжалигидаги тангликнинг умумий, бизнинг назаримизда, энг хатарли кўриниши дейиш мумкин. Чунончи, Россияда сўнгги уч йил мобайнида ялпи ички маҳсулот 39 фоизга қисқарган. Украина - 40, Қозоғистонда - 43, Қирқизистонда - 48 фоизга камайган. Саноат ишлаб чиқариши ҳажми тегишли равишда Россияда - 44, Украина - 38, Қозоғистонда - 48 ва Қирқизистонда 58 фоиз камайиб кетди. Иктиносий ўсишнинг негизини ташкил қилувчи фан билан боғлиқ тармоқларда айниқса оғир ахвол юзага келди. Истеъмол молларини саноат йўли билан ишлаб чиқариш кескин қисқарди. Бу мамлакатларда саноатнинг издан чиқиш тенденцияси қўзга ташланмоқда. Қишлоқ хўжалиги, капитал курилиш ҳам жуда тез суръатлар билан пасайиб кетмоқда.

Шундай қилиб, ушбу мамлакатлар аҳолиси турмушини таъминлашнинг моддий, ижтимоий ва маънавий негизларининг бузилиш жараёни сезиларли даражада тезлашди. Улардан кўплари ўзида ҳатто оддий такрор ишлаб чиқаришни ҳам таъминлашга қодир эмас, бу ҳол иктиносидиётнинг амал қилишида умумий самарадорликнинг пасайишига, кўпгина корхоналарнинг тўхтаб қолишига, ишсизликнинг ўсишига сабаб бўлмоқда. Мехнат омилларигагина эмас, балки одамлар ўртасидаги муносабатларнинг анъанавий тизимиға ҳам путур етиб, шакли ўзгармоқда.

Бугунги кунда танглик чукурлашиб бораётганлигининг кўпгина сабаблари айтилмоқда. Улардан энг муҳимлари қуидагилардир.

Биринчидан, ана шу ислоҳотларнинг меъморлари ҳисобланганларнинг ўзлари эътироф этишларича, буларнинг барчаси бозорга ўтишга етарли даражада тайёргарлик кўрилмаганлигининг оқибати, халқаро экспертларнинг тавсиясига учиб, давлат монополиясидаги иктиносидиётда нархлар қўқисдан ва пухта ўйланмасдан, путурдан кетказадиган даражада

эркинлаштирилганлигининг натижасидир.

Бундай эркинлаштириш иқтисодиётни ислоҳ қилишдаги бошқа йўналишлардан - иқтисод таркибидаги ўзгаришлардан, институционал қайта тузишлардан, хусусийлаштириш жараёнларидан, энг асосийси эса аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг таъсирчан воситаларидан узилган ҳолда амалга оширилди.

Иккинчидан, макроиқтисодиётда амалга оширилган монетар сиёsat уни кичик доирада амалга оширишнинг айнан бир хил воситаларига эга эмасди. Шу боисдан таклифни кенгайтириш ўрнига, талабни чеклашга кўпроқ эътибор берилди. Натижада, қарзни тўламаслик ҳоллари кўпайди ва ишлаб чиқариш кескин даражада пасайиб кетди. Бунда фақат пулнинг қадрсизланишини камайтириш иқтисодиётни соғломлаштириш аломати бўла олмаслигини назардан қочириб қўйилди.

Учинчидан, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг пасайиши узоққа чўзилганлиги ва тобора кучайланлигининг бош сабаби, қайта қуриш раҳбарларининг ўзлари эътироф қилишларича, иқтисодий жараёнларга давлатнинг таъсири бўшаштириб юборилганлигига, ҳамма даражаларда ва хўжалик фаолиятининг барча соҳаларида давлат ва меҳнат интизомининг ҳаддан ташқари паст даражада эканлигидадир.

Тўртинчидан, аҳолини ижтимоий қўллаб-куватлаш ва ҳимоя қилиш юзасидан амалий тадбирлар қабул қилишга аслида эътибор берилмади. Уларнинг ижтимоий таянчи амалда ислоҳотлардан узуб қўйилди. Устига-устак, пулнинг қадрсизланишини сунъий тарзда бир даражада ушлаб туришнинг гоҳо инсон ҳуқуқлари бузилишигача олиб борадиган Қайритабии усусларидан (иш хақи, нафақалар ва бошқа тўловларни узоқ вақт тўламаслик) фойдаланиш муқаррар суратда ижтимоий оқибатларга, ижтимоий портлашларга олиб келиши мумкин.

Ҳамдўстликдаги қатор давлатлардан фарқли равища Ўзбекистонда ишлаб чиқаришнинг ялпи таназзули, аҳоли турмуш даражасининг кескин пасайиши рўй бермади. Биз собиқ Совет Иттифоқи парчаланиб кетганидан кейин бошқа минтақаларни чулғаб олган иқтисодий ва сиёсий тартибсизликларни четлаб ўта олдик.

Қолаверса, республикада ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иктисодий барқарорлик, барча ижтимоий кучларнинг амалга оширилаётган йўлни қўллаб-қувватлаш учун жипслашуви мустаҳкам сақланиб турибди.

Бу ўзаро келишилган иктиносидий ва ижтимоий сиёсатнинг амалга оширилиши ҳисобига таъминланмоқдаки, у иктиносидиётни ва жамиятнинг барқарорлигини издан чиқаришга йўл қўймаяпти, иктиносидиётни бошқаришнинг давлат механизмини саклаш, мураккаб ўтиш даврида кишиларнинг манфаатларини ишончли тарзда ҳимоя қилиш имконини бераётир.

Танлаб олинган иктиносидий ислоҳотлар йўлига амал қилиш, бозор муносабатларини давлат томонидан тартибга солиш механизмини босқичма-босқич, қадам-бақадам сайғаллаб бориши, иктиносидиётни эркинлаштириш ва ахолини ижтимоий қўллаб-куватлаш макроиктиносидий кўрсаткичлар ёмонлашиб борувининг олдини маълум даражада олиш имконини берди.

Макроиктиносидий барқарорлик соҳасида ишлаб чиқариш суръатларининг пасайишини секинлаштиришга мойиллик кўзга ташланди, айrim кўрсаткичлар бўйича эса ўсишга эришилди. 1994 йилда ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулот 96,5 фоизни, ҳосил қилинган миллий даромад эса - 92,6 фоизни ташкил этди.

Ялпи ички маҳсулотнинг камайиши ҳоллари асосан таркибий ўзгаришлар, шунингдек айrim тармоқларда - бинокорлик материаллари саноатида, химия, металлургия саноатида, тракторсозлик ва қишлоқ хўжалиги машинасозлигига, курилиш ва бошқа тармоқлар маҳсулотига нисбатан талабнинг қисқариши туфайли ишлаб чиқаришнинг пасайиши оқибатида содир бўлди.

Ишлаб чиқариш бирмунча пасайланлигини даврий ҳодисалар жумласига киритиш мумкин бўлиб, бу одатда 5 фоиздан 15 фоизгacha бўлган микдорни ташкил қиласи ва тузилмаларга уларни издан чиқарадиган даражада жиддий таъсир кўрсатмайди. Аксинча, бундай пасайиш мукаррар, чунки у авваламбор ишлаб чиқариш таркибининг қайта тузилиши, янги хўжалик механизмининг шакллантирилиши билан боғлиқ.

1994 йилда республикада саноат маҳсулоти ҳажми 1993 йилги

даражага нисбатан 101 фоизни ташкил қилди. Саноатда муайян ижобий таркибий ўзгаришлар кўзга ташланди. Етакчи асосий тармоқларнинг барқарор ривожланиб бориши ҳисобига республиканинг ёқилиғи-энергетика мустақиллигини таъминловчи, пировард маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва ахоли эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган ишлаб чиқаришларнинг салмоғи ортди. Ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида пировард истеъмол маҳсулотларининг улуши 35,2 фоизга қадар ўсади.

Агар собиқ Иттифоқда ҳосил қилинадиган энергия ресурсларининг асосий қисми ўз улушига тўғри келадиган МДҲ мамлакатларида кейинги йилларда ишлаб чиқаришнинг доимий пасайиши кузатилган бўлса, масалан, нефть қазиб олиш биргина 1994 йилнинг ўзида Россияда 10 фоиз ва Қозоғистонда 12 фоиз камайган, табиий газ қазиб чиқариш Россияда 2 фоиз, Туркманистонда 45 фоиз пасайган бўлса, Ўзбекистонда уларни қазиб чиқариш муттасил ўсиб бормоқда. Кейинги йиллар мобайнида республикада нефть ва газ конденсати қазиб олиш икки баравар, биргина 1994 йилнинг ўзида 40 фоиз ортди. Табиий газ ишлаб чиқариш эса 1994 йилда 5 фоиз кўпайди.

Авваллари биз четдан тўрт миллион тонна нефть сотиб олардик. Эндиликда уни ўзимизда қазиб олиш ҳисобига четдан харид қилиш ҳажми йилдан-йилга камайиб бормоқда. 1995 йилда у 750 минг тоннани ташкил қиласди. Биз келгуси икки-уч йил ичida Фалла мустақиллигига ҳам шу тариқа эришишимиз лозим. Бу факат иқтисодий вазифагина эмас, балки катта сиёсий вазифа ҳамдир.

Умумиттифоқ бюджетидан маблағ тушиши тўхтаб қолганлигига ва амалда ишлаб чиқариш ҳажми камайганлигига қарамай, биз молиявий аҳволнинг барқарорлигини таъминлай олдиқ, амалда давлат сарф-харажатларини чеклашга эришиб, республикада давлат бюджетида етишмовчиликнинг ўсишига йўл қўймадик. Бунинг учун қатъий молиявий ва солиқ сиёсати ўтказилди.

Бир неча йилдан буён давлат бюджетидаги етишмовчилик ялпи ички маҳсулотнинг 4 фоизидан паст даражада бўлиб келмоқда. Бюджетдан маблағ ажратиш ойма-ой амалга оширилди ва бу факат тушган маблағлар доирасида бўлди.

Қайта молиявий таъминлаш ставкалари 40 фоиздан 225 фоизга қадар оширилди, банкларнинг резерв маблағлари 10-30 фоизга қадар кўпайтирилди, кредит ва нақд пул эмиссияси кескин камайтирилди.

Ишлаб чиқаришнинг моддий ҳажмлари ўсиб боришига қараб иш хақи фондини тартибга солиб боришининг жорий қилиниши, ахолининг шахсий ҳисоб рақамлари бўйича депозит ставкаларининг оширилиши пул массаси ортиб боришининг секинлашувига олиб келди. Биргина 1994 йил давомида унинг ўсиши 1,7 баравар камайди.

Пул эмиссиясининг олдини олиш дастури амалга оширилиши натижасида нақд пулларнинг ҳаракатсизлик даражаси 1994 йилнинг биринчи ярмида ўрта ҳисобда 30 фоизни ташкил қилган бўлса, 1995 йил бошларига келиб 17 фоизга қадар камайди. Шу билан бир вақтда республика ички истеъмол бозорини тўлдириш, етакчи тармоқлар ва корхоналарнинг узлуксиз ишлаши, уларнинг бозор шароитларига тезроқ мослашиши учун қўшимча маблағ ва ресурслар қидириб топилди.

Ислоҳотларнинг ilk босқичи давомидаги умуниқтисодий вазият нархларни эркинлаштиришнинг кучли таъсири остида кечди. 1994 йил охирига келиб эркин бозор нархларига ўтиш жараёни асосан ниҳоясига етди. Деярли барча турдаги саноат маҳсулотларига, озиқовқат ва ноозик-овқат молларига эркин шартнома нархлари белгиланди. 1995 йилда пулнинг пинҳоний қадрсизланишига сабаб бўлиши мумкин бўлган омилларга барҳам берилди.

Пулнинг қадрсизланишига қарши таъсирчан чоралар кўрилганлиги 1994 йилнинг иккинчи ярмида пул қадрсизланишининг ўртача ойлик даражасини 31,7 фоиздан 15,1 фоизга қадар камайтириш имконини берди, муомаладаги пулнинг айланиш тезлиги эса уч баравар ошди. Иккинчи ярим йилда пулнинг қадрсизланиш даражаси пасайишига миллий валютанинг муомалага чиқарилганлиги кучли таъсир килди.

Нархларнинг эркинлаштирилиши шароитида пулнинг қадрсизланиши даражасининг пасайиши ўтказилаётган иқтисодий сиёсатнинг яққол ва салмоқли натижаси дейиш мумкин. Пулнинг қадрсизланишига қарши кураш бобида қўлга киритилган ютуқларни мустаҳкамлаш яқин келажакдаги энг муҳим вазифалардан биридир.

Агар ҳозирга қадар нархлар бир неча марта оширилганлиги эътиборга олинадиган бўлса, бу вазифа айниқса муҳим эканлиги ўз-ўзидан аён бўлади.

Муассасалар ва тизимларни қайта тузишнинг асосий ислоҳотчиси бўлмиш давлатнинг пухта ўйлаб амалга ошираётган бошқарувчилик сиёсати Ўзбекистонда нисбатан иқтисодий барқарорликка эришишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди.

Ҳозирги кунда МДҲдаги кўпгина мамлакатларда бизнинг янгиланиш ва тараққиёт йўлимизни ғоят дикқат билан кузатиб бормоқдалар, ислоҳотларни, аҳолини ижтимоий ҳимоялашга йўналтирилган кучли тадбирлар билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ўтказиш усулини чуқур ўрганмоқдалар. Белорусда ҳам, Украинада ҳам бизнинг ислоҳ қилиш соҳасида орттирган тажрибамиздан кенгроқ фойдаланиш истаги йўқ эмас.

Шу билан бирга босиб ўтилган босқичдан баъзи сабоқлар ҳам чиқардикки, бозор иқтисодиёти сари бундан буён қиласидан харакатимизда уларни ҳисобга олиш зарур.

1. Ўзини ўзи бошқариш шароити ҳали яратилмаган бир вақтда, ташки иқтисодий алоқалар чекланган бир шароитда, талаб ва таклифнинг ҳамда маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг эркин рақобатчилиги таъсири остида иқтисодиётнинг давлат йўли билан бошқарилишидан кенг кўламда воз кечиш нархлар анча ошиб, пулнинг қадрсизланиши кучайишига имкон туғдиради.

2. Ўтиш даврида аҳоли даромадларини давлат йўли билан тартибга солишининг бирон-бир шаклларидан воз кечиш уларнинг иқтисодий шароитларга номувофиқ ҳолда кўпайишига ёрдам беради, даромадларни моллар билан қоплашда номутаносибликни келтириб чиқаради, бундай ҳол пулнинг қадрсизланиш жараёнини, яна ҳам кўпроқ кучайиради.

3. Қатъий солик сиёсати, биринчи галда маҳсулот ишлаб чиқарувчиларга нисбатан бундай солик сиёсатини ўтказиш давлат бюджетидаги этишмовчиликка барҳам беришни таъминламайди ва шу билан бир вақтда маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг инвестиция борасидаги имкониятларини камайтиради, пулнинг қадрсизланиши жараёнининг давом этиши эса ишлаб чиқарувчиларни ўzlари олган

соғ маҳсулотнинг каттагина қисмидан истеъмол учун фойдаланишга мажбур этади.

4. Ишлаб чиқариш тузилмалари юқори даражада монополиялашганлигича қолмоқда, рақобатчилик мухити яратилишига халал бермоқда.

5. Ўзаро манфаатли ташқи иқтисодий алоқалар ўрнатмай ва уларни ривожлантирумай, хорижий шериклар билан ишлаб чиқариш кооперациясига уюшмай туриб, иқтисодиётда барқарорликка эришиб бўлмайди.

6. Иқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини айниқса саноатнинг асосий тармоқларида қўллаб-қувватлаш, бунинг учун ҳам ички, ҳам ташқи инвестиция ресурсларини жалб этиш ниҳоятда мухим.

Қабул қилинаётган қарорларнинг натижаларини доимий равишда кузатиб бориш ва иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг асосий йўналишларини амалга ошириш усулларига йўл-йўлакай тегишли тузатишлар киритиш орқали барча марказий иқтисодий идораларнинг ишини бир-бирига мувофиқлаштириш зарурлиги англаб етилганлиги биринчи босқич берган мухим сабоқ бўлди.

Иқтисодий барқарорликка эришиш билан бирга аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тадбирлари кўрилганлиги республикада барқарор ижтимоий-сиёсий вазиятни таъминлаш имконини берди.

Туб ўзгаришларнинг бошланғич босқичида асосий озиқ-овқат маҳсулотлари ва ноозик-овқат молларини истеъмол қилиш кескин камайишининг, оммавий ишсизлик пайдо бўлишининг олдини олишга, ижтимоий соҳалар - соғлиқни сақлаш, таълим, фан ва маданият тармоқлари доимий ишлашини таъминлашга муваффақ бўлинди.

Амалда вужудга келган шарт-шароитлардан, этник-психологик андозалардан келиб чиқилган ҳолда қишлоқ аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, улар шахсий томорқа ерларида ҳамда тез кенгайиб бораётган дәхқон (фермер) хўжаликларида иш билан банд бўлишлари учун қулай шарт-шароит яратиб бериш муаммоларига алоҳида эътибор берилди.

Натижада жамиятнинг кескин ижтимоий табақаланишига йўл

кўймасликка муваффақ бўлинди, акс ҳолда бу муқаррар равиша жамиятда ижтимоий кескинликнинг ортишига олиб келган ва, бунинг оқибати ўлароқ, Россия, Украина, Белорусдагига ўхшаган сиёсий тангликлар келтириб чиқарган бўлур эди.

Иккинчи томондан, ислоҳотлар йўлини изчиллик билан амалга ошириш учун ижтимоий шарт-шароитлар вужудга келтирилди.

Ижтимоий қўллаб-қувватлаш Ўзбекистоннинг мустақиллигини ўрнатиш ва мустаҳкамлаш, миллий ўзлигини англашни тиклаш, тил ва миллий анъаналарни сақлаб қолиш ҳамда ривожлантириш, шу ерда яшаб турган бошқа миллатларга мансуб кишиларнинг ижтимоий хукуқлари ва кафолатларини таъминлаш, жамият маънавиятини ривожлантиришга йўналтирилган сиёсий тадбирлар мажмуи билан биргаликда амалга оширилди.

Кўп миллатли жамиятимизда ижтимоий-сиёсий барқарорлик, фуқаролар ўртасида тинчлик ва миллатлараро тотувлик сақланганлиги мустақил Ўзбекистоннинг бунёд бўлиши ва ривожланишининг биринчи, бошланғич босқичида қўлга киритилган энг асосий ютуқ бўлди.

Мустақил Ўзбекистоннинг сиёсий хусусияти унинг барқарорлигига, турли сиёсий оқимларнинг ижобий тарзда ўзаро ҳамжиҳат бўлиб ҳаракат қилишида, синфий, ижтимоий ва диний белгиларига қараб бир-бирига қарама-карши турган турли сиёсий гуруҳларга бўлинишнинг йўқлигига намоён бўлмоқда. Баъзи бирорлар чинакам демократия сиёсий тўқнашувларда туғилади, деб ўйлашади - бу хилдаги фикрларни эшитиб, лол қоласан киши. Ҳатто оддий мулоҳазадан ҳам шу нарса равшан: носоғлом онадан соғлом бола туғилмайди.

Республикада жаҳоннинг илғор тажрибасига ҳамда ўз ватанимиз тажрибасига, ҳалқнинг маънавий дунёсига ва умум томонидан тан олинган инсон хукукларига тўла мувофиқ келадиган ижтимоий-сиёсий тизим барпо қилинмоқда. Биз тоталитар якка партиявийлик тизимидан, ижтимоий сиёsat давлат монополиясидан бутунлай возкечдик.

Ислоҳотчи-давлат мамлакат сиёсий ҳаётининг хилма-хил томонларига ёрдам бераётir. Сиёсий кўп партиявийлик йўлидан

дастлабки қадамлар қўйилди, бу Асосий Қонун - Конституцияда мустаҳкамланган бўлиб, унинг асосида илк бор олий ҳокимиёт органи - Олий Мажлисга сайловлар бўлиб ўтди.

Бизнинг жамиятимиз демократик қурилишнинг яна бир мураккаб вазифасини шараф билан уddeлади. Ҳукуқий ва фуқаролик етуклиги, ижтимоий-сиёсий барқарорликнинг янги, янада юқорироқ поғонасига кўтарилди.

Яна шуни ҳам унутмаслигимиз керакки, халқимиз асрлар давомида маҳалла йигинлари, оқсоқоллар кенгашлари орқали жамоатчилик фикрини аниқлашнинг ҳамда бирдамлик кўрсатишнинг ўзига хос усувларини шакллантириб келган. Маҳалла ҳамда фахрийлар соғлом жамоатчилик фикрига эга бўлишда энг катта куч ҳисобланади. Фуқароларнинг маҳаллий ўзини ўзи бошқарувига қонун асосида берилган ҳукуқ ва эркинликлардан фойдаланиш барқарорликни мустаҳкамлашга, давлат ишларини аҳолининг эҳтиёжлари, кайфиятлари билан мувофиқ ҳолда олиб боришга самарали таъсир кўрсатмоқда.

Ўтган давр мобайнода энг муҳим сиёсий сабоқ ўзлаштириб олинди. Бизда иқтисодий жихатдан мустақил фуқаролар нечоғли кўп бўлса, қонуний-ҳукуқий демократия ҳамда етук сиёсий муносабатлар учун шунча мустаҳкам шарт-шароит юзага келади.

Барқарорлик, тинчлик, тотувлик - булар давлатчилигимизнинг янги биноси барпо қилинадиган пойdevордир. Бу бизнинг эртанги порлоқ кунимизга олиб борадиган йўлдир.

Ҳаёт, Ўзбекистон мустақил ривожланиб борган дастлабки йиллар тажрибаси босиб ўтилган йўлдан қуидаги хulosаларни чиқаришимизга имкон беради:

Биринчидан, жамиядта амалга оширилаётган ўзгаришлар нечоғли теран, мураккаб ва кенг кўламли бўлса, барқарорлик, тинчлик ва унинг аъзолари ўртасида тотувлик шунча мустаҳкам бўлиши керак. Миллий мансублиги, дини, сиёсий эътиқодидан қатъи назар, барча кишиларнинг бир-бирига қарама-карши бориши эмас, балки жисплашиши зарур. Яхши қўшничилик ва ўзаро хурмат - бизга оталаримиз ва боболаримиздан мерос бўлиб қолган, халқимизнинг миллий рухи, маънавий дунёсининг моҳиятини ташкил қилувчи ана

шу азалий ҳақиқатлар жамиятимиз равнақининг асосий негизи ва гаровидир.

Иккинчидан, сиёсат, иқтисодиёт, ижтимоий соҳадаги ҳар қандай, энг катта ўзгаришлар ҳам яратувчилик аҳамиятига эга бўлмоғи лозим. Энг асосийси - олдин ўтган авлодларнинг меҳнати, пешона тери ва қони эвазига вужудга келтирилган барча нарсаларни бузиш эмас, балки сақлай билишдир. Жамият биносини асосларигача обдон бузиш билан уни обод қилиб бўлмайди.

Учинчидан, сиёсий декларациялар, баландпарвоз гаплар, шиорлар ва фаровон келажак ҳақиқатлар эмас, балки бозор муносабатларига йўл очиб берувчи хукуқий меъёрларни ишлаб чиқиш устида кун сайин тер тўкиб ишлаш керак. Қабул қилинган қарорларни изчиллик билан амалга ошира бориш, кишиларнинг турмуш шароитини яхшилаш лозим. Республикаиз миллий ва ижтимоий тараққиёт йўлидан олға бориши учун олдинда турган аниқ вазифаларни амалда ҳал этиш зарур - ахолининг барча қатламлари, бутун ҳалқ ҳокимият ва бошқарув органларидан шуни кутмоқда ҳамда талаф этмоқда. Бундай ишончни оқлашдан ҳам кўра олий хизмат йўқ. Бундай ишончни пучга чиқаришдан кўра оғирроқ гуноҳ ҳам йўқ.

Ниҳоят, тўртингидан, жамият ва ҳалқни экстремистлардан, сиёсий бузғунчилардан асраб-авайлаш, душманлик ва қарама-қаршилик уругини сочишга ҳар қандай уринишларнинг пайини қирқиши керак. Биз тинчлик, тотувлик, ўзаро ёрдам орқали ҳар қандай қийинчилликларни енгигб ўтамиш.

Тинчлик, хотиржамлик ва тотувлик — булар ҳаётбахши чашмалар бўлиб, ҳозирги кунда ҳаёт кечираётганларда, уларнинг фарзандлари ва авлодларида эртанги кунга, порлоқ ва баҳтили-саодатли келажакка умид ва ишонч уйғотади. Тинчлик ва барқарорлик — булар ҳалқаро ҳамжамият билан бирлаштирувчи воситадир. Инсонпарварлик, яхшилик, соғдиллик сингари умуминсоний қадриятларни қабул қилган ва биргаликда баҳам кўрган мамлакатгина, ҳалқгина бутун дунё ҳалқларига яқин ва тушунарли бўлиши, жаҳон ҳамжамиятига қабул қилинishi мумкин. Фақат улар билан тенг ҳуқуқли, ўзаро манфаатли муносабатлар ўрнатилиши мумкин.

Фақат тиячлик ва хотиржамлик шароитидагина жамиятни, бутун иқтисодиётни изчиллик билан, оқилона, босқичма-босқич қайтадан қуриш мумкин.

Ислоҳ қилишининг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий томонлари ўзаро боғлиқ бўлиб, бир бутунни ташкил қилиши бизнинг янгиланиш ва тараққиёт йўлимизнинг энг муҳим ютуғи, биз ишлаб чиқсан бозор иқтисодиётига ўтиш моделининг амалда рӯёбга чиқишидир. Бинобарин, биз ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий барқарорликни мана шу йўлнинг стратегик якуни деб биламиш.

2 - қ и с м

ИҚТІСОДИЙ ИСЛОХОТЛАР ИККИНЧИ БОСҚИЧИННИҢ ВАЗИФАЛАРИ ВА УСТУВОР ЙҰНАЛИШЛАРИ

Биз республикада вужудға келған вазиятта ҳақиқиүй баҳо берар эканмиз, Ўзбекистон ўз давлатчилик-сиёсий ва иқтисодий қурилишида сифат жиҳатидан янги босқичға қадам қўйганлигини алоҳида таъкидлашга ҳақдимиз.

Ислоҳ қилишининг биринчи босқичи натижалари шундан яққол далолат бериб турибдики, Ўзбекистоннинг кўп миллатли халқи манфаатлари, миллий анъаналари ва маънавиятига мос келадиган сиёсий ва давлат тизимларини вужудға келтириш бобида дастлабки салмоқли қадамлар қўйилди.

Ижтимоий-сиёсий барқарорлик, фуқаролар ўртасида тинчлик ва миллатлараро тотувлик шароитида янги иқтисодий муносабатларга, энг аввало бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган мулкчилик муносабатларига асос солинди. Иқтисодиётнинг давлатта қарашли бўлмаган, хусусий сектори тобора кучга тўлиб бормоқда ва ўзига берилган ҳуқуқлари ила тобора кўпроқ мустаҳкамланмоқда. Бошқарув таркибида ва хўжалик юритиш усулларида туб ўзгаришлар содир бўлди. Улар корхоналарнинг иқтисодий мустақиллигига эркинлик берди, ташаббускорлик ва омилкорликни ривожлантириши рафбатлантироқда.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодий танглилка, ишлаб чиқаришнинг пасайишига барҳам бериш, иқтисодиётдаги таркибий бузилишларни тўғрилаш муаммоларини ҳал этиш соҳасида анча илгарилаб кетди. Иқтисодий ва ташкилий шарт-шароитлар вужудға келтирилди ва миллий валюта — "сўм" муомалага чиқарилди. Молия, солиқ ва пул-кредит тизимлари қатъян такомиллаштирилди. Пул эмиссиясининг олдини олишни бошқариш ва пулнинг қадрсизланиш даражасини пасайтиришга қаратилган таъ-

сирчан чоралар амалга оширилди. Ижтимоий ёрдам беришнинг қатъиян янги тизими вужудга келтирилиб, у ўтиш даврида аҳолининг, айниқса ижтимоий жиҳатдан яхши ҳимояланмаган қатламлари ва болали оиласларининг мағфаатларини ишончли тарзда ҳимоя қилди, ишсизлик кучайишнинг олдини олди.

Иқтисодиётда ва ижтимоий соҳада юз берган туб ўзгаришлар унинг ўз тараққиётида кейинги, сифат жиҳатдан янги босқичга ўта бошлиши учун мустаҳкам шарт-шароит ҳозирлади.

Биз ўтиш давомида ҳал қилиниши лозим бўлган вазифаларнинг ғоят кенг кўламлилиги ва теранлиги ислоҳотлар жараёнини босқичма-босқич амалга ошириб бориши зарурлигини белгилаб берганлигини бир неча бор таъкидлаб ўтган эдик. Биз ишлаб чиққан ислоҳотлар стратегияси — иқтисодиётни бошқа ҳолатга ўтказиш ва бозор муносабатларига ўтишнинг умумий мағкурасидир. Шу билан бирга ҳар бир босқичнинг ўз стратегик мақсадлари ва устувор йўналишлари белгилаб олинади. Иқтисодий сиёсатни амалга оширишнинг тегишли шакл ва усулларини, уни амалга оширишнинг аниқ омиллари ва воситаларини ишлаб чиқишини талаб этувчи ўзига хос аниқ йўл-йўриқлар шакллантирилади.

Бизнинг бозорга ўтиш йўлимизнинг фарқ қилувчи хусусияти ҳам худди ана шунда бўлиб, бунда бир босқич охирига етгач, зарур шарт-шароитлар вужудга келтирилиши билан тараққиётнинг янги босқичига, янги поғонасига изчиллик билан ўтилади. Ҳар бир босқичнинг муддати майян чегара билан белгиланмайди, улар мутлақо турлича бўлиши мумкин, аммо ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар кўламига боғлиқ бўлади.

Ҳозир республика жамиятни ислоҳ қилишнинг наебатдаги босқичига изчил суратда қадам қўйди. Иккинчи босқич — бу қонуниятли ва бизнинг бош стратегиямиздан мантиқан келиб чиқадиган тараққиёт ва янгиланиш йўлидан олга томон илгарилаб бориши давридир. Бу жамиятимиз иқтисодий ва ижтимоий ҳаётининг ҳамма томонларини ислоҳ қилиш жараёнини кенг қамраб олиш давридир. Бу янада чуқур таркибий ва ташкилий ўзгаришлар, етук бозор муносабатларини ва ишлаб

чиқариш воситаларининг ҳақиқий мулкдорлари қатламини шакллантириш давридир.

Иккинчи босқич бозор тизимларининг шаклланиши тутгалланадиган давр бўлиб, солиқ, молия ва пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштиришни, бутун ташки иқтисодий фаолиятни эркинлаштиришни кўзда тутади. У ёш давлатимизнинг иқтисодий тизимини мустаҳкамлашга, иқтисодий мустақилликка эришишга ҳамда миллӣӣ валютанинг муомаласи ва ички алмашинуви барқарорлигиня таъминлашга йўналтирилган. Бу шундан кейинги босқичларда инвестиция фаолиятини кучайтириш, чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва шунинг негизида иқтисодий ўсишлини таъминлаш ҳамда жаҳон иқтисодий тизимига кенг миқёсда қўшилиш, унда ўз мавқеларини мустаҳкамлаш учун мустаҳкам негиз яратиладиган давридир.

Иқтисодий ислоҳотларнинг иккинчи босқичи мақсад-муддаоларидан келиб чиқсан ҳолда куч-ғайратларимиз ва ресурсларимизни сафарбар этишимиз керак бўлган асосий вазифалар орасида қўйидагиларни алоҳида кўрсатиб ўтмоқ лозим.

Биринчи ва, эҳтимолки, асосий вазифа давлат мулкларини хусусийлаштириш соҳасида бошланган ишни охирига етказишдан иборат.

Бу ишнинг асосий моҳияти мулкларни чинакам мулкдорлар қўлига топширишни тезлаштиришдан, уларнинг эгаларида ҳақиқий хўжайинлик туйғусини шакллантиришдан иборат.

Давлат мулкини хусусийлаштириш, тадбиркорлик фаолиятини кенг қўллаб-қувватлаш, кичик хусусий корхоналар ташкил қилишни рағбатлантириш ҳисобига ижтимоий ишлаб чиқаришда давлатга қарашли бўлмаган секторнинг улушибини анча ошириш зарур.

Ислоҳ қилишнинг ҳозирги босқичидаги иккинчи энг муҳим вазифа — ишлаб чиқаришнинг пасайишига барҳам бериш ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, ҳам корхоналар, тармоқларнинг, ҳам умуман давлатнинг иқтисодий ва молиявий барқарорлигига эришишдан иборат.

Бу эса ишлаб чиқаришни барқарорлаштириш ва юқсалтириш учун қулай шарт-шароитлар яратишни, ишлаб

чиқариш фаолиятини рағбатлантиришни назарда тутаси, Шу нарсани аниқ-равшан англаб олиш зарур — ўз ишлаб чиқаришимизни тиклаб олмай ва иқтисодиётни юксалтири-май туриб, цивилизациялашган бозор сари амалда илга-рилаб бориш, ўз мустақиллигини, суверенитетини иқти-содий жиҳатдан ҳимоя қилиб қолиш, Ўзбекистоннинг кўн миллионли аҳолиси учун ишончли ижтимоий кафолагт-ларни вужудга келтириш ва муносиб турмуш даражасини таъминлаш мумкин эмас.

Учинчи муҳим вазифа — миллий валюта — сўмни яна ҳам мустаҳкамлашдан иборат.

Иқтисодиёт барқарорлигининг ўзига хос кўрсаткичи, белгиланган ислоҳотларни муваффақиятли амалга оши-ришнинг асосий мезони бўлган ўз валютамизни мус-таҳкамлаш мамлакатимизда амалга оширилаётган иқти-содий ислоҳотларнинггина эмас, балки ижтимоий исло-ҳотларнинг ҳам энг устувор йўналишидир. Қачон миллий валюта кучли ва обрўли бўлса, иқтисодиёт ўшандагина мустаҳкам бўлади.

Унинг конвертациясига, қатъий валюталарга эркин суратда алмаштирилишига бутун чоралар билан эришмоқ лозим. Бунга эса пулнинг қадрсизланишига қарши таъ-сирчан чораларни амалга ошириш, ўзимиизда истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳамда ички бозорни шундай моллар билан тўлдириш, корхоналар-нинг четга мол чиқаришини кенгайтириш ҳисобига валюта захираларини мустаҳкамлаш йўли билан эриши-лади.

Тўргинчи стратегик вазифа — иқтисодиётимиз струк-турасини тубдан ўзгартириш, ҳом ашё етказиб беришдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш, унинг сифатини ва рақобатга бардошлилигини жаҳон бозори талаблари даражасига етказишдан иборат.

Бунда таркибий ўзгаришларда республика учун энг асосий ҳисобланган тармоқларни, жумладан ёқилги-энер-гетика ва галла комплексларини ривожлантиришда иқти-содий мустақилликни таъминлаш назарда тутилиши ло-зим. Шунингдек, бу ўзгаришлар республика иқтисодиёти учун устувор ҳисобланган, бой табиий, минерал-ҳом ашё, меҳнат ресурсларига асосланган ҳамда истиқболда халқаро ва давлатлараро меҳнат тақсимотида, жаҳон бозорида

Ўзбекистоннинг мустаҳкам ўрин эгаллашини кафолатловчи ишлаб чиқаришларни илдам суръатлар билан ўстиришга қаратилиши лозим. Иқтисодиёт таркибини тубдан ўзгартирмай туриб чинакам мустақилликка эришиб бўлмайди.

Жаҳон талаблари даражасидаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кенгайтириш, уларнинг рақобатга бардошлигини ошириш муҳим вазифа ҳисобланади. Бунинг учун корхоналарни замонавий илғор технология, энг янги ускуналар, айниқса кичик ва ўрта корхоналар учун мўлжалланган ихчам ускуналар билан жиҳозлаш талаб қилинади. Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида мазкур масалага ғоятда катта аҳамият берилиб, қисқа муддат ичida ички бозорни тўлдириш учун керакли маҳсулотларни ишлаб чиқарадиган кичик, ихчам технологияларни жорий қилиш концепциясини ва миллӣ дастурини ишлаб чиқиш зарурлиги ғояси илгари сурилди. Бундай дастурнинг ишлаб чиқилиши ва амалга оширила бошланиши — иқтисодий ислоҳотлар иккинчи босқичининг устувор вазифасидир.

Биз шуни аниқ-равшан тушуниб олмоғимиз керакки, корхоналарни энг янги технологиялар ва ускуналар билан жиҳозлашга, ходимларнинг малакасини оширишга кўмаклашишга ва миллӣ ишчи ходимларга эга бўлишга интилгандағина, ишлаб чиқаришни бошқаришни ташкил этишнинг замонавий, жаҳон даражасига мос келадиган усулларини жорий эттандагина, рақобатга бардошли маҳсулот ишлаб чиқаришни ривожлантиришни рагбатлантириб ва уни сотиш учун бозор толғандагина давлатимизнинг тараққий этишини таъминлай оламиз, баҳтсаодатга эришамиз.

Ўтиш даврининг иккинчи босқичида аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий ҳимоялашни кучайтириш, уларга тегишли ёрдам кўрсатиш борасида илгари тутилган йўл давом эттирилиши керак. Бу бизнинг устувор йўналишимиздир. Ислоҳотлар давомида кишилар ўз меҳнат ва ақлий имкониятларини амалга оширишлари, қилған меҳнатларига муносаб ҳақ олишлари учун Конституцияда кўзда тутилган тенг ижтимоий кафолатлар ва имкониятларни таъминлаш зарур. Ташаббускорлик ва омилкорлик бутун чоралар билан

рағбатлантирилиши лозим. Ҳақиқатан ёрдамга муҳтоҷ аҳолини аниқлаб, шунга қараб уларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга ўтиш жараёнини кучайтириш зарур. Бунда айрим кишиларнинг тайёрга айёллик қайфиятидан тезроқ ҳалос бўлишларида ёрдам бериш муҳим аҳамиятга эга. Айтилганларнинг барчаси пировард натижада одамларнинг дунёқарашини ўзгартириш, уларда бозор муносабатлари руҳиятини шакллантириш зарурлигини назарда тутади.

Бизларнинг ҳаммамиз бир нарсани яхши англаб олмоғимиз керак. Ҳаёт ривожланаверади, вазият ўзгараверади — демак, биз янгича ёндашувларни, ноанъянавий счимларни излаб тоғмоғимиз лозим. Иқтисодий ислоҳотлар иккинчи босқичининг моҳияти ҳамда талаби ана шундан иборат.

**2. 1. ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ
ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА РАҶОБАТЧИЛИК МУҲИТИНИ
ШАКЛЛАНТИРИШ — ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР ИККИНЧИ
БОСҚИЧИННИГ АСОСИЙ ВАЗИФАСИ**

Иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг стратегик мақсадларидан келиб чиқкан ҳолда иккинчи босқичда давлат мулкини хусусийлаштириш ва ижтимоий йўналтирилган кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш юзасидан бошланган иш давом эттирилади. Бу иккинчи босқичнинг устувор вазифасидир. Биз давлат мулкини дастлабки хусусийлаштиришни туталлаш, чинакам мулкдорлар қатламини шакллантириш, уларни ҳақиқий мулк эгаси қилиш, давлатга қарашли бўлмаган сектор ҳукмрон мавқени эгаллайдиган ижтимоий ишлаб чиқариш таркибини тубдан ўзгартириш вазифасини ўз олдимизга қўймоқдамиз.

Айни вақтда хусусийлаштириш жараёнини иқтисодий ислоҳотларнинг бирдан-бир мақсади деб қарамаслик керак. Хусусийлаштириш бизга тоталитар, давлат тўла ҳукмрон бўлган тизимдан мерос қолган иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги барча иллатларни даволай оладиган бирдан-бир дори эмас. Шу сабабли хусусийлаштириш жараёнининг ўзини мутлақлаштирумаслик, қанча корхона қанча муддат ичida ўзининг мулк шаклини ўзгартирганлигини унинг асосий натижаси деб қарамаслик керак. Бу юзаки, жуда жўн ёндашув бўлур эди.

Иқтисодий муносабатларнинг бутун тизимини тубдан ўзгартирувчи, жуда катта, чинакам ислоҳ қилиш қудратига эга, мураккаб ҳисобланган хусусийлаштириш жараёнини сингил-елпи давлат тасарруфидан чиқариш кампаниясига айлантириш ислоҳотларни чуқурлаштиришга ёрдам бермайди. Балки, аксинча, хусусий мулкчиликка, шахсий меҳнат ташаббускорлигига асосланган ишлаб чиқаришнинг иқтисодий афзаллиги тўғрисидаги ғоянинг ўзини обрўсизлантиради. Биз бошқа мамлакатлар тажрибасидан жадаллик билан олиб борилган оммавий хусусийлаштириш иқтисодиётни жонлантиришда амалда кутилган натижаларни бермаганлигини кўрсатувчи талай мисолларни биламиз. Устига-устак, у етарли тайёргарлик кўрмасдан ўтказилди. Хусусийлаштирилган даврда корхоналарни қўллаб-қувватлашнинг таъсиричан механизми вужудга келтирилмади. Оқибатда, иқтисодий танглик чуқурлашиб кетди. Давлат тасарруфидан чиқарилган корхоналардан кўплари синиш даражасига келди. Ишсизлар оммаси кўпайди, кишиларнинг мулкий ва ижтимоий табақаланиши кучайди. Бу хилда хусусийлаштириш ишловчи аҳолининг катта қисми орасида ижтимоий таянчга эга бўлолмаганлиги, балки порахўрлик, жиноий тил биритиришлар маъбай бўлиб қолганлиги ажабланарли ҳол эмас.

Биз шу нарсани аниқ-равшан англаб олишимиз керакки, хусусийлаштириш иқтисодий ислоҳот натижаси бўлмай, унинг йўналишларидан бири, уни амалга оширишнинг энг муҳим йўлларидандир. Хусусийлаштириш натижасида камида иккита асосий вазифа ҳал қилиниши керак.

Биринчидан, бизнинг иктиёrimиздаги мулк ўзининг ҳақиқий хўжайинига эга бўлиши керак. Мулкни ҳақиқий хўжайинлари қўлига толшириш, тадбиркорлик фаолияти олиб боришлари учун уларга кенг имкониятлар бериш — ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг асосий мазмунин ана шундан иборат.

Шуни таъкидлашни истардимки, бу ерда гап мулкдорни шунчаки алмаштириш — давлатни жамоа, акционер, хусусий мулкдор билан алмаштириш ҳақида бораётгани йўқ. Бу ерда гап мулкни тежаб-тергаб, ишнинг кўзини билган ҳолда тасарруф қила оладиган мулкдорга бериш ҳақида бормоқда. Бу ерда гап ўзига теккан мулкни

шамолга совурмасдан ёки шахсий бойлик ортириш манбагта айлантириб юбормасдан, балки ана шу мулкни кўпайтира биладиган, техника билан қайта жиҳозлайдиган ва замон талабларига мувофиқ такомиллаштира оладиган, унинг негизида рақобатга бардоили маҳсулот чиқаришни йўлга қўя оладиган мулкдор ҳақида бораёттир. Шунингдек, иш билан банд бўлмаган аҳолини иш ўринлари билан таъминлайдиган, ўзига ҳам, ишловчиларга ҳам, давлатга ҳам даромад келтирадиган ишлаб чиқаришни ташкил қила оладиган мулкдор ҳақида бораёттир.

Бунга эса давлат мулки янги мулкдорга текинга берилмасдан, балки унга сотилган тақдирдагина Эришиш мумкин. Шу нарса яхши маълумки, текин нарса чинакамига қадрланмайди ҳам, эҳтиёт қилинмайди ҳам. Шу сабабли биз бундан буён ҳам хусусийлаштиришни пул тўлаш асосида, уни бунёд қилишга илгари сарфланган харажатларни қоплаш асосида ўтказиш тартибини қўллайверамиз. Бунинг учун хусусийлаштиришнинг акциялаш, обьектларни танлов бўйича ва ким ошди савдосига қўйиб сотиш каби усуllibаридан кенг фойдалана-вемиз.

Ҳақиқий хўжайин туйғусини ҳис этишнинг афзаллиги нимада ва бу амалда қандай мағфаат беради? Авваламбор иқтисодий муносабатларнинг хусусияти тубдан ўзгаради. Ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва кенгайтиришга маъмурий-буйруқбозлик йўли билан мажбур этиш учун зарурат қолмайди. Ҳақиқий ишлаб чиқарувчи эркинликка чиқмоқда, юқоридан бериладиган буйруқ билан ишлашдан халос бўлмоқда. Хусусий тадбиркорлик билан бошқарувнинг буйруқбозлик-кўрсатма бериш принципи асло сигишолмайди. Ишлаб чиқарувчини сифат жиҳатдан янги рағбатлар ва ташабbusлар, ўз фаолияти натижаларини амалда ҳис этиш туйғуси ҳаракатга келтиради, иқтисодий жавобгарлик ҳам кучайтирилади.

Ўзини мулкдор, мулк хўжайини, ўз меҳнатининг ва ишлаб чиқарган маҳсулотининг хўжайини деб ҳис этиш инсоннинг яширин куч-ғайратини юзага чиқаради. Унинг ақлий ва ижодий имкониятларини, ташкилотчилик қобилиятларини намоён этади, уни ташабbusкор ва омилкор қиласиди. Ҳақиқий хўжайин раҳбарлик қилаётган корхона-

нинг ривожланиш истиқболлари ҳамиша ёрқин ва аниқравшан, ишлаб чиқариш самарадорлиги ҳаммадан кўра юқори, оладиган фойдаси ҳам, ходимларнинг иш ҳақи ҳам анча юқори. Бизда ҳақиқий, мустақил мулкдорлар қанча кўп бўлса, барча кишиларнинг ўз меҳнатлари эвазига юқори иш ҳақи олишларига имкон берадиган иқтисодий шарт-шароитни шунча тез вужудга келтирамиз.

Хусусийлаштириш давомида ҳал қилинадиган иккинчи муҳим вазифа — кўп укладли иқтисодиётни ва рағбатлантирувчи рақобатчилик муҳитини вужудга келтиришдан иборат.

Рақобатчилик муҳитини вужудга келтиришда хусусийлаштиришнинг иштироки турличадир. Энг аввало, бу мулкнинг давлат монополияси эканлигига барҳам бериш ва фаолиятнинг шунга ўхшаш турлари билан шуғулланувчи ёки бир хил маҳсулот ишлаб чиқарувчи, хизмат кўрсатувчи, аммо мулкчиликнинг турли шаклларига — давлат, жамоа, акциядорлик, хусусий ва бошқа шаклларига асосланган кўлдан-кўп корхоналар ташкил қилишдан иборат. Хусусийлаштириш айрим корхоналар ва фаолиятнинг бутун бир соҳаларига нисбатан мавжуд яккаҳокимликни тугатиш, эркин иқтисодиёт ва рақобатчилик муҳитини вужудга келтириш учун шароит яратиш имконини беради. Ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги, хом ашё ва материаллар, сармоя бозори, ўз маҳсулотини сотадиган бозор учун иқтисодий беллашув юзага келади.

Мулкчилик шаклларидан қатъи назар, корхоналар учун қонун йўли билан вужудга келтириладиган тенг иқтисодий шароитлар доирасида ишлаб чиқаришнинг у ёки бу шаклларининг афзалликларини холисона баҳолаш имкониятлари пайдо бўлади. Мулкчилик шакллари турлича бўлган корхоналар ўртасидаги рақобатчилик кураши уларни ишлаб чиқаришни бошқаришнинг ички ташкилий тизимларини такомиллаштиришга, техника билан қайта қуроллантиришга, фан ва техника соҳасидаги янги ютуқларни қўллашга мойил бўлишга, кам сарф-харажат қилиган ҳолда янада юқори сифатли ва энг арzon нархда маҳсулот ишлаб чиқаришга ундаиди. Пировард натижада бу иқтисодий ва илмий-техникавий тараққиётнинг қудратли воситаси бўлниб хизмат қиласди.

Хусусийлаштириш жараённанда фақат мулкчилик шаклары ўзгарибина қолмайды. Шу билан бирга, эңт муҳими, яғона халқ күжалиги комплекси шароитида таркиб топған тор ихтисослашган тармоқ монополия тузилмаларига ҳам барҳам бериш имконияти туғилади. Шуни назарда тутиш керакки, хусусийлаштириш өнгіда республика бозорида муҳим роль ўйнайдыган айрим ишлаб чиқарыштар ва корхоналарнинг яккағокимлик мавқесі сақланиб қолғанда соладиган хавф давлат корхонаси бўлиб қолганида соладиган хавфга нисбатан каттароқ бўлади.

Монополия қилиб олинган, давлатга қарашли бўлмаган корхоналар давлатнинг бевосита назоратидан чиқиб, ўтиш даврида барча ишлаб чиқарыш чиқимларини қоплашга ва монополия имкониятидан фойдаланиб, нархларни кўтариш ҳисобига юқори иш ҳақи тўланишини таъминлашга интилоқдалар. Бу эса пулнинг қадрсизланиши ортиб бориши сабабларидан биридир. Шу боисдан монополиялаштирилган тузилмаларни хусусийлаштириш өнгіда, технология цикли имкон берган жойларда, ишлаб чиқарышнинг ўзини нисбатан ихчамлаштириш, уни яккағокимлиқдан чиқариш чораларини кўриш зарур. Ўзгаришга анча мойил, ихчам ишлаб чиқарыштар, одатда, бозор талабларига тезроқ ва яхшироқ мослашади. Уларни қайта қуришга йўналтирилган инвестициялар ва маблағлар анча қисқа муддатда қолланади. Хусусийлаштирилиши чекланган корхоналар сонини қисқартириб, уларни энг кам даражага келтириш зарур. Бунда монополияга қарши бошқарув чораларини кучайтириш, монополия туфайли ортиқча олинган фойдага солиқ солишда ўсиб борувчи ставкаларни жорий қилиш талаб этилади.

Зарур ҳолларда ишлаб чиқариш структурасини диверсификациялаш хусусийлаштиришнинг давлат тасарруфидан чиқарилган корхоналарнинг рақобатга бардошлилигини таъминловчи энг муҳим томони ҳисобланади. Илгари хусусийлаштирилган корхоналардан маълум давр давомида аввалги фаолияти соҳасини сақлаб қолишилари талаб қилинар эди. Энди бундай чеклашлар бекор қилинди. Бу эса мулкчилик шакларини ўзгартыриш билан бир вақтда чиқарилаётган маҳсулот таркибини ҳам тубдан ўзгартыриш, талаб катта бўлган, ичкиси ва ташқи бозор-

ларда рақобатлаша оладиган маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун янги имкониятлар очади.

Хусусийлаштирилгандан кейинги даврда корхоналарнинг барқарорлигини таъминлаш мақсадида уларнинг молиявий имкониятларига баҳо бериш керак. Бозор талабларини ҳисобга олган ҳолда, ишлаб чиқариш таркибини қайта қуриш лозим. Бунда корхоналарни техникавий, технологик ва ташкилий-иқтисодий жиҳатдан қайта ўзгартириш лойиҳаларини ишлаб чиқиши назарда тутиш зарур.

Давлатта қарашли бўлмаган ва янгидан дунёга келаётган тузилмаларни ривожлантиришга фаол ёрдам кўрсатиш ҳам рақобатчилик муҳитини вужудга келтиришга, бозор муносабатларини янада ривожлантиришга кўмаклашмоғи лозим. Хусусийлаштириш иқтисодиётнинг давлатга қарашли бўлмаган секторини шакллантиришининг ягона йўли эмас. Ташаббускорлик тариқасида якка тартибдаги хусусий мулкчиликка асосланган, шунингдек турли хил кооперативлар, ширкатлар, масъулияти чекланган жамиятлар кўриннишидаги янги кичик ва ўрта корхоналарни ташкил қилиш — иккинчи қудратли жараён ҳисобланади. Бозор муносабатлари ривожланган мамлакатларда барча корхоналарнинг ярмидан кўпроғи мана шундай кичик корхоналарнинг улушига тўғри келади.

Бу ҳар бир кишига ўз ишини ташкил қилишда ўзини синааб кўришга, истеъодини ва бор имкониятларини намоён қилишига имкон берувчи ғоятда муҳим манбадир. Бу манба шарофати билан катта сармоя сарф қилмасдан ҳам жуда кўп миқдорда ишчи ўринларини вужудга келтириш, шаҳарларда ҳам, шунингдек қишлоқ жойларда ҳам аҳолининг иш билан бандлиги муаммосини ҳал этиш мумкин. Ихчам технология ускуналари билан жиҳозланган кичик корхоналарни ривожлантириш ҳисобига қисқа муддат ичida рақобатга бардошли маҳсулот ишлаб чиқаришни авж олдириш, бу билан ички бозорни тўлдириш мумкин. Натижада бугунги кунда йирик, ихтисослаштирилган ишлаб чиқариш корхоналари етказиб бера олмайдиган товарларни тайёрлаб, бутун тақрор ишлаб чиқариш циклидаги бўш жойларни тўлдириш имкони яратилади.

Шунинг учун ҳам давлат кичик ишлаб чиқаришларни ривожлантиришга бутун чоралар билан ёрдам кўрсатиши

керак. Бунинг учун уларни ташкил қилиш ва рўйхатдан ўтказиш тартибини мумкин қадар соддалашибириш, улар учун энг имтиёзли солиқ тизимини вужудга келтириши даркор. Шунингдек уларнинг кредитлар ва моддий ресурслардан фойдаланишлари учун кенг имконият тұғдириси, тадбиркорлик ва ташқи иқтисодий фаолият юритишида уларга әркинлик бериш лозим. Давлат тасарруфидан чиқсан кичик корхоналар қонун орқали ва давлат ижроия ҳокимиятининг бутун кучи билан қаттиқ ҳимоя қилиниши даркор. Биз иқтисодиёттинг барча соҳаларида кичик бизнесни ривожлантириш ва уни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг яхлит дастурини ишлаб чиқишимиз ва асосан иккинчи босқичдаёқ амалга ошира бошлайшимиз зарур.

Биз кичик бизнесга, хусусий тадбиркорликка нисбатан республикамизни иқтисодий жиҳатдан жадал ривожлантиришни таъминлайдиган омил деб қарамогимиз лозим.

Айни шу хусусий сектор энг ҳаракатчан, энг ташаббускордир. Агар хусусий секторнинг ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар яратиб берилса, у иқтисодиётимизни тангликдан олиб чиқишига қодир локомотив бўлиб хизмат қиласи. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг асосий қисмини хусусий, давлатга қараашли бўлмаган сектор берадиган бўлган тақдирдагина иқтисодиёт ҳақиқий әркинлик олди ва ўз келажагига эга бўлди, деб дадил айтиш мумкин бўлади.

Табиийки, иқтисодиёттинг давлат корхоналари сақлашиб қолиши керак бўлган бошқа соҳалари ҳам мавжуд. Франция, Япония, Италия ҳамда бозор иқтисодиёти ривожланган бошқа мамлакатларнинг тажрибаси давлат сектори бозор шароитида ҳам сезиларли роль ўйнайверишидан далолат беради. Аслини олганда, давлат секторининг роли сезилмайдиган мамлакат йўқ деса бўлади.

Бинобарин, биз хусусийлаштириш дастурини ишлаб чиқар эканмиз, бир томондан, хусусийлаштирилмайдиган корхоналар доирасини аниқ-равшан белгилаб олишимиз, бунда уларни жiddий суратда камайтириш йўлидан борищимиз зарур. Иккинчи томондан, мазкур корхоналар учун уларнинг бозор шароитларига таркибан мослашувига имкон берадиган хўжалик юритиши механизмини ишлаб

чиқиш талаб қилинади. Давлат корхоналари иқтисодий жиҳатдан иложи борича эркин бўлиши зарур. Уларнинг фаолияти эса тижоратлаштирилган бўлиши лозим. Улар мулкчилик шаклига кўра давлат корхоналари бўлиб қолишлиари даркор. Айни вақтда, хўжалик юритиш механизми, фойдани тақсимлаш ва моддий рағбатлантириш шартларига кўра давлатга қарашли бўлмаган корхоналардан кам фарқ қилишлиари керак. Аксинча, республика учун принципиал янги ишлаб чиқариш турларини барпо этиш билан боғлиқ соҳалар учун муайян имтиёзлар берилиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Бу бозорни қайта ўзгартириш соҳасида биз ўтказаётган йўлга асло зид келмайди. Қолаверса, у республиканинг иқтисодий ва миллий мустақиллигини мустаҳкамлашга йўналтирилгандир.

Ишлаб чиқилган, хусусийлаштириш жараёнининг негизини ташкил қилувчи принципиал қоидалардан келиб чиқиб ҳамда ортирилган тажрибани ҳисобга олиб:

— хусусийлаштириш миқёслирини кенгайтириш ҳамда ана шу жараёнга амалда иқтисодиётнинг барча тармоқлари ва соҳаларидағи ўрта ва йирик корхоналарни киритиш;

— яккаҳокум ишлаб чиқариш-хўжалик тузилмаларини ихчамлаштириш ва улар учун рақобатли бозор муҳитини яратиш;

— республика аҳолисининг кенг қатламлари, хорижий юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкни давлат тасарруфидан чиқаришда қатнашувини таъминлайдиган хусусийлаштириш механизмини такомиллаштириш;

— давлат тасарруфидан чиқарилган корхоналар хусусийлаштирилгандан кейинги даврда уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш;

— қимматли қоғозлар ва кўчмас мулкнинг росмана бозорини вужудга келтириш республикада давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштиришнинг асосий мақсадлари саналади.

Танлаб олинган мақсадларга мувофиқ қўйидагилар хусусийлаштириш жараёнини янада ривожлантириш ва чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари бўлиши лозим:

Биринчидан, бундан бўён ҳам давлат корхоналарини мулкчиликнинг бошқа шаклларига ўтказиш маҳсус ишлаб

чиқилган тармоқ ва минтақавий хусусийлаштириш дис-
тури асосида амалга оширилиши керак.

Республикада 1995 йилда салкам 2 мингга обьектни хусусийлаштиришни таъминлаш бўйича дастурлар ишлаб чиқилган ва амалга оширилмоқда. Шундан таҳминан ярми — тармоқ дастурлари бўйича, қолганилари маҳаллий дастурлар бўйича хусусийлаштирилади. Шу жумладан, бу иш саноат, қурилиш, транспорт ва алоқада, агро-саноат комплексида, шунингдек ижтимоий соҳада ва фаолиятнинг бошқа соҳаларида амалга оширилади.

Иккинчи босқичда саноатнинг асосий тармоқлари: ёқилиғи-энергетика, кон саноати, машинасозлик ва пахтани қайта ишлаш комплексларида давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жарабёни кенг тус олади. Чунончи, "Ўзбекнефтгаз" корпорацияси тизимида 1995 йилда 11 обьектни, Энергетика вазирилигида — 17, "Ўзмашсаноат" ассоциациясида 22 обьектни давлат тасарруфидан чиқариш назарда тутилади. Иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида ҳам хусусийлаштириш кенг кўламда амалга оширилади.

Транспорт корхоналарини, шу жумладан автобус ва таксомотор паркларини ҳам, транспорт воситаларини хусусий мулк қилиб сотиш орқали давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жарабёни давом этади.

Бухоро, Самарқанд, Хива, Тошкент шаҳарларидағи саёҳатчиларга хизмат қилувчи комплексларни тендер асосида сотиш, акциядорлик жамиятлари қилиб қайта ташкил этиш, хорижий шериклар иштирокида корхоналар ташкил қилиш йўли билан уларни хусусийлаштиришга катта эътибор берилади.

Иккинчидан, хусусийлаштириш бўйича барча ишларнинг маркази тармоқ, умумреспублика даражасидан ҳудудий даражага кўчирилади. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастурларининг амалга оширилиши учун ҳудудий идораларнинг мақомини ошириш, улар ҳуқуқларини кенгайтириш ва жавобгарлигини кучайтириш зарур.

Учинчидан, йирик ва ўрта корхоналарни кенг кўламда акциядорликка ўтказиш, уларнинг негизида очиқ ҳиссадорлик жамиятлари тузиш хусусийлаштиришнинг

асосий йўналиши бўлмоғи лозим. Шу билан бирга илгари тузилган ёпиқ турдаги акциядорлик жамиятлари очиқ турдаги жамиятлар қилиб қайта тузилиши керак.

Акциядорликка ўтиш жараёни республика аҳолисининг кенг қатламлари учун, шунингдек хорижий жисмоний ва юридик шахслар учун очиқ бўлиши лозим. Ўз маблағларининг бир қисмини йирик корхоналарнинг акцияларига қўйишни истаган ҳар бир киши шундай имкониятга эга бўлиши керак. Бунинг учун қимматли қоғозларнинг очиқ савдосини ўтказиб туриш, фонд биржасининг фаолиятини кенгайтириш, инвестиция компаниялари, инвестиция фонdlари, клиринг ва агентлик тармоқларини ташкил қилиш орқали қимматли қоғозлар бозори инфраструктурасини вужудга келтириш зарур. Ҳар бир корхонанинг акциядорликка ўтиш жараёни очиқ ва ошкора бўлиши даркор. Акцияларни жойлаштириш шартларини ва улар бўйича дивидендларни тўлаш тартибини аҳоли орасида кенг тушунтириш зарур.

Тўртинчидан, хусусийлаштириш ишининг муваффақияти у қишлоқда қандай ўтказилаётганига кўп жиҳатдан боғлиқ. Дехқон хўжаликларини керагича ташкил қилиш ва уларнинг барқарор ишлаши учун шароит яратиш — шу куннинг муҳим вазифасидир. Бунинг учун дехқон хўжаликларини ривожлантиришнинг давлат инвестиция дастурини ишлаб чиқиши керак. Бу дастурда қишлоқ хўжалигида хорижий инвесторларнинг қатнашиши, ер дехқонларга умрбод фойдаланиш учун берилиши кўзда тутилиши зарур.

Хусусийлаштириш учун ва хусусийлаштирилган савдо ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари фойдаланиши учун ер участкалари сотишини кенгайтириш, ишхоналар, тураржойлар, кичик корхоналар, дўконлар ва хизмат кўрсатиш объектлари қуриш учун ер участкалари сотиши керак. Қишлоқ хўжалиги ерларини мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан умрбод фойдаланишга бериш бўйича ким ошди савдолари ва танловларни тез-тез ўтказиб туриш лозим.

Ўтган даврда ер участкаларини оммавий суратда сотиши ишини бошлишга муваффақ бўлинмади. Ривожланган мамлакатларнинг тажрибаси ер бозорисиз бозор хўжалиги бўлиши мумкин эмаслигини кўрсатади. Ким ҳам ўзига

қарашли бўлмаган ерда мустаҳкам уй, кичик корхона қуради, дейсиз? Биз одамларни ер билан таъмин этмай туриб, уларда келажакка ишонч туйгусини уйғота олмаймиз, уларнинг меҳнатлари самарасидан фарзандлари ва набиралари фойдаланишлари мумкинлигига ишонч туғдира олмаймиз.

Иккинчи босқичда хусусийлаштириш механизмининг ўзини янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилиши керак. Аҳолининг хусусийлаштиришда қатнашадиган қисми кўпайиб боришини таъминлайдиган оммавий тарзда хусусийлаштириш механизмини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш, унинг қимматли қофозлар бозорига кириши учун кенг имкониятлар очиб бериш зарур. Хусусийлаштирилаётган корхоналар барча акцияларининг ярмидан кўпроғи эркин сотувга қўйилиши керак.

Хусусийлаштиришнинг бевосита хорижий инвестициялар ва технологияларни жалб этишни рағбатлантира оладиган механизмини ишлаб чиқиш лозим. Бунинг учун тендерлар ва ким ошди савдолари, маҳсус инвестициялар савдо-сотиги, турли хил танловларни ўтказиш механизмини такомиллаштириш ва уларни кенг суратда ўтказиш зарур. Танловлар ва ким ошди савдолари ислоҳотларининг иккинчи босқичида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ҳамда хусусийлаштиришнинг энг асосий усули бўлиши лозим.

Фонд биржаси ва кўчмас мулк биржаси фаолиятини янада ривожлантириш зарур. Давлат тасарруфидан чиқариш суръатлари жадаллаштирилиши, очиқ турдаги акциядорлар жамиятлари тузилиши билан улар олдида сифат жиҳатидан янги истиқболлар очилди. Кўчмас мулк ва қимматли қофозлар билан савдо қилувчи бирламчи бозорларни ташкил қилган ҳолда асосий эътибор иккиламчи бозорларни яратиш ва ривожлантиришга қаратилиши лозим. Айни шу иккиламчи бозорлар давлат мулки ҳисобланган акциялар ва пайлар улушкини кескин камайтиришга, зарар келтирадиган ва банкротта учраган корхоналарни тугатишга, қимматли қофозларнинг табиий ҳаракати ва айланишига, уларнинг қадр-қиммати ошишига имкон туғдириши керак.

Иккинчи босқичда хусусийлаштирилган корхоналарнинг унумли ишлаши учун зарур шарт-шароитлар яра-

тишга, тадбиркорликни фаол құллаб-құвватлашга алоқида зытибор берилиши лозим. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш натижасыда олинган маблаглардан биринчи галда янги хусусийлаштирилған корхоналарни құллаб-құвватлаш мақсадыда фойдаланиш керак. Бундан ташқари, бу маблагларни әңг күп самара берадиган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга, фан билан боғлиқ ишлаб чиқаришларни ривожлантиришга сарфлаш даражор. Шүншіндег, үларни хусусийлаштирилған көрхоналарни бозордаги талабға мувофиқ равища маҳсулот ишлаб чиқаришга қайта ихтисослаштиришга йүналтириш мақсадға мувофиқдир.

Хусусийлаштириш жарайнини чуқурлаштириш ва рақобатчилик мұхитини вужудға келтириш юзасидан белгиланған тадбирларнинг амалга оширилиши бозор иқтисодиётини таркиб топтириш йўлида олға томон яна бир амалий қадам ташлашимизга имкон беради.

2.2. МАКРОИҚТИСОДИЁТНИ БАРҚАРОРЛАШТИРИШГА ЭРИШИШ — ИҚТИСОДИЙ ИСЛОХОТЛАРНИНГ ҲОЗИРГИ ДАВРДАГИ СТРАТЕГИЯСИ УСТУВОР ВАЗИФАСИДИР

Иқтисодий ислохотларнинг янги босқичида иқтисодий молиявий барқарорлық таркибий ўзgartиришлар, иқтисодиётни жонлантириш, сүнгра уни бир маромда, муов занатни сақлаган ҳолда ривожлантиришнинг асосий шарти сифатида биринчи даражали аҳамият касб этади. Иқтисодиётни барқарорлаштириш — бозорни шакллантириш йўлидаги қонуниятли ва муқаррар жараён. У әнг аввало танглик ҳодисаларига барҳам беришга қаратилған. Барқарорлаштирувчи чора-тадбирларнинг самарадорлиги биз иқтисодий танглик ва барқарорлық тушунчасига қандай маъно беришимишга, үларни қандай идрок қилишишимишга, қайси мезонларга кўра баҳолашимишга кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Бизни бир неча ўн йиллар давомида бизда иқтисодий тангликларга ўрин йўқ, танглик капиталистик тузумнинг иллатидир, дея тарбиялаб, ана шундай ақидаларни онгимизга сингдириб келдилар. Социализм шароитида

ишлаб чиқариш муносабатлари ишлаб чиқарувчи күчларнинг гуркураб ўсишидан орқада қоладиган, натижада маълум номутаносибликлар келиб чиқадиган вазиятлар содир бўлиши мумкин, дедилар. "Доно" Давлат План қўмитаси, ундан юқорироқда эса партия Марказқўми қатъий иродаларини ишга солиб, маъмурий йўл билан, режа-директив қарорлар тизими орқали ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиш даражаси билан ишлаб чиқариш муносабатларининг хусусияти ўртасида сунъий мувозанатни тикларди.

Ҳақиқатан ана шундай ҳодисалар мавжуд тизимнинг иллатлилигини белгилаб беради. Бунда ишлаб чиқарувчи кучлар билан ишлаб чиқариш муносабатлари даражаси ўртасида мувофиқлик бўлишига иқтисодий қонуллар орқали эришилмасди. Балки сунъий тарздаги қарорлар, қўшимча моддий сарф-харажатлар, мутаносиблиқ ҳақида ёлғон тасаввур ҳосил қилиш учун қўшимча маблағ йўналтириш орқали эришиларди.

Пировард натижада ишлаб чиқаришни ҳар қандай йўл билан бўлса-да ўстириш қуруқ мақсадга айланиб қолди. У талаб бўлмаганлиги сабабли, сотиш учун бозор топилмаган, ҳеч кимга кераги йўқ маҳсулот ишлаб чиқаришга ундарди. Давлат, социалистик тузум шароитида ишлаб чиқарилган ҳар қанақа маҳсулот ижтимоий жиҳатдан фойдалидир, деган сунъий тасаввур ҳосил қилиб, бу билан ишлаб чиқарувчиларнинг иқтисодий масъулиятсизлигини келтириб чиқарарди, ишлаб чиқаришда ортиқча сарф-харажат кўпайиб кетишига сабаб бўларди. Иқтисодиёт ўзини ўзи ютувчи кучга айланиб қолганди. Шунинг натижасида моддий ва хом ашё ресурсларининг етишмаслиги энг ўткир муаммога айланди. Бу ресурсларни экстенсив ривожлентириш табиий ресурсларнинг тугаб битишига, шунингдек улардан самарали фойдаланилмаслигига олиб келди.

Ҳақиқатда эса бундай танглик ҳолатлари, танглик юз беришидан олдинги кутиш кучли, огоҳлантирувчи сигнал, туртки бўлувчи воситадир. У бутунлай инқирозга учрашга чап бериш учун ишлаб чиқариш ва чиқарилаётган маҳсулот таркибини ўзгартириш юзасидан олдини олиш чора-тадбирларини кўришга ундейди. Ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришга ҳаракат қилиш-

га, маҳсулотнинг сифати ва истеъмол хоссаларини яхшилашга, унинг рақобатга бардошлилигини оширишга мажбур қиласди. Ишлаб чиқаришнинг чуқур тангликка йўлиқишини четлаб ўтишга интилиш корхонани фан ва техникавининг, илғор технологиясининг энг янги ютуқларини излаш ва жорий этишга ундаиди. Буларнинг барчаси пировард натижада кескин рақобатчилик шароитида ишлаб чиқаришнинг барқарорлигига эришишга, инқизорзининг олдини олишга йўналтирилган. Бу, кенгроқ қараганда, бозорда талаб билан таклиф ўртасида қулай мувозанат таъминланишига олиб келади.

Бизга капиталистик ишлаб чиқариш усулиниңг энг катта нуқсони, иллати сифатида тарғиб қилиб келинган нарсалар аслида, ҳақиқий ҳаётда иқтисодий тараққиётнинг ва иқтисодий муносабатларни такомиллаштиришнинг қудратли омилига айланмоқда.

Барқарорлаштириш дастурини ишлаб чиқишида танглик ҳодисаларининг олдини олиш, иқтисодиётнинг ҳолатини ифода қилувчи мезон бўлиб хизмат қиладиган кўрсаткичларни яхшилашга, шу билан бирга мамлакатни тангликка олиб келган ички сабабларни чуқур ўрганиш, чалягишлар ва номутаносибликлар бўлиши мумкинлигига ўз вақтида эътиборни қаратиш, танглик ҳодисалари келиб чиқишининг олдини олиш тадбирларини фаол амалга ошириш гоят муҳим.

Барқарорлаштириш сиёсати — энг аввало, бу макроиқтисодиётда мувозанатни сақлаш, ишлаб чиқаришнинг кескин даражада пасайишига ва оммавий ишсизликка йўл қўймаслиkdir. Шунингдек, у пул қадрсизланишининг, пул эмиссиясининг бошқарилишини таъминлаш, тўлов балансини бир месъёрда сақлаш соҳасида аниқ мақсадни кўзлаб олиб бориладиган давлат сиёсатидир.

Барқарорлаштириш сиёсатининг мақсади бошқариб бўлмайдиган, иқтисодий пасайишга олиб келиши мумкин бўлган ички ҳам ташки мувозанатсизликни четлаб ўтишдан, зарур бўлган тақдирда эса, уни тўғрилашдан иборат.

Жаҳон тажрибасида барқарорлаштириш сиёсатини амалга оширишда принцип жиҳатдан ўзаро бир-биридан фарқ қилувчи бир неча хил ёндашувлар таркиб топган бўлиб, улардан қуйидагиларни алоҳида кўрсатиш мумкин:

Биринчиси — монстар ёндашув деб аталиб, пулнинг қадрсизланиши даражасини пасайтириб туришга, пул масасини ҳамда тўловга қодир бўлган жами талабни кескин камайтириш ҳисобига пул муомаласини барқарорлангтиришга асосланган. Бу хил ёндашув чуқур иқтисодий қайта ўзгартиришларни таъминламайди, аксинча, кўпинча иннаб чиқаришнинг моддий ҳажмлари камайишига, инвестиция фаолияти тўхтаб қолишига олиб келади;

Иккинчиси — ишлаб чиқаришни ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни рағбатлантиришга, таркибий қайта ташкил қилишларни амалга оширишда кўмаклашишга, иқтисодиётда номутаносибликларга барҳам беришга асосланган ёндашув. Бунда бир месъёда қаттиқ молиявий ва пул-кредит сиёсати ўтказилади, товар билан қоплашнинг иложи бўлмаган ортиқча талабларни чеклаш бўйича тадбирлар билан узвий боғлаб олиб борилади.

Бизнинг ёндашувимиз эса ўзимиз дучор бўлган тангликтан, узоққа чўзилган чуқур тангликтан ижтимоий ларзаларсиз ва портлашларсиз эсон-омон чиқишидан иборат бўлиб, бунга фақат ишлаб чиқаришга таянган ҳолдагина, моддий бойликларни бевосита яратаБтганларга суянган ҳолдагина эришиш мумкин. Маҳсулот ишлаб чиқараётганлар, ерни ишлаётганлар, бинолар, иншоотлар қураётганлар ва янги ишлаб чиқариш қувватларини бунёд қилаётганлар бизнинг таянчларимиздир.

Кейинги вақтларда, айниқса, МДҲ мамлакатларида: энди сўнгти чорамиз қолди, бурилиш қилиш палласи келди. Ё макроиқтисодиётда монетар қарашлар, биринчи наубатда, пулнинг қадрсизланишига қарши кескин чоралар устунлик қиласи, ҳукмрон бўлади, ўз ҳукмини ўрнатади, ўз талабларини ўтказади. Шунинг негизида барқарорлаштиришнинг энг муҳим натижаси бўлмиш пулнинг қадрсизланиши даражасини 1-2 фойизга камайтиришга эришилади. Ёхуд иқтисодиёт ва жамият бутунлай барбод бўлиш, завол топиш йўлига киради. Шу икки йўлдан бирини танлаб олиш фурсати етди, деган қарашларга берилиш ҳоллари кенг тус олди. "Эсанкиратиш" ўзи билан олиб келаётган хавфни яна бир карра ҳис этиш, кучли ижтимоий сиёсат олиб борилмаса, ислоҳотлар бадном қилиниши, барбод бўлиши, ижтимоий портлашга олиб келиши мумкинлигига яна бир карра ишонч ҳосил

қилиш ўрнига, бошқача фикрлашяпти — бизлар сиёсий мулоҳазаларга берилиб кетиб, эркинлаштириш билан боғлиқ бўлган айрим жиҳатларга ҳаддан зиёд узоқ кўз тикдик ва ўзимиз ҳалокат ёқасига келиб қолдик, деб афсусланаётгандек бўлишиялти. Афтидан, собиқ Иттифоқ мамлакатлари учун ислоҳотлар ўтказишнинг икки-уч йиллик тажрибасини англаб стадиган, мағзини чақадиган пайт келди. Бу тажриба эса улар иқтисодиётининг шакли ўзгарганлиги, юқори даражада монополиялашганлиги ва тор ихтисослашганлиги, аҳоли асосий қисмининг турмуш даражаси пастлиги сабабли бир ёқлама монетар ёндашув мувофиқ келмаслигини кўрсатди.

Янги иқтисодий сиёсатнинг бу хил мафқурачилари бозорга ўтиш ҳақидаги гап-сўзларга берилиб кетиб, ўз мамлакатлари иқтисодиётини издан чиқадиган даражада пасайишга дучор қилдилар, айирбошлашни натурали қилишга (хатто иш ҳақини натура билан тўлаш оммавий тус олди), бозор айирбошлашини бемаънилик даражасигача олиб бордилар ва, эндиликда эса, мазкур усул пулнинг қадрсизланишига чек қўйиши, тараққий қилган тузумни буйёд этиши, ишлаб чиқаришнинг жонланишини таъминлаши мумкин, демоқдалар.

Бироқ бунда тўғридан-тўғри зиддият бор — макроиқтисодий сиёсат деб аталган сиёсат ўтказганда ишлаб чиқаришда жонланиш бўлиши мумкин эмас. Бу — гирт бемаънилиkdir. Ишлаб чиқаришни пулнинг қадрсизланишига қарама-қарши қўйиб бўлмайди.

Таркибий ўзгаришларни таъминлаш учун муҳаррар бўлган доирадагина ишлаб чиқаришнинг пасайишига йўл қўйилиши мумкин, ласкин унинг издан чиқишига асло йўл қўйиб бўлмайди. Бошқача айтганда, бу ишлаб чиқаришнинг илғор тузилмасига эришиш, демакдир. Яна соддороқ қилиб айтадиган бўлсак, бу — рақобатга бардош бера оладиган ва харидорларнинг истеъмол талабарини қондиришни таъминлайдиган маҳсулот ишлаб чиқариш демакдир.

Фақат ишлаб чиқаришнинг бу пасайишини марказлашган буйруқбозликка асосланган планни тизимдан бошқа тизимга — эркин бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг белгиларидан бири сифатида изоҳлаш мумкин.

Бозор қонунлари амал қила бошлаши, рақобатчилик мұхити таркиб толиши ва әркін тадбиркорлық учун ҳамма йүллар очилиши билан айни қонунларга риоя қылған ҳолда ишлаб чиқарыш таркибан ўзгартырилади ҳам. Бу нараса фақат рақобатта бардош беришга интилиш бор жойдагина юз беради. Рақобатта бардош бериш учун ишлаб чиқарышни доимий равищда янгилаб боришга тадбиркорлар ўzlари мажбур бўладиган шароит вужудга келади.

Утиш даврида давлат ўз иқтисодий сиёсатини ишлаб чиқиши ва амалга ошириш чөгидаги шуни эътиборда тутиши керакки, у устувор, катта истиқболга эга бўлган тармоқлар ва ишлаб чиқарышларни ҳар томонлама рағбатлантириши, яъни энг мухим бўғинларни аниқлаши (нефть — нефть мустақиллиги, энергетика — энергетика мустақиллиги, дон — галла мустақиллиги, пахтани қайта ишлаш саноати ва ҳоказо) ва шу орқали иқтисодиётни таркибан қайта ташкил қилиш бўйича изчил сиёсат ўтказиши керак.

Биз ана шу устувор йўналишлар асосида таркибан қайта ташкил қилишни — фақат айтиб ўтилган соҳаларни ривожлантиришнингина эмас, балки уларнинг ички тузулишини қайта ўзгартыришни таъминлаш учун ҳам уларга маблағ сарфлашимиз лозим. Бусиз иқтисодиётда тўла тартибсизлик ҳукм суради. Устувор ҳисобланган етакчи асосий тармоқлар белгилаб олинмаса, бозор муносабатлари шароитида уларнинг шаклланишига ёрдам кўрсатилмаса, иқтисодий стратегия бой берилади. Шу билан бирга, ишлаб чиқарышни сифат жиҳатидан янги даражага олиб чиқиши лозим бўлган қайта ташкил қилишларнинг мантиқий изчиллиги ҳам таъмин этилмайди. Ҳақиқий бозор шароитлари вужудга келтирилиши билан уларнинг ўzlари ишлаб чиқарышни рағбатлантирадиган ва йўналтирадиган бўладилар, бунинг натижаси ўлароқ эса — ишлаб чиқарышнинг ўсиши таъминланади.

Бинобарин, монстаризм ҳеч қачон ишлаб чиқарышни тангликтан олиб чиқишига қодир бўлган ягона йўналтирувчи ва ҳал қилувчи куч бўлган эмас. Ҷарҳорлаштириш дастурини ишлаб чиқиши чөгидаги ана шу қатиқ монетаризмга таянмаслик керак. Балки мувозанната келтирилган монетар сиёсатни асосий тармоқларни

ва ишлаб чиқаришни таркибан қайта ташкил қилишни қўллаб-қувватлаш сиёсати билан бирга қўшиб олиб бориш зарур. Энг асосийси, аниқлаб олинган устувор йўналишлардан келиб чиқиб, бош стратегик йўлни белгилашиб олишдан ва макроиқтисодий сиёсатни шу йўлга қўйишдан иборат.

Биз тараққиётнинг устувор йўналишларини макроиқтисодий мувозанатга қурбон қилиш ниятида эмасмиз. Биз ислоҳотлар ўтказиш билан бир вақтда давлат мустақиллиги ва иқтисодий мустақилликни таъминлашга ҳаракат қиласмиз.

Ана шу қоидалардан келиб чиқилса, иқтисодий барқарорликка эришишнинг асосий мезонлари қўйидаги лардан иборат бўлади:

— агар ишлаб чиқариш ҳажмининг қисқариши таркибий ўзгаришлар ва ишлаб чиқаришни техника билан қайта қуроллантириш билан боғлиқ бўлмаса, унинг камайишига йўл қўймаслик;

— устувор тармоқларда ишлаб чиқаришни юксалтириш учун қулай шароитларни вужудга келтириш, ишлаб чиқариш фаолияти рағбатлантирилишига кўмаклашиш. Ўз ишлаб чиқаришини қўллаб-қувватламасдан ва ички резервлардан фойдаланиш эвазига иқтисодиётни ичдан ривожлантирмасдан туриб, молиявий ҳамда ижтимоий барқарорликка умид боғлаш мумкин эмас;

— давлат бюджети ва корхоналар молиявий аҳволининг барқарорлигини мумкин бўлган доирада таъминлаш;

— пулнинг қадрсизланиши жараёнларини тўхтатиб қолиш. Пулнинг қадрсизланишига қарши таъсирчан чоралар кўриш йўли билангина миллий валютани мустақамлашга эришиш, узоқ муддатга мўлжалланган инвестициялар ички бозорини жонлантириш, аҳоли турмуш даражасининг барқарорлигини сақлаш;

— тўлов баланси ва давлат валюта резервларининг ҳолатини яхшилаш учун барча мавжуд имкониятлардан фойдаланиш ва шунинг негизида Ўзбекистоннинг ташки иқтисодий муносабатларда тутган ўрнини мустақамлаш. Шунингдек чет эл қаттиқ валюталарига нисбатан "сўм"ни айирбошлиш курсининг барқарорлигини сақлаш;

— ижтимоий аҳволни барқарорлаштириш учун кучли ижтимоий сиёсат мувозанатлаштирилгандыгын таъминлаш, аҳолининг турмуш даражасини мумкин қадар тутиб туриш ва яхшилаш.

Шунга мувофиқ равишда ислоҳотларнинг иккинчи босқичида республика давлат бюджетидаги камомадни (дефициттни) йўл қўйилган энг кам даражада доирасида (ялпи ички маҳсулотнинг 3-4 фойзи атрофига) чеклашга йўналтирилган қатъий молия сиёсатини биринчи навбатда ўтказиш иқтисодиётни барқарорлаштириш соҳасида амалга ошириладиган энг муҳим ва биринчи галдаги тадбирлар бўлиши керак. Бюджет интизомига риоя қилиш — барқарорлаштиришнинг ҳал қилувчи омилларидан биридир. Бюджётдаги камомаднинг ортиши ҳамма вақт ташвишли воқеа сифатида қабул қилинмоғи лозим.

Ислоҳотларнинг иккинчи босқичида бюджет сиёсатининг энг муҳим вазифаси иқтисодиётни бюджет камомадини чеклаш ҳисобига барқарорлаштириш вазифаларини ҳал этишдан иборат. Шу орқали иқтисодий фаолиятни жонлантиришни рабbatлантирувчи ижтимоий аҳамиятта эга бўлган жорий харажатларга маблағ ажратиш ва камомад ўртасида энг мақбул мутаносибликни таъминлашдир. Кундалик истеъмол учун ва иқтисодиётни қайта қуриш учун зарур бўлган давлат харажатларини бундан буён ҳам кескин қисқартириш ёрдамидагина бюджетдаги мувозанатни сақлаш йўлидаги уриниш иқтисодий аҳволнинг мушкуллашувига ва ислоҳот жараёнининг чўзилиб кетишига олиб келиши мумкин.

Ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида зарур таркибий ўзгаришларни ўтказиш билан бир қаторда ишлаб чиқаришнинг орқага кетишига барҳам бериш энг асосий мақсад бўлиб қолмоқда. Давлат харажатлари, уларнинг таркиби шундай ташқил этилиши керакки, улар айни ана шу мақсадларга эришишга қаратилган бўлиши ва бу ҳол бозорга ўтиш жараёнига ҳар томонлама кўмак бериши лозим.

Солиқ сиёсатини такомиллаштириш иқтисодиётни барқарорлаштиришга ва молиявий аҳволни мустаҳкамлашга оид муаммоларни ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этади. Бозор муносабатларига ўтиш шароитида солиқлар иқтисодий сиёсатни амалга оширишда энг муҳим

бошқарувчи омил бўлиб қолади. Солиқ тизими ислоҳот жараёнининг таркибий қисми, унинг ички ҳаракатлантирувчи омили бўлгани ҳолда, иқтисодий илоҳот мақсадларига энг кўп даражада мувофиқ келиши шарт. Аввало солиқ тизими ўзига хос вазифани — фискал (ҳазинани тўлдириш), қайта тақсимлаш ва рағбатлантириш вазифасини тўла даражада бажариши керак.

Солиқлар ҳазинани тўлдириш сиёсатининг асосий унсури бўлиб, давлат бюджетининг даромад қисми энг муҳим умумдавлат, ҳалқ хўжалиги вазифаларини ҳал этиш учун зарур бўлган миқдорда шаклланишини тъминлаши лозим.

Солиқ тизими аниқ мақсадга қаратилган молиявий сиёсат билан биргаликда, ялпи миллый маҳсулотнинг бир қисмини қайта тақсимлайди ва шу тарзда иқтисодиёт тузилишини ўзгартиришда, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш кафолатини таъминлашда бевосита иштирок этади.

Солиқ тизимининг энг муҳим вазифаси — ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, моддий-хом ашё, табиий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан, тўпланган молмукдан самарали фойдаланишга рағбатлантирувчи тъмасир кўрсатишдир.

Илоҳотнинг иккинчи босқичида иқтисодий барқарорликни ва таркибий ўзгаришларни таъминлаш биринчи наъбатдаги вазифага айланган чоғда солиқ тизими биринчи галда рағбатлантирувчилик вазифасини бажариши керак. Бу эса амалдаги бутун солиқ тизимини анчагина илоҳ қилишни талаб этади.

Солиқ тизимини ўзгартиришда асос қилиб олинган бош тамоийл — корхоналар зиммасидаги солиқ юкини кескин камайтиришдир. Даромад солигининг юқори бўлитци корхоналарни ўз маблағларини ўз ишлаб чиқаришини ривожлантиришга, техника билан қайта қуроллантиришга, ўз айланма маблағларини тўлдиришга сарфлашгимкониятидан маҳрум қиласди. Бу эса оқибат натижада ишлаб чиқаришнинг пасайишига олиб келади. Бунинг устига оғир солиқ юки узоқ муддат зиммада туриши натижасида инфляция (пулнинг қадрсизланиши) юксак даражада бўлишини билвосита қўллаб-қувватлаш хавфи вужудга келади. Бунинг сабаби шуки, ишлаб чиқариш пасайиб бораётган бир пайтда солиқ миқдори корхона даромадла-

рининг инфляцияси кучайиб бориши натижасидагина оширилиши мумкин. Бу эса молия тизимиңинг барбод бўлишига, ишлаб чиқаришнинг орқага кетиши, ижтимоий муаммоларнинг кескинлашуига олиб келади.

Даромад солигидан фойдадан ундириладиган солиқга ўтиш солиқ юкини камайтиргани ҳолда, ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик фаолиятини кучайтириш имкониятини яратади. Корхона иктиёрида қоладиган фойда миқдорининг ортиб бориши уларнинг молиявий аҳволини мустаҳкамлабгина қолмай, балки уларнинг инвестиция фаолиятини жонлантиришга ҳам олиб келади. Бу нарса ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш учун ишлаб чиқариш ва технология жиҳатидан асос бўлиб хизмат қиласди.

Корхоналарга кўпроқ иқтисодий эркинлик берилиши фойданинг ишлаб чиқаришни кенгайтиришга қаратиладиган умумий миқдорини кўпайтиришга олиб борибгина қолмай, айни вақтда меҳнаткашлар иш ҳақини кўпайтириш имконини ҳам яратади. Фаол меҳнатга раббатлантирувчи, ҳар бир кишига ўз имкониятларини амалга ошириш ва меҳнатдаги ўз иштирокига яраша даромад олиш имкониятини берувчи иқтисодий муҳит яратилади. Бундай шароитда жисмоний шахслардан олиниадиган солиқлар, бир томондан, ходимларни ўз меҳнати билан ижтимоий ишлаб чиқаришда фаол иштирок этишига раббатлантириши, иккинчи томондан, иш ҳақи даражаси сарфланган меҳнат самараасига мутаносиб бўлишига ёрдам кўрсатиши, меҳнаткашларнинг даромадларидағи тафовут асоссиз равишда катта бўлишига олиб келмаслиги лозим.

Корхоналар зиммасидаги солиқ юкининг енгиллаштирилиши, қўшилган қийматдан олинадиган солиқ ставкасининг камайтирилиши оқибат натижада ишлаб чиқаришни жонлантиришга олиб келиши лозимки, бу нарса иқтисодиётни барқарорлаштириш муаммосини ҳал этишда роят катта аҳамиятга эга.

Янги солиқ сиёсати доирасида солиқ тушумлари таркибини тубдан ўзгартириш, ресурслар, мол-мулк солигининг ролини ошириш, жисмоний шахслардан солиқ ундиришнинг прогрессив тизимини жорий этиш вазифаси қўйилади.

Афсуски, кейинги пайтларгача бизда ер ости бойликлари, ер, сув ва қайта тикланмайдиган бошқа табиий ресурслардан солиқ ундириш тамомила тан олинмай келинарди. Бунда корхоналарга табиатдан фойдаланиш ва атроф муҳитни экологик жиҳатдан муҳофаза қилиш қонунлари билан ҳисоблашмасдан бебаҳо, ўрни тўлдирилмайдиган табиий бойликлардан ваҳшиёна фойдаланиш имкони берилар эдики, бу билан биз ўзимизнинг ҳақимизга ҳам, авлодларимизнинг ҳақига ҳам хиёнат қилиб келардик.

Ўтган йилларда йўл қўйилган хатоларни такрорламасдан, табиий ресурсларни қайта тиклаш йил сайин тобора қийинлашиб бораётган пайтда биз бу ресурсларга кўпроқ эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишимиз зарур. Бунинг учун биз иқтисодий омиллардан кенгроқ фойдаланишимиз, солиқлар орқали ҳаммани табиий ва ҳом ашё ресурсларидан энг кўп наф кўрадиган тарзда фойдаланишга ўргатмоғимиз керак.

Бу муаммонинг яна бир жиҳати бор. Ҳом ашё ва материаллардан фойдаланишнинг ортиб боришини солиқлар орқали чеклаб, бу билан биз харажатларни ва ишлаб чиқариладиган маҳсулот таннархини пасайтиришга рағбатлантирамиз, экологик жиҳатдан мусаффо илгор технологияни ва, энг муҳими, чиқитсиз технологияни рағбатлантирамиз. Шу тарзда ресурслар учун тўловнинг оширилиши айни вақтда бир неча мақсадни кўзда тутади, фан-техника ва ижтимоий тараққиётни кенг маънода рағбатлантиради.

Муайян бюджетларни шакллантириш манбалари бўлган Республика солиқлари билан маҳаллий солиқлар ўртасида аниқ чегара ўтказиш солиқ тизимини такомиллаштиришнинг энг муҳим йўналишидир. Давлат бюджети даромадларининг катта қисмини жойларга бериш, маҳаллий бюджетларни мустаҳкамлаш зарур. Бу эса минтақалар мустақиллигини ошириш, уларнинг ташаббускорлигини, бюджетнинг ижросидан манфаатдорлиги ва бу борадаги масъулиятини ошириш имконини беради. Бундан ташқари, бу нарса маҳаллий бюджетларга тушумларнинг янги манбаларини қидириб топишга рағбатлантиради, жойларда бюджет интизомини мустаҳкамлайди.

Шу тариқа, солиқ тизимишининг ислоҳ қилиниши иқти-
содистни барқарорлаштиришнинг, ишлаб чиқариш ва
мөхнат фаолиятини кучайтиришнинг құдратли омиллари-
ни вужудға келтириш, ислоҳотнинг иккинчи босқичидаги
асосий вазифаларни амалға оширишнинг құдратли воси-
таси бўлиб хизмат қилиши керак.

Бюджетдаги мутаносибликни кучайтириш мақсадида,
солиқ сиёсатини такомиллаштириш билан бир қаторда,
корхоналарнинг молия интизомини мустаҳкамлаш, тұлов
оборотини бир мөъёрга келтириш, тұлымасликнинг, деби-
торлық кредиторлық қарзларининг салбий оқибатларини
тұгатиш катта аҳамиятта эга.

Хозирги кунда күпгина кишилар ишлаб чиқаришнинг
орқага костишини эски хўжалик алоқалари бузилғанлиги,
МДҲ бошқа мамлакатларидаги корхоналар билан ўзаро
ҳисоб-китобларда тұловлар инқизорзға учраганлиги, бож-
хона чегаралари ўрнатылғанлиги билан боғламоқдалар. Бу —
ҳақиқатдан узоқ бўлган соддаларча ёндашувдир. Ву-
жудға келган чегаралар транспортта оширилган тариф-
ларнинг ўрнатилиши, божнинг баланд қўйилиши орқали-
гина алоқаларга салбий таъсир кўрсатди.

Вужудға келган чегаралар ўзаро тұловлар ўз вақтида
бажарилмаётганлигининг сабаби деб ҳисоблаш ҳам ха-
тодир. Ҳом ашё, бутловчи материаллар ва маҳсулотлар
етказиб беришнинг қисқариши хўжалик ва кооперация
алоқалари узилиши билан айтарли боғлиқ әмас. Чега-
ралар вужудға келиши оқибатидан юзага келган оғир
аҳволнинг асосий сабаби хўжалик алоқаларининг узи-
лиши, деган қоидага асосланиладиган бўлса, Россиянинг
ўзида маҳсулотлар етказиб берилмаётганлиги ва
тұловлар ўз вақтида бўлмаётганлигини, у ерда
тұловларнинг ўз вақтида етиб келмаётганлиги жуда
авжига чиққанлигини нима билан изоҳлаш мумкин.

Бунинг асл сабаби нимада? Гап шундаки, эски тузум
пайтида бир корхонанинг иккинчи корхонага маҳсулот
етказиб берishi, уларнинг қайси ҳудудда жойлаштанли-
гидан қатъи назар, марказлаштирилган тарзда амалға
oshiрилар ва бунинг учун маблағлар ва фондлар ажра-
тилар эди. Сўнгра, бу фондларни ҳаммага керакли ва
ҳар бир корхона ҳаётини белгиловчи Давлат таъминот
қўмитаси муайян корхоналарга биркитар ёки, янада

соддароқ қилиб айтганда, марказдан туриб, масалан, Узоқ Шарқдаги қайси корхоналар Москвадаги қайси истеъмолчи-ларга ўз маҳсулотини етказиб беришини белгилаб қўйр эди ва, аксинча. Бунда маҳсулотнинг сифати ва техни-кавий даражаси ҳеч қандай рақобатга дош бермаслигининг мутлақо аҳамияти бўлmas эди.

Республикалар ўртасида ҳам маҳсулотлар мана шу тарзда қайта тақсимланар эди. Бошқача қилиб айтганда, маҳсулот керакми ёки керак эмасми, унга талаб борми ёки йўқми, халқаро талабларга мос келадими ёки йўқми, бундан қатъи назар, у бутун Иттифоқ бўйича мол етказиб берувчилар ва истеъмолчиларга тақсимланиб чиқилар эди. Биркитилган истеъмолчи эса бу маҳсулотни олиши ва, ўз навбатида, ўз маҳсулотини бошқа корхоналарга етказиб бериши шарт эди.

Ўзаро маҳсулот етказиб берганлик учун ҳақ мазкур марказлаштирилган тизим кучлари билан амалга оширилар эди. Банклар белгиланган тартибга мувофиқ марказлаштирилган тарзда корхоналар ҳисобидан маблағ олиб, ана шу етказиб берилган маҳсулотлар учун ҳақ ўтказар эди. Йилнинг охирида вужудга келган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари, яъни мол етказиб берувчилар билан истеъмолчилар ўртасидаги қарзлар, одатда, марказлаштирилган тартибда амалга ошириладиган идоралараро ўзаро ҳисоб-китоблар йўли билан ҳал этиларди. Кредиторлик ва дебиторлик қарзларини узиш учун кредитлар марказлаштирилган тарзда ажратилар, улар ўзаро қарзларни узиш учун муайян мақсад бўйича кетарди.

Янги йилдан ҳамма иш яна бошидан бошланар ва ўша тарзда давом этаверарди. Бундай тизимда рақобат, талаб ва таклифни бозор асосида мутаносиблаштириши тушунчаси мутлақо йўқ эди ва, энг муҳими, ҳар бир корхона керакли бўлган ва рақобатга бардош бера оладиган маҳсулот ишлаб чиқариши учун шароит яратилмас эди.

Ягона халқ хўжалик комплекси деб аталадиган мажмуанинг ташки алоқалари, Иттифоқ доирасида, аввало, марказлаштирилган валюта жамғармаси ва нефть, газ, ёғоч-такта, олтин, минерал-хом ашё ресурслари, пахта, шунингдек қурол-яроғ сотишдан олинадиган нақд пул ҳисобидан ҳал этилар эди. Буларнинг бари марказдан

бошқариларди. Оқибат натижада, юқори даражада марказлашган тизим вужудга келиб, у ҳамма нарсани — Иттифоқнинг чекланган тизими доирасида, ҳақиқий талабни ҳисобга олмаган ҳолда, нимани ва қанча миқдорда ишлаб чиқариш кераклигини белгилаб берар эди.

Буларнинг ҳаммаси қачондир тугаши керак эди, чунки хом ашё ресурслари чекланган бўлиб, ёпиқ тизимда ишлаб чиқаришни ички ресурсларга асосланган ҳолда ривожлантириш узлуксиз давом этиши мумкин эмас эди. Бу нарса иқтисодий ҳаётда турғунликкагина эмас, балки техника тараққиёти айнишига ҳамда фан ва техника ютуқларини, илғор технологияни қабул қила олмасликка, жаҳон иқтисодиётида рўй бераётган жараёнлардан орқада қолишга ҳам олиб келди.

Бу тизимда ҳамма нарса — қайси минтақа хом ашё етказиб бериши, қайси минтақаларда бу хом ашё қайта ишланиши ва қаерга етказиб берилиши белгилаб қўйилган эди. Ўзбекистонга пахта, газ, олтин, рангли ва нодир металлар, сабзавот ва мева етказиб беришда асосий роль ажратилган эди. Буларнинг ҳаммаси меҳнат сарфи ҳамда ана шу хом ашё ва материалларга жаҳонда ўрнатилган нарх ҳисобга олинмаган ҳолда, сунъий равишда пасайтириб белгиланган нархларда етказиб берилад эди.

Бошқача қилиб айтганда, ана шу ёпиқ тизимда Ўзбекистоннинг роли қатъий белгиланган бўлиб, биз бу биқиқ доирадан чиқиши имкониятига эга эмас эдик. Масалан, экологик жиҳатдан зарарли ҳамда ғоят хавфли ишлаб чиқаришга эга бўлган Чирчиқ ва Навоий химия комбинатларида Ўзбекистон газидан олинадиган капролактам ва нитрон маҳсулотларини чуқур қайта ишлашнинг ва улардан тайёр маҳсулот олишнинг иложи йўқ эди, чунки бундай ишни бажарадиган корхоналар, умумиттифоқ меҳнат тақсимотига кўра, Белоруссия, Россия, Украина ва бошқа минтақаларда қурилган бўлиб, биз умумиттифоқ меҳнат тақсимотига кўра, уларни хом ашё билан таъминлашимиз керак эди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Шуни назарда тутиш керакки, собиқ Иттифоқ давлатларининг мустақилликни қўлга киритиш жараёнлари маҳсулотни қайта тақсимлашнинг ўзини оқламаган, марказлаштирилган маъмурий-буйруқбозлик тизимидан ҳамма жойда воз кечиш ҳамда эркин бозор иқтисодиётига ўтиш

билин боғлиқ. Аслини олганда, биз бугун бозор қонунларига асосланувчи янги иқтисодиёт яратаяпмиз. Бунда маҳсулот талаб ва таклифни ҳисобга олган ҳолда, рақобатбардош бўлиши ва у умум қабул қилинган стандартларга жавоб беришини назарда тутган ҳолда ишлаб чиқарилиши лозим. Бозор иқтисодиёти йўлига ўтган бирорта ҳам корхона шу бозорда вужудга келадиган вазиятни ва рақобатни ҳисобга олмасдан келажагини қура олмайди. Ҳар бир корхона кооперация алоқаларини йўлга қўйган ва маҳсулоти лоақал бутловчи маҳсулотларни етказиб берадиган жойда талаб қилинган тақдирдагина истиқболга эга бўлиши мумкин.

Ўз маҳсулотининг муайян қисмини бошқа минтақаларда, аввало эркин алмаштириладиган валютага сотиш ҳамма учун қоида бўлиб қолиши керак. Корхона ҳисобидаги бу валюта ускуналарни ва бутловчи материалларни харид қилиш, технологияни янгилаш бўйича харажатларни тўлашнинг молиявий базаси бўлади. Фақат ана шундай базагина ўзаро манфаатли нормал кооперацияни таъминлаш, корхонанинг ривожланиши учун ҳам, унинг жамоасининг ҳам турмуш даражаси ўсиши учун ишончли асос бўлиши мумкин.

Корхона раҳбарлари шуни узил-кесил билиб олишлари керакки, ўз ҳисобида валюта тушумлари бўлгандагина ҳар қандай бутловчи ускуна ва материалларнинг хоҳлаган минтақадан, дунёнинг хоҳлаган бурчагидан етказиб берилишини таъминлаш мумкин. Фақат ана шундай истиқболгина бизни кризис ҳолатидан олиб чиқиши, ишлаб чиқаришнинг ўсишини таъминлаши мумкин. Шундагина турлича тенгсиз айирбошли операцияларини амалга ошириш учун корхоналар, бутун-бутун уюшмалар ва корпорацияларга алмаштириш мумкин бўлган хом ашё ресурслари — пахта ва ундан тайёрланган маҳсулот, рангли металл ва бошқаларни беришни илтимос қилиш зарурати бекор бўлади. Шунда хўжалик алоқаларининг узилишини, тўловлар этиб келмаётганлигини ва ҳамма ўз ҳолича мустақил бўлиб кетганлигини рўкач қилиш учун ҳеч қандай зарурат бўлмайди.

Ўз-ўзидан маълумки, моллар, капитал, иш кучининг ҳудуддан ҳудудга ўтиб туриши йўлидаги сунъий тўсиқлар ва чегараларни бартараф этиш, қўл-оёқни боғлаб

қўядиган божларни ва юқори транспорт тарифларини пасайтириш масалалари, ҳар ҳолда ҳал этилиши зарур. Аммо ана шу тўсиқлар гўё ишлаб чиқаришнинг пасайи шида, корхоналар тўхтаб қолишида, тўловлар стиб кел маёстганлигида асосий сабаб бўлаётир, деган иотўғри фикрдан воз кечиш керак.

Энг асосий сабаб — ишлаб чиқаришни таркибан ўзгартириш ҳамда маҳсулоти ҳеч кимга керак бўлмай қолаётган ишлаб чиқаришларни тугатиш зарурлигидир.

Иқтисодий ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида кредит-банк тизимини, пул муомаласини мустаҳкамлаш, валюта муносабатларини тартибга солиш жуда катта аҳамият касб этмоқда.

Барқарорлаштириш дастурлари соф ички қарз беришини анча қисқартиришга қаратилиши лозим. Банкларнинг қарзлари биринчи навбатда стратегик жиҳатдан муҳим маҳсулот, ҳалқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга қодир бўлган, қарзга олинган маблағларни ўз вақтида қайтара оладиганларга берилиши лозим. Айни вақтда асосланмаган кредит эмиссиясига, қарз учун ажратилган маблағларнинг сочиб юборилишига йўл қўймаслик зарур.

Биз ҳаммамиз битта ҳақиқатни англаб олишимиз лозим — ҳалқ истеъмоли моллари ва бошқа ҳаётий муҳим маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга қодир бўлмаганларга кредит берилиши пул қадрсизланиши жараёнини кучайтиради, миллий валюта барқарорлигига путур етказади. Шу сабабли муомалага чиқарилган ҳар бир сўм тегишли товар билан қопланган бўлиши керак.

Пул-кредит сиёсати соҳасидаги ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад пулнинг қадрсизланишини изчиллик билан камайтириш, ишлаб чиқаришнинг барқарорлиги учун шарт-шароит яратиш йўли билан кризисни бартараф этиш ва миллий иқтисодиётни согломлаштириш учун зарур замин яратишдан иборатdir.

Пулнинг қадрсизланиш даражаси устидан қатъий назорат ўрнатиш ҳамда пулнинг қадрсизланишига қарши самарали тадбирлар қўллаш зарур. Пул қадрсизланиши суръатларининг анча пасайтирилиши ҳозирги босқичда барқарорлаштириш сиёсатининг ўзагидир.

Бунда пулнинг қадрсизланишидаги мақбул суръатни танлашга пухта ўйлаб ёндашиш зарур. Пул қадрсизланишининг сунъий паст суръатларига эришиш ва бунинг учун ҳамиша ҳам мақбул бўлмаган ва, айниқса, иқтисодиётнинг орқага кетишига олиб борадиган ҳар қандай восита ва услублардан фойдаланиш тўғри бўлмайди. Пулнинг қадрсизланишини келтириб чиқарувчи сабабларни аниқламаган ҳолда унинг суръатини сунъий равишда пасайтириш бу иллатнинг илдизи чуқурлашиб кетишига олиб бориши, бу эса кейинчалик ушбу жараённинг қайта бошланишига, кризиснинг бартараф этилишига эмас, балки унинг яна ҳам чуқурлашувига сабаб бўлиши мумкин.

Шуни айтиш муҳимки, пулнинг қадрсизланиши устидан назорат ўрнатилиши барқарорлаштириш дастури муваффақиятли амалга оширилишининг далили бўла олмайди. Пулнинг қадрсизланиши — иқтисодиётда чуқур номутаносиблик вужудга келганлигининг кўрсаткичи бўлиб, бу аҳволни дарҳол ўнглаб олиш керак бўлади.

Ҳар қандай инфляциянинг негизида асосий иқтисодий мувозанатларнинг бузилиши ётади. Шу сабабли инфляцияга қарши кураш — уни шунчаки бостириш эмас, балки иқтисодиётда вужудга келган номутаносибликни бартараф этишига қаратилган бақувват структура сиёсатини амалга оширишdir. Бир қатор чет мамлакатларнинг инфляцияга қарши кураш тажрибasi шуни кўрсатадики, улар инфляция билан иқтисодиёт структурасининг бузилиши бирбiriiga чамбарчас боғлиқ эканлитигини англаган ҳолда, муомала соҳасини қатъий бошқариш ва тўловга қобилиятли ортиқча умумий талабни бартараф этиш билангина чекланмадилар. Муайян мақсадларга қаратилган йирик инвестиция дастурларини ишлаб чиқдилар ва амалга оширидилар. Бу дастурлар ана шу номутаносибликни тугатиш ва, бинобарин, инфляцияни келтириб чиқарувчи сабабларни бартараф этиш имконини берди.

Макроиқтисодий барқарорлик биз учун қуруқ мақсад эмас. Бу нарса иқтисодиётни жонлантириш ва унинг таркибини янгилаш, инвестиция фаолиятини жадаллаштириш, иш жойлари сонини ошириш, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, аҳолининг реал

даромадларини ошириш учун тегишли шарт-шароит яратишнинг ҳаётий зарур босқичи сифатида муҳимдир.

2. 3. МИЛЛИЙ ВАЛЮТА ҚАДРИНИ ОШИРИШ — ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР ИККИНЧИ БОСҚИЧИННИНГ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ МУАММОСИ

Ёш давлатимиз амалга ошираётган иқтисодий ислоҳотлар стратегиясида ўз миллий валютамизни жорий этиш ва унинг барқарор муомалада бўлиши муаммосини ҳал этишга foят катта аҳамият берилаётир. Миллий валюта — миллий ифтихор, давлат мустақиллигининг рамзи, суверен давлатга хос белгидир. Бу республикага тегишли умумий бойлик ва мулкдир.

1994 йил 1 июлдан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тўла қийматли миллий валюта — ягона қонуний тўлов воситаси бўлган сўмнинг муомалага киритилиши ҳақиқатан ҳам инқилобий қадам бўлди. Бу бутун иқтисодиёт ислоҳотида сифат жиҳатидан янги босқич бошланганинидан дарак берди. Биз бирор кишининг иродасига боғлиқ бўлмаган, Ўзбекистон халқининг манфаатларига мос молиявий, пул-кредит сиёсатини ва умуман бутун иқтисодий сиёсатимизни амалга оширишнинг аниқ механизмига эга бўлдик. Бу тадбирларни амалга оширишга биз узоқ вақт пухта тайёрландик. Миллий валюта муомалага киритилган дастлабки ойлар тажрибаси у иқтисодий барқарорликнинг, корхоналар ва тармоқлар молиявий аҳволини мустаҳкамлашнинг, республика аҳолисини ижтимоий ҳимоялашнинг ва истеъмол бозорининг кучли омили бўлиб қолганини кўрсатди.

Бугунги энг муҳим вазифа —валютамизни бақувват, дунёда обрўли валютага айлантиришдир. У юксак қийматга ва катта кучга эга бўлиши лозим. Сўмнинг барқарорлигини таъминлаш ва қадрини ошириш — умуммиллий вазифа. Республикамиздаги барча фуқароларнинг фаронвонлиги ана шу вазифанинг ҳал этилишига боғлиқдир. Шу сабабли ислоҳотлар иккинчи босқичининг стратегик жиҳатдан устувор вазифаси сўмнинг қувватини тобора ошириб боришдир. Унинг ички алмашувига, бақувват валюталар билан эркин алмашинувига эришмоқ лозим. Ҳар биримизнинг, республикадаги ҳар бир кишининг,

барча корхоналар аҳволининг яхшилиги миллий валютанинг муомаладаги барқарорлигига боғлиқ.

Миллий валютанинг барқарорлиги, унинг ички бозорда эркин алмашинуви старли миқдордаги рақобатбардош маҳсулотлар, зарур резервлар орқали таъминланади. Бунга эришмоқ учун биз аниқ вазифаларни ҳал этишга қаратилган тўртта алоҳида дастурлар тўпламини ишлаб чиқдик ва амалга оширмоқдамиз.

Биринчидан — ўз валютамиз товар билан барқарор таъминланган тақдирдагина реал куч ва обрўга эга бўлади. Сўмнинг харид қувватини ошириш учун республика бозорини мумкин қадар тезроқ истеъмол моллари билан тўлдириш зарур. Бозорни ўзимизда ишлаб чиқарилган моллар билан ҳам, четдан келтириладиган моллар билан ҳам тўлдириш чораларини кўриш керак.

Бунда гоят муҳим вазифа одамларнинг энг зарур талабларини қондирувчи ўз маҳсулотимизни ишлаб чиқаришни имкони борича кенгайтиришдан иборат. Бунинг учун биз, мулкчилик шаклидан қатти назар, ҳалқ учун мол ишлаб чиқарадиган корхоналарга ҳар томонлама ёрдам кўрсатамиз, бу соҳага инвестицияни биринчи навбатда йўллаймиз, уларни хом ашё ва кредит ресурслари билан таъминлаймиз.

Бу йўналишдаги ижобий силжишлар ҳозироқ кўзга яққол ташланиб турибди. Истеъмол моллари ишлаб чиқариш йил сайин ортиб бормоқда. Истеъмол молларини сотишнинг умумий ҳажмида ўз маҳсулотимизнинг ҳиссаси ошиб бормоқда. Айни вақтда ҳали бир қатор зарур озиқ-овқат маҳсулотлари, хусусан, ғалла, қанд-шакар, қуритилган сут, истеъмол спирти, шунингдек, саноат молларининг бир қанча турлари ва айниқса, маданий-маний ашёлар четдан келтирилмоқда.

Шу сабабли бутун саноатимизни харидорларимизнинг юксак дидларига жавоб берадиган юқори сифатли ҳалқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга қаратишимиш талаб қилинади. Замонавий истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган янги корхоналарни дадилроқ ташкил қилиш, аҳоли талабларининг, бозордаги талаб ва таклифнинг ўзгаришини тез пайқаб оладиган кичик корхоналар филияти учун кенг майдон очиб бериш зарур.

Оғир синовларни бошдан кечирган, ҳозирги мураккаб ўтиш даврида ўз ҳаётини яхшилик томон ўзгартириш иштиёқида бутун куч-ғайратини сарфластган ҳалқимиз тўкин-сочин яшашга ва чиройли кийинишга, илсонга муносиб турмуш шароитига эга бўлишга тўла ҳақлидир. Биз ҳалқимизга шундай шароит яратиб беришимиз зарур.

Ишлаб чиқарувчиларнинг ҳам, истеъмолчиларнинг ҳам руҳиятини ўзгартириш лозим. Биз ўзимиз ишлаб чиқарадиган, харид қиласиган нарсалар билан, ўзимизда ишлаб чиқарилган кийим-кечаклар билан фаҳрланишимиз керак. Ишлаб чиқариластган маҳсулот ўз харидорини топмаса, ўзимизда тайёрланётган молларнинг сифати одамларга ёқмаса, бу миллий шаънимизга дод бўлиб тушади. Бу нарса меҳнатесвар ҳалқимизга хос бўлмаган ўз меҳнатига совуқёнлик билан муносабатда бўлиш натижаси бўлиши мумкин. Бу — ўзимизга, ўз мамлакатимиз ва ўз ҳалқимизга зиён етказишдир. Биз "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" деб тамға қўйилган маҳсулот дунёning ҳамма томонларида мамнуният билан харид қилинадиган, ортиқча рекламага мұхтож бўлмаган маҳсулотга айланишига эришмоғимиз даркор.

Маълум сабабларга кўра, кейинги пайтларгача биз бозоримизни ўзимизда ишлаб чиқарилган барча зарур маҳсулотлар билан тўла-тўкис тўлдириш имкониятига эга бўлмай келдик. Ҳозир ҳам товар обороти тузилмасида четдан келтирилган маҳсулотнинг ҳиссаси анча юқори бўлиб, аҳоли ана шу маҳсулотни кўпроқ сотиб олмоқда. Биз бундан буён ҳам аҳолимиз дунёning турли мамлакатларидан келтирилган сифатли молларни сотиб олиш имкониятига эга бўлиши учун зарур шароитлар яратаверишимиз даркор. Ҳаётий мұхим, харидоригир озиқ-овқат ва саноат молларини четдан олиб келувчиларни ҳар томонлама рагбатлантираверамиз. Ҳозир молларни четдан олиб келиш бўйича барча божхона пошлиналари бекор қилинди. Шу билан бирга биз истеъмолчиларимизни бозорларимизга истеъмол сифати паст бўлган ва одамларнинг соғлиги учун зарарли, нархи қиммат маҳсулотлар кириб келишидан ҳимоя қилиб, импорт моллар таркибини такомиллаштираверамиз.

Импортни рагбатлантириш билан бир вақтда маҳсулотимизнинг рақобатбардошлигини ошириш орқали

аҳолида ўзимизда ишлаб чиқарилган молларни сотиб олиш иштиёқини тарбиялаймиз. Фақат чет элдан келтирилган молларга ружу қўйиш ҳақиқий ватанпарварга хос бўлмаган хусусиятдир.

Иккинчидан, валютанинг барқарор амал қилиши, унинг муқимлиги, эркин алмашиниви етарли валюта захираси бўлишига боғлиқ. Бизнинг валютамиз ҳар қандай барқарор валютага эркин алмашина оладитан бўлсагина, у тан олинган ва ҳурмат қозонган валюта бўлади. Бунинг учун бутун ташки иқтисодий сиёсатимизни тубдан қайта кўриб чиқиш зарур.

Биз қайта-қайта таъкидлаб келмоқдамизки, ислоҳотнинг асосий устувор йўналишларидан бири — экспорт имкониятини кенгайтириш, корхоналарни экспорт учун маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхоналарга айлантириш, жаҳон бозорида ўз мустаҳкам мавқеимизни қўлга киритишидир. Биз илгари айтганимиздек, истиқболда экспорт учун маҳсулот ишлаб чиқаришни қўпайтириш йўлини танлаган корхоналаргина хом ашё билан таъминланишда ҳам, инвестициялар билан таъминланишда ҳам устунликка эга бўладилар. Зотан бу бизнинг бош йўлимиздир.

Биз корхоналар жаҳон бозорида рақобатга бардош берадиган маҳсулот ишлаб чиқаришни кенг кўламда авж олдиришлари учун рағбатлантирувчи омилларни вужудга келтиришимиз зарур. Улар жаҳон бозорига ҳар қандай рақобатга бардош бсрса оладиган маҳсулот билан тезроқ чиқишилари, барқарор валюта ишлаб топишни ўрганишилари, республика хазинасини тўлдиришилари керак. Бу эса уларнинг давлат олдидағи, ўз жамоаси ва бутун халқ олдидағи муқаддас бурчидир.

Учинчидан — ҳар бир корхона, ҳар бир киши ишлаб топган сўмини қадрлашни ўрганган тақдирдагина миллий валюта реал тўлов воситасига айланади. Биз миллий валютани ҳурмат қилишни, у билан фахрланишни, уни эҳтиёт қилишни ўрганиб олишимиз даркор. Валюта — ҳар бир фуқаро меҳнатининг ўлчови ва баҳосидир.

Бунинг учун қатъий молиявий-кредит сиёсатини изчиллик билан ўтказиш зарур. Биз ўз молиямиздан ишнинг кўзини билиб, эҳтиёткорона ва тежаб-тергаб фойдаланишимиз, унинг беҳуда сарфланиб кетишига йўл

қўймаслигимиз зарур. Халқ ҳўжалигида сарфланин ҳар бир сўм салмоқли фойда билан қайтиши, эртаниги кунга, республика истиқболига хизмат қилиши керак.

Корхоналар, тадбиркорлар давлатдан ўзлари оладиган маблағлар, кредитлар — еб кетарга бериладиган инъом эмаслигини аниқ англашлари лозим. Олинадиган маблағлардан самарали ва муайян мақсад йўлида фойдаланиш учун катта масъулият сезиш қатъий қонун бўлиб қолини керак. Кредитларнинг ўз вақтида қайтарилишига эришмоқ даркор. Шу сабабли кредит бериш шартида корхоналар уларни олиш учун масъулиятни сезишлиари, улардан ишлаб чиқариши юксалтириш учун энг кўп самара билан фойдаланишга интилишлари лозимлиги кўзда тутилмоғи керак.

Тўртинчидан — миллий валютани мустаҳкамлашнинг энг муҳим шарти — инфляцияга қарши бақувват, пухта ўйланган сиёсат ўтказишдир. Инфляция даражасини кескин камайтиришгина миллий валютани барқарор валютага айлантира олиши мумкин. Бу ёш валютамиз қувватли ва яшовчан бўлишининг гаровидир.

Сўм ўзининг юксак тўлов қобилиятини узоқ муддат давомида сақлаб қолган тақдирдагина миллий валютамиз ўз қувватига ва обрўсига эга бўлади. Биз ўз "сўми" миз ана шундай қувватга эга бўлиб бораётганини ҳозироқ ҳис қўлмоқдамиз. Инфляция сезиларли даражада пасайди. Ана шу ижобий тамойилни мустаҳкамлаш керак. Муомалага чиқарилган ҳар бир сўм муайян миқдордаги моллар ва хизматларда намоён бўлиши, оила фаровонлигига хизмат қилиши қатъий қондага айланishi лозим. Савдо корхоналарининг ишини тубдан яхшилаш зарур. Ҳозир уларнинг ҳаммаси хусусийлаштирилган. Ишни савдо ташкилотлари харидор учун ўзаро кураш олиб бора-диган, харидор учун, унинг талабларини қондириш учун ишлайдиган қилиб йўлга қўйиш керак.

Биз пул миқдори товарлар ва хизматларнинг миқдори тегишили даражада ўсиши билан мустаҳкамланмаган ҳолда ортиб боришига йўл қўймаслигимиз керак. Бунга йўл қўйишга ҳаққимиз ҳам йўқ. Харид қилиш учун моллар етарли бўлмаган ҳолда аҳоли қўлида пулнинг ортиқча кўпайиб кетиши аввало нархларнинг ошишига, инфляциянинг яна авж олишига олиб боради. Бунда гипер-

инфляция авж олишига олиб борувчи хатарли ҳодисалар занжири вужудга келиши ҳавфи туғилади.

Хусусан, товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва тақсимлашда яккахокимлик мавжуд бўлган, нархлар эркинлаштирилган шароитда истеъмол бозорида уларнинг стиҳмаслиги, товар ишлаб чиқарувчи корхоналар ва савдо ташкилотларини нархларни оширишга ундейди. Натижада реал иш ҳақи пасаяди, аҳолининг харид қобилияти ва унинг амалдаги истеъмол даражаси чекланади. Аҳоли манбаатларини ҳимоя қилиш, одамлар турмуш даражасининг кескин пасайишига йўл қўймаслик маҳсадида давлат аҳоли даромадлари нисбатини ўзгартириш, энг кам ва ўртача иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар миқдорини ошириш тадбиrlарини кўришга мажбур бўлмоқда. Тўловга қобил талаб ортиб бормоқда. Аммо истеъмол моллари ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш оширилмаса, бу талаб қондирилиши мумкин эмас. Моллар етишмаслиги, нархларнинг ўсиши давом этаверади, бу жараён кенгайиб, ҳалокатлироқ кўлам олиши мумкин. Бинобарин, ана шу ҳалокатли доира бўйича пойгани тўхтатиш юзасидан аниқ, кескин чоралар кўрилмаса, бу нарса узлуксиз такрорланаверади. Пул миқдорининг ва нархларнинг тобора ошиб бориши муқаррар равишда узоқ давом этадиган гиперинфляцияни келтириб чиқаради. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодиёт тизгини қўлдан чиқиб кетишига, бутун ишлаб чиқарishning издан чиқишига, аҳоли кенг табақаларининг қашшоқланишига ва ижтимоий ларзаларга, яъни бутун иқтисодий тизимнинг барбод бўлишига олиб келади. Уни қайта тиклаш учун кейинчалик кўп иyllар ва жуда катта маблағ сарфлашга тўғри келади.

Шу сабабли ички бозорни мол билан тўлдириша тақчиллик бўлиб турган ҳозирги босқичда истеъмол фондининг ўсишини ишлаб чиқариладиган маҳсулот ва кўрсатиладиган хизматнинг моддий ҳажми кўпайишига бевосита боғлиқ қилиб қўйиш зарур. Ислоҳотларнинг ҳозирги босқичидан маҳсад ички бозорни моллар ва хизматлар билан тўлдиришини жадаллаштиришdir. Айни маҳалда, ҳар қандай қийинчиликларга қарамасдан, пул муомаласини тўғри йўлга қўйиш, яъни унинг ўринсиз пул билан тўлдирилишига йўл қўймаслик керак. Шундай бир oddий ҳақиқатни англаб олиш муҳимдир.

Ички бозорни моллар билан тұлдириш — миллий валюта барқарорлигининг ва ахоли турмуш даражасини ўстиришнинг әңг муҳым шартидир. Шу сабаблы истесъмол фондининг ўсиши билан ишлаб чиқаришнинг ўсиши устидан назоратни таъминлаш лозим. Бунга риоя қилинmasa, гиперинфляция келиб чиқиши мүмкін.

Нақд пул ва кредит Эмиссиясининг ўсишига, ахоли құлида пулнинг ҳаракатсиз туриб қолишига йўл қўймаслик биринчи даражали вазифага айланмоқда. Ажратилаётган пул миқдорининг қайтарилиши, маҳсулот тайёрлашнинг ўсишини таъминламаган корхоналарга кредитлар берилишига йўл қўймаслик учун имкони борича барча чораларни кўриш лозим.

Белгиланган тўртта дастурнинг амалга оширилиши миллий валютамизнинг мустаҳкамланишига, муқим валюталарга нисбатан унинг алмашув курсининг барқарорлашувига албатта ёрдан бериши керак.

Ўзбекистон иқтисодиёти сингари очиқ иқтисодиёт шароитида миллий валюта алмашув курсининг барқарорлашуви макроиқтисодий барқарорлик сиёсатининг муҳим йўналишидир. Валюта курси барқарор бўлса, импорт нархлари ҳам барқарор бўлади. Бу эса, ўз...навбатида, ички бозордаги нархларнинг умумий ўзгаришига яхши таъсир кўрсатади. Инфляцияни пасайтирувчи қудратли омил бўлиб хизмат қилади.

Миллий валютанинг бошқа давлатлар валюталарига нисбатан алмашув курсини аниқ белгилаш мақсадида 1994 йил 15 октябрдан бошлаб биз Ўзбекистон Республика банклараро валюта биржасида мунтазам равишда валюта савдоларини ўтказаётимиз. Валюта операцияларининг барча турлари учун валютага талаб ва таклиф натижасида шаклланадиган ягона алмашув курси белгиланган.

Валюта алмаштириш операцияларининг дастлабки босқичида биз Банклараро валюта биржасида валютани нақд пулсиз алмаштириш ҳажмини кўпайтиришга устунлик берганлигимиз муҳимдир.

Биржа савдосида барқарор валютага талабни қондириш учун маҳсулотни марказлаштирилган тарзда экспорт қилишдан тушган маблағлар, корхоналарнинг мажбурий тартибда Марказий банкка келиб тушадиган нақд валютасининг бир қисми, шунингдек, корхоналарнинг ўзига

тегишили эркин валюта маблағлари чиқарилмоқда. 1994 йили валюта биржаси иш бошлаган пайтдан бери валюта савдосининг ҳажми беш баравар ошиди.

Ҳозир Банклараро валюта биржасидаги оборот миқдорини ҳар қандай корхона ёки фуқаро хоҳлаган вақтида, хоҳлаган миқдорда ўз пулини эркин алмаштириладиган валюта ни сўмга айирбошлиш ёки эркин алмаштириладиган валюта ни вазифаси қўйилаётир. Шу мақсадда маҳсулотимизни экспорт қилишини кенгайтириш юзасидан қабул қилинган чоралар билан бир қаторда Халқаро валюта фонди ва Жаҳон банки билан Ўзбекистонга институционал ва реабилитация қарзлари бериши ҳақида битимлар имзоланиди. Бу тадбирлар 1995 йилдаёқ Ўзбекистон Республика валюта биржасининг умумий оборотини 1,5 миллиард АҚШ долларигача етказиш имконини беради.

1995 йил апрелидан валюта савдосини ҳафтасига камида икки марта, кейинчалик эса, бундан ҳам кўпроқ марта ўтказишга қарор қилинди. Валюта биржаси қатнашчилари таркибини янада кенгайтириш сиёсати давом эттирилади.

Белгиланган тадбирларнинг муваффақиятли амалга оширилиши валютамизнинг алмашув курси барқарорлашувига, унинг қуввати ва обрўси ошувига сўзсиз ижобий таъсир кўрсатади. Миллий валюта кучли бўлган тақдирдагина иқтисодиёт ҳам бақувват бўлади. Шуни яна бир бор эслатиб ўтишни истардим.

2.4. ЧУҚУР ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАРГА ЭРИШИШ — БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИНГ АСОСИЙ ШАРТИ

Иқтисодий ислоҳотларнинг иккинчи босқичида — иқтисодиётимизнинг таркибий тузилишида туб ўзгаришларга асос солишдан иборат ғоят муҳим вазифани ҳал этиш керак бўлади. Бу — республика учун стратегик аҳамиятта эгадир. Таркибий тузилишда чуқур ўзгаришларни амалга ошириш макроиқтисодий барқарорликка эришишнинг, истиқболда Ўзбекистоннинг барқарор иқтисодий ўсишини ва аҳоли фаровонлигини таъминлашнинг, жаҳон иқтисодий тизимига қўшилишнинг энг асосий шартларидан биридир.

Бизга издан чиққан, ҳом ашё етиштиришга қаратилған, чуқур ҳудудий номутаносибликларга ҳамда асосан маънавий ва жисмоний жиҳатдан эскирган ишлаб чиқариш базасига эга бўлган, ортиқча марказлиштиришган иқтисодиёт нақадар оғир аҳволда мерос қолганилигини ҳаммамиз биламиз. Шу сабабли илгариги ҷалқашвиликлардан узил-кесил ҳалос бўлиш, чинакам мустақиллик ва иқтисодий эркинликларга эга бўлиш учун биз таркибий тузилишларни ўзгартириб, уларни қайта қуришимиз шарт.

Ҳом ашё етиштиришга мўлжалланган иқтисодиётимизнинг бир томонламалигини қатъяян бартараф этиш, тармоқ тузилишини тубдан ўзгартириш, "умумиттифоқ миқссида ихтисослаштириш" шиори остида ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш ва жойлаштиришда йўл қўйилган номутаносибликни тутатиш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш, маҳсулот сифати ва рақобатбардошлигини жаҳон бозори талаблари даражасига етказиши вазифаси қўйилаётir.

XXI аср бўсағасида таркибий тузилиш сиёсати Ўзбекистоннинг тамомила янги ҳалқ хўжалик комплексини бунёд этишга қаратилған. Бу комплекс республиканинг иқтисодий ва сиёсий мустақиллиги учун гаров бўлиб, республикамиз ҳалқига муносиб турмуш шароитини яратиб беради.

Бу мақсадга эришмоқ учун иқтисодиётимизнинг тармоқ ва ҳудудий тузилиши, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таркибини экспорт ва импортиз таркибини қайта қуриш талаб қилинади. Шунингдек, биринчни навбатда энг муҳим макроиқтисодий ва такрор ишлаб чиқариш нисбатларини жиддий тарзда тартибга солиш зарур бўлади. Оқибат-натижада биз ишлаб чиқариш манфаатларига ҳам, аҳоли манфаатларига ҳам мос келадиган иқтисодиётни қайта тиклаш структурасида энг мақбул мутаносибликка эришмогимиз лозим.

Тармоқ тузилиши жиддий ўзгаришларга муҳтоҷ. Қисқа муддатларда тубдан ўзгариш ясаш гоят мураккаб ва бу нарса жуда катта сармоя талаб қилиши равшан. Аммо бугуннинг ўзидаёқ биз ҳалқ хўжалигимизнинг йўналишини республика эҳтиёжларига, аҳоли талабларига қаратиш учун бутун куч-гайратимизни сарфлашимиз ло-

зим. Бу йўналишда ҳозирданоқ дастлабки қадамлар қўйилди. Бу соҳадаги ютуқларни мустаҳкамлаш ва янада ривожлантириш зарур.

Ҳудудлардаги таркибий тузилишни такомиллаштиришга алоҳида эътибор бериш талаб қилинади. Қорақалпогистон Республикаси, туманларнинг табиий, ресурс ва меҳнат имкониятларидан тўла ва етарли дарражада самарали фойдаланилмаётир. Бизда шу пайтгача ишлаб чиқариш базаси яхши ривожланмаган, қолоқ инфраструктурага эга бўлган кўпгина шаҳарчалар ва қишлоқлар бор.

Иқтисодиётнинг ички тузилишини қайта қуриш деганда, талабни ҳисобга олган ҳолда, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турини ўзгартиришнинг эмас, балки айни вақтда сифатни оширишни, маҳсулот тайёрлашга кетадиган жами ҳаражатларни камайтиришни ҳам тушуниш керак. Бинобарин, ишлаб чиқаришнинг таркибий тузилиши ўзгариши, устувор тармоқларнинг тезроқ ривожланиши, албаттa, норентабел корхоналарни тутатиш, рақобатга бардош бера олмайдиган маҳсулот ишлаб чиқараётган корхоналар ихтисослашувини ўзгартириш ишлари билан қўшиб олиб борилиши керак. Ишнинг бу жиҳати янги корхоналар барпо этишдан ҳам муҳимроқ аҳамиятга эгадир.

Иқтисодий ислоҳотларнинг янги босқичида таркибий тузилиш сиёсатини ишлаб чиқар эканмиз, биз ўз иктиёrimizдаги ғоят бой табиий маъдан-хом ашё, меҳнат ресурсларига мустаҳкам таянишимиз, улардан энг самарали фойдаланишни ҳисобга олишимиз лозим. Бу сиёсат натижасида ҳал этиладиган устувор вазифаларни танлаб олишга асосланишимиз керак.

Иқтисодиёт тузилишидаги ўзгаришлар қўйидаги энг муҳим вазифаларни ҳал этиш билан боғлиқдир:

биринчидан, бошқа мамлакатлардан хом ашё ресурслари энг муҳим турларининг, бутловчи маҳсулотларнинг ва озиқ-овқат маҳсулотларининг олиб келинишини қисқартириб, ана шу маҳсулотлар ўрнини босадиган корхоналарни ривожлантириш асосида республиканинг иқтисодий мустақиллигига эришиш;

иккинчидан, ўзимизда ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳисобига маҳсулотларнинг ва ҳалқ истеъмоли молларини

нинг ҳаётий мұхым турларига ақолининг ва умумаш қалқ хўжалигининг талабларини қондириш;

учинчидан, иқтисодиётнинг мутаносиб ва барқарор ишлашини таъминлаш;

тўртингчидан, иқтисодиётнинг хом ашё стиштириини қаратилган бир томонлама йўналишини бартараф этиши, гоят бой маъдан-хом ашё ресурслари ва қишлоқ хўжалик хом ашёсини чуқурроқ, мукаммалроқ ишлашини ташкил этиш, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг бутлик дарасини ва рақобатбардошлигини ошириш;

бешинчидан, республиканинг экспорт имкониятини кенгайтириш, ташки иқтисодий алоқаларда тўлов балансининг ижобий бўлишига эришиш; олтин-валюста захирасини мустаҳкамлаш;

олтинчидан, меҳнат ресурсларининг оқилона бандлигини таъминлаш, меҳнат қилишнинг янги технологияларга, ҳалқнинг тарихий анъаналари ва удумларига мос келадиган соҳаларини барпо этиш;

еттингчидан, тармоқлар ичидаги ва ҳудудий жиҳатдан вужудга келган номутаносибликларни бартараф этиш, республика ҳудудида ишлаб чиқарувчи кучларни жадал ривожлантириш ва оқилона жойлаштириш.

Иқтисодиётимизни замонавий бозор талабларига мувофиқ тарзда самарали қайта қуриш учун биз қўйидаги саволларга аниқ жавоб топишимиш керак:

— биз учун бугун иқтисодиётнинг қайси йўналишлари, қайси тармоқлари ва ишлаб чиқаришлар устувор бўлиши керак, куч-ғайратларимиз, барча воситаларимиз ва ресурсларимиз қайси соҳаларни ривожлантиришга қаратилиши лозим;

— ички ва ташки бозорларда талаб қилинадиган маҳсулотларни қайси маблағлар, қандай манбалар ҳисобидан ишлаб чиқариш мумкин;

— маҳсулотимизнинг рақобатбардошлигини қай тариқа таъминлаш мумкин.

Бу саволларга жавоблар бизга ижтимоий тараққиёт йўлини, ишлаб чиқаришга замонавий фан-техника ютуқларини, бошқарувнинг илғор шакллари ва усувлари ни кенг кўламда жорий этиш, жаҳон иқтисодиёти тизимиға дадил қадамлар билан кириб бориш ва унда муносиб ўринни эгаллаш учун йўл очиб беради.

Белгиланган вазифаларга биноан ислоҳотнинг иккинчи босқичида иқтисодиёт соҳасидаги ички силжишларнинг асосий йўналишлари — республиканинг энергетика ва озиқ-овқат мустақиллигини таъминловчи тармоқларни, бутун-бутун мажмуаларни жадал ривожлантиришидир. Шунингдек, жуда қисқа муддат ичидаги мавжуд маъдан-хом ашё ресурсларидан ва қишлоқ хўжалик хом ашёси ресурсларидан тайёр рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариши таъминлайдиган ўзаро боғлиқ тармоқлар ва корхоналар имкониятини оширишдан иборатдир. Айни вақтда анъанавий ихтисосдаги ишлаб чиқаришлар ҳам замонавий технология ва ускуналар билан қайта таъминлаш асосида бир месъерда ривожлантирилиши лозим.

Ислоҳотларнинг иккинчи босқичида халқ хўжалигининг такрор ишлаб чиқариш структурасини тубдан ўзгартириш керак бўлади. Биз такрор ишлаб чиқариш структурасини ўзгартирмасак, ишлаб чиқариш харажатларини қисқартиришга ғоят жиддий эътибор бермасак, маҳсулот тайёрлашга кетадиган материаллар миқдорини камайтиришга қатъият билан эришмасак, ресурсларни тежаш сиёсатини ўтказмасак, ҳеч қачон дефицит балосидан қутула олмаймиз.

Янги босқичда истеъмол билан жамғарма фонdlари ўртасида энг мақбул мутаносибликни таъминлаш, уму-миқтисодий барқарорлик ва янада ривожланиш вазифаларини ҳал этиш учун зарур шароит яратиш муҳимдир. Истеъмол фондининг энг мақбул даражасига эришиш — ички бозорда талаб билан таклиф ўртасида мутаносибликка эришишда, яъни чиқарилган пул миқдори билан унга сотиб олинадиган моллар салмоғи ўртасида тўғри нисбатни таъминлашда ғоят катта роль ўйнайди. Шу сабабли давлат энг муҳим макроқтисодий такрор ишлаб чиқариш нисбатларини энг мақбул тарзда тартибга солиб туриш омилини тезроқ әгалаб олиши даркор.

Ислоҳотларнинг иккинчи босқичида структура сиёсатини амалга оширишда тармоқлар тузилишини қайта қуришга ва, аввало, базавий тармоқларни жадал ривожлантириш билан боғлиқ соҳаларни қайта қуришга алоҳида эътибор бериш керак бўлади.

Республика ўз тараққиётида асосан ўз кучларига таянишга мажбур эканлигини ҳисобга олганда, ҳаётнинг

ўзи ҳозир биринчи навбатда энг муҳим ўзак тармоқларни — нефть ва газ саноатини, энергетикани, олтин қазиб олиш ва рангли металлургиянинг бошқа тармоқларини, коммуникация ва инфраструктура тизимини ривожлантиришни талаб қилади.

Ўзак тармоқларни ривожлантириш Ўзбекистон иқтисодий мустақиллигининг энг асосий шартидир. Ўзак тармоқларнинг жадал ривожланишини таъминласак, бунинг учун сармояларнинг зарур манбаларини қидириб топсак,— фақат шу нарсагина бутун иқтисодиётнинг жадал ривожланиши учун мустаҳкам асос ва қулай шароит яратади.

Республика энергетика мустақиллигига эриштан тақдирдагина тўла мустақил бўлади. Сўнгги пайтларгача биз ҳаётий муҳим бўлган нефть, нефть маҳсулотлари ва бошқа энсргия ресурсларини чётдан, асосан МДҲ мамлакатларидан ташиб келишта мажбур эдик.

Эндиликда аҳвол ўзгараётир. Нефть, табиий газ қазиб олиш ҳажми кўпайди. Нефть маҳсулотлари — мазут, дизель ёнилғиси, нефть мойини ўзимизда ишлаб чиқариш ҳажми анча кенгайди. Янги нефть конлари — Мингбулоқ ва Кўқдумалоқ конлари умидли истиқбол очмоқда. Уларни жадал ўзлаштириш зарур. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводини қуриш ва Фарғона нефтни қайта ишлаш заводини таъмирлаш ишларини фаол олиб бориш лозим. Янги Ангрен ва Толлимаржон ГРЭСлари қурилишини ниҳоясига етказиш, шунингдек, кўмир қазиб чиқаришни кўпайтириш вазифаси қўйилаётир. Республикадаги ёқилғи балансида табиий газ ва бошқа нисбатан арzon энсргия ресурсларини қазиб олиш устун мавқени эгаллаши керак.

Шу билан бирга энергияни тежаш, кам энсргия сарфланадиган ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш соҳасида изчил сиёсат ўтказиш талаб қилинади. Бу эса ёқилғи-энсргетика комплексини мӯътадил ривожлантирган ҳолда иқтисодиётнинг прогрессив структура ўзгаришларини таъминлаш имконини беради.

Металлургия комплексида структура сиёсати рангли металларни ишлаб чиқаришни кўпайтиришга қаратилиши лозим. Рангли металлар валюта тушумининг энг муҳим манбаидир. Шунингдек, МДҲ мамлакатларидан ҳозирги пайтгача олиб келинаётган маҳсулот турлари — электр

ёрдамида пайвандланадиган құвурлар, латун, бронза ва бошқаларни ишлаб чиқариш күпайтирилиши муҳимдір.

Иккиламчи хом ашे — темир-терсак парчалари асосида ишлайдиган ҳамда Ўрта Осиё ҳудудида қора металл ва металл маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи бирдан-бир корхона бўлган Бекобод металлургия комбинатини тубдан таъмиrlаш эндиликда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Кимё саноатини ривожлантириш асосан, экологик жиҳатдан мусаффо ишлаб чиқариши таъминлаган ҳолда, ўз ресурсларимизни тўла-тўкис ўзлаштириш негизида амалга оширилиши лозим. Бутун кимё комплексини тубдан қайта қуриш, уни техника билан тамомила янгидан қуроллантириш зарур.

Ўзбекистонда таркибида кўплаб хушбўй углеводород бўлған табиий газ ресурслари, уни қазиб олиш учун ишлаб чиқариш имконияти мавжуд. Шуни ҳисобга олиб, улар негизида ички ва ташқи бозорда кўплаб талаб қилинаётган полиэтилен, полипропилен, полистирол ва бошқа маҳсулот ишлаб чиқарадиган йирик комплекс барпо этиш зарур. Иқтисодий мустақилликка эришиш мақсадида, шунингдек, капролактам, капрон иплари, штапель толасини қайта ишлаш корхоналарини барпо этиш ҳам кўзда тутилади.

Фан ютуқлари кенг кўламда жорий этиладиган ишлаб чиқаришларни муттасил ривожлантириш ва уларнинг ролини ошириш тармоқ таркиби сиёсатида жуда муҳим устувор йўналишдир. Фан ва техника ютуқлари кенг кўламда жорий этиладиган саноат тармоқларини ривожлантириш ўйли стратегик вазифани — жаҳон бозорида Ўзбекистон мавқеини мустаҳкамлаш, республиканинг иқтисодий ва технологик мустақиллигига эришиш вазифасини ҳал этади.

Ўзбекистондаги мавжуд ривожланган фан-техника салоҳияти, бақувват тажриба ва ишлаб чиқариш базаси Марказий Осиёдаги бошқа бирор мамлакатда йўқ. Биз бу салоҳиятни республика ва ҳалқ манфаатларига хизмат қилдиришимиз зарур.

Машинасозлик соҳасида республика пахтачилик комплекси учун машина ва механизмлар ишлаб чиқаришга асосланувчи қишлоқ хўжалик машинасозлигини ривожлантириш — тармоқ ихтисослашувининг энг муҳим

йўналиши бўлиб қолиши керак. Биз пахтачилик учун чигит экиш, гўзага ишлов бериш ва пахта териш техникасини ташқаридан олиб келиш йўлини тута олмаймиз. Чунки бундай техникани бутун дунёда фақат иккита мамлакат — АҚШ ва Ўзбекистон ишлаб чиқаради.

Машинасозлик комплекси хом ашё ва бутловчи маҳсулотларни ташқаридан ташиб келтиришга юқори дарражада қарам бўлган тармоқларда ишлаб чиқариш кўламларини қисқартириш вазифаси қўйилган. Маҳаллий хом ашёни чуқур қайта ишлаш учун машина ва механизмлар, енгил ва озиқ-овқат саноати учун технология ускуналари, янгидан вужудга келтирилаётган фермер (деҳқон) хўжаликлари ва хусусий ёрдамчи хўжаликлар учун кичик механизация воситалари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш зарур. Шунингдек, мураккаб рўзгор техникаси ва ҳалқ истеъмоли молларининг бошқа турларини ишлаб чиқарувчи моддий базани кенгайтириш масаласи қўйилмоқда.

Ўзбекистоннинг истиқболи самолётсозлик ва республика учун тамомила янги бўлган автомобилсозлик саноати, радиоэлектроника, электротехника соҳасининг ривожланишига боғлиқдир. Шунингдек нефть кимёси ҳамда енгил ва озиқ-овқат саноати учун ускуналар, қишлоқ учун кичик механизация воситалари ишлаб чиқаришни таъминловчи бошқа прогрессив тармоқлар, ҳалқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳам муҳим. Буларнинг ҳаммаси жаҳон бозорига чиқиши омиллариdir.

Тармоқ структура сиёсатининг ана шу ўюят муҳим йўналишларини ривожлантириш, бунинг учун тегишли сармояларни қидириб топиш — бундан бўёнги иқтисодий ўсишнинг муҳим манбаидир. Давлат ана шу устувор йўналишларни қўллаб-қувватлаши зарур. Республикада бу соҳаларни ривожлантириб, такрор ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилиши ўзак бўладиган инфраструктуранинг иқтисодий тараққиётини таъминлайди.

Ислоҳотларнинг иккинчи босқичида структуравий сиёсатнинг энг муҳим устувор йўналиши — қишлоқ хўжалигида ва умуман агросаноат комплексида чуқур прогрессив силжишларга эришишдир. Бу силжишлар озиқ-овқат муаммосини тубдан ҳал этишга, қишлоқ хўжалик хом ашёсини чуқурроқ қайта ишлашга ва қишлоқларда

кичик корхоналар барпо этишга, қишлоқнинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфраструктурасини ривожлантиришга, қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини оширишга қаратилиши лозим.

Қишлоқ хўжалиги таркибини ўзгартириш сиёсати зоналар ихтисослашуви шароитларига мувофиқ экин майдонлари таркибини энг мақбул ҳолга келтириш йўли билан амалга оширилади. Ўзак тармоқлар қаторига пахта билан бирга галлачилик ва картошкачиликни қўйиш керак. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши таркибини қайта қуриш Ўзбекистонда қишлоқ хўжалик экинлари ва озиқ-овқат маҳсулотларининг энг муҳим турларини этиширишни жадал ривожлантириш учун шароит яратади. Айни маҳалда республикани дон ва ем, маргарин маҳсулотлари, истеъмол спирти ва энг муҳим товарларнинг бошқа турларини импорт қилишдан холи этиш имконини беради.

Ем-хашак этишириш соҳасида ўз базамизни анча мустаҳкамлаш ва ем, соя ва бошқа компонентларни четдан келтиришни қисқартириш зарур. Бу эса, аввало гўшт ва сут маҳсулоти этиширишни барқарорлаштириш, сўнгра эса, уларни этишириш ҳажмини кўпайтириш имконини беради.

Қайта ишловчи тармоқларни техника билан тубдан қайта қуроллантириш, уларни замонавий техника ва технология билан таъминлаш, сифатли ва рақобатбардош истеъмол моллари ишлаб чиқаришининг тўла-тўқис, тугал технология занжирларини барпо этиш ғоят муҳим стратегик вазифадир. Қишлоқ хўжалик ресурсларининг энг муҳим турлари, пахта, пилла, каноп, мева ва сабзавот, узумнинг мукаммал қайта ишланишини таъминлашга, енгил саноатнинг бу билан боғлиқ тармоқларини ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилади. Республикада этишириладиган пахта толасининг 28—30 фоизини қайта ишлашга эришиш вазифаси қўйилмоқда. Туршак, майиз, мева қоқи, сабзавот қоқи тайёрлашни анча кўпайтириш мўлжалланмоқда. Болалар таоми ишлаб чиқаришни ривожлантиришга алоҳида эътибор бериш зарур.

Янги қайта ишловчи қувватларнинг барпо этилиши кўп меҳнат талаб қиласидиган ип йигириш, тўқиши ва пардозлаш тармоқларини, трикотаж, тўқимачилик саноат-

ини ривожлантириш, тайёр маҳсулотлар хилини кенгайтириш учун кенг имкониятлар яратади.

Биз ҳом ашё, арzon яримфабрикатларни эмас, балки ҳамманинг дидига ёқадиган замонавий тайёр маҳсулотларни сотишни ўрганмоғимиз лозим.

Ислоҳотларнинг иккинчи босқичида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишларидан бири — ерларнинг унумдорлигини оширишdir. Шу сабабли қишлоқда сармояни асосан срларни таъмиглашга, янги суюриладиган ерларни ўзлаштиришга, уларнинг агрокимёвий ва мелиоратив ҳолатини яхшилашга, ирригация, коллектор-дренаж шоҳобчаларини ривожлантиришга қаратиш лозим. Инвестицияларни ҳам биринчи навбатда қишлоқ жойларга йўллаш зарур. Ерларимиз унумдор бўлса, уларда мўл ҳосил этиширилса, ана шу ерларда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини интенсивлаш, қишлоқ хўжалик ҳом ашёсини қайта ишлаш билан шуғулланиш учун чет эл сармоялари ҳам келаверади.

Ўтиш даврида иқтисодиётни барқарорлаштириш ва жадал ривожлантириш муаммосини ҳал этишда ишлаб чиқариш инфраструктурасининг муҳандислик коммуникациялари, транспорт ва алоқа тизими сингари тармоқларини устувор ривожлантиришга алоҳида эътибор берилади. Коммуникациялар тизими ҳақида гапиргандা, Ўзбекистон географик мавқенининг ўзига хослиги, портларга ва энг катта транспорт узелларига чиқиши йўлининг йўқлиги туфайли транспорт тармоқлари ва коммуникацияларни ривожлантириш масалалари устувор, стратегик, ҳаётий муҳим аҳамият каасб этишини таъкидламоқ даркор.

Инфраструктура комплекси — иқтисодиётимизнинг бутун структураси таянадиган пойdevордир. Республика бутун ҳалқ хўжалик комплекси ишининг уйғунлиги, унинг самарадорлиги, шунингдек, чет эл сармояларини жалб қилиш ва ўзлаштириш имконияти бутунлай инфраструктура тизими ривожининг ҳолатига ва даражасига боғлиқdir. Айни шу ишлаб чиқариш инфраструктураси, аввало, транспорт ва алоқа молларимиз ва хизматларимизнинг ташқи бозорга чиқишини таъминлайди, уларнинг рақобатбардошлилигига таъсир қиласи, айни вақтда зарур ахборот, ҳом ашё, бутловчи, замонавий технология ва ускуналарнинг келтирилишида омил бўлиб хизмат қиласи.

Шу сабабли биз ишлаб чиқариш инфраструктураси тармоқларини бутун ҷоралар билан қўллаб-қувватлашимиз, моддий, молиявий ва валюта ресурслари чекланганигига қарамай, уларни ривожлантиришга аямасдан сарфлашимиз керак. Бу тармоқларга чет эл сармоялари жалб қилинишига имкони борича ёрдам беришимиз лозим. Яқин вақтлар ичидаётк биз телекоммуникация шохобчаларини ва алоқани ривожлантириш бўйича халқаро стандартлар талаби даражасига етиб олишимиз шарт. Коммуникациялар тизими ривожлантирилмаса, Ўзбекистоннинг истиқболи бўлмайди. Биз буни яхши англаб олишимиз лозим.

Республика истеъмол бозорини ўзимизда ишлаб чиқарилган озиқ-овқат ва саноат моллари билан тўлдириш мақсадида иқтисодиётнинг ижтимоий йўналишини кучайтириш — таркибий ўзгаришларининг устувор вазифасидир. Меҳнат кўп талаб қилинадиган ва хизмат кўрсатиш соҳалари, қишлоқ жойларда кичик корхоналар ташкил этилса ва тез ривожлантирилса, тадбиркорлик рағбатлантирилса, ҳунармандчилик-косибчилик ва халқ бадиий устачилиги қайта тикланса, республика учун гоят муҳим муаммо ҳал этилади. Яъни меҳнат ресурслари юксак даражада ўсиши билан иш жойлари мавжудлиги ўртасидаги мутаносиблик таъминланади. Айни маҳалда ҳамманинг дидига ёқадиган истеъмол моллари ва хизматлар кўлами ва турини анча кенгайтириш учун ҳам имкон яратилади.

Ноишлаб чиқариш соҳасидаги таркибий сиёсат соғлиқни сақлаш, халқ таълими ва маданиятнинг моддий базасини мустаҳкамлаш, шаҳарлар, шаҳарчалар ва қишлоқларда турмуш фарновонлиги даражасини ошириш, уларни газлаштириш ва сув таъминотини, айниқса, қишлоқ жойларда яхшилаш вазифасини ҳал этишга бўйсундирилиши лозим.

Республика аҳолисини тайёр дори-дармонлар билан тўлароқ таъминлаш учун камёб дори-дармонларни кўплаб ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш зарур. Бунинг учун фармацевтика саноатини жадалроқ ривожлантириш талаб қилинади. Ҳозир Ўзбекистон МДҲ мамлакатлари орасида энг камёб дори-дармонлар, вакциналар ва зардблар

ишилаб чиқарадиган бирдан-бир республика бўлиб, бу дори-дармонлар жаҳон бозорида ҳам обрў қозонмоқда.

Чет эл туризми республика иқтисодиётининг стакчи тармогига, унинг валюта тушумларини тўлдирадиган муҳим манбага айланниб бормоқда. Шу сабабли шинам меҳмонхоналар, кемпинглар қурилишини бундан бўён ҳам амалга оширавериш, туризмнинг ривожланган инфраструктурасини шакллантириш, сайёҳлар борадиган жойларни обод қилиш билан ҳам шугулланавериш керак. Миллий-тарихий ва маданият ёдгорликларини таъмирлаштига алоҳида эътибор бериш зарур. Бу эса ажнабий сайёҳларни жалб этиш учунгина эмас, балки аввало халқ қадриятларини қайта тиклаш, ёш авлодни тарбиялашда ҳам алоҳида аҳамиятта эга.

Структура сиёсатини амалга оширишда унинг ҳудудий жиҳати ҳам муҳимдир. Чунки иқтисодий жиҳатдан унча ривожланмаган минтақаларда ишилаб чиқариш ва ижтимоий инфраструктурани ривожлантириш, ишилаб чиқарувчи кучларни энг мақбул тарзда жойлаштириш йўли билангина уларга қўшимча сармоялар жалб қилиш имкони яратилади. Шундагина одамлар турмуш даражасида вужудга келган ҳудудий номутаносибликни бартараф этиш, ресурслар ва ишилаб чиқариш имкониятларидан ҳар томонлама ва самарали фойдаланишни таъминлаш мумкин.

Иқтисодиёт таркибининг қайта қурилиши фаол инвестиция сиёсатини ўтказиш билан чамбарчас боғлиқдир. Инвестиция базасини ривожлантириш ва чуқурлаштириш — ислоҳотлар стратегиясининг жуда муҳим шартидир. Иқтисодиёт тузилиши қайта қурилишининг белгилаңган ўналишлари, экспорт имкониятининг кенгайтирилишига бақувват инвестиция сиёсатини ўтказиш йўли билангина эришиш мумкин. Бунинг учун ўз сармояларимизни ҳам, ташқи кредитларни ҳам, бевосита инвестициялар ва уларнинг барча манбаларини ҳам ишга солиш зарур.

Ташқи инвестицияларни, шу жумладан чет эл сармоясими кенг кўламда жалб қилиш ҳозирги кунда халқ хўжалиги таркибини қайта қуриш мақсадларига эришишнинг зарур шарти бўлиб қолди. Чет эл сармоясими жалб қилишни бевосита инвестициялар тарзида ҳам, давлат қарзлари, халқаро молия ва иқтисодий ташкилотлар, қарз бе-

рувчи мамлакатларнинг инвестиция ёки молиявий кредит ресурслари шаклида ҳам амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Биз маҳсус инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун чет эл сармоясини жалб қилишга алоҳида эътибор берамиз.

Ҳозир қўплаб чст эл фирмалари ва компаниялари биз билан ҳамкорлик қилиш истагини билдиromoқдалар. Бу имкониятлардан оқилона фойдаланишини ўрганиб олишимиз зарур. Мамлакатга янги технологияларни олиб келиш, харражатлар ўрни тезда қопланиб кетадиган кичик корхоналар қурилишини фаоллаштириш зарур. Ана шу устувор вазифаларни амалга ошириш учун чст эл сармояларни нисбатан очиқ эшиклар сиёсатини, ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш, олингандаромадларни эркин алмаштириш механизмини такомиллаштириш, кафолатларни кучайтириш йўлини ўтказишимиз зарур.

Мақсадга эришишнинг истиқболли йўлларидан биря — чст эл фирмалари билан қўшма корхоналар барпо этишдир. Яна бир бор тақрорлайманки, ажнабий шериклар билан алоқа ўрнатмаган корхона ёки тадбиркорнинг истиқболи унча порлоқ эмас.

Айни вақтда ишлаб чиқаришни таркибини қайта қуришнинг бош вазифасини бажаришга эришмоқ учун биз фақат чст эл сармоясига ишониб қололмаймиз. Ўз резервларимиз ва сармоя манбаларимизни қидириб топиш ва сафарбар этиш талаб қилинади.

Бунда фойдаланилмаётган имкониятларимизга роят жиддий эътибор беришимиз лозим. Ишлаб чиқарилаётган ялпи миллий маҳсулотнинг каттагина қисми иштеймолга ажратилиб, жамғариш муаммоларига ҳам эътибор берилаёттир. Ҳозирги мураккаб шароитда бундай аҳволни тушунса бўлади, лекин бу яқин келажакдаги сиёсат бўла олмайди. Биз шуни аниқ билиб олишимиз керакки, жамғармаларсиз истиқбол йўқ. Жамғармалар бўлмаса, ишлаб чиқариш ривожлантирилмаса, биз бир жойда депсиниб тураверамиш.

Бу соҳадаги аҳвол-руҳия, бу масалага корхоналарнинг муносабати жиддий ўзгартирилиши зарур. Эртанги кунни ўйламасдан, эртанги кун учун зарур захира вужудга келтирмасдан, фақат бугунги кун билан яшаш — истиқболсиз ҳаётдир.

Биз ўз мамлакатимизда ва ўзимиз учун зарур жамғармаларни тўплаб олганимиздан кейин ва

жамғармалар етакчи, аввало, ўзак тармоқларни ривожлантириш учун сармоя манбаи сифатида хизмат қила оладиган бўлган тақдирдагина чет эл сармоялари кела бошлиди. Одатда, чет эл сармоялари тез фойда келтирадиган соҳага сарфланади. Ажнабий сармоядорлар биз учун муҳим бўлган таркибий ўзгаришларга оид муаммоларни ҳал этишга, катта фойда келтирмайдиган, дескин республика ҳаётини таъминлаш учун ғоят зарур бўлган тармоқ ва корхоналарни устувор ривожлантириш учун кўплаб сармоя сарфлашга унча қизиқмайдилар. Шу сабабли биз иқтисодий мустақилликни таъминлаш мақсадида ўзак тармоқларни ривожлантириш учун ўз сармоя манбаларимизни қидириб топишимиз шарт.

Шу боис иқтисодий ислоҳотларнинг иккинчи босқичида давлатнинг энг муҳим вазифаларидан бири — ишлаб чиқаришга ва бошқа тадбирларга сармоя сарфлаш мақсадларига қаратилган маблағлардан солиқ ундиришнинг имтиёзли, рағбатлантирувчи тизимини жорий этиш ҳисобига корхоналар ва аҳоли инвестиция фаoliятини рағбатлантиришнинг бақувват механизмини вужудга келтиришдан иборатdir.

Ислоҳотларнинг иккинчи босқичида яхлит ва аниқ бир мақсадга қаратилган таркибий сиёсатни ўтказиш, бу сиёсатни зарур сармоялар билан мустаҳкамлаш вазифаси қўйилган. Бу яқин вақтлар ичидәёқ қишлоқ хўжалик ва маъдан-хом ашё ресурсларидан комплекс ва оқилона фойдаланишида туб бурилишларга эришиш учун шароит яратади. Республикада анъанавий тармоқлар билан бир қаторда ихтисослашишнинг нефть қазиб олиш ва нефти қайта ишлаш, автомобилсозлик, электроника, приборсозлик, чет эл туризми, ғаллакорлик ва ем-хашак етишириш сингари кўпгина янги тармоқларини вужудга келтириш имконини беради.

Саноатни ривожлантиришнинг белгиланган йўналишлари қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришидаги таркиб ўзгаришлари, коммуникациялар ва хизмат кўрсатиш соҳаларини, умуман ижтимоий соҳани жадал ривожлантириш билан қўшилиб, иқтисодиётнинг мутаносиб ишлashi, аҳолининг иш билан бемалол таъминланишига эришиш, халқ фаровонлигини ошириш учун зарур шароитлар яратади.

Шу сабабли энг асосий вазифа — ўтиш даври давомида бутун ҳалқ хўжалиги структурасини чуқур қайта қуришдан иборатdir. Шундай бир структурани вужудга келтириш зарурки, бу структура барча ресурсларимизни ҳисобга олиб, Ўзбекистоннинг иқтисодий ва сиёсий мустақиллигини таъминлаш имконини берсин.

**2.5. МАҚСАДИМИЗ — КУЧЛИ ИЖТИМОИЙ
КАФОЛАТНИ ТАЪМИНЛОВЧИ ДЕМОКРАТИК
ДАВЛАТНИ ҚАРОР ТОПТИРИШ**

Ўзбекистонда ўтказилаётган, туб иқтисодий ислоҳотларда ўз аксини топаётган иқтисодий сиёsat ширвард натижада демократик ўзгартиришлар қилиш, кучли суверен ҳуқуқий давлатни барпо этиш учун мустаҳкам моддий негизни яратишга йўналтирилгандир. Мақсадимиз — демократик, адолатли, фуқаролик жамиятини барпо этиш. Бу бизнинг эзгу орзуимиз, стратегиямиздир. Миллий тикланиш ҳамда ривожланиш умумий мафқурасининг ва кенг қамровли дастурининг моҳияти шундадир.

Демократик жамиятни қуриш кўп миллатли Ўзбекистон ҳалқи манфаатларига тўла мос тушади. Бу ҳалқ ўзининг эрк, баҳт-саодат, фаровонлик тўғрисидаги орзуларини ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида ўтказилаётган ислоҳотлар билан боғлади. Биз бу ишончни оқлашимиз даркор. Чинакам эркин фуқаролар давлатини қуришга интиляпмиз.

Барча ислоҳотлардан кўзланган мақсад, охир-оқибат, нимадан иборат? Янгиланган демократик жамият биноси, энг аввало, ким учун бунёд этиляпти? Ўз ҳалқимиз, ўз фарзандларимиз учун, албатта.

Ислоҳотларни амалга ошириш, туб тизим ўзгартиришлари қилиш қуруқ мақсад эмаслигини бир неча бор таъкидлаб ўтдик. Бу ислоҳотлар ҳалққа нима бериши муҳимдир. Кишилар ҳаётида яхшилик томон қандай ўзгаришлар бўлиши, уларнинг ҳаёти қанчалик тўқ, бой, гўзал бўлиши, инсон ўзини нақадар чинакам эркин ҳис этиши, ўз меҳнатининг, ўз тақдирининг, ўз мамлакатининг эгаси бўлиши муҳимдир.

Шунинг учун жамиятни ислоҳ қилиш ва янгилаш бўйича кўп қиррали фаолиятимиз марказида инсон, суверен

Ўзбекистоннинг фуқароси туради. Ислоҳотларнинг мазмунини айни ҳар бир фуқаро ўз қобилиятини, ўз истеъдодини на-моён этишига, шахс сифатида ўзини кўрсатиш имкониятига эга бўлишига қаратилган. Сиёсий ва ижтимоий ҳаётдаги барча ўзгаришлар айни мана шу олий мақсадга эришишга — ҳар бир кишининг ҳаётини яхшироқ, муносиброқ, маънавий жиҳатдан бойроқ қилишга бўйсундирилган.

Бошқа томондан қараганда, ислоҳ қилиш жараёнларининг аниқ мақсадга йўналтирилганлиги, олға босиши ҳамда натижадорлиги муайян шахслар, муайян одамларга бутунлай боғлиқдир. Ислоҳотларимиз мувваффақияти, мамлакатимизнинг яқин келажакдаги истиқболи шу шахслар қандай бўлишига, қанақа маънавий-маданий ва ахлоқий қадриятларни шиор қилиб олишига боғлиқ бўлади.

Шу боис биз умум эътироф этилган демократик қоидалар ҳамда тартибларни халқимизнинг туб ахлоқий қоидалари билан уйғун тарзда қовуштира оладиган давлатни бунёд этишга интиляяпмиз. Биз барпо этаётган демократик давлат халқимизнинг маънавий-руҳий дунёсини имкони борича тўла ҳисобга олиб иш юритмоги лозим. Юксак маънавийлик ва ижтимоий адолатни нозик ҳис этиш, маърифатли ва маълумотли бўлишта интилиш халқимизга хос хусусиятлардир. Бу хусусиятлар кўп жиҳатдан Шарқ фалсафаси, ислом фалсафаси таъсирида шаклланган бўлиб, уларни ривожлантиришга ўзбек халқи бебаҳо ҳисса қўшганлигини ҳамма эътироф этади.

Мустақиллик қўлга киритилгач, ўз давлатчилигимизни шакллантиришда маданиятимиз сарчашмаларига, ҳали чуқур ўрганишни тақозо этувчи улкан маънавий меросимизга мурожаат қилиш, бағоят бой тарихий ўтмищимизда мавжуд бўлган барча эзгуликларни юзага чиқариб, ривожлантириш борасида тарихий имкониятлар очилди. Шарқ цивилизацияси ютуқларини, ўтмиш аждодларимизнинг маданий ва маънавий бойлигини чуқур ва ҳар томонлама ўрганишимиз даркор. Бу қадимий халқимизнинг маданиятини, турмуш тарзини, урф-одатлари ҳамда анъаналарини яхшироқ билиб олишимизга имкон яратади. Буюк аждодларимиз бўлмиш мутафаккирлар, олимлар, гўзаллик ижодкорларининг биз учун янги бўлган номлари ва асарларини миллий маънавиятимиз хазинасига қайта-риш муқаддас вазифамиздир.

Маънавиятни мафкуравий ақидалардан ҳалос қилиб, миллий ўзлигини англашни тиклаш, ҳур фикр, миллий мафкурани шакллантириш ҳамда ривожлантириш учун кенг йўл очиб олдик. Эндиги асосий вазифа одамларимизнинг ана шу билимлар билан бойиб, маънавий жиҳатдан юксалишига, ўзлари ўз ҳаётларини яхши томонга ўзгартира олишларига бўлган ишончни мустаҳкамлашдан иборат...

Миллатимизнинг маънавий-ахлоқий ва маданий ютуқларини тиклаш, сақлаб қолиш, мустаҳкамлаш ва ривожлантириш тўғрисида бундан буён ҳам тинмай ғамхўрлик қиласиз. Бу ғамхўрлик Ўзбекистон ҳалқининг маданий ўзиға хослиги серқирра бўлишининг кафолати, демократик ўзгаришлар кафолати бўлиб хизмат қиласи.

Давлат қурилиши, иқтисодий ривожланиш жараёнлари маънавий камолот, юксак ахлоқийлик билан тўла уйғун бўлмоғи керак. Биз ўз сиёсатимизни шунга мослаб қурамиз ва уни изчилилк билан рӯёбга чиқарамиз. Ишонч-эътиқод бўлмаган жойда ташаббускорлик ҳам, бунёдкорлик фаолияти ҳам бўлмайди.

Демократик ўзгаришлар моддий ва маънавий соҳалардаги тинимсиз кундалик меҳнат натижасида қўлта киритилади. Аҳоли демократик ўзгаришларни амалга ошириш зарурлигини англабгина қолмай, балки уни чина-кам эркинлик, мустақиллик ва фаровонликка эришишнинг ягона йўли сифатида қабул қилишига ҳам эришиш зарур.

Чинакам демократизм қонуниларнинг қай даражада устунлиги билан, ҳуқуқ ва эркинликлар қанчалик кенг берилигани, ижтимоий кафолатлар кучи билан белгиланади. Ҳар қандай давлат, айниқса, чинакам демократияга интилаётган давлат ўз ҳалқи манфаатларини, ўз фуқароларининг ор-номуси ва қадр-қимматини, уларнинг ҳаёти ва эркинлигини, ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлмоғи даркор.

Ижтимоий муаммоларни муваффақиятли ҳал этиш, ишончли ижтимоий кафолатларни яратиш, меҳнатнинг манфаатли бўлишини кучайтириш — ислоҳотларни ўтказиш учун мустаҳкам ижтимоий таянч бўлади, улар муқаррарлигининг гарови бўлиб хизмат қиласи.

Биз шунчаки демократик давлат эмас, балки адолатпарвар демократик давлат қуришга интиляяпмиз. Адолатга интилиш — ҳалқимиз маънавий-руҳий дунёсига хос энг муҳим хусусият. Адолатпарварлик ғояси бутун иқтисодий ва иж-

тимоий муносабатлар тизимиға сингиб кетиши, ижтимоий құмаклашув механизмида ўз аксини топиши керак.

Жамият ҳаддан ташқари бойларга ва ҳаддан ташқари камбағалларга ажралиб кетишига йўл қўйишга бизнинг ҳаққимиз йўқ. Аҳолининг ёрдамга энг муҳтож қатлами — болалар, ёлғиз қариялар, ногиронларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва уларни қўллаб-қувватлаш ишларини мададга ҳақиқатан муҳтожларни аниқлаб амалга ошириш зарур. Шу боис ислоҳотларнинг иккинчи босқичида ижтимоий құмаклашув тизимини такомиллаштириш, аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг таъсиридан механизмини шакллантириш йўли давом эттирилади. Муайян моддий ёрдам аниқ оиласаларга етиб бориши, бироқ бу муайян кишиларга мўлжалланган табақалаштирилган ёрдам бўлиши ва мурракаб ўтиш даврида ҳақиқатан ҳам бусиз кун кечиролмайдиганларга бориб тегиши даркор.

Ҳозирги пайтда аҳолининг ижтимоий заиф қатламларига давлат томонидан моддий ёрдам кўрсатишнинг асосий қоидалари ва йўллари ишлаб чиқилган.

Жамоатчилик ғоялари, жамоа манфаатларининг бирлиги, кўпчилик фикрининг устунлигига асосланиш — жамиятимизнинг муҳим хусусиятидир. Шу боис жамиятни демократиялаш тизимида, унинг асосий қоидаларини, энг аввало ижтимоий адолатни рўёбга чиқаришда маҳалланинг роли ғоят каттадир. Ҳозирги вақтда оиласаларнинг ҳақиқий моддий аҳволини, уларнинг маънавий ва маданий қизиқишилари доирасини маҳалладан кўра яхшироқ биладиган бошқа тузилма йўқ. Маҳалла ҳозир халқ ишончини қозонган адолат маскани ҳамда аҳолийн ижтимоий қўллаб-қувватлаш механизми бўлиб қолди. У жамиятимизда ислоҳотларни амалга оширишнинг ишончли таянчи ва таъсиридан воситасига айланиши даркор.

Шу боис ўта муҳим ижтимоий муаммоларни ҳал этишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ролини бундан бўён ҳам бутун чоралар билан ошириш, уларни зарур моддий воситалар билан ишончли даражада мустаҳкамлаш лозим. Давлат ушбу ўта муҳим ижтимоий масалани ҳал этишда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига бутун чоралар билан құмаклашиши ва ёрдам кўрсатиши керак.

Шу билан бир қаторда маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари фаолиятида, бугунги кунда эътироф этилган ҳокимликлар фаолиятида ижтимоий йўналишни кучайтириш зарур. Бугунги кунда айни ҳокимликлар аҳолини кундалик зарур истеъмол моллари, ижтимоий-мениший хизматларнинг хилма-хил турлари билан боғлиқ структураларнинг бетўхтов ишлаши, меҳнатга яроқли аҳолининг иш билан бандлиги муаммоларини ҳал этиш учун масъулдирлар.

Шу боис улар ҳалқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи унча катта бўлмаган дўконлар, ихчам кичик корхоналар очилишини рағбатлантиришлари ва қўллаб-қувватлашлари зарур. Чакана савдони ривожлантириб, истеъмол молларининг Энг муҳим турларини майдалаб сотиш ишларини амалга оширишлари керак. Кундалик зарур молларнинг барқарор, бетўхтов сотилишига, уларнинг турини кўпайтириб, аҳолининг кенг қатламлари харид қилишга қурби етадиган даражада арzon бўлишига интилишлари лозим. Савдо корхоналари ва хизмат соҳасининг одамларга қулай равиша, оқилона жойлаштирилишига катта эътибор бермоқ зарур. Аҳоли ўзининг кундалик, ҳалётӣ муҳим эҳтиёжларини қондиришда қийинчилик сезмаслиги лозим.

Ҳокимият ўз куч-ғайратини ижтимоий инфраструктуранинг моддий базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга қаратиши даркор.

Турли ижтимоий хизматлар доирасини ижтимоий соҳа обьектларининг маълум қисмини хусусийлаштириш ҳисобига ҳам, ижтимоий хизматнинг давлатга қарашли бўлмаган, хусусий шаклларини рағбатлантириш ҳисобига ҳам, шунингдек шаҳар (қишлоқ) да жойлашган ижтимоий муасасалар фаолиятини яхшилаш ҳисобига ҳам кенгайтириш зарур. Чинакам рақобатли муҳит ишлаб чиқариш соҳасидаги эмас, балки ижтимоий соҳада ҳам шакллантирилмиғи керак. Аҳолига хизмат кўрсатувчи ташкилотлар, мулкчилик шаклидан қатъи назар, ўз мижози учун курашиши, хизмат кўрсатиш маданиятини, хизматлар сифатини яхшилашга интилиши даркор. Ҳамма жойда, фаолиятнинг барча соҳаларида, биринчи навбатда ижтимоий соҳада моддий неъмат яратувчи ва хизмат кўрсатувчиларга нисбатан ис-

төъмолчининг, талаб ва эҳтиёжи мавжуд бўлган инсоннинг устунлигини қарор топтириш керак.

Аҳоли пунктлари, посёлкалар ва қишлоқларни табиий газ ҳамда ичимлик сув билан таъминлаш аввалгилик ҳокимиятлар фаолиятида энг муҳим масала бўлиб қолади. Бу соҳада кўп иш қилинди, бироқ оддий коммунал қулийликлардан маҳрум бўлган қишлоқлар ва бўлинмалар ҳали ҳам кам эмас. Бу адолатсизликни ғоят қисқа муддатда бартараф этиш керак. Шаҳарлар аҳолиси билан йироқ қишлоқларнинг аҳолиси электр энергиядан, ичимлик сувдан, табиий газдан ва бошқа коммунал хизматлардан фойдаланишида тенг имкониятларга эга бўлишлари лозим. Маҳаллий ҳокимиятлар ана шу мақсадлар учун зарур маблағларни қондириб топишлари, ушбу муаммони ҳал этишга манбаатдор корхоналар ва ташкилотларнинг барчасини жалб қилишлари даркор.

Биз қишлоқда кенг тармоқли ижтимоий ишлаб чиқариш инфраструктурасини яратиб, янги иш жойларини очиш, янги ишлаб чиқаришларни вужудга келтириш, бинобарин, ижтимоий муаммоларнинг кенг кўламини ҳал этиш, қишлоқ аҳолиси турмуш шароитини яхшилаш учун зарур капитални жалб эта оламиз.

Барча одамларга ўз қобилиятларини кўрсатиш ва ишга солиш, ўз эҳтиёжларини қондириш учун дастлабки тенг имкониятлар яратиб бериш кафолатини ишончли равишида ўз зиммасига оладиган давлат-ҳуқуқий механизмини яратиш бизнинг вазифамиздир. Ҳалол ишлайдиган ҳар бир одам ўз оиласини боқиш имкониятига, маълумот олиш, тиббий хизматдан фойдаланиш, ижтимоий таъминланишида тенг ҳуқуқларга эга бўлиши даркор. Айни маҳалда бундан буён ҳар бир кишининг жамиятдаги аҳволи унинг ҳоҳишистаги ва меҳнат қила олиш маҳоратига кўра белгиланиши керак.

Кучли ижтимоий сиёсат мураккаб ўтиш даврида одамларнинг манбаатларини ишончли равишида ҳимоя қилишдангина иборат эмас. Бу, энг аввало, сермаҳсул меҳнат қилиш учун яхшироқ рағбат ва имкониятлар яратишдан, иқтисодий йўл танлаш ва фаолият кўрсатиш эркинлигига бўлган кафолатли ҳуқуқни қарор топтиришдан, аҳолининг меҳнат ва ижтимоий фаоллигини оширишдан ҳам иборатdir.

Бозорга ўтиш дастурини рўёбга чиқаришдаги ижтимоий таянчлардан бири, биринчи навбатда, жамиятнинг ижтимоий фаол қатламларидир. Уларнинг ғайрат-шижоати, ташаббускорлиги, ўзгаришларга тайёрлiği янги иқтисодий муносабатларни қарор топтиришга, ишлаб чиқаришнинг пасайишини жадал бартараф этишга, иқтисодиётни согломлаштириш ва юксалтиришга энг кўп даражада кўмаклашиши мумкин.

Шу боис ислоҳотлар иккинчи босқичининг энг муҳим вазифаси ҳар бир киши меҳнатининг қадрини ошириш, унинг ижодий фаолият кўрсатиш имкониятларини намоён этиши учун шароит яратишдан иборат. Ҳар бир кишининг иқтисодий эркинлигини унинг ўз муваффақияти ҳамда ўз оиласининг фаровонлиги учун иқтисодий масъуллиги билан қовуштириб боришга асосланган иқтисодий муносабатларни қарор топтириш керак. Ўз ижодий қобилиятлари ва имкониятларига таянишни назарда туттган муносабатлар ҳар бир киши фаровонлигининг ягона ва муқим манбаидир.

Бунда Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси учун қонуний равишда ва унинг кундалик ҳаётида мулкка эга бўлиш, иқтисодий фаолиятда тўла эркин бўлиш, ўзи меҳнат қиладиган соҳани ва иш шаклини танлашда эркин бўлиш ҳуқуқи таъминланиши даркор.

Меҳнат қилиш ҳуқуқи, тадбиркорлик ила шуғулланиш имконияти ҳамда ўз меҳнатидан даромад олиш ҳуқуқи меҳнатга яроқли аҳолининг иш билан бандлиги муаммосини ҳал этиш билан чамбарчас боғлиқ. Ўзига хос аҳоли таркибига эга бўлган, аҳолининг ўсиши юқори суръатлар билан бораётган Ўзбекистонда аҳолининг иш билан бандлиги масаласи доимо энг муҳим ва ўткир масалалардан бўлиб келган ва ҳозир ҳам шундай бўлиб қолмоқда.

Ушбу масалани ҳал этиш учун:

биринчидан, кенг фаолият турлари, биринчи навбатда қишлоқ ҳўжалик хом ашёсини қайта ишлаш, ҳалқ истеъмоли молларини, маҳаллий хом ашёдан қурилиш материалларини тайёрловчи хусусий кичик корхоналарни фаол ривожлантиришни рағбатлантириш, шунингдек якка тадбиркорликни кенгайтириш учун шароит яратиш керак;

иккинчидан, хизмат соҳасини, айниқса қишлоқ жойларда жадал ривожлантириш, аҳолига кўрсатиладиган

ижтимоий-маишӣ хизмат ва қурилиш бўйича хизматлар турини анча кенгайтириш даркор.

Хизмат кўрсатиш соҳаси — бу ҳали ҳам яхши фойдаланилмаётган, қўли ишдан бўшаётган ходимларни иш билан таъминлайдиган соҳатина эмас, балки меҳнат ресурсларининг бутун ўсишини таъминлашга қодир бўлган захирадир;

учинчидан, қўли ишдан бўшаётган ходимларни қайта тайёрлаш ва қайта ўқитишини ташкил этишини жиддий равишида яхшилаш керак. Ишдан бўшаётган ходимларга ёки ихтисоси бўлмаган шахсларга қисқа давр ичидаги янги, бозор шароитига ҳамда иқтисодиётнинг ўзгариб бораётган структурасига мувофиқ келувчи касб-корни ўргатадиган, уларнинг ўз ҳаётидаги ўзгаришларга иқтисодий ва руҳий мослашишларига ёрдам берадиган маҳсус маслаҳат ва ўқув марказлари, бизнес-мактабларининг кенг тармоғи очилиши керак;

ва ниҳоят, тўртинчидан, вақтинча ишга жойлаштириш имкони бўлмаган меҳнатга яроқли аҳоли тоифаси давлат томонидан ишончли равишида ижтимоий ҳимояланиши, ўзининг ўта зарур эҳтиёжларини қондириш учун кафолатли тирикчилик манбаларига эга бўлиши зарур.

Ишсизлик муаммосини ҳал этиш биринчи навбатда хотин-қизлар манфаатига тааллуқлидир. Айни хотин-қизлар бугунги кунда ишга жойлашишда кўпроқ қийинчиликларга учрамоқдалар, ижтимоий жиҳатдан энг заиф бўлиб қолмоқдалар. Биз хотин-қизларнинг жамиятдаги, оиласдаги аҳволини тубдан ўзгартиргомиз зарур. Хотин-қизларга муносабат жамиятимизнинг маънавий, ахлоқий етуклигининг ўлчови бўлиб хизмат қилиши керак.

Биз хотин-қизларимиз меҳнати ва турмушини ташкил қилишга кўпроқ эътибор беришимиз, улар уй-рўзгор ишларини ижтимоий ишлаб чиқаришда фаол қатнашиш билан оқилона қўшиб олиб боришлари учун шароит яратишимиш даркор. Хотин-қизларни раҳбар лавозимларга фаолроқ кўтариш, уларга мустақил, масъулиятли иш участкаларини топшириш, ўз профессионал ва маънавий имкониятларини тўлароқ намоён қилишларига имконият яратиш лозим.

Оналарнинг обрў-эътиборини жиддий равишида ошириш, уларнинг меҳнатини, жисмоний соғлом, маънавий

бой ҳамда ахлоқан пок ёш авлодни тарбиялашдаги хизматини муносиб баҳолашимиз керак. Она тўғрисида, унинг фарзанди тўғрисида ғамхўрлик қилиш давлатимизнинг муқаддас бурчидир. Ва биз Ўзбекистондаги оналар ҳамда уларнинг фарзандлари таъминланган, соғлом, баҳтиёр бўлишлари учун, улар келажакка умид билан дадил, бехавотир боқишилари, эртанги кунга ишонч билан яшашлари учун барча ишни қилмогимиз зарур.

Бу борада бутун соғлиқни сақлаш тизимини янада тақомиллаштириш алоҳида аҳамиятга эга. Уни тубдан ислоҳ қилишигина эмас, моддий-техникавий жиҳатдан мустаҳкамлаш, замонавий диагностика ва даволаш аппаратлари билан, юқори малакали тиббий кадрлар билан таъминлаш ҳам зарур. Энг аввало, соғлиқни сақлаш бутун тизимининг энг муҳим бўғини —кўп соҳали туман касалхоналари ҳамда қишлоқ тиббиёт мусассасаларини ривожлантириш, уларни техника билан жиҳозлаш, дори-дармон ҳамда препаратлар билан таъминлаш зарур, зеро уларнинг вазифаси аҳоли орасида профилактика ишларини аяча юқори даражага кўтаришдир.

Бутун профилактика-диагностика ишини, болаларни эмлаш тизимини, санитария-эпидемиология хизматини сифат жиҳатидан юқори даражага кўтариш лозим. Биз Ўзбекистон ҳудудида турли юқумли касалликларнинг вужудга келиши ҳамда тарқалишига бутунлай тўсиқ қўйишимиз керак. Касалликни ўз вақтида, бошланғич босқичида аниқлашга, замонавий усуслардан фойдаланган ҳолда касалликка қарши самарали кураш олиб боришга, стационар касалхоналар тармоғидан фойдаланиш самардорлигини оширишга ўрганмогимиз даркор.

Соғлиқни сақлашнинг аҳволига баҳо беришда биз миқдорий кўрсаткичлар — касалхоналардаги ўринлар ҳамда амбулатория-поликлиника мусассасалари миқдори, шифокорлар сони каби кўрсаткичлардан қатъиян воз кечишимиз даркор. Кўпроқ эътиборни уларнинг сифатига қаратишимиз, аҳолининг умрини узайтиришга, болалар ва оналар ўлимини, юқумли, юрак-қон томир ҳамда кенг тарқалган бошқа касалликларни камайтиришга эришишимиз керак.

Бизнинг кенг қўламли янгиланиш ва тараққиёт дастуримизнинг моҳиятини ташкил қилувчи туб

ўзгаришларни жисмоний кучли ва соғлом кишиларгина амалга оширишга қодирдир. Биз давлат мулкчиликкага ҳам, хусусий мулкчиликка ҳам асосланган тиббий хизматнинг турли шаклларини ривожлантириш, тиббий сугуртанинг ривожланган тизимини вужудга келтириш ҳисобига халқимизнинг сиҳат-саломатлигини бутун чоралар билан мустаҳкамлашимиз зарур.

Мақсадларимизга эришиш, янги, демократик жамиятни қуриш, ислоҳотларнинг тақдирли қандай интеллектуал кучларга эгалигимизга, ёшларимиз қандай маданий ва профессионал савияга эришганлигига, қандай идеалларга эътиқод қилишига, маънавий жиҳатдан қанчалик бойишига боғлиқдир. Шу боис аҳолининг маълумот олиш имкониятини ошириш, миллий тикланиш ғоясини амалга оширишга қодир янги авлодни тарбиялаш энг муҳим вазифаларимиздан биридир.

Юқори маълумотли, маданиятли ҳамда профессионал жиҳатдан етук шахсгина иқтисодий эркин бўлиши, демократик ва туб иқтисодий ўзгаришларнинг ишончли таянчи бўлиши мумкин. Ушбу ҳақиқатни тушуниш халқнинг маънавий ва маданий ҳаётини яхшилаш, тальлим-тарбияянинг бутун тизимини янгилаш жараёнининг замирида ётиши даркор.

Билимдон, профессионал жиҳатдан саводли ҳамда гайрат-шижоатли шахсларни, ўз мамлакатининг чинакам ватанпарварларини тарбиялай оладиган, уларни буюк миллий маданиятнинг улкан маънавий мероси билан бойита оладиган, жаҳон фани ва маданияти дурдоналаридан баҳраманд эта оладиган мамлакатгина, миллатгина буюк келаҗакка эришиши мумкинлигини ёддан чиқармаслик лозим.

Миллий тикланиш йўли юқори саводхонлик, юксак маданият орқали ўтади. Шунинг учун ҳам маълумот даражаси, профессионал тайёргарлик даражаси XXI аср арафасида бизнинг ижтимоий ривожланишимизнинг ўлчови бўлиб қолмоғи керак. Бу — илоҳотларнинг белгиланган ўйдан боришини муваффақиятли амалга оширишнинг энг яхши кафолатидир. Бу — сарфланган маблаглардан вақти келиб энг кўп фойда олинадиган йўналишдир.

Биз йигит ва қизларимизнинг маълумотли киши учун зарур бўлган барча билимларни эталлай олишларига, янги

шароитларга тез ва машаққатларсиз мослашишларига имкон беришимиш керак. Яңгилантан ўз давлатларини қуриш, ислоҳ қилиш жараёнининг фаол қатнашчилари бўлишларига имкон берадиган, маданий, ахлоқий ва маънавий қадриятларни эгаллаб олишлари учун ёрдам берадиган шароит яратишимиш даркор.

Халқ таълим мининг бутун тизимини янада қатъият билан ва тезроқ қайта қуриш зарур. Ҳозирги шароитда халқ таълими тизимини, унинг барча бўғинларини ягона комплекс сифатида қарааш талаб этилмоқда. Бу бўғинлар болаларнинг мактабгача тарбия олишини, умумий ва маҳсус билимга, профессионал тайёргарликка эга бўлган ёшларнинг шахс сифатида маънавий ва ахлоқий қамол топишини, уларнинг жисмоний ривожланишини таъминлайди. Шундай негиз мавжуд бўлганда гина, янги, равнақ топаётган жамиятни қуриш бўйича бугун ота-оналар ва катталар томонидан бошланган шарафли ишни охиригача олиб боришга қодир бўлган жисмонан ва маънавий соғлом авлодни тарбиялаш мумкин.

Бунинг учун умумий таълим мактабини, олий ва ўрта маҳсус таълим тизимини жиддий равишда мустаҳкамлаш, ўқув дастурларини янгилаш, уларни жаҳон билим дурдониалари билан бойитиш, замонавий дарсликлар ва маҳсус адабиётлар чиқариши йўлга қўйиши зарур. Ўқитувчиликлар, муаллимларнинг обрў-эътиборини қайта тиклаш, уларнинг меҳнатини эътиборли ва юқори ҳақ тўланадиган соҳага айлантириш керак.

Болалар билан мактабдан ташқари ишларни ташкил қилишга, кишиларда, энг аввало ёш авлодда юқори маданият ва маълумотни, меҳр-оқибат ва ҳалолликни, ахлоқий покликни шакллантириши лозим бўлган ижтимоий-маданий муассасалар — кутубхоналар, театрлар, музейлар, кўргазма заллари ва бошқаларнинг моддий базасини мустаҳкамлаш ва уларни ривожлантиришга алоҳида эътибор бериш зарур. Маданиятнинг, томоша-кўнгилочар манзиллар комплексини бутунлай тижорат билан бобглаб қўйилишига йўл қўймаслик лозим. Акс ҳолда ёшларда бозор муносабатлари, ҳаёт қадриятлари, муваффақиятлар, уларга эришиш йўллари ва усууллари ҳақида нотўғри, бузуқ таассурот шаклланиб қолади.

Демократик жамият — бу, энг аввало, фуқаролик жамиятидир. Чинакам демократиянинг олий мазмуни — ҳаҳсла-

раро, миллатлараро, давлат ва ижтимоий-сиёсий муносабатларни уйғуллаштиришдан иборат. Бунда инсон ва жамият, жамият ва давлат ҳокимияти тинч-тотув яшайди.

Ўзбекистон ўзининг кўп асрлик тарихи мобайнида нодир давлатлардан биря бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда. Бу ерда қадимданоқ кўп миллатли аҳоли таркиб тоғган ва изчил ривожланган. Республикадаги барча фуқаролар, қайси миллатга мансублигидан қатъи назар, Ўзбекистоннинг яхлит ва ягона суверен халқини ташкил этади.

Биз миллий белги бўйича ҳар қанақа фарқлашларга қатъиян қарши чиқамиз. Жаҳонда катта ва қичик миллатлар ва эзлатлар йўқ. Уларнинг ҳар бири асрий барқарор ва тенги йўқ анъаналари билан, тарихий меросининг бойлиги билан, миллий руҳининг умумийлиги билан, маданиятининг ўзига хослиги билан аҳамиятлидир. Республика аҳолиси орасида кўпчиликни ташкил қилган ўзбек миллатининг муқаддас бурчи она тилини, ўз миллий маданияти ва тарихини тиклашдангина иборат эмас, балки биргаликда ҳаёт кечирувчи кам сонли халқларнинг тақдиди учун, уларнинг ўзига хос маданий-маънавий хусусиятларини сақлаб қолиш учун, камол топиши ва ўзлигини намоён этиши учун уларга тенг шароит ва имкониятлар яратиб бериш борасида масъул бўлишдан ҳам иборатдир.

Фуқаролар ўртасидаги тинчлик, миллатлараро тотувлик ва дўстлик, уларни сақлаш ва мустаҳкамлашга интилиш доимо халқимизнинг ўзига хос фазилати бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда. Халқимизда бу фазилатлар авлоддан-авлодга авайлаб ўтказиб келинмоқда. Ўзбекистон бундан буён ҳам ижтимоий кафолатлари кучли бўлган чинакам демократик, кўп миллатли давлат бўлиб қолаверади.

* * *

Ўзбекистон ишлаб чиқилган қоидалар ва устувор йўналишларга мувофиқ, ўзига хос янгиланиш ва тараққиёт ийлидан изчил ва ишонч билан олга бормоқда. Ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларидаги ислоҳ қилиш жараёнларининг илк натижалари ҳозироқ аниқ сезила бошлади,

Ёш суверен Ўзбекистонимизнинг давлат ва сиёсий тизими янги замонавий демократик хусусиятлар касб этди. Давлат ҳокимиятининг олий органи — Олий Мажлис илк бор кўп партиялилик асосида сайланди. Умум эътироф этилган демократик нормалар — хоҳиш-истак эркинлиги, сўз эркинлиги, виждан ва динга эътиқод қилиш эркинлиги ҳаётимизда мустаҳкам қарор топиб бормоқда. Бизни социалистик тузумдан кейинги бир қатор мамлакатлардан фарқлаб турган, юксак даражада ривожланган юксак маданий демократик давлатлар билан яқинлаштириб турган, жаҳон ҳамжамиятига ҳар томонлама қўшилиб кетиш учун йўл очиб бераётган нарса — фуқаролар тинчлиги, миллатлараро тотувлик, ижтимоий барқарорликди.

Ижтимоий ҳаётни демократиялаш ҳокимият ва бошқарувнинг маҳаллий органлари — вилоят, шаҳар, туман ҳокимликларини мустаҳкамлаш ва энг муҳим ҳалқ хўжалик муаммоларини ҳал этишда уларнинг ролини оширишда бевосита намоён бўлмоқда. Ижтимоий адолат принципларини рўёбга чиқаришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳаллаларнинг таъсири анча кучайди. Бошқарув тизимида хўжалик юритувчи қуий структураларга, корхоналарнинг ўзларига, уларнинг ихтиёрий бирлашмаларига ишлаш учун катта эркинлик бериб қўйилди. Давлатнинг ва давлат бошқарув органларининг роли тубдан ўзгариб бормоқда. Улар ўз асосий функция ва вазифаларини бажаришга: стратегияни белгилаш ва уни рўёбга чиқаришни назорат қилиш, мамлакат мудофаа қудратини мустаҳкамлаш ва унинг хавфсизлигини таъминлаш, фаол ташқи сиёсат ўтказиш, ижтимоий ва ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятида бозор муносабатларини шакллантириш сингари ишларни амалга оширишга кўпроқ эътибор бермоқдалар.

Ислоҳотлар жараёни иқтисодий соҳада янги бозор муносабатларига асос солди, иқтисодий фаолият эркинлиги, ташаббускорлик ва тадбиркорликни намоён этиш учун шароит яратиб берди. Ишлаб чиқаришнинг пасайишини бартараф этиш, иқтисодий ва молиявий аҳволни барқарор йўлга қўйиш, ўтган ўн йилликларда иқтисодиётда йўл қўйилган бузилишларни тузатиш бўйича аниқ қадамлар қўйилди.

Ислоҳотлар жараёнида ижтимоий-маънавий соҳадаги ижтимоий кафолатлар мустаҳкамланди. Мураккаб ўтиш

даврида одамларнинг турмуш даражаси кескин ёмонлашувига йўл қўймаслик учун аҳолини ижтимоий ҳимоялаш механизмини ишлаб чиқдик ва у яхши иш берди. Мафкуравий ақидалардан холос бўлиш натижасида ўз мамлакатимиз, ўз халқимиз тарихини чуқурроқ билиш, кўп асрлар мобайнида яратиб келинган маънавий қадриятлардан баҳраманд бўлиш, она тилимиз гўзаллиги ва улуғворлигини тушуниш имкониятига эга бўлдик ва бу миллий қайта тикланиш учун асос бўлиб хизмат қилди. Маънавий камолотнинг юксалиб бориши ҳаётий қадриятларни, ижтимоий тараққиётнинг мазмуни ва мақсадларини, ислоҳ қилиш ва янгиланишнинг барча жараёнларини баҳолашга янгича ёндашиб имконини берди.

Халқимиз тарихида янги давр бошланди. Биз ўз ривожланишимизнинг янги палласига қадам қўйдик. Иккинчи босқичнинг мақсадлари аниқ-равшан белгилаб олинди. Улар эришилган ютуқлардан мантиқий равиша келиб чиққан бўлиб, ислоҳ қилиш жараёнларини чуқурлаштиришга қаратилгандир. Биз жамиятимизни демократиялаш, демократик адолатпарвар, ижтимоий йўналтирилган, ривожланган бозор иқтисодиётига эга бўлган фуқаролик давлатини барпо этиш йўлидан янада олга ва яна ҳам дадилроқ боришимиз даркор.

Иккинчи босқичда кўзланган мақсад — республикада демократик тузумни мустаҳкамлаш, ижтимоий ҳаётни ва хўжалик фаолиятини ташкил қилиш тизимида қонунларнинг ҳамда ҳуқуқий меъёрларнинг ролини кучайтириш, давлат бошқарувининг яхлит тизимида турли бўғинларнинг ваколат доирасини аниқ чегаралаб олишдир. Бунда маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқ ва ваколатларини энг кўп даражада кенгайтиришдан иборатдир. Ҳаётимизда фикрлар хилма-хиллиги, сиёсий вазминлик ҳамда халқимиз тақдирни учун масъулият қарор топмоги зарур.

Иккинчи босқичда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш жараённада иқтисодий барқарорликни таъминлаш, миллий валютани мустаҳкамлаш, мулкни давлат тасаруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш, чинакам рақобатчилик муҳитини яратиш вазифаси турибди. Буларнинг бари чуқур структуравий

ўзгартиришларни амалга ошириб, иқтисодиётни сиғат жиҳатидан яна ҳам юқори даражага күтаришга ва унинг жаҳон бозорига чиқишини таъминлашга, жаҳон иқтисодий тизимиға қўшилиб боришини жадаллаштиришга хизмат қилмоги керак.

Биз белгилаб олган ва ўтказаётган ислоҳотлар йўли етакчи халқаро иқтисодий ва молиявий ташкилотлар, жаҳон жамоатчилиги, жаҳондаги иқтисодий ривожланган энг йирик мамлакатлар томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда. Бу танлаган йўлимиз тўғрилигига, бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос моделини амалга ошишимиздаги муваффақиятга ишонч уйғотмоқда.

Демократик ва иқтисодий ислоҳотлар иккинчи босқичи вазифалари ҳамда унинг устувор йўналишларини амалга ошириш ижтимоий кафолатларни мустаҳкамлаш ҳамда халқимизнинг маънавияти ва маданиятини ривожлантириш билан ўзлуксиз bogлиқdir. Юксак маънавийлик — туб ва муқаррар ўзгартиришларнинг чинакам демократияни қарор топтириш ҳамда бозор иқтисодиётига маърифатли йўл билан кириб боришининг асосидир.

Ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнларини муваффақиятли амалга ошириш учун ҳуқуқий базани кучайтириш, туб ўзгартиришларни рағбатлантириш учун кучли омиллар ва кафолатларни яратувчи янги қонунлар қабул қилиш, халқ хўжалигини юксак даражада билимдон, касбий жиҳатдан яхши тайёргарлик кўрган, она-Ватанга оташин муҳаббат қўйган, самимий садоқатли кадрлар билан мустаҳкамлаш зарур.

Ислоҳотларнинг муваффақияти ҳар биримизнинг қўлимида; Ўзбекистонда яшовчи барча аҳолининг қўлидадир. Мамлакатимиз эркин, бой ва равнақ топаётган мамлакат бўлсин десак, фарзандларимиз баҳтиёр ва тўкин-сочин яшасин десак, ислоҳотлар иккинчи босқичидаги мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун бутун куч-ғайратимизни сарфламоғимиз даркор. Бу босқич мамлакатимизнинг жадал ривожланиши, унинг қудрати ҳамда жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътиборини кучайтириш учун мустаҳкам замин яратишга қаратилгандир. Ушбу мақсадларга эришиш — бизнинг муқаддас бурчимиз, келажак авлодлар олдидағи эзгу мажбуриятимиздир.

1995 йил

МУНДАРИЖА

ЎЗБЕКИСТОННИНГ СИЁСИЙ-ИЖТИМОЙ ВА ИҚТИСОДИЙ ИСТИҚБОЛИНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги маъруза, 1995 йил 23 февраль

МИНТАҚАВИЙ МУАММОЛАРДАН ЖАҲОНШУМУЛ МУАММОЛАРГА. Дания пойтахти Копенгагенда ўтган халқаро конференцияда сўзланган нутқ, 1995 йил 12 март

ЎЗБЕКИСТОН ЙЎЛИ - ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИГА ҚЎШИЛИШ ЙЎЛИДИР

БИЗ ЖАМИЯТНИ ЯНГИЛАШ ЙЎЛИДАН БОРМОҚДАМИЗ. ГФР Федерал Президенти Роман Герцог шарафига уюштирилган қабул маросимида сўзланган нутқ, 1995 йил 11 апрель

ВАТАН САЖДАГОҲ КАБИ МУҚАДДАСДИР. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессиясида сўзланган нутқ. 1995 йил 5 май

ДИЁРИМИЗ ТИНЧ, ОСМОНИМИЗ ДОИМО МУСАФФО БЎЛСИН

ДАВР ТАҶОЗОСИ

ДЎСТЛИГИМИЗ ҚҮЁШИ МИНГ ЙИЛЛИКЛАР ҚАЪРИДАН НУР СОЧАДИ. Қозогистонда Ўзбекистон кунларининг тантанали очилиши маросимида сўзланган нутқ, 1995 йил 20 май

ЎЗБЕКИСТОН КЕЛАЖАККА ИШОНЧ БИЛАН ҚАРАМОҚДА. Навоий кон-металлургия комбинати 3-гидрометаллургия заводининг биринчи навбати очилишига бағишланган тантанада сўзланган нутқ, 1995 йил 14 июнь

**ҚИШЛОҚ ИСТИҚБОЛИ - ЮРТ ИСТИҚБОЛИ
ФАОЛИЯТИМИЗ ВАТАН МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛСИН**

ИСЛОҲОТИМИЗ ТАМОЙИЛЛАРИ. "Российская газета" мухбирининг саволларига жавоблар, 1995 йил 7 июль

КЕЛАЖАККА ҚАТЪИЙ ИШОНЧ БИЛАН БОҚАМИЗ. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил

биринчи ярим йиллик якунларига бағишиланган мажлисида сўзланган нутқ, 1995 йил 29 июль

БУЮК КЕЛАЖАК САРИ ДАДИЛ ОДИМЛАР

МАЊНАВИЙ БИРЛИК САРИ МУҲИМ ҚАДАМ. Бишкеқда туркий тилли давлатлар бошликларининг учрашувида сўзланган нутқ, 1995 йил 28 август

"МАНАС"- ҚИРҒИЗНИНГ АЗАЛИЙ ВА АБАДИЙ ҚОМУСИДИР. Бишкеқда "Манас" эпосининг 1000 йиллиги тантаналарида сўзланган нутқ, 1995 йил 28 август

ЎЗБЕКИСТОН ТЕННИС МАМЛАКАТИ БЎЛАДИ.

Тошкентда Президент кубоги учун 1995 йил 29 августда II ҳалқаро турнир очилиши маросимида ҳамда 1995 йил 2 сентябрь куни ёпилишида сўзланган нутқ

ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА